

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

ШОАКБАР ШОРАҲМЕТОВ

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ
ҲУҚУҚИ**

ДАРСЛИК

**67.410(5У)
Ш79**

Шорахметов Шоакбар Шорустамович,
Тошкент Давлат юридик институтининг
“Фуқаролик процессуал ҳуқуқи” кафедраси
мудири, юридик фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист
Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик
процессуал ҳуқуқи. (Дарслик). –Т.: “Адолат”,
2001. -512 -бет

ББК 67.410 (5У)

Такризчилар: М.К.Азимов, Э.Э.Эгамбердиев
Юридик фанлари номзодлари, доцентлар.

Ушбу дарсликда Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг умумий масалалари бўлмиш даъво қўзғатиш, ишни судда кўриш, ишларнинг алоҳида тартибда кўрилиши, мансабдор шахсларнинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят бериши, ишларни апелляция, кассация, назорат тартибида кўриб ҳал этиш ҳамда хўжалик судлари, нотариат фаолияти билан боғлиқ масалаларни ёритишга ҳаракат қилинган.

Дарсликда ўз қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ҳар бир фуқаро, давлат ва жамоат ташкилотлари нималарга эътибор беришлари лозимлиги ҳақида фикр юритилади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқи бўйича яратилган ушбу дарслик олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари, умумий ва хўжалик судьялари, бошқа суд ходимларига, прокуратура, адвокатура, нотариат, фуқаролик далолатномаларини қайд этиш идораларига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа орган ходимларига ва кенг китобхонларга мўлжалланган.

**Ш. 10203021100 – 013 2001
(04) – 2001**

**©Ўзбекистон республикаси Адлия вазирлигининг “Адолат”
нашриёти, 2001.**

МУАЛЛИФ ДАН

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Фуқаро ва ташкилотлар тегишли шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақлидирлар. Бундай фуқаролик ишларини судларда ва бошқа идораларда тўғри ва ўз вақтида кўрилиши, ҳал қилинишини таъминлашда фуқаролик ҳуқуқий меъёрларнинг тўғри татбиқ этилиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Ушбу дарслик мамлакатимизда мустақиллик эълон қилингандан кейин ўтган давр мобайнида қабул қилинган Республика Конституцияси, судлар, прокуратура, адвокатура, нотариат тўғрисидаги қонунлар, шунингдек фуқаролик процессуал, фуқаролик, оила, меҳнат, уй-жой ва бошқа кодекслар, қонунларга асосланиб ёзилган бўлиб, бирмунча мураккаб ҳисобланган фуқаролик процесси фанининг талабалар томонидан ўзлаштиришга, ҳуқуқий меъёрларни бевосита татбиқ этувчи суд ҳамда бошқа идораларда хизмат қилувчиларнинг фаолиятларида қонунларнинг тўғри тушунилиши ва амал қилинишига кўмаклашишни назарда тутди.

Кўлингиздаги дарслик ҳозирги давр талаблари ҳамда суд, прокуратура, адвокатура, нотариат идораларининг амалиётини ўрганиш билан тузилган ўқув дастури асосида, шунингдек олдинги ҳуқуқий адабиётлар ва дастурларни ижобий жиҳатларидан фойдаланган ҳолда талабаларга мувофиқлаштирилиб ёзилди.

Дастурга асосан дарсликда суд ҳокимияти ҳақида, фуқаролик процессининг умумий масалалари, даъво ишларини юритиш, давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар ҳамда алоҳида тартибда иш юритиш, ишларнинг апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида кўрилиши, суд қарорларининг ижро этилиши, шунингдек нотариат, хўжалик судлари ва фуқаролик процессининг бошқа масалалари мустақил республикамиз қонун ҳужжатлари ва уларни амалиётда татбиқ этишдан келиб чиқадиган масалалар асосида ёритилди.

Дарсликни яратишда муаллиф собиқ Иттифоқдош республикаларнинг қонунларига илмий шарҳлар бериб, ёзилган асарларнинг ижобий жиҳатларидан фойдаланганлигини таъкидлаш билан биргаликда уларнинг муаллифларига чуқур ҳурмат туйғусини изҳор қилади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқи соҳасида яратилган бу дарслик мустақил республиканинг мустақил қонунларига ва ҳуқуқий ҳужжатларига асосланган ўзбек тилидаги дарслик бўлиб, юқорида қайд этилган ижобий жиҳатлари билан муқаддам нашр этилган дарсликлардан фарқ қилади.

«Беками - кўст парвардигор» деганларидек, ушбу дарслик ҳам айрим камчиликлардан холи эмас. Шунинг учун уни сифатини яхшилашга қаратилган таклифларни муаллиф миннатдорчилик билан қабул қилади

БИРИНЧИ БОБ

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИНИНГ ПРЕДМЕТИ, ТУШУНЧАСИ ВА ТИЗИМИ

1-§. Фуқаролик суд ишларини юритишнинг мақсади ва вазифалари

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, демократик ҳуқуқий давлат қуриш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил қадам ташлаб бориб, жаҳон ҳамжамиятида мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Мамлакатимизда турли соҳаларда ислоҳатлар ўтказилмоқда. Ўтказилаётган ислоҳатларнинг қонуний замини Конституцияда ёритилган бўлиб, унда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги, қонунларнинг устунлиги, ҳуқуқ ва одил судловни тўғри амалга оширишга қаратилган қоидалар ўз ифодасини топган.

Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқининг кафолатланиши Конституциянинг 44-моддасида алоҳида ҳуқуқий меъёр белгиланган бўлиб, бунда суд ҳокимиятини бошқа давлат идораси суд каби низоли фуқаролик масалаларини тўғри, одилona ҳал эта олмаслиги суд ҳокимиятининг муҳим жиҳатларидан эканлиги кўрсатилган.

Президентимиз И.А.Каримов инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатлари устувор бўлиши кераклиги, давлат ва давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари ўз фаолиятини инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиш ва қўриқлаш ишига сафарбар қилгандагина ўз вазифасини тўғри адо этажаклиги, фуқароларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш соҳасини мумкин қадар кенгайтириш даркорлиги, айрим тармоқ қонунларида ҳуқуқлари паймол этилган фуқароларнинг шикоятларини судлов йўли билан эмас, балки маъмурий йўл билан кўриб чиқиш тартиби учраб туришлиги, бу ҳол инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясига ва бизнинг Конституциямиз талабларига зидлиги, фуқаро, агар унинг қонуний манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқлари паймол этилган тақдирда, ҳар қандай масала бўйича ҳимоя учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлмоғи даркор,¹ - деб кўрсатиши суд ҳокимиятига нисбатан бўлган муносабатни ўзгартириш лозимлигидан далолатдир.

Манфаатдор шахсларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг суд тартибида амалга ошириш тадбирлари амалиётда ижобий натижалар бераётганлигини ҳаёт тақозо этмоқда. Бунга асос сифатида фуқаролик процессуал ҳуқуқий меъёрларни суд амалиётига таъсир кўрсатиши ва суднинг ўзига берилган ваколат доирасида чин ҳақиқатни аниқлашга ва шу билан одил судловни амалга оширишга қаратилган барча ҳуқуқлардан фойдалана олиш имкониятига эга бўлиши суд ҳокимияти бошқа давлат органларидан ажратиб

¹ Қаранг: И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари. – Т.: Ўзбекистон, 1995 йил, 23-24-бетлар

туради. Демак, Конституция ва бошқа қонунларда кўрсатилганидек, суд органларининг демократик жиҳатларининг энг муҳимларидан бири давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролар ҳуқуқи ва эркинликлари ҳимоясининг устун қўйилишидир.

Манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан суд одил судловни амалга оширади. Одил судлов фақат судлар томонидан амалга оширилиши «Судлар тўғрисида»ги қонунда ўз ифодасини топган.

Ўзбекистонда суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил равишда иш юритиш ҳақида Конституцияда ўз ифодасини топганлиги истиклолга эришган Республикамининг демократик, адолатли ҳуқуқий давлат қуриш сари ташлаган илк қадамларидан ҳисобланади.

Судлар ўз фаолиятлари билан манфаатдор шахсларнинг нафақат ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиши, шу билан уларни қонунни ҳурмат қилиш ва унга риоя этиш руҳида ҳам тарбиялайди.

Судлар одил судловни мустақил амалга оширишда фақат қонунга бўйсинишлари, бу борада олиб бориладиган фаолиятга бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўймаслиги ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлишлиги Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида белгилаб қўйилган.¹

Суд одил судловга қаратилган фаолиятини фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунларга мослаган ҳолда, судга тааллуқли бўлган фуқаролик, оила, меҳнат уй-жой ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган даъво талабларига оид ишларини, низосиз бўлган алоҳида тартибда кўриладиган ишларни ҳамда давлат идоралари, бошқа идоралар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган ариза ва шикоятларни кўриш тўғрисидаги ишлар бўйича қонуний асослантирилган, адолатли ҳал қилув қарори чиқариш билан амалга оширади.

Фуқаролик суд ишларини юритишнинг мақсад ва вазифалари процесс иштирокчиларининг бузилган моддий ва процессуал ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва шу билан фуқароларни қонунлар, ҳуқуқий меъёрларни бажаришга онгли муносабатда бўлиш руҳида ҳам тарбиялашни назарда тутди. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурида бу борада қуйидаги фикрлар билдирилган: «Инсон ҳуқуқлари-инсонпарвар демократик ҳуқуқий онгнинг ўзагидир. Ҳуқуқий онг даражаси-бу одамларнинг ҳуқуқлардан шунчаки хабардорлиги, қонунларни билишигина эмас, бу энг аввало қонунларга риоя этиш ва уларни бажаришга тайёрларлик, қонунга итоаткорлик, ҳуқуқни ва одил судловни ҳурмат қилишдир.»²

Демак, суднинг одил судловни амалга оширишга қаратилган фаолияти, кўрилиши лозим бўлган масалани тўғри ҳал қилиш учун манфаатдор шахсларга қонунда кўрсатилган процессуал ҳаракатларни татбиқ этиш билан

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Судлар тўғрисида»ги Қонунининг янги таҳрири. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2001

² Қаранг: «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури». Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 17-сон. Т.: Адолат, 1998

ғайриқонуний ҳаракат қилган тарафга нисбатан давлатнинг мажбурлаш кучини қўллаш ва тегишли фуқаролик ишларининг ечимини топиш муаммолари тушунилади.

2-§. Фуқаролик процесси тушунчаси ва субъектив ҳуқуқларни ҳимоя қилиш шакллари

Ҳуқуқ соҳасида ишлатиладиган «процесс» атамаси латинча «процессум» сўзидан олинган бўлиб, ҳаракат деган маънони англатади. Фуқаролик процесси фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш билан боғлиқ ҳараркатни, фаолиятни билдиради.

Фуқаролик процесси деб, қонун билан белгиланган фуқаролик ишларини кўриш, ҳал қилиш ва суд қарорларини ижро этиш билан боғлиқ фаолиятга айтилади. Процессуал қонун суд фаолиятининг амалга оширилишида манфаатдор шахсларга ишда иштирок этиш ҳуқуқини, уларга қатор процессуал ҳуқуқлар берилишини ва процессуал бурчлар юклатилишини белгилайди.

Мустақил Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқларини янада тўлароқ ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик процессуал қонунчилик ҳам янгиланмоқда.

Субъектив ҳуқуқларни, яъни фуқаролар, ташкилотларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш шакллари «Судлар тўғрисида»ги қонунда белгиланган. Бунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ва жойлардаги судлар ўз фаолиятини ана шу вазифаларга қаратганлар.

Конституциявий судни ташкил этиш ва унинг фаолият тартиби алоҳида кўриладиган соҳага киради.

Умумий судлар Конституцияга ва бошқа қонунларда белгиланган инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда қабул қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўрикланадиган манфаатларига риоя этилишини кафолатлашга қаратилган фуқаролик ишларини кўриш, одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни амалга оширадилар.¹

Фуқаролик процесси мулкӣ ва шахсий ҳуқуқларнинг суд томонидан ҳимоя қилиниши шакли сифатида кўрлади. Шу муносабат билан муайян фуқаролик процессуал ҳаракатлар қилинади. Бундай ҳаракатлар судда фуқаролик ишининг тарафлари сифатида қатнашувчилар ва ишнинг бошқа иштирокчилари томонидан қилинадиган процессуал ҳаракатлар, шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга оширувчи суднинг процессуал ҳаракатларидан иборат бўлади.

Суднинг, тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг муайян фуқаролик процессуал ҳуқуқ ва бурчлари бор. Бу ҳуқуқ ва процессуал бурчлар фуқаролик процессида иштирок этувчиларнинг процессуал ҳаракатлар қилишлари тарзида амалга оширилади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Судлар тўғрисида»ги янги тахрирдаги қонуни, 2-модда. Т. : Адолат, 2001.

Бирон-бир ҳуқуқни амалга оширишда манфаатдор шахс ишни судда даъво кўзғатиш йўли билан бошлайди. Суд бу ишнинг судга тааллуқли бўлиш-бўлмаглигини текшириб, даъво аризасини қабул қилиш ёки қабул қилмаслик тўғрисида ажрим чиқаради. Даъво талабларининг кўзғатилишидан хабардор бўлган жавобгар эса даъво юзасидан баёнот беради, ўз эътирозларини билдиради ёхуд қарши даъво кўзғатади. Суд, тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар бундай ҳаракатлардан ташқари, яна бошқа ҳаракатларни ҳам амалга оширадilar. Бу ҳаракатларнинг ҳаммаси фуқаролик процессуал ҳаракатлар бўлиб, фуқаролик суд ишларини юритиш, яъни фуқаролик процесси сифатида кўрилади.

Суднинг ишда иштирок этувчи шахсларга нисбатан ва бу шахсларнинг судга нисбатан бўлган фуқаролик процессуал ҳуқуқ ва бурчларини амалга оширишга қаратилган ҳаракатлари фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар бўлади.

Фуқаролик суд ишларини юритиш (фуқаролик процесси) вазифалари тўғрисида шуни айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 4-моддасида белгиланганидек, фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари фуқароларнинг шахсий-сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликларини ва манфаатларини, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этишдан иборатдир.

Фуқаролик суд ишларини юритиш қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, демократияни, ижтимоий адолатли, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга кўмаклашиши лозим.

Мустақил Ўзбекистон давлати истиқлол қонунларининг қатъиян ва аниқ бажарилиши фуқароларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини шакл-шубҳасиз қўриқлаш тўғрисида Президентимиз раҳнамолигида қатор тадбирлар белгиланиб, шу билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар олдига муҳим вазифалар қўйилди.

И.А.Каримов ҳуқуқ органлари фаолиятининг қонуний негизини мустаҳкамлашимиз зарурлиги... ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар зиммасига катта масъулият юкланганлиги, суд, прокуратура, милиция тўғрисидаги қонунларни такомиллаштириб бориш заруриятини тобора кўзга ташланаётганлиги ҳақида¹ таъкидлади. Шу муносабат билан фуқаролик процессининг роли тобора ошиб бормоқда. Бунга Олий Мажлиснинг 1997 йил I чақириқ IX сессиясида Фуқаролик ва Хўжалик процессуал кодексларининг қабул қилиниши ёрқин мисол бўла олади. Фуқаролик суд ишларини юритишда одил судловни Ўзбекистон халқининг иродасини ифодаловчи қонунларга асосланган ҳолда амалга оширилиши ўз ифодасини топган.

Фуқаролик суд ишларини юритиш қоидаларига кўра ФПКнинг 2-моддаси Ўзбекистон Республикасининг ҳамма судларида фуқаролик ишларини юритиш

¹ Қаранг: И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. - Т.: Ўзбекистон, 1995 йил, 18-19-бетлар.

тартиби қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси¹ билан белгиланиши кўрсатилган.

Фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари буйруқ тартибидаги ишларни, даъво тартибидаги ишларни, органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракат (қарор)лари устидан берилган шикоятлар бўйича ишларни ҳамда алоҳида тартибда юритиладиган ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартибини белгилайди.

Буйруқ тартибидаги ишлар ФПКнинг 20-1-бобда белгиланган моддалар билан тартибга солинади.

Органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракат (қарор)лари устидан берилган шикоятлар, шунингдек алоҳида тартибда кўриладиган ишлар бўйича иш юритиш тартиби асосан ФПКнинг 26-35-бобларида келтирилган моддалар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг судларида фуқаролик суд ишларини юритиш, иш кўриладиётган, айрим процессуал ҳаракатлар бажариладиётган ёки суднинг ҳал қилув қарори ижро қилинаётган вақтда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал ва бошқа қонунлар асосида олиб борилади.

Башарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади (ФПКнинг 3-моддаси).

Суд ишларини юритиш муайян шаклда амалга оширилади. Бу фуқаролик процессуал шаклнинг моҳияти қуйидагилардан иборат:

биринчидан, фуқаролик ишлари бўйича иш юритиш тартиби олдиндан процессуал қонун билан белгилаб қўйилган бўлади;

иккинчидан, суд ҳимояси учун қонунда белгиланган ёзма шаклда судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилади;

учинчидан, ишда иштирок этувчи шахслар процессуал ҳуқуқлардан, хусусан ишни кўришда суд мажлисида иштирок этиш ҳуқуқидан фойдаланадилар;

тўртинчидан, суднинг ҳал қилув қарори процессуал қонунда кўрсатилган далиллар воситаси билан аниқланган фактик маълумотларга ва қонунга асосланган бўлиши шарт қилиб қўйилади.

Ишни кўриш жараёнида суд умумий қоида бўйича чин ҳақиқатни аниқлаш учун ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисидаги тарафларни хабардор қилиши лозим.

Суд мажлисида уларга ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, баёнот бериш, иш материаллари билан танишиш, далиллар тақдим этиш, иккинчи тарарфга эътироз билдириш, ўзининг даъво талабларига ёинки даъвога тегишли бўлган эътирозни тегишли далиллар билан исботлаш имкониятини таъмин қилади.

Одил судловни бундай процессуал шакли судга иш бўйича чин ҳақиқатни аниқлаш ва қонунга асосланган ҳал қилув қарорини чиқариш имкониятини

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2005. Расмий нашр (кейинги-бетларда қисқартирилиб «ФПК» деб берилган).

бериш билан бирга тарафларга суд орқали шахсий ва мулкый ҳуқуқларнинг ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларнинг ҳимоя қилиниши имкониятини ҳам яратади.

Ишда иштирок этувчи шахслар процессуал ҳуқуқларини ва процессуал бурчларини тегишли процессуал ҳаракатлар қилиш йўли билан амалга оширадilar. Масалан, фуқаролик суд иши бошланишида агар даъвогар бўлса, даъво талабларини қўзғатиш ҳуқуқини судга даъво аризасини бериш йўли билан амалга оширади. Жавобгар эса даъвогар қарши ҳимоя қилиниш ҳуқуқини, яъни даъвога қарши эътироз билдириш ёки қарши даъво қўзғатиш йўли билан амалга оширади. Суднинг дастлабки процессуал ҳуқуқи тарафларнинг шахсан баёнот бериш учун таклиф қилиш тўғрисида ажрим чиқариш ва уларни судга чиқариш тартибида амалга оширилади. Суднинг процессуал бурчи тарафлар ўртасидаги низога оид масалаларни аниқлаш учун тарафларни сўроқ қилиш, далилларни тўплаш, келтирилган далилларни текшириш ва бошқа баъзи процессуал ҳаракатларни бажаришдан иборат бўлади.

Ниҳоят, юқорида таъкидланганидек, фуқаролик процессининг моҳияти фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини, меҳнатга, уй-жойга оид ҳуқуқларини ва бошқа шахсий ва мулкый ҳуқуқларини, ташкилотларнинг мулк шаклидан қатъий назар уларнинг мулкый ва қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларини суд йўли билан қўриқлаш, қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботига риоя қилинишини таъминлаш, фуқароларни, демократияни, ижтимоий адолатни, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашдан иборатдир.

3-§. Ўзбекистон Республикаси процессуал ҳуқуқи тушунчаси ва предмети

Фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш, фуқаролик суд ишларини юритиш тартиби, суднинг ва процессда иштирок этувчиларнинг процессуал ҳаракатлари, шунингдек уларнинг процессуал ҳуқуқ ва бурчлари процессуал қонунларда белгиланган.

Маълумки, мустақил Республиканинг ҳуқуқ фанлари бир неча соҳаларга бўлинади. Шулардан бири фуқаролик процессуал ҳуқуқи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи эса ҳуқуқ соҳасининг бир тармоғи ҳисобланади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқи деб, фуқаролик ишларини кўришда суд одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни, фуқаролик процесси иштирокчиларининг ҳаракатларини қонун асосида тартибга соладиган, шунингдек, суд қарорларининг ижро этилиши тартибини белгилайдиган ҳуқуқ меъёрларининг мажмуига айтилади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг предмети - суд мажлисида текшириладиган ва ҳал қилинадиган, фуқаролик ишлари туфайли вужудга келадиган суд ва процесснинг бошқа иштирокчилари ўртасидаги ижтимоий муносабатларни ташкил этади.

Фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш бўйича бўладиган суд фаолияти маълум босқич (қисм)ларга бўлиниб амалга оширилади. Фуқаролик процессининг бундай босқичлари: фуқаролик ишини қўзғатишдан, ишни судда кўриш учун тайёрлашдан, ишни суд мажлисида кўриш ва ҳал қилишдан, суднинг ҳал қилув қарорлари ва ажримлари юзасидан шикоятлар бериш ва протестлар келтиришдан ва ниҳоят суднинг ҳал қилув қарорлари ижросидан иборат бўлади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқи ўз мазмунига кўра фуқаролик ишларини юритишни тартибга солиб, қўзғатилган фуқаролик иши юзасидан суднинг, процесс иштирокчиларининг, суд қарорларини ижро этувчиларнинг қандай ҳаракатларни қандай тарзда бажаришлари лозимлигини, бундай ҳаракатларнинг оқибатлари нимадан иборат бўлишлигини (масалан, иш ҳақи ундиришни, келтирилган зарарни тўлашни) белгилайди.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг мазмунига назар солинса, бу ҳуқуқнинг ҳуқуқ соҳалари билан маълум даражада боғлиқ эканлигини кўрамиз. Чунончи, фуқаролик процессуал ҳуқуқи жиноят процессуал ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кўрилади. Ҳуқуқни бу ҳар икки соҳасини бирлаштирадиган мазмун шуки, улар одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқи, ҳуқуқнинг қатор бошқа соҳалари билан ҳам боғлиқ. Масалан, унинг давлат ҳуқуқи билан боғлиқлиги шундаки, уларнинг иккиси ҳам давлат ҳокимияти органи бўлган суд фаолиятини тартибга солади. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи фуқаролик, оила, меҳнат, уй-жой, шунингдек маъмурий ҳуқуқ соҳалари билан ҳам узвий боғлиқдир, чунки фуқаролик процессида бундай ҳуқуқий муносабатлар келиб чиқадиган низолар судга тегишли бўлишига қараб текширилади ва ҳал қилинади.

Аксарият ҳолларда фуқаролик, оила, меҳнат, уй-жой, давлат органлари ва бошқа органлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракат (қарор)лари устидан шикоятлар бўйича ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи шахслар зиммаларидаги бурчларни ўз ихтиёрларича бажарадилар. Аммо барча ҳолларда ҳам шундай бўлавермайди. Баъзи шахслар (фуқаролар, ташкилотлар) бурчларини бажаришдан бош тортдилар. Бундай ҳолларда бузилган ҳуқуқни суд йўли билан кўриқлаш, давлатнинг мажбурлаш тадбирини қўллаш талаб қилинади. Бундай мажбуриятларни фуқаролик процесси тартибида суд амалга оширади.

Ҳуқуқнинг ва қонун билан кўриқланадиган манфаатнинг суд томонидан кўриқланиши фуқаролик процессуал қонунларда кўрсатилган процессуал шаклда амалга оширилади. Чунончи, фуқароларнинг соғлиғига ғайриқонуний шикаст етказилганида кўрилган моддий зарарни ундиришга бўлган ҳуқуқ (моддий ҳуқуқ) фуқаролик ҳуқуқий меъёрлари билан белгиланса, фуқаролик процессуал ҳуқуқ меъёрларида бундай бузилган ҳуқуқни кўриқлаш (зарар ҳақини ундириш учун зарур далиллар тўплаш, талаб (даъво)нинг кўрилиши, ҳал қилиниши, тегишли ҳақнинг ундирилиши) тартиби белгиланади.

4-§. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг манбалари ва тизими

Ҳуқуқнинг, шу жумладан фуқаролик процессуал ҳуқуқининг ҳам ягона манбаи Ўзбекистон халқининг иродаси бўлади.

Мустақил Ўзбекистоннинг Жамият тараққиёти тўғрисидаги билимларга асосланган сиёсати ўзининг қонунларида яққол ифодасини топмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлатимизнинг сиёсати фуқаролик процессуал ҳуқуқнинг ҳам мазмунини белгилайди.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқнинг юридик манбалари тўғрисидаги кўрсатмалари қонуларда белгиланган. ФПКнинг 2-моддасида ва бошқа қонунларда белгиланганидек, суд ишлари Республика Олий Мажлисининг сессияларида қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари, Республика Давлат Олий идора органларининг қарорларига асосан ҳал қилинади. Шунингдек, суд давлат ҳокимиятининг бошқа органлари томонидан ўзларига берилган ҳуқуқ доирасида чиқарилган актларни ҳам татбиқ қилади. Суд қонунга мувофиқ чет эл ҳуқуқ меъёрларини ҳам татбиқ этади. Шунга биноан **фуқаролик процессуал ҳуқуқининг манбалари** қуйидагилардир:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси¹ суд, хўжалик суди ва прокуратура идораларининг ташкил топиши ва фаолиятлари принципларини, фуқаролар, ташкилотларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилайдиган ҳуқуқий меъёрдир;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган Судлар тўғрисидаги қонуни² одил судлов вазифаларини белгиловчи, унинг демократик принципи асосида амалга оширилиши усулларини, одил судлов органларининг тузилиши, ташкил топиши ва фаолияти принципларини белгиловчи муҳим қонун ҳужжатдир;

учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ва Хўжалик процессуал кодекслари-фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга оширишнинг процессуал тартибини батафсил қоидалаштирувчи қонунлар ҳисобланади;

тўртинчидан, процессуал масалалар юзасидан ҳуқуқий меъёрлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексиди, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексиди, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексиди, транспортга оид қонунларда, муаллифлик, ихтирочиликка оид қонун ва рационализаторлик Низомларда, маъмурий ҳуқуқ, молия ҳуқуқи ва шу каби бошқа ҳуқуқ меъёрларида ҳам берилган;³

бешинчидан, фуқаролик процессуал ҳуқуқ манбаларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлари киради.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон. 2003 йил, 106-116: 19,26,44-моддалар

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Судлар тўғрисидаги Қонунининг янги таҳрири. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2001

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Расмий нашр - Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2003 й., Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Расмий нашр – Т.: 2004, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Расмий нашр - Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2005 й., Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. Тошкент., «Адолат», 1998 йил

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди Пленумларининг қарорлари ҳуқуқ манбаи бўлиб ҳисобланмаса ҳам, аммо уларда процессуал қонунларни тўғри татбиқ этиш юзасидан берилган тушунтиришлар муҳим аҳамиятга эга. Бундай тушунтиришлар шарҳланаётган қонунни татбиқ қилувчи судлар ва бошқа мансабдор шахслар учун мажбурийдир (Ўзбекистон Республикасининг Судлар тўғрисидаги Қонунининг 19-моддаси).

Процессуал қонунларнинг ҳудуд ва вақт бўйича амалда бўлиши тўғрисида шуни айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси қонунлари Республикамиз ҳудудида, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари - шу республика ҳудудида, Ўзбекистон давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари томонидан қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар мазкур ҳудудларда ҳамма учун, барча фуқаролар ва ташкилотлар учун мажбурий кучга эга бўлади.

Умумий меъёрий характерга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шу жумладан фуқаролик процессуал ҳуқуқлар ҳам, агар уларнинг қайси вақтдан эътиборан кучга кириши тўғрисидаги шу эълон қилинаётган қонуннинг ўзида махсус кўрсатма бўлмаса, умумий қоида бўйича газеталарда эълон қилинганидан кейин кучга қиради (масалан, Фуқаролик процессуал кодексининг қонуний кучга кириши Олий Мажлис қарорида 1998 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилиши, Конституциявий суд томонидан қабул қилинадиган қарорлар эса матбуотда эълон қилингандан кейин амалга киритилган ҳисобланиши ва ҳоказо)

Фуқаролик процессуал ҳуқуқда қиёслаш (аналогия) ва уни татбиқ этилиши тўғрисидаги ФПКнинг 12-моддаси 3-қисмида кўрсатма берилган. Бу қонунда «Низоли муносабатни тартибга соладиган қонун бўлмаган тақдирда, суд шу муносабатга ўхшаш муносабатни тартибга соладиган қонунни татбиқ этади, бундай қонун ҳам бўлмаган тақдирда эса, суд республика қонун ҳужжатларининг умумий асослари ва маъносига таянади» деб кўрсатилади. Бу қонун мазмунидан қиёслашнинг икки кўринишида бўлиши, яъни қонун қиёслаши ва ҳуқуқ қиёслашига бўлиниши англашилади.

Қонун ва ҳуқуқ қиёсланиши таърифи фуқаролик ҳуқуқи фанида берилган. Ўхшаш муносабатларни тартибга соладиган қонунни татбиқ этишликка қонун қиёслаши деб айтилса, низоли муносабатни Республика қонунларининг умумий асослари ва маъносига таяниб ҳал қилишликка ҳуқуқ қиёслаш деб айтилади.

Қиёслаш тўғрисидаги қоидаларни татбиқ этишда қуйидагиларни назарда тутиш лозим:

биринчидан, юқорида кўрсатилган қоидаларга фақат мазкур масала юзасидан тегишли қонун ва фармойишларнинг бўлмагани ҳолдагина асосланиб, ишни ҳал қилиш мумкинлигини;

иккинчидан, бундай қиёслаш тариқасида чиқариладиган суд қарори фақат кўрилаётган фуқаролик иши учунгина кучда бўлишлигини;

учинчидан, суд «Республика қонунларининг умумий асослари ва маъносига таянади» деб берилган кўрсатмага қуруқдан-қуруқ ҳавола қилмасдан, балки қарорни ифодалашда, суд қонунчилигининг қайси бир умумий асосларига таяниб, ўз қарорини чиқарганлигини кўрсатиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик процессуал ҳуқуқининг тизими ФПКнинг дастури тузилишига бирмунча мувофиқ тарзда бўлиб, қуйидагича ифодаланади:

биринчи бўлимда - умумий қоидаларда ўз мазмуни бўйича процесснинг бўлимларига оид бўлган ишларини юритишнинг умумий қоидалари билан бирга суднинг таркиби, рад қилиш, яъни фуқаролик ишини ҳал қилишда иштирок этувчиларнинг бирига ёки бир нечасига норозилик билдириш; тааллуқлилиқ, яъни ишнинг қайси суд идораси ёки бошқа идора томониан ҳал қилиниши; процесс иштирокчилари; далиллар, умумий қисмига ФПК бўйича иш юритишни тўхтатиш, аризани кўрмасдан қолдириш; иш юритишни тугатиш тўғрисидаги боблар ҳам киритилди, чунки бу иш юритишнинг барча босқичларида учраб туриши назарда тутилган. Булар ташқари, суд харажатлари; процессуал муддатлар, суд жарималари ва ниҳоят суд хабарлари ва чақириқлари тўғрисидаги масалалар берилган:

иккинчи бўлим - биринчи инстанция судида иш юритишга бағишланган бўлиб, бу бўлим ўз навбатида кичик бўлимларга бўлинган. Биринчи бўлимда умумий қоидалар берилиб, унда судловлилиқ; иш кўзғатиш; фуқаролик ишини судда кўришга тайёрлаш; судда ишни кўриш; суд ҳал қилув қарорлари; сиртдан иш кўриш; биринчи инстанция судининг ажримлари; буйруқ тартибида иш юритиш берилган.

Қолган кичик бўлимларда иш юритишнинг учта тури берилган, масалан, иккинчи кичик бўлимда даъво ишларини юритиш ва унинг умумий қоидалари; даъво ишларини юритишнинг судларга тааллуқлилиги; қарши даъво; даъвони таъминлаш; даъво ишларини кўришнинг хусусиятлари ифодаланган; учинчи кичик бўлимда давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракат (қарор)лари устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритиш; тўртинчи кичик бўлимда алоҳида тартибда иш юритиш тўғрисидаги қоидалар баён этилган;

учинчи бўлимда – апелляция, кассация ва назорат тартибида иш юритишнинг умумий қоидалари ва апелляция инстанцияда иш юритишга оид ҳамда қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларнинг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини қайтадан кўриш тўғрисидаги қоидалар белгиланган;

тўртинчи бўлимда - суд қарорларининг ижро этилишига оид қоидалар баён этилган;

бешинчи бўлимда - фуқаролик процессида чет эл фуқаролари ва ташкилотлари, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг иштироки тўғрисидаги қоидалар берилган.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик процессуал қонунларининг юқорида кўрсатилган тарзда бўлиниб ифодаланиши фуқаролик процессуал ҳуқуқининг умумий ва махсус қисмларига бўлиниб тасниф (классификация) қилинганлигини кўрсатади.

Демак, дарсликнинг **умумий қисмида** жараённинг ҳамма босқичларида юритиладиган ишларнинг барча турлари учун умумий аҳамитга эга бўлган қоидалар берилган. **Махсус қисмида** эса, фуқаролик ишларининг айрим

туркумларини кўриш, ҳал қилиш учун ва фуқаролик жараёнининг айрим босқичлари учун махсус аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий меъёрлар баён этилади.

Фуқаролик ишларини кўришда одил судлов олдига ҳам янгидан-янги вазифалар кўйилиши муносабати билан фуқаролик процессуал ҳуқуқ тизими ҳам ривожланиб, такомиллашиб боради ва доимий ҳаракатда бўлади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг умумий қисмида кўрсатилган фуқаролик жараёнининг асосий тамойиллари, далиллар, жараён субъектлари, тааллуқлилиқ, фуқаролик процессуал ҳуқуқининг манбалари тўғрисидаги нормалар юқорида айтилганидек, ишларни юритишнинг ҳамма турлари, жараёнининг ҳамма босқичлари учун умумий аҳамиятга эга.

Фуқаролик жараёнининг субъектлари: тарафлар, учинчи шахслар, прокурор, суддаги вакиллик, процессуал ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати ҳақидаги нормалар жараёнининг турли босқичлари учун ҳам, судда кўриладиган турли туркумдаги фуқаролик ишлари, биринчи инстанция суди, ишни юқори судда кўриш ва ҳал қилув қарорларини ижро қилиш босқичи учун ҳам бир хил умумий аҳамиятга эгадир.

Суд процессуал ҳаракатларни фуқаролик ишларини тўғри ҳал қилиш, бу борада корхона, муассаса, ташкилотва бошқа жамоат бирлашмаларининг манфаатларини ва тарафларнинг ҳуқуқларини ҳар томонлама кўриқлаш, қонунчилиқнинг бузилишига йўл қўймаслик мақсадларида амалга оширади.

Фуқаролик жараёнида иштирок этувчи тарафлар процессуал ҳаракатларни ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ва зиммасаларига юкланган процессуал бурчларини адо этиш мақсадида қатнашадилар.

Процессуал ҳаракатлар муайян процессуал оқибатларни келтириб чиқаради, чунончи, даъво кўзғатилишини, даъво юзасидан суд жараёнининг ўтказилишини, кўрилган даъво бўйича суднинг ҳал қилув қарорининг чиқарилишини, ҳал қилув қарорининг мажбурий ижро этилиши оқибатини; тарафларнинг шикоятлари ва прокурорнинг ишни кассация ва назорат тартибида кўриш тўғрисида келтирган протести эса, ишнинг юқори суд органи томони қайтадан кўрилиши оқибатларини туғдиради.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг махсус қисми фуқаролик ишларининг турли туркумлари бўйича ишларнинг юритилишини тартибга соладиган махсус процессуал нормалар йиғиндисидан иборатдир. ФПКнинг 2-моддасида кўрсатилганидек, фуқаролик суд ишларини тўрт турга: биринчидан, буйруқ тартибидаги ишларга, иккинчидан, даъво тартибида фуқаролик, оила, меҳнат ва уй-жойга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларга; учинчидан, органлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракат (қарор)лари устидан берилган шикоятларга оид ишларга; тўртинчидан, алоҳида тартибда иш юритиш бўйича кўриладиган ишларга бўлинади.

Биринчи туркумдаги буйруқ тартибида юритилладиган ишлар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфатларини ҳимоя қилишни соддалаштирилган шакли сифатида айрим тоифадаги фуқаролик ишлари бўйича ишларни ҳал қилиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тартибда юритилладиган ишларда қарздор ва ундирувчи ишда иштирок этувчи шахс

сифатида эътироф этилиб, буйруқ чиқариш бўйича талаблар қонунда белгилаб кўйилади.

Иккинчи туркумдаги даъво ишларининг ўзига хос хусусияти шундаки, бунда муайян ҳуқуқ тўғрисидаги низо бўлади. Судда даъво ишларининг юритилиши-даъво талабини кўзғатиш пайтидан эътиборан бошланади. Бузилган ёки низолашаётган фуқаролик ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб сифатида кўриладиган даъво-судда иш кўришнинг предмети бўлади ва унинг исботланишига қараб ё қондиришга ёки рад қилишга тегишли бўлади.

Органлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракат (қарор)лари устидан берилган шикоятларни ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, бунда тарафларнинг муносабатлари давлат бошқаруви органларининг фаолияти билан боғлиқ ҳолда кўрилади.

Алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган ишлар шундай фуқаролик ишларидирки, булар юзасидан ҳуқуқ тўғрисидаги низо бўлмайди, бировга нисбатан даъво ҳам кўзгатишмайди, аризада судга фақат муддаосини билдиради. Агар суд алоҳида тартибда иш кўраётганида манфаатдор шахсбирон-бир ҳуқуқ тўғрисидаги низо кўзгатса, суд низоли ишнинг умумий даъво иши тартибида ҳал қилиниши лозимлиги тўғрисидаги масаланинг кўрилиши керак бўлади.

Судда алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган фуқаролик ишлари ҳам, Республика қонунларида белгиланган айрим истисноларга риоя қилган ҳолда суд ишларини юритишнинг умумий қоидалари асосида кўрилади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг махсус қисми ҳуқуқий меъёрлари жараённинг қуйидагича босқичларида: **биринчидан**, биринчи инстанция судида иш кўришда; **иккинчидан**, ҳал қилув қарорларининг апелляция тартибида юқори судларда текширилишида; **учинчидан**, ҳал қилув қарорларининг назорат тартибида қайтадан кўрилишида; **тўртинчидан**, ҳал қилув қарорларининг янгидан очилган ҳолатлар бўйича қайтадан кўрилишида ва **бешинчидан**, қарорларнинг ижро этилишига оид қилинадиган ҳаракатларни, фаолиятларни тартибга солади.

Фуқаролик ишларининг биринчи инстанция судида, одатда, туманлараро, таман (шаҳар) судида, шунингдек, баъзи мураккаб ишларнинг юқори судда биринчи инстанция суди сифатида кўрилишида ҳам ишнинг ҳақиқий ҳолатлари текширилади, келтирилган далилларга баҳо берилади, моддий ҳуқуқ (фуқаролик, меҳнат, оила ва бошқа ҳуқуқи) меъёрий ҳужжатлари татбиқ этилади ва ишнинг мазмуни бўйича ҳал қилув қарорлари чиқарилади.

Қонуний кучга кирмаган суднинг ҳал қилув қарори, ажримларини апелляция тартибида қайта кўриш фуқаролик қонунчилигида янгилик бўлиб, бу босқичда фуқаролик иши мазмунан тўлиқ кўрилиши мумкин.

Кассация тартибида ишнинг юқори судда кўрилишида ишни асослаш учун кўрсатилган фактлар ва келтирилган далиллар текширилмайди, фақат ҳал қилув қарорининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишигина текширилади.

Ҳал қилув қарорларини суд назорати тартибида қайтадан кўриш фуқаролик ишлари бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари,

ажримлари ва қарорларининг асослилиги, тўғрилиги, адолатли ва қонунга мувофиқ чиқарилганлигини текширишдан иборат бўлади.

Ишни кўриш вақтида мавжуд бўлган, омма тарафларга олдин маълум бўлмаган ва иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар очилганида, суднинг ҳал қилув қарори бекор қилинади ва фуқаролик иши янгидан очилган ҳолатлар бўйича қайтадан кўрилади.

Ҳал қилув қарорини ижро қилиш босичида, агар тарафлар суднинг ҳал қилув қарорини ўз ихтиёрларича бажармасалар, бу ҳолда қарор тарафларнинг (ҳақ ундирувчи билан қарздорнинг) иштирокида суд ижроси томонидан мажбурий тартида ижро этилади.

5-§. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанининг предмети ва тизими

Фуқаролик процессуал ҳуқуқи фани бирмунча кенгроқ маънода тушунилиб, фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш борасида вужудга келадиган фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларни ўрганади, текширади ва булар тўғрисида умумий хулоса чиқаради. Бундай муносабатларнинг кўрилиши ва ҳал қилинишида амалдаги процессуал нормаларнинг тўғри татбиқ этилиши тўғрисида фикр юритилади, процессуал қонунларга илмий шарҳлар берилади.

Бу фаннинг вазифасига фуқаролик ишларининг ҳал қилинишига оид суд тажрибасини текшириш, улар тўғрисида хулосалар чиқариш ҳам киради.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқи фани юридик фаннинг таркибий қисми бўлиб, фуқаролик процессуал ҳуқуқ масалаларини ўрганишда, мустақил Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнидаги қонунларни Конституция асосида такомиллаштириш ва процессуал ҳуқуқи ана шу ғоя талаблари билан суғорилган фан бўлиши лозимлиги унинг жиҳатларидандир. Фуқаролик жараёнини жамиятнинг усткўрмаларидан бири сифатида кўриб ҳуқуқ-тартиботни ва ҳуқуқий муносабатларни кўриқлаш воситаларидан бири бўлиб хизмат қилиши назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик процессуал ҳуқуқи фани тизими Ўзбекистон Республикаси фуқаролик процессуал кодекси тизимига нисбатан кенгроқ, тўлароқ бўлиб, қуйидаги таълимотларни; **биринчидан**, умумий қисмга кирадиган фаннинг предмети ва тизми, процессуал ҳуқуқ тамойиллари, процессуал ҳуқуқий муносабатлар, ишда иштирок этувчи шахслар, судда вакиллик қилиш, процессуал муддатлар, тааллуқлилиқ тўғрисидаги таълимотлари; **иккинчидан**, махсус қисмга кирадиган даъво ишларини юритиш, органлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракат (қарор)лари устидан берилган шикоятлар бўйича ишларни юритиш; алоҳида тартибда юритиладиган ишларни юритиш; суднинг биринчи инстанция, кассация ва назорат инстанцияларда ишларни юритиш, янгидан очилган ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарорларини қайта кўриш, суд қарорларини ижро этиш; фуқаролик ишларини алоҳида турлари бўйича суд ишларини юритиш ҳақидаги таълимотларни ўз ичига олади. Булардан ташқари, фуқаролик процессуал ҳуқуқи фани тизимига фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал

қилишнинг бошқа шакллари, яъни бундай масалалар билан шуғулланадиган бошқа органларнинг, чунончи, нотариат, хўжалик судлари, хакамлик судларининг фаолиятлари билан боғлиқ таълимотлар киради.

ИККИНЧИ БОБ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ХУҚУҚИНИНГ ПРИНЦИПЛАРИ

1-§. Фуқаролик процессининг демократик принципига асосланиши

Мустақил Ўзбекистон фуқароларининг кенг иштирокида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилишини ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъул эканлигини эълон қилди.

Давлат ҳокимияти органлари демократик тамойилларга асосланган ҳолда иш олиб боришлари билан бирга мажбурий этиш воситаларини ҳам сақлаб қолади ва бу воситаларни халқнинг туб манфаатларини, уларни турмуш қоидаларини бузувчиларга ишлатади.

Ўзбекистонда яшовчи барча фуқароларнинг Конституция ва бошқа қонунларда белгилаб қўйилган ва бажарилиши лозим бўлган ҳуқуқ ва бурчлари турли усуллар билан назорат қилинади.

Конституциянинг янги жиҳатларидан бири фуқароларнинг ҳам, давлатнинг ҳам ўзаро ҳуқуқ ва бурчлар орқали узвий боғланганлигидадир. Шундай экан фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари бошқа фуқароларнинг ҳамда давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатларига зид бўлмаслиги лозим.

Амалдаги қонунлар Конституция асосида фуқароларга берилган ҳуқуқлар билан бир қаторда тегишли бурчларини бажариши лозимлигини қайд қилади. Масалан, процессуал қонунчиликда фуқароларга эркин ҳуқуқ тамойиллари билан бир қаторда шу ҳуқуқларни асослаш, тасдиқлаш, исботлаш-бахслашиш (тортишувчилик) қоидасига риоя қилган ҳолда амалга ошириш лозимлиги ҳам белгиланган. Демак, ҳуқуқ бор жойда бурч бўлишлиги зарурий талаб бўлиб, жамиятда шахснинг тўтган ўрни, мавқеи фақат ҳуқуқ билангина эмас, шу билан бирга бурч билан ҳам белгиланади.

Ҳар бир фуқаронинг қонунда белгиланган ҳуқуқларини бажармаслиги муайян оқибатларни келтириб чиқаради. Бу уларда қонунларни бажариш масъулиятини оширади. Фуқарога берилган эркинлик билан бир қаторда ўзига юклатилган масъулиятни ҳам сезиш зарур.

Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларининг асослари Ўзбекистон қонунларида назарда тутилган тамойиллардан, шунингдек фуқаролар ва ташкилотларнинг қонунда назарда тутилмаган бўлса-да, фуқаролик қонунларининг мазмунидан, фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтирадиган ҳаракатлардан келиб чиқиши Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида баён қилинган. Амалдаги қонунларда мустақил Ўзбекистон Республикаси ўз

фуқароларига берилган асосий ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлаши билан бирга уларга нисбатан муайян бурчларни юклаши қонуннинг устиворлиги, унга ҳурмат нуқтаи назари билан қараб, ижро қилиш зарурлиги назарда тутилган.

Фуқароларнинг асосий бурчлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топиб, уларда фуқаролар Конституцияга риоя қилиш билан бирга ундаги ҳар қандай қоидалар бузилишининг олдини олиши, бошқа шахсларнинг кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбур эканлиги кўрсатилган. Ҳуқуқи бузилган манфаатдор шахс уни тиклаш мақсадида судга мурожаат қилишга ҳақли эканлиги ҳам таъкидланган (ФПКнинг 1-моддаси).

Ҳар бир фуқаро ўзларига юклатилган бурчларини бажариш вақтида қонунларга риоя қилиши, жамиятнинг турмуш қоидалари ва маънавий қадриятларини ҳурмат қилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халқимиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлган демократик принциплар ўз ифодасини топган ва уларнинг кафолатланиши кўрсатилган. Бу конституциявий принциплар жумласига: ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқаролар ва ташкилотлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадларини кўзлаб суд ишларини юритишда қонунчиликка риоя қилиш асосида иш олиб бориш, судда ишларни кўриш ва ҳал қилиш билан фуқаролар ва ташкилотларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, суд ишларининг тайинланган ва сайланган судьялар томонидан кўрилиши, одил судловни амалга оширишда судьялар ишларни яқка тартибда, ҳайъат тарзида кўрилиши, судьяларни фақат қонунга бўйсинишлари каби муҳим тамойиллар киради.

Мамлакатимизда одил судловни амалга оширишнинг процессуал шакли сифатида кўрилган фуқаролик суд ишларини юритиш тартиби жамият тузумига хос демократик принциплар асосида тузилган. Булар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ва бошқа қонунларда ўз аксини топган.

2-§. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи принциплари тушунчаси ва тизими

Фуқаролик жараёнининг принциплари деб, фуқаролик процессуал ҳуқуқининг асосий, раҳбарий қоидаларига айтилади. Ўзининг мазмуни бўйича бу принциплар суднинг фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш борасидаги вазифалари ва фаолияти тўғрисидаги принциплардир.

Жараён принциплари тизими Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонунида ва фуқаролик процессуал ҳуқуқи меъёрларида ифодаланган бўлиб, амалда бўлиши, татбиқ этилиши юзасидан бир-бирлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда икки гуруҳга: биринчидан, суд тузилиши ҳамда суд ишларини юритишга оид умумий принципларга ва иккинчидан, фақат суд ишларини юритишга хос принципларга бўлинади.

Биринчи гуруҳга доир бўлган принциплар:

- 1) одил судловнинг фақат судлар томонидан амалга оширилиши;
- 2) фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги;

3) одил судловни сайланган (тайинланган) судьялар томонидан амалга оширилиши;

4) фуқаролик ишларининг биринчи инстанция судида кўрилишида халқ маслахатчиларининг иштирокисиз судьянинг яқка тартибда, юқори судларда эса ишларнинг ҳайъат асосида, яъни энг камида учта судья иштирокида кўрилиши;

5) судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунуши;

6) суд ишларининг миллий тилда юритилиши;

7) судда иш кўришнинг ошкоралигидир.

Иккинчи гуруҳга оид принциплар:

1) ишларнинг амалдаги қонунлар асосида ҳал қилиниши;

2) ишни холисона (объектив ҳақиқатни) аниқлашга қаратилиши;

3) эркинлик ҳуқуқи;

4) тортишувчилик;

5) фуқаролик ишларида иштирок этувчи тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги;

6) ишнинг оғзаки кўрилиши;

7) иш кўришнинг бевоситалиги;

8) суд ҳимоясидан фойдаланиш имкониятининг таъминланишидан иборат.

Процессуал ҳуқуқнинг конституцион принциплари ва уларнинг амалда бўлиши кафолатлари тўғрисида тўхталиб, бу принципларни ўзлаштиришни осонлаштириш мақсадида, аввало юқорида кўрсатилган биринчи гуруҳга оид принципларни баён этамиз.

1. Одил судловнинг фақат судлар томонидан амалга оширилиши принципи. Ўзбекистон Республикасида одил судловни амалга ошириш учун иш махсус ташкил этилган давлат органларига - судларга топширади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи кўрсатилган.

Фуқаролик ҳуқуқлар асосан суд органлари томонидан ҳимоя қилинади. Шу билан бирга меҳнат ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, уй-жой ҳуқуқи муносабатларидан келиб чиқадиган низолар бошқа органларда ҳам, чунончи, меҳнат ишлари комиссияларида, ҳакамлик (ҳолислар) судларида ҳам кўрилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 111-моддасида мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек, тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва жойлардаги хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилиши таъкидланган.

Суд ўз фаолиятини амалга оширишда муайян процессуал шароитларда ҳаракат қилади. Бу шароитлар чин ҳақиқатни аниқлашга, ҳаққоний қарор чиқаришга имкон беради.

Суднинг фуқаролик ишлари бўйича чиқарган қарорлари фақат юқори суд органлари томонидангина бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Маълум ҳуқуқнинг бузилганлигини белгилаш ва ҳуқуқни бузувчи шахсни

муайян фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликка, яъни мулкӣ жавобгарликка тортиш ҳуқуқи асосан суд органларига берилган.

Фуқаролик процессуал қонунлари судга, муайян асослар бўлган тақдирда, фуқаролик ишларини судга тааллуқли бўлмаса, иш юритишни тугатишга, ишни мазмуни бўйича ҳал қилиш учун бошқа бирон-бир ташкилотга юбориш ҳуқуқини беради. Бундай тартибнинг ўрнатилиши одил судловни фақат суд томонидан амалга оширилиши принциpidан четлаш бўлиб кўрилмади.

Айрим фуқаролик ишларининг кўрилиши ва ҳал қилинишини суд тааллуқлилигига қараб, бошқа идораларга ҳам юбориши мумкин. Аммо бундай ҳолларда ҳам суд ўзининг устунлик ҳуқуқини сақлаб қолади, чунки чиқарган қарорлари юзасидан ижро варақалари берилишида, уларнинг қонунга мувофиқ бўлиш-бўлмаглигини текшириш вазифаси судга юклатилган бўлади.

Баъзи низолар бир неча органлар томонидан кўрилиши мумкин, масалан, меҳнатга оид низолар бўйича ходим хоҳишига қараб меҳнат низоларини кўриш комиссияга, сўнгра унинг қарорларидан норози бўлса, судга мурожаат қилишга ҳақли.

Қонун баъзи ҳолларда, айрим талабларни кўриш ва ҳал этишда устунликни хўжалик судига нисбатан умумий судга беради, чунончи: ФПКнинг 32-моддасида бир-бири билан боғлиқ бўлиб, баъзилари судга, баъзилари эса хўжалик судларига тааллуқли бўлган бир қанча талаблар бирлаштирилганда, бу талабларнинг ҳаммаси судда кўрилиши кераклиги белгиланган.

Агар ҳақамлик(холислаар) судлари меҳнат ва оила муносабатларидан келиб чиққан низоларни ҳал қила олмаса, хўжалик судлари фуқаролар билан фуқаролар ўртасидаги низоларни кўрмаса, маъмурий органлар эса, фуқаролик, оилавий ва меҳнатга оид ҳуқуқларни ҳимоя қилиш вазифасини фақат қонунда махсус назарда тутилган ҳоллардагина амалга оширса-умумий судлар фуқаролар иштирок этган барча ҳуқуқий низоларни ҳал қилади. Чунки судларга бундай устунликнинг берилиш уларнинг Конституцияга мувофиқ демократик тартибда ташкил топиши билан амалдаги қонунларга мувофиқ ҳар томонлама тўла текшириш ва ҳаққоний ҳал қилиш имкониятига эга бўлишлари билан белгиланади. Суд вазифаларини бошқа органлар ўз зиммасига олиши одил судлов тўғрисида Конституцияда белгиланган принципнинг бузилиши ҳисобланади.

2. Фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги принципи. Ўзбекистон Республикасида одил судлов фуқароларнинг қонун ва суд олдидаги тенглиги асосида амалга оширилади.

Одил судлов соҳасида бу принцип фуқаролик ишларининг судда кўрилишида барча фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун ва суд олдида тенг даражада бўлишлари билан белгиланади (ФПКнинг 6-моддаси ва «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддаси).

Барча фуқаролар учун суд ишлари ягона тартибда амалга оширилади. Фуқаролик ишларининг тааллуқлиги, яъни судга ёинки бирон бир ташкилотга, идорага тааллуқли бўлишлиги бу принципни ўзгартирмайди.

Фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги принципи икки турдаги мазмунга эга. Бунда, биринчидан, ягона, яъни ҳаммага бирдай бўлган суд тўғрисидаги қоида ифодаланса, иккинчидан, ҳаммага баробар татбиқ қилинадиган ҳуқуқнинг ягоналиги тўғрисидаги қоида ўз ифодасини топган.

Ягона суд тўғрисидаги қоида шундан иборатки, республикада миллат, жинс, ижтимоий аҳвол ва бошқа ҳолатларга қараб айрим шахсларга муайян имтиёзлар берадиган ёки ҳуқуқларни камситадиган судлар йўқ. Конституциямиз ва судлар тўғрисидаги қонунларда белгиланганидек, суд тизими ягона ҳисобланади ва судлар фуқаролар учун бир хилда иш кўради.

Ҳуқуқларнинг, жумладан процессуал ҳуқуқларнинг ҳам ягоналиги тўғрисидаги қоида қонунларнинг ҳамма тенг татбиқ этилишини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг тенглигини фақат расмийгина эмас, балки амалда белгилади ва фақат эълон этиш билангина чекланмай, барча фуқароларга Конституция ва бошқа қонунлар билан ўрнатилган ҳуқуқлардан тенг даражада, бирдек фойдаланиш имкониятини таъминлади. Ўзбекистон халқини миллатидан қатъий назар, улар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади (Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 8-моддаси).

Шунинг учун фуқароларнинг ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки бошқа бирон усулда чеклашга ёхуд, аксинча, айрим фуқароларга уларнинг ирқи, миллатига мансуб бўлишига, мулкӣ, ижтимоий ҳолатига, диний эътиқодларига қараб бирон-бир имтиёзларнинг берилишига йўл қўйилмайди.

Фуқаролар ҳуқуқларининг тенглиги - уларнинг ҳуқуқлари бузилганида ҳуқуқни бузувчилар давлат, жамият, суд олдида тенг даражада жавобгарликка тортилиши билан ҳам белгиланади. Қонунларни бузувчи шахслар хизмат вазифаларидан ва кўрсатган хизматларида қатъий назар, жавобгарликка тортиладилар.

Демократик ҳуқуқӣ давлат қуришда кишиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари уйғунлаштирилган тарзда ифодаланиши керак. Фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳеч қайсилари фақат бурчларгагина эга бўлиб, ҳуқуқлардан маҳрум этилишига ва аксинча, ҳуқуқлардан фойдаланиб, мажбуриятлардан, бурчлардан, четлаштиришга йўл қўйилмайди. Кимда-ким қонун ёки шартнома билан олинган бурчларини бажаришдан бош тортса, қонун ва суд ҳимоясидан фойдалана олмайди.

3. Одил судловнинг сайланган ва тайинланган судьялар томонидан амалга оширилиши принципи. Ўзбекистон ўз мустақиллигига эга бўлгунга қадар судьялар сайланиши асосида фаолият кўрсатар эдилар. Янги Конституцияга кўра, суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан сайланади. Шу муддатга тайинланадиган Қорақалпоғистон Республикаси судьялари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан

келишилган тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан сайланади ёки тайинланади.

Вилоят судлари, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман(шаҳар)всудлари судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан, хўжалик судлари судьялари эса Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Ҳарбий судлар судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан беш йил муддатга тайинланадилар. Агар муқаддам Республика Олий суди судьялари Олий Совет сессиясида, вилоят ва Тошкент шаҳар судларининг раислари, уларнинг ўринбосарлари, аъзолари тегишли халқ депутатлари советлари томонидан беш йил муддатга сайланадиган бўлса, эндиликда бу қоидага ўзгартириш киритилиб, вилоят, Тошкент шаҳар ва туман судлари Президент томонидан тайинланадиган бўлди.

Муқаддам туман, шаҳар судьяларини юқори Советлар томонидан сайланиши тартиби амалиётда ижобий натижа бермаётганлиги тўғрисида ҳуқуқшунослар юридик адабиётларда ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилгандилар. Айрим собиқ совет ходимлари ва депутатларнинг судья танлаш ишларига асоссиз равишда аралашувлари агар уларнинг талаблари бажарилмаса, «судьяни сайлашда қарши овоз беражаклари ҳақида» кўп далиллар бўлган ва бу ҳақда матбуотларда ҳам берилган эди. Бундай нуқсонларни бартараф этиш ва суд ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси янги Конституциясининг 93-моддаси 10-11-бандларида Президент Олий Мажлисга Конституциявий суд раиси ва аъзолари, Олий суд раиси ва аъзолари, Олий Хўжалик суди раиси ва аъзоларини тақдим этилишига, вилоят, туман, шаҳар, хўжалик судларининг судьяларини тайинлаш ва лавозимларидан озод этишга ҳақли эканлиги кўрсатилган¹. Бундай ваколатнинг Президентга берилиши ниҳоятда тўғри ва адолатли бўлиб, бу ўзбек давлатчилиқ тарихидан маълум. Масалан, Қўқон хонлигида қози калон ва бошқа қозилар бевосита хон томонидан тайинланган.² Демак, бундай қоиданинг Конституцияга киритилишини давр талаби деб қаралмоғи лозим.

Судлар тўғрисидаги янги таҳрирдаги қонунда судьяларни сайлаш, тайинлашда номзодлар масаласига ҳам қатор янгиликлар киритилган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг 25 ёшга тўлган, олий юридик маълумотли, ҳуқуқ ихтисоси бўйича камида уч йиллик меҳнат стажига эга бўлган, малака имтиҳонини топширган фуқароси туманлараро (шаҳар) суди, хўжалик суди судьяси этиб тайинланиши; олий юридик маълумотли, ҳуқуқ ихтисоси бўйича камида беш йиллик, жумладан, қоида тариқасида судьялик лавозимида камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Қорақалпоғистон Республикаси Олий

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар, Т., "Ўзбекистон", 1995, 221-бет.

² Қаранг: Ф.Бакиров. «Чор Туркистонда суд, шариат ва одат», Ўзбекистон, «Фан», Тошкент., 1967 йил, 9-бет.

суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди, Ҳарбий суди судьяси этиб тайинланиши; олий юридик маълумотли, ихтисоси бўйича камида етти йиллик, жумладан, қоида тариқасида судьялик лавозимида камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган ва малака имтихонини муваффақиятли топширган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди судьяси этиб сайланиши муҳим талаблардандир.

Мустақил Республикамиз ўзининг Қуролли Кучларига, алоҳида мудофаа вазирлигига эга бўлганлиги туфайли ҳарбий судларни ҳам ташкил этиш лозим бўлди. Шунинг учун қонунда бу тўғрида алоҳида кўрсатилди. Жумладан, ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, офицерлик таркибидаги ҳарбий унвонга эга бўлган, юқорида қайд этилган талабларга жавоб берувчи Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳарбий суд судьяси этиб тайинлаш мумкин.

Булардан ташқари «Судлар тўғрисида»ги қонунда ҳарбий судлар судьяларини Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонуни, ҳарбий низомлар, ҳарбий хизматчилар учун белгиланган ва мазкур қонунда кўзда тутилган ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя чоралари татбиқ этилиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий судини сайлаш Республика Олий Мажлисининг мутлоқ ваколатига кириши ва вилоят, туман судлари судьяларини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш ваколатини Президентга берилиши ва шу билан боғлиқ бўлган мунозараларга чек қўйди.

Муқаддам белгиланган туман, шаҳар судьяларини юқори Советлар томонидан сайлаш тартиби амалиётда ижобий натижа бермаганлиги амалиётда ўз тасдиғини топди. Бу масаланинг Конституцияда тўғри ва замон талабига асосланган ҳолда ҳал этилганлиги, кадрлар танлаш билан боғлиқ бўлган ғайриқонуний ҳаракатларнинг олдини олишга имкон берадиган бўлди.

Конституцияда судьяларни тайинлаш масаласини Президентнинг ваколатига берилиши суд тузилиши қонунчилигида бурилиш нуқтаси бўлди, дейиш мумкин.

4. Фуқаролик ишларининг биринчи инстанция судида кўрилишида халқ маслахатчиларининг иштирокисиз судьянинг якка тартибда, юқори судларда эса ишларнинг ҳайъат асосида кўрилиши принципи. Фуқаролик ва жиноий суд ишларини юритиш процесснинг раҳбарий қоидаларига амал қилган ҳолда олиб борилиши лозимлиги қонунда ўз ифодасини топган. Муқаддам ҳар қандай ишларни суд биринчи инстанция тариқасида халқ маслахатчиларининг иштирокида кўриши белгиланган эди. Амалдаги қонунчиликка киритилган ўзгартиришларга қараганда, барча биринчи инстанция судларида ишлар судьянинг якка ўзи томонидан кўрилади. Ишни судьянинг якка ўзи кўрганида ва ҳал этганида у суд номидан иш юритади.

Ишни апелляция ва кассация тартибида кўриш Қорақалпоғистон Республикаси Фуқаролик ишлари бўйича Олий судида, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларида уч нафар судьядан иборат таркибда, назорат тартибида кўриш эса Оаёсат аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатида ишлар апелляция, кассация тартибида ва назорат тартибида уч нафар судьядан иборат таркибда, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсатида – Раёсат аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленумида- Пленум таркибининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда кўрилади.

Ишни кўриш пайтида келиб чиқадиган ҳамма масалалар судьянинг яқка ўзи томонидан, ишни судьялар ҳайъати кўраётган ҳолларда эса, судьяларнинг кўпчилик овози билан ҳал қилинади. Ҳар бир масала ҳайъат томонидан ҳал қилинганда судьяларнинг биронтаси ҳам овоз беришда бетараф қилишга ҳақли эмас. Раислик қилувчи ҳаммадан кейин овоз беради.

Озчилик томонида қолган судья ўзининг алоҳида фикрини ёзма равишда баён қилишга ҳақли, унинг бу фикри ишга кўшиб қўйилади, бироқ эълон қилинмайди. Ишда иштирок этувчи шахслар судьянинг алоҳида фикри билан таништирилмаслиги юқоридаги қонунларда ўз аксини топган(ФПКнинг 14-моддаси).

Одил судловни ҳайъат тартибда амалга оширишда судьялар тенг ҳуқуқларидан фойдаланади.

Фуқаролик ишларининг ҳайъат тартибида кўрилиши ҳар қайси судьянинг билими ва тажрибасини ҳисобга олган ҳолда фуқаролик ишини тўғри ва асослантириб ҳал қилинишига ёрдам беради.

Суднинг маслаҳат хонасида қарор чиқаришда улар тенг ҳуқуққа эга бўлиб, масалалар кўпчилик овоз билан ҳал қилинади.

Кўриладиётган принцип билан судьяларни рад қилиш ҳуқуқи тўғрисидаги принцип узвий боғлиқдир. Бу принцип фуқаролик ишларини судда тўғри, беғараз кўрилишини таъминлаш имкониятини бериш билан бирга, суд таркибидан судьяни асоссиз четлатилишига йўл қўймайди.

Судьянинг яқка ўзи томонидан бажарган процессуал ҳаракатлари ҳам баъзи ҳолларда суд томонидан ҳайъат тартибда текширилиши мумкин. Чунончи, судья томонидан нотўғри қабул қилинган ариза юзасидан қўзғатилган фуқаролик иши бекор қилиниши ёинки бутунлай кўрилмай қолдирилиши мумкин.

Ўзбекистоннинг 1978 йилги Конституциясида судлар одил судловни амалга оширишда биринчи босқичдаги ҳамма судларда фуқаролик ва жиноий ишларни бамаслаҳат, ҳайъат тартибида, халқ маслаҳатчилари иштирокида кўрилиши белгиланган эди. Кўп ҳуқуқшунос олимлар ва амалиётчи ходимлар амалдаги Конституцияда халқ маслаҳатчилари институти ўз ифодасини топмаганлигидан таажубланган эдилар.

Тажриба шуни кўрсатдики, янги Конституция ижодкорлари бу масалани суд амалиётига тўғри ёндашган ҳолда ҳал этганликлари исботланди. Чунки амалдаги Конституция асосида 1993 йил 2 декабрда қабул қилинган ва ўз кучини йўқотган «Судлар тўғрисида»ги қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси Олий судида биринчи инстанция тариқасида ишларни халқ маслаҳатчилари иштирокисиз Олий суднинг уч судьясидан иборат таркибда

кўриш тўғрисидаги ҳуқуқий меъёр, фуқаролик ишларини мутахассис судьялар томонидан тўғри ҳал этилишига қаратилган тадбир эди.

5. Судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунishi принципи. Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашшига йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддаси).

Ўзбекистон Республикасининг Судлар тўғрисидаги янги таҳрирдаги қонунида судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш масаласига таъриф берилган, унга кўра уларни қонун билан белгиланган тартибда сайлаш, тайинлаш, озод қилиш; судьялар дахлсизлиги; одил судлов қатъий тартибда амалга оширилиши; қарор чиқариш чоғида судьялар маслахатининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб қилишни таъқиқланиши; судга ҳурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралашши; судьялар дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик; судьяга унинг олий мақомига муносиб равишда давлат ҳисобидан моддий ва ижтимоий таъминот белгилаш орқали таъминланиши белгиланган (Судлар тўғрисидаги янги таҳрирдаги қонунининг 67-70 моддалари)¹.

Булардан ташқари давлат идоралари ва бошқа ташкилотлар, муассасалар, мансабдор шахслар, фуқаролар судьялар мустақиллигини ҳурмат қилишлари ва шунга риоя этишлари шарт. Судьяларга ҳурматсизлик билдириш, шунингдек уни очикдан-очик менсимасликдан далолат берувчи ҳаракатлар қилиш амалдаги қонун ҳужжатларига асосан жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига ҳар қандай аралашувларга йўл қўйиб бўлмайди. Оммавий ахборот воситалари ўз хабарларида муайян иш бўйича ҳукм, ҳал қилув қарори чиқмасдан олдин ишни қандай ҳал бўлиши лозимлиги ҳақида фикр билдириши таъқиқланади.

Бу талаб Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик ва Жиноят процессуал кодексларида ҳамда судлар тўғрисидаги қонунида ҳам ўз аксини топган ва такомиллаштирилган. Масалан, ФПКнинг 7-моддасида айтилишича, фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга оширишда судьялар мустақилдирлар ва фақат қонунга бўйсундилар.

Судьялар фуқаролик ишларини қонун асосида, мустақил республиканинг ҳуқуқий тушунчасига мувофиқ судьяларга четдан таъсир этишга йўл қўйилмайдиган шароитда ҳал қилишлари лозим. Ишни кўришда ташқи таъсир бўлмаслиги заминида, ишнинг қандай ҳал қилиниши кераклиги тўғрисида ҳеч кимнинг кўрсатма бермаслиги, бундай ҳуқуқ юқори судга ҳам берилмаганлиги тўғрисидаги қоидалар кўрсатилган.

Судьяларнинг мустақиллиги қатор процессуал меъёрлар билан таъминланади. Чунончи: қарор чиқаришда судьялар маслахати сир сақланади; иш юзасидан бирон-бир масалани ҳал этишда, қарор чиқаришда судья мустақил

¹ Қаранг: Судлар тўғрисида (янги таҳрир)ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. “Ўзбекистоннинг янги қонунлари”, 25-сон, Т., “Адолат”, 2001.

бўлиб, ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириши мумкин. Қарорга қўшилмаган судья ўз фикрини алоҳида ёзма равишда баён этишга ҳақлидир.

Судьялар фуқаролик ишлари юзасидан келтирилган далилларга баҳо беришда, иш ҳолатларини аниқлашда, иш ва ишга оид бошқа масалаларни кўриш ва ҳал қилишда қўлланиши лозим бўлган ҳуқуқий меъёрларни танлашда мустақилдирлар.

Ишнинг судда кўрилишида прокурор ёки давлат идора органининг, эксперт ва мутахассисларнинг берган хулоса ва фикрлари, шунингдек, жамоат ташкилотлари фикрлари суд учун мажбурий эмас.

Ишни апелляция, кассация ва назорат тартибида кўрувчи юқори суд идоралари ҳам суд қарорини бекор қилишда ва ишни янгидан кўриш учун юборишда қандай ҳал қилиш лозимлиги ҳақида кўрсатма беришга ҳақли эмас.

6. Суд ишларининг миллий тилда юритилиши принципи. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 115-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларга таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади. Бу принцип Ўзбекистон Республикасининг судлар тўғрисидаги қонуни (8-модда)да ҳам уқтирилган¹.

Суд ишлари юритилаётган тилларни билмайдиган шахсларга ишга тааллуқли материаллар билан ўз она тилида тўлиқ танишиб чиқиш, ўз она тилида кўрсатув ва тушунтириш бериш, судда сўзлаш, арз билан мурожаат қилиш, шунингдек ФПКнинг 9-моддасида белгиланган тартибда таржимоннинг хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи таъминланади.

Суд ҳужжатлари ишда иштирок этаётган шахсларга уларнинг она тилларида ёки улар билладиган бошқа тилда таржима қилиб топширилиши лозим. Бу ҳуқуқий меъёрнинг асосий вазифаси суд ишларини юритилладиган тилни билмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тегишли даражада ҳимоя этилишини кафолатлайди.

Суд ишларининг миллий тилда юритилиши қоидага кўра, суд ишлари юритилишида иштирок этувчиларга ва суд мажлиси залида ҳозир бўлган шахсларга жараённинг тушунарли, шу билан бирга судда иш кўришнинг тарбиявий характерда бўлишини таъминлайди. Бу қоида жараённинг барча босқичларига тегишли бўлиб, унинг бузилиши суд ҳукми, ҳал қилув қарорининг бекор қилинишига асос бўлади.

Юқорида қайд этилган ҳоллардан кўринадики, агар ишда қатнашувчи шахснинг иши, масалан, тожик миллатига мансуб аҳоли кўпчиликини ташкил қилладиган жойдан бўлса, шу ерли халқнинг тилида иш кўрилиши, бунинг учун лозим ҳолларда таржимон билан таъминлаш масаласи туради. Бу қоиданинг заминада республиканинг миллий сиёсатга бўлган муносабати муҳимлигини кўрсатувчи ҳолатдир.

¹ Қаранг: “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Қонуни. Т.:Адолат, 2001.

Суд ишларини юргизиладиган тил тўғрисидаги принципнинг бузилиши ФПКнинг 314-моддаси 3-бандида кўрсатилганидек, суд ҳал қилув қарорини бекор қилинишига асос бўлади.

7. Судда иш кўришнинг ошқоролиги принципи. Қонун билан белгиланган айрим истеснолардан ташқари, барча ҳолларда, ишлар барча судларда очиқ кўрилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 113-моддаси билан белгиланган ва кафолатланган. Шунга биноан фуқаролик суд ишлари ошқора равишда, фуқароларнинг иштирокида кўрилади.

Фуқаролик суд ишларининг очиқ, ошқора кўрилиши ишда иштирок этувчиларга, шунингдек суд залида ҳозир бўлган бошқа шахсларга ҳам, катта таъсурот қолдириб, суд жараёнининг тарбиявий ролини таъминлайди.

Ишларнинг очиқ кўрилиши фуқароларга судьяларнинг ишлари билан бевосита танишиш, уларнинг фаолиятини халқ назорати остига олиш имконини беради ва фуқаролик ишларининг тўғри ҳал этилишини таъминлайди.

ФПКнинг 10-моддасида ва Судлар тўғрисидаги янги таҳрирда берилган Қонуннинг 7-моддасида кўрсатилганидек, барча судларда ишларни кўриш, ошқора олиб борилади. Бунда баъзи истеснолар белгиланган. Чунончи: қонунда белгиланишича, давлат сирини сақлаш манфаатлари ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳаёт сирларига оид маълумотларнинг фош қилинмаслиги талаб қилинган барча ҳолларда ҳамда тижорат сирларини сақлаш билан боғлиқ бўлса, фарзандликка олишнинг сир сақланишига оид маълумотларни ва ёзишмаларни сирини фош бўлмаслиги, суднинг асосланган ажримига биноан судда иш кўриш бутунлай ёки қисман ёпиқ равишда ўтказилади.

Суд мажлисида иш ёпиқ кўрилса, бу мажлисда ишда иштирок этувчи шахслар, уларнинг вакиллари судда ишни кўришда қатнашишга йўл қўйилган жамоат ташкилотлари вакиллари, зарур ҳолларда эса гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар ҳам қатнашадилар.

Ишнинг ёпиқ суд мажлисида кўрилиши тўғрисидаги ажрим судья (суд) томонидан чиқарилиши тегишли равишда асослантирилган бўлиши керак. Ёпиқ суд мажлисида қабул қилинган суд қарорлари ҳамма ҳолларда ошқора эълон қилинади.

Суд ишларининг юритилишини белгилайдиган иккинчи гуруҳ принциплари қуйидагилардан иборат:

1) Ишларни амалдаги қонунлар асосида ҳал қилиш принципи. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида кўрсатилганидек, “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар”.

Давлат ва жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун ҳужжатларига риоя қилишга мажбурдирлар. ФПКнинг 12-моддаси 1-қисмида бу конституциявий ҳуқуқий меъёр ўз ифодасини топган. Унда кўрсатилишича, суд ишларини Конституция ва Ўзбекистон Республикасининг қонунларига асосан ҳал қилиши лозим. Суд, шунингдек, қонунга ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига мувофиқ чет давлатларининг ҳуқуқий меъёрларини ҳам қўллайди. Давлат

ҳокимияти ва бошқарув идоралари томонидан ўзларига берилган ҳуқуқ доирасида чиқарилган ҳуқуқий ҳужжатларни ҳам татбиқ қилади.

Қонунларнинг суд томонидан тўғри татбиқ этилиши алоҳида аҳамиятга эга. Фуқаролик суд ишларининг тўғри ва одилона ҳал қилиниши фуқаролик, оила, меҳнат ва бошқа ҳуқуқий меъёрларнинг тўғри татбиқ этилиши йўли билан белгиланади.

Фуқаролик суд ишлари кўзга тилганда муайян қонуннинг бўлмаслигини кўрсатиб, фуқаролик ҳуқуқлари суд томонидан ҳимоя қилинишини рад этишга қўйилмайди. ФПКнинг 12-моддаси 3-қисмида кўрсатилганидек, низоли муносабатни тартибга соладиган қонун бўлмаган тақдирда, суд шу муносабатга ўхшаш муносабатни тартибга соладиган қонунни татбиқ этади. Бундай қонун ҳам бўлмаган тақдирда эса, республика қонун ҳужжатларининг умумий асослари ва маъносига таянади.

Суд фуқаролик ишларини қонун қиёслаши (аналогияси) ёки ҳуқуқ қиёслаши (аналогияси) бўйича фақат низоли муносабатни тартибга солувчи моддий ҳуқуқ (масалан, фуқаролик, меҳнат, оила ҳуқуқлари) меъёрлари бўлмагандагина ҳал қилинади. Фуқаролик ишларини процессуал ҳуқуқ меъёрлари қиёслаши (аналогияси) бўйича ҳал қилиш қонунда белгиланмаган.

Фуқаролик жараёнида ишларнинг амалдаги қонунлар асосида ҳал қилиниши принципи-ишларнинг процессуал ҳуқуқ меъёрларига аниқ риоя қилганлиги ҳолда кўрилиши, ишларнинг ҳал қилинишида моддий ҳуқуқ меъёрларига қатъиян амал қилиниши, суд ишида қатнашувчи тарафларнинг процессуал ҳаракатлари устидан суд назоратини олиб борилиши, суднинг чиқарган ҳал қилув қарорларининг қонунга мувофиқ бўлиш-бўлмаслигининг апелляция, кассация ва назорат тартибида текширилишнинг мажбурийлиги, суднинг ўз ташаббуси билан баъзи процессуал ҳаракатлар қилишга ҳуқуқли ва мажбур бўлишлиги, қонунларнинг айрим фуқаролар ва ташкилотлар томонидан бузилиши ҳоллари аниқланганда-суднинг бу тўғрида хусусий ажримлар чиқариши билан таъминланади.

2) Ишни ҳолисона (объектив ҳақиқатни) аниқлашга қаратилган принципи.

Бу принцип ФПКнинг 15-моддасида белгиланган. Унда айтилишича, суд тақдим этилган материаллар ва тушунтиришлар билан чекланмасдан, ишнинг ҳақиқий ҳолатини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва ҳолисона аниқлаш учун қонунга асосланган ҳолда чораларни кўришга ҳақли.

Бу принцип мазмунида фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилишда суд ҳақиқатда мавжуд бўлган ҳолатларни аниқлаш учун чоралар кўриши, тарафлар ўртасидаги муносабатларни аниқ белгилаши, суднинг қарори суд мажлисида ҳар тарафлама текширилган ва аниқ исботланган ҳолатларни асосланган бўлиши тўғрисидаги қоида ётади.

Ишни ҳолисона, ҳақиқатни белгилаш мақсадларида суд ишда иштирок этувчи шахсларга ҳуқуқ ва бурчларини тушунтириш, муайян процессуал ҳаракатлар қилиш ёки қилмасликнинг оқибатлари тўғрисида уларни

огоҳлантириш ҳамда уларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишларига ёрдам кўрсатиши лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал ҳуқуқи ҳамда ҳуқуқий меъёрларнинг аксарияти қандай шаклда бўлмасин, фуқаролик ишининг ҳақиқий ҳолатини аниқлашга қаратилган бўлиб, бу ўз навбатида ишни ҳолисона ҳал қилишга қаратилган принципнинг амалдаги кўринишидир. Бу қоида фуқаролик жараёнининг ҳамма босқичларига тегишлидир.

3) Эркин ҳуқуқ принципи.

Фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатлари бузилганида, бу ҳуқуқларнинг кўриқланиши, ҳуқуқларнинг тикланиши тўғрисида одатда суд органларига мурожаат қилинади. Бундай ҳолларда моддий ҳуқуқ ҳамда уни ҳимоя қилиш воситалари бўлган процессуал ҳуқуқ меъёрларини ишлатиш ҳуқуқи фуқаролик жараёнининг эркин ҳуқуқлилиги, яъни жараёндаги эркинлик ҳуқуқи деб аталади.

Эркинлик ҳуқуқининг мазмуни: 1) даъво қилиш ҳуқуқи; 2) даъводан воз кечиш ҳуқуқи ёки даъвони эътироф этиш (тан олиш) ҳуқуқи; 3) ўзаро келишиб ишни тамомлаш ҳуқуқи; 4) суднинг қарори устидан шикоят қилиш; 5) суд қарорини мажбурий равишда бажартиришни талаб қилиш ҳуқуқларидан иборат.

Суд фуқаролик ишини қуйидаги ҳолларда кўзғатади:

1. ўзининг ҳуқуқи ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қилган шахснинг аризаси бўйича;

2. прокурорнинг аризаси бўйича;

3. агар давлат бошқарув органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар қонунга мувофиқ бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этишга ҳақли бўлсалар, уларнинг берган аризалари бўйича (ФПКнинг 5-моддаси).

Юқорида келтирилган қонун фуқароларнинг ҳуқуқи бузилганда унинг кўриқланишини илтимос қилиш ҳуқуқини мазкур шахснинг ўзига бериши билан бирга, бузилган ҳуқуқларнинг ҳимоя қилиниши мақсадида фуқаролик жараёнида прокурорнинг иштирок этиши, фуқаролик ишининг бевосита суд, давлат ва жамоат ташкилотлари ташаббуси билан кўзғатилиши мумкинлигини белгилайди.

Моддий ҳуқуқи бузилган фуқаро эркин ҳуқуқлилиқ принципига биноан даъво кўзғатиш ёки кўзғатмаслик ҳуқуқига эга. Ташкилотларнинг ҳуқуқлари бузилиши ҳолларида эса-мазкур ташкилотларнинг мансабдор шахслари мулкий бўлган ҳуқуқни кўриқлаш мақсадида, даъво кўзғатиш ҳуқуқига эга бўлибгина қолмай, балки бундай даъвони кўзғатишга мажбурдирлар.

Бу принципга мувофиқ, даъвогар ўз даъвосининг предметини, ҳажминини, ҳуқуқий асосини белгилайди; иккинчи тараф-жавобгар эса, даъвони тан олиш ёки даъвога қарши бўлиб, даъвони инкор этиш ҳуқуқига эга.

Судда кўзғатилган фуқаролик иши тарафларнинг ўзаро келишувлари бўйича тамомланиши ҳам мумкин. Аммо тарафларнинг, яъни даъвогар ва жавобгарнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини амалга ошириш-оширмаслик

тўғрисидаги ихтиёрий ҳаракатлари, ўзаро келишувлари суд учун мажбурий эмас. Суд давлат ва жамоат манфаатлари талаб қилинганида ёки бирон-бир шахснинг ҳуқуқлари бузилишига қаратилган ҳолларда даъводан воз кечишни ёки даъвони тан олишни ҳал қилмаслиги ҳам мумкин. Тарафларнинг даъво ишини ўз розиликлари бўйича бутунлай тамомлашлари тўғрисидаги келишувлари ҳам суд учун мажбурий эмас.

Фуқаролик ишида қатнашувчи даъвогар ва жавобгарлар суднинг ҳал қилув қарори устидан, шунингдек юқори судларнинг ажримлари устидан шикоят бериш ва бермаслик ҳуқуқига эгадирлар. Аммо баъзи ҳолларда фуқароларнинг, ташкилотларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш зарур бўлган ҳолларда, қонуний кучга кирмаган суднинг ҳал қилув қарори устидан прокурор кассация протести келтириши мумкин. Ишда иштирок этувчиларнинг бири томонидан шикоят берилганида ёки бир шахснинг ёки бир неча шахсларнинг манфаатлари кўзланиб, протест келтирилганида, юқори суд фақат бу шикоят ва протестлар билан чекланиб қолмасдан, ишнинг ҳамма ҳолатини бутунлай текширишга мажбур бўлади.

Эркин ҳуқуқ принципи даъво ишининг кўзғатилишидан бошлаб то даъво юзасидан чиқарилган қарорларнинг ижро этилишигача қўлланиб, ишда иштирок этувчиларга тегишли процессуал ҳуқуқларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлайди.

4) Тортишувчилик принципи.

Фуқаролик жараёнида бу принцип қуйидагилардан иборат: биринчидан, ишда иштирок этувчи ҳар қандай шахс фуқаролик иши тўғрисида арз қилиши, баёнотлар бериши, эътироз билдириши, илтимослар қилиши, судга далиллар топшириш билан ўзининг ҳақлигини исботлаши, иш мазмуни бўйича ўз фикрларини айтиши мумкин; иккинчидан, прокурор иш ҳолатларини исботлаши, ишнинг айрим масалалари юзасидан, шунингдек ҳамма иш бўйича судга ўз фикрини бериши мумкин; учинчидан, суд ҳолисона усул билан ҳақиқатни белгилаш мақсадида ўз ташаббуси билан далиллар тўплаш ҳуқуқига эга.

Тортишувчилик принципига мувофиқ ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатилган ҳолатларни исботлаши керак. Шунинг учун тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар зарур далилларни судга келтиради. Агар тақдим этилган далиллар етарли бўлмаса, суд тарафларга ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга қўшимча далиллар тақдим этишни таклиф қилади. Қўшимча далиллар тақдим этиш тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар учун қийинчилик туғдирса, суд уларнинг илтимосномасига кўра, далиллар тўплашда уларга ёрдам бериши мумкин (ФПКнинг 57-моддаси).

Юқорида келтирилган қоидадан маълум бўлишича, тортишувчилик принципи тарафларнинг иш ҳолатларини исботлаш борасида бўлган ҳуқуқ ва бурчларининг суднинг ишни ҳал қилиш учун зарур бўлган ҳолатларни аниқлашга бўлган ҳуқуқ ва бурчлари билан узвий боғлиқ бўлишлигини билдиради. Ишда қатнашувчи тарафларнинг ўз талаблари ва эътирозларини исботлаш учун келтирилган далиллар суд томонидан текширилади ва иш учун

аҳамиятли бўлган бошқа фактлар билан солиштирилади ҳамда зарур ҳолларда тарафлардан бошқа қўшимча далиллар келтириш талаб қилинади ёки суд бу далилларни тўплашда уларга ёрдам кўрсатади.

Тортишувчилик принципи-суднинг чиқарган ҳал қилув қарорининг қонунийлигини ва асосли бўлишлигини апелляция тартибида текширувчи иккинчи инстанция судида ҳам қўлланилади. Бинобарин, тарафлар апелляция шикоятнинг ёки прокурорнинг апелляция протестининг рад қилинишини кўзлаб ўзларининг баёнотларини беришга ҳам ҳақлидир.

Қонун тортишувчилик принципининг амалга оширилишини таъминлаш мақсадида фуқаролик ишларини кўрувчи ва ҳал қилувчи судларга муайян бурчлар ҳам юклайди. ФПКнинг 15-моддасида белгиланганидек, суд тақдим этилган материаллар ва тушунтиришлар билан чекланмасдан, ишнинг ҳақиқий ҳолатини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар тарафлама тўлиқ ва ҳолисона аниқлаш учун қонунга асосланган ҳолда чоралар кўришга ҳақли.

Суд ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, уларни процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ёки оширишмасликнинг оқибатлари тўғрисида огоҳлантириши ҳамда уларга ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқаришларида ёрдам кўрсатиши лозим.

5) Фуқаролик ишларида иштирок этувчи тарафларнинг тенг ҳуқуқлиги принципи.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида ва ФПКнинг 8-моддасида кўрсатилганидек, фуқаролар ҳаётимизнинг барча соҳаларида тенг ва эркин ҳуқуқли бўлишлари, қонун олдида тенглиги кўрсатилган. Фуқаролик жараёнида иштирок этувчи тарафларнинг тенг ҳуқуқли бўлишлари республикаимиз судининг демократик принципларга асосан тузилганлигидан далолат беради.

Юқорида кўрсатилган конституциявий принципга мувофиқ фуқаролик ишида иштирок этувчи шахслар фуқаролик ишларининг юритилишида тенг ҳуқуқдан фойдаланадилар. Улар тенглик асосида судда турли илтимос қилишлари, ишнинг ҳамма материаллари билан танишишлари, барча процессуал ҳаракатларнинг қилинишида иштирок этишлари, суд мажлисида шахсан ёки вакиллари орқали кўрсатув беришлари, суддан тушунтиришлар олишлари, лозим ҳолларда эса-ёрдамлар ҳам олишлари, суднинг ҳал қилув қарорлари ва ажримлари устидан шикоятлар беришлари, ҳал қилув қарорларининг ижро этилишида иштирок этишлари мумкин. Фуқаролик ишида ҳар икки тараф тенг даражада даъво кўзғатиш-кўзғатмаслик, даъво талабларига эътироз билдириш-билдирмаслик, даъвони бутунлай ёки қисман тан олиш ёки бутунлай тан олмаслик ҳуқуқига эгадирлар. Қонун даъвогарга қандай ҳуқуқлар берган бўлса, масалан, даъво кўзғатиш ёки даъводан тўла ёки қисман воз кечиш ҳуқуқлари берилган бўлса, жавобгар ҳам ўз навбатида даъвога қарши бўлиш, даъвони рад этиш учун далиллар келтириш, даъвони тўла ёки қисман тан олиш ҳуқуқига эга бўлади. Тарафлар суд мажлиси давомида ҳам тенг бўлиб, сўзга чиқиш, кўрсатувлар, тушунтиришлар бериш ҳуқуқига эгадирлар.

6) Ишни оғзаки кўрилиши принципи.

Бу принцип судда иштирок этувчи тарафлардан процессуал ҳаракатларни оғзаки равишда ифодалашни талаб қилади. Суд ишни оғзаки кўрганда тарафлар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, шунингдек, ишда иштирок этувчи прокурор билан бевосита иш муносабатида бўлиш имкониятига эга бўлади.

Фуқаролик ишига изоҳлар ёзма равишда тақдим этилган бўлса ҳам, суддаги иш материаллари оғзаки равишда текширилади. Суд мажлисида оғзаки текширилган вақтда аниқланган ва тасдиқланган материалларгина суд қарорига асос қилиб олинади. Суд мажлисида айтилган сўзларнинг ҳаммаси суд мажлисининг баённомасига ёзилиши оғзакилик принципига ҳилоф келмайди. Аксинча, суд мажлисида айтилган сўзлар баённомасига ёзилмаслиги суд қарорининг қонуний ва асосли бўлишини текшириш имкониятидан маҳрум қилади.

Фуқаролик жараёнини оғзаки кўриш принципига мувофиқ суд тарафларнинг оғзаки тушунтиришлари, изоҳларини, гувоҳлар, экспертлар ва мутахассисларнинг оғзаки кўрсатувларини эшитади. Суд мажлисида кўриладиган барча масалалар оғзаки муҳокама қилинади. Бундай усул судьяларга иш ҳолатларини ойдинлаштиришларига ва уларда иш юзасидан тўғри ички тушунча пайдо бўлишига имкон беради. Судга тақдим этилган барча ёзма ҳужжатлар, чунончи экспертларнинг ёзма хулосалари ва бошқа ёзма далиллар оғзакилик принципи талабларига кўра суд мажлисида кўрилиши, оғзаки муҳокама қилиниши лозим. Фуқаролик ишини судда оғзаки кўрилиши ҳақида ҳамда агар ишни кўриш давомида судья алмаштирилган ҳолларда, бу ишни қайта кўрилиши ФПКнинг 11-моддасида кўрсатилган.

7) Судда иш кўришнинг бевоситалиги принципи.

Бу принципга биноан фуқаролик ишларини текширувчи ва иш юзасидан қарор чиқарувчи судьялар иш материаллари билан шахсан танишишлари, гувоҳларнинг берган гувоҳлигини, экспертлар ва мутахассисларнинг хулосаларини эшитиш, ёзма далиллар билан танишиш, ашёвий далилларни кўздан кечириш (ФПКнинг 11-моддаси 1-қисми) далилларни суд мажлисида бевосита ўзлари, шунингдек ишда қатнашувчиларнинг иштирокида текшириши тақозо этади.

Бу принципга мувофиқ суд фуқаролик ҳуқуқий низоларни ҳал этишда тарафларнинг ҳуқуқлари пайдо бўлиши, ўзгариши ёки тугаши билан боғлиқ далилларни бевосита аниқлайди. Суд умумий қоида бўйича топширилган ҳужжатларнинг асл нусхаларини кўради, фақат истесно тариқасидаги бундай ҳужжатларни суд мажлисига топшириш мумкин бўлмагандагина, ҳужжатларнинг иккинчи нусха (копия)ларидан фойдаланиши мумкин.

Фуқаролик жараёни бевоситалик принципига асосланган бўлса ҳам, айрим ҳолларда, бу қоидадан четга чиқишга қонун йўл қўяди. Масалан, гувоҳ иш кўриладиган судда бевосита сўроқ қилиниши лозим бўлса ҳам, у иш кўриладиган шахар ёки тумандан узоқ жойда яшаганида, ишни кўрувчи суднинг махсус топшириғи бўйича, у ўзи турадиган жойдаги суд томонидан сўроқ қилиниши мумкин.

8) Суд ҳимоясидан фойдаланиш имониятининг таъминланиши принципи.

Бу принципга асосан Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги қонуни (9-модда)га кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, давлат бошқарув идоралари ва мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан, шунингдек шаъни ва қадр-қиммати, ҳаёти ва соғлиғи, шахсий эркинлиги ва мулки, бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига тажовузлардан суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эга. Қонунда корхоналар, муассаса, ва ташкилотлар ҳам суд ҳимоясида бўлишига ҳақли.

Фуқароларнинг корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилиниши таъминлаш мақсадида суд муҳокамасининг барча босқичларида ва қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги масалалар судлар томонидан кўрилаётганда прокурор иштирок этади.

Суд ҳимоясидан фойдаланиш имкониятининг берилиши принципи аввало суд харажатларининг кўп бўлмаслиги, баъзи фуқароларнинг суд харажатларини тўлашда суд томонидан озод қилиниши ёки уларнинг тўланиши кечиктирилиши билан ифодаланади. Фуқароларга суд ҳимоясидан фойдаланишда қулайликлар туғдириш мақсадида суд идоралари халқнинг яшаш жойларига мумкин қадар яқинлаштирилиб жойлаштирилади.

Фуқаролик иши бўйича аризанинг қабул қилиниши тўғрисидаги илтимос суд томонидан фақат айрим, қонунда махсус назарда тутилган ҳоллардагина рад қилиниши мумкин.

Фуқаролик жараёнидан фуқаролик ишининг судда фақат адвокат орқали юргизилиши шарт эмас. Судья иш юзасидан судга мурожаат қилувчига унинг ҳуқуқ ва бурчлари, даъводан воз кечиш шунингдек бошқа процессуал ҳаракатларнинг оқибатлари тўғрисида тушунтиришлар беради.

Фуқаролик жараёни содда, мураккаблаштирилмаган шаклда амалга оширилиши туфайли фуқаролар ҳар қачон суд ҳимоясидан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар.

УЧИНЧИ БОБ

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИГА ОИД ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР ВА УЛАРНИНГ СУБЪЕКТЛАРИ

1-§. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси

Ҳуқуқий меъёрлар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий муносабатлар деб аталади. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар фуқаролик муомала ишларининг бошқача айтганда фуқаролар билан фуқаролар, ташкилотлар билан фуқаролар ўртасида бўладиган шахсий, мулкӣ, оила ҳуқуқи, меҳнатга оид уй-жой ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан, айрим ташкилотлар билан фуқаролар ўртасидаги баъзи хўжалик

муносабатларидан келиб чиқадиган ишларнинг судда кўрилиши ва ҳал қилинишида қонунда белгиланган ҳолларда суд ва бошқа органлар қарорларининг ижро қилинишида иштирок этувчилар ўртасида бўладиган ижтимоий муносабатлардан иборат.

Бундай ҳуқуқий муносабатлар суд билан фуқаролик иши юзасидан бўлган даъвогар ўртасида, суд билан жавобгар ўртасида, суд билан прокурор ва бошқа органлар ўртасида, суд билан тарафларнинг вакиллари ўртасида бўлиб, фуқаролик процессуал ҳуқуқий нормалари билан тартибга солинганлиги туфайли фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

Суд билан фуқаролик процессининг бошқа иштирокчилари ўртасида вужудга келадиган муносабатлар ҳам фуқаролик процессуал ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинганлиги сабабли фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар бўлиб кўрилади.

Фуқаролик процессида, яъни фуқаролик суд ишларининг юритилишида ва бундай ишлар бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорларининг ижро этилишида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар фуқаролик, оила, меҳнат, маъмурий ҳуқуқ масалаларига оид ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан фарқланиши керак. Масалан, фуқаролик ҳуқуқига оид муносабатларни олсак, унинг объектлари ҳар турли мулкӣ (моддий) ҳуқуқлар, ашёлар, мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш (идора этиш, бошқариш)га оид ҳуқуқлар, шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларни амалга оширишга қаратилган хилма-хил юридик ҳаракатлар, ижодий меҳнат натижаларини, чунончи: муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги муносабатлар ва бошқа мулкӣ ва шахсий характердаги ҳуқуқий муносабатлар бўлади. Моддий ҳуқуқий муносабатларга оид тушунчалар фуқаролик, оила, меҳнат, уй-жой, маъмурий ва бошқа ҳуқуқ фанларида батафсил ёритилган. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг муҳим хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, суд ҳар бир фуқаролик процессуал муносабатда албатта иштирок этувчи субъект бўлиб кўрилади. Чунки бундай муносабатлар юқорида айтганимиздек, суд билан процессда иштирок этувчиларнинг бири ўртасида, масалан, суд билан даъвогар ўртасида, суд билан жавобгар ўртасида ва процесснинг бошқа иштирокчилари ўртасида вужудга келади. Аммо бундай муносабатлар суд билан процесснинг барча иштирокчилари ўртасида бир вақтнинг ўзида вужудга келмайди. Бинобарин, фуқаролик процессуал муносабатларда барча ҳолларда фақат иккита субъект бўлиб, улардан бири албатта суд бўлади. Фуқаролик ишида иштирок этувчи тарафлар, учинчи шахслар ва процесснинг бошқа иштирокчилари тўғридан-тўғри ўзаро фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларда бўлмайди, чунки фуқаролик процессуал ҳуқуқ меъёрлари мазмунида фуқаролик процесси иштирокчилари ўртасидаги муносабатларнинг суддан ташқари вужудга келиши назарда тутилмаган.

Суд ҳокимияти давлатнинг муҳим вазифасини - одил судловни амалга оширади. Бинобарин, суд фақат фуқаролик ишларини юритиш тартибидагина, яъни ўзининг процессуал фаолиятини амалга ошириш жараёнида шахсларнинг (фуқароларнинг, ташкилотларнинг) бузилган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан

кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилади. Демак, ҳар қандай процессуал ҳуқуқий муносабат фақат суднинг процессуал фаолияти натижасидагина вужудга келиши мумкин ва шунинг учун ҳам суд барча ҳолларда ҳар қандай фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатнинг иштирокчиси бўлди. Фуқаролик процессида иштирок этувчи барча шахсларнинг ўзаро процессуал муносабатлари фақат суднинг тегишли ҳаракатлари воситасидагина амалга оширилади;

Иккинчидан, фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларда асосий субъект бўлиб кўрилган суднинг манфаатлари процессуал ҳуқуқий муносабатнинг бошқа субъектлари манфаатларига зид келмайди. Чунки суднинг ўзи фуқаролик суд ишларининг юритилишида ҳуқуқий муносабат субъектларининг процессуал ҳуқуқлари мумкин қадар тўла амалга оширилишидан манфаатдор бўлиб кўрилади. Шунинг учун ҳам ФПКнинг 15-моддасида кўрсатилганидек, суд тақдим қилинган материаллар ва тушунтиришлар билан чекланмасдан, ишнинг ҳақиқий ҳолатини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар тарафлама тўлиқ ва ҳолисона аниқлаш учун қонунда кўрсатилган ҳамма чораларни кўришга ҳақли. Суд ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши, уларни процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ёки оширмасликнинг оқибатлари тўғрисида огоҳлантириши ҳамда уларга ўз ҳуқуқларни рўёбга чиқаришларида ёрдам кўрсатиши лозим;

Учинчидан, процессуал ҳаракатни рўёбга чиқаришда вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар фақат юридик муносабатлар тарзидагина мавжуд бўлиши мумкин. Бинобарин, суд ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинмайдиган муносабатлар бўйича бузилган ҳуқуқни, масалан, қимор ўйнаб пул ютқизган фуқаронинг мулкӣ ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун ҳеч қандай шахс билан процессуал ҳуқуқий муносабатга кириша олмайди;

Тўртинчидан, фуқаролик процессуал муносабатларда процесснинг барча иштирокчилари фақат суд билан процессуал муносабатларда бўлсалар ҳам бу ҳолат ягона бир бутун процессуал ҳуқуқий муносабатни вужудга келтирмайди. Маълумки, судда фуқаролик ишлари юритилишида суд билан процесснинг бошқа иштирокчилари ўртасида фақат биргина ҳуқуқий муносабат вужудга келмасдан, балки бир нечта процессуал ҳуқуқий муносабатлар вужудга келади. Чунончи: суднинг даъвогар билан бўлган процессуал муносабати ўзининг мазмуни, вужудга келиши асоси ва вақти бўйича суднинг учинчи шахс билан ёки суднинг гувоҳ билан бўладиган муносабатидан фарқ қилади.

Тегишли фуқаролик иши юзасидан бўладиган ҳар қандай иш юритиш жараёни бу ишда қатнашувчи субъектларнинг доирасига қараб, бир қанча ҳуқуқий муносабатларни ўз таркибига олиши мумкин. Бу ҳуқуқий муносабатларнинг ҳар қайсиси бир-бири билан бевосита боғлиқ бўлганлиги туфайли уларнинг ҳар бири ҳуқуқий муносабатлар мажмуининг таркибий қисми ҳисобланади. Масалан, суд билан даъвогар ўртасида муайян ҳуқуқий муносабат бўлиши, суд билан жавобгар ўртасида ҳам ҳуқуқий муносабатни вужудга келтиради. Бинобарин, маълум иш бўйича бўладиган фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабат барча ҳолларда кетма-кет вужудга келадиган

ҳуқуқий муносабатлар тизимининг муайян мажмуи бўлиб кўрилади. Бу муносабатларнинг тизими ҳар бир иш учун ўзига хос ва мустақил бўлади. Иш юритиш жараёни давомида бу муносабатлардан баъзилари бекор бўлиши, баъзилари янгитдан вужудга келиши ёки мутлоқ янги ҳуқуқий муносабатлар вужудга келиши мумкин.

Фуқаролик жараёнида ҳар бир аниқ иш бўйича иштирок этувчиларнинг процессуал ҳаракатлари ягона умумий мақсадга эришиш учун, яъни муайян ҳуқуқуқлар ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилишга қаратилганлиги сабабли бу умумий мақсад аниқ иш юзасидан бўладиган фуқаролик процессуал муносабатлар тизимининг асоси бўлиб кўрилади.

2-§. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатлари

Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари, яъни фуқаролик ишида иштирок этувчи шахсларнинг бир томондан, энг асосий ва ҳал қилувчиси суд ҳисобланади. Иккинчи томонидан эса, фуқаролар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда жамоат бирлашмалари бўладилар.¹

Қонун фуқаролик процессуал ҳуқуқнинг субъекти сифатида Ўзбекистонда яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган-шахсларни ҳам танийди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро қонун нормаларига мувофиқ таъминланиши, улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этишлари кўрсатилган. Шу муносабат билан мазкур шахслар фуқаролик процессуал муносабатларга киришишлари, яъни бирон-бир ҳуқуқ тўғрисида ёки қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаат тўғрисида судга мурожаат қилишлари билан фуқаролик процессуал муносабатнинг субъектлари ҳисобланадилар.

Фуқаролик процессуал муносабатларнинг субъектлари доираси уларнинг процессда иштирок этиш мақсадлари ва вазифалари билан белгиланади.

Суднинг вазифаси юқорида айтилганидек, одил судловни амалга оширишдан иборат бўлганлиги сабабли фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабат субъектларининг орасида суд алоҳида ҳал қилувчи ўринни эгаллайди, чунки фақат судья томонидан даъво аризаси қабул қилинган тақдирдагина фуқаролик иши кўзғатилиши ва бу иш юзасидан муайян процессуал ҳаракатлар қилиниши мумкин.

Фуқаролик процессуал муносабатларнинг субъектлари фақат биринчи инстанция судларигина бўлмасдан, ишни шикоят ва назорат тартибида кўрувчи иккинчи инстанция судлари ва бошқа юқори суд органлари ҳам бўлиши мумкин.

¹ Қаранг: И. Зокиров Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳуқуқи. Т.: Адолат, 1996, 36-42-бетлар.

Фуқаролик процессуал муносабатларнинг субъектлари орасида муҳим ўринни ишда иштирок этувчи шахслар эгаллайди. Уларнинг процессуал фаолияти фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг бориши ва ривожланишига, фуқаролик процессининг бутунлайича вужудга келиши, ўзгариши ва бекор қилинишига таъсир қилади.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг таркиби ФПКнинг 33-моддасида кўрсатиб ўтилган. ФПКнинг 5 ва 48-49-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича процессда қатнашувчи тарафлар учинчи шахслар, уларнинг вакиллари, процессда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этадиган прокурор, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар ишда иштирок этувчи шахслар деб тан олинади.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг муайян ишнинг олиб борилишида ҳуқуқий жиҳатдан қанчалик манфаатдор бўлишлари даражаси ҳар хилдир. Бундай шахсларнинг бир гуруҳи, чунончи: даъво ишида иштирок этувчи тарафлар ва учинчи шахслар, давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракат (қарор)лари устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритиш муносабатларидан келиб чиқадиган ишларда иштирок этувчилар (ФПКнинг 264-моддаси) ва алоҳида тартибда кўриладиган иш юзасидан арз қилувчилар (ФПКнинг 279-моддаси) ўзларининг субъектив ҳуқуқларини ёки қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларини кўриқлаш учун жараёнда қатнашишлари сабабли, ишнинг қандай оқибат билан тугатилишида моддий-ҳуқуқий ва процессуал жиҳатдан манфаатдор бўладилар. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг иккинчи бир гуруҳи эса, масалан, прокурор, давлат органлари, касаба уюшмалари ўзларининг ҳуқуқларини кўриқламай, балки давлат ёхуд жамоатчилик манфаатларини ёинки айрим фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладилар ва иш юзасидан қабул қилинадиган қарорлар уларнинг субъектив ҳуқуқ ва манфаатларига таъсир қилмайди. Ишнинг кўрилиши ва ҳал қилинишида уларнинг манфаатдорлиги моддий-ҳуқуқий турда бўлмай, балки процессуал ҳуқуқий турда бўлиб, иш юзасидан қонуний ва асослантирилган қарорларнинг чиқарилишини кўзлайдилар.

Фуқаролик ишида иштирок этувчи шахслардан ҳар қайсилари жараёнда қатнашиш мақсади ва асосларига қараб қатор процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар. Чунончи: бу шахслар ФПКнинг 34-моддасида кўрсатилганидек, иш материаллари билан танишишга, улардан кўчирмалар олиш, нусхалар кўчириш, рад этиш тўғрисида арз қилиш, далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга ва одил судловни амлга оширишга кўмаклашаётган шахсларга саволлар бериш, арз қилиш, илтимослар тақдим этиш, судга оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, ишни судда кўриш давомида туғиладиган ҳамма масалалар бўйича ўзларининг важларини баён қилиш, бошқа шахсларнинг арзлари илтимосномалари, важларга қарши эътирозлар билдириш, суднинг ҳал қилув қарори, ажрими ва қарори устидан шикоят қилиш, суд чиқарган ҳал қилув қарори, ажрим, қарорнинг мажбурий ижросини талаб қилиш, суд

ижрочисининг ҳаракатлари вақтида ҳозир бўлиш, ва ўз ҳуқуларини амалга ошириш эгадирлар. Ишда иштирок этувчи шахслар ФПКда назарда тутилган бошқа процессуал ҳуқуқлардан ҳам фойдаланадилар.

Ишда иштирок этувчи шахслар ўзларига берилган барча процессуал ҳуқуқлардан инсофли равишда фойдаланишлари ва ўзларига юклатилган мажбуриятларни бажаришлари шарт.

Ишда иштирок этувчи шахслардан бошқа жараёнда ишнинг қай тарзда ҳал бўлишига юридик жиҳатдан манфаатдор бўлмаган, аммо жараённинг субъектлари ҳисобланган ва муайян процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган шахслар ҳам жараёнда қатнашадилар. Бундай шахслар жумласига: гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар киради. Уларнинг процессуал ҳаракатлари доираси бирмунча чекланган. Улар фақат аниқ белгиланган ҳаракатларни қилиш учун зарур бўлган ҳуқуқ ва бурчларгагина эга бўладилар.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари, қонунга биноан процессуал ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлган шахслар (фуқаролар ва ташкилотлар)гина бўлиши мумкин.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқ лаёқати деб фуқаролик процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш лаёқатига айтилади. Судда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш лаёқати вояга етмаган фуқаролар ва ташкилотларга тегишли эканлиги ФПКнинг 38-моддасида кўрсатилган. Фуқаролик процессуал ҳуқуқ лаёқатига мувофиқ ишда иштирок этувчи шахслар ФПКнинг 34-моддасида кўрсатилган ҳуқуқлардан ўзлари бевосита ёки вакиллари орқали фойдаланишларида ва зиммаларидаги мажбуриятларни бажаришларида ҳуқуқлари тенг даражада кўрилиб, уларнинг ҳеч бирига устунлик ҳуқуқи бирон-бир имтиёз берилмайди.

Агар шахсни ҳуқуқидан муайян қонунда назарда тутилган баъзи ҳолларда суд ҳукмига биноан таъқиқиланса, масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 45-моддасига мувофиқ фуқаро муайян мансабни эгаллаш ёки муайян иш билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинса¹ фуқаролик процессуал ҳуқуқ лаёқатидан маҳрум этиш қонунда назарда тутилмаган.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқ лаёқати ҳам фуқаролик ҳуқуқ лаёқати каби фуқаронинг туғилиши билан вужудга келиб вафот этиши ёки ўлган деб эълон қилиниши билан тугайди.

Фуқаролик ишида тарафлар ёки учинчи шахслар сифатида иштирок этувчи муассасалар, корхоналар, ташкилотлар юридик шахс бўлиб ҳисобланганларидагина фуқаролик процессуал ҳуқуқ лаёқатига эга бўладилар ва бу лаёқатни ўзларининг вужудга келишлари (ташқил топишлари) пайтидан эътиборан оладилар (ФКнинг 41, 44-моддалари).

Агар моддий ҳуқуқ соҳасида юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати уларнинг фақат ўз фаолиятлари мақсадларига тўғри келадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлишлари туфайли махсус лаёқат бўлиб

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Расмий нашр - Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2004 й

кўрилса, фуқаролик жараёни соҳасида, юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати махсус лаёқат бўлиб кўрилмади.

Фуқаролик процессуал муомала лаёқати тушунчаси ФПКнинг 38-моддасида берилган. Бу қонунда кўрсатилишича, судда ўз ҳуқуқини шахсан амалга ошириш ва ишни олиб боришни вакилга топшириш лаёқати (фуқаролик процессуал муомала лаёқати) вояга етган фуқароларга ва ташкилотга тегишлидир. Вояга етмаган, яъни ёши ўн тўртдан ўн саккиз гача бўлган фуқароларнинг, шунингдек, муомала лаёқати чекланган деб топилган ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари судда уларнинг ота-оналари, фарзандликка олганлар ёки ҳомийлар томонидан ҳимоя қилинади.¹ Аммо бу ҳол вояга етмаганларни ва муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларнинг бундай ишларда шахсан иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Меҳнат билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлардан ва олинган иш ҳақини ва даромадни тасарруф этиш билан боғлиқ битимлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича вояга етмаганлар судда ўз ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини шахсан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай ишларда вояга етмаганларга ёрдам бериш учун уларнинг ота-оналари, уларни фарзандликка олган ёки ҳомийларни жалб қилиш масаласини суд ҳал этади.

Ёш болаларнинг, яъни ўн тўрт ёшга тўлмаган фуқароларнинг, шунингдек, руҳий касаллик ёки ақли заифлиги туфайли муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини судда уларнинг қонуний вакиллари - ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар ёки ҳомийлар ҳимоя қиладилар.

Юқорида келтирилган қонунда маълум бўлишича, ўн тўрт ёшга тўлган шахслар ўзлари томонидан етказилган зарар учун ФКнинг 27-моддасида кўрсатилганидек, (унинг иккинчи қисмида санаб ўтилганлардан ташқари) ўз ҳолларича мустақил жавобгар бўладилар. Бинобарин, зарар етказиш билан боғлиқ ишлар бўйича улар судда мустақил қатнаша оладилар.

Вояга етгунга қадар қонуний асосда никоҳдан ўтган фуқаролар чунончи: Ўзбекистон Республикасида 16 ёшдан никоҳга кирган қизлар¹ никоҳга киришлари вақтидан эътиборан тўла ҳажмда муомалага лаёқатли деб ҳисобланадилар (ФКнинг 22-моддаси). Бинобарин бундай фуқаролар фуқаролик процессуал ҳуқуққа ҳам тўла ҳажмда эга бўладилар.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқ лаёқати фуқароларнинг вафот этиши ёки унинг суд тартибида ўлган деб эълон қилиниши ёхуд муомалага лаёқатсиз деб танилиши билан бекор бўлади.

Юридик шахсларнинг процессуал муомала лаёқати ҳуқуқ лаёқати каби юридик шахсларнинг ташкил этилиши пайтидан эътиборан вужудга келади ва фаолияти бекор бўлиши билан тугайди.

Чет эл фуқароларининг, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг, шунингдек хорижий корхоналарнинг ва ташкилотларнинг процессуал

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Расмий нашр - Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2003 й. 13-18-бетлар

Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. Тошкент.: Адолат, 1998.

ҳуқуқлари тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг V- бўлимида келтирилган қоидалар бўйича тартибга солинади.

3-§. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши асослари ва мазмуни

Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар муайян шартлар бўлгандагина ёки бошқача қилиб айтганда, ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирадиган асослар бўлгандагина вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши мумкин. Бундай асослар: ҳуқуқ меъёрлари процессуал ҳуқуқ лаёқати ва юридик далолатномалар ҳисобланади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатнинг вужудга келиши учун биринчидан, тегишли фуқаролик процессуал ҳуқуқ меъёри мавжуд бўлиши керак, чунки фуқаролик процессуал муносабатлар фақат ҳуқуқий муносабат шаклидагина вужудга келади, ривожланади ва бекор бўлади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатнинг вужудга келиши учун иккинчи асос-унинг субъектлари фуқаролик процессуал ҳуқуқ лаёқатига ҳам, яъни ФПКнинг 37-моддасида кўрсатилганидек, фуқаролик процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлар олиш лаёқатига ҳам эга бўлишлари зарур. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари, барча ҳолларда аниқ процессуал ҳуқуқ ва бурчлар эгаси бўлиб кўрилиши туфайли муайян процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлар ола олиш лаёқатига эга бўлишлари лозим.

Ҳуқуқий муносабатнинг ҳар бир субъектига тегишли процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг мазмуни ва ҳажми унинг фуқаролик жараёнида иштирок этиш роли ва мақсадига қараб ҳар хил бўлади.

Фуқаролик процессуал муносабатларни вужудга келтирадиган учинчи асос юридик далолатнома (факт)лар ҳисобланади. Бундай юридик далолатномалар: муайян процессуал ҳаракатлар, ходисалар, шунингдек қилиниши лозим бўлган процессуал ҳаракатларнинг қилинмаслиги бўлади. Масалан, даъво кўзғатишдан иборат процессуал ҳаракат судьяни, қонунда назарда тутилган шартлар бўлганида, даъво аризасини қабул қилишга, ишни кўриш учун тайёрлаш юзасидан муайян ҳаракатлар қилишга ва ҳоказоларга мажбур қилади. Шахснинг ўлими каби ходиса судни кўзғатилган фуқаролик ишини бекор қилиш ёки ишнинг кўрилишини тўхтатиш тўғрисида қарор чиқаришга мажбур этади.

Жараён иштирокчиларининг муайян процессуал ҳаракатларни қилмасликлари, масалан, апелляция шикоятини ёки прокурорнинг апелляция протести берилмаслиги суд қарорининг қонуний кучга киришига ва бунинг натижасида муайян ҳуқуқий оқибатларнинг вужудга келишига сабаб бўлади.

Фуқаролик процессуал муносабатлар қоида бўйича фақат юридик далолатномаларнинг муайян мазмуни (юридик таркиби) бўлганидагина вужудга келади. Бундай юридик таркибнинг энг зарур элементи - суднинг муайян ҳаракати ҳисобланади, чунки жараёнда иштирок этувчи ҳар қандай шахснинг ҳаракати, суднинг ҳаракати билан боғланган ҳолдагина процессуал ҳуқуқий муносабатни вужудга келтириши мумкин. Чунинчи: фуқаролик ишини

қўзғатиш учун даъвогарнинг судга ариза бериш юзасидан муайян ҳаракатлар қилишигина зарур бўлмасдан, балки суднинг ҳам бундай аризани қабул қилиш ёки аризани қабул қилишни рад этишга қаратилган ҳаракати бўлиши зарур. Суднинг муайян ҳаракати бўлмай туриб, фуқаролик процессуал муносабат ҳам вужудга келиши мумкин эмас. Фуқаролик процессуал муносабатларни вужудга келтирадиган юридик далолатномаларнинг яна бир хусусияти шундаки, улар процессуал ҳуқуқ меъёрларида назарда тутилган, муайян тартибда ва жараённинг ривожланиш босқичлари билан муқаррар қилинадиган тарзда вужудга келади. Чунончи: фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар аввало даъво қўзғатиш далолати билан вужудга келади. Бинобарин, асосий даъвонинг қилинишига қадар муқобил (қарши) даъвони таъминлаш юзасидан тегишли ҳаракатлар қилиб бўлмайди ёинки ишга учинчи шахс сифатида киришиб бўлмайди ва шу тартибда кетма-кет бошқа процессуал ҳаракатларни ҳам қилиб бўлмайди.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатнинг мазмунини фуқаролик процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлар ташкил этади. Ҳуқуқий муносабатнинг мазмунида бундай муносабатнинг субъектлари қандай процессуал ҳаракатлар қилишлари зарурлиги ва қандай ҳаракатларни қилмаслиги кераклиги белгиланади.

Субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар муайян процессуал ҳаракатлар қилиниши натижасида амалга оширилади. Масалан, суд муайян моддий ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган низони, чунончи, алимент ундириш тўғрисидаги низони ҳал қилар экан, бунинг учун, яъни ишни мазмунан ҳал қилиш учун суд иш юзасидан тегишли ҳолатларни белгилаш билан бирга, мазкур ҳуқуқий муносабат бўйича тарафларнинг субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар нималардан иборат бўлишини, низоли ҳуқуқ муносабатининг қайси қонун ва ҳуқуқ меъёрлари асосида ҳал қилинишини аниқлайди.

Суд фақат низоли ҳуқуқий муносабатнинг мазмунини, яъни тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳажмини тўғри аниқлангандагина низони мазмунан тўғри ҳал қилиши мумкин. Бунинг учун суд ФПКнинг 15-моддасида кўрсатилганидек, ишнинг ҳақиқий ҳолатини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва ҳолисона аниқлаш учун қонунда асосланган ҳамма чораларни кўради.

Процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлар фуқаролик процессуал муносабатларнинг субъектлари ҳаракати воситасида амалга оширилади. Уларнинг бу ҳуқуқ ва мажбуриятлар фуқаролик процессуал ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ равишда амалга оширилиши эса, фуқаролик ишини барча ҳолатини ҳар тарафлама аниқлашни, қонуний ва асослантирилган суд қарорларининг чиқарилишини ва шу билан одил судлов вазифаларининг амалга оширилишини таъминлайди.

ТЎРТИНЧИ БОБ

ФУҚАРОЛИК ЖАРАЁНИДА ТАРАФЛАР

1-§. Фуқаролик жараёнида тарафлар тушунчаси

Аксарият фуқаролик ишларининг суд мажлисида кўрилишида, хусусан, фуқаролар билан фуқаролар, ташкилотлар билан фуқаролар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг судда кўрилишида албатта икки тараф: даъвогар ва жавобгар иштирок этади. Аммо баъзи ҳолларда, чунончи: алоҳида тартибда кўриладиган ишларда, фақат бир тарафгина, бирон-бир муддаони айтиб судга ариза билан мурожаат қилувчи тарафгина иштирок этиши мумкин.

Низоли ишларда низо предметига нисбатан қарама-қарши бўлган икки тараф бўлади. Тарафлардан бири даъвогар, яъни ҳуқуқнинг ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларнинг ҳимоя қилинишини илтимос қилиб даъво кўзғатган ёхуд манфаатини кўзлаб иш кўзғатган шахс ва иккинчи томонида жавобгар, яъни даъво юзасидан даъвогарни ҳуқуқ ва қонуний манфаатини бузганлиги учун суд томонидан жавоб бериш учун жалб этилган шахс бўлади. Шу тарзда низоли ҳуқуқнинг ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатнинг субъекти даъвогар деб фараз қилинса, низоли бурчнинг субъекти эса жавобгар сифатида фараз қилинади.

Шу маънода янги ФПКда даъвогар ва жавобгар фуқаролик процессининг тарафлари эканлиги, даъвогар ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат этган ёинки манфаатини кўзлаб иш кўзғатилган шахслиги, жавобгар эса суд томонидан даъвогарнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатлари юзасидан жавоб бериш учун жалб қилинган шахс деб таъриф берилган (ФПКнинг 39-моддаси).

Фуқаролик жараёнида тарафлар, яъни даъвогар ва жавобгар сифатида фуқаролар, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари бўлиши мумкин.

Фуқаролик жараёнида даъво фақат даъвогар томонидангина кўзғатилмасдан, балки бузилган ҳуқуқларнинг барча ҳолларда ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида қонун судда даъво кўзғатиш ҳуқуқини бошқа шахсларга ҳам беради. Чунончи: ФПКнинг 46-48-моддаларида кўрсатилишича, прокурор, давлат бошқаруви идоралари, муассасалар, корхоналар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ёхуд айрим фуқаролар, агарда қонунга кўра улар бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишлари мумкин бўлса (ФПКнинг 5-моддаси), кўзғатилган жараён тўғрисида суд томонидан хабардор қилинади ва ўзининг ҳуқуқини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун ариза берган шахс билан бир қаторда жараёнда даъвогар тарафида туриб иштирок этишлари мумкин.

Аммо суд ишининг ким томонидан кўзгатилишидан қатъий назар, низоли ҳуқуқ субъекти (манфаатдор шахс) жараёнда, барча ҳолларда даъвогар бўлиб кўрилади. Масалан, айтайлик, ногирон ва кўзи ожиз фуқарони мулкига бировлар томонидан ғайриқонуний равишда етказилган зарарнинг ундирилиши тўғрисида даъво ишини прокурор кўзгатса ҳам, аммо даъвогар ногирон шахс ҳисобланади, жавобгар тараф эса, ногирон, кўзи ожиз шахснинг мулкӣ ҳуқуқини бузган шахс (ёки шахслар) бўлади.

Фуқаролик ишларининг судда кўрилиши ва ҳал қилинишида тарафларнинг (даъвогар ва жавобгарнинг) тенг ҳуқуқли бўлиб кўрилишлари-Республика фуқароларининг тенг ҳуқуқлиги тўғрисидаги конституциявий принципнинг ифодасидир. Жараёнда тарафларнинг тенглиги, фуқаролик ишининг кўрилишида даъвогар ёки жавобгар бўлиб иштирок этувчи фуқаро учун ҳам, ташкилот, давлат бошқарув идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари учун ҳам тааллуқлидир.

Судда ишнинг ҳал қилинишида ҳар икки тараф: даъвогар ҳам, жавобгар ҳам тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар, ҳар икки тараф ўзлари ўртасидаги низонинг кўрилишида, бу низонинг ким томонидан кўзгатилишидан қатъий назар, суд мажлисларида тенг даражада иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Жараёнда, яъни фуқаролик ишининг кўрилишида тенг даражада иштирок этиш ҳуқуқи тарафларнинг бир қатор процессуал ҳуқуқлардан баб-баравар фойдаланишларини билдиради. Бу принципга риоя қилинган ҳолда тарафлар иш материаллари билан танишиш, иш материалларидан кўчирмалар ва нусхалар олиш, четлатишни билдириш, далиллар келтириш ёки далилларни текширишда иштирок этиш, ишда иштирок этиш, ишда иштирок этувчи гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга саволлар бериш, судга илтимослар қилиш, оғзаки ва ёзма баёнотлар бериш, ишнинг судда кўрилиши давомида вужудга келган барча масалалар юзасидан ўз важларини келтириш ва фикрларини айтиш, иккинчи тарафнинг илтимосларига, кўрсатган важлари ва илтимосларига қарши эътирозлар билдириш, суднинг ҳал қилув қарори ва ажримлари устидан шикоятлар бериш, ҳал қилув қарорининг мажбурий равишда ижро этилишини талаб қилиш суднинг ҳал қилув қарорлари ижро этилишида суд ижрочисининг муайян ҳаракатларида қатнашиш, шунингдек қонун билан берилган бошқа процессуал ҳуқуқлардан кенг даражада фойдаланишга ҳақли бўладилар.

Низоли ҳуқуқ тўғрисидаги масалалар судда кўрилиши ва ҳал қилинишида тарафлар жараённинг бошқа иштирокчиларидан фарқ қилиб, ўзларига хос ҳуқуқларга эга бўладилар. Чунончи: даъвогар даъвонинг асосини ёки предметини ўзгартиришга, даъво талабларининг миқдорини оширишга ёки камайтиришга ёхуд даъводан воз кечишга, даъвогар эса даъвога иқрор бўлишга ҳақли бўлади.

Тарафлар жараённинг ҳар қандай даврида ишни келишув битими билан тамомлашлари мумкин (ФПКнинг 40-моддасини 4-қисми). Тарафларнинг бу ҳуқуқлари қонунга биноан суд назорати остида амалга оширилади.

Суд даъвогарнинг даъводан воз кечишини, жавобгарнинг даъвога иқрорлигини башарти, бу ҳаракатлар қонунга хилоф бўлса ёки кимнинг

бўлмасин ҳуқуқини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузса, қабул қилмайди ва тарафларнинг келишув битимини тасдиқламайди.

Агар даъводдан воз кечиш, даъвога иқрор бўлиш, келишув битими тарафларнинг эркига, қонунга, давлат манфаатларига хилоф бўлса, тарафлардан бирининг ёки бошқа шахсларнинг манфаатларига зарар келтирадиган бўлса, суд иш юзасидан тўпланган далилларни текширишни давом эттиради ва мазкур ишнинг ҳолатларига мувофиқ тарзда қарор чиқаради.

Суд тарафларга тегишли бўлган ҳуқуқларнинг амалга оширилишида уларга ҳар томонлама ёрдам беради, ҳуқуқларини тушунтиришда муайян процессуал ҳаракатнинг қилиниши ёки қилинмаслигининг оқибатлари тўғрисида огоҳлантиради.

Тарафлар ўзларига берилган барча процессуал ҳуқуқлардан виждонан, инсофли равишда фойдаланишга мажбурлар. Жараёни чўзиш ёки бузиш мақсадида ҳар қандай ғайриқонуний ҳаракатлар қилинишига суд йўл қўймайди.

2-§. Процессуал иштирокчилик ва унинг турлари

Процессуал шерик иштирокчилик деб, муайян фуқаролик ишининг судда кўрилишида ҳар икки тарафдан ҳам бир неча даъвогарлар ёки бир неча жавобгарлар иштирок этишига айтилади.

ФПКнинг 41-моддасида кўрсатилганидек, талаб қўйилган ариза бир ёки бир неча даъвогарлар томонидан биргаликда ёхуд бир ёки бир неча жавобгарларга нисбатан қўзғатилиши мумкин.

Юқорида келтирилган қонунда белгиланганидек, даъвогарнинг ўрнини бир вақтнинг ўзида қачонки низоли ҳуқуқ бир неча субъектларга тегишли бўлганида бир неча шахслар (шерик даъвогарлар) эгаллашлари мумкин. Масалан, васият бўйича мерос мулки ворисларнинг фақат биригагина қолдирилганида қонунга (ФКнинг 1142-моддасига) биноан мерос мулкидан мажбурий хисса олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар (мархумнинг вояга етмаган болалари, боқимида бўлган бошқа шахслар) ўзларига тегишли мерос хиссасининг ажратиб берилиши тўғрисида судда даъво қўзғатиб шерик даъвогарлар бўла оладилар.

Даъво юзасидан жавобгар тараф ҳам бир неча шахслардан иборат бўлиши мумкин. Масалан, бир неча шахс биргаликда жиноят қилиб, айтайлик ўғрилиқ қилиб, фуқарога ёки ташкилотга зарар етказганларида, жиноятдан зарар кўрган шахс судда даъво қўзғатиб, кўрган зарарининг жиноятда иштирок қилган барча шахслардан шерикчилик принципи асосида ундирилиши тўғрисида талаб қўя олади.

Бу принципнинг мазмуни, моҳияти шундан иборатки, агар зарарни шериклардан биридан ундириш мумкин бўлмаганида, унинг хиссасини бошқа шерик жавобгарлардан ундириш мумкин бўлади.

Даъвогар томонидан бўладиган шерик иштирокчилар одатда, фаол (актив) иштирокчилар ва жавобгар томонидан ишда қатнашадиган шерик иштирокчилар эса пассив иштирокчилар дейилади. Агар жараёнда бир вақтнинг

Ўзида бир неча даъвогарлар ва бир неча жавобгарлар иштирок этсалар, аралаш шерик иштирокчилик тўғрисида сўз боради.

Жараёнда шерик иштирокчилик мажбурий ва номажбурий (факультатив) бўлиши мумкин. Шерик иштирокчилик турлари низонинг предмети нимадан иборат бўлишига ва шерик иштирокчилар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатнинг характериға қараб белгиланади.

Мажбурий шерик иштирокчилик тўғрисида шуни айтиш керакки, жараён субъектларидан бирининг ҳуқуқи (ёки бурчи) тўғрисидаги масалани, ҳуқуқий муносабатнинг бошқа субъектларининг ҳуқуқлари ёки бурчларини шу бир вақтнинг ўзида аниқламасдан ҳал этиш мумкин бўлмаганида, суд низоли ҳуқуқий муносабатнинг ҳамма шерик даъвогарлар ёки шерик жавобгарларини ишга жалб этишга мажбур бўлганида-мажбурий шерик процессуал иштирокчилик тўғрисида сўз боради. Масалан, турар жойдан кўчириш тўғрисидаги ишларни кўришда, суд шерик жавобгарлар сифатида оиланинг барча вояга етган аъзоларини жараёнга жалб қилишга мажбур.

Шу тартибда мажбурий шерик иштирокчиликни белгилаш учун зарур асос-низоли ҳуқуқий муносабат субъектларининг умумий бурчи бўлади.

Фуқаролик жараёнида номажбурий (факультатив) шерик иштирокчилик бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган талабларнинг бирга қўшиб ҳал қилиниши мажбурий бўлмаса ҳам, аммо мақсадга мувофиқ деб топилган ҳолда вужудга келади. Масалан, мулкнинг қўриқланиши туфайли зарар кўрган бир шахснинг даъво иши судда қўзғатилганида жавобгарга нисбатан бошқа шахсларнинг ҳам даъволари борлиги аниқлаганида, бундай шахслар ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини хоҳласалар кўриладиган ишда шерик даъвогарлар бўлиб ҳисобланишлари мумкин. Суд ҳамма даъво ишининг бир вақтнинг ўзида кўрилиши мақсадга мувофиқ деб топганида ва бундай ҳолларда ишда бошқаларнинг ҳам иштирок этишини лозим деб топса, иш юзасидан қўшимча даъвогарлар сифатида ишда иштирок этиш учун бошқа зарар кўрган шахсларни таклиф қилади. Уларнинг ишда иштирок этишлари мажбурий эмас, аммо ўз мулкий ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини хоҳласаларгина бир вақтда кўриладиган ишда шерик даъвогарлар сифатида ишда иштирок этишлари мумкин.

Шерик иштирокчиларнинг ҳар қайсилари фуқаролик жараёнида ҳар қандай даъвогар ва жавобгар каби процессуал ҳуқуқлардан ва процессуал бурчлардан тенг фойдаланадилар.

Фуқаролик ишида иштирок этган шерик даъвогарлар ёки шерик жавобгарларнинг биронтаси томонидан бериладиган шикоят аризасига уларнинг ҳар қайсиси қўшилиш ҳуқуқига ҳам эга бўладилар.

Фуқаролик ишининг юритилишида шерик иштирокчилардан бирининг ҳаракати бошқа шерикларнинг фойдасига ҳам, зарарига ҳам қаратилмайди, чунки шерик даъвогарлар ва шерик жавобгарларнинг ҳар қайсилари жараёнда бошқа тарафга нисбатан мустақил даъвогар ёки мустақил жавобгар бўлиб кўрилади.

Шерик иштирокчилар ишнинг судда юритилишини ўз шерикларидан бирига топширишлари мумкин.

3-§. Ишга тегишсиз тарафни алмаштириш

Судья арз қилган даъво талабларини қабул қилишда, ишни суд мажлисида кўриш учун тайинлашда ариза билан судга мурожаат қилган шахснинг (фуқаро ёки ташкилотнинг) ҳуқуқи ёки қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаати бузилганлигини ва жавобгар сифатида кўрсатилган айнан шу шахс томонидан бузилганлигини ҳануз билмайди, фақат бундай ҳолатнинг бўлиши фараз қилинади ва кимнинг даъвогар ва кимнинг жавобгар бўлиши тахминан белгиланади.

Даъвогар шахс ҳуқуқининг бузилганлиги ва шу муносабат билан унинг ўзи даъвогар бўлиши ва бу низоли ҳуқуқни бузувчи жавобгар сифатида кўрсатилган шахснинг айнан ўзи жавобгар бўлишлиги суд мажлисида, ишни атрофлича, ҳолисона (объектив) равишда текшириш натижасида аниқланади.

Ишнинг кўрилишида аксарият ҳолларда даъвогар ҳам, жавобгар ҳам даъво аризасида кўрсатилган шахслар бўлади. Аммо баъзи ҳолларда жараёнда ё даъвогар, ё жавобгар тараф ёинки ҳар икки томон ҳам хатолик билан ишга жалб этилишлари туфайли тегишсиз (дахлдор бўлмаган) тараф (тарафлар) бўлиб чиқиши, яъни даъвогар даъво иши кўзғатишга ҳақли бўлмаган тараф, жавобгар эса мазкур даъво юзасидан жавоб беришга мажбур бўлмаган шахс бўлиб топилиши мумкин. Шундай ҳолатларни назарда тутиб, қонун ишга тегишсиз тарафни суднинг ташаббуси билан ёки прокурорнинг талаби бўйича ёинки тарафлардан бирининг илтимосига кўра бошқа тегишли тараф билан алмаштиришга йўл кўяди.

ФПКнинг 42-моддасида кўрсатилишича, суд ишни текшириш вақтида аризани талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан кўзғатилганлигини ёки жавоб бериши лозим бўлмаган шахсга нисбатан кўзғатилганлигини аниқласа, даъвогарнинг розилиги билан ишни бекор қилмасдан, дастлабки даъвогарни ёки жавобгарни тегишли даъвогар ёки жавобгар билан алмаштиришга йўл кўйиши мумкин.

Тегишсиз, дахлсиз даъвогар деб низоли ҳуқуқнинг ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатнинг ўзига тегишли бўлиши тўғрисида даъво кўзғатиш ҳуқуқига эга бўлмаган даъвогарга айтилади. Чунончи фуқаро Г. вафот этган ўғлининг хотинини квартирадан кўчириш тўғрисида судда даъво иши кўзғатишда даъвога асос қилиб, келинининг шу шаҳарда шахсий эгалигида отасидан мерос бўлиб қолган уй-жойи борлигини кўрсатади. Суд ФКнинг 601-моддаси мазмунига кўра, аниқ мақсадга қаратилган коммунал уй-жой фондидаги уй-жойлар фуқароларга уй-жойни ижарага бериш асосида берилганлигини уй-жойдан кўчиришни ҳар ким талаб қила олмасдан, балки бу жойни ижарага берувчигина талаб қилиши мумкинлигини кўрсатиб, фуқаро Г.нинг иши бўйича тегишсиз тараф эканлигини ва унинг тегишли даъвогар тараф коммунал уй-жой фонди раҳбарияти билан алмаштирилиши лозимлиги тўғрисида ажрим чиқаради.

Агар даъвогар ўз ўрнига бошқа шахс қўйилишига рози бўлмаса, у шахс ишда низо предмети юзасидан мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахс

сифатида қатнаша олади. Масалан, юқорида келтирилган мисолдаги дастлабки даъвогар Г. даъвонинг бошқа асосини, чунончи: келини билан доимо жанжаллашувлари сабабли бир квартирада яшашлари мумкин бўлмаслигини асос қилиб кўрсатиб, ФКнинг 615-моддасига мувофиқ келинини кўчириш тўғрисида мустақил талаб қуйиб ишда учинчи шахс сифатида қатнашиши мумкин.

Агар дахлсиз, тегишсиз даъвогар тараф жараёндан чиқишликка розилик берса-ю, аммо тегишли даъвогар тараф суд ишига киришишга ўзининг розилигини бермаса, бундай ҳолда суд дастлабки ҳолда даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганлиги туфайли иш юритишни тугатади (ФПКнинг 100-моддасининг 3-банди).

Фуқаролик ишларининг кўрилишида баъзи ҳолларда дахлсиз, тегишсиз жавобгарнинг иштирок этиши учраб туради. Масалан, мулкни ўғирлатган фуқаро А. фуқаро Б.га нисбатан ўзига етказилган зарарнинг ундириши тўғрисида даъво кўзғатади.

Кўзғатилган жиноят ишининг судда кўрилишида фуқаро А. низоли ҳуқуқнинг тахмин қилинган субъекти сифатида даъвогар ўрнини олади. Фуқаро Б. эса низоли бурчнинг субъекти, яъни жавобгар сифатида кўрсатилган бўлади. Аммо ишнинг судда кўрилиши давомида А.нинг мулки Б. томонидан ўғирланмасдан, балки унинг укаси В. томонидан ўғирланганлиги аниқланди. Шу муносабат билан суд тегишсиз жавобгарнинг дахлдор-тегишли жавобгар билан алмаштирилиши тўғрисида ажрим чиқаради.

Агар даъвогар жавобгар ўрнига бошқа шахсни жавобгар қилишга рози бўлмаса, суд у шахсни иккинчи жавобгар сифатида ишга жалб қила олади. қонун (ФПКнинг 42-моддасининг 3-қисми) тегишсиз тарафнинг (тегишсиз даъвогар ва тегишсиз жавобгарнинг) ўзгартирилиши шарти сифатида албатта даъвогарнинг розилиги бўлишлиги зарурлигини кўрсатади.

Қонун жавобгарнинг ёки даъвогарнинг тегишли тараф билан ўзгартирилишига жавобгарнинг розилик беришини талаб қилмайди.

Ишга иккинчи, яъни дахлдор-тегишли жавобгар жалб этилгани ҳолда чиқариладиган суднинг ҳал қилув қарори мазмуни ҳар турли бўлиши мумкин. Чунончи: биринчидан, даъвогарнинг биринчи жавобгарга нисбатан хатолик билан кўзғатилган талабларини иккинчи жавобгар ҳисобидан ундириш тўғрисидаги қарор; иккинчидан, суд биринчи жавобгарга нисбатан, шунингдек иккинчи жавобгарга нисбатан ҳам кўзғатилган даъво иши бўйича жавобгарликдан озод қилиши, масалан, иккинчи жавобгарга нисбатан даъво муддатининг ўтиши ёки мажбуриятнинг иш судда кўрилишига қадар ижро этилиши ва бошқа асослар бўйича озод этиш тўғрисидаги қарор; учинчидан, суд иккинчи жавобгарни масъулиятдан озод қила туриб, биринчи жавобгарга нисбатан кўзғатилган даъвони кондириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариши ҳам мумкин.

Тарафлардан бири алмаштирилганидан кейин ёки ишга мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахс ёхуд иккинчи жавобгар жалб қилинганидан кейин тарафларга иш учун лоим ҳужжатларни тўплаш, жараёнга тайёрланиш

имкониятини бериш мақсадида ишнинг янгидан кўрилиши бошқа вақтга қолдирилади.

4-§. Процессуал ҳуқуқни қабул қилиш (ҳуқуқий ворислик)

Низоли ёки ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳуқуқий муносабатдан тарафларнинг бири учинчи шахс ёки уларнинг қонуний вакили чикиб кетган ҳолларда (фуқаронинг ўлими, юридик шахснинг тугатилиши ёки уни қайта ташкил этилиши, талабнинг бошқа шахсга ўтказилиши, қарзнинг бошқа шахсга ўтказилиши) суд бу тарафни унинг ҳуқуқини қабул қилувчи шахс ҳуқуқий ворис билан алмаштиришга йўл кўяди. Жараённинг ҳамма босқичида процессуал ҳуқуқни қабул қилиш мумкин (ФПКнинг 43-моддаси).

Процессуал маънода ҳуқуқнинг қабул қилиниши (ҳуқуқий ворислик)-судда даъво предмети бўлган моддий ҳуқуқнинг қабул қилиниши муносабати билан рўй беради.

Баъзи ҳолларда муайян шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари бошқа шахсга ўтишида ҳуқуқ ва бурч субъектгари ҳам ўзгаради. Чунончи: мерос қолдирувчи вафот этганида унинг мулкӣ характердаги ҳуқуқ ва бурчлари қонун ва васият бўйича белгиланган ворисларга ўтади. Худди шунингдек юридик шахс ҳисобланган ташкилот қайтадан тузилишида ҳам, унинг ҳуқуқ ва бурчлари бошқа ташкилотга ўтади.

Фуқаролик ҳуқуқида кўрсатиладиган талаб қилиш ҳуқуқининг ўтказилиши ва қарзнинг бошқа шахсга ўтказилиши институти (ФКнинг 313-323-моддалари) моддий-ҳуқуқий маънодаги ҳуқуқнинг қабул қилинишига ва шунинг ўзи билан процессуал ҳуқуқнинг ҳам қабул қилинишига олиб келади. Масалан, бировга қарз берган шахс (кредитор) вафот этса, қарздордан тегишли ҳақни талаб қилиш ҳуқуқи (моддий ҳуқуқ) билан бирга жавобгарга нисбатан даъво ишини кўзғатиш, судда иш юритилишида иштирок этиш ҳуқуқи (процессуал ҳуқуқ) талаб қилиш ҳуқуқини олувчиларга (ворисларга) ўтади.

Процессуал ҳуқуқнинг қабул қилиниши ҳолларида ишда иштирок этиш учун янги даъвогар ёки жавобгар жалб этилишига қадар фуқаролик ишининг кўрилиши вақтинча тўхтатилади.

ФПКнинг 43-моддасининг 2-қисмида кўрсатилганидек, ҳуқуқни қабул қилувчи жараёнга киришганига қадар қилинган ҳамма ҳаракатлар унинг билан алмаштирилган шахсга қанчалик мажбурий бўлса, унга ҳам шунчалик мажбурийдир, яъни ҳуқуқни қабул қилувчи (ҳуқуқий ворис) шахс учун ҳам тегишли бўлади.

Агар жараёнда тарафлардан бири, масалан, тегишсиз, дахлсиз тараф тегишли тараф билан алмаштирилишида фуқаролик ишининг кўрилиши янгидан бошланса, процессуал ҳуқуқнинг бошқа шахс томонидан қабул қилинишида унга иш материаллари билан танишиш учун вақт ва имконият берилиб, ишни кўриш давом эттирилаверади, янгитдан бошланмайди.

Ҳуқуқий ворис (ҳуқуқ қабул қилиш) процесснинг ҳар қандай босқичида амалга оширилиши мумкин. Ҳуқуқий вориснинг процессга киришганлигини суд тегишли ажрим билан расмийлаштиради.

БЕШИНЧИ БОБ

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА УЧИНЧИ ШАХСЛАРНИНГ ИШТИРОКИ

1-§. Учинчи шахслар тушунчаси

Фуқаролик низоли ишларини биринчи инстанция тариқасида судда кўрилишида юқорида айтганимиздек, одатда икки тараф: даъвогар ва жавобгар иштирок этади, суднинг вазифаси улар ўртасидаги ана шу низоли-даъволи ишни ҳал қилишдан иборатдир.

Баъзан шундай ҳоллар ҳам бўладики, низонинг ҳал этилишида тарафлардан ташқари бошқа шахслар ҳам манфаатдор бўладилар. Бундай шахсларнинг манфаати ҳуқуқий манфаат ҳисобланади, чунки иш юзасидан чиқарилган суд қарори маълум даражада уларнинг фуқаролик моддий ҳуқуқига таъсир этиши, ишнинг судда ҳал этилиши натижасида уларга нисбатан муайян ҳуқуқ ёки мажбурият вужудга келтирилиши мумкин. Шу туфайли бу шахслар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида бошланган фуқаролик ишига кириб боришлари (аралашилари) ёки бошланган процессда иштирок этиш учун суд томонидан жалб этилишлари мумкин. Шунинг учун улар учинчи шахслар деб аталадилар.

Учинчи шахс манфаатларининг мазмунига ва иш юзасидан чиқарилган қарор билан боғлиқ бўлган оқибатларга қараб бундай шахслар мустақил талаб билан арз қилувчи (мустақил даъво қилувчи) учинчи шахсларга ва мустақил талаб билан арз қилмайдиган (мустақил даъволари бўлмаган) учинчи шахсларга ажратиладилар.

2-§. Мустақил даъво қилувчи учинчи шахслар

Даъвогар билан жавобгар ўртасидаги низонинг предмети ўзига тегишли бўлиши тўғрисида арз қилувчи шахс - мустақил даъво қилувчи учинчи шахс деб аталади.

ФПКнинг 44-моддасига асосан низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар суд ҳал қилув қарорини чиқаргунига қадар ишга киришишлари мумкин. Масалан, фуқаро А. отаси вафот этгани ва шу муносабат билан мерос очилганини билиб, мерос мулкани эгаллаб турган акаси Б.га нисбатан мерос хиссасининг ажратиб беришини талаб қилиб, судда фуқаролик ишини кўзғатади. Бундан хабардор бўлган фуқаро В (марҳумнинг қизи) мерос мулканинг ҳаммаси нотариал тартибда расмийлаштирилиб, қизига отаси томонидан васият қилинганлигини айтиб, низонинг предмети (мерос мулканинг) қизига топширилиши тўғрисида даъво талаби билан суддан кўзғатилган ишга киришиш ҳақида талаб қилиши мумкин. Бундай ҳолларда суд бир ишда икки даъво: биринчидан фуқаро А.нинг фуқаро Б.га бўлган даъвосини ва иккинчидан, фуқаро В.нинг фуқаро А. ва Б.га нисбатан бўлган даъвосини ҳал қилиши лозим бўлади.

Шу тартибда учинчи шахснинг низо предметига ўзининг мустақил даъво билан процессда иштирок этиши учун асос бўлади.

Учинчи шахснинг ишга киришиши умумий асосларга (ФПКнинг 44-ва148-моддаларига) биноан ариза бериш билан қўзғатилади. Бинобарин, мустақил талабни арз қилуви шахс аризасига тегишли ҳужжатларни илова қилиши, судга таклиф қилиниши керак бўлган гувоҳларни кўрсатиши ва агар давлат божини тўлашдан озод қилинмаган бўлса, тегишли бошни тўлаши лозим бўлади.

Учинчи шахснинг процессуал ҳолати ариза берувчи ёки даъвогарники билан баробар бўлиб, бошқача қилиб айтганда бундай учинчи шахс ариза берувчи ёки даъвогар ҳисобланади, дастлабки тарафлар эса жавобгар бўлиб кўрилади. Шу туфайли учинчи шахс ариза берувчи ёки даъвогарнинг ҳамма процессуал ҳуқуқларидан фойдаланади ва унинг ҳамма процессуал мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Дастлабки даъвогардан (ариза берувчидан) учинчи шахснинг фарқи фақат шундаки, аризачи (даъвогар) даъво талабини қилиш йўли билан ишни бошласа, учинчи шахс биров томонидан бошланган процессга киришади.

Мустақил даъво қилувчи учинчи шахс низоли ҳуқуқнинг субъекти деб фараз қилинади. Шу муносабат билан унинг процессуал ҳолати дастлабки даъвогар (аризачи) ҳолатига ўхшайди.

Процессга учинчи шахс киришганида жавобгар шахс дастлабки низо юзасидан ҳар икки низо (икки иш), биринчидан, дастлабки даъвогарнинг дастлабки жавобгарга бўлган даъволи талаб иши ва иккинчидан, учинчи шахснинг процессдаги даъвогар ва жавобгарга нисбатан бўлган талаб иши мавжуд бўлади. Аммо ҳар қайси низонинг даъвогарлари тенг даражада процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар.

Мустақил даъво қилувчи учинчи шахснинг процессда иштирок этишига йўл қўйилиши тўғрисидаги илтимоси, агар ишнинг судда кўрилишига тайёрланиши даврида қилинган бўлса, судьянинг яқка ўзи томонидан кўрилади, агар иш кўриш бошланганидан кейин қилинган бўлса, ишни биринчи инстанция судидан ташқари суд мажлисида суднинг тўла таркибида ҳал қилади. Бу тўғридаги илтимосни кўришда суд икки ҳолатни: биринчидан, учинчи шахс сифатида процессда иштирок этиш учун қонунда назарда тутилган асоснинг бўлиши-бўлмаслигини, иккинчидан, ҳар икки низонинг бир процессда ҳал қилиниши мақсадга мувофиқ бўлиш-бўлмаслигини эътиборга олади.

Учинчи шахс иштирок этиши лозим бўлган фуқаролик ишининг барча манфаатдор шахслар қатнашгани ҳолда кўрилиши, биринчидан, суд ва тарафларнинг вақтларини анча тежашликка имкон беради.

Процессда учинчи шахснинг иштирок этишига йўл қўйилиши тўғрисида судьянинг ёки суднинг чиқарган ажрими қатъий бўлиб, шикоят қилинмайди. Учинчи шахснинг ишда иштирок этиши тўғрисидаги илтимосини рад қилиш тўғрисидаги ажрими юзасидан эса хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин. Аммо ишда иштирок этишга йўл қўйилмаган учинчи шахс алоҳида мустақил даъво қўзғатиш йўли билан низоли предметга нисбатан бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилишга ҳақли бўлади.

3-§. Мустақил талаблари бўлмаган учинчи шахслар

Учинчи шахснинг манфаати ҳамма вақт низонинг предметига нисбатан мустақил ҳуқуққа эга бўлишдан иборат бўлавермайди. Баъзан дастлабки тарафларнинг иши юзасидан қарор чиқарилиши муносабати билан процессдаги тарафлардан бирига нисбатан учинчи шахс учун қандайдир ҳуқуқ ва мажбурият пайдо бўлиши, шу тўғрисидаги учинчи шахс низонинг предметини талаб қилмаса ҳам қонуний ва асосли қарор чиқартириш ва шунинг билан процессдаги тарафлардан бирига бўлган талабини таъминлаш процессда иштирок қилувчи тарафлардан бирининг ўзидан бир нарса талаб қилишга йўл қўймаслик учун процессга қатнашади. Қисқаси, дастлабки тарафлар ўртасидаги низо юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарори учинчи шахснинг (бошқа бир фуқаро ёки ташкилотнинг) ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 45-моддасида кўрсатилганидек, низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар, агар иш бўйича чиқариладиган ҳал қилув қарори уларнинг тарафлардан бирига нисбатан бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир этадиган бўлса, суднинг ҳал қилув қарори чиқаргунига қадар даъвогар ёки жавобгар томонидан ишга киришишлари мумкин.

Қонуннинг бу қондасини мисол билан тушунтирайлик. Бир ташкилотнинг ходими фуқаро А. айби билан фуқаро Б.га зарар етказилди. Қонун (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 333-моддаси) бўйича фуқаро Б. ташкилотга нисбатан даъво кўзгади. Фуқаро А. етказган зарар ҳақини ташкилотдан ундириш тўғрисида суд қарори чиқарилгани ҳолда бу жавобгар ташкилот кейинчалик унга, фуқаро А.га нисбатан регресс (қайтарма) даъво қилиш мумкинлигини билиб, айбдор бўлган шахс зарар етказишидан ўз айбининг йўқлигини исботлаш мақсадида ишда жавобгар томонидан туриб қатнашиши мумкин. Бу мисолда учинчи шахсга нисбатан кейинчалик регресс даъво қилиши мумкинлигини ва бунинг олдини олиш мақсадида унинг суд ишига қатнашишини айтдик. Аммо учинчи шахслар тарафларнинг, прокурорнинг илтимоси бўйича ёки суднинг ташаббуси билан ҳам ишда иштирок этишга жалб қилинишлари мумкин (ФПКнинг 45-моддасининг 1-қисми).

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида”ги қарорида «Ғайриқонуний меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки ходимни ноқонуний бошқа ишга ўтказишни буйруғи билан амалга оширган мансабдор шахсни ишга жавобгар тарафидан учинчи шахс сифатида жалб этиш масаласини одатда судья ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида ҳал этади, бу масала ишнинг суд мажлисида кўрилиш жараёнида ҳам ўз ечимини топиши мумкин»¹ деб тушунтириш берди.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами 1991-1998: 2-жилд// Таҳрир хайъати: У.К.Мингбоев ва бошқ.-Т.: “Шарқ”, 1999.

Юқорида келтирилган мисоллардан маълум бўлишича, учинчи шахслар фақат регресс мажбуриятлари рўй бериши туфайлигина эмас, балки асослар бўйича ҳам ишда иштирок этишга жалб қилинишлари мумкин. **Демак, низонинг предметига нисбатан мустақил талаби бўлмаган учинчи шахс деб, муайян иш юзасидан чиқарилган суд қарори, тарафлардан бирига нисбатан бўлган унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир этиши мумкинлиги туфайли бошқа бировларнинг ишида иштирок этувчи шахсга айтилади.**

Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахсни ишга жалб этиш манфаати низолашувчи тарафларда ҳам бўлиши мумкин. Чунончи; фуқаро А.га нисбатан унинг сотиб олган нарсаси (ашёси) тўғрисида бошқа бир шахс даъво қўзғатса, ашёни сотган фуқаро Б. низоли ишда олувчи томонида туриб қатнашиши шарт бўлади (ФКнинг 394-моддаси).

Бундай ҳолларда бир томонидан жавобгарнинг процессуал ҳолати енгиллаштирилса, иккинчи томонидан учинчи шахс келгусида ўзига нисбатан қилиниши мумкин бўлган регресс даъвонинг олдини олишга ҳаракат қилган бўлади.

Мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс, одатда ариза берувчи (даъвогар) ва жавобгар томонидан бўлади ва тарафлардан бирининг ёрдамчиси сифатида ишда иштирок этиб, ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида унга ёрдам беради. Учинчи шахс билан процессдаги тарафлардан бирининг манфаатлари фақат иш юзасидан қарор чиқарилгунча бир-бирига тўғри келиб, кейинчалик буларнинг манфаатлари бир-бирига зид келади. Учинчи шахс моддий-ҳуқуқий жиҳатдан ишда тараф бўлиб ҳисобланмаса ҳам, иш юзасидан чиқарилган қарор унга бевосита жорий қилинмаса ҳам, у ишнинг судда кўрилишида тарафларга бериладиган қатор процессуал ҳуқуқлардан фойдаланади ва зиммасига мажбуриятлар олади.

Мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахслар арз қилинган талабнинг асосини ва предметини ўзгартириш, талабларининг миқдорини кўпайтириш ёки камайитиришдан ташқари, тарафларга оид ҳамма процессуал ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва уларнинг процессуал мажбуриятларини ўз зиммаларига оладилар.

Агар мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида даъвогарнинг ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисида арз қилинган талабларни тан олса, суд мажбуриятни учинчи шахс зиммасига юклаш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқаришга ҳақли. Қонунда айнан шундай ҳолларда даъвогар ва мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс ўртасида келишув битими тузилишига йўл қўйилиши таъкидланган.

Учинчи шахс ҳам тарафларга (яъни даъвогар ва жавобгарга), гувоҳлар ва экспертларга саволлар бериб, зарур ҳужжатларни судга топшириб, ишнинг ҳақиқий ҳолатини аниқлашда процессда фаол қатнашади.

Юқорида кўрсатилганидек, иш юзасидан қарор чиқарилиши муносабати билан процессдаги тарафлардан бирига нисбатан учинчи шахсда пайдо бўлиши мумкин бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, учинчи шахснинг ишга аралашиши ёки

жалб этилиши учун асос бўлади. Агар пайдо бўлган мажбуриятлар ихтиёрий равишда бажарилмаса, учинчи шахснинг ёки процессдаги собиқ тарафлардан бирининг янгитдан даъво кўзгатишга (регресс даъвога) сабаб бўлиши мумкин.

Бундай ҳолларда бир процессда икки даъвони: дастлабки арз қилинган талабни (даъвогарнинг) жавобгарга ва жавобгарнинг учинчи шахсга (ёки аксинча учинчи шахснинг жавобгарга) бўлган даъво талабини бир процессда ҳал қилиб бўлмайдими деган савол туғилади. Умумий қоида бўйича бундай мураккаб процесснинг бир вақтда етказилиши мумкин эмас. Бунга сабаб шуки, биринчидан, чиқарилган қарор юзасидан учинчи шахсда ёки тарафлардан бирида пайдо бўладиган ҳуқуқларни мажбурий равишда амалга ошириш керак бўлиши-бўлмаслиги дастлабки даъво талаби бўйича ҳал қилув қарори чиқарилганда ҳали маълум бўлмайди; иккинчидан, суднинг қарори то қонуний кучга киргунча қатъий бўлмайди, бинобарин, ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг пайдо бўлиши тўғрисида ҳануз гапириб бўлмайди; учинчидан, тарафлар ўртасидаги муносабатлар тўғрисида қатъий бир ҳулосага келмасдан туриб, тарафлардан бирининг учинчи шахс билан бўлган муносабатини аниқлаш ҳам қийин бўлади.

Аммо қонун истесно сифатида бир процессда икки даъвони ҳам ҳал қилишга йўл қўяди. Бундай истеснога, чунончи, нотўғри бўшатишган ходимни ишга тиклаш тўғрисидаги ишлар бўйича учинчи шахсларни жалб қилишда йўл қўйилади.

ФПКнинг 259-моддасида кўрсатилганидек, меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган ходимларни ёки ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ходимларни аввалги ишига тиклаш тўғрисидаги ишлар бўйича суд ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга ёки бошқа ишга ўтказишга фармойиш мансабдор шахсни учинчи шахс сифатида ишда иштирок этиш учун жавобгар томонига жалб қилиши шарт. Суд меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ёки бошқа ишга ўтказиш очикдан-очик қонунга хилоф бўлганлигини аниқласа, шу процесснинг ўзидаёқ айбдор мансабдор шахс зиммасига мажбурий прогул ёки кам ҳақ тўланадиган иш бажарилган вақт учун ҳақ тўлаш натижасида ташкилотга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбуриятини юклайди. лозим. Бундай ҳолларда мансабдор шахсдан ундириладиган сумманинг миқдори меҳнат ҳақидаги қонун ҳужжатларига биноан белгиланади.

Агар суд амалиётда ходимни ишдан ғайриқонуний бўшатилиши тўғрисидаги ишни ҳал қилишда унинг мажбуран бекор юргани учун тўланадиган ҳақни мансабдор шахсдан уни процессга жалб қилмасдан ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарса, бундай қарор фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини кўпол равишда бузиш деб қаралмоғи ва бундай қарор юқори суд томонидан бекор қилиниши учун асос бўлиши мумкин.

ОЛТИНЧИ БОБ

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ПРОКУРОРНИНГ ИШТИРОКИ

1-§. Фуқаролик процессида прокурорнинг иштирок этиш асослари ва шакллари

Прокурор назорати ҳеч қандай маъмурий ҳокимиятга эга бўлмаганлиги, ҳар қандай маъмурий ҳокимиятдан фарқ қилишлигини ва бирорта маъмурий масала бўйича ҳеч қандай ҳал қилувчи овозга эга эмаслигини эсда тутиш керак.

Прокурор фақат биргина нарсага ҳаққи бор ва мажбур, у ҳам бўлса ҳеч қандай маҳаллий хусусиятларга ва қандай бўлмасин маҳаллий таъсирларга қарамасдан бутун Республикада қонунни ва бошқа ҳуқуқий меъёрларни бир хилда тушунишнинг тадбиқ этилишини кузатиб боришга қаратилган. Прокурорнинг бирдан-бир ҳуқуқ ва бурчи масалани суд ҳукмига топшириш лозимлиги юридик адабиётлардан маълум. Ана шу қоидага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 120-моддасига кўра прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсиниб амалга оширадилар.

Прокуратуранинг ташкилий фаолиятидаги муҳим хусусияти унинг ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари, маҳаллий органлар ва мансабдор шахслардан мустақиллигидир.

Ўзбекистон Республикасида Прокуратуранинг фаолияти фақат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси назоратида бўлиб, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа органлари, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари, уларнинг вакиллари, шунингдек мансабдор шахслар прокуратуранинг қонунлар ижроси устидан назорат қилиш, жиноят ишларини тергов қилиш, шикоят, ариза ва хабарларни текшириб кўриш ҳамда кадрларни танлаш ва жой-жойига кўйиш каби фаолиятларига аралашувлари ман қилинади.

Прокурорлар ўз ваколатлари даврида сиёсий партиялар ва сиёсий мансабларни кўзловчи бошқа жамоат бирлашмаларига аъзоликни тўхтатиб туриш тўғрисида қоида белгиланган. Бу қоида мустақилликка қадар тоталитар тузуми давридаги сиёсий талаблар бўлиб, унга кўра прокуратура идоралари фақат партиянинг талаблари ва кўрсатмалари асосида иш тутиб, бу эса партия билан бирга прокуратура ходимларининг ўзларини ҳам қонунчиликни бузилишида иштирокчи бўлиб, инсон ҳуқуқларини топталишига олиб келган ҳолатларни Республика халқи ҳануз эсдан чиқармаган.

Ўзбекистон Республикасидаги ҳамма вазирликлар, давлат қумиталари ва идоралари, давлат назорати идоралари, ҳокимлар, шунингдек кимга бўйсинишидан, кимнинг тасарруфида бўлишидан ва мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ҳарбий қисмлар, мансабдор шахслар, шунингдек фуқаролар томонидан қонунларни аниқ ва бир хилда бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон

Республикасининг Бош Прокурори ва унга бўйсинувчи қўйи прокурорлар томонидан амалга оширилади.

Ҳуқуқий демократик давлат кўриш учун қонун устуворлигини таъминлашда қонунларни аниқ ва оғишмай бажариш фуқаролар, ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўрикланадиган манфаатларининг ҳимоя қилинишидек муҳим вазифаларни амалга оширишда прокуратура идораларининг роли катта. Прокуратура идораларининг фаолияти «Прокуратура тўғрисида»ги қонунда кўрсатилганидек, қонуннинг устунлигини ҳар томонлама қарор топтиришга, ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлашга, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан мустаҳкамланган инсон ва фуқаронинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, шунингдек давлат мустақиллигини, ижтимоий давлат тузимини сиёсий ва иқтисодий тизимларни, миллий гуруҳлар ва ҳудудий тузилмаларнинг ҳуқуқларини ғайриқонуний тажовузлардан муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилгандир.

Фуқаролик суд ишлари билан боғлиқ бўлган қонунларнинг бажарилиши юзасидан назорат олиб боровчи прокурор фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан қонуний ва асосли қарор чиқарилишига судларнинг мустақиллиги ва фақатгина қонунга бўйсунуш принципига қатъий риоя этиш фаолиятини назорат қилиш билан одил судловни амалга оширишга кўмаклашади. қонунда (ФПКнинг 46-моддасида) прокурор бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўрикланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга ариза билан мурожаат қилишга ҳақли. Шунингдек прокурор бошқа шахслар ташаббуси билан кўзғатилган ишни кўришда процесснинг бошидан бошлаб иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Фуқаролик ишини кўришда прокурорнинг иштироки қонунда кўрсатилган, прокурорнинг ўзи ёки мазкур ишда иштирок этиши суд томонидан зарур деб топилган ҳоллардагина мажбурийдир. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябр, 2002 йил 14 июндаги 11-сонли қарорига асосан киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар билан «Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 13-бандида «ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича прокурорнинг иштироки қонунда назарда тутилганлигини эътиборга олиб судлар бу ишларни прокурор иштирокисиз кўришга ҳақли эмаслиги» тўғридан-тўғри кўрсатилган. Юқорида келтирилган қонун прокурорнинг фуқаролик процессида икки шаклда иштирок қилишини: биринчидан, ариза бериш йўли билан иш бошлашини ва иккинчидан, манфаатдор шахс томонидан кўзғатилган ишни кўришда жараён бошланишидан бошлаб қатнашиш ҳуқуқига эга эканлиги назарда тутилади.

Демак, прокурор ФПКнинг 5-моддасига мувофиқ ўз ташаббуси билан ишга киришишидан ташқари, суд ташаббуси (қарори) бўйича ҳам, шунингдек қонуннинг махсус, тўғридан-тўғри кўрсатмасига биноан ҳам ишга жалб қилиниши мумкин. Фуқаролик жараёнида қонунчиликка риоя қилиниши юзасидан ва одил судловни амалга оширишда судга кўмаклашиш мақсадида

прокурор қатор процессуал ҳуқуқлардан фойдаланади. Унинг бу ҳуқуқлари ФПКнинг 34, 47 ва бошқа моддаларида белгиланган.

Ундан ташқари Ўзбекистон Республикаси бош прокурорининг 2004 йил 11 май 22-сонли “Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида”ги буйруғига мувофиқ Фуқаролик-процессуал ва Оила кодексларида назарда тутилган кўйидаги ишлар судларда кўрилишида прокурор иштироки мажбурийдир:

- суд ишда прокурорнинг қатнашишини зарур деб топган ҳолларда;
- прокурорнинг аризаси билан қўзғатилган ишлар;
- сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) уствдрш берилган шикоятлар бўйича ишлар;
- прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича ишлар;
- фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ёки ўлган деб эълон қилиш тўғрисидаги ишлар;
- фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишлар;
- ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, шу ҳуқуқни тиклаш ёки чеклаш тўғрисидаги ишлар;
- шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ишлар;
- апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида кўриладиган ишлар.

Шунингдек:

- фуқароларни ишга тиклашда;
- мулкни рўйхатдан чиқаришда;
- фуқароларни бошқа турар жой бермасдан яшаш жойидан кўчириш тўғрисидаги ишларда;
- Олий суд вилоят судлари ва уларга тенглаштирилган судларнинг биринчи инстанциясида кўриладиган ишларда.

Бошқа турдаги фуқаролик ишларини судда кўришда уларнинг долзарблиги, мураккаблиги, ижтимоий аҳамияти ва тумандаги қонунийлик аҳволидан келиб чиқиб прокурор иштирок этиши мумкин.

Прокурор фуқаролик ишини қўзғатишга, жараённинг бошланишида қўзғатилган ишга киришишга, иш материаллари билан танишишга, улардан кўчирмалар ва нусхалар олишга, четлатиш тўғрисида арз билдиришга, далиллар тақдим этишга, гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга, таржимонларга, даъвогар, жавобгарларга ва ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга одил судловни амалга оширишда кўмаклашувчи шахсларга саволлар беришга, далилларнинг текширилишида иштирок этишга, илтимослар қилишга, судга оғзаки ва ёзма баёнотлар беришга, иш мазмуни бўйича, шунингдек ишни кўриш вақтида келиб чиққан айрим масалалар бўйича судга ёзма ва оғзаки хулоса беришга, ваз ва мулоҳазаларни баён қилишга, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимос, ваз ва мулоҳазаларига қарши эътирозлар билдиришга, суд мажлиси баёни билан танишишга, баёнга изоҳлар беришга, суднинг

қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан кассация протестини билдиришга ва кассация инстанция ишга оид янги материаллар топширишга, кассация инстанцияда фикрларни беришга, протестни қувватлашга, протестни қайтиб олишга, ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари қонуний кучга кирган ишларни назорат тартибида кўриш учун талаб қилиб олишга, суднинг қонуний кучга кирган қарорларининг ижросини тўхтатишга, ишнинг назорат тартибида кўрилишида прокурорнинг протестини қувватлашга, суд раислари томонидан келтирилган протестлар юзасидан хулоса беришга, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорларини, ажримлар ва қарорларни янгидан очилган ҳолатлар бўйича қайтадан кўриш тўғрисида илтимослар қилишга, суд ижрочисининг ва қарорларни ижро этувчи бошқа органларнинг нотўғри ҳаракатларни протест қилишга, шунингдек ФПКнинг 19, 310, 330, 346, 349, 351, 364-моддалари ва прокуратура тўғрисидаги қонун бўйича берилган бошқа процессуал ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақлидир.

Прокурор судларда ишни кўриб чиқиш вақтида қонунларнинг бажарилиши устидан назорат қилар экан, ўз ҳуқуқ доирасида ишни судда кўришга тайёрлашда, ишларни биринчи инстанция судида, кассация ва назорат тартибида кўриб чиқишда қатнашиш, ишларни кўриб чиқиш вақтида келиб чиққан масалалар юзасидан ўз фикрини бериш, судда фуқаролик ишини кўзгатади ва судга аризалар топширади («Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддаси) ҳамда фуқаролик ишларининг моҳияти юзасидан умумий хулосалар беради. ФПК ва «Прокуратура тўғрисида»ги қонунда кўзда тутилган бошқа процессуал ҳаракатларни амалга оширади.

Умуман прокурорнинг қандай процессуал ҳуқуқларга эга бўлиши, унинг жараёнда иштирок этиш шаклига қараб белгиланади. Агар прокурор ўз ташаббуси билан ариза берса, уни нусхалари билан судга топширишга, ўз талабларини исботлашга мажбур. Бундай ҳолларда прокурор жавобгар тараф билан судда тортишади. Судда биринчи бўлиб сўзга чиқади, талабдан воз кечиши ҳам мумкин. Хуллас, ишда даъвогар тараф каби процессуал ҳуқуқлардан фойдаланади.

Бироқ, прокурор манфаати кўзланган шахснинг ўрнига ўтмайди, бу шахс ишда даъвогар бўлганича қолади. Прокурор талаб қилувчи тарафнинг баъзи ҳуқуқларидан фойдалана олмайди, чунончи прокурор жавобгар тараф билан келишув битимини туза олмайди, прокурорга нисбатан муқобил даъво кўзгатиш мумкин эмас, прокурор суд божи тўламайди ва ҳоказо.

Прокурорнинг ўзи кўзгатиш талабдан воз кечиши ёки арз қилган талабларини ўзгартириши манфаатини ҳимоя қилиш учун прокурор даъво кўзгатиш шахсни суддан ишни мазмунан кўришни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Прокурор ишда қандай формада иштирок қилса ҳам, у ҳамма вақт суд фаолиятини эмас, балки судда қонуннинг бажарилишини назорат қилувчи ва одил судловни амалга оширишда кўмаклашувчи шахс бўлиб қолаверади. Шу сабабли прокурор процессда қайси томоннинг ҳуқуқини ҳимоя қилишга қарамасдан, процессда қайси тарафнинг ҳуқуқи бузилса, барча ҳолларда ана шу

бузилишга қарши чиқиши лозим. Бундан ташқари прокурор, даставвал тўтган йўлидан катъий назар, судда низо кўрилганидан сўнг оқибатда ҳақли чиққан тарафнинг манфаатини ҳимоя қилади.

Маълумки, талаб қўзғатган прокурор жавобгарга қарши бўлган шахснинг ҳуқуқини ҳимоя қилади. Аммо ишнинг судда кўрилиши натижасида талабнинг асосизлиги аниқланса, прокурор ундан воз кечиб, даъвогарнинг талабини рад қилишни суддан сўрайди ва шу билан жавобгарнинг ҳуқуқини ҳимоя қилган бўлади.

Юқорида прокурорнинг асосан, биринчи инстанция судида иштирок этиши тўғрисида баён қилинди.

2-§. Прокурорнинг иккинчи инстанция судида иштирок этиши

Прокурорнинг иккинчи инстанция судида иштирок этиши тўғрисида шуни айтиш керакки, унинг бу инстанцияда иштирок этиши икки шаклда (формада): биринчидан, суд қарори устидан шикоят, протест келтириш йўли билан; иккинчидан, тарафлардан бирининг суд қароридан норози бўлиб шикоят аризаси берганида бу тўғрида фикр бериш йўли билан иштирок қила олади. Прокурорнинг протест билдириш ҳуқуқи-унинг биринчи инстанция судида ишнинг кўрилишида иштирок қилиш-қилмаслигига боғлиқ эмас. Кассация протестини ҳамма прокурорлар, яъни туман, шаҳар, вилоят ва юқори турган прокурорлар бера оладилар. Иккинчи инстанция судида протест кўрилганида прокурор иштирок этади ва протестни қувватлайди.

Агар тарафлардан бири суд қарори устидан шикоят аризаси берган бўлса, бу шикоят судда кўрилишида прокурор, гарчи ўзи протест бермаган бўлса ҳам, иштирок эта олади ва ўзининг оғзаки ва ёзма фикрини беради.

Прокурор биринчи ва иккинчи инстанция судларида иштирок этишдан ташқари, юқорида айтилганидек, суд қарорларининг қонуний кучини ҳам текширишга ҳақлидир. Унинг бу ҳуқуқи суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажримлари ва қарорлари юзасидан протест келтиришдан иборат. Назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқи ФПКнинг 349-моддасида кўрсатилган шахсларга берилган.

«Прокуратура тўғрисида»ги қонунда белгиланишича, прокурор ўз фаолиятини қуйидаги йўналишларда амалга оширадилар, жумладан: -инсон ва фуқароларнинг ижтимоий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари, эркинликларини муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат олиб бориш; -судларда жиноий ишларни кўриб чиқилишида давлат айбини қўллаб-қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда хўжалик ишларини қараб чиқишда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган ҳужжатларга протест келтириш ва ҳоказо.

Назорат тартибида берилган протест судда кўрилишида прокурорнинг иштирок этиши шарт ва шу бўйича ўзи ёки юқори турган прокурор келтирган протестни қувватлайди, ваколатли шахсларнинг берган протести бўйича иш юзасидан хулоса беради.

ЕТТИНЧИ БОБ

БОШҚА ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ СУДДА ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ, ТАШКИЛОТЛАР ВА АЙРИМ ФУҚАРОЛАРНИНГ ПРОЦЕССДАГИ ИШТИРОКИ

1-§. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқарув идоралари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг фуқаролик процессида иштирок этишлари

Юқорида давлат идоралари, ташкилотлар, бирлашмалар фуқаролик процессида ўзларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиб, тарафлар сифатида ёки учинчи шахслар сифатида қатнаша олишлари, бундай ҳолларда уларнинг процессуал ҳолати низоли-ҳуқуқий муносабатнинг субъекти бўлган ҳар қандай ташкилотининг даъвогар, жавобгарнинг ёки учинчи шахснинг процессуал ҳолатидан фарқ қилмаслиги, яъни улар ҳам ариза билан мурожаат этишлари, даъвога қарши эътирозлар билдиришлари ва бошқа процессуал ҳаракатлар қилишлари мумкинлиги айтиб ўтилди.

Фуқаролик процессида давлат бошқарув идоралари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг иштирок этишининг бошқа асослари ҳам мавжуд. Давлат бошқарув идоралари, муассасалар, корхоналар ҳамда жамоат ташкилотлари ёки айрим фуқаролар қонунда кўрсатилган ҳолларда бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун даъво кўзғата оладилар.¹

Давлат бошқарув идоралари, қонунда кўрсатилган ҳолларда, ўзларига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида хулоса бериш учун ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқларини ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш учун суднинг таклифига мувофиқ процессда иштирок этишга жалб этилишлари ёки ўз ташаббуслари билан процессда қатнашишлари мумкин.

Демак, қонун бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик процессида, прокурордан ташқари яна бошқа идоралар ва шахсларнинг ҳам иштирок этишини белгилайди. Агар прокурор ҳар қандай иш бўйича бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун фуқаролик процессининг иштирокчиси бўла олсалар, юқорида кўрсатилган идоралар, ташкилотлар ва айрим фуқаролар фақат қонунда кўрсатилган ҳоллардагина фуқаролик процессида иштирок эта оладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси, Фуқаролик кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси ва бошқа кодекслар ҳамда қонунларда бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадларида бошқарув идоралари,

¹ Матндаги «Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқарув идоралари, ташкилотлар ва айрим идораларнинг фуқаролик процессида иштирок этиши айрим ҳолларда қисқартирилиб, «Давлат бошқарув идоралари» деб берилади.

ташкilotлар ва айрим фуқароларнинг фуқаролик процессида иштирок этиш ҳоллари ва асослари назарда тутилган.

Фуқаролик процессида кўпинча ҳокимиятларнинг маориф ва соғлиқни сақлаш бўлимлари қошидаги васийлик ва хомийлик идоралари қатнашадилар. Бу идоралар фарзандликка олишни бекор қилиш, ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этиш, болани тарбиялаш учун бир ота-онадан иккинчисига олиб бериш, болаларнинг тарбияси учун алиментлар ундириш, болаларнинг тураб жойга бўлган ҳуқуқлари, вояга етмаганларнинг етказилган зарарнинг ундирилиши ҳақидаги фуқаролик ишларида қатнашадилар.

Бундай ҳолларда васийлик ва хомийлик вазифаларини амалга ошириш учун ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан халқ таълими бўлимлари муомалага лаёқатсиз ёки муомалага лаёқати чекланган деб топилганларга нисбатан эса, соғлиқни сақлаш бўлимлари, соғлиғининг ёмонлиги туфайли хомий тайинланишига мухтож муомалага лаёқатли шахсларга нисбатан эса, ижтимоий таъминот бўлимлари жалб қилинади.

Болаларнинг тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларнинг судда кўрилишида хомийлик ва васийлик идоралари вакилларининг иштирок этиш зарурлиги Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 173-193-моддаларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1998 йил 11 сентябрдаги Пленум қарорида тўғридан-тўғри кўрсатилган.¹

Болалар тўғрисидаги масаланинг ҳал қилиниши билан боғлиқ фуқаролик иши юзасидан васийлик ва хомийлик органларининг процессга киришишларидан асосий мақсад, судга ишнинг тўғри ва тўла ҳал қилинишига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш йўли билан болаларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш бўйича ўз бурчларини бажаришдан иборатдир. Фуқаролик процессига киришишда васийлик идоралари боланинг тарбияси тўғрисидаги манфаатларнигина кўзламасдан жамоатчилик ва давлат манфаатларини ҳам кўзлайди.

Васийлик ва хомийлик идораси вакилининг фуқарони муомалага лаёқати чекланган ёки уни муомалага лаёқатсиз деб таниш тўғрисидаги ишларда албатта иштирок этиши талаб қилинади (ФПКнинг 38-моддаси).

Никоҳдан ажратиш ишларида ҳам агар, муомала лаёқатига эга бўлмаган эр ёки хотиннинг манфаатини ҳимоя қилиш талаб қилинса, зарур ҳолларда, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво васий ёки прокурор томонидан кўзғатилиши ва ФПКнинг 48-моддаси 1-қисмига мувофиқ васий органини иш бўйича хулоса бериш учун процессга жалб қилиш мумкинлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1998 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қарорида берилган.

Ўзбекистон Республикаси судлари амалиётида бирмунча мураккаб бўлган фуқаролик ишларда манфаатдор шахслар билан бошқа шахслар ишда иштирок этишлиги маълум. Бундай мураккаб фуқаролик ишлари ховли-жойларни сотиш

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. Тошкент., «Адолат», 1998 йил. Қонун номи билан. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 1998 йил, 3-сон...-бет.

билан боғлиқ ишлар, иморатларни мерос қилиб олиш тўғрисидаги ишлар, турар жойларни қайтадан кўриш, таксимлаш тўғрисидаги талаблар, турар жойларни ўзгартириш, турар жой бўлмаган биноларни турар жойга айлантириш, турар жой майдонини бўлиш ва алмаштириш, якка тартибда турар жой қуриш, ер майдонларидан фойдаланиш тўғрисидаги низолар ва шу каби бошқа низоли ишлар анча мураккаб ҳисобланади.¹ Бундай ишларнинг кўрилишида, аксарият ҳолларда фуқаролик процессида тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг турар жой билан шуғулланувчи бўлим ва бошқармаларининг вакиллари қатнашадилар. Бундай идоралар суд процессида қатнашиш билан ўзларининг турар жой хўжалигини бошқариш юзасидан олинган бурчларини бажарадилар. Бинобарин, турар жой идоралари, турар жойлардан фойдаланиш билан боғлиқ ишларнинг судда кўрилишида фуқароларнинг ва турар жой хўжалигини идора этишда давлатнинг манфаатларини тўғри тушуниш ва ҳимоя қилиш мақсадларида судга ёрдам кўрсатиш учун ишда иштирок этишга мажбурдирлар.

Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисидаги қонунда уй-жой соҳасида кўчмас мулкнинг мажбурий равишда олиб кўйилиши фақатгина суднинг қарори асосида бўлиши (23-модда) ижара шартномаларини суд тартибда бузилишига йўл кўйилиши (16-18-моддалар) тўғрисидаги низоларни кўришда маҳаллий давлат ҳокимияти органларини иштирок этиши лозимлигини кўрсатади.²

Ўзбекистон Республикаси Олий суди турар жойга оид қатор Пленум қарорларида бундай ишларнинг судда кўрилишида процессда қатнашиш учун зарур ҳолларда маҳаллий давлат органларининг уй-жой бўйича вакилларини жалб қилиш зарурлиги тўғрисида тушунтириш берилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Хусусийлаштирилган турар жойларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф қилиш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 1997 йил 2 майдаги қарори, «Якка тартибда қурилган уйга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низолар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 2004 йил 24 сентябрдаги қарори ва «Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 2001 йил 14 сентябрдаги қарорларида давлат уй-жой фондидаги турар жойни хусусийлаштиришни амалга оширишда фуқаро ва мулкдорларнинг ҳуқуқини муҳофаза қилиш билан вужудга келувчи низолар судларга тааллуқлидир. Булардан ташқари Пленум, турар жойга эгалик ҳуқуқини берувчи давлат ордерини ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ ишларни кўришда судларда хусусийлаштирилган турар жой эгасининг оила-аъзолари ҳамда турар жой майдонига ҳақли бўлган ва уй-жойни хусусийлаштиришга розилик берган шахслар, шунингдек ҳокимият, давлат мулк қумитасининг турар жой бўйича ҳудудий бўлинмалари иштирок қилишларини таъминлашлари зарурлиги ҳақида таъкидлайди.³ Турар жойларни алмаштириш тўғрисидаги шартномани ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги

¹ Қаранг: «Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил, 27 декабрь қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 йил, 2-сон, 72-73-бетлар

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 йил, 2-сон, 69-70-бетлар

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленумининг қарорлари. 2004 йил 24 сентябрь

ишлар кўрилганида ишда қатнашиш учун турар жой бошқармаси суд мажлисига жалб этилиши лозим. Агар бундай вакил суд мажлисига жалб этилмасдан иш кўрилиб, ҳал қилув қарорини чиқарган тақдирда бундай ҳал қилув қарорлар аксарият ҳолларда қонуний ва асослангандир. Шунинг учун агар суднинг ҳал қилув қарори маҳаллий идораларнинг, давлат ва жамоат ташкилотларининг манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлса, суд мазкур ташкилотларнинг вакиллари ишда иштирок этишга жалб қилиш лозимлиги ҳақида Олий суднинг қатор пленум қарорларида ўз аксини топган.¹

Юқорида кўрсатилганидек, давлат бошқарув идоралари фуқаролик процессига давлат, ташкилотлари ва фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадларида киришадилар. Процессга киришишдан мақсад давлат бошқарув идоралари фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда суд идораларига ҳолисона, қонуний ва адолатли ҳал қилув қарорини чиқаришда ёрдам кўрсатишдан иборат бўлади. Худди шундай мақсадларда фуқаролик процессида давлат бошқарув идоралари ҳисобланган ер бўлимлари, молия бўлимлари, кредит муассасалари, ижтимоий таъминот идоралари ва бошқа ташкилотлар ҳам қатнашишлари мумкин. Чунончи маҳаллий молия идоралари иморатга бўлган эгаллик ҳуқуқини белгилаш, ворислик тўғрисидаги ишларда, давлат томонидан бериладиган ҳар хил мулкӣ ҳуқуқлар ва имтиёзларни олиш мақсадларида кўзғатилган ишларда, юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш тўғрисидаги ва бошқа баъзи ишларда қатнашадилар. Масалан, жисмоний шахслардан солиқлар ва йиғимлар бўйича боқимандаларни ҳамда тўланмаган жарималарни ундириш суднинг қарори асосида амалга оширилиши белгиланган.²

Бундай ишларни кўришда суд ўз ташаббуси билан солиқ идораларининг вакиллари иш юзасидан хулоса бериш учун жалб қилиши билан масалани одилона ҳал этишда кўмаклашишни назарда тутди.

Муаллифлик ҳуқуқидан келиб чиқадиган низоларда муаллифни шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадларида суд ишида муаллиф ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Республикадаги Агентликнинг вакили иштирок этиши мумкинлиги қонунда ўз ифодасини топган.

Фуқаролик кодексининг 1054-моддасида муаллифнинг вафот этганидан сўнг шахсий ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши муаллифлар ҳуқуқларини муҳофаза қиладиган ташкилотларнинг даъвоси бўйича амалга оширилиши мумкинлиги кўрсатилган.

«Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги қонунда кўрсатилишича, уларнинг муаллифларини агар патентни ғайриқонуний равишда олганликларини аниқласалар, бу ҳақда манфаатдор шахс судга шикоят билан мурожаат этишлари мумкин. Бундай туркумдаги ишлар фуқаролик ишларининг ечими мураккаб бўлган тоифада бўлгани учун қонунда судда ишни кўриб ҳал қилишда тегишли идораларнинг вакиллари процессга жалб этилиши белгиланган

¹ Қаранг: Коунун номи билан. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 1998 йил, 3-сон.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Тошкент., 1997 йил, «Ўзбекистон», 68-бет

Қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолларда фуқаролик процессида бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўрикланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун даъво кўзғатиш йўли билан жамоат ташкилотлари, шунингдек корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг вакиллари ва айрим фуқаролар ҳам иштирок этишлари мумкин. Масалан, «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда¹, фуқаролар йиғинининг раиси (оксоколи) қонунларда кўзда тутилган ҳолларда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, суд идораларида, корхона, муассаса ва ташкилотлар билан бўладиган муносабатларда фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиши кўрсатилган. Чунончи: Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 123-моддасида кўрсатилганидек, агар бирон-бир битим алдаш, зўрлик, кўркитиш таъсири остида ёки бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишуви туфайли тузилган битим, шунингдек бошқа баъзи ғайриқонуний битимлар фақат жабрланган шахснинг даъвоси бўйичагина эмас, давлат ёки жамоат ташкилотининг даъвоси бўйича ҳам қонунда кўрсатилган органларда ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Бирон-бир фуқаронинг спиртли ичимликлар ёки наркотик моддаларни суисътемом қилиши туфайли муомала лаёқатини чеклаш тўғрисида ёки рухий касаллиги ёхуд ақли заифли сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилиши тўғрисидаги фуқаролик иши унинг оила аъзолари аризаси бўйича касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотларининг, даволаш муассасасининг аризаси бўйича судда васийлик ва ҳомийлик органларининг вакиллари иштирокида кўриб ҳал этилади.

Баъзи ҳолларда муайян фуқаролик ишининг тўғри ҳал қилинишида манфаатдор бўлган жамоат ташкилотлари ҳам қатнашишлари мумкин. Чунончи, касаба уюшмалари меҳнат тўғрисидаги қонунларга риоя қилиш, ходимларнинг меҳнатга оид ва бошқа ҳуқуқ ҳамда қонун билан кўрикланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш каби муҳим вазифаларни бажарадилар. Бу вазифаларни амалга ошириш учун амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда ходимларнинг манфаатларини ифода этишда вакил бўлиш ва бу манфаатларни ҳимоя қилишни корхонадаги касаба уюшмалари ва уларнинг сайлаб қўйилган органлари ёки ходимларнинг сайлаб қўйилган бошқа органлари амалга оширадилар. Ходимларнинг вакиллик органлари бошқа ишлар билан бир қаторда меҳнат низоларини кўрувчи органларда ходимлар манфаатини ҳимоя қилишда қатнашишлари мумкин (Меҳнат кодексининг 216-223-моддалари).

Меҳнатга оид ишларни судда кўришда ходимларга ишлаб чиқаришда етказилган зарарларни ундириш ва бахтсизлик ходисасининг рўй бериши сабаблари тўғрисида ходимларнинг вакиллик органларини фикр бериши (ФПКнинг 48-49-моддалари, Меҳнат кодексининг 259-моддасида) кўрсатилган.

Якка тартибдаги меҳнат низоларини судда кўришда ходим манфаатини ифода этувчи тараф бўлиб ходимларнинг вакиллик органи иштирок этиши қонунда ўз ифодасини топган.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ахборотномаси. 1993 йил, 27-бет; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 йил, 2-сон, 99-бет.

Давлат бошқарув идоралари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг фуқаролик процессида иштирок этиш мақсадлари уларнинг олдига қўйилган вазифалар билан белгиланади. Бу вазифаларни, яъни хўжалик масалалари, тарбия, соғлиқни сақлаш, молия ва бошқа соҳалардаги вазифаларни амалга оширишда юқорида кўрсатилганидек, давлат органлари, бошқа ташкилотлар даъво қўзғатадилар ва баъзи ҳолларда ўз фикрларини берадилар. Уларнинг махсус билимлар ва тажрибаларига асосланган фикрлари фуқаролик ишини тўғри ҳал қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлади. Юқорида кўрсатилган ташкилотлар ва айрим шахслар (фақат қонун билан назарда тутилган айрим ҳоллардагина) низоли фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти бўлмасдан, ишнинг ҳал этилиши натижасидан ўзларини моддий субъектив ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан манфаатдор бўлмасдан, уларга берилган ҳуқуқ доирасида бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб процессда иштирок этадилар. Улар ўзларига юклатилган ҳуқуқ ва бурчларни амалга ошириш билан судда қонуний ва асослантирилган ҳал қилув қарорини чиқарилишидангина манфаатдор бўладилар. Бу идораларнинг манфаатдорлигини процессуал характерга эга эканлигига аҳамият бериш лозим.

2-§. Давлат бошқарув органларининг фуқаролик процессида иштирок этиш шакллари

ФПКнинг юқорида келтирилган 48-моддасида бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини фуқаролик процессида ҳимоя қилишнинг процессуал қоидалари кўрсатилган. Иштирок этишнинг биринчи шаклига кўра, улар ариза билан судга мурожаат этиши билан давлат бошқарув идоралари, муассасалар, корхоналар ҳамда жамоат ташкилотларининг қонунда кўрсатилган ҳолларда бошқа шахсларнинг (фуқаролар ва ташкилотларнинг) ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун суд органларида даъво қўзғатишдир.

Давлат бошқарув органлари, ташкилотлар бирон-бир шахснинг ҳуқуқи ёки қонуний манфаатлари бузилиши тўғрисида маълумот олганларида манфаатдор шахслар бирон-бир сабабларга кўра судга мурожаат қила олмаганларида, бу ташкилотлар ўз ташаббуслари бўйича фуқаролик ишларини қўзғатишлари мумкин. Масалан, васийлик ва хомийлик органи мактаб ёшига тўлмаган боланинг фарзандликка олиншини бекор қилиш тўғрисида фуқаро К.га нисбатан судда даъво қўзғатган. Даъвонинг қўзғатилишига асос фуқаро К. фарзанд қилиб олинган болани тарбиялаш учун тегишли шароитлар яратмаганликлари ва унинг тўғрисида лозим даражада гамхурлик қилмаганлиги тўғрисида тушган маълумот бўлди. Васийлик ва хомийлик органи вакиллари томонидан ўтказилган текшириш натижасида олинган маълумотлар боланинг квартирада ёлғиз қолдирилганлиги, вақтида овқатлантирилмаётганлиги, болага нисбатан кўпол муомалада бўлганлик тўғрисидаги маълумотлар суд мажлисида тасдиқланганидан сўнг, суд боланинг манфаатини кўзлаб, унинг фарзанд қилиб

олинишини бекор қилиш ва уни болалар уйига тарбияга бериш тўғрисида қарор чиқаради¹ (Оила кодексининг 169-171-моддалари).

Иккинчи бир мисол квартирада яшовчи фуқаро М. кўп вақтдан буён қўшниларини бетинч қилиб, бир уйда бирга яшаш имкониятини бермаганлиги, уйлар бошқармасига маълум бўлади. Фуқаро М.га нисбатан қилинган жамоат таъсири чоралари ҳеч қандай натижа бермаган. Шу муносабат билан туман уй-жой бошқармаси фуқаро М. билан бир уйда яшовчиларнинг манфаатларини кўзлаб, уни кўчириш тўғрисида судда даъво кўзғатади. Суд даъвони қаноатлантиради..

ФПКнинг 48-моддасининг иккинчи қисмида давлат бошқарув органлари қонунда кўрсатилган ҳолларда ўзларига юкланган вазифаларни бажариш мақсадида хулоса бериш учун ҳамда фуқаронинг ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун процессда қатнашишлари мумкинлиги кўрсатилган. Бу қонунда фақат давлат органларигина бундай ҳуқуққа эга бўлишлари айтилган бўлса ҳам, аммо суд амалиётида баъзи ҳолларда, масалан, ходимнинг иш жойида меҳнат, хизмат вазифасини бажариб турганида етказган зарарнинг ундирилиши тўғрисида (Меҳнат кодексининг 207-моддаси) судда даъво кўзғатилганида ходимнинг вакиллик органи томонидан иштирок этувчининг хулосаси талаб этилади.

Фуқаролик процессида қатор ҳолларда, кўпгина ишлар бўйича бу турдаги иштирок этиш суд томонидан зарур деб топилади.

Юқорида айтилганидек, болаларни тарбиялашга бўлган ҳуқуқ тўғрисида кўзғатилган ишлар юзасидан васийлик ва ҳомийлик органларининг хулосаси бўлиши суд учун зарурдир. Бундай ишлар бўйича суд боланинг моддий-маиший турмуш шароитларини, унинг тарбияланиши шароитларини, боланинг ўз тарбиясига берилишини талаб қилувчи ҳар қандай ота-она билан муносабати хусусиятларини диққат билан ўрганади. Бундай ҳолатларнинг (далилларнинг) ҳаммасини суд мажлисида текшириш йўли билан аниқлаш анча мураккаб, қийин бўлади. Шу туфайли боланинг турар жойида, унинг турмуш шароити ва тарбияланиши билан яхши танишиш ва кейинчалик бу тўғрида асослантирилган хулоса бериш учун тегишли органларнинг, масалан, маориф бўлими, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, бўлимлари, соғлиқни сақлаш бўлимлари суд процессига жалб этилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бундай органлар ходимлари томонидан болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадларини кўзлаб хулоса беришлари билан ўзларига юклатилган тегишли вазифаларни амалга оширган бўладилар Бошланғич процессда иштирок этишнинг бу туридан касаба уюшмаларининг техник инспекторлари ҳам фойдаланишлари мумкин. Жумладан, улар ходимларга уларнинг ишлари билан боғлиқ ҳолда шикаст етказилиши ёки соғлиқларининг бошқача зарарлантирилиши туфайли етказилган зарарнинг ундирилиши тўғрисидаги ишлар юзасидан зарур ҳолларда ўз хулосаларини берадилар. Бу туркумдаги ишлар бўйича процессда қатнашиш йўли билан касаба уюшмаларининг техник инспекторлари техника хавфсизлиги юзасидан ўрнатилган қоидаларга ва

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. Тошкент., «Адолат», 1998, 16-бет.

меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши тўғрисида назоратни амалга оширишда касаба уюшмалари ўз бурчларини бажарган бўладилар ва шунинг ўзи билан ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан касаба уюшмалари органларига юклатилган умумий вазифани амалга оширадилар.

Юқорида кўрсатилган органлар фуқаролик процессида барча ҳолларда эмас, балки қонунда, масалан, ФПКнинг 272,281,291, 296 ва бошқа моддаларида кўрсатилган ҳоллардагина, суд таклифига мувофиқ ёнги ўз ташаббуслари билан иштирок этадилар.

3-§. Давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Давлат бошқарув органлари, ташкилотлар фуқаролик процессида иштирок этиш шаклларида қатъий назар, суд, унинг субъектлари, яъни муайян процессуал ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлган шахслар бўлиб кўриладилар. қонун (ФПКнинг 33-моддаси) бу шахсларни ишда иштирок этувчи шахслар жумласига киритади.

Бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун фуқаролик процессида қатнашувчи давлат бошқарув идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва айрим фуқаролар иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар ва нусхалар олиш, рад этиш тўғрисида арз қилиш, далиллар келтириш, далилларни текширишда иштирок этиш, ишда иштирок этувчи шахсларга, гувоҳларга, экспертларга ва мутахассисларга саволлар бериш, илтимосномалар тақдим этиш, шунингдек ишда иштирок этувчи шахслар учун қонунда назарда тутилган бошқа процессуал ҳаракатлар қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Улар ҳам иш юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарори, қарор ва ажримлар тўғрисида, процесснинг бошқа субъектлари учун қонунда назарда тутилган тартибда ва муддатларда шикоят бериш ҳуқуқига эгадирлар. Аммо бу вазифа давлат, жамият, фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилиб қарорлар чиқарилган ҳолларда, давлат бошқарув органлари учун фақат ҳуқуқгина бўлиб қолмасдан, балки уларнинг бурчлари ҳам бўлиб кўрилади.

Давлат бошқарув органлари ишда иштирок этиш учун процесснинг ҳар қандай босқичида то суд қарори ижро этилгунга қадар жалб этилишлари мумкин. Баъзи ҳолларда суд қарорининг ижро этилишида уларнинг иштирок этишлари, чунончи: Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 89-моддасида назарда тутилган ҳолларда (болани ота-онасидан ёки бошқа шахслардан олиш ҳақидаги қарорнинг ижро этилишида) иштирок этишлари албатта зарур деб топилади.

Бошланган процессда иштирок этишда давлат бошқарув органларининг асосий ҳуқуқи: низоли ишининг мазмуни бўйича хулоса беришдан иборатдир. Масалан, боланинг бир ота ёки онадан олиниб, иккинчи бирининг тарбиясига бериш тўғрисидаги ишларда васийлик ва ҳомийлик органи, ота-оналардан қайси бири болага яхши шароитлар яратиши ва тўғри тарбия беришликни таъминлаши мумкинлиги ва улардан қайси бирининг тарбиясида боланинг

қолдирилиши кераклиги тўғрисида хулоса берадилар. Давлат бошқарув органи процесда иштирок этишга суд томонидан жалб этилишига иш юзасидан хулоса бериш-бу аризачининг ҳуқуқигагина бўлмасдан, балки бурчи бўлиб ҳам ҳисобланади.

Фуқаролик иши юзасидан хулосани муайян мутахассис экспертлар ҳам берадилар. Аммо давлат бошқарув органлари ва касаба уюшмаларининг техник инспекторлари томонидан бериладиган хулоса ва фикрларни экспертлар томонидан бериладиган хулоса билан алмаштириш мумкин эмас. Эксперт ишнинг ҳал қилинишидан манфаатдор бўлмаган шахс ҳисобланади. Давлат бошқарув органларининг вакили ёки ходимларнинг вакиллик органлари эса ишда процесс иштирокчиси сифатидан қатнашиб, ўзининг хизмат бурчи туфайли ишнинг ҳал бўлишига, асосли ва қонуний қарор чиқарилишига манфаатдор шахс бўлиб кўрилади. Бундай органлар ўз хулосасини беришда фақат фактларга баҳо бериш билангина чекланмайдилар. Улар суд мажлисида текширилган барча маълумотларга асосланиб, суднинг қандай қарори уларнинг фикрича тўғри бўлишлиги тўғрисида ўз мулоҳазаларини ҳам айтишлари лозим.

Суд ишни ҳал қилишда давлат бошқарув органининг ёки ташкилотнинг берган фикрига қўшилмаслиги ҳам мумкин. Бундай фикр ва мулоҳазалар суд томонидан муҳокама қилинади, баҳоланади ва лозим бўлса эътиборга олинади.

Процесда иштирок этиш учун суд томонидан жалб этилган ёки ўз ташаббуси билан процесга киришган давлат бошқарув органларининг вакиллари суд мажлисида тарафлар ва учинчи шахслардан сўнг сўзга чиқадилар.

Бошқа шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан ариза билан мурожаат этган бошқарув органлари ва ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг процессуал ҳуқуқлари ва бурчлари ҳажми уларнинг процесдаги процессуал ҳолатларига мувофиқ келади. Улар ариза билан судга мурожаат этишлари муносабати билан иш юзасидан тараф бўлиб кўрилмасалар ҳам, ўзларининг талабларини асослашлари лозим ва шу муносабат билан ўз манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича арз билан мурожаат этган даъвогар каби, муайян процессуал ҳаракатлар қилишга, чунончи: суд мажлисида иш маъруза қилинганидан сўнг ФПКнинг 196 ва 198-моддаларига мувофиқ биринчи бўлиб баёноتلар беришга ва музокарада сўзлашга ҳақли бўладилар. Улар даъвогарлар қандай ҳуқуқлардан фойдалансалар, шундай ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Фақат даъво предмети тўғрисида буйруқ бериш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлардангина ва иш юзасидан фақат тарафларга, яъни низоли моддий-ҳуқуқий муносабатнинг субъекти бўлган шахсларга тегишли ҳуқуқлардангина фойдалана олмайдилар. Бинобарин, даъво қўзғатган шахс даъводан воз кечиш ҳуқуқига эга бўлса ҳам, аммо унинг бундай воз кечиши ҳуқуқий оқибатларни туғдирмайди. Демак бошқа шахсларнинг манфаатларини ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан қўзғатилган даъводан воз кечишлари ёки ўзларининг арз қилган даъво талабларини ўзгартиришлари қонунда (ФПКнинг 49-моддасида) тўғридан-тўғри кўрсатилганидек, манфаати ҳимоя қилиниб, даъво қўзғатилган шахсни суддан ишини мазмунан кўришни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Бошқа шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда давлат бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари, ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва айрим фуқаролар ўзаро келишув битимлари туза олмайдилар, уларга нисбатан қарши даъволар ҳам қилиниши мумкин эмас.

Фуқаролик процессида давлат бошқарув органлари ва бошқа ташкилотларнинг бировларнинг манфаати юзасидан иштирок этиши институти фақат демократик асосда тузилган процессуал ҳуқуқ учунгина хосдир.

Фуқаролик ишларининг кўрилиши ва ҳал қилинишида давлат органлари ва ташкилотларнинг иштирок этишларига йўл қўйилиши фуқаролик процессуал ҳуқуқининг келгусида яна ҳам демократлаштирилишинининг намоёни бўлиб кўрилади ва фуқаролар, давлат ҳамда бошқа ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эгадирлар.

САККИЗИНЧИ БОБ

СУДДАГИ ВАКИЛЛИК

1-§. Судда вакиллик қилиш тушунчаси, асослари ва турлари

Фуқаролар ва юридик шахслар фуқаролик ишларини судларда, аксарият ҳолларда ўзлари бевосита юргизадилар. Аммо баъзи сабабларга кўра, чунончи: касаллик, командировкада бўлиш, ҳуқуқ нормаларидан етарли даражада хабардор бўлмаслик, муомала лаёқатига эга бўлмаслик ва бошқа сабаблар билан даъвогар ва жавобгар шахслар суд ишини юритишни бошқа шахсга (вакилга) топширишлари мумкин.

Қонунда (ФПКнинг 50-моддасида) кўрсатилганидек, фуқаролар ўз ишларини судда шахсан ўзлари ёки вакиллари орқали юритишлари мумкин. Фуқаролар суд ишида шахсан қатнашиб туриб, вакилни ҳам ишга жалб этишга ҳақлидир.

Юридик шахслар, (ташкилот)нинг суд ишлари ўз хабарлари ёки вакиллари томонидан юритилади.

Судда вакиллик қилиш учун қонун фуқаролик ҳуқуқидаги вакиллик каби фуқароларга ва юридик шахсларга уларни тегишли ҳуқуқ ва бурчларни бошқа шахс (вакиллар)лар воситасида амалга ошириш имконини беради.

Қонунда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўз ишларини судда вакиллар орқали юритиш ҳуқуқи тўғрисида гапирилганда, бундай ҳуқуқдан тарафлар (даъвогар ва жавобгарлар) билан бир қаторда учинчи шахсларнинг ҳам фойдаланиши мумкинлиги назарда тутилади.

Шу тариқа қонун даъвогар ва жавобгарга, шерик даъвогарлар ва шерик жавобгарларга, шунингдек учинчи шахсларга фуқаролик процессининг иштирокчилари бўла туриб, ўзларига тегишли процессуал ҳуқуқларни вакиллари орқали амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлишларини ва ўзларига тегишли процессуал бурчларни вакиллари орқали бажаришлари муминлигини белгилайди.

Вакиллар юқорида кўрсатилган шахслар номидан ва уларнинг манфаатини кўзлаб судда иш юритиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни амалга оширувчи шахслар бўлиб ҳисобланади.

Судда вакиллик қилиш деб манфаатдор шахснинг топшириғи бўйича ёки қонунда назарда тутилган барча асосларга кўра процессуал ҳаракатларни амалга оширишга айтилади.

Судда вакиллик қилиш институтининг аҳамияти фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳолисона ҳақиқатни белгилаш, низонинг мазмуни юзасидан тўғри қарор қабул қилишда судга кўмаклашишдан иборатдир.

қонун ҳамма суд инстанцияларида кўриладиган фуқаролик ишларида вакилларнинг қатнашишига йўл кўяди.

Баъзан фуқаролик ишларининг судда кўрилишида тарафларнинг шахсан баёнот беришлари лозим деб топилган ҳолларда, масалан, ФПКнинг 261-моддасида кўрсатилганидек, алиментлар ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича суд жавобгарнинг судга келишини мажбурий деб топганида вакилнинг бўлишидан қатъий назар, фуқаролик ишида тараф бўлиб ҳисобланган жавобгар шахс ҳам судга чакирилиши мумкин.

Судда фуқаролик ишларини вакиллар орқали юритиш фуқаролик процессуал ҳуқуқ назариясида суд ҳимоясида бўлган ҳуқуқни таъминлаш усулларида бири бўлиб кўрилади.

Кимларнинг қандай асослар ва мақсадларда судда вакиллик қилишлари мумкинлигини куйидагилардан аниқлаш мумкин:

1) корхона, муассаса, ташкилотлар, жамоа хўжаликлари ва бошқа кооператив ҳамда жамоат ташкилотларининг ўз раҳбарлари, ходимлари-шу корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ишлари бўйича;

2) касаба уюшмаларининг вақллари-ходимларнинг, шунингдек ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш касаба уюшмалари томонидан амалга ошириладиган бошқа шахсларнинг ишлари бўйича;

3) қонун, устав ёки низомда ўз аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилган ташкилотларнинг вакиллари;

4) қонун, устав ёки низомда бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилган ташкилотларнинг вакиллари;

5) адвокатлар;

6) тарафлар сайлаган ва ишни кўраётган суд шу иш бўйича вакиллик қилишга руҳсат этган шахслар;

7) иштирокчилар (шерик даъвогарларга ёки шерик жавобгарлар)дан бири ФПКнинг 41-моддага кўра, бошқа иштирокчиларнинг топшириғи бўйича вакил бўла оладилар.

Шу билан бирга қонун (ФПКнинг 55-моддаси) кимларнинг судда вакил бўла олмасликлари ҳам белгилайди. Бундай шахслар биринчидан, вояга етмаган, яъни ёши ўн саккизга тўлмаган шахслар, айрим ҳолларда Ўзбекистонда қизларга 16 ёшдан никоҳга киришга руҳсат этилиши муносабати билан улар ўз фарзандларининг манфаатлари юзасидан судда вакиллик қилишлари мумкин. Бу тўғрида ФПКда тўғридан-тўғри кўрсатма бўлмаса ҳам,

лекин уларнинг бу ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 22-моддасининг 2-қисми қонундан келиб чиқади. Бу қонунда айтилишича, вояга етмасдан аввал қонунга мувофиқ равишда никоҳга кирган фуқаролар, никоҳга киришлари вақтидан эътиборан тўла ҳажмда муомалага лаёқатли бўлиб таниладилар;

Иккинчидан, васий ёки ҳомийлар назоратида бўлган шахслар, яъни болалар ва руҳий касаллар;

Учинчидан, судьялар, прокурорлар, терговчилар суриштирувчилар, улар қонуний вакил (ота-оналар, фарзандликка олинганлар, васийлар, ҳомийлар) сифатида, шунингдек тегишли суд, прокуратура, суриштирув ва тергов органининг тегишли вакили сифатида қатнашган ҳоллар бундан мустасно эканлиги кўрсатилган.

Ваколат берувчи билан вакиллик қилувчи ўртасидаги муносабатлар фуқаролик, оила, меҳнат ва маъмурий ҳуқуқий меъёрлари билан тартибга солинади (масалан, ФКнинг 129-141-моддалари, Оила кодексининг 173-193-моддалари, Маъмурий жавобгарлик кодексининг 295-297-моддаларидир).

Судда вакиллик турлари қуйидагича: қонуний вакиллик, ихтиёрий (шартномали) вакиллик, касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллари, юридик шахсларнинг вакиллиги ва уставли вакиллик бўлиши мумкин.

1. Қонуний вакиллик. Муомалага лаёқатсиз ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқати чекланган деб танилган шахсларнинг ишлари бўйича судда уларнинг қонуний вакиллари иштирок этадилар. қонуний вакиллик болаларга, фарзанд қилиб олинганларга нисбатан ота-оналари ва фарзанд қилиб олганлар бўлади. Булар махсус тайинланмасдан фуқаролик ва Оила қонунчилигида белгиланганидек, ўз болаларига ва фарзанд қилиб олган болаларига нисбатан васий ва ҳомий бўлиб таниладилар. Агар болаларнинг ота-оналари ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган бўлсалар, бундай шахслар болаларга нисбатан вакил бўла олмайдилар. Улар учун васийлик ёки ҳомийлик органлари томонидан тайинланган шахслар судда вакиллик қиладилар. Бундай шахслар васийликда бўлган шахсларга яқин кишилар ёки бунинг учун жамоат ташкилоти, касаба уюшмаси ва бошқа жамоат ташкилотлари томонидан тайинланган шахслар, булар бўлмаган ҳолда эса, бошқа бегона кишилар ҳам бўлиши мумкин.

Қонуний вакилликни вужудга келиши учун турли юридик фактлар-қариндошлик, фарзандликка олиш, васий ва ҳомий тайинлаш асос бўлади.

Белгиланган тартибда васийлар ва ҳомийлар барча муассасаларда, жумладан суд органларида ҳам, махсус ваколатнома олмасдан, васийликда бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Ота-оналар, болаларни, фарзандликка олганлар муомалага лаёқатсиз шахснинг вакили сифатида судда иштирок этиш учун ўзларининг ота-оналик ҳуқуқларини гувоҳлантирадиган ҳужжатларни, масалан, боласининг туғилиши тўғрисидаги гувоҳномани тақдим этишлари лозим.

Ҳомийлик ва васийлик органлари томонидан тайинланган васий ёки ҳомийлар муомалага лаёқатсизларнинг ёки муомалага лаёқати чекланганларни

манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўзларининг ҳомий ёки васий сифатида тайинланганликлари тўғрисидаги ҳужжатни судга топширишлари лозим.

Васийлар (ҳомийлар) муомалага лаёқатли шахслар даъвогар, жавобгар, учинчи шахслар қандай процессуал ҳаракатлар қилишлари мумкин бўлса, худди шундай ҳаракатларни қила оладилар. Аммо даъвонинг асоси ёки предмети тўғрисида буйруқ бериш, даъво предметини бошқаларга ўтказиш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатларни қилиш учун васийлик органларининг розиликларини олишлари керак.

ФПКнинг 51-моддасида кўрсатилишича, белгиланган тартибда дараксиз йўқолган деб топилган фуқаро иштирок этиши лозим бўлган иш бўйича, унинг вакили сифатида унинг мулкларини кўриқлаш ва бошқариш ҳамда шахсий ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун тайинланган шахс қатнашади.

Қонуний вакил ФПКнинг 51-моддасида кўрсатилган ишлар бўйича судда иш олиб боришни вакил сифатида ўзи сайланган бошқа шахсга (ўринбосарга) топширишга ҳақли.

2. Шартномали бўйича (ихтиёрий) вакиллик. Тарафлар томонидан ихтиёрий равишда сайланиб, белгиланадиган вакиллик суд амалиётида кўп учрайди. Ихтиёрий вакиллик тарафларнинг ва вакиллик қилувчининг эрклари бўйича белгиланиб, кўпинча топшириқ ёки меҳнат шартномаси билан расмийлаштирилади.

Вафот этган ёки ўлган деб эълон қилинган шахснинг вориси қатнашиши лозим бўлган иш бўйича, агар мерос мулки ҳеч ким томонидан қабул қилиб олинмаган бўлса, вориснинг вакили сифатида мерос мулкани сақлаш ва бошқариш учун тайинланган васий қатнашади.

Шартнома бўйича (ихтиёрий) вакилликка биноан ишонч билдирувчи ўз ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича судда иш юритишни бошқа шахсга-вакилга топширади.

Қуйидагилар шартнома бўйича (ихтиёрий) вакил бўла оладилар:

- 1) адвокатлар;
- 2) тарафлар, учинчи шахслар томонидан тайинланган шахслар;
- 3) биргаликда иштирок этувчилардан бири бошқа иштирок этувчиларнинг топшириғи бўйича.

Ихтиёрий вакил сифатида судда, аксарият ҳолларда адвокатлар қатнашадилар. Адвокатлар ҳайъатининг аъзолари ваколатлари бўлса, фуқаролар ва ташкилотларнинг манфаатларини судда ҳимоя қилувчи вакил бўлиб ҳисобланадилар. Адвокатлар тарафларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи вакил бўлибгина қолмасдан, балки ишнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлашда ва унинг тўғри ҳал қилинишида судга кўмаклашиб, одил судловни амалга оширишда ёрдам ҳам берадилар. Адвокатларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикасида Адвокатура тўғрисида 1996 йил 27 декабрдаги қонун; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 13 мартдаги қарори билан тасдиқланган адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари, фирмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларига адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларини

бериш тартиби тўғрисидаги Низом; Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъати ва Ўзбекистон адвокатлар уюшмаси бошқарувининг 1997 йил 14 мартдаги қўшма қарори билан тасдиқланган, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимликлари адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги Низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисидаги Низом, Ўзбекистон Республикаси бошқа ҳуқуқий меъёрлари мустақил республикамизда инсон ҳуқуқларини янада ҳимоя қилишга қаратилган ҳужжатлардир.

«Адвокатура тўғрисида»ги қонунда адвокатлик фаолиятининг асосий тамойиллари белгиланиши билан бирга, адвокатларнинг мустақиллиги ва дахлсизлигини таъминлаш кафолатлари ҳам назарда тутилган.

Олий юридик маълумотга эга бўлган, белгиланган тартибда малака имтихонини топшириб, лицензия олган Ўзбекистон Республикаси фуқароси адвокат бўлиши мумкин.

3. Касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллиги. Касаба уюшмаларининг вазифаларидан бири ўз аъзоларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини судда ҳимоя қилишдан иборат бўлганлиги сабабли касаба уюшмалари судда жамоатчилик асосида вакиллик қиладилар.

Судда касаба уюшмасининг вакилининг тарафлар ёинки учинчи шахслар вакили сифатида иштирок этиши ихтиёрий вакилликнинг бир тури бўлиб саналади.

Касаба уюшмалари фақат уюшма аъзоларининг ишлари бўйичагина эмас, балки мазкур ташкилотнинг ҳамма ишчи ва хизматчилари бўйича ҳам судда вакилликни амалга оширишлари мумкин. Касаба уюшмаларининг судда меҳнат масалалари ҳамда маиший ва маданий масалалар бўйича ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқлари меҳнат қонунчилигида ҳам назарда тутилган.

Судда вакиллик қилиш касаба уюшмалари юридик консултацияларда хизмат қилувчи юристконсултлар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ижодий фаолият билан шуғулланувчи шахслар: ёзувчилар, композиторлар, рассомлар ва шу каби бошқа уюшмаларнинг ҳузуридаги муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаларига юклатилган. “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги 1994 йил 6 май қонунининг 40-моддасига кўра, ихтирочилар ва рационализаторларнинг авторлик ҳуқуқларини судда ҳимоя қилишни уларнинг жамиятлари амалга оширадилар. Ижодий меҳнат ходимларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини судда ҳимоя қилиш учун юқорида кўрсатилган ташкилот тегишли топшириқлар беришлари мумкин.

4. Юридик шахсларнинг вакиллиги. Юридик шахсларнинг фуқаролик ишларини судда уларнинг қонун, устав ёки Низом бўйича берилган ваколат доирасида ҳаракат қилувчи органлари ёки уларнинг вакиллари юритади.

Юридик шахс органи сифатида ишда қатнашаётган ташкилотларнинг раҳбарлари, ўзларининг хизмат лавозимлари ёки ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатларни судга тақдим этадилар. Ташкилотлар номидан

бериладиган ишончнома ташкилот раҳбари томонидан имзоланиб, имзо ташкилот муҳри билан тасдиқланади.

Ташкилотнинг раҳбари судга ўзларининг хизмат лавозимларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар тақдим этадилар.

Ташкилот раҳбарининг ўз муассасаси ёки корхонасининг иши бўйича бевосита шахсан иштирок этишини, шунингдек ҳайъат орган аъзоларидан бирининг иштирок этишини юридик шахс вакилининг иштирок этиши сифатида кўрилиши мумкин эмас.

Юридик шахсларнинг вакилликка кўра процессда юридик шахс органларининг эрки бўйича ҳам иштирок этишини фараз қилади, аммо юридик шахсларнинг вакиллик қилишларига асос кўпинча топшириқ шартномаси бўлмасдан, балки меҳнат шартномаси бўлади.

Аксарият корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ходимлари таркибида юристконсултлар ҳам бўлади. Юридик шахсларнинг ишлари бўйича судда вакиллик қилиш бурчи уларга юклатилади. Баъзи ҳолларда юридик шахс вакили топшириқ шартномаси бўйича ҳам фуқаролик ишида иштирок этиши мумкин. Бундай ҳолларда вакилга тегишли ваколат юридик шахс органи томонидан берилган бўлиши керак.

Процессда юридик шахс вакилининг иштирок этиши суд мажлисида ташкилот раҳбарининг ҳам бевосита иштирок этишига тўсқинлик қилмайди.

5. Уставли вакиллик. Юқорида кўрсатилганлардан ташқари кооператив ташкилотларнинг уставлари билан назарда тутилган уставли вакиллик деб аталадиган вакиллик ҳам мавжуд. Матлубот жамиятларининг вилоят, республика уюшмаларининг Намунали уставларида белгиланишича, матлубот жамиятлари республика уюшмасининг правлениеси республика матлубот жамиятлари уюшмасининг ҳамда матлубот кооперацияси ташкилотларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадларида суд ва хўжалик судларида шу жумладан давлат, кооператив ва жамоат ташкилотларида ҳамда корхоналарда олиб бориладиган низоли ишлар бўйича вакиллик қилиш мумкинлиги кўрсатилган.

2-§. Судда вакиллик қилувчининг ҳуқуқлари (ваколатлари)

Судда вакиллик қилувчи ўзига қонун, устав, низомнома ва шартнома билан белгиланган ҳуқуқларга эгадир. Вакил ваколатнома берувчининг манфаатларини кўзлаб процессуал ҳаракатлар қилиш, ишнинг судда кўрилишида муайян далилларни келтириш, уларнинг текширилишини илтимос қилиш далилларни баҳоланиши, фактларнинг белгиланиши, муайян ҳуқуқий меъёрларнинг тадбиқ қилиниши тўғрисида ўз фикрини айтишга ҳақлидир.

Судда вакиллик қилувчи баъзи махсус ҳуқуқларни тарафлар (даъвогар, жавобгар, учинчи шахслар) томонидан берилган ваколатномада ифода этилган бўлсагина амалга ошира олади.

Чунончи, вакил ФПКнинг 54-модласи мазмунида англашилишича, судда иш юритиш ваколатлари вакилга ҳамма процессуал ҳаракатларни ваколат берувчи номидан амалга ошириш ҳуқуқини беради.

Шартнома ва устав бўйича вакиллик қилувчиларнинг, арз қилинган талаблардан бутунлай ёки қисман воз кечиш, уларнинг асосини ёки предметини ўзгартириш, миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш, даъвогарнинг талабларини тан олиш, келишув битими тузиш, ваколатларни бошқа шахсга ўтказиш (бошқа шахсга ишониб топшириш), суднинг ҳал қилув қарори (ажрими) устидан шикоят бериш, ижро варақасини ундирувга қаратиш, даъво тақдим этувчига тегишли деб қарор чиқарилган мол-мулк ёки пулни олиш ваколоти тўғрисида ҳар бири алоҳида ваколат берувчи томонидан топширилган ваколатномада махсус кўрсатилган бўлиши керак.

Вакилга бериладиган ваколатнинг расмийлаштирилиши тўғрисида қоидалар ФПКнинг 53-моддасида берилган. Бу ҳуқуқий меъёрларда кўрсатилишича, вакилнинг ваколоти қонунга мувофиқ берилган ва расмийлаштирилган ваколатномаларда (ишончномада) ифоданган бўлиши лозим.

Фуқаролар томонидан бериладиган ваколатномалар нотариал тартибда тасдиқланади. Шунингдек фуқаролар томонидан бериладиган ваколатномалар шу фуқаро яшаб турган ҳудуддаги ўзини-ўзи бошқарадиган идоралар, фуқаролар ишлаётган ёки ўқиётган муассаса, корхона ёки ташкилот у яшаётган уй-жой бошқармаси, фуқаролар даволанаётган шифохона маъмурияти томонидан тасдиқланиши; ҳарбий хизматчи томонидан бериладиган ваколатнома эса-тегишли ҳарбий қисм кўмондонлиги томонидан тасдиқланиши мумкин.

Қамоқдаги фуқаролар томонидан бериладиган ваколатнома тегишли қамоқ жойининг маъмурияти томонидан тасдиқланади.

Юридик шахс номидан, шунингдек ФПКнинг 49-моддаси тартибида ишда қатнашувчи шахс номидан ваколатнома тегишли ташкилот бошлиғининг имзоси билан берилади.

Қасаба уюшмасининг ва бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллари (ФПКнинг 53-моддаси) тегишли ташкилотларнинг мазкур иш бўйича вакилликни амалга ошириш тўғрисидаги топшириғини гувоҳлантирувчи ҳужжатни судга тақдим этишлари керак.

Судда иш юритиш учун тарафлар вакилининг ваколоти қуйидаги ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши лозим:

биринчидан, жамоат ташкилотлари вакиллариининг ваколоти уларнинг хизмат лавозимини гувоҳлантирадиган ҳужжат билан ва судда иш юритишга ваколат берган тегишли бошқарув органининг мажлис баёнидан кўчирма билан;

иккинчидан, корхона, муассаса ва ташкилот ходимларининг ваколоти корхона, муассаса ва ташкилотлар номидан берилган ваколатнома билан;

учинчидан фуқароларнинг ваколоти-ваколат берувчининг берган ваколатномаси ёки суд баёнига киритилган оғзаки ариза билан;

тўртинчидан, адвокатнинг ваколоти-юридик маслаҳатхона томонидан берилган ордер билан гувоҳлантирилади.

Тарафларнинг эрки ифода этилган ваколатнома судда оғзаки равишда берилиб, суд баёнида ифодаланган бўлиши лозим.

Касаба уюшмаларининг вакиллари касаба уюшмалари ташкилотлари берган ваколатнома асосида ҳаракат қиладилар. Уларнинг вакиллари ходимларнинг ишлари бўйича, манфаатдор шахслардан махсус ваколатнома олмасдан ҳамма процессуал ҳаракатларни бажаришга ҳақлидирлар.

Аммо ФПКнинг 54-моддасида кўзда тутилган ҳаракатларни ўзларига берилган ваколатномада махсус кўрсатилган бўлсагина амалга ошира оладилар.

3-§. Шартнома бўйича (ихтиёрий) вакиллик

Фуқароларнинг ва ташкилотларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда юқорида баён этилганидек манфаатдор шахслар қандайдир сабабларга кўра судда иштирок эта олмасалар уларнинг номидан бошқа шахсларнинг қатнашишлари мумкинлиги кўрсатиб ўтилган эди.

Ихтиёрий вакил (шартномали вакиллик) сифатида судларда аксарият ҳолларда адвокатлар қатнашадилар.

Адвокатура ва унинг вазифалари ҳақида қонунда атрофлича таъриф берилган бўлиб, бунга кўра Адвокатура-ҳуқуқий институт бўлиб, у адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ҳамда хусусий адвокатлик амалиёти билан шуғулланувчи айрим шахсларнинг мустақил, кўнгилли, касбий бирлашмаларини ўз ичига олади. Адвокатура Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ажнабий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатади.

Юқоридаги ҳуқуқий меъёрга асосан, адвокатура ҳайъат аъзолари фуқаролик, хўжалик, жиноий ишлари бўйича тузилган шартнома асосида манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қиладилар.

Амалдаги Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги 1996 йил 27 декабрдаги Қонунида ва шу асосда қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларда адвокатларни маъмурий, меҳнат, хўжалик низоларида ҳам иштирок этиши каби кенг моддий ва процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқи берилган. Шу билан бир қаторда адвокатларга нисбатан бир қатор талаблар ҳам белгиланган.

Адвокат бўлиш учун олий юридик маълумотга эга бўлган ва белгиланган тартибда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Ўзбекистон Республикасида адвокат бўлиши мумкин. Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш учун шахс малака имтихонини топшириши шарт.

Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликларида адлия бошқармалари томонидан тегишли малака комиссияларининг қарорларига асосан берилади.

Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар, шунингдек, судланганлиги бекор қилинмаган

ёки олиб ташланмаган шахсларнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланишга йўл қўйилмаслиги кўрсатилган.

Қонунга асосан адвокатура ўз фаолиятини қонуннинг устунлиги, мустақил ва бошқа процессуал қонунларда белгиланган демократик тамойиллар асосида амалга оширадilar.

“Адвокатура тўғрисида”ги қонуннинг янги жиҳатларидан бири шундаки, адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни белгиланган тартибда олган шахс ўз адвокатлик бюросини очиб, якка тартибда фаолият кўрсатишга ҳамда ихтиёрийлик асосида бошқа адвокатлар билан ҳайъатлар ва фирмалар тузишга ҳақлидирлар ва улар тегишли қоидаларга риоя қилган ҳоллардагина ҳақиқий ҳисобланади.

Адвокатлар ваколат берувчи шахсларнинг топшириғига мувофиқ уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий масалар бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар, қонун ҳужжатлари юзасидан оғзаки ва ёзма маълумотлар беради;

ҳуқуқий хусусиятдаги аризалар, шикоятлар ва бошқа ҳужжатларни тузади;

фуқаролик ишлари ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича судда, бошқа давлат органларида, жисмоний ва юридик шахслар олдида вакилликни амалга оширади;

жиноий ишлар бўйича дастлабки терговда ва судда ҳимоячи, жабрланувчининг вакили, фуқаровий жавобгар сифатида иштирок этади;

тадбиркорлик фаолиятига юридик хизмат кўрсатади.

Адвокатлар юридик ёрдам сўраб мурожаат этган шахсларга нисбатан қариндошлик муносабатларда бўлсалар ёки иш юзасидан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлсалар ва х.к. юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги ишлардан воз кечишлари лозим.

Адвокат фуқаролик, жиноят процессуал кодексларда ҳамда адвокатура тўғрисидаги қонун талаблари асосида иш тутишлари лозим. Агар адвокат манфаатларини ҳимоя қилиш топшириғи олган шахс томонидан махсус кўрсатмаси бўлмаган ҳолларда берилган ваколатдан шу шахснинг зарарига фойдаланишга ҳамда гумон қилинувчигина, айблаувчини, судланувчини ҳимоя қилишдан бош тортишга ҳақли эмас.

Адвокатура тўғрисидаги қонунни яна муҳим жиҳатларидан бири шундаки бунга кўра, адвокат билан миждозлар ўртасидаги ишга оид муносабатларни сир сақланишига қаратилган ҳуқуқий меъёрдир. Адвокатлик сири жумласига миждоз адвокатдан ёрдам сўраб мурожаат этганлигининг ўзи, миждоз ёрдам сўраб мурожаат этган масалалар, адвокатдан миждоз олган маслаҳатлар, насихатлар ва тушунтиришларнинг моҳияти, адвокатнинг миждоз билан ўтказган суҳбатида тўхтаб ўтилган барча масалалар киради.

Амалдаги фуқаролик процессуал кодексига асосан адвокат суддаги вакил бўлиши муносабати билан у фуқаролик ишларини судда кўришда ишда иштирок этувчи шахс қаторига киритилди. Бу қонунга кўра ишда иштирок этувчи шахслар қаторига киради.

Тарафлар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари. процессда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этадиган прокурор, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар ишда иштирок этувчи шахслар деб тан олинади.

«Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги 1998 йил 25 декабрдаги қонунга асосан: «Адвокат тараф сифатида, суд ишларини юритишнинг ҳамма босқичида процесснинг барча иштирокчилари билан тенг ҳуқуқларга эга» эканлиги юқоридаги ҳуқуқий меъёрни бир мунча ойдинлаштирди. Юқорида баён қилинганидек, адвокат ишда иштирок этувчи шахс сифатида қонунда кўрсатилган барча процессуал ҳуқуқларидан фойдаланадилар ва кўрсатилган мажбуриятларни бажарадилар.

Ишда иштирок этувчи шахслар иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирма олиш, нусхалар кўчириш, рад этиш тўғрисида арз қилиш, далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга ва одил судловликни амалга оширишга кўмаклашаётган шахсларга саволлар бериш, арз қилиш, илтимосномалар тақдим этиш, судда оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, ишни судда кўриш давомида туғиладиган ҳамма масалалар бўйича ўзларининг важларини баён қилиш, бошқа шахсларнинг арзлари, илтимосномалари, важларига қарши эътирозлар билдириш, суднинг ҳал қилув қарори, ажрими ва қарори устидан шикоят қилиш, суд чиқарган ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорнинг мажбурий ижросини талаб қилиш, суд ижросининг ҳаракатлари вақтида ҳозир бўлиш ва ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Бироқ ваколат берувчи шахс адвокат яъни шартнома ва устав бўйича вакиллик қилувчининг арз қилинган талабалардан бутунлай ёки қисман воз кечиш, уларнинг асосини ёки предметини ўзгартириш, миқдорини кўпаётириш ёки камайтириш, даъвогарнинг талабаларини тан олиш, келишув битими тузиш, ваколатларни бошқа шахсга ўтказиш (бошқа шахсга ишониб топшириш), суднинг ҳал қилув қарори (ажрими) устидан шикоят бериш, ижро варақасини ундирувга қаратиш, даъво тақдим этувчига тегишли деб қарор чиқарилган мол-мулк ёки пулни олиш ваколоти тўғрисида ҳар бири ҳақида алоҳида ҳолда ваколат берувчи томонидан топширилган ваколатнома махсус изоҳ берилиши керак.

Демак шартнома асосида вакиллик қилувчи адвокат ваколат берувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг берган топшириқларидан ташқари бошқа ҳаракатларни бажаришига ҳақли эмаслиги ва лозим ҳолларда вакилни бажарадиган ҳаракатлари ваколатномада ўз аксини топган бўлиши талаб этилади.

Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатуранинг ижтимоий ҳимояси тўғрисидаги қонунда адвокатнинг мустақиллигини таъминлаш, унинг дахлсизлигини, адвокатлик фаолиятига аралашмаслик уларнинг ижтимоий ҳимоя чоралари ва бошқа масалалар ўз ифодасини топган.

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

СУД ХАРАЖАТЛАРИ ВА ЖАРИМАЛАРИ

1-§. Фуқаролик процессида суд харажатлари тушунчаси ва турлари

Фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга оширишда давлат томонидан сарфланадиган маблағларнинг муайян қисми ишда манфаатдор бўлган шахслар томонидан тўланади. қонун бу шахсларга (фуқаролар ва ташкилотларга) судларда фуқаролик ишларини юритиш юзасидан қилинадиган суд харажатларини-давлат божи ва ишни кўриш билан боғлиқ бўлган чикимларни қоплашни юклайди.

Суд харажатларини бир қисмини давлат божи ташкил этади. Бу божлар судлар томонидан фуқаролик ишини юргизилиши муносабати билан қилинадиган харажатлар учун олинадиган ҳақдир.

Давлат божининг миқдори қонун билан белгиланган бўлиб,¹ қоида бўйича даъво қиймати, яъни даъвогарнинг мулкӣ манфаатининг пул билан ифодаланган суммаси миқдорига боғлиқ бўлади. Суд орқали талаб қилинадиган пул ёки мулк қиймати қанча кўп бўлса, олинадиган давлат божи ҳам шунга яраша ошиқроқ белгиланади (ФПКнинг 105-моддаси).

Ишнинг судда кўрилиши билан боғлиқ бўлган харажатларнинг иккинчи қисмини суд чикимлари ташкил қилади. ФПКнинг 109-моддасида белгиланганидек, ишни кўриш билан боғлиқ бўлган чикимлар: гувоҳларга ва экспертларга тўланадиган суммалардан, иш учун аҳамиятли бўлган жойнинг суд томонидан бориб кўрилиши билан боғлиқ бўлган харажатлардан, ФПКнинг 140-моддасида кўрсатилган ҳолларда жавобгарни, чунончи, алимент тўлашдан ёки бировга етказилган зарар ҳақини тўлашдан қочган шахсни кидириш учун қилинган харажатлардан ва суднинг ҳал қилув қарорини ижро этиш билан боғлиқ бўлган харажатлардан иборат бўлади.

Ишда манфаатдор бўлган шахслар томонидан суд харажатлари тўлатилишининг аҳамияти давлат учун маблағ олишда эмас, балки тарафларнинг ўзларининг фуқаролик ҳуқуқӣ бурчларини ихтиёрий равишда бажаришга рағбатлантириш ва асоссиз низоларнинг кўзгатилишига йўл қўймасликдир.

Судда фуқаролик ишининг юритилиши муносабати билан тарафларнинг қиладиган суд харажатлари уларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларининг ҳамда қонуний манфаатларининг ҳимоя қилиниши учун судга мурожаат қилишларига ҳеч қандай тўсқинлик қилмайди. Бунга: фуқаролик ишларининг судда кўрилишига тўланадиган давлат божининг оз миқдорда олиниши, ишни кўриш билан боғлиқ бўлган чикимларни минимал миқдорда белгилаш, тўланган бож ва чикимлар судда ҳал қилинган низода ҳақли бўлган тарафга қайтарилиши, қатор ишлар бўйича даъвогарлар давлат божи ва ишни юритиш чикимларини тўлашдан бутунлай ёки қисман озод қилиниши билан эришилади.

¹ Қаранг: Давлат божи тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 7-сон, Т., «Адолат», 1993 йил.

2-§. Давлат божи

Давлат божи суд муассасаларига бериладиган даъво аризалари, органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракат (қарор)лари устидан берилган шикоятлар, алоҳида тартибда кўриладиган ишлар бўйича аризалар, судларнинг ҳал қилув қарорлари устидан апелляция, кассация тартибида шикоятлар ва назорат тартибида протестлар келтириш тўғрисида аризалар берганлик учун, шунингдек суд муассасалари томонидан қоғозлар ва ҳужжатларнинг нусхалари берилганлиги учун ундирилади.

Давлат божининг миқдори ва унинг тўланиши тартиби «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрь қонуни ва шу асосда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли «Давлат божи ставкалари тўғрисида»ги ва унга киритилган ўзгаришлар ҳақидаги қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 11 октябрдаги 358-сонли қарори; давлат солиқ қумитаси томонидан 1993 йил 8 июнда тасдиқланган «Давлат божи тўғрисида»ги йўриқномаси; Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ва жиноят ишлари юзасидан суд чиқимларини ундириш амалиёти тўғрисида»ги 1996 йил 20 декабрь қарори ҳамда ФПКнинг 103-121-моддалари билан белгиланган.¹ Давлат божи фуқаролардан ҳам, корхоналар, муассасалар, ташкилотлардан ҳам олинади.

Давлат божи оддий, яъни қатъий ставкаларда, сум ва тийинлар билан ҳисоблаб олинadиган божга ва пропорционал божга, яъни даъво қиймати (суммаси)га нисбатан фоиз билан ҳисоблаб ундириладиган божга бўлинади.

Давлат божи дастлабки ва муқобил даъво аризалари берувчилардан, мустақил даъво талаблари билан судга мурожаат қилувчи учинчи шахслардан, шунингдек алоҳида тартибда кўриладиган ишлар тўғрисида ариза берувчилардан ҳамда апелляция, кассация шикоятлари ва назорат тартибида протестлар келтириш тўғрисидаги ариза берувчилардан олинади. Хусусий шикоятлар берилишида бож ундирилмайди, шунингдек судлар томонидан ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари берилганлиги учун ҳам белгиланган тартибда бож ундирилади.

Булардан ташқари юқорида айтилганидек, давлат божи тарафларнинг ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимослари бўйича ишда бўлган қоғозлар ва ҳужжатларнинг нусхаларини олишда ундирилади.

Бож суд томонидан ҳал қилув қарори, ҳукмлар ва ажримларнинг нусхаларини такрор берганлик учун ҳам олинади.

Дастлабки даъвогарнинг розилиги бўйича унинг бошқа шахс билан суд томонидан алмаштирилганида бу шахс ҳам умумий асосларда бож тўлаши

¹ Қаранг: Давлат божи тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 7-сон, Т., «Адолат», 1993 йил. 82-93-бетлар; Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. Тошкент., 1995 йил, 1-2 сонлари, 34-бет.; Қонун номи билан. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 1997 йил, 3-сон 35-бет.; Ўша жойда. 1997 йил, 1-2 сонлари 51-бет.

лозим бўлади. Бундай ҳолларда дастлабки даъвогар томонидан тўланган бож қайтарилмайди.

Давлат божи давлат банки муассасасига ёки жамгарма банкидаги ёхуд бенақд ҳисоб-китоб қилиш йўли билан тўланади ва бу ҳақдаги квитанция судга топширилади. Фуқаролар томонидан сотиб олинган давлат божини маркалари қайтиб олинмайди.

Бож маркалари ариза ёки шикоятга ёпиштирилади ва мансабдор шахснинг имзоси билан тўланиши санаси кўрсатилиб бекор қилинади.

ФПКнинг 108-моддасига ва давлат божи тўғрисидаги юқорида келтирилган қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат божини даъвогарга қуйидаги ҳолларда қайтарилди. Амалдаги қонун бўйича талаб қилинганидан кўп миқдорда бож тўланган бўлса; ариза (шикоят)ни қабул қилиш рад этилса; ФПКнинг 154-моддасида назарда тутилган асослар бўйича аризаси даъвогарга қайтариб берилса; ФПКнинг 100-моддаси 1-3-бандида назарда тутилган асосларга кўра иш судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли ишни юритиш тугатилган бўлса, ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилганлиги сабабли (ФПКнинг 97-моддаси 1-банди) кўрилмай қолдирилса қайтарилди. Булардан ташқари давлат божини қайтариш бож тўғрисидаги қонуннинг 6-моддасида назарда тутилган ҳолларда ҳам қайтарилди.

Давлат божи пул бюджетга ўтказилган кундан бошлаб бир йиллик муддат ўтмасдан уни қайтариш ҳақида судга ариза берилган тақдирдагина қайтарилди.

Давлат божининг миқдори унинг қиймати суммасига қараб белгиланади. Даъвонинг баҳоси (ФПКнинг 105-моддасида) қуйидагича белгиланади:

1) пул ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича - ундириладиган суммага қараб;

2) мулк талаб қилиш тўғрисидаги даъволар бўйича - даъво қилинаётган мулкнинг қийматига қараб;

3) бир қанча мустақил талаблардан иборат даъволар бўйича - ҳамма талабларнинг умумий суммасига қараб;

4) алимент ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича - бир йиллик тўловларнинг йиғиндисига қараб;

5) муддатли тўловлар ва пул бериш тўғрисидаги даъволар бўйича - тўловларнинг ёки бериладиган пулларнинг йиғиндисига қараб, лекин кўпи билан уч йиллик йиғиндисига қараб;

6) муддатсиз ёки умрбод тўловлар ва пул бериш тўғрисидаги даъволар бўйича - тўловларнинг ёки пулларнинг уч йил ичидаги йиғиндисига қараб;

7) тўловларни ёки пул беришни камайтириш ёхуд кўпайтириш тўғрисидаги даъволар бўйича - тўловлар ёки бериладиган пуллар камайтириладиган ёки кўпайтириладиган суммага, лекин кўпи билан бир йиллик суммага қараб;

8) тўловларни ёки пул беришни тўхтатиш тўғрисидаги даъволар бўйича - қолган тўловлар ёки пуллар йиғиндисига, лекин кўпи билан бир йиллик йиғиндисига қараб;

9) мулк ижараси шартномасини муддатидан илгари бекор қилиш ҳақидаги даъволар бўйича - шартнома амал қилишининг қолган муддатида мулкдан

фойдаланиш учун тўланадиган тўловларнинг, лекин кўпи билан уч йил ичидаги тўловларнинг йиғиндисига қараб;

10) хусусий мулк ҳуқуқи асосида фуқароларга тегишли иморатларга эгалик ҳуқуқи тўғрисидаги даъволар бўйича - иморатнинг ҳақиқий қийматига қараб, лекин бу миқдор инвентаризация баҳосидан, инвентаризация баҳоси бўлмаганида эса, мажбурий суғурта баҳосидан кам бўлмаслиги керак, ташкилотларга қарашли иморатларга доир даъволар бўйича эса, иморатларнинг ҳақиқий баҳосидан кам бўлмаслиги керак.

Даъвонинг баҳоси даъвогар томонидан кўрсатилади, даъвогар кўрсатган қиймат даъво қилиниётган нарсанинг ҳақиқий қийматига мувофиқ бўлмаса, даъвонинг баҳосини судья белгилайди.

Даъвони кўзгатган пайтда унинг қийматини белгилаш қийин бўлса, давлат божини миқдорини судья тахминан белгилайди ва кейинчалик ишни ҳал қилиш вақтида суд белгиланган баҳога мувофиқ божнинг кам қисми ундирилади, ортиқча олинган қисми эса қайтарилади (ФПКнинг 106-моддаси).

Даъво талаблари оширилганда божнинг етишмаган суммаси даъво қийматининг оширилиши миқдорига қараб қўшимча тўланади.

Давлат божининг миқдори ФПКнинг 105-моддаси ва «Давлат божи ставкалари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг юқорида келтирилган қарори белгиланади.¹

3-§. Ишнинг судда кўрилиши билан боғлиқ чиқимлар

Қонунда кўрсатилганидек, ишни кўриш билан боғлиқ бўлган чиқимлар: гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар; жойга бориб кўздан кечириш билан боғлиқ бўлган харажатлар; алиментлар ва зарур ҳақини ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича жавобгарни қидириш учун қилинган ҳамда суднинг ҳал қилув қарорини ижро этиш билан боғлиқ харажатлардан иборат бўлади (ФПКнинг 109-моддаси).

Гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонларга тегишли бўлган суммалар, улар ўз вазифаларини бажариб бўлганларидан сўнг, харажатлар тарафлардан ундириб олинишидан қатъи назар, суд томонидан тўланади (ФПКнинг 112-моддаси).

Меҳнат муносабатларида бўлган ходимни судда гувоҳ сифатида чақирилганида судга келиши муносабати билан ишда бўлмаган учун вақти учун иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақланади.

Ходимларга мансуб бўлмаган гувоҳлар ишдан ёки одатдаги машғулотлардан қолдирилганликлари ҳақ олишга ҳақлидирлар. Бундай ҳолларда тўланадиган пулнинг миқдорини суд белгилайди, лекин бу ҳақда мазкур жойдаги тегишли малакали ходимнинг ўртача иш ҳақидан ортиқ бўлмаслиги керак.

ФПКнинг 113-моддасига мувофиқ гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонларга тўланадиган пулни ёки жойини бориб кўздан кечириш

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. Т., 1995 йил, 1-2-сонлар, 34-бет.

харажатлари учун зарур бўлган пулни тегишли илтимос қилган тараф олдиндан тўлаб қўяди. Агар мазкур илтимос икки тараф томонидан қилинган бўлса ёки гувоҳларни, экспертларни, мутахассисларни ва таржимонларни чақириш, жойига бориб кўздан кечириш суднинг ташаббуси билан бажарилса, бунинг учун керакли суммани тарафлар баравар тўлайдилар. Бу қонунларда кўрсатилган суммалар суд харажатларини тўлашдан озод қилинган тарафдан ундирилмайди.

4-§. Суд харажатларини тўлашдан озод қилиш

Суд идораларида кўриладиган фуқаролик ишлари бўйича ҳамма ҳолларда ҳам суд харажатлари ундирилавермайди.

Мустақил республикамиз қонунларининг инсонпарварлик руҳида тузилганлиги суд харажатларига оид ҳуқуқий нормаларда ҳам ўз ифодасини топади. қонунга биноан суд ёки судья тарафларнинг мулкӣ аҳволларига қараб, тарафларнинг бири ёки ҳар иккаласидан ҳам давлат даромадига ундириладиган суд харажатларини тўлашни кечиктиришга ёки бўлиб-бўлиб тўлашга йўл қўйиши, шунингдек бу харажатларнинг миқдорини камайтириши ёхуд бу харажатларни тўлашдан бутунлай озод қилиниши мумкин.¹

Бу ҳақда ФПКнинг 110-111-моддаларига ва «Давлат божи тўғрисида»ги юқорида кўрсатилган қонуннинг 4-моддасида айрим давлат бюджетиде турган муассасалар, ташкилотлар ҳам давлат божини тўлашдан озод қилиниши мумкинлиги ўз ифодасини топган.

Ушбу дарсликни узлаштиришга енгиллик туғдириш мақсадида бож тўғрисидаги юқоридаги қонунда кимларга имтиёз берилганлигини аниқ кўрсатишни лозим топдик. Масалан:

а) даъвогарлар-иш ҳақини ундириб олиш тўғрисидаги даъволар ва меҳнат ҳуқуқлари муносабатларидан келиб чиқадиган бошқа талаблар юзасидан;

б) даъвогарлар-муаллифлик ҳуқуқларидан келиб чиқадиган даъволардан, шунингдек янгилик очиш, ихтиро қилиш, рационализаторлик таклифлари ва саноат намуналарига бўлган ҳуқуқлари тўғрисидаги даъволар юзасидан;

в) даъвогарлар майиб бўлишидан ёки соғлиққа етказилган бошқа шкастланишлардан, шунингдек боқувчисиз ўлимидан келиб чиққан зарарларни қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

г) даъвогарлар-алимет ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

д) даъвогарлар-қонунга зид тарзда маҳкум этиш, жиноий жавобгарликка тортиш, маъмурий жазо солиш орқали фуқароларга етказилган зарарни тўлаш билан боғлиқ низолар юзасидан;

е) ижтимоий сугурта идоралари ва ижтимоий таъминот идоралари жабрланувчига ёки оила аъзоларига зарар етказувчидан етказилган зарарни пенсия ёки нафақа тарзида ундириш тўғрисидаги регресс даъволар юзасидан;

ж) ижтимоий таъминот идоралари-зарар етказувчидан бензинга кетадиган харажатларнинг товон пули, таъминлаш, автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва уларнинг эҳтиёж қисмлари, ногиронларни

¹ Қаранг: Давлат божи тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 7-сон, Т.: Адолат, 1993 йил. 82-93-бетлар;

автомототранспорт воситаларини хайдашга ўргатишга кетган харажатларнинг суммаларини ундириш тўғрисидаги регресс даъволар юзасидан, шунингдек нотўғри тўланган пенсия ва нафақа суммаларни ундириб олиш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

з) даъвогар-шикоят туфайли етказилган моддий зарарни қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

и) шахслар-мол-мулкни бўлиш билан боғлиқ бўлмаган никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича кассационлардан;

к) юридик ва жисмоний шахслар-жиноий ишлар ва алиментларни ундириш тўғрисидаги ишлар билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни уларга берганлик учун;

л) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва унинг маҳаллий идоралари-кучиб борувчиларга нисбатан кучиб бориш жойига бормаганликлари учун ёки кучиб борган жойларини ўз ҳолича тарк этганликлари учун, кучиб бориш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

м) ҳунар-техника таълим тизимининг билим юртлари-ўқув даргоҳларини ўз ҳолича ташлаб кетган ёки улардан хайдалган ўқувчиларни таъминлашга давлат томонидан сарф қилинган харажатларни ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

н) Ўзбекистон Республикаси Мелорация ва суд хўжалиги вазирлиги, унинг идоралари-Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилинаётган суд тўғрисидаги қонунларни бузиш натижасида давлатга етказилган зарарни қоплаш учун маблағларни давлат фойдасига ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

о) шахслар-жиноят туфайли етказилган моддий зарарни ундириб олиш тўғри эканлиги бахслашилаётган жиноий ишлар юзасидан кассацион шикоятлар;

п) қонунда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиб судга ариза билан мурожаат этган юридик ва жисмоний шахслар;

р) даъвогарлар-ўрмон хўжалиги даромадни ундириш тўғрисидаги ишлар юзасидан, жисмоний шахслар мулки бўлган уй-жойларни, дала-ҳовлиларни ва бошқа мулкларни маҳалла ўзини-ўзи бошқариш идоралари фондига бепул олиб қўйиш тўғрисидаги ишлар юзасидан, шунингдек жисмоний шахслардан уларга тегишли бўлган тарихий, бадий ва бошқа жиҳатдан жамият учун аҳамиятга эга бўлган мол-мулкни олиб қўйиш тўғрисидаги ишлар юзасидан-жисмоний шахслар бу мулкка хўжасизларча муносабатда бўлган ҳолларда;

с) Ўзбекистон Республикаси молия ва солиқ идоралари барча ишлар ва ҳужжатлар юзасидан, шунингдек алоҳида ишлар бўйича судга ариза берганлик учун;

т) Ўзбекистон Республикаси давлат суғурта идоралари-мажбурий суғурта қилиш операциялари билан боғлиқ ишлар юзасидан;

у)даъвогар Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари алиментлар ва бошқа тўловлар тўлашдан кочиб юрган шахсларни қидириш учун қилинган ҳаракатларни ундириш тўғрисидаги ишлар юзасидан;

ф)юридик ва жисмоний шахслар-суднинг ишни тўхтатиш ёки уни қараб чиқишни қолдириш тўғрисидаги қарор ижросини кечиктириш ёки чўзиш, ижро усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги, даъвони қондириш ёки уни бошқасини қондириш билан алмаштириш тўғрисидаги ажримларни бекор қилиш ҳақидаги аризалар, янги очилган ҳолатлар муносабати билан судлов қарорини, ажримни ёки қарорни қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги аризалар, суд томонидан (бекор қилинган ариза) белгиланган жарималарни бекор қилиш ёки камайтириш тўғрисидаги, ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги аризалар, суд ижросини хатти-ҳаракатлари устидан шикоятлар, судларнинг жаримани бекор қилиш ва камайтиришни рад этиш тўғрисидаги ажрими устидан хусусий шикоятлар ҳамда суд ажрими устидан бошқа хусусий шикоятлар;

х)прокуратура идоралари-юридик ва жисмоний шахслар фойдасини кўзлаб қилинадиган даъволар юзасидан;

ц)ногиронлар жамоат ташкилотлари, уларнинг муассасалари, ўқув ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмалари-ҳамма даъволар юзасидан;

ч)Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги идоралари-балиқчилик ва балиқ захираларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш муносабатлари билан балиқ хўжалигига: атроф-мухитни ифлослантириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаслик оқибатида овчилик хўжалигига ва давлат овчилик фондида етказилган зарар ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

ш)Ўзбекистон Республикаси Нафақа жамғармаси ва унинг жойлардаги идоралари-жисмоний шахслардан мажбурий тўловларни ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан келиб чиқадиган ишлар юзасидан умумий судлар бож тўлашдан озод қилинадилар.

Даъвогарнинг талаблари суд томонидан қаноатлантирганида, у фуқаролик ишининг юритилиши туфайли қилган харажатларнинг тўланишини талаб қилишга ҳақли. Бундай харажатлар жавобгарнинг даъвогар олдидаги мажбуриятларни ихтиёрий равишда бажармагани учун ва шу туфайли даъвогар муайян суд харажатларини қилишга мажбур бўлганлиги учун бу харажатлар жавобгар ҳисобидан ундирилиши лозим бўлади. Худди шунингдек жавобгар ҳам, агар даъвогарнинг унга нисбатан қилган даъво талаблари рад қилинса, иш юзасидан қилган харажатларнинг даъвогар томонидан ўзига тўлашини талаб қила олади.

ФПКнинг 116-117-моддалари мазмунига кўра, суд харажатлари (давлат божи ва суд чиқимлари) суд ажрими бўйича тубандагича йўсинда тақсимланади:

Ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга иккинчи тарафдан, гарчи бу тараф давлат даромадига тушадиган суд харажатларини тўлашдан озод этилган бўлса-да, иш бўйича қилинган ҳамма харажатларни ундириб беради.

Агар арз қилинган талаблар қисман қаноатлантирилган бўлиб, ушбу моддада кўрсатилган суммалар жавобгардан даъвогарга талабларнинг суд қаноатлантирган қисмига мутаносиб равишда, жавобгарга эса даъвогардан у арз қилган талабларнинг рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундириб берилади. Ушбу моддада баён қилинган қоидалар кассация шикоят ва назорат тартибида протест келтириши сўраб ариза берганда тарафлар тўлаган давлат божига ҳам тааллуқлидир.

Агар юқори турувчи суд ишни янгидан кўриб чиқиш учун юбормай, чиқарилган ҳал қилув қарорини ўзгартирса ёки янги ҳал қилув қарори чиқарса, у суд харажатлари тақсимотини ҳам тегишлича ўзгартиради (ФПКнинг 116-моддаси).

Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракат (қарор)лари устидан берилган шикоят ва аризани кўриш билан боғлиқ чиқимлар суд томонидан, башарти суд фуқаронинг шикояти ёки аризасини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида ҳал қилув қарорини чиқарса, ана шу фуқаронинг зиммасига ёки, агар органлар ёки мансабдор шахс хатти-ҳаракатларининг ғайриқонунийлигини аниқлаган бўлса, ана шу орган ёки мансабдор шахс зиммасига юклаш мумкин (ФПКнинг 117-моддаси).

ФПКнинг 118-моддасида кўрсатилганидек, даъвогар арз қилган талабларидан кечса, унинг харажатларини жавобгар тўламайди. Лекин талаб қўйилгандан сўнг уларни жавобгар ихтиёрий равишда қаноатлантирилганлиги натижасида даъвогар ўз талабларидан воз кечган бўлса, суд даъвогарнинг илтимоси бўйича унинг иш юзасидан қилган ҳамма суд харажатларини жавобгардан ундириб беради.

Агар тарафлар келишув битими тузиш вақтида харажатларини тақсимлаш тартибини назарда тутмаган бўлсалар, суд бу масалани ФПКнинг 114, 116 ва 120 моддаларига мувофиқ равишда ҳал қиладилар.

Фойдасига ҳал қилув қарори чиқарилган тарафга суд иккинчи тарафдан иштирок этган адвокатнинг ёрдами учун қилинган харажатлар оқилона миқдорда ундириб берилади.

Агар ўрнатилган тартибга мувофиқ тарафга адвокатнинг ёрдами бепул кўрсатилган бўлса, бу сумма бошқа тарафдан адвокатлар бюроси (хайъати, фирмаси) фойдасига ундириши мумкин.

Адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдами учун тўланадиган ҳақнинг миқдори ва қандай ишлар бўйича бепул юридик ёрдам кўрсатилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда давлат ҳисобидан амалга оширилади.¹

Аксарият ҳолларда даъвогар ва жавобгарлар судда инсофли равишда ҳаракат қиладилар. Аммо баъзи айрим ҳолларда аксинча-ҳоллар ҳам юз беради.

Жавобгарга нисбатан даъво нотўғри қўзғатилганда унинг шу муносабат билан қилган харажатлари тўла ҳажмда қайтарилиши лозим.

Прокурор, шунингдек бошқа шахслар ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб судга мурожаат қилган

¹ Қаранг: Адвокатура тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (11-модда). Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 15-сон. Т.: Адолат. 1997 йил, 60-бет.

давлат бошқарув органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг арз талаблари бутунлай ёки қисман рад қилинганда, жавобгарнинг суд харажатлари унга бюджет маблағлари ҳисобидан тўлиқ ёки даъвогар арз қилган талабларнинг рад қилинган қисмига мутаносиб равишда қайтариб берилади.

Талабларни қаноатлантириш рад этилганида, суд томонидан жалб этилган жавобгарнинг суд харажатлари унга бюджет маблағлари ҳисобидан қайтарилади.

Мол-мулкни хатлашни бекор қилиш тўғрисидаги даъво қаноатлантирилганда, даъвогарнинг суд харажатлари унга бюджет маблағлари ҳисобидан қайтарилади (ФПКнинг 119-моддаси).

Амалдаги қонунда кўрсатилганидек, ишни кўриш билан боғлиқ бўлган ва даъвогар тўлашдан озод қилинган суд чиқимлари ҳамда давлат божи даъвогардан арз қилинган талабларнинг қаноатлантирилган қисмига мутаносиб равишда давлат даромадига ундирилади.

Агар арз қилинган талаблар қисман қаноатлантирилган, жавобгар эса суд харажатларини тўлашдан озод қилинган бўлса, суднинг ишни кўриш билан боғлиқ бўлган чиқимлари суд харажатларини тўлашдан озод қилинмаган даъвогардан талабларининг рад этилган мутаносиб равишда давлат даромадига ундирилади.

Агар ҳар икки тараф ҳам суд харажатларини тўлашдан озод қилинган бўлса, суднинг ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлари давлат ҳисобига ўтказилади.

Жавобгарни қидириш эълон қилинган бўлса, суд қидирув иши бўйича қилинган харажатларни жавобгардан давлат даромадига ундирилади.

Фуқаролик ишларининг судда кўрилиши ва чиқарилган қарорларнинг ижро этилиши давомида суд харажатлари тўғрисида келиб чиқадиган ҳамма масалаларни суд ўз ажримлари билан ҳал қилади. Бу ажримлар устидан белгиланган тартибда хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин (ФПКнинг 120-121-моддалари).

5-§. Суд жарималари

Фуқаролик процессининг иштирокчилари ўзларига қонун билан юкланган барча процессуал бурчларни қоида бўйича ихтиёрий равишда ва виждонан бажарадилар. Агар ишда иштирок этувчи шахслар процессуал бурчларини бажармасалар, бундай ҳолларда суд муайян жазоларни, яъни процессуал таъсир этиш чораларини қўллашга мажбур бўлади. Бундай жазо (таъсир этиш чораси) асосан суд жарималари шаклида тадбиқ этилади.

Фуқаролик процессуал таъсир чоралари маъмурий ва бошқа тартибда солинадиган жарималарни аралаштирмаслик лозим.

Суд жарималари деб, процессуал бурчларни ёки суд мажлисидаги тартибни бузишда айбли бўлган шахсларга, қонунда кўрсатилган ҳолларда пул билан белгиланган процессуал таъсир этиш чорасига айтилади.

Суд томонидан жарималар солиниши ҳоллари ва унинг миқдори ФПКнинг 75, 81, 86, 166, 176, 253, 381-моддаларида кўрсатилган. Суд қонунда

кўрсатилган ҳоллардан ташқари ва белгиланган суммадан ошиқ жарималар солишга ҳақли эмас. Жарималарнинг миқдори юқорида келтирилган қонунларга биноан умумий қоида бўйича нисбатан белгиланган. Аммо қарздорни муайян ҳаракатлар қилишга мажбур этадиган суд ҳал қилув қарорининг бажарилмаганлиги учун солинадиган жарималарнинг миқдори ФПКнинг 382-моддасида кўрсатилишича, бирмунча кўпроқ белгиланган.

Суд мажлисига узрсиз сабаблар бўйича келмаган гувоҳларга, суд чақириғи бўйича келмаган ёки фикр билдиришдан бош тортган ёхуд атайин ёлғон фикр берган экспертларга, мутахассисларга қонунда қанча миқдорда жарима солиниши мумкинлиги кўрсатилган (ФПКнинг 86, 91-моддалари).

Суд чақириғи бўйича кела олмасликнинг сабаби узрли бўлиши судга аввалдан маълум қилиниши керак, акс ҳолда судда ҳозир бўлмаслик сабаби узрсиз деб кўрилади. Суд талаб қилган далилларнинг ишда иштирок этувчи шахслар томонидан узрсиз сабаблар бўйича келтирилмаслиги, шунингдек уларнинг умумий ёки белгиланган мудатга келтириш мумкин бўлмаслиги тўғрисида судга хабар бермаганлик учун айбли шахсларга, шу жумладан мансабдор шахсларга ҳам, энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солиш мумкин. Ашёвий далилларни етказиб бермаганлик учун ҳам (ФПКнинг 81-моддасида) жарима солиниши кўзда тутилган.

Даъвони таъминлаш юзасидан кўрилган чоралар бузилганида айбдор шахсларга суд ажрими бўйича жарима солиниши мумкин (ФПКнинг 249, 253-моддалари).

Суд қарорининг ўз вақтида ва лозим даражада ижро эилмаганида, жумладан ФПКнинг 381-моддасида кўрсатилган талаблар, суд томонидан узрсиз деб топилган бўйича бажарилмаганида ҳам айбли шахслар суд ижосининг тавсияси бўйича жаримага тортилишлари мумкин. Чунончи суд ижросининг талабларининг бажарилмаганлиги учун: қарздорнинг муайян ташкилотда хизматда бўлиши ва унинг қанча миқдорда иш ҳақи олиши тўғрисида мансабдор шахслар ёки фуқаролар томонидан маълумотлар бермаслиги: суд ижросининг талаби бўйича қарздорларга тегишли суммалардан муайян ҳақни ушлаб қолмаслик ёки қарздорнинг ишдан бўшатиб кетганлиги тўғрисида маълумот бермасдан, ижро варақасини суд ижросига қайтармаганлик; қарздорга тегишли мулк ёки пулларнинг бошқа шахслардан бўлиши тўғрисида суд ижросига маълумот бермаганлик, шунингдек уларни, суд ижросининг ман этишига қарамасдан, суд томонидан узрсиз деб топилган сабаблар бўйича, қарздорларга берганлик учун қонунда белгиланган миқдорда жарима солиниши мумкин.

Қарздорни муайян мулк ёки пулни топшириш билан боғлиқ бўлмаган маълум ҳаракатларни қилишга, масалан, руҳсатсиз кўрилган уй-жойни бузишга, болани тарбияга беришга ва шу каби бошқа ҳаракатларни қилишга мажбур этадиган суднинг ҳал қилувчи қарори бажарилмаганида қарздорни жаримага тортиш учун сабаб бўлиши мумкин.

Қарздор ҳал қилув қарорини ижро этиш учун белгиланган муддатларни иккинчи марта ва ундан кейин ҳам бузса, яна такрор жаримага тортилади. Лекин бундай ҳолларда жариманинг суммаси энг кам иш ҳақининг беш

баравари миқдоридан ошмаслиги керак (ФПКнинг 381-моддаси). Жариманинг тўланиши қарздорнинг суднинг ҳал қилув қарорида кўрсатилган ҳаракатларни бажариш бурчидан озод қилмайди.

Ташкилотларининг мансабдор шахсларга суд томонидан солинадиган жарималар уларнинг шахсий маблағларидан ундирилади (ФПКнинг 123-моддаси).

Жарима солиш тўғрисидаги суд ажримларининг нусхаси жаримага тортилган шахсларга тезлик билан юборилади. Бу шахс суд ажримининг нусхасини олиши билан беш кун муддат ичида жарима солган суддан жаримани олиб ташлаш ёки камайтириш тўғрисида илтимос қилиши мумкин. Бу тўғридаги ариза жарима солинган шахс чақирилиб, очиқ суд мажлисида кўрилади. Лекин бу шахснинг келмаслиги аризани кўриш учун тўсқинлик қилмайди.

Суднинг жаримадан озод қилиш ёки унинг миқдорини камайтиришни рад этиш тўғрисидаги ажрими устидан хусусий шикоят бериш ёки хусусий протест келтирилиши мумкин (ФПКнинг 125-моддаси).

ЎНИНЧИ БОБ

ПРОЦЕССУАЛ МУДДАТЛАР

1-§. Процессуал муддатлар тушунчаси ва турлари

Фуқаролик ишлари судларда белгиланган муддатларда кўрилади ва ҳал қилинади. Қонун (ФПКнинг 4-моддаси)да фуқаролик ишларини тўғри ва ўз вақтида кўриш лозимлиги кўрсатилган.

Ҳуқуқни ҳимоя қилиш юзасидан суд фаолиятининг суствлик билан амалга оширилиши фуқаролик ишида иштирок этувчи тарафларнинг қонуний ҳуқуқларини бузилишига олиб келиши мумкин. Шу туфайли Республика Олий суди ўзининг бир қатор Пленум қарорларида айрим фуқаролик ишларининг судларда кўрилишида сарсонгарчиликка йўл қўймаслик, процесснинг чўзилишига ва нотўғри олиб борилишига қаратилган ҳар қандай ҳаракатларнинг олдини олиш зарурлиги таъкидланган.¹

Фуқаролик ишларининг ўз вақтида кўрилиши муҳим процессуал ҳаракатларни бажариш учун муайян процессуал муддатлар белгилаш билан таъминланади. ФПКнинг 126-моддасида кўрсатилишича, процессуал ҳаракатлар қонунда белгиланган муддатларда бажарилади. Процессуал муддатлар қонунда белгиланмаган ҳолларда уларни суд тайинлайди.

Бинобарин, процессуал муддатлар деб, фуқаролик ишларини судда кўриш ва ҳал қилиш учун қонун билан белгиланган ёки суд томонидан тайинланган муддатларга айтилади.

Иш кўриш билан боғлиқ бўлган процессуал муддатларнинг турлари тўғрисида шуни айтиш керакки, қонунда фуқаролик ишларини кўришнинг

¹ Қаранг: Қонун номи билан. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 1998 йил, 3-сон.

умумий муддати бир ой деб белгиланган. Махсус муддатлар кўриладиган ишларнинг турларига қараб ҳар хил белгиланади. Чунончи, ФПКнинг 131-моддасида белгиланишича, фуқаролик ишлари бўйича аризалар тушган кундан бошлаб қуйидаги муддатларда:

1) меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича 10 кундан кечиктирмасдан;

2) майиб бўлиш ёки соғлиққа бошқача шикаст етиши, шуниндек боқувчининг ўлими натижасида келган зарарларни қоплаш тўғрисидаги ишлар ва алимент ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича, тарафлар шу жойда турган ҳолларда, 10 кундан кечиктирмасдан бошқа ҳолларда эса 20 кундан кечиктирмасдан кўрилиши лозим (ФПКнинг 131-моддаси).

Нотариусларнинг ҳаракатлари устидан шикоятлар 20 кунлик муддатдан кечиктирмасдан кўрилиши лозим (ФПКнинг 273-моддаси).

қонунда (масалан ФПКнинг 273-моддаси, ФПКнинг 23, 65, 223 ва бошқа моддаларида) айрим процессуал ҳаракатларни бажариш, чунончи: суд топшириқларини, суд ҳал қилув қарор ва ажримларининг нусхаларини тарафларга ва учинчи шахсларга юбориш, суд мажлиси баённомасига изоҳлар (ёзма фикр) бериш ва бу изоҳларни кўриш ҳамда бошқа процессуал ҳаракатларни бажариш учун муддатлар белгиланган. Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (қарорлари устидан судга шикоят бериш) учун ҳам муайян муддат белгиланган. Бу муддат давомида манфаатдор шахслар ўз шикоятини беришлари мумкин (ФПКнинг 269-273-моддалари).

Меҳнатга оид низоларнинг кўрилиши тўғрисидаги судга ёки меҳнат низолари комиссиясига мурожаат этиш учун масалан: ходимни ишга тиклаш низолари бўйича у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой; ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш ҳақидаги низолар бўйича зарар етказилганлиги иш берувчига маълум бўлган кундан бошлаб бир йил; бошқа меҳнат низолари бўйича ходим ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб уч ой белгиланган. Меҳнат қонунларида, ходимнинг соғлиғига етказилган зарарни қоплашга доир низолар бўйича судга мурожаат қилиш учун муддат белгиланмаганлиги инсон манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий меъёр эканлигига эътибор бериш лозим.¹

Суднинг хусусий ажрими, баённома юзасидан ёзма фикр билдириш, жаримадан озод қилиш ёки уни миқдорини камайтириш, қўшимча ҳал қилув қарори, ҳужжатни сақловчини мажбурияти, кассация шикояти бериш (протест келтириш) муддати, янги очилган ҳолатлар бўйича ариза бериш, ижро варақасини ижрога топшириш муддатининг узилиши, ижро варақасини ижрога топширишнинг ўтказиб борилган муддатини тиклаш, ҳал қилув қарорини қайтарма ижроси билан боғлиқ муддатлар ФПКнинг 19, 23, 124, 214, 304, 312, 320, 364, 377, 378, 379, 383,392-моддаларида кўрсатилган бўлиб, бевосита процессуал характердаги муддатлардир.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси. Тошкент., «Адолат», 1996 йил. 122-бет.

Суд даъво аризаларининг камчиликларини тузатиш, далиллар келтириш учун ҳам муддатлар белгилайди. Ишнинг кўрилиши қолдирилгандан сўнг унинг янгидан кўрилиши учун муайян кун тайинланади.

Суд ҳал қилув қарорлари ва ажримларини ижро этиш муддатлари қонунда кўрсатилмаган бўлса, бундай муддатлар суд ижрочиси томонидан тайинланади. Чунончи суд ижрочиси ҳал қилув қарорларини ихтиёрий равишда ижро этиш, хатланган (арест солинган) мулкни сотиш муддатларини белгилайди.

Процессуал муддатлар одатда процессуал ҳаракатлар бажарилиши мумкин бўлган давр эътиборга олиниб, аниқ календарь куни билан белгиланади. Шу билан бирга бошқача тарзда ҳам белгиланиши мумкин, масалан ФПКнинг 127-моддаси 3-қисмида кўрсатилганидек, албатта содир бўлиши мумкин бўлган воқеани ёки ҳаракатни кўрсатиб ёхуд муайян даврни кўрсатиб белгилаши мумкин.

Чунончи, учинчи шахслар суд томонидан ҳал қилув қарори чиқарилгунча ишга киришишлари (ФПКнинг 44-45-моддалари) жавобгар иш юзасидан суд ҳал қилув қарорини чиқаргунга қадар даъвогарга қарши даъво қўзғатиши мумкин бўлади (ФПКнинг 246-моддаси).

Айрим ҳолларда процессуал ҳаракатларни қилиш вақти суд томонидан аниқ календарь санасини кўрсатиш, масалан, иш кўриладиган кунни ва бошқа процессуал ҳаракатларни бажариш кунини кўрсатиш йўли билан белгиланади. Муддатларнинг бундай аниқ кўрсатилиши тарафларга ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун тайёрланиш имкониятини ҳам беради. Процессуал муддатларни ҳисоблаш қондаси ФПКнинг 127-моддасида белгиланган. Бу қонунда кўрсатилишича, процессуал муддатлар йиллар, ойлар ёки кунлар билан ҳисобланади. Бу муддатнинг ўтиши белгиланган календарь кунининг эртасидан ёки воқеа содир бўлган куннинг эртасидан бошланади.

Йиллар билан ҳисобланадиган муддат унинг охириги йилининг тегишли оyi ва кунда тамом бўлади. Ойлар билан ҳисобланадиган муддат белгиланган муддатнинг охириги оyi ва кунда тамом бўлади. Агар ойлар билан ҳисобланадиган муддатнинг охири тегишли куни бўлмаган ойга тўғри келса, муддат шу оyнинг охириги кунда, масалан февраль оyининг 28 ёки 29 кунда, октябрь оyининг 31 кунда тамом бўлади.

Бу муддатнинг охириги куни иш куни бўлмаган кунга тўғри келган ҳолда, ундан кейинги биринчи иш куни муддатнинг тамом бўлиш куни ҳисобланади. Бажариш учун муддат белгиланган процессуал ҳаракат муддатнинг охириги куни соат йигирма тўртгача бажарилиши мумкин. Агар бу ҳаракат судда бажарилиши лозим бўлса, белгиланган қоидалар бўйича судда иш тугайдиган соатда муддат тамом бўлган деб ҳисобланади. Агар ариза, шикоят, ҳужжатлар ёки пул суммаси муддатнинг охириги куни соат йигирма тўртгача почта ёки телеграфга топширилган бўлса, муддат ўтмаган ҳисобланади.

Процессуал муддатларни ўтказиб юбориш оқибатлари ФПКнинг 128-моддасида кўрсатилган. Бу қонунда айтилишича, процессуал ҳаракатларни бажариш ҳуқуқи қонунда белгиланган ёки суд тайин қилган муддатнинг ўтиши билан бекор бўлади.

Процессуал муддатлар ўтгандан сўнг берилган ҳужжатлар ва шикоятлар кўрилмасдан қолдирилади.

2-§. Процессуал муддатларнинг тўхтатилиши, узайтирилиши ва тикланиши

Процессуал муддатларнинг ўтиши, ишнинг юритилиши, тўхтатилиши (ФПКнинг 92-96-моддалари) ёки ижро ҳаракатларининг тўхтатилиши билан боғлиқдир. Юритилаётган ишнинг тўхтатилиши билан ҳануз ўтмаган ҳамма процессуал муддатларнинг ўтиши ҳам тўхтатилади. Бу ҳолда муддат тўхтатилишининг бошланғич пайти фуқаролик ишининг тўхтатилиши тўғрисидаги ажримнинг чиқарилиши ёки кучга кириши вақти бўлмасдан, балки ишнинг тўхтатилиши учун асос бўлган ҳолатларнинг вужудга келиши факти ҳисобланади.

Фуқаролик ишининг юритилиши қайтадан бошланган кундан эътиборан процессуал муддатларнинг ўтиши давом этади. Ишда иштирок этувчи шахслар қонунда белгиланган муддатни суд узрли деб топган сабаблар билан ўтказиб юборган бўлсалар, бу муддат тиклаб берилиши мумкин.

Муддатнинг ўтказилиши сабаби ишнинг конкрет ҳолатларига қараб, суд томонидан узрли деб топилиши мумкин. Чунончи, даъвогар ёки жавобгар учун оғир ҳолатларнинг юз бериши (бемор бўлиши, яқин кишиларнинг ўлими ёки касал бўлиши ва шу каби ҳолатлар) суд томонидан узрли сабаблар деб топилади. Шунингдек хизмат сафарида бўлиш ҳам муддатнинг ўтказилишида узрли сабаб деб топилиши мумкин. Суд бундай ҳолларда ишда иштирок этувчи шахсларнинг ўтказилган муддатни тиклаш тўғрисидаги аризасида кўрсатилган ҳолатларнинг қанчалик узрли бўлишини ҳам эътиборга олади. Муддатнинг тикланиши тўғрисидаги суднинг ажрими тегишли равишда асослантирилган бўлади.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза процессуал ҳаракат қилиниши ёки ҳужжат топширилиши лозим бўлган судга берилади ва суд мажлисида иштирок этувчи шахслар хабардор қилинган ҳолда кўрилади. Лекин бу шахсларнинг келмаслиги суд олдида қўйилган масалани ҳал қилиш учун тўсқинлик қилмайди.

Ўтказиб юборилган процессуал муддатни тиклаш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда муддат қайси ҳаракатга нисбатан ўтказиб юборилган бўлса, ўша ҳаракат қилиниши лозим ёки муддат қайси ҳужжатга нисбатан ўтказиб юборилган бўлса, шу ҳужжат берилиши лозим.

Ўтказиб юборилган процессуал муддатни тиклашни рад қилиш тўғрисида суд чиқарган ажрим устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин (ФПКнинг 130-моддаси).

Суд томонидан тайинланган муддатлар тарафларнинг ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимоси бўйича, прокурорнинг аризаси бўйича ва суднинг ўз ташаббуси билан ҳам узайтирилиши мумкин.

Процессуал муддатнинг узайтирилиши бу муайян процессуал ҳаракатлар қилиш учун янги муддатнинг тайинланишидир, суд томонидан тайинланган муддатларгина узайтирилиши мумкин.

Суд томонидан муддатнинг узайтирилиши, масалан, ФПКнинг 140-моддасида жавобгарни қидириш назарда тутилган ҳолларда, ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш, суд мажлисида тарафлар иштирокида ҳал қилинади.

ЎН БИРИНЧИ БОБ

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ СУД ВА БОШҚА ИДОРАЛАРГА ТААЛЛУҚЛИЛИГИ

1-§. Тааллуқлилик тушунчаси

Фуқаролик ишларининг тааллуқлилиги (подведомственность) деганимизда бундай ишларни кўриш ва ҳал қилиш вазифаси қонун билан муайян давлат органи ёки жамоат ташкилотига юклатилганлиги тушунилади.

Маълумки, фуқаролик ишларини кўрувчи ва ҳал қилувчи органлар: суд, прокуратура, ҳокимликларнинг бўлимлари, касаба уюшмаси ташкилотлари, ҳакамлар суди ва фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилишга ваколатли (ҳуқуқли) бўлган бошқа ташкилотлар ҳисобланадилар.

Бинобарин бирон-бир фуқаролик даъво талаблари қўзғатилганида масалани ҳал қилиш бурчи (вазифаси) қайси бир давлат органига ёки жамоат ташкилотига юклатилгани, яъни бу масалани ҳал қилиш ҳуқуқи мазкур органга (ташкилотга) тегишли бўлиш-бўлмаслигини ёки бошқа органга мурожаат қилиш лозим бўлишлигини билиш керак бўлади.

Судловлик (подсудность) тушунчаси икки маънода англашилади. Судловлик биринчидан, айрим фуқаролик ишларининг кўрилиши ва ҳал қилиниши суд органларига тааллуқли (тегишли) бўлишлигини билдиради: иккинчидан, судловлик ягона суд тизимига кирадиган судларнинг (туман, шаҳар, вилоят, республика судларининг) қайси бири муайян фуқаролик ишини кўриш ва ҳал қилишга ваколатли (ҳуқуқли) бўлишини билдиради (кейинги маънодаги тушунча тўғрисида шу китобнинг 14 ва 22-бобларида гапирилади).

Давлат ҳокимияти органи бўлиб кўрилган суд қонун билан ўзига тааллуқли қилинган фуқаролик ишларинигина кўриш ва ҳал қилишга ҳақли бўлади. Бинобарин судга тааллуқлилик тушунчаси муайян суд органининг ваколатига кирадиган ишларнигина ўз доирасига олади. Бундай кўриладиган ва ҳал қилинадиган ишларнинг доираси-суд органларининг ваколатидан ажратади.

Фуқаролик ишларининг қандай туркумлари судга доир бўлишлиги ва қайси бири бошқа органларга (хўжалик суди, прокуратурага, маъмурий органларга, ҳакамлар судларига ҳамда касабалар уюшмасига ва ҳоказо) тааллуқли бўлишлигини қонун белгилайди.

Аксарият фуқаролик ишларининг кўрилиши ва ҳал этилиши қонунчилик билан (Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги 2001 йил 29 август қонуни ва ФПК Билан) суд органларига тааллуқли бўлишлиги белгиланган.

Тааллуқлилик ва судловликнинг белгиланишида биринчи инстанция судлари бўлиб киритилган судларнинг ҳуқуқий доиралари назарда тутилади. Ҳозирда қандай фуқаролик ишларининг судларга тааллуқли бўлишлиги ФПКнинг тубанда кўрсатилган моддалари билан белгиланади.

ФПКнинг 31-моддасига мувофиқ судларга тааллуқли ишлар бўлиши учун:

1. тарафлардан ҳеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлган низоларга доир ишлар, қонунда бундай низоларни ҳал қилиш хўжалик суди ёки бошқа органларга топширилган ҳоллар бундан мустасно;

2. ушбу кодекснинг 279-моддасида санаб ўтилган алоҳида тартибда кўриладиган ишлар;

3. қонун билан судларнинг ваколатига берилган бошқа ишлар. Бундай ишларга:

1) фуқаролик, оила, меҳнат, уй-жой ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низоларга оид ишлар давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракат (қарор)лари устидан берилган шикоят ва аризалар тўғрисидаги ишлар (ушбу кодекснинг 26-29 боблари);

2) бир томондан давлат ташкилотлари иккинчи томонидан темир йўл ва ҳаво транспорти органлари ўртасида тегишли халқаро шартномалар асосида тузиладиган тўғри халқаро темир йўл ва ҳаво йўлларида юк ташиш шартномаларидан келиб чиқадиган низоларга оид ишлар;

3) чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ёки чет эл фуқаролари ва ташкилотлари иштирок этаётган ишлар ва бошқалар.

қонунда бошқа баъзи ишларнинг ҳам судларни ваколатига киритилганлиги кўрсатилган. Жумладан, судларга фуқаролик ишларининг тааллуқлилиги тўғрисидаги умумий қоидада (ФПКнинг 32-моддасида) бири-бири билан боғлиқ бўлиб, баъзилари судга, баъзилари эса хўжалик судларига тааллуқли бўлган бир қанча талабни бирлаштирганда бу талабларнинг ҳаммаси судда кўрилиши кераклиги кўрсатилган.

қонунда ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда фуқаролик ишларининг судга тааллуқлилиги кўрсатилган бўлиши мумкин, масалан, шаън ва қадр-қимматни пастга урувчи маълумотларни рад этиш ҳақидаги талаблар, маълумотлар қандай шакл ва услубда тарқатилганлигидан қатъий назар судга тааллуқлилиги белгиланган.

қонунда ёки халқаро битимларда кўзда тутилган ҳолларда фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиққан низоларни ҳал қилиш тарафларнинг ўзаро келишувлари бўйича ҳакамлар судига топширилиши мумкин.

Фуқаролар ўртасида келиб чиққан баъзи низоларнинг ҳакамлар (ҳолислар) суди томонидан кўрилиши тартиби ҳакамлар суди тўғрисидаги Низомда белгиланган.

2-§. Фуқаролик ишларининг қайси органга тааллуқли бўлишлигини белгилаш асослари

Фуқаролик ишларининг суд, хўжалик суди ва маъмурий идораларга тааллуқли бўлишлиги-фуқаролик ҳуқуқий низони вужудга келтирган ҳуқуқий муносабатларга ва низолашувчи шахсларнинг таркибига қараб белгиланади.

Агар низо фуқаролик, оила, меҳнат ёки уй-жойга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан бўлса ва низолашувчи тарафлардан бири фуқаро ёки ташкилот бўлса, ишнинг кўрилиши ва ҳал қилиниши судларга тааллуқли бўлади.

Суд амалиётида баъзи ҳолларда судлар ўзларига тааллуқли ишларни иш юритишига қабул қилмай даъво аризаларини рад этиш ёки аксинча тегишли бўлмаган ишларни қабул қилишдек мисоллар учрайди. Масалан, суд касаба уюшмаси комететига нисбатан назорат ва инстанцияси эмаслиги, уни қарорларига юридик баҳо бера олмаслиги, уларни ўзгартира олмаслиги ёки бекор қила олмаслиги тўғрисида ҳамда касаба уюшмаси қумитасининг қарорлари тўғрисидаги низолар судларга тааллуқли эмаслиги тўғрисида тушунтириш берилган.

Агар низо ташкилотлар, қолхозлар, қолхозлараро ташкилотлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан бўлса, низо қоида бўйича хўжалик судларига тааллуқли бўлади.

Агар низо давлат ҳуқуқи, маъмурий, молия ёки ер ҳуқуқи меъёрлар билан тартибга солинадиган маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан бўлса, бундай низода қатнашувчилар таркибидан қатъий назар, иш тегишли маъмурий идоралар томонидан ҳал қилинади.

қонун юқорида келтирилган умумий қоидалардан икки турдаги истеснони белгилайди. Бир томондан, фуқаролик ҳуқуқий характердаги баъзи низолар суд ва хўжалик судларига тааллуқлиги бўлмасдан маъмурий органлар ваколатига берилган. Масалан, турар жойни ўзбошимчалик билан эгалланган фуқарони кўчириш тўғрисидаги фуқаролик иши маъмурий тартибда (судда кўрилмасдан) прокуратура органида ҳал қилинади. қолхоз билан махсулот олувчи ташкилот ўртасидаги низо хўжалик судида ҳал бўлиши кўрсатилган ва ҳоказо.

Иккинчи томондан, фуқаролик ҳуқуқий характерда бўлмаган баъзи ишлар, масалан, сайловчилар рўйхатида нотўғри маълумотлар бўлиши тўғрисида тушган шикоятлар, фуқароларнинг мулклари ҳисобидан ҳақ ундириш тўғрисидаги ишлар, айрим юридик фактларни белгилаш тўғрисидаги ишлар ва шу каби бошқа баъзи ишлар аксинча, судларга тааллуқли эканлиги қонун томонидан белгиланган.

Судларга тааллуқли бўлган ишларнинг баъзи туркумлари муайян шартлар бўлгандагина, чунончи: низолар судга қадарли бирон-бир ташкилотда кўрилиши тўғрисида қонун билан белгиланган тартибга риоя қилганидагина судда ҳал қилиниши учун қабул қилиниши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1992 йил 19 июндаги(1997 йил 2 май ва 1998 йил 11 сентябрдаги қарорлари билан киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар билан) «Суд амалиётида фуқаролар ва ташкилотларнинг шаън

ва кадр қимматини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунларни қўллаш тўғрисида»ги қарорнинг 2-бандида «Судлар шаън ва кадр-қимматни ҳимоя қилиш ҳақидаги аризаларини иш юритишга қабул қилишга қадарли низони судсиз кўриш тартибига риоя қилишлари лозимлиги кўрсатилган.

Агар фуқаро ёки ташкилот ишни дастлаб судсиз ҳал қилиш юзасидан белгиланган тартибга риоя қилмаслик, аризани қабул қилишни рад этишга, борди-ю иш фуқаролик иш юритишига қабул қилинган бўлса, уни кўрмасдан қолдиришга асос бўлиши мумкин. Ёки темир йўл транспорти билан юк ташишдан келиб чиққан даъволар бўйича фуқаролик ишлари, фақат даъвогар талаб қилиш (претензион) тартибга риоя қилган ҳолдагина, яъни агар даъвогар агар жавобгарга ўз талаби билан бевосита мурожаат қилгани ҳолдагина, суд томонидан кўриш учун қабул қилиниши мумкин.

Ёки меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ишларда асоссиз ҳукм қилинганлиги ёки мансабдан четлаштирилганлиги, асоссиз жиноий жавобгарликка тортилганлиги муносабати билан фуқарони олдинги ишини (мансабини) бериш ҳақидаги талабини фуқаро ҳукм қилинганига ёки жиноий жавобгарликка тортилганига қадарли ишлаган корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти бир ой муддат ичида дастлаб, судсиз ҳал қилиши лозим.

Суд аризани иш юритишига, иш берувчи иш беришни рад этганидан ёки бу талабни бир ой муддатда қаноатлантирмаганидан сўнг қабул қилиши ҳақида Олий суднинг Пленум қарорида кўрсатилган. Фуқаролик ишларини баъзи туркумлари учун қонун альтернатив (ё у, ёки бу турдаги) тааллуқлилики назарда тутлади. Бундай ҳолларда манфаатдор шахс бузилган ҳуқуқининг ёки низоли ҳуқуқининг ҳимоя қилинишини илтимос қилиб, ўз ихтиёри бўйича ё судга ёки қонунда кўрсатилган бошқа органга мурожаат қилиши мумкин. Масалан, фуқаролар ўртасидаги мулкӣ низолар судларга тааллуқли ёки шартномада кўрсатилган идорага тегишли бўлиши мумкин.

Баъзи меҳнат низолари учун ҳам қонун билан альтернатив тааллуқлилики белгиланган. Чунончи: ходимнинг касаба уюшмасининг розилигидан ташқари нотўғри бўшатилиши тўғрисидаги низо ё бевосита судда ёки меҳнат низоларини кўриш комиссиясида кўрилиши мумкин.

Хуллас, фуқаролик ишларини судда айрим туркумларини кўриб ҳал этишда уларни қайси органга тааллуқли бўлишлигини билиш учун ҳуқуқ тўғрисидаги низонинг қандай ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққанлигини билиш талаб этилади.

3-§. Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг тааллуқлилиги

Меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ишларни кўриб ҳал этиш, Меҳнат ва Фуқаролик процессуал кодекслари билан тартибга солинади.

Меҳнатни ташкил қилиш ҳамда меҳнат шароитлари билан боғлиқ бўлган масалалар иш берувчининг мажбуриятига киради. Шунга асосан барча корхоналарда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат

шароитларининг яратилиши лозимлиги ва бу ишларга иш берувчининг масъуллиги Меҳнат кодексининг 211-моддасида ўз ифодасини топган.

Меҳнат низоларини мазмуни бўйича икки туркумга: биринчидан, меҳнат шартларини белгилаш ёки ўзгартириш тўғрисида келиб чиқадиган низоларга ва иккинчидан, қонун шартнома ёки ички меҳнат қоидалари билан белгиланган меҳнат шартларини қўлланиш билан боғлиқ низоларга бўлинади.

Меҳнат шартномаларини белгилаш ёки ўзгартириш тўғрисидаги низолар судларга тааллуқли бўлмайди. Бундай низолар бевосита касаба уюшмаси, иш берувчининг ва тегишли органи ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи томонидан ҳал этилади (Меҳнат кодексининг 280-моддаси).

Меҳнат шартлари ҳақидаги низолар ходимнинг танлаши бўйича тубандагича тартибда: меҳнат низоларини кўриш комиссиялари томонидан ёки судлар томонидан кўрилади.

Меҳнат низоларини кўриш комиссияси корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда, ходимлар билан иш берувчи ўртасида юз берадиган меҳнат низоларини кўриб чиқувчи орган бўлиб ҳисобланади.

Судларда кўриладиган меҳнат низолари аксарият ҳолларда якка меҳнат низоларидир. Якка меҳнат низолари деганда иш берувчи ва ходим ўртасидаги қонунлар ва бошқа маъмурий ҳужжатларни, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини қўлланиши юзасидан келиб чиқадиган келишмовчиликлар тушунилади. Бундай ишларда ходимнинг манфаатини ифода этувчи тараф бўлиб, ходимларнинг вакиллик органи иштирок этади.

Якка меҳнат низолари юқорида айтиб ўтилганидек, меҳнат низолари комиссияларида ҳамда туман (шаҳар) судлари томонидан ҳал этилади.

Амалдаги бу ҳуқуқий меъёرنинг афзалликларидан бири шундаки, ходим меҳнат низосини ҳал қилиш учун ўз хоҳишига кўра, меҳнат низолари комиссиясига ёки бевосита судга мурожаат этишлигидир. Демак, бу қоидага кўра ходим биринчи босқич сифатида меҳнат низоли комиссиясига мурожаат этмасдан, тўғридан-тўғри судга даъво ариза билан мурожаат қилишга ҳақлидир. Ходимга бундай ҳолларда танлаш бўйича, яъни (альтернатив) тааллуқлилиқ тўғрисидаги қоидалар тадбиқ этилиши мумкин.

Судга қадар меҳнат низолари меҳнат низоли комиссиясида кўрилади. Бу қонунга кўра, башарти ходим келишмовчиликни мустақил равишда ёки касаба уюшмаси қумитаси ёхуд ходимларнинг бошқа вакиллик органи иштирокида иш берувчи билан бевосита олиб борган музокараларида ҳал эта олмаган бўлса, меҳнат низоси меҳнат низолари комиссиясида кўриб чиқилиши лозим бўлади.

қонунда меҳнат низолари комиссияси меҳнат низосини ариза берилган кундан эътиборан 10 кун муддат ичида кўриб чиқиши лозим. низо ариза берган ходимнинг иштирокида кўрилади. Ходимнинг иштирокисиз низони кўриб чиқишга унинг ёзма аризаси бўлган тақдирдагина йўл қўйилиши мумкин.

Ходим, касаба уюшмаси қумитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи меҳнат низоси кўриб чиқилишида иштирок этиш учун адвокат таклиф қилиш ҳуқуқига эга бўлишлиги инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлардандир. Меҳнат низолари комиссияси мажлисига гувоҳларни чақиртириш, мутахассисларни таклиф қилиш, иш берувчидан зарур

ҳисоб-китоблар ва ҳужжатлар тақдим этишни талаб қилиш ҳуқуқи бўлиши ҳам ходимнинг меҳнат ишини қонуний ва асосли ҳал этишга кўмаклашади.

Меҳнат низолари комиссияларининг қарори иш берувчи ва касаба уюшмаси қумитаси ёхуд ходимлар бошқа вакиллик органининг вакиллари ўртасидаги келишувига биноан қабул қилинади. Меҳнат низолари комиссиясининг қарори бу қарор устидан шикоят қилиш учун белгиланган 10 кунлик муддат ўтганидан кейин уч кун ичида иш берувчи томонидан бажарилиши керак.

Башарти иш берувчи белгиланган муддат ичида комиссия қарорини бажармаса, меҳнат низолари комиссияси томонидан ходимга ижро варақаси кучига эга бўлган гувоҳнома берилади.

Агар ходим ёки иш берувчи белгиланган муддат ичида туман (шаҳар) судига меҳнат низосини ҳал этиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этса, гувоҳнома берилмайди.

Меҳнат низолари комиссияси берган гувоҳнома асосида уни олган манфаатдор шахс уч ойдан кечиктирилмай туман (шаҳар) судига тақдим этади. Суд ижрочиси эса, меҳнат низолари комиссиясининг қарорини мажбурий тарзда ижро этишга киришади.

Агар ходим белгиланган уч ойлик муддатни узрли сабабларга кўра ўтказиб юборган тақдирда, гувоҳномани берган меҳнат низолари комиссияси муддатни тиклашга ҳақли.

Башарти меҳнат низолари комиссияси ўн кунлик муддат ичида меҳнат низосини кўриб чиқмаса ёки ҳал этмаса, манфаатдор ходим ушбу низони кўриш учун туман (шаҳар) судига мурожаат этиши мумкин.

Меҳнат низолари комиссиясининг қарори устидан манфаатдор ходим ёки иш берувчи комиссия қарорининг нусхаси топширилган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида туман (шаҳар) судига шикоят қила олади. Муддатни ўтказиб юборишлиги эса, аризани қабул қилишни рад этиш учун асос бўла олмайди. Суд бу муддатни узрли сабабларга биноан ўтказиб юборилган деб эътироф этган ҳолда, ўтказиб юборилган бу муддатни тиклашни ва низони моҳияти бўйича кўриб чиқиши мумкин.

Амалдаги қонунларга асосан меҳнат низосини кўриш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига қуйидагилар ҳақлидирлар:

1. ходим, касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи;
2. меҳнатнинг ҳуқуқ бўйича инспектори;
3. иш берувчи, меҳнат низолари комиссиясининг қарорига рози бўлмаган тақдирда, шунингдек унга ходим томонидан етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги низолар бўйича;
4. прокурор.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқидаги судловлик қонунчилигига амал қилган ҳолда меҳнат низоларини қуйидаги ҳолларда бевосита туман (шаҳар) судларида кўриб чиқиши белгиланган:

1. агар ходимнинг иш жойидан меҳнат низолари комиссияси тузилмаган бўлса;

2. меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларидан қатъий назар ишга тиклаш тўғрисида, меҳнат шартномасини бекор қилиш вақти ва асослари таърифини ўзгартириш тўғрисида, мажбурий прогул ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарган вақт учун ҳақ тўлашга доир бўлса;

3. ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарнинг тўланиши ҳақида бўлса;

4. меҳнат вазифаларини бажараётганда ходимнинг соғлиғига шикаст етказилгани оқибатидаги зарарни (шу жумладан маънавий зарарни) ёки унинг мол-мулкига етказилган зарарни иш берувчи томонидан тўланиши ҳақида бўлса;

5. қонунда назарда тутилган ҳолларда ишга қабул қилиш рад этилганлиги ҳақида бўлса;

6. иш берувчи ва касаба уюшмаси қумитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари билан олдиндан келишиб ҳал этилган масалалар юзасидан келиб чиққан бўлса.

Булардан ташқари санаб ўтилган меҳнат низоларидан бошқа низолар ҳам ходимнинг хоҳишига кўра бевосита туман (шаҳар) судларида кўрилиши мумкин.

Амалдаги Меҳнат кодексига асосан меҳнат низоси меҳнат низолари комиссияларида кўрилмаган деган важ билан ходимнинг аризасини кўриб чиқишни рад этиш мумкин эмаслиги қайд қилинган. Меҳнат низолари бўйича ходим ва бошқа манфаатдор шахслар судда ёки меҳнат низолари комиссиясига мурожаат этиш учун муддатларга риоя этишлари зарур, масалан, ишга тиклаш низолари бўйича-ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой;

ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш ҳақидаги низолар бўйича-зарар етказилганлиги иш берувчига маълум бўлган кундан бошлаб бир йил;

бошқа меҳнат низолари бўйича-ходим ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлгандан бошлаб уч ой муддат ичида мурожаат этишлари керак.

қонунда ходимнинг соғлиғига етказилган зарарни қоплашга доир низолар бўйича судга мурожаат қилиш учун муддат белгиланмаганлиги меҳнат қонунларини Конституция асосида инсон жамият-давлат манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролар ҳақ ҳуқуқларини биринчи ўринга қўйилганлигини кўрсатади.

4-§. Жамоа хўжалиги жамоа хўжаликлараро хўжалик низоларига оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг тааллуқлилиги

Жамоа хўжаликларида меҳнатни ташкил этиш муносабати билан вужудга келадиган (таъриф ставкаларини, мансаб маошларини ҳайвонлар ва паррандаларни боқишда ишлаб чиқариш нормаларини белгилаш, шунингдек меҳнат кунига берилиши лозим бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ва пулларининг миқдорини белгилаш тўғрисидаги) низолар судга тааллуқли эмас.

Бундай низолар жамоа хўжалик аъзоларининг умумий мажлиси (вакиллари мажлиси) компетенциясига тааллуқли бўлгани учун судларда кўрилмади.

Жамоа аъзоларини жамоа аъзолигидан чиқариш ва жамоа Уставига мувофиқ жамоа хонадонининг фойдаланиши учун берилган ер майдонини ажратиш ёки миқдорини ўзгартириш билан боғлиқ низолар ҳам судга тааллуқли эмас.

Судга жамоа хўжалиги ҳуқуқи муносабатларига оид қуйидагича низолар тааллуқли:

- хўжалиқдан чиқиш муносабати билан ҳисоб-китоб тўғрисидаги низолар (бундай ишлар юзасидан жамоа хўжалик бошқарувининг қарори бўлганидагина судда кўрилади);

- жамоа хўжалик низоларига уларнинг бажарган ишлари учун асосий ва қўшимча меҳнат ҳақи чиқарилмаган бўлса ёки тўла миқдорда чиқарилмаган бўлса ёхуд мазкур жамоа хўжалигида белгиланган муддатларда берилмаган бўлса, бундай меҳнат ҳақларини тўлаш тўғрисидаги низолар судга тааллуқлидир.

Жамоа билан жамоалараро ташкилотлар ўртасидаги жамоа билан жамоа аъзолари ёки жамоа хўжаликнинг бошқа ходимлари ўртасидаги барча бошқа мулкӣ низолар, чунончи: жамоа аъзосига жамоа хўжалигида ишлаши давомида етказилган шикаст туфайли кўрилган зарарни тўлаш тўғрисидаги, шунингдек жамоа хўжалигининг мулкига етказилган зарарни тўлаш тўғрисидаги ишлар ҳам судга тааллуқлидир. Бу тўғрида тегишли тушунтиришлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг чиқарган «Жамоа хўжалиги иштирок этган низоларни ҳал қилишда қонунчиликнинг судлар томонидан тадбиқ этилиши тўғрисида»ги қарорида берилган.

Жамоа хўжалиги, жамоа хўжаликлараро, давлат корхонаси, ташкилоти ёки уларнинг бирлашмаси билан бўлган ҳамма мулкӣ низолари судда ҳал қилинади.

Жамоа хўжалик аъзолари томонидан етказилган зарарни жамоа хўжалиги фойдасига ундириш тўғрисидаги ишлар, аввало мазкур жамоа хўжалигининг Уставида кўрсатилган тартибда унинг органи томонидан, яъни жамоа хўжалиги аъзоларининг умумий мажлиси ёки жамоа хўжалиги аъзолари томонидан сайланган вакиллар мажлиси, бригада мажлиси ёхуд жамоа хўжалиги бошқаруви томонидан кўрилган бўлиши керак. Аммо бу қоида прокурор томонидан кўзғатилган даъволарга, шунингдек жиноят қилиш йўли билан етказилган зарарни ундириш, дебеторлик қарзларини ундириш тўғрисидаги даъволарга жорий этилмайди.

Жамоа хўжаликларда экинларни пайхон қилиш туфайли етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги низоларни қайси органга тааллуқли бўлишлиги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йилда чиқарган «Жамоа хўжалиги экинларини пайхон қилганлик учун жавобгарлик тўғрисида»ги Фармони билан белгиланади.

5-§. Никоҳ ва оилага оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг тааллуқлилиги

Ўзбекистоннинг Оила кодекси никоҳ ва оилага оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал қилиш тартибини белгилайди. Баъзи ҳолларда қонун бундай низоларни ҳал қилишни судлар ихтиёрига қўйса, айрим ҳолларда, судсиз маъмурий органлар томонидан ҳал қилинади.

Амалдаги қонунлар бўйича судлар томонидан кўриладиган ва ҳал қилинадиган никоҳ ва оилага оид низолар асосан тубандагича: никоҳнинг тугатилиши эр (хотиннинг вафоти ёки суд уни вафот этган деб эълон қилиши оқибатида, никоҳ эр (хотиндан бирини ёки ҳар иккаласини ажралиш йўли билан ва шу билан боғлиқ бўлган низолар, масалан, болалар тўғрисидаги, мулк тўғрисидаги ва бошқа баъзи низолар (Оила кодексининг 37-моддаси);

вояга етмаган болалари бўлмаган эр ва хотин ажралишига ўзаро рози бўлсалар, никоҳдан фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш идораларида ажратилдилар. Аммо эр ва хотин ўртасида мухтож бўлган, меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотинга таъминот тўлаш ҳақида ёки уларнинг биргаликдаги умумий мулкни бўлиш ҳақида низо бўлса, эр-хотин ёхуд улардан бири никоҳдан ажратиш ҳақида даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақли бўлади (Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 42-моддаси).

Белгиланган тартибда бедарак йўқолган, руҳий касаллиги сабаби муомалага лаёқатсиз деб топилган ва уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган шахслар билан никоҳдан ажралиш ваколати фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига берилган. Аммо бундай ҳолларда ҳам, агар болалар ҳақида, биргаликдаги умумий мулкни бўлиш ҳақида ёхуд мухтож бўлган, меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотиннинг таъминоти учун маблағ тўлаш тўғрисида низо бўлса, никоҳдан суд орқали ажратилади;

- никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъволар (Оила кодексининг 49-56-моддалари);

- оталикни белгилаш тўғрисидаги низолар (Оила кодексининг 62-моддаси);

- ота-оналар ва болаларнинг, қариндошлар ҳамда бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва бурчларидан келиб чиқадиган даъволар, чунончи: ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш, ота-оналик ҳуқуқларини тиклаш, алиментлар ундириш, бировларнинг болаларини қонунсиз ушлаб турган шахслардан талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъволар (Оила кодексининг 79-82, 96-107-моддалари);

- фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш ва бекор қилиш тўғрисидаги даъволар, шунингдек фарзандликка олиш бекор қилинганидан кейин боланинг таъминоти учун маблағ ундириш ҳақидаги низолар (Оила кодексининг 20-боб 151-172-моддалари);

- фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш идораларида қайд қилинган туғилиш, никоҳ, ўлиш тўғрисидаги ва бошқа ёзувларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъволар (Оила кодексининг 13, 233-моддалари);

- ҳақиқий никоҳ муносабатларида бўлганлик фактини белгилаш тўғрисидаги ишлар, агар ҳақиқий никоҳ Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1994 йил 8 июль Фармони чиққанга қадар вужудга келиб, эр ва хотиннинг бири вафот этганга қадар давом этган бўлса;

- фуқароларнинг бири билан туғишганлик муносабатларида бўлишлари ёки бўлганликлари фактини ва шахснинг биров қарамоғида бўлганлиги фактини белгилаш тўғрисидаги ишлар;

- фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш идораларида қайд қилиниши лозим бўлган фактларни, чунончи: фуқаролик туғилиши, фарзандликка олиниши, никоҳга кириш, ажралиш ва ўлими тўғрисидаги фактларни белгилаш тўғрисидаги ишлар ҳам судларга тааллуқли бўлади.

6-§. Турар жойга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг тааллуқлилиги

Турар жойга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳамма низолар фуқаролик ҳуқуқий низолар бўлиб, асосан судларга тааллуқлидир. Истесно сифатида Уй-жой кодексининг 104-113-моддаларида кўрсатилган ҳолларда, яъни турар жойлар ўзбошимчалик билан эгалланган ҳолларда уйнинг емирилиши хавфи бўлган ҳоллар бундай уйлар яшовчиларни, хизмат билан боғлиқ бўлган турар жойлардан, ётоқхоналардан ва меҳмонхоналардан кўчириш тўғрисидаги ишлар судларга тааллуқли бўлмасдан, маъмурий органларга, яъни прокуратура органларига тааллуқли бўлади (Уй-жой кодексининг 119-123-моддалари).

Қоида бўйича маъмурий тартибда кўчириш учун прокурорнинг санкцияси (қарори) талаб қилинади. Прокурор маъмурий тартибда кўчириш тўғрисида санкция бермаган тақдирда манфаатдор ташкилотлар, муассасалар, корхоналар турар жойда яшовчиларни кўчириш тўғрисида судга мурожаат қила олмайдилар.

Фуқаролик кодексининг 615-моддасига асосан тарафларнинг келишуви билан уй-жойни ижарага бериш шартномаси бекор қилиниши қонунда ўз ифодасини топган. Бу қоидага кўра турар жойларни фойдаланиш учун бериш тўғрисидаги баъзи даъволарни, чунончи: фуқаролик ҳуқуқий мажбуриятларига асосланган талаблар тўғрисида, масалан, аввал эгаллаган турар жойнинг капитал ремонтдан сўнг қайтариб берилиши, уй-жойнинг бузилиши муносабати билан квартира берилиши ва шу каби бошқа ҳолларда кўзғатилган даъволарни судлар кўришга ҳақли бўладилар.

Қонун билан белгиланган тартибни бузиб, турар жойни эгаллаш тўғрисидаги низолар ҳам судларга тааллуқли бўлиб, суд берилган ордерни ҳақиқий эмас деб топиши мумкин (Уй-жой кодексининг 54-моддаси).

Давлат уй-жой фондидаги турар жойни хусусийлаштиришни амалга оширишда фуқаро ва мулкдорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш муносабати билан вужудга келувчи низоларни судларга тааллуқли бўлиши Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги (1998 йил 11 сентябрдаги қарорига асосан киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар билан)

«Хусусийлаштирилган турар жойларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф қилиш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти ҳақидаги қарориди кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми «Иморатларга бўлган шахсий мулк ҳуқуқи ҳақидаги ишлар бўйича суд практикаси-тўғрисида» чиқарилган қарориди ўзбошимчалик билан кўрилган иморатларга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаш тўғрисидаги даъволарнинг судларга тааллуқлилиги бўлмаслиги тушунтирилади.

Фуқаролар билан турар жой кўриш кооперативлари ўртасидаги низолар тўғрисида Республика Олий суди Пленуми томонидан берилган тушунтиришга кўра, турар жой кўриш кооператив аъзоларининг умумий мажлиси (вакиллар мажлиси) ҳал қилинадиган масалалар бўйича судларга тааллуқли бўлмайди. Масалан, кооператив аъзолари ўртасида турар жойларни тақсимлаш, кооперативга кириш ва пай бадалларининг миқдорини белгилаш, кооператив аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги ишлар судга тааллуқли бўлмайди.

Кооператив аъзолари умумий мажлисининг қарорига биноан берилган турар жойни фойдаланиш учун олиш ҳуқуқи бузилгани ҳолда, кооператив аъзоларининг бу тўғрисидаги даъволари судларга тааллуқли бўлади (Уй-жой кодексининг 131-моддаси).

Турар жой кўриш кооперативи билан кооператив аъзолари ўртасидаги кооператив аъзолари билан уларнинг оила аъзолари ўртасидаги фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган бошқа низолар ҳам, масалан, жойни айирбошлаш, кооператив аъзолигидан чиқариш тўғрисидаги ва шу каби бошқа баъзи низолар судларга тааллуқли бўлади.

Агар кооператив аъзоларининг умумий мажлиси турар жойни айирбошловчи шахсни кооператив аъзолигига қабул қилишга рози бўлса-ю, ҳокимият айирбошлаш учун руҳсат бермаса, бундай ҳолда ҳам кооператив аъзосининг эгаллаб турган турар жойини бошқа турар жойга айирбошлаш тўғрисидаги низо судларга тааллуқли бўлади.

Турар жой кўриш кооперативи аъзолигидан чиқариш билан боғлиқ бўлган низоларнинг турлари суд органлари томонидан ҳал қилинади (Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 133-моддаси).

7-§. Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилишдан келиб чиқадиган низоларни кўриб ҳал этиш

Интеллектуал, яъни ақлий меҳнат мулк объектлари қонунда кўрсатилган ҳолларда турли усуллар билан ҳимоя қилинади, бу ҳақда ФКнинг 1032-моддасида кўрсатилган. Бу қоидага асосан интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш уларнинг яратилганлиги туфайли қонунларда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ваколат берилган давлат органи томонидан ҳуқуқий муҳофаза берилиши натижасида юзага келади.

Интеллектуал мулк объектлари қаторига фан, адабиёт ва санъат асарлари, ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари ва ҳоказолар киради (ФКнинг 1031-моддаси).

Интеллектуал объектларга нисбатан бўлган ҳуқуқ қайси шаклда бўлишдан қатъий назар бузилган тақдирда манфаатдор тараф ўз ҳуқуқини тиклашга ҳақли, масалан, шу мулкка нисбатан мутлоқ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари ФКнинг 11-моддасида ўз ифодасини топган.

Агар муаллифлик ҳуқуқидан муаллиф ҳамда ҳам муаллифнинг мулкӣ ёки шахсий номулки ҳуқуқлари бузилган ҳолларда манфаатдор томонларнинг ҳуқуқлари судсиз ва суд йўли билан ҳимоя қилиниши мумкин.

Ижодий ишларнинг якунига қараб, агар у қонунда кўрсатилган талабларга жавоб берса муҳофаза қилинади. Шунинг учун ҳар қандай асар дахлсиз бўлиб ҳисобланади. Асарнинг дахлсизлиги тушунчасига муаллифларнинг асарига бирон-бир шахс томонидан ўзгартиришлар, қўшимчалар киритилиши қатъий таъқиқланиши киради. Демак, интеллектуал мулкка қандайдир кўринишда ўзгартириш киритиш учун фақат муаллифнинг розилиги талаб этилади. Бу қонуннинг бузилиши низони келиб чиқишига асос бўлади. Масалан, амалдаги Фуқаролик кодексида асардан шартнома тузмаган ҳолда ноқонуний фойдаланганлик учун қоидабузар, ҳуқуқ эгасига етказилган зарарнинг ўрнини, шу жумладан, бой берилган фойдани тўлаш шартлиги кўрсатилган. Булардан ташқари ҳуқуқбузардан ўзи кўрган зарар ўрнига унинг қоидабузарлик оқибатида олган даромадларини ҳам ундириб олиши ҳам ФКнинг 1072-моддасида ўз ифодасини топган.

Бундай қоидалар ижодий меҳнат билан шуғулланувчи турли соҳаларда учраши мумкин. Масалан, ихтиро, фойдали модь ва саноат намунасига бўлган ҳуқуқ фақат муаллифнинг патенти, дастлабки патенти ва фойдали модель гувоҳномаси бўлган тақдирдагина қонун ўз муҳофазасига олади.

қонунда патентни бузганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланган агар, патентдан фойдаланиш бошқа шахс томонидан содир этилиб, патент эгасининг талаби билан у тўхтатилиши, қоидабузар эса патент эгасига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши лозим бўлади.

Булардан ташқари патент эгаси кўрилган зарарни қоидабузардан қоидабузарлик оқибатида олган даромадларини ундириш учун судга мурожаат қилишга ҳақли. Рационализаторлик таклифларининг муаллифи деб тан олинishi билан рационализаторлик таклифлари учун тўланадиган мукофотларнинг миқдори, уларни ҳисоблаш тартиби ва тўлаш ҳақидаги низолар, рационализаторлик таклифларининг биринчи бўлиб берилганлиги тўғрисидаги низолар судларга шартли равишда тааллуқли. Бунинг маъноси муаллиф бундай масалалар бўйича тегишли ташкилотларга мурожаат этгандан кейингина ҳал бўлмаса, судга мурожаат этиши тушунилади. Муаллифлик тўғрисидаги низолари, шунингдек рационализаторлик таклифини ким аввал киритганлиги тўғрисидаги низолар ҳам, агар бу низолар таклиф жорий этилган ташкилотда ҳал қилинмаган бўлса, суд йўли билан ҳал қилиниши мумкин.

Рационализаторлик таклифлари учун тўланадиган ҳақнинг миқдори, уни ҳисоблаш тартиби ва тўлаш муддатлари масалаларига оид низолар рационализаторлик таклифлари тўғрисидаги Низомда назарда тутилган тартибда ҳал қилинади. Рационализаторлик фаолияти билан боғлиқ бўлган

айрим (таклифни рационализаторлик деб тан олиниши билан боғлиқ) низолардан ташқари судга тааллуқли қилиб белгиланган.

Рационализаторлик таклифлари тўғрисидаги тубандаги низолар: рационализаторлик таклифи бир неча корхоналар томонидан амалга оширилганида-қайси бирининг муаллифига мукофот тўлаши лозимлиги; рационализаторлик таклифларини қабул қилмаслик судга тааллуқли эмас.

Рационализаторлик таклифларини қабул қилмаслик тўғрисидаги низолар корхона раҳбарлари билан касаба уюшмаси ташкилоти иштирокида кўрилади. Агар рационализатор қабул қилинган қарордан норози бўлса, юқори ташкилот маъмуриятига шикоят билан мурожаат қилиши мумкин. Маъмуриятнинг бу масаладаги қарори қатъий бўлади. Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари ҳақидаги қонунни тадбиқ қилишдан келиб чиқадиган низолар, масалан, ихтиро муаллифларининг ва патент эгаларининг ҳуқуқлари патент идорасининг апелляция кенгаши судлар томонидан белгиланган тартибда кўриб ҳал этилади (қонуннинг 37-моддаси).

Патент идорасининг апелляция кенгаши Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган Низом асосида иш тўтади ва қонун ҳужжатларида кўрсатилган (қонуннинг 38-моддаси) ҳаракатларини амалга оширади.

Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари бўйича келиб чиқадиган низоли ишларнинг ваколатига қараб қуйидаги судларга тааллуқлидир:

Олий судга патент берганлик патент юзасидан билдирилган эътирозлар тўғрисидаги; мажбурий лицензия берилганлиги тўғрисидаги низолар, бошқа қуйи судлар эса, саноат мулк объектига муаллифлик тўғрисидаги; патент эгасини аниқлаш тўғрисидаги; аввал фойдаланилганлик тўғрисидаги низолар тааллуқлидир.

Демак, бундай туркумдаги ишларнинг судга тааллуқли эканлигини тўғри аниқлаш низони ҳолис ҳал этиш учун асос бўлади ва қонун бузилишини олдини олади.

Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари муаллифларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган низоларнинг қайси орган томонидан кўрилиши ва ҳал қилиниши тўғрисидаги низолар ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисидаги 1994 йил 6 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан тартибга солинади.

8-§. Прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиши ҳақида

Юқорида фуқаролик ишларини судда кўриш билан боғлиқ бўлган прокурорнинг процессуал фаолияти тўғрисида фикр юритилган эди. Прокурор ўзига берилган ваколат доирасида қонунларни аниқ бажарилиши юзасидан назорат олиб боровчи мансабдор шахс бўлиб, фуқаролик ишлари бўйича ҳам судлар томонидан қонуний ва асосли қарор чиқаришга кўмаклашиши лозим. «Прокуратура тўғрисида»ги 1992 йил 9 декабрь қонунида белгиланганидек, прокуратура идораларининг фаолияти юқоридагилар билан бирга, қонуннинг устунлигини ҳар томонлама қарор топтиришга, ҳуқуқ-тартиботни

мустаҳкамлашга, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан мустаҳкамланган инсон ва фуқаронинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига, шунингдек давлат мустақиллигини, ижтимоий давлат тузимини, сиёсий ва иқтисодий тизимларини, миллий гуруҳлар ва тузилмаларнинг ҳуқуқларини ғайриқонуний тажовузлардан муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган.

Прокурорнинг назорат қилиш доирасига вазирликлар, давлат қумиталари ва идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар томонидан чиқариладиган актларнинг қанчалик қонуний эканлиги ҳам киради.

Масалан, прокурор ҳам ўзини-ўзи бошқариш органларининг қарорлари, шунингдек раис (оқсоқолнинг хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиши белгиланган (қонуннинг 25-моддаси).

Прокурорлар ўз фаолиятларини судларда жиноий ишларни кўришда давлат айбловни қўллаб-қувватлаш, фуқаролик ишларини маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда хўжалик низоларини кўришда иштирок этиш билан қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтирадилар.

Фуқаролик қонунчилигида кўрсатилганидек, давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқароларнинг ёки юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

«Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига асосан прокурор ёки унинг ўринбосари қонунга зид бўлган норматив ҳужжатга нисбатан ана шу ҳужжатни чиқарган идорага ёки юқори турувчи идорага протест келтирадилар. Мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатларига нисбатан ҳам ҳудди шу тартибда протест келтирилади.

Прокурор келтирилган протест бу протест топширилган вақтдан бошлаб кўпи билан ўн кунлик муддат ичида қараб чиқилиши лозим. қонунийлик бузилганлигига тезда барҳам бериш талаб қилинган фавқулодда ҳолатларда прокурор протестни кўриб чиқишнинг қисқартирилган муддатини белгилашга ҳақлидир. Протестни қараб чиқиш натижалари тўғрисида прокурорга дархол ёзма равишда маълум қилиниши белгиланган.

Протест ғайриқонуний ҳуқуқий ҳужжат чиқарган идора ёки юқори турувчи идора томонидан рад этилган тақдирда, шунингдек, протест қонунда белгиланган муддат ичида қараб чиқилмаган тақдирда, прокурор тегишли судга ана шу ҳужжатни ғайриқонуний деб эътироф этиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Судга ариза, протест рад этилганлиги тўғрисида маълумот берилган пайтдан бошлаб бир ойлик муддат ичида ёки қараб чиқиш учун қонунда белгиланган муддат ўтгандан кейин берилиши кўрсатилган.

Ана шу қонундан бажарилишига бағишланган ФПКнинг 29-боби прокурорни ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш тўғрисидаги ариза билан тегишли идоралар ва мансабдор шахслар устидан судга мурожаат этиш

тартиби белгиланган. Масалан, ФПКнинг 276-моддасида прокурор қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш ҳақида ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли эканлиги махсус ҳуқуқий меъёр сифатида ифода этилган.

Прокурорнинг судга ариза бериши иш судда кўриб чиқилгунга қадар ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб қўйишлиги ҳам асослантирилган.

Суд бундай туркумдаги ишларни фуқаролик суд юритиш қоидаларининг умумий тартиби асосида кўриб ҳал этади, жумладан, ишни судга тайёрлашда процессга жалб этиладиган шахслар, уларнинг вакиллари ва бошқалар ҳақида. ФПКнинг 158-161-моддаларида кўрсатилган ҳаракатларни амалга ошира бориб, ишни мазмунан кўришга тайинлаши лозим.

Прокурорнинг аризасини суд йигирма кун ичида унинг иштирокида ва протестни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилган ёхуд протестни кўриб чикмаган органнинг раҳбари ёки унинг вакил иштирокида кўриб чиқади.

Суд мажлисига орган раҳбари ёки унинг вакили узрсиз сабабларга кўра келмаганлиги прокурорнинг аризасини кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди, бироқ суд бу шахснинг келишини мажбур деб топиши ФПКнинг 277-моддасида берилган. Прокурор фуқаролик ишларини кўзғатиш, унда иштирок этиш шаклидан қатъий назар, ҳамма вақт давлат вакили қонунни бажарилиши устидан назорат қилувчи орган бўлиб қолаверади. Шу сабабли прокурор ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш тўғрисида ариза билан судга мурожаат этганда судга низо кўрилгандан сўнг оқибатда ҳақли бўлиб чиққан тарафнинг манфаатини ҳимоя қилган бўлади.

Агар суд прокурорнинг аризаси асосли эканлигини аниқласа, аризани қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаради ва ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топади.

Бундан ташқари, агар суд протест келтирилган ҳужжат уни чиқарган органнинг ваколатлари доирасида қонунга мувофиқ қабул қилинган деб топса, у аризани қаноатлантиришни рад этиш ҳақида ҳал қилув қарорини чиқаради.

Прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича суд чиқарган ҳал қилув қарори протестни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилган ёки протестни кўрмаган орган раҳбарига юборилади.

Прокурор фуқароларни манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга ариза билан, ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш ҳақида мурожаат этиш билан, агар давлат органлари, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шу жумладан, давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши натижасида фуқарога ёки юридик шахсга зарар давлат томонидан ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан тўлаши лозимлиги масаласини ҳам қўйиши мумкин.

Демак прокурор давлат бошқарув идоралари ва жамоат ташкилотлари томонидан қабул қилинадиган ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш тўғрисида ариза билан судга мурожаат этиш қоидалари ҳам давлат, жамоат

ташкilotлари ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий меъёрлардир.

Суд ҳам ўз навбатида давлат органлари ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органининг қонунга зид бўлган ҳуқуқий меъёрлар мавжудлигини аниқлаган тақдирда ишни ҳал этишда бу ҳужжатларни тадбиқ этмаслик масаласини кўриб чиқиши лозим.

ЎН ИККИНЧИ БОБ

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИНГ СУДЛОВГА ТААЛЛУҚЛИЛИГИ

1-§. Судловлилик тушунчаси

Қандай фуқаролик ишларини судда кўриш лозим бўлиши, яъни суднинг ваколатига берилганлиги юқоридаги 12-бобда тааллуқлилик тушунчасида айтилган. Судлов, яъни судларнинг ваколатига берилган ишларни энди қайси суд кўриб ҳал этилишлиги тушунчаси билан тааллуқлилик чамбарчас боғлиқдир. Бу тушунчалар ўртасидаги асосий фарқ шундаки, таллуқлилик деганимизда фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш юзасидан судлар билан бошқа давлат органлари ва жамоат ташкilotлари ўртасидаги ҳуқуқ доираси (компетенция)нинг чегараланиши, ажратилиши назарда тутилса, судловда эса, бир томондан ҳал қилинадиган масаланинг судга тааллуқли бўлишини ва иккинчи томондан ягона суд тизими ичида судлар ўртасидаги ҳуқуқ даражасининг белгиланиши тушунилади. Бу бобда шу кейинги иккинчи маънодаги судлов тўғрисида сўз боради.

Судлов деб судларга тааллуқли бўлган ҳамма ишларнинг суд тизими бўғинлари ўртасида тақсимланишига айтилади. Ишнинг судловлигини белгилаш-мазкур ишни айнан қайси суд кўришга ва ҳал этишига ваколатли бўлишлигини белгилаш демакдир.

Муайян аниқ бўлган ишни ҳал қилишга қайси суд ваколатли эканлигини белгилашда судлов икки томонлама: биринчидан, турдош судлов ва иккинчидан, ҳудудий судловга бўлиниб чегараланади.

Ягона суд тизими таркибидаги судловнинг қайси бир тури туманлараро, туман, (шаҳар), вилоят суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди) фуқаролик ишларини биринчи инстанция суди тариқасида кўришга ваколатлилигини қонун белгилайди.

Ишнинг қайси судга тегишли бўлишлигини (судловни) белгилашда кўриладиган ишнинг турига ҳам, низонинг предмети нимадан иборат бўлиши ва тарафларнинг кимлар бўлишига ҳам қаралади. Судловнинг бундай чегараланишига турдош судлов (родовая подсудность) деб айтилади.

Турдош ёки предметли судлов деб ишнинг тури ёки характериға қараб ҳар хил турдаги судларга ишларнинг тегишли бўлишлиги тушунилади. Турдош судлов бўйича ягона суд тизимидаги ҳар турли судлар ўртасидаги ваколати ажратилади.

ФПКнинг 141-моддасида кўрсатилганидек, судларга тааллуқли фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларида кўрилади. Қонунда бундай ишларни кўриш бошқа судлар ваколатига берилган ҳоллар бундан мустасно. Бу қонуннинг мазмунига кўра фуқаролик ишларини кўрувчи ва ҳал қилувчи биринчи ва асосий суд инстанцияси туманлараро, туман (шаҳар) судлари ҳисобланади. Юқори судлар, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят, Тошкент шаҳар суди, алоҳида ҳолатларни ҳисобга олиб, ҳар қандай фуқаролик ишини ўз ҳудудидаги маҳаллий (қуйи) судлардан олишига ва уни биринчи инстанция суди сифатида ўзининг иш юритишига қабул қилишга ёки ишни бир суддан бошқа тегишли судга ўтказишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий судига қандай ишларнинг тегишли бўлишлиги ҳам қонунда қатъий белгиланмаган. Ўзбекистон Республикаси Олий суди «Судлар тўғрисида»ги қонунда кўрсатилишича, биринчи инстанция суди сифатида алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлган ишларни кўради. Айрим ҳолларда қайси туркумдаги иш қайси судда кўрилиши қонунда кўрсатилган бўлади. Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги 1991 йил 15 февралдаги қонунда жамоат бирлашмаларининг Низомларини рўйхатга ўтказиш рад этилган тақдирда шикоят қилиш ҳуқуқи судга тааллуқли эканлиги кўрсатилган.

Қонунда бундай туркумдаги ишларни судларга тааллуқли эканлигини белгилаш билан шу ишларни қайси судлар томонидан кўриб ҳал этиш кераклигига, яъни судловга ҳам аниқлик киритилган, масалан, халқаро, республика, вилоятлараро жамоат бирлашмаларининг низоларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида рад этилса, бундай ҳаракатлар Республика Олий судига шикоят қилиниши мумкинлиги, маҳаллий жамоат бирлашмаларини рўйхатдан ўтказишни рад этиш эса, тегишли вилоят, Тошкент шаҳар судларига шикоят қилиниши мумкинлиги белгиланган.¹ Бинобарин Республика Олий суди ҳар қандай қуйи судлардан фуқаролик ишини олишга ва кўриш учун қабул қилишга ҳақли. Агар қонунда кўрсатилган бўлса, Республика Олий суди биринчи инстанция тартибида иш кўра олиши мумкин, масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Сайлов ўтказишда марказий сайлов комиссиясининг қарори устидан ўн кун муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиши белгиланган.²

Қонун судловни ишнинг муайян ҳудудда (маҳаллий жойларда) кўрилишини ҳам назарда тутди. Бундай ҳудудий (маҳаллий) судлов деб фуқаролик ишларининг, асосан жавобгарнинг қонун билан назарда тутилган алоҳида ҳолларда эса-даъвогарнинг ҳам яшаш жойида кўрилишига айтилади.

Ҳудудий судловга оид умумий қоида шундан иборатки, тегишли фуқаролик ишларининг кўрилиши ва ҳал қилиниш жойи жавобгарнинг турар жойи бўйича белгиланади. Бу қоида асосан фуқароларга оид. Агар жавобгар юридик шахс ҳисобланган давлат корхонаси, муассасаси, ташкилоти ёки

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1991 йил, 4-сон, 76-модда.

² Қаранг: Сайловлар тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонунлари. «Ўзбекистон» 1994 йил, 13-бет.

жамоат ташкилоти бўлса ишнинг қайси суд томонидан кўрилиш жойи юридик шахснинг органи ёки мулки турар жой бўйича белгиланади.

ФПКнинг 145-моддасида кўрсатилганидек, даъвогар жавобгарнинг доимий яшаш ёки доимий ишлаб турган туман (шаҳар) судида кўзғатилади. Юридик шахсга қилинадиган даъво юридик шахс органи ёки унинг филиали жойлашган жойда кўзғатилади.

Жавобгарни мулки турган жой ва унинг маълум бўлган охириги яшаб турган ёки ишлаб турган жойи даъвогар томонидан кўрсатилиши лозим.

Жавобгарнинг ҳақиқатан яшаб турган жойи номаълум бўлса, суд ишни унинг ҳозирги турар жойи бўйича кўради. Бу жой чақирув қоғозининг уйлар бошқармаси ёки ўзини-ўзи бошқарув идоралари томонидан олинганини гувоҳлантирадиган хат ёзилган чақирув қоғозида кўрсатилган манзил бўйича белгиланади.

Умумий қоида бўйича суд ва бошқа органлар фуқаролик ишлари бўйича жавобгарларни қидирмайди. Аммо алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлиш ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлиги, шунингдек боқувчисининг ўлими натижасида келган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги даъвогар бўйича жавобгарнинг (қарздорнинг) амалдаги яшаш жойи номаълум бўлса, жавобгар (қарздор) қидирилиши шарт эканлиги (ФПКнинг 140-моддаси) кўрсатилган.

2-§. Худудий судловлилик турлари

Худудий судловга кўра, тегишли бўғиндаги тенг бўлган туман (шаҳар) судларининг қайси бири фуқаролик ишларини кўриб ҳал қилиши лозим бўлади.

Худудий судлов: альтернатив судлов, мустасно судлов, келишилган судлов, бир-бири билан боғлиқ ишларнинг судловига бўлинади.

Альтернатив судловлилик. Фуқаролик ишларининг қайси судда кўрилиши даъвогарнинг танлаши бўйича белгиланишига альтернатив судлов дейилади. ФПКнинг 241-моддасида кўрсатилганидек, даъвогарнинг танлаши бўйича альтернатив судлов қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- Яшаш жойи номаълум бўлган жавобгарга нисбатан даъвогар унинг мол мулки турган жойда ёки унинг сўнги яшаган жойида тақдим этилиши мумкин;

- Ўзбекистон Республикасида яшаш жойига эга бўлмаган жавобгарга нисбатан даъвогар Ўзбекистон Республикасида унинг мулки турган жойда ёки маълум бўлган сўнги яшаш жойида тақдим этилиши мумкин;

- Даъвогар алимент ундириш тўғрисидаги, оталиқни белгилаш ҳақидаги ва майиб бўлиш ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етганлик ёхуд боқувчисининг ўлими натижасида кўрилган зарар ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъвогарни ўзи яшаб турган жойда ҳам тақдим этилиши мумкин;

- Кемаларнинг тўқнашуви натижасида кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги, шунингдек, сувда ёрдам берганлик ва қутқарганлик учун ҳақ ундириш тўғрисидаги даъвогар ҳам жавобгарнинг кемаси турган ёки кема рўйхатга олинган порт жойлашган манзилда тақдим этилиши мумкин;

- Ижро қилиш жойи кўрсатилган шартномалардан келиб чиқадиган даъвогар шартномани ижро қилиш жойида ҳам тақдим этилиши мумкин;

- Фуқаролар ёки юридик шахснинг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар зарар етказилган жойда ҳам тақдим этилиши мумкин;

- Юридик шахснинг филиали фаолиятдан келиб чиқадиган даъволар филиал жойлашган манзилда ҳам тақдим этилиши мумкин;

- Турли жойларда яшовчи ёки турувчи бир неча жавобгарларга нисбатан ёки юридик шахс бўлиб, турли манзилда жойлашган жавобгарларга нисбатан даъво даъвогарнинг танлаши бўйича жавобгарнинг бири яшайдиган ёки турган жойда тақдим этилади;

- Ғайриқонуний ҳукм қилиш, ғайриқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида ғайриқонуний қамоққа олиш ёхуд маъмурий қамоққа олиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари тарзида маъмурий жазони ғайриқонуний қўллаш натижасида фуқарога етказилган зарар ўрнини қоплаш билан боғлиқ бўлган меҳнат, пенсия ва уй-жойга доир ҳуқуқларни тиклаш, мол-мулкни ёки унинг қийматини қайтариб бериш тўғрисидаги даъволар даъвогарнинг яшаш жойида ҳам тақдим этилиши мумкин.

Агар даъвогарнинг вояга етмаган болалари борлиги, шунингдек ногиронлиги ёки оғир касаллиги туфайли у жавобгар яшаб турган жойдаги тегишли судга боришга қийналса, никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги даъволар даъвогарнинг яшайдиган жойида тақдим этилиши мумкин.

Бедарак йўқолган деб ёхуд руҳий ҳолатининг бузилганлиги (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар, шунингдек, уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар билан никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъволар, даъвогарнинг хоҳишига қараб, унинг яшаш жойида кўрилиши мумкин.

Ишнинг судловлиги бир неча судларга тегишли бўлганида, улардан бирини танлаш даъвогарнинг ихтиёрида бўлади.

ФПКнинг 241-моддасининг учинчи қисмида белгиланганидек, алимент ундириш тўғрисидаги, оталикни белгилаш ҳақидаги ва майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлик ёхуд боқувчининг ўлими натижасида кўрилган зарар ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар қуйидагича уч суднинг бирида: корхона, муассаса, ташкилот жойлашган манзилдаги судда ёки ўзи турган жойдаги судда ёхуд зарар етказилган жойдаги судда қўзғатилиши мумкин.

Мустасно судловлик. Баъзи фуқаролик ишларининг турларига нисбатан уларнинг хусусиятларини эътиборга олиб, қонун бундай ишларнинг фақат муайян судга тегишли бўлишини белгилаши мустасно судлов дейилади.

Бундай ишларнинг саноғи ФПКнинг 242-моддасида келтирилган бўлиб, унинг кенгайтирилишига йўл қўйилмайди, яъни бундай судловдан тарафларнинг ўзаро келишувлари бўйича ёки даъвогарнинг танлаши бўйича четга чиқишига йўл қўйилмайди. Қонун бундай ҳолда шу тўғридаги фуқаролик ишларининг кўрилиши қаерда қулай бўлишига қараб, ё низоли моддий объектнинг турган жойи бўйича (масалан, иморатга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги даъволар қўзғатилганида-иморат жойлашган жойда) ёки низоли ҳуқуқий

муносабат бўйича асосий ҳужжатларнинг тўпланган жойи бўйича судловлиликни белгилайди.

Қонун (ФПКнинг 242-моддаси)да ёки мустасно судловлилик ёки судловга тегишли алоҳида ҳоллар қуйидагича белгиланган:

- иморатга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги, мол-мулкни хатлашдан чиқариш ҳақидаги, ер майдонидан фойдаланиш тартибини белгилаш тўғрисидаги даъволар иморат, мулк ёки ер майдони жойлашган ҳудуддаги суднинг судловига тааллуқлидир;

- мерос қолдирувчининг кредиторлари мерос ворислар томонидан қабул қилингунига қадар тақдим этган даъволар мерос-мулк ёки унинг асосий қисми жойлашган ҳудуддаги суднинг судловига тегишлидир;

- йўловчи, багаж ёки юк ташиш шартномаларидан юк ташувчиларга нисбатан келиб чиқадиган даъволар белгиланган тартибда талаб қўйилган транспорт ташкилотининг органи жойлашган ҳудудда тақдим этилади.

Келишилган судловлилик. Тарафларнинг ўзаро келишувлари бўйича ихтиёрий равишда белгиланган судловни ўзгартириш имкониятига келишилган судлов дейилади. Қонун айрим ҳолларда тарафларга ҳудудий судловни ўзаро келишув бўйича ўзгартириш ҳуқуқини ҳам беради. Шунга биноан тарафлар фуқаролик ишини қаерда, яъни қайси туман судида кўрилиши тўғрисида ўзаро келишиб олишлари мумкин. ФПКнинг 243-моддасида белгиланган бу қонуннинг мақсади фуқаролик ҳуқуқларини суд тартибида ҳимоя қилинишида фуқаролар ва ташкилотлар учун кўпроқ қулайликлар яратишдир. Тарафлар ўз манфаатларини қаерда ҳимоя қилиш бирмунча қулай бўлишлигини ўзлари биладилар. Шу сабабли низоларнинг кўрилиши жойини танлашдан тарафларнинг эркинлигини ошиқча чеклаш нотўғри бўлур эди.

Фуқаролик ишларининг муайян бир судда кўрилиши тўғрисидаги ўзаро келишув ҳар хил шаклда бўлиши мумкин. Масалан, тарафлар ўзаро шартнома туза туриб «ушбу шартномадан келиб чиққан низолар фалон туманлараро судида кўрилади», деб кўрсатишлари мумкин. Бундай келишувга кейинчалик низо чиққандан сўнг ҳам йўл қўйилади.

Агар ихтиёрий келишув бўйича белгиланган судлов тарафлардан бири ёки учинчи шахснинг ҳуқуқини бузиши аниқланса, суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши лозим ва бундай ҳолларда судлов тўғрисида қонун билан белгиланган умумий қоидалар татбиқ этилади.

ФПКнинг 243-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилганидек, фуқаролик ишларининг баъзи туркумларига нисбатан ФПКнинг 242-моддасида белгиланган мустасно (яъни алоҳида ҳоллар) судлов тарафларнинг ўзаро келишуви билан ўзгартирилиши мумкин эмас.

Бир-бири билан боғлиқ ишларнинг судловлилиги. Бундай судлов тўғрисида шуни айтиш керакки, баъзи ҳолларда тарафларнинг ҳақиқий ўзаро муносабатларини ҳар тарафлама аниқлаш, ишнинг кўрилишини тезлаштириш, суд харажатларини камайтириш мақсадида бир-бири билан боғлиқ бўлган ишлар бирга қўшиб кўрилади. Бундай ҳолларда судлов шундан белгиланади, чунончи: қарши даъво ўзининг судловга тааллуқлилигидан қатъий назар,

дастлабки даъво кўриладиган жойдаги судга тақдим этилади (ФПКнинг 244-моддаси).

Никоҳдан ажратиш билан боғлиқ бўлган ишларда даъвони рад этган тақдирда никоҳдан ажралиш билан бирга берилган бошқа низоларни ҳал қилмайди. Бундай вазиятда тарафларга судлов ҳақидаги қоидаларга риоя қилган ҳолда бу талаблар бўйича қайтадан даъво қўзғатишга ҳақли эканлиги Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми қарорида кўрсатилган.¹

Жиноят ишидан келиб чиқадиган фуқаролик даъвоси, агар жиноят иши кўрилаётганда арз қилинмаган ёки ҳал этилмаган бўлса, фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида кўриш учун фуқаролик ишларининг судловга тааллуқлигига доир умумий қоидаларга биноан тақдим этилади (ФПКнинг 245-моддаси).

Ходим ғайриқонуний равишда судланганлиги муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши ёки ғайриқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортилиши муносабати билан уни ишга тиклаш тўғрисидаги низолар ходимнинг хоҳишига қараб ё ўзи яшаб турган жойдаги ёки зарар кўрган собиқ иш жойидаги судга мурожаат этиши мумкин (альтернатив судлов).

3-§. Қабул қилинган ишнинг бошқа судга ўтказилиши

Маълумки, фуқаролик ишининг судлови, яъни ишнинг мазкур судда кўрилиш-кўрилмаслиги тўғрисидаги масала даъво аризасининг қабул қилинишида судьянинг яққа ўзи томонидан ҳал қилинади.

Судда судловга таллуқли қоидаларга риоя қилган ҳолда ўзининг юритишига қабул қилиб олган ишни, гарчи кейинчалик бу иш бошқа суднинг судловига тааллуқли бўлиб қолса ҳам, мазмунан ҳал қилиши лозим (ФПКнинг 146-моддаси).

Аммо баъзан қабул қилинган ишнинг бошқа судда кўрилиши зарур ва мақсадга мувофиқ деб топилиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда қонун судьяга ишни кўриш учун бошқа тенг даражадаги судга ўтказиш ҳуқуқини беради.

ФПКнинг 146-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилишича, суд қуйидаги ҳолларда ишни кўриш учун бошқа судга ўтказа олади:

1) муайян иш бошқа судда, хусусан далилларнинг кўпчилиги қисми жойлашган ердаги судда ўз вақтида ва ҳар томонлама кўриб чиқилади деб ҳисобласа;

2) илгари турар жойи номаълум бўлган жавобгар ишни ўзи яшаб турган жойдаги судга ўтказишни илтимос қилса;

3) бир ёки бир неча судья четлатилгач, бу судда уларни алмаштириш мумкин бўлмай қолса;

4) иш муайян судда кўрилаётганида бу иш судловга тааллуқлилиги қоидалари бузилган ҳолда юритишга қабул қилинганлиги маълум бўлиб қолса.

¹ Қаранг: Қонун номи билан. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 1996, 3-4-сонлари, 59-бет.

Ишнинг бошқа судга ўтказилиши тўғрисида суд томонидан ажрим чиқарилади. Ажримда ишнинг бошқа судга ўтказилиши сабаблари, важлари аниқ кўрсатилган бўлиши керак. Бундай ажрим юзасидан хусусий шикоят ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

Фуқаролик иши Ўзбекистон Республикаси судидан бошқа ҳамдўстлик давлатлари судига ёки бошқа ҳамдўстлик давлати судидан Ўзбекистон Республикаси судига суднинг ажримига асосан, шу ажримга шикоят ёки протест бериш муддати ўтганидан сўнг шикоят ёки протест берилган ҳолда эса, шикоят ёки протестни қаноатлантирмай қолдириш тўғрисида ажрим чиқарилгандан сўнг ўтказилади.

Бундай ишларни ўтказиш учун ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома бўлгандагина йўл қўйилади.

Фуқаролик ишлари Ўзбекистон Республикаси судларининг биридан бошқасига суднинг ажримига асосан, бу ажрим устидан шикоят бериш ёки унга нисбатан протест келтириш муддати ўтганидан кейин, шикоят берилган ёки протестни қаноатлантирмай қолдириш ҳақида ажрим чиқарганидан кейин ўтказилади.

Бир суддан бошқа судга юборилган иш анна шу кейинги суд томонидан кўриш учун қабул қилиниши керак.

Судловга тааллуқлилик тўғрисидаги низоларга йўл қўйилмайди (ФПКнинг 147-моддаси).

ЎН УЧИНЧИ БОБ

ИСБОТЛАШ ВА ДАЛИЛЛАР

1-§. Фуқаролик процессида исботлаш ва далиллар тушунчаси.

Исботлаш предмети

Фуқаролик процессида иштирок этувчи тарафларнинг низоларини тўғри ҳал қилиш учун суд уларнинг ўзаро ҳуқуқий муносабатлари мазмунини белгилаши, даъвогарнинг талаблари, жавобгарнинг даъвога қарши эътирозлари асосли бўлишлигини текшириши, даъвогарнинг ҳуқуқи бузилган-бузилмаганлигини, даъвогарнинг бузилган ҳуқуқини жавобгар деб фарз қилинган шахс тиклашга мажбур бўлиш-бўлмаслигини аниқлаши лозим. Бу масалаларнинг ҳаммасини низоли ҳуқуқий муносабатга оид бўлган фактик ҳолатлар белгилангандан сўнггина ҳал қилиш мумкин бўлади.

Низосиз фуқаролик ишларида, чунончи, алоҳида тартибда кўриладиган ишларда муайян юридик фактлар белгиланади. Бунинг учун муддаосини арз қилувчи шахс муайян фактик ҳолатни, масалан, мерос олиш ёки пенсия олиш учун бирон-бир шахснинг қарамоғида бўлганлигини белгилаш учун асос борлигини исботлаши лозим бўлади.

Бинобарин, исботлаш деб фуқаролик процесси субъектлари бўлган тарафлар, суд, прокурор ва бошқа шахсларнинг фуқаролик ишини ҳал қилиш учун зарур бўлган фактларнинг мавжуд бўлиш-бўлмаслигини аниқлашга

қаратилган фаолиятларига айтилади. Ишотлаш тарафларнинг ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг судга далиллар келтиришидан, баёнотлар беришларидан, қарши томоннинг тушунтиришларидан ва келтирилган далилларга қарши эътироз билдиришдан, далилларни таҳлил қилишдан, низоли фактлар тўғрисидаги далиллардан хулосалар чиқаришдан иборат бўлади.

Судда ишотлашнинг мақсади процессуал қонунда кўрсатилган тартибда муайян фуқаролик ишини ҳал қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилашдан иборат.

Судда низоли фуқаролик даъвоси қўзғатилганида, аввало тарафлардан ишот келтириш, яъни даъво талабининг асосли бўлишлигини ёинки унинг асоссизлигини ишотлаш талаб қилинади. Фуқаролик процессида ишотлаш воситалари далиллар бўлиб ҳисобланади. Судга оид далиллар деб фуқаролик иши учун аҳамиятли бўлган фактлар тўғрисидаги маълумотларни олишнинг қонун билан белгиланган процессуал воситаларига ва ишотлаш аҳамиятга эга бўлган фактларнинг ўзига айтилади.

Фуқаролик процессининг хусусияти шундан иборатки, судлар объектив ҳақиқатни белгилаш учун тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар томонидан далилларни келтириш ва баҳолаш билангина чекланмасдан, балки далилларни ўз ташаббуслари билан тўплаш ҳуқуқига ҳам эгадирлар.

ФПКнинг 56-моддасида далиллар тушунчаси берилган ҳамда нималарнинг далил ва ишотлаш воситалари бўлишлиги кўрсатилган. Бу қонунда белгиланишича, тарафларнинг талаблари ва эътирозларини асослайдиган ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларнинг мавжудлиги ёки йўқлигини, муайян қонун билан белгиланган тартибда судда аниқлашга асос бўладиган ҳар қандай фактик маълумотлар фуқаролик иши бўйича далил бўлиб ҳисобланади.

Шу модданинг ўзида ишотлаш воситалари ҳам санаб ўтилган. Булар тарафларнинг ва учинчи шахсларнинг баёнотлари, гувоҳларнинг берган гувоҳликлари, ёзма далиллар, ашёвий далиллар ва экспертларнинг фикрларидир.

ФПКнинг 56-моддасида кўрсатилган фактик маълумотлар ва ишотлаш воситалари бир-бири билан боғлиқ ҳолда кўрилади. Бу ерда судга оид далиллар масаласида ҳам, мазмун билан шаклнинг диалектик боғлиқ бўлишлиги назарда тутилади. Мазмун деганимизда фактлар тўғрисидаги маълумотлар назарда тутилса, шакл деганимизда ишотлаш воситалари (далиллар) назарда тутилади. Даъвони ишотлаш ёинки инкор этиш учун ҳар икки элемент мавжуд бўлиши керак. Фактлар тўғрисидаги маълумотларга эга бўлмаган ишотлаш воситаси ҳеч нарсани ишотламайди ва аксинча, фактик маълумотлар ишотлаш воситаларининг қонун билан белгиланган манбаларидан олинмаган бўлса, далил сифатида фойдаланилмайди ва суд қарорининг асосига қўйилмайди.

Амалдаги янги фуқаролик процессуал кодекси муаллифи кўрсатилмаган ҳолатлар ва манбаи номаълум бўлган ёки ғайриқонуний тарзда олинган бошқа маълумотларни далил бўла олмаслиги кўрсатилган. Бу қонунда киритилиши билан суд амалиётида турли хил усул билан «далил» деб ишда фойдаланадиган ҳаракатларни олдини олишга сабабчи бўлади.

Далилларнинг дахлдорлиги тўғрисидаги ФПКнинг 58-моддасида берилган қоидада суд фақат иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни тасдиқлайдиган далилларнигина кўриш учун қабул қилади, деб кўрсатилган.

Суд тарафлар томонидан келтирилган далилларни қабул қилиш-қилмаслик масаласини ва қўшимча далилларни талаб қилиб олиш тўғрисидаги илтимосларни ҳал қилишда, шунингдек ўз ташаббуси билан далиллар тўплашда бу қонунга амал қилади.

Далилларнинг кўриладиган ишга дахлдор бўлиш-бўлмаслигини тўғри ҳал қилиш-оз куч ва кам вақт сарф қилиб, ишнинг барча ҳолатларини тўла ва ҳолисона аниқлаш имконини беради. Чунончи, воқеадан хабардор бўлган кўп гувоҳлардан фақат бир нечасигина суд мажлисига чақириб сўралганда, бир неча фуқаролар асосий ишларини, хизмат вазифаларини бажаришдан қолдирилмайдилар, бунинг иш учун ошиқча (керагидан кўп) чақирилган гувоҳларнинг берган гувоҳликларини эшитиб, суд процесси ҳам кўпга чузилмайди.

Судья ишни суд мажлисида кўришга тайёрлаш жараёнида, процесда иштирок этиш учун таклиф қилинадиган шахсларни белгилаш билан бирга ишга дахлдор, иш учун зарур бўлган ҳужжатларнигина қабул қилиб ишга кўшади.

Далилларнинг дахлдорлиги тўғрисидаги қоида билан ФПКнинг 71, 72, 75, 79 ва 81-моддаларида белгиланган нормалар боғлиқдир. Бу қонунларда гувоҳларнинг чақирилишини, ёзма ёки ашёвий далиллар келтирилишини ёки уларнинг талаб қилиб олишини илтимос қилувчи шахс қандай ҳолатлар гувоҳларнинг гувоҳликлари билан тасдиқланиши ёки ёзма ёхуд ашёвий далиллар билан аниқланиши мумкинлигини кўрсатишга мажбур эканлиги айтилган. Далилларнинг ишга дахлдор бўлиш-бўлмаслиги принципини қўллашда судьялар ўзларининг ички тушунчаларига асосланиб иш кўрадилар. Фуқаролик ишини судда кўришга тайёрлаш вақтида тарафлар томонидан кўрсатилган ёки прокурор таклиф қилган гувоҳлардан кимларни суд мажлисига чақириш, ёзма ва ашёвий далиллардан қайси бирини қабул қилишлик масаласини яқка ўзи ҳал қилади. Аммо бу тўғридаги таклифлар суд мажлисида қилинса, қонунда кўрсатилган ҳолда масалани коллегиал тартибда ҳал қилинади ва бу тўғрида ажрим чиқарилади. Суднинг далиллар қабул қилишни ёки талаб қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрими асослантирилган бўлиши керак.

Далилларга йўл қўйилиши тўғрисида ФПКнинг 59-моддасида кўрсатма берилади. Бунда қонун бўйича муайян исботлаш воситалари билан боғлиқ бўлган ҳолатларни ҳеч қандай исботлаш воситалар билан тасдиқлаш мумкин эмаслиги айтилади. Масалан, уй-жойларнинг олинган-сотилган бўлишлиги Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 112 ва 488-моддаларига мувофиқ нотариал тартибда гувоҳлантирилган ва тегишли давлат рўйхатидан ўтказилган шартнома билангина тасдиқланиши мумкин. Энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ суммага тузиладиган қарз шартномаси оддий ёзма формада тузилиши лозим. Акс ҳолда шартномани тузилганлигини (арз берилганлигини) ёки шартноманинг ижро этилганлигини (қарзнинг тўланганлигини)

гувоҳларнинг кўрсатмалари билан исботлаб бўлмайди. Аммо жиноий жазога тортиладиган хатти-ҳаракатлар рўй берганида, чунончи, қарз олган шахс бировларнинг ишончидан фойдаланиб, бир неча фуқаронинг ҳақиға хиёнат қилса (олган қарзидан тонса), ҳуқуқий тилда айтилганда-фирибгарлик қилса, умумий қоидадан (ФКнинг 733-моддасидан) мустасно тариқасида даъво гувоҳларнинг кўрсатмалари билан исботланиши мумкин (ФКнинг 737-моддаси).

Ташкилотлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлардан ҳам, ҳудди шунингдек муайян ёзма ҳужжатлар билан тасдиқланиши мумкин бўлган ҳолатлар бошқа исботлаш воситалари билан тасдиқланиши мумкин эмас. Масалан, темир йўл транспорти билан ташиладиган юк йўқотилган ёки кам келганлиги коммерческий акт билан тасдиқланиши шарт бўлади.

Агар далилларнинг дахлдорлиги принципи масаласида судьялар ўзларининг ички тушунчаларига асосланишлари мумкин бўлса, далилларга йўл қўйилиши принципини қўлланишда фақат қонун кўрсатмаларига қатъиян риоя қилишлари талаб қилинади. қонун билан исботлаш воситаси бўла олмайдиган далилларни, уларнинг мазмуни ва иш учун аҳамиятидан қатъий назар, қабул қилишга йўл қўйилмайди.

Фуқаролик процессида далилларнинг белгилари қуйидагича десак бўлади:

биринчидан, далиллар аввало-фактик маълумотлар, яъни ишни ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни ўз мазмунида акс эттирувчи маълумотлар бўлиши билан характерланади;

иккинчидан, далиллар-тарафларнинг талаблари ва эътирозларини асослайдиган ҳолатларни ҳамда ишга доир бошқа ҳолатларнинг мавжуд бўлиш-бўлмаслигини белгилайдиган фактик маълумотлар бўлади;

учинчидан, далиллар-процессуал қонун билан белгиланган тартибга риоя қилиниб, суд томонидан олинган фактик маълумотлар бўлади;

тўртинчидан, далиллар-бу суд томонидан назарда тутилган исботлаш воситаларидан олинган маълумотлар бўлиб кўрилади. қонунда назарда тутилмаган манбалардан олинган фактик маълумотлар, чунончи: аноним хатлар, миш-миш гаплар ва шу кабилар далил бўлиб ҳисобланмайди.

Исботлаш предмети деб, муайян ҳуқуқни вужудга келтирадиган ёки ўзгартирадиган ёхуд бекор қилинадиган ёинки ҳуқуқнинг амалга оширилишига тўсқинлик қиладиган фактларга айтилади.

Бундай юридик фактларнинг баъзилари шахслар (фуқаролар, ташкилотлар)нинг аризаларига боғлиқ ҳолда вужудга келса, (масалан, ҳар турли битимлар тузиш, бировга зарар етказиш натижасида пайдо бўлса), баъзилари шахсларнинг аризаларидан ташқари рўй беради (масалан, фуқаронинг ўлими натижасида вужудга келиши мумкин). Юридик факт тушунчаси бирмунча тафсилый равишда фуқаролик ҳуқуқи дарслигида баён этилган.

Муайян ҳуқуқни вужудга келтирадиган, ўзгартирадиган ёки бекор қиладиган ҳолатларнинг (юридик фактларнинг) мавжуд бўлган-бўлмаганлиги судда исботланиши лозим бўлади.

Суд иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлашга, уларни далиллар билан исботлашга, тасдиқланишига ёрдам берадиган маълумотларни тўплаш чораларини кўради. Масалан, Олий суд Пленум судларга турар жойларни хусусийлаштириш тўғрисидаги ишлар юзасидан берилган даъво аризаларини қабул қилишда давлат уй-жой фонди тасарруфида бўлган туман (шаҳар) ҳокимиятининг корхона, ташкилот, муассаса маъмуриятининг турар жойларни хусусийлаштириш ҳақидаги тегишли фармойиши ва эгалик ҳуқуқини берувчи давлат ордери борлигини текширишлари, бундай ҳужжатлар мавжуд бўлса, уларни иш материалларига кушиши учун талаб қилиб олишлари лозимлиги кўрсатилган.¹

Одил судлов ва ишда иштирок этувчи тарафларнинг манфаатлари-ишнинг фактик томонини, фуқаролик ишини тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган барча юридик фактларни мумкин қадар тўла аниқлашни талаб қилади. Даъвогар даъвоси учун асос бўлган юридик фактларни, яъни талабларини асослайдиган ҳолатлар ва уларни тасдиқлайдиган далилларни судга кўрсатиши лозим. Жавобгар эса-агар даъвога қарши бўлса, ўз навбатида эътирознинг асосига қўйилган юридик фактларни, яъни эътирознинг қандай далиллар билан исботланиши мумкинлигини кўрсатиши лозим.

Тарафларнинг кўрсатуви бўйича аниқланиши лозим бўлган иш ҳолатлари, исботлаш воситалари ва ҳажми судда белгиланади. Бундай материалларнинг ҳажми кейинчалик ишни ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган бошқа материаллар билан суд ташаббуси бўйича тўлдирилиши мумкин (ФПКнинг 15-моддаси). Ҳақиқатни белгилашга мажбур бўлган суд фақат тарафларнинг арзлари ва белгилашга мажбур бўлган суд фақат тарафларнинг арзлари ва баёнотлари билангина чекланиб қолмайди.

Фуқаролик процессида тарафлар ўзаро ҳуқуқлари ва бурчлари тўғрисидаги масалалар бўйичагина низолашмасдан, ишнинг ҳақиқий томонлари тўғрисида ҳам, чунончи, қарши тарафларнинг кўрсатмалари тўғрилиги тўғрисида ҳам низолашишлари мумкин.

Шу муносабат билан низоли юридик фактнинг мавжуд бўлиш-бўлмаглигини текшириш билан бир қаторда, исботлаш воситалари ҳам текшириш зарурияти туғилади.

Судда фактларни белгилаш учун келтириладиган далилларнинг аҳамияти катта, чунки ҳар бир ҳуқуқ, ҳар бир бурч, ҳар бир ҳуқуқий муносабат муайян фактлар натижасида вужудга келади ва муайян юридик фактлар туфайли ўзгаради ва бекор бўлади.

Ҳуқуқ нормалари юридик фактлар туфайли муайян ҳуқуқий оқибатларнинг пайдо бўлиши, ўзгариши ёки бекор бўлишини белгилайди. Бинобарин, фуқаролик ишини судда кўрилиши-фактларни белгилашга, уларга юридик баҳо беришга ва ҳуқуқий оқибатнинг бўлиш-бўлмаглигига қаратилади.

Маълумки, қонун ҳуқуқ субъектлари ўртасида фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни бевосита вужудга келтирмайди. Аммо ўзининг мазмунида фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг ўзаро талаблари ва бурчлари қандай

¹ Қаранг: Қонун номи билан. Ўзбекистон Республикасининг Ахборотномаси. 1997 йил, 3-сон, 31-бет.

ҳолатлардан келиб чиқиши мумкинлигини белгилайди. Маълумки, хилма-хил фактик ҳолатлар, қонун билан йўл қўйилган ҳоллардагина юридик муносабатларга асос бўлади. қонун ҳимоя қилмайдиган ҳаракатлар (фактик ҳолатлар) тўғрисида судда даъво қўзғатишга йўл қўйилмайди. Шу сабабли бу хусусдаги талаб ва эътирозлар ҳам исботлаш воситалари ҳам ҳисобга олинмайди. Масалан, кимор уйнаб пулини юткизган фуқаро пулини қайтиб олиши тўғрисида судда даъво қўзғата олмайди, чунки қонун бундай фактик ҳолатни юридик факт деб ҳисобламайди.

Юридик фактларнинг ҳамма турлари, агар улар даъвогар томонидан даъвонинг асосига қўйилса, исботлаш нарсаси бўлади. Масалан, мерос тўғрисида даъво қўзғатилганда мерос қолдирувчининг ўлими факти белгиланади, чунки бу факт мархумнинг ҳаётлигида унинг билан эр-хотинлик, туғишганлик муносабатида бўлган шахсларнинг, қарамоғида бўлганларнинг мерос олишга бўлган ҳуқуқини вужудга келтиради. Шу туфайли бундай муносабатнинг мавжуд бўлган-бўлмаганлигини исботлаш зарур. Агар айтайлик, даъвогар хотин мерос олиш тўғрисида даъво қўзғатса, дарҳақиқат мархумнинг расмий хотини бўлганлигини тегишли ҳужжатлар билан исботлаши лозим.

Юқорида келтирилган нарсдан исботлаш нарсаси: биринчидан, юридик факт (ўлим ҳолати) ва иккинчидан, мерос олишга бўлган ҳуқуқни исботлайдиган восита-никоҳни расмийлаштирувчи органнинг ҳужжати бўлади.

Исботлаш бурчларининг тарафлар ўртасида тақсимланиши тўғрисида шунини айтиш керакки, ФПКнинг 56-моддасида кўрсатилган ҳар бир тараф ўзининг талабларига ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши керак. Бу қонунда белгиланишича, исботлаш бурчи, яъни ишни ҳал қилиш учун зарур бўлган маълумотлар бериш бурчи, аввало тарафларга (даъвогар ва жавобгарга) юклатилади. Алоҳида тартибда кўриладиган ишларда эса-бундай бурч (муддаони)-арз қилувчига юклатилади.

Далиллар тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар томонидан тақдим этилади. Агар тақдим этилган далиллар етарли бўлмаса, суд тарафларга ва ишда иштирок қилувчи бошқа шахсларга қўшимча далиллар тақдим этишни таклиф қилади ёки уларни тўплашга ёрдамлашади (ФПКнинг 57-моддасини 3-қисми). Исботлаш бурчи тўғрисида умумий қоидалар фуқаролик ҳуқуқи нормаларида конкретлаштирилиб берилган. Чунинчи, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 333-моддасида кўрсатилганидек, мажбуриятларни бажармаганлик ёки уни лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарнинг масъулияти тўғрисида даъво низо чиққан ҳолда айбнинг йўқлиги мажбуриятини бузган шахс томонидан исботланади. Шу кодекснинг 360-моддасида белгиланганидек, бировга зарар етказиш туфайли вужудга келадиган мажбуриятларда, зарар етказган шахсни ёинки зарар учун жавобгар бўлган шахсни жабрланувчи ҳузурида фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликдан озод қилинадиган ҳолатларни исботлаш бурчи зарар етказган шахсга ва фаолияти ошқоча хавф билан боғлиқ бўлган шахсга (ташкilot ва фуқарога) юклатилади.

Суд амалиётида шартномалар юзасидан келиб чиққан даъволарда шартнома мажбуриятларининг вужудга келганлигини, масалан, қарз

берилганлигини исботлаш бурчи кредиторга, мажбуриятнинг ижро этилганлигини (қарзнинг тўланганлигини) исботлаш бурчи эса қарздорга юклатилиши кўрсатилади.

2-§. Исботлашдан озод қилиш асослари

Баъзи ҳолларда фуқаролик иши бўйича тарафлар исботлаш бурчидан ҳам озод қилинишлари ҳам мумкин. Тарафларни исботлаш бурчидан озод қиладиган ҳолатлар (асослар) ФПКда иккига: ҳаммага маълум деб топилган ҳолатларга ва аввалдан аниқланган фактларга бўлинади.

ФПКнинг 60-моддасида суд ҳаммага маълум деб топган ҳолатлар исботлашга мухтож эмас, деб кўрсатилади. Дарҳақиқат ҳаммага маълум бўлган, шу жумладан судьяларга ҳам маълум бўлган шундай фактлар борки, уларнинг бўлган-бўлмаганлигини исботлаш мутлақо талаб қилинмайди. Чунончи: Тошкентда 1966 йил апрель ойида бўлган зилзила ҳаммага маълум. Шу туфайли унинг бўлган-бўлмаганлигини, яъни ҳуқуқ ва бурчлар вужудга келтирадиган, ўзгартирадиган ёки уларни бекор қиладиган ҳолатлар (юридик фактнинг) бўлган-бўлмаганлигини белгилаш, аниқлаш, исботлаш талаб қилинмайди.

Бирон-бир фактнинг ҳаммага маълум бўлишлиги, бу фактга алоқадор шахслар доирасига ва унинг содир бўлиши вақти ҳамда жойига қараб белгиланади.

Барча мамлакатлар ҳудудида ҳаммага маълум юридик фактлар (масалан, Тошкент зилзиласи) бўлиши билан бирга фақат аҳолининг бир қисмигагина, яъни муайян вилоят, шаҳар, туман ҳудудида яшовчи аҳолига, жумладан, судьяларга ҳам муайян вақтда маълум фактлар бўлиши мумкин. Масалан, бирон-бир туманда бир йили июл ойида қурғоқчилик ёинки сув тошқини бўлиши факти шу туман ва вилоятда яшовчилар учунгина маълум бўлади.

Агар суд фуқаролик ишини кўришда барча давлат ҳудудида ҳаммага маълум бўлган ҳолатларнинг мавжудлигини аниқласа-қарорда исботлашнинг зарур бўлмаслигини кўрсатади. Агар мазкур факт муайян туман, вилоятда яшовчилар учунгина маълум бўлса, суд бундай фактни исботловсиз қабул қила туриб, ўз қарорида бу ҳолат шу жойда яшовчи ҳамма аҳолига маълум бўлишлигини ва шу сабабдан бу ҳолатнинг даъвогар ёки жавобгар томонидан далиллар билан исботлаши зарур бўлмаслигини кўрсатади.

Масалан, айтайлик, Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида ер кўчиши, Фарғона водийсида сел келганлиги, тошқин бўлганлиги туфайли жамоа хўжаликлари, фуқаролар кўрган зарарларнинг бутунлай ёки қисман тўланиши тўғрисида давлат суғуртаси органларига нисбатан даъво қўзғатганларида суд тошқин бўлганлигини исботлашни талаб қилмасдан, фақат кўрилган зарар учун тўланадиган ҳақнинг миқдори тўғрисидаги масаланигина ҳал қилади. Ҳаммага маълум бўлган фактларни судьянинг шахсан ўзи бирон-бир ходисани ёки ҳаракатни ўз кўзлари билан кўришлари, яъни гувоҳи бўлишлари факти билан алмаштирмаслик керак. Улар ўзлари кўраётган иш юзасидан гувоҳлик бера олмайдилар ва уларнинг кўрган-билганлари суд қарорига киритилмайди. Агар

судьялар бу қондани билмасдан судда ўз фикрларини баён этсалар, тарафлар уларнинг ишни кўриш ва ҳал этишда четлатишлари тўғрисида илтимос қилишлари мумкин.

Исботлашдан озод қилинадиган иккинчи асос-иш ҳолатлари, фактларнинг бошқа суд қарорлари (ҳукмлари) билан аввал исботланган бўлиши мисол бўла олади Бундай фактлар кейинчалик кўрилган суд ишларини исботланиши талаб қилинмайди. Фуқаролик процессидаги бу асос (буни латинча преюдициал асос, яъни муқаддам ҳал этилган ҳолат деб ҳам атайдилар) суд ишининг тез ва аниқ олиб борилишини таъминлайди ва бир масала юзасидан суд органлари томонидан қарама-қарши қарор чиқарилишига йўл қўймасликка қаратилади. ФПКнинг 23-моддасида мазкур ишни фуқаролик, жиноий ёки маъмурий тартибда кўрилатган бошқа иш ҳал қилинмасдан илгари кўриш мумкин бўлмаса, суд бундай фуқаролик ишини юритилишини тўхтатишга мажбур деб кўрсатилади.

Қонуннинг бу қондаси судда бўлган, аммо ҳануз кўрилмаган фуқаролик иши учун маълум аҳамиятга эга, чунки бир фуқаролик иши бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори билан аниқланган фактлар ўша шахслар иштирок этаётган бошқа фуқаролик ишларини текширишда янгидан исбот қилинмайди ФПКнинг 60-моддасининг 3-қисмида кўрсатилишича, жиноят иши бўйича қонуний кучга кирган суд ҳукми суд томонидан ҳукм этилган шахс ҳаракатларининг фуқаролик ҳуқуқий оқибатлари тўғрисидаги ишни кўраётган суд учун фақат шу ҳаракатларнинг бўлган ёки бўлмаганлигини ва уларнинг мазкур шахс томонидан содир қилинган-қилинмаганлиги масалалари юзасидангина мажбурийдир. Агар суд муайян шахсни жиноят қилишда айбли деб топиш билан бирга жабрланувчига судланувчининг жиноий ҳаракатлари билан мулкӣ зарар етказилганлигини белгиласа-ю аммо етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш учун иш материаллари етарли далиллар бўлмаса, жабрланувчи шахснинг даъвосини қаноатлантиришга ҳуқуқи борлигини белгилаб, зарарнинг миқдорини аниқлаш ва етказилган зарар ҳақини ундириш учун ишни фуқаролик иш юргизиш тартибда кўришга юбориши мумкин. Фуқаролик иши кўрилишида зарар етказилиши факти ва бунда маҳкумнинг айби бўлиш-бўлмаслиги исботланмайди.

Исботлашдан озод қиладиган асосларнинг яна бир тури ҳуқуқ фанида белгиланган юридик фараз (юридическая презумпция) деб аталади. Юридик (ҳуқуқий) фараз деганимизда ҳуқуқ нормаси билан белгиланган, муайян ҳуқуқий оқибатлар туғдирадиган ва тарафлардан бирини фараз қилинган фактик исботлашдан озод қиладиган асосни тушунамиз. Масалан, бир шахс (фуқаро ёки ташкилот) бировнинг ғайриқонуний ҳаракати туфайли зарар курса, шу шахс (даъвогар) зарар учун жавобгар бўладиган шахс ҳаракатида айб бўлиш-бўлмаслигини исботлашдан озод бўлади.

Зарар етказилишида айби йўқлигини иккинчи тараф (жавобгар) исботлаши керак бўлади. Зарар етказган шахс буни исботлагунча айбли деб фараз қилинади. Бу тўғрида Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 260-моддасида фуқаронинг шахсига ёки мулкига етказилган зарар, шунингдек, ташкилотга етказилган зарар, тўла миқдорда зарар етказган шахс томонидан тўланиши

лозим. Зарар етказган шахс, агар бу зарарнинг ўз айби билан етказилмаганлигини исботласа, зарарни тўлашдан озод қилинади деб айтилади.

Худди шундай қоида шартнома мажбуриятлари ҳақидаги ҳуқуқий меъёрларда ҳам белгиланган. Агар шартнома бўйича олинган бажарилмас, ёки лозим даражада бажарилмас, бунинг учун айбли бўлган шахс мулкӣ жавобгар бўлади. Бундай шахс мажбуриятни бажармаслигида айби йўқлигини исботласагина жавобгарликдан озод қилинади. Қонунда (ФКнинг 333-моддасида) айбнинг йўқлиги мажбуриятни бузган шахс томонидан исботланади деб кўрсатилган. Бу исботланмагунча бундай шахс айбли деб фараз қилинади. Бундай ҳолларда ҳам ҳуқуқий меъёр муайян фактни исботлашдан даъвогарни озод қилади.

Хуллас, фараз қилинадиган фактларни исботлашдан тарафлардан бирининг озод этилиши туфайли суд фаолияти бирмунча ихчамлаштирилади ва шу билан ҳуқуқий фараз фуқаро ва ташилотларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни осонлаштиради.

3-§. Далилларнинг таснифи (классификацияси) турларга бўлиниши, текширилиши ва баҳоланиши

Судга оид далиллар таснифи (классификация) қилиниши юзасидан вужудга келиш манбаларига шаклига, тузилиши (пайдо бўлиши) далил билан аниқланиши лозим бўлган фактнинг узвий боғланишига қараб туркумларга бўлинади.

Вужудга келиш манбаларига қараб далиллар шахсий ва ашёвий далилларга бўлинади.

Шахсий далилларга тарафларнинг ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг баёнотлари, гувоҳларнинг кўрсатувлари ва экспертларнинг хулосалари киради. Ашёвий далилларга кўриладиган иш учун аҳамиятли бўлган ҳар хил нарсалар киради. Далилларнинг бундай бўлиниши-уларни текшириш ва баҳолаш учун, хусусан далилларнинг олиниши тарзини текшириш учун, чунончи, ҳодиса ва ҳаракатларни гувоҳнинг қабул (идрок) қилиши, ўзлаштириши, хотирасида сақлаши, суд ҳузурида айтишини текшириш учун ҳужжатнинг тузилишидан олдинги ҳолатларни, ҳужжатнинг расмийлаштирилиши, ундан олинган нусха ва ҳоказоларни текшириш учун аҳамиятга эгадир.

Суд томонидан олиннадиган далиллар ифодаланиш шаклига қараб, оғзаки, ёзма ва ашёвий далилларга бўлинади. Далиллар тузилиши, пайдо бўлишига қараб дастлабки ва ҳосила далилларга бўлинади. Дастлабки далил бевосита биринчи манбадан олинган далил бўлади. Масалан, ҳужжатнинг асли, ҳодисани ўз кўзи билан кўрган гувоҳнинг кўрсатмаси шундай далил бўлади. Ҳосила далиллар дастлабки далилнинг мазмунини акс эттиради. Масалан, ҳужжатнинг нусхаси, факт тўғрисидаги маълумотларни бошқа шахсларнинг сўзидан олиб айтувчи гувоҳнинг кўрсатмаси бўлади. Ҳосила далилларни текшириш ва баҳолаш кўпроқ диққат ва эҳтиёткорлик кўрсатилиши, хусусан дастлабки далилнинг қанчалик тўғри акс эттирилишини аниқлаш лозим бўлади. Далил

билан исботланувчи факт ўртасидаги узвий боғланишига қараб далиллар тўғри ва эгри далилларга бўлинади. Агар бундай боғланиш бир турда бўлса ва исботланувчи фактнинг мавжудлиги тўғрисида фақат биргина далиллар хулоса чиқариш мумкин бўлса, далил тўғри далил бўлиб кўрилади. Масалан, қарз тўғрисидаги тилхат қарзнинг берилган ва олинганлигини исботлайдиган бирдан-бир тўғри далил бўлиб ҳисобланади.

Агар исботланадиган далил билан факт ўртасидаги боғланиш кўп турда бўлса ва исботланадиган фактнинг мавжудлиги фақат фараз қилинса-далил эгри далил бўлиб кўрилади.¹ Ўзбекистон Республикаси Олий судида кўрилган бир ишда даъвогарнинг мерос қолдирувчи томонидан фарзанд қилиб олинганлиги эгри далиллар билан исботланиши кўрсатилган. Бундай далиллар сифатида биринчидан, даъвогар мерос қолдирувчи томонидан икки яшар вақтидан бошлаб тарбияланганлиги;

иккинчидан, даъвогар мерос қолдирувчининг ўз болалари фамилиясида бўлишлиги;

учинчидан, даъвогар мерос қолдирувчининг то ўлим кунига қадар бирга яшаганлиги кўрсатилади.

Судга оид далиллар (исботлаш воситалари)нинг турлари қуйидагича:

биринчидан, тарафлар, учинчи шахслар ҳамда уларнинг қонуний вакилларининг тушунтиришлари;

иккинчидан, гувоҳларнинг кўрсатувлари;

учинчидан, ёзма далиллар;

тўртинчидан, ашёвий далиллар;

бешинчидан, экспертларнинг хулосалари бўлади.

Тарафлар, учинчи шахслар ҳамда уларнинг қонуний вакилларининг тушунтиришлари. Бундай тушунтиришлар тарафлар ва учинчи шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва судда ҳолис ҳақиқатни белгилаш учун муайян аҳамиятга эгадир.

Фуқаролик иши судда тарафларнинг тушунтиришларини эшитиш билан бошланади ва суд мажлисида аниқланадиган фактлар тўғрисида тушунтиришлар олиш мақсадида тарафларга саволлар берилади.

Фуқаролик ишлари бўйича суд мажлисида тарафларнинг ҳозир бўлишлари умумий қоида бўйича мажбурий эмас. Аммо алиментлар ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича-жавобгарнинг судга келиши мажбурий деб топилиши, узрсиз сабаблар бўйича судга келмаганида жаримага тортилиши ва мажбурий тартибда келтирилиши мумкин. Бундай қоида иш учун аҳамиятли бўлган фактлар тўғрисида жавобгарнинг тушунтиришларини эшитиш зарурлиги учун белгиланган. Фактлар тўғрисидаги маълумотлар, аввало, ишнинг оқибати, қандай ҳал қилинишидан манфаатдор бўлган шахслрдан, яъни даъвогар ва жавобгардан олинади. Ишнинг оқибатидан бундай манфаатдор бўлиш тарафларнинг тушунтиришлари тўғри бўлишлигига таъсир этиши мумкин. Шу сабабли фақат манфаатдор шахсларнинг далилларсиз, ҳеч қандай тарзда асослантилмаган тушунтиришларига қараб қарор чиқариш нотўғри

¹ Қаранг: Қонун номи билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 1997 йил, 3-сон, 31-бет.

бўлади. қонун фуқаролик ишининг барча ҳолларда объектив ҳал қилинишини таъминлаш мақсадида тарафларнинг ва учинчи шахсларнинг ўзларига маълум бўлган ва иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўғрисида берган баёнотлари иш бўйича тўпланган бошқа далиллар қаторида текширилиши ва баҳоланиши лозим деб кўрсатма беради (ФПКнинг 68-моддаси).

Суд фақат тарафларнинг тушунтиришларинигина эмас, умуман ҳар қандай далилларни ҳам бошқа далиллар билан бирга таққослаб текшириши лозим.

Тарафларнинг ишга оид ҳақиқий ҳолатлар тўғрисида берган маълумотларинигина далил сифатида аҳамиятга эга бўлади. Бинобарин, ҳар хил фикрлар, хулосалар, вазлар далил бўлиб ҳисобланмайди.

Баъзи ҳолларда тарафларнинг баёнотларида бошқа тараф томонидан кўрсатилган ва унинг томонидан исботланиши лозим бўлган фактларга иқроп бўлиш ҳам билдирилади. Бундай иқроп ўз характери бўйича судда ва суддан ташқарида ҳал қилиниши мумкин. Агар иш бўйича тараф бирон-бир фактга суд мажлисига ёки судга ёзилган аризасида иқроп бўлса, бундай иқроп судга оид иқроп бўлиб ҳисобланади. Суд мажлисидан ташқарида қилинган иқрорлик далил бўлиб ҳисобланмасдан, ўз навбатида суд мажлисида аниқланиши лозим бўлган ҳолат бўлиб кўрилади.

Агар иқрорлик ишнинг аҳволига мувофиқ келишига ва тарафнинг бундай иқрорлигида алдаш, зўрлик, гўрқитиш, янглишиштаъсири ёки ҳақиқатни яшириш нияти йўқлигига шубҳа қилиш учун судда асос бўлмаса, у ҳолда суд иқроп бўлинган фактни аниқланган деб ҳисоблаши мумкин.

Маълумки қарз шартномаси энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдоридан ортиқ бўлса, оддий ёзма шаклда расмийлаштирилиши лозим. Акс ҳолда, низо бўлганида шартноманинг тузилганлигини ёки унинг ижро этилмаганлигини исботлаш учун гувоҳларнинг кўрсатувларига асосланиб бўлмайди. Аммо қарздорнинг қарзга суд мажлисида иқроп бўлинганида-бундай иқроп эътиборга олиниши мумкин.

Гувоҳларнинг кўрсатувлари Судда кўриладиган фуқаролик ишига оид ҳолатлардан хабардор бўлган ҳар қандай фуқаро гувоҳ бўла олади. Гувоҳ фуқаролик иши учун муайян аҳамиятга эга бўлган фактни бевосита кўрган ёки бошқа шахслардан эшитган маълумотлар тўғрисида кўрсатма бериш учун судга чиқариладиган фуқаро ишнинг оқибатига (қандай ҳал бўлишига) ҳуқуқий жиҳатдан манфаатдор шахс бўлмаслиги керак.

Гувоҳ шахсига нисбатан қўйиладиган шартлардан яна бири гувоҳ бўладиган фуқаро рўй берган ҳодисаларни ўзлаштиришга, ёдида (эсида) сақлашга ва сўнгра улар тўғрисида маълумотлар беришга қобилиятли бўлиши керак.

Фактларни тўғри ўзлаштириш (қабул қила билиш) ва улар тўғрисида кўрсатмалар беришга қобилиятли бўлиш-бўлмаслик ҳар сафар, ҳар бир конкрет ҳолатда суд томонидан аниқланади. Чунончи вояга етмаган болани гувоҳ сифатида таклиф қилиш масаласи, бундай вояга етмаган шахснинг руҳий ҳолатига қараб суд томонидан ҳал қилинади.

Бирон-бир фактни, иш ҳолатини тўғри қабул қилиш, ёдда сақлаш ва бу тўғрида судда тўғри маълумотлар бериш учун гувоҳнинг сезги органлари нормал бўлиши керак. Аммо бу органлардан бирида нуксон бўлиши, ходисани ўзлаштиришга яроксиз бўлиши, унинг бошқа сезги органлари билан қабул қилинган фактлар тўғрисида маълумот беришга тўсқинлик қилмайди. Масалан, кўзи ожиз фуқаро кулоги билан эшитганлари тўғрисида гувоҳлик бериши мумкин.

Қонунда гувоҳ қаторида чақирилиш ва сўроқ қилиниши мумкин бўлмаган шахслар кўрсатилган. Улар жумласига қуйидагилар киради:

1) фуқаролик ишлари бўйича вакиллар ёки жиноят ишлари бўйича ҳимоячилар-вакиллик ёки ҳимоячилик вазифаларини бажаришлари муносабати билан ўзларига маълум бўлган аҳволлар тўғрисида;

2) ўзларининг жисмоний ёки руҳий камчиликлари сабабли фактларни тўғри ўзлаштиришга ёки улар ҳақида тўғри гувоҳлик беришга қобилиятсиз шахслар (ФПКнинг 69-моддаси). Агар судда кулоги оғиррок, кўзи хирарок ёки руҳий касал бўлган шахснинг тўғри гувоҳлик буришлиги тўғрисида гумон бўлса, бу аҳвол, агар гувоҳни бошқа гувоҳ билан алмаштириш мумкин бўлмаганида, мазкур шахснинг фактларни қанчалик ўзлаштириши ва улар тўғрисида гувоҳлик беришга қобилиятли бўлиш-бўлмаслиги экспертиза орқали аниқланиши мумкин.

Гувоҳ чақиришни илтимос қилувчи шахс гувоҳнинг иш учун аҳамиятли бўлган қандай ҳолатларни тасдиқлай олишини кўрсатишга ва унинг исми, отасининг исми ва фамилиясини ҳамда турар жойини судга маълум қилишга мажбур (ФПКнинг 70-моддаси). Бу маълумотлар судга гувоҳнинг кўриладиган ишга дахлдор бўлиш-бўлмаслигини аниқлаш имконини беради. Гувоҳнинг вазифалари ФПКнинг 71-моддасида белгиланган. Бу қонунда айтилишича, гувоҳ сифатида чақирилган шахс судга келишга ва ҳаққоний кўрсатув беришга мажбур.

Мусулмон ҳуқуқида тўғри гувоҳлик беришга жиддий эътибор берилган.

«Эй муминлар, адолат билан тургувчи ҳамда ўзларининг ёки ота-она ва қариндош-уруғларнинг зарарига бўлса-да, Оллох учун тўғри гувоҳлик бергувчи бўлинглар! У, яъни гувоҳлик бергувчи бой бўладими, камбагал бўладими, ҳар иккисига Оллох ҳам Оллохнинг ўзи (сизлардан кўра) яқинроқдир. Бас, адолат қилмасдан нафси ҳавога эргашиб кетманглар. Агар тилларингни буриб, нотўғри гувоҳлик берсанглар гувоҳлик беришдан бош тортсанглар албатта Оллох қилаётган амалларингиздан хабардор бўлган зотдир.¹

Агар чақирилган гувоҳ суд мажлисига узрсиз деб топилган сабабларга кўра келмаса, у судга ҳурматсизлик қилгани учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлиги тўғрисидаги кодекснинг 180-моддасига асосан жавобгарликка тортилиши, иккинчи чақиришда ҳам келмаса, у суднинг ажримига кўра маъмурий тартибда келтирилади (ФПКнинг 178-моддаси).

¹ Қаранг: «Куръони Карим» 1992 йил, 68-бет. «Нисо сураси», 135-оят.

Гувоҳ суд томонидан асосиз деб топилган сабаблар билан судга кўрсатма беришдан бош тортса ёки буйин товласа, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 238-240-моддалари бўйича жавобгарликка тортиладилар.

Судда гувоҳлик бериш кўпинча фуқаронинг ишдан қолдирилиши билан боғлиқ бўлади. Шундай бўлса ҳам қонун фуқароларнинг судда гувоҳлик беришга бурчли бўлишларини белгилади ва бундай ижтимоий бурчни бажаришдан бош тортувчиларнинг юқорида кўрсатилганидек, масъулиятга тортилишини назарда тутди.

Қонун фуқароларга судда гувоҳлик бериш бурчини юклаш билан бирга уларга қатор ҳуқуқлар ҳам беради, чунончи: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 115-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 9-моддасига асосан гувоҳлар судда ўз она тилларида кўрсатма беришга ҳақлилар. Агар гувоҳ иш юритилаётган тилни билмаса, суд таржимон таклиф қилишга мажбур бўлади. Ходимлар жумласидан бўлган гувоҳлар гувоҳлик бериш учун судда ҳозир бўлган кунларида ўртача иш ҳақини олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Гувоҳлар суд мажлисида оғзаки равишда сўроқ қилинадилар. Гувоҳларнинг гувоҳликлари оғзаки шаклда бўлишлиги-суд томонидан гувоҳнинг кўрсатмаларини бевосита қабул қилиш имкониятини таъминлайди. Фактик маълумотлар тўғрисида бирмунча тўла ва ҳар тарафлама маълумотларни ишни мазмунан кўрувчи судда, гувоҳни сўроқ қилиш воситасидагина олиш мумкин бўлади. Баъзи ҳолларда бошқа судда, чунончи, гувоҳнинг яшаш жойидаги судда ёки бошқа органда, масалан, нотариал идорада далилларни таъминлаш тартибида олинган гувоҳлик кўрсатмаларидан фойдаланишга ҳам йўл қўйилади. ФПКнинг 72-моддасида кўрсатилганидек, ишни кўраётган суд жойлашган ердан ташқарида доимий яшайдиган ва узрли сабаблар билан суд мажлисига келиш имкони бўлмаган гувоҳлар суднинг ташаббуси билан, тарафларнинг ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг ёхуд гувоҳнинг илтимоси бўйича ишни кўраётган суднинг топшириғига биноан ўзлари яшаб турган жойдаги суд томонидан сўроқ қилиниши мумкин. Бу гувоҳлар ишни кўраётган суд мажлисига келганлари ҳолда суд уларни сўроқ қила беради.

Фуқаролик ишининг кўрилиши бошқа кунга қолдирилганида, агар ишда иштирок этувчи шахслар суд мажлисида ҳозир бўлсалар ва гувоҳларнинг иккинчи марта келиши қийин бўлса, суд келган гувоҳларни сўроқ қила олади. Бу гувоҳларни янги суд мажлисига қайтадан чақиришга фақат зарур бўлган ҳоллардагина йўл қўйилиши мумкин (ФПКнинг 178-моддаси).

Гувоҳдан бирмунча аниқ ва тўғри кўрсатмалар, маълумотлар олиш мақсадида судда раислик қилувчи гувоҳга иш юзасидан ўзига шахсан маълум бўлган ҳолатлар тўғрисида гапириб беришни таклиф қилади (ФПКнинг 183-моддаси). Бу қоида гувоҳларнинг эркин ҳимоя шаклида баён этилишини белгилаб, савол-жавоб шаклида олинадиган кўрсатмалардан афзаллигини билдиради.

Гувоҳ суд мажлисида сўроқ илинишидан олдин кўрсатма беришдан бош тортганлик ва атайин ёлгон кўрсатма берганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантирилади. Гувоҳнинг берган кўрсатмасини тўғри

баҳолаш учун суд уни сўроқ қилишда унинг шахси тўғрисидаги маълумотларни тарафларга, учинчи шахсларга ва бошқа гувоҳларга нисбатан муносабатини аниқлайди. Агар гувоҳнинг кўрсатмаларида қарама-қаршилик бўлса, унинг сабабини билишга ҳаракат қилинади. Гувоҳларнинг кўрсатувларини баҳолашда суд бу кўрсатмаларнинг нимага асосланганлигини, хусусан гувоҳ томонидан маълум қилинмоқда бўлган фактларнинг ўзлаштирилиши шароитлари, ишга оид ҳолатларнинг кўрилиши, эшитилишида гувоҳнинг руҳий ҳолати хусусиятларининг тассуроти бўлган-бўлмаганлигини аниқлаши лозим.

Гувоҳнинг манфаатларини кўзлаб ва ишнинг вақтида кўрилишини таъминлаш мақсадида судга узрли сабаблар билан, чунончи, касаллиги, қарилиги, инвалид бўлиши туфайли кела олмаган гувоҳ ўзининг яшаш жойида сўроқ қилиниши мумкин. Гувоҳларнинг суд мажлисида сўроқ қилинишига оид қоидалар тўғрисида бирмунча батафсил маълумотлар шу китобнинг 17-бобида (**судда ишни кўриш бобида**) баён этилади.

Ёзма далиллар. Бу хилдаги далиллар иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар ифодаланган актлар, ҳужжатлар ҳамда ишга оид бўлган ва шахсий характердаги ёзишмалардан иборат бўлади (ФПКнинг 73-моддаси).

Ёзма далиллар фуқаролик ишларини ҳал қилиш учун муайян аҳамиятга эга бўлган фактлар тўғрисидаги маълумотлар ўз мазмунида ёзма равишда ифодаланган ҳужжат ҳисобланади. Бундай ҳужжатлар турли гувоҳномалар, аттестатлар, дипломлар, маълумотномалар, шартномалар, тилхатлар ва бошқа мазмундаги ҳужжатлар, ёзишмалар бўлиши мумкин.

Фуқаролик процессида ёзма далиллар муҳим аҳамиятга эгадир, чунки уларнинг мазмунида ифодаланадиган маълумотлар аниқлаштирилган шаклда берилади.

Ёзма далилларнинг тақдим қилиниши ва талаб қилиб олинишига оид қонунлар ФПКнинг 74-76-моддаларида белгиланади. Бу қонунларда айтилишича, ёзма далилни тақдим этувчи шахс шу далил билан иш учун аҳамиятли бўлган қандай ҳолатларни аниқлаш мумкин эканини кўрсатишга мажбур, талаб қилиб олишни илтимос қилган ҳолда эса-шу ҳужжатни тавсифлаб беришга ва ёзма далил мазкур шахсдан деб ҳисоблаши учун қандай асоси борлигини ҳам маълум қилишга мажбур.

Давлат муассасалари, корхоналари, жамоа хўжаликлари ва бошқа кооператив ва жамоат ташкилотларидан ёки фуқаролардан суд талаб қиладиган ёзма далиллар бевосита судга юборилади. Суд, шунингдек ёзма далилларни талаб қилиб олиш тўғрисида илтимос қилган шахсга шу далилни судга кейин яна тақдим этиш шарти билан олишга ҳуқуқ берадиган гувоҳнома бериши мумкин. Суд талаб қилинган ёзма далилларни тақдим этишга имконияти бўлмай, ишда қатнашмайдиган ташкилотлари, муассасалари, корхоналари, жамоат бирлашмалари, шунингдек фуқаролар бунинг сабабини кўрсатиб, бу ҳақда судни хабардор қилишга мажбурдирлар. Судни хабардор қилмаганлари ҳолда, шунингдек ёзма далилни тақдим этишни рад қилганликларининг сабаби суд томонидан узрсиз деб топилса, суд давлат муассасалари, корхоналари, бошқа кооператив ва жамоат ташкилотларининг бунда айбли мансабдор

шахсларига ёки фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин.

Жарима солиш тегишли мансабдор шахсларни ва фуқароларни суд талаб қилаётган ёзма далилни тақдим этиш мажбуриятидан озод қилмайди.

Одатда ёзма далилларнинг асли тақдим қилинади. Агар ҳужжатнинг нусхаси тақдим этилган бўлса, суд зарур бўлган ҳолда ҳужжатнинг аслини тақдим этишни талаб қилишга ҳақли. Ёзма далилларни судга тақдим қилиш қийин бўлса, масалан, улар ниҳоятда кўп бўлса ёки улардан фақат бир қисмигина иш учун аҳамиятли бўлса, суд уларнинг тегишли равишда гувоҳлантирилган кўчирмасини талаб қилиши ёки далиллар сақланаётган жойида кўздан кечириш ва текшириш мумкин.

Юқорида кўрсатилган қонунларнинг мазмунига кўра ёзма далиллар қуйидагича турларга бўлиниши мумкин:

Биринчидан, ҳужжатнинг асли (оригинали) ва нусхасига бўлинади. Фуқаролик иши кўрилишида умумий қоида бўйича ҳужжатнинг асли талаб қилинади. Унинг топширилиши мумкин бўлмагандагина нусхаси қабул қилиниши мумкин;

Иккинчидан, мазмуни бўйича муайян эрки ифодаладиган ва маълумотлар билдирадиган ҳужжатларга бўлинади. Эрки ифодаладиган ёзма далилларда, масалан, шартномада ёки битимда (васиятномани ифодалашда) шахснинг эрки кўрсатилади. Маълумотларга оид ёзма далилларда эса-бундай эркининг ифодаланиши бўлмайди. Буларда инфорацион характердаги маълумотлар, масалан, фуқаронинг туғилиши, никоҳга кириши, ўлими ҳолатларини рўйхатга олиш органлари томонидан берилган ҳужжатлар бўлади;

Учинчидан, ёзма далиллар расмий ва хусусий ҳужжатларга бўлинади. Давлат органлари, кооператив ва жамоат муассасалари, корхоналари ва ташкилотлари томонидан берилган ҳужжатлар расмий ҳужжатлар деб аталади. Булар жумласига суд қарорлари ва ҳукмлари, давлат бошқарув органларининг актлари ва шу каби ҳужжатлар киради. Фуқаролар қўли билан ёзилган ёки имзоланган ҳужжатлар норасмий ёки хусусий ҳужжатлар ҳисобланади. Бундан ҳужжатлар жумласига турли ёзишмалар, битимлар, шартномалар ва шу кабилар киради;

Тўртинчидан, ёзма далиллар ифодаланиши шакли бўйича оддий ёзма ва нотариал гувоҳлантирилган ҳужжатларга бўлинади. Ёзма шаклдаги ҳужжатлар ўз навбатида оддий ёзма ва мураккаб ҳужжатларга бўлинади.

Оддий ёзма далиллар қонун талабига биноан тегишли тартибда, масалан, нотариал тартибда ёки ҳокимиятларда ва ўзини-ўзи бошқарадиган идоралар гувоҳлантирилмаган ҳужжатлар бўлади. Бундай ҳужжатларнинг суммасига қараб далиллар сифатида қабул қилинишига барча ҳолларда йўл қўйилади.

Нотариал тасдиқланиши талаб этиладиган битимлардан ташқари, қуйидаги битимлар оддий ёзма шаклда тузилади:

1) юридик шахсларнинг ўзаро ва фуқаролар билан битимлари; 2) фуқаролар ўртасидаги белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ суммадаги битимлар қонунда белгиланган ҳолларда эса-битим суммасидан қатъий назар бошқа битимлар.

Битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди, бироқ низо чиққан тақдирда тарафларни битимнинг тузилганлигини, мазмунини ёки бажарилганлигини гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

Тарафлар битимларнинг тузилганлигини, мазмуни ёки бажарилганлигини ёзма ёки бошқа далиллар билан тасдиқлашга ҳақлидир.

Қонунда ёки тарафларнинг келишувида тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолларда битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

Баъзи ҳужжатларнинг ҳақиқий саналмаслик хавфи остида нотариал тартибда гувоҳлантирилиши лозимлиги қонун билан талаб қилинади. Масалан, давлат нотариал идораси томонидан гувоҳлантирилган ёзма битимлар, масалан, уй-жойнинг олиниши-сотилиши тўғрисидаги шартномалар нотариал тартибда гувоҳлантирилган ёзма далиллар ҳисобланади.

Баъзи ҳолларда битимнинг нотариал шакли ёинки қонун талабига кўра бирон-бир органда гувоҳлантирилган (тасдиқланган) бўлишлиги муҳим ҳолат бўлиб кўрилади, чунки битимнинг шаклига риоя қилинмаган бўлса, бундай битим ҳақиқий ҳисобланмайди. Бошқа ҳолларда қонун ҳужжатнинг ҳақиқий саналиши учун, фақат унинг нотариал тартибда гувоҳлантирилишинигина эмас, балки коммунал бўлимда ёки бошқа бир ташкилотда, масалан, ЗАГСда рўйхатдан ўтказилишини ҳам талаб қилади. Агар бундай талаблар бажарилмаган бўлса, (битим, ҳужжат), юридик аҳамиятга эга бўлмайди.

Қонун билан талаб қилинадиган битимнинг шакли (формаси)га риоя қилмаслик оқибати, бу тўғрида қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳоллардагина вужудга келади (ФКнинг 115-моддаси). Муайян фактларни белгилаш учун қонун, далил сифатида қонунда формаси ва мазмуни аниқ назарда тутилган ҳужжатларнигина берилишини талаб қилади, масалан, фуқаронинг туғилиши, фарзанд қилиб олинганлиги, никоҳга кириши, никоҳнинг бекор қилиниши, вафот этиши тўғрисидаги фактлар ЗАГС органларидан олинган ҳужжатларнинг кўчирмалари билан тасдиқланиши керак. Фуқаролик ишида далил сифатида келтирилган ҳужжатнинг калбаки бўлишлиги тўғрисида арз қилиниши, низо кўзғатилишига асос бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда суд ҳужжатининг ҳақиқий бўлишлиги-бўлмаслигини бошқа далиллар билан солиштириш ёки гувоҳлардан сўраш ёхуд хатни солиштириш учун экспертизага бериш йўли билан текширади. Ҳужжатнинг ҳақиқийлиги ёки калбакилиги тўғрисида масала ишни ҳал қилувчи суд томонидан кўрилаётган ишни тўхтатмасдан ва рўй берган низо ҳал қилишни жиноят процесси тартибида ҳал қилиш учун топширмасдан, суднинг ўзи ҳал қилади.

Агар ҳужжатнинг калбаки бўлишлиги тўғрисидаги низо кўришда, ҳужжатнинг дарҳақиқат калбакилиги аниқланса, бундай ҳужжат фуқаролик иши бўйича далил сифатида қабул қилинмайди. Калбаки ҳужжат топширилган шахсга нисбатан қонунда кўрсатилган ҳаракатлар амалга оширилади.

Ашёвий далиллар. Ашёвий далиллар тўғрисида ФПКнинг 79-моддасида кўрсатилган, бунда ишни мазмунан ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган

ҳолатларни аниқлаш воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган нарсалар (предметлар) ашёвий далил бўлишлиги белгиланган.

Бинобарин, муайян фактлар (ҳолатлар)нинг мавжуд бўлишлиги бирон-бир ашё билан, унинг хусусиятлари, турган жойи, унда қолдирилган излар билан исботланиши мумкин бўлган ҳолларда, бундай ашё фуқаролик ишида исботлаш воситаси (далил) бўлади. Ашёвий далиллар кўпинча низонинг предмети бўладиган нарсалар: кийим-кечак, мебель, уй-рузгор ашёлари, фоторасмлар ва шу кабилардан иборат бўлади.

Ашёвий далилларни судга тарафлар топширадилар, аммо суд уларни ўз ташаббуси билан ҳам талаб қилиб олиши мумкин. Ашёвий далилни тақдим этувчи ёки уни талаб қилиб олишни илтимос қилувчи шахс далил билан иш учун аҳамиятли бўлган қандай ҳолатларни аниқлаш мумкин эканлигини кўрсатишга мажбур.

Ашёвий далилларни талаб қилиб олиш ёки тақдим қилиш ташаббуси тўғрисидаги қоидалар ФПКнинг 80-моддасида келтирилган. Бу қонунларда кўрсатилишича, ишда иштирок этувчи ёки иштирок этмокчи шахсдан далил сифатида бирор нарсани талаб қилиб олишни суддан илтимос қилувчи шахс шу нарсани тавсифлаб бериши ва унинг мазкур шахсда деб ҳисобланиши учун қандай асоси борлигини кўрсатиш лозим.

Давлат муассасалари, корхоналари, жамоа хўжаликлари ва бошқа кооператив ҳамда жамоат ташкилотларидан ёки фуқароларнинг суд талаб қиладиган ашёвий далиллар бевосита судга юборилади.

Суд, шунингдек ашёвий далилни талаб қилиб олиш тўғрисида илтимос қилган шахсга шу далилни судга кейин тақдим этиш шарти билан олишга ҳуқуқ бериладиган суров хати ҳам бериши мумкин. Ишда иштирок этаётган давлат муассасалари, корхоналари, кооператив ҳамда жамоат ташкилотлари ёки фуқаролар талаб қилинаётган нарсани тақдим этиш ёки суд белгилаган муддатда келтириш имконига эга бўлмасалар, буни сабабини кўрсатиб, судни хабардор қилишга мажбурдирлар.

Судни хабардор қилмаганлари ҳолда, шунингдек агар суднинг нарсани тақдим этиш тўғрисидаги талаби суд узрли деб топган сабаблар билан бажарилмаган тақдирда, давлат муассасалари, корхоналари, кооператив ҳамда жамоат ташкилотларининг бунда айбли мансабдор шахсларга ёки фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солинади. Жарима солиш тегишли мансабдор шахсларни ва фуқароларни суд талаб қиладиган нарсани тақдим этиш мажбуриятидан озод қилмайди (ФПКнинг 81-моддаси).

Суд тарафларнинг иштирокида ашёвий далилларни суд мажлисида кўриб чиқади. Агар ашёвий далиллар бирон-бир сабабларга кўра судга келтирилиши мумкин бўлмаса-улар турган жойида кўрилади.

Ашёвий далилнинг кўрилиши натижалари суд мажлиси баёнига ёзилади. Шу тарзда судга келтирилиши мумкин бўлмаган ёзма далиллар ҳам кўрилади ва текширилади. Суд мажлиси баёнига ашёнинг рўйхати билан бирга уни кўришда чизилган режалар олинган расмлар ва шу кабилар илова қилинади.

Агар ашёвий далиллар озиқ-овқатлар ва тез бузиладиган бошқа нарсалар бўлса, ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилиниб, бу озиқ-овқатлар суд

томонидан дарҳол кўздан кечирилган бўлса, ўша шахсларга қайтарилади ёхуд уларни тегишлича фойдаланишлари мумкин бўлган муассасаларга, корхоналарга ёки ташкилотларга топширилади. Кейинги ҳолда нарсанинг эгасига ўша хил ва ўша сифатдаги нарсалар қайтарилади ёки уларнинг қайтариш вақтидаги давлат баҳоси бўйича қиммати тўланади. Ашёвий далиллар ФПКнинг 83-моддасига мувофиқ сақланади ва қайтарилади. Бу қонунда кўрсатилишича, ашёвий далиллар суднинг ажрими билан ишга қўшилади ва ишда сақланади ёки алоҳида рўйхат бўйича суднинг ашёвий далилларни сақлаш жойига топширилади.

Судга келтирилиши мумкин бўлмаган нарсалар улар турган жойда сақланади. Улар батафсил тасвирланиши, муҳрланиши зарур бўлган ҳолда фото ёки видео суратга олинishi лозим. Ашёвий далиллар суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин улар кимдан олинган бўлса, ўша шахсларга қайтарилади ёки шу нарсаларга суд кимни ҳуқуқли деб топган бўлса, ўша шахсларга берилади.

Алоҳида ҳолларда суд ашёвий далилларни кўздан кечириб ва текшириб чиққанидан кейин улар кимдан олинган бўлса, ўша шахсларга иш тамомланмасдан аввал қайтарилиши мумкин, лекин бунинг учун мазкур шахслар уларни қайтариш ҳақида илтимос қилган бўлишлари ва бундай илтимосни қаноатлантириш ишни текшириш ва ҳал қилув қарорини ижро қилиш учун зарарсиз бўлиши шарт.

Қонун бўйича фуқароларнинг эгалигида бўлиши мумкин бўлмаган нарса (предмет)лар тегишли давлат муассасаларига ёки ташкилотларга ўтказилади.

Экспертнинг хулосаси. Ишни текшириш вақтида келиб чиққан фан, санъат, техника ёки ҳунар соҳасида махсус билим талаб қиладиган масалаларни тушунтириш учун суд тарафларнинг ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимослари бўйича ёки ўз ташаббуси билан экспертиза тайин қилиши мумкин (ФПКнинг 84-моддаси).

Экспертиза ҳар турли масалалар бўйича тайинланиши мумкин, чунончи фуқаронинг руҳий ҳолати текширилганида-психиатрия экспертизаси, ёзувлар, хатлар текширилганида-криминалистик экспертиза ва шу каби экспертизалар тайинланиши мумкин. Экспертиза воситасида фактлар таҳлил қилинади. Фактларни экспертлар фан нуқтаи назаридан ёки ўзларининг махсус тажрибаларига асосланиб тушунтирадилар.

Экспертнинг хулосаси исботлаш воситаси ҳисобланади. Экспертиза эса-билимдон ёки ҳунарманд шахсларнинг ёрдамида далилларни текшириш усули бўлиб кўрилади. Экспертиза судда фактларни текшириш вақтида зарур бўлиб қолади, чунки судьяларда махсус билимлар бўлмаганлиги туфайли баъзи фактлар суд томонидан текширилиши ва тўғри баҳоланиши анча мураккаб бўлиши мумкин.

Ишда иштирок этувчи шахслар экспертларнинг тушунтириши лозим бўлган масалаларни судга тақдим этишга ҳақлидир. Экспертларнинг фикри талаб қилинадиган масалаларнинг қатъий доирасини суднинг ўзи белгилайди. Суд таклиф қилинган масалаларни рад қилса, буни асослантиришга мажбур (ФПКнинг 85-моддаси). Экспертлар ўз фикрларини бериш учун далилларни

текширишлари, материаллар билан танишишлари, гувоҳларга ва тарафларга саволлар беришлари мумкин.

Экспертлар ўз фикрларини беришда далилларни текшириш йўли билан белгиланган фактларга ва ўзларининг махсус билимларига асосландилар. Экспертизани экспертларнинг фикрларига тенглаштирмаслик керак. Экспертиза-далилларни текшириш жараёни бўлса, экспертларнинг фикрлари эса-иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни текшириш натижаси, исботлаш воситаси (далил) бўлиб ҳисобланади.

Модомики, экспертиза далилларни текшириш усули бўлар экан, экспертнинг фикри эса-исботлаш воситаси бўлар экан, демак экспертиза муайян процессуал тартибда ўтказилган бўлиши лозим. Экспертиза судда ўтказиладиган ёки текширишнинг характери бўйича зарур бўлса ёхуд текшириладиган предметни судга келтириш мумкин бўлмаса ёки қийин бўлса суддан ташқарида ўтказилади.

Экспертиза тайинлаш тўғрисидаги ажримда қандай масалалар бўйича экспертларнинг фикри талаб қилиниши ва экспертиза ўтказиш кимга топширилганлиги кўрсатилган бўлиши лозим. Экспертларни тайинлашда суд ишида иштирок этаётган шахсларнинг фикрларини эътиборга олади. Экспертиза тегишли муассасаларнинг экспертлари ёки суд тарафидан тайинланадиган бошқа мутахассислар томонидан ўтказилади. Бундай муассасалар, чунончи: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд экспертизаси институти, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлиги қошидаги суд-медицина экспертизаси ва шу каби бошқа экспертиза муассасалари бўлиши мумкин.

Одатда экспертизани суд ўз ташаббуси билан тайинлайди, аммо тарафлар суд тайинлаган экспертларнинг текшириш ўтказишига қарши чиқишлари, уларга рад қилиш ҳақида арз қилиши мумкин.

Тарафлар экспертларга саволлар беришлари уларнинг хулосалари тўғрисида ўз фикрларини айтишлари, такрор экспертиза ўтказилиши тўғрисида илтимос қилишлари мумкин. Текшириш ўтказиш учун экспертларни танлаш ҳуқуқи судга берилган. Бу масала юзасидан тарафларнинг ўзаро келишувлари суд учун мажбурий эмас. Шу билан бирга тарафларнинг ҳар қайсилари бир неча экспертлардан қайси бирини эксперт қилиб тайинлаш лозимлиги тўғрисида ўз фикрларини айтишлари мумкин, аммо масалани узил-кесил суд ҳал қилади.

Эксперт қилиб тайинланган шахс суднинг чақируви бўйича келишга ва ўз олдида қўйилган масалалар бўйича ҳолис фикр беришга мажбур.

Агар эксперт суднинг чақируви бўйича суд узрли деб топган сабабларга кўра келмаса, унга ФПКнинг 86-моддасида белгиланган миқдорда жарима солинади.

Эксперт фикр беришдан бош тортса ёки буйин товласа, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 238-240-моддаси бўйича жавобгарликка тортилади (ФПКнинг 86-моддаси). Экспертнинг ҳуқуқлари ФПКнинг 87-моддасида белгиланган. Бу қонунда кўрсатилишича, эксперт ўзини-ўзи эксперт сифатида қизиктирадиган ҳолатларни аниқлаш учун иш материаллари билан

танишишга, ишда иштирок этаётган шахсларга ҳамда гувоҳларга саволлар беришга, жойни бориб кўришда иштирок этишга ва унинг қўшимча материалларнинг берилиши тўғрисида судда илтимос қилишга ҳақлидир.

Эксперт, агар унда берилган материаллар етарли бўлмаса ёки ўз зиммасига юкланган вазифани бажариш учун етарли билимга эга бўлмаса, фикр беришдан бош тарта олади.

Белгиланган тартибда экспертиза ўтказилганидан сўнг эксперт ўзининг фикрини ёзма шаклда беради ва у ишга қўшиб қўйилади. Суд экспертга ўз фикрини оғзаки тушунтириб, беришни таклиф қилиш ҳуқуқига эгадир. Оғзаки тушунтириш суд мажлисининг баёнига ёзилади, экспертга укиб берилади ва унинг томонидан имзоланади.

Экспертнинг фикри ўтказилган текширувларнинг батафсил баёнидан, уларнинг натижасида чиқарилган хулосалар ва суднинг куйган саволларига асосланган жавоблардан иборат бўлмоғи лозим.

Агар эксперт экспертиза ўтказилаётганида суднинг куйган саволларида кўрсатилмаган, лекин иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқласа, у ўзининг фикрига шу ҳолатлар тўғрисидаги хулосаларни киритишга ҳақлидир (ФПКнинг 88-моддаси).

Экспертнинг хулосаси суд учун мажбурий эмас ва суд унга белгиланган қоидаларга биноан баҳо беради. Экспертнинг хулосасига суднинг қўшилмаганлик сабаби иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорида ёки ажримда асосланган бўлиши лозим. Айрим ҳолларда суд (судья) тарафларнинг илтимослари бўйича ёки ўз ташаббуси билан бир неча экспертлар тайинлаши мумкин. Бундай ҳолларда улар ўзаро маслаҳатлашишга ҳақлидирлар. Агар экспертлар умумий бир хулосага келсалар, уларнинг ҳаммаси бир фикрни имзолайдилар. Агар улар келиша олмасалар, уларнинг ҳар бири алоҳида фикр ёзади. Суд бундай ҳолда экспертлардан қўшимча баёнот топширишни талаб қилиши ёки бошқа экспертлар тайинлаши мумкин (ФПКнинг 89-моддаси).

Эксперт (экспертлар)нинг хулосаси олинганидан сўнг суд улар олдида қўйилган саволларга жавоб олинган-олинмаганлиги, уларга берилган материаллардан қандай тўлиқ фойдаланганлигини, қилинган хулосаларнинг текшириш материалларига мувофиқ келишлигини аниқлайди.

Экспертларнинг хулосаси қатъий бўлсагина исботлаш воситаси (далил) сифатида фойдаланилиши мумкин. Тахминий хулосаларнинг суднинг чиқарадиган қарори асосига қилиб бўлмайди. Далилларнинг текширилиши ва уларга баҳо берилиши тўғрисида шуни айтиш керакки, суд томонидан далиллар сифатида қабул қилинадиган маълумотларнинг қандай шароитларда, қайси усулда олинганлигини текшириш муайян аҳамиятга эгадир.

Суд ҳақиқатни аниқлаш учун ишнинг барча ҳолатларини, тўпланган далилларни чуқур текшириши зарур, чунки ишнинг ҳақиқий ҳолатини ҳар томонлама текшириш принципнинг (ФПКнинг 15-моддаси) бузилиши суд қарорини бекор қилиш учун асос бўлади. Судга оид далилларнинг ҳақиқийлигини белгилаш мақсадларида биринчи инстанция суди далилларни бевосита текширади, судга маълум қилинган маълумотларнинг (гувоҳларнинг гувоҳликлари, ёзма ҳужжатларнинг) қанчалик тўғри бўлишлигини аниқлайди.

Суд тарафларнинг иштирокида далилларни текшириш натижасида уларга баҳо беради, яъни қандай ҳолатда, қандай фактлар ҳақиқатда рўй берганлиги тўғрисида хулоса чиқаради. ФПКнинг 67-моддасида кўрсатилганидек, суд далилларга ишдаги ҳамма ҳолатларни суд мажлисида ҳар тарафлама тўлиқ ва беғараз равишда кўриб чиқишга асосланган ўз ички ишончи бўйича, қонунга амал қилиб баҳо беради. Бу қонунда ҳеч қандай далил суд учун олдиндан белгиланиб қўйилган кучга эга эмаслиги айтилади. Далилларни ички ишонч бўйича баҳолаш тўғрисидаги қонуннинг маъноси-далиллар сифатига келтирилган маълумотларнинг тўғри бўлиш-бўлмаглиги ва бу далиллар (воситалар) текшириладиган ҳолатларнинг ҳақиқатан содир бўлишлиги тўғрисидаги масалани судьяларнинг ўзлари ҳал қилишларини билдиради. Суднинг далилни текшириш ва баҳолаш тўғрисидаги хулосалари ҳал қилув қарорининг асослантириш қисмида кўрсатилади (ФПКнинг 206-моддасининг 4-қисми).

4-§. Судда мутахассиснинг иштирок этиши

Амалдаги фуқаролик процессуал ҳуқуқига киритилган янги жиҳатлардан бири мутахассисларни фуқаролик ишларини судда кўриб ҳал этишда, уларнинг билим ва ҳунарларидан фойдаланиш ҳуқуқини қонунлаштиришидир.

ФПКнинг 90-моддасида судда мутахассисликнинг иштирок этиши тўғрисида кўрсатилган, бу қонунда белгиланишича, судга ёки суд мажлиси иштирочиларига далилларнинг текширишда фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билим ва малака талаб қилинган ҳолларда, судда ишни кўришда иштирок этиш учун мутахассис таклиф қилинади.

Суднинг мутахассис чақириш ҳақидаги талаби мутахассис ишлаб турган ташкилот раҳбари учун мажбурийдир. Мутахассислар экспертлар каби экспертиза муассасаларида ишламаслиги ҳам мумкин. Мутахассисдан иш юритишни тайёрлов босқичида, ишни судда мазмунан кўришда ва ижро босқичида ҳам фойдаланиш мумкин.

Мутахассис судга суд муҳокамасида далилларни аниқлашда ва уни асослашда ўз фикрини бериш учун жалб этилади. Мутахассис

сифатида судга тиббиёт ходимлари, педагоглар, музикашунослар ва бошқа маълум билим, ҳунар ва малакага эга бўлган шахслар чақирилиши мумкин.

Суд муҳокамасини ўтказишда илмий-техника воситаларини (магнитофон, видеомагнитофон, кинога олиш аппаратлари ва бошқа аппаратлар)ни қўллаш учун мутахассис чақириши мумкинлиги белгиланган (ЖПКнинг 69-моддаси).

Судда иштирок этиш учун жалб этилган мутахассис процессда қатор процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга, масалан, мутахассис: ўзининг қандай мақсадда чақирилганлигини билиш; башарти тегишли билимларга эга бўлмаса, иш юритишда иштирок этишдан бош тортиш; ўзи иштирок этаётган процессуал ҳаракатларга оид иш материаллари билан танишиш; ўзи иштирок этаётган процессуал ҳаракатларга алоқадор арз ва мулоҳазалар билдириш; суднинг

руҳсати билан саволлар бериш; суднинг ҳаракатлари устидан шикоятлар келтириш ҳуқуқига эгадир.

Яна мутахассис қуйидаги мажбуриятларга амал қилиши даркор, жумладан, мутахассис: суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; суд муҳокамасини юритишда далилларни топиш ва мустаҳкамлаш учун илмий-техника воситалари, махсус билим ва малакасидан фойдаланган ҳолда иштирок этиши; Иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларга эътиборни қаратиши; ўзи бажараётган ҳаракатлар бўйича тушунтиришлар бериши; низони келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқишда судга ёрдам бериши; ишнинг суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши ва иш юзасидан ўз малакасига асосланган ҳолда фикр бериши лозим.

Фуқаролик ишини кўраётган судга чақирилган мутахассис суд узрсиз топган сабабларга суд чақируви бўйича келмаса, унинг энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солиниши назарда тутилган (ФПКнинг 91-моддаси 3-қисми). Мутахассиснинг фикри суд учун мажбурий бўлмайди, агар суд лозим топса, бошқа мутахассисларни жалб этишлари мумкин.

5-§. Далилларни таъминлаш

Суд амалиётида манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эгадир. Далилларни таъминлаш билан иш кўриш тезлашади, шу борадаги айрим тусиклар бартараф этилади.

ФПКнинг 60-моддасида кўрсатилганидек, ўзлари учун зарур бўлган далилларни кейинчалик тақдим этиш мумкин бўлмай қолади ёки қийинлашади, деб ҳавотирланиш учун асоси бўлган шахслар иш кўриляётган вақтда суддан ёки даъво кўзгатилишидан олдин ва кейин судьядан ўша далилларни таъминлашни илтимос қилишлари мумкин.

Бу қонунга мувофиқ тарафлар, чунончи, бирон-бир гувоҳнинг бошқа жойга кетиб қолишлигини назарда тутиб, ундан сўроқ олиб қолганини, бирон-бир ҳужжатнинг йўқотилиши тўғрисида ҳавотир-ланиш бўлганида, унинг асли ёки тасдиқланган кўчирмаси олинганини ва шу каби бошқа далилларнинг суд мажлисига қадар сақланишини таъминлаш тўғрисида илтимос қилишлари мумкин.¹ Ариза далилларни таъминлаш учун процессуал ҳаракатлар қилиниши лозим бўлган жойдаги судга топширилади.

Далилларни таъминлаш тўғрисидаги аризаларда таъминлаш керак бўлган далиллар тасдиқланиши учун шу далиллар зарур бўлган ҳолатлар ариза берувчини далилларни таъминлаш тўғрисидаги илтимос билан мурожаат қилишга олиб келган сабаблар, шунингдек таъминланадиган далил зарур бўлган иш кўрилиши лозим (ФПКнинг 62-моддаси). Далилларни таъминлаш тўғрисидаги аризада юқорида кўрсатилганлардан ташқари, иш учун аҳамиятли бўлган бошқа маъ-лумотлар ҳам кўрилиши мумкин.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Адвокатура, Нотариат тўғрисидаги қонунлари. «Адолат», Тошкент., 1997 йил.

Далилларни таъминлаш тартиби ФПКнинг 63-моддасида белгиланган. Бу қонунда айтилишича, далилларни таъминлаш судья томонидан ФПКда белгиланган тартибда амалга оширилади. Ариза берувчига ва бошқа манфаатдор шахсларга далилларни таъминлаш вақти ва жойи ҳақида хабар қилинади, лекин уларнинг келмай қолиши далилларни таъминлаш ҳақидаги аризани кўришга тўсқинлик қилмайди. Кейинга қолдириш мумкин бўлмаган ҳолларда, шунингдек оқибатда ариза берувчи билан кимнинг ўртасида низо келиб чиқишини аниқлаш мумкин бўлмаган ҳолларда, далилларни таъминлаш фақат биргина ариза берувчининг ўзини хабардор қилиш йўли билан амалга оширилади.

Далилларни таъминлаш тартибида судьялар тарафларнинг, учинчи шахсларнинг баёнотларини эшитади, гувоҳларни сўроқ қилади, экспертиза тайинлайди, ёзма ва ашёвий далилларни талаб қилиб олади, кўриб чиқади ёки жойга бориб кўздан кечириш ўтказиши.

Далилларни таъминлаш тартибида тўпланган ҳамма материаллар ишни кўрадиган судга юборилади ёки ариза берувчининг ўзига берилади.

ФПКнинг 62-моддасида даъвои таъминлаш тўғрисидаги аризининг судья томонидан кўрилиши ва тўпланган материалларнинг ишни кўрадиган судга юборилиши муддати кўрсатилмаган бундай ҳолларда суднинг процессуал ҳаракатлари мазмуни ва натижалари жиҳатидан суд топшириқларини бажариш ҳаракатларига ухшаш бўлганлиги туфайли аналогия бўйича ФПКнинг 65-моддасида кўрсатилган ўн беш кунлик муддатда бажарилиши керак. Бу тўғрида тузилган баёнотлар эса-тузилган замон дарҳол юборилишлари лозим. Далилларни таъминлаш тўғрисида чиқарилган ажрим устидан шикоят бериш мумкин эмас. Далилларни таъминлашни рад қилиш тўғрисидаги ажрим устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин (ФПКнинг 64-моддаси).

қонунда ишни кўраётган суднинг далиллар тўплаш мақсадларида бошқа судларга айрим топшириқлар бериши мумкинлиги ҳам назарда тутилган. Фуқаролик процессининг бевосита ўтказилиши принциpidан истесно тариқасида, айрим ҳолларда далилларни тўплаш ва таъминлаш юзасидан процессуал ҳаракатларни бошқа шахар ёки районда ўтказиш зарур бўлган ҳолларда иш кўраётган суд тегишли судга бу тўғрида топшириқ бериши мумкин.

Суд топшириғи ажрим билан расмийлаштирилади ва унда курилаётган ишнинг мазмуни, аниқланиши зарур бўлган ҳолатлар, топшириқни бажарувчи суд тўплаши лозим бўлган далиллар кўрсатилади. Бу ажрим қайси суд номига ёзилган бўлса, шу суд учун мажбурийдир ва уш беш кунгача бўлган муддат ичида бажарилиши лозим (ФПКнинг 65-моддаси).

Суд топшириғини бажариш тартиби ФПКнинг 66-моддасида белгиланган. Бу қонунда кўрсатилишича, суд топшириғини бажариш суд мажлисида белгиланган тартибда ўтказилади. Ишда иштирок этувчи шахслар мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинади, лекин уларнинг қолмаслиги топшириқни бажаришга тўсқинлик қилмайди. Топшириқни бажариш вақтида

тузилган баённомалар ва йигилган ҳамма материаллар ишни кўраётган судга дарҳол юборилади.

Агар ишда иштирок этувчи шахслар ёки топшириқни бажараётган судга кўрсатма берган гувоҳлар ишни кўраётган судга келиб қолсалар, улар умумий тартибда баёнот ёки кўрсатма берадилар.

ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

ДАЪВО

1-§. Даъво тушунчаси

Ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низоли ҳуқуқни ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли (ФПКнинг 1-моддаси).

Юридик шахс ҳуқуқидан фойдаланувчи ташкилотлар ўзаро низолари юзасидан мулкӣ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш хусусида, белгиланган тартибда хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидирлар.¹

Баъзи даъволар қонунда назарда тутилган ҳолларда, ҳакамлар (ҳолислар) судида кўзғатилиб ҳал қилиниши мумкин. Даъво деб ҳуқуқнинг ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатнинг ҳимоя қилиниши тўғрисида судга ёки бошқа ваколатли ташкилотга мурожаат этишга айтамыз.

Даъво кўзғатиш ҳуқуқи фуқаролар, давлат манфаатларини ва ташкилотларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг процессуал воситаси бўлиб кўрилади.

Шариат ҳуқуқида фуқаролар ўзларининг манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда арз-шикоятлар билан бир қаторда даъво кўзғатиш йўли билан ҳам қозиларга (қозилар судига) мурожаат қилганлар.

Даъво сўзини нафақат фуқаролик, шу жумладан жиноий ишларда ҳам фойдаланганлар. Буларни қуйидагилардан англаш мумкин.

Даъво асли арабча сўз бўлиб, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этиш ҳақида суд орқали ёки бошқа йўллар билан қўйилган талаб тушунилади. Даъвонинг бир қанча турлари мавжуд:

1) хун даъвоси-ўлдирилган кимсанинг қонига қон олиш ёки қонун билан жазо талаб этиш;

2) бировни айблаш, тухмат қилиш даъвоси;

3) ўзида йўқ ҳақ-ҳуқуқни ёки хислат-фазилатларнинг эътироф этилиши йўлидаги талаб қилишга бўлган ноўрин ёки ноҳақ уриниш (иддао) талаби, даъво қилиши ва ҳоказо.

Даъво кўзғатувчи шахс судга мурожаат қилишдан олдин, ўз талабини ихтиёрий равишда қаноатлантирилиши тўғрисида мажбурият субъектига мурожаат қилади, ташкилотларнинг талаби (претензияси) бутунлай

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик Процессуал кодекси. Тошкент., 1998 йил.

қаноатлантирилмаса ёки қисман қаноатлантирилган бўлса ёхуд талабга жавоб бўлмаса, манфаатдор шахс (фуқаро ёки ташкилот) бузилган ёки низоли ҳуқуқнинг ёхуд қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатнинг кўриқланиши тўғрисида махсус ариза билан судга мурожаат қилади.

Фуқаролик даъво иши низоли иш бўлиб кўрилади. Бундай ишларда албатта низолашувчи тарафлар: даъвогар ва жавобгар қатнашади ва улар ўртасида низоли ҳуқуқий талаб бўлади. Бундай низоли ҳуқуқий талаб бўлмаса-даъво ҳам, низоли суд иши ҳам бўлмайди.

Агар бирон-бир даъвосиз, низосиз даъвогар ва жавобгари бўлмаган фуқаролик ишлари ҳам судда кўрилиши мумкин. Низосиз ҳуқуқларнинг ёки қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларнинг кўриқланиши тўғрисида судга мурожаат қилиш мумкинлиги тўғрисида қонунда назарда тутилган. Масалан, алоҳида тартибда кўриладиган ишларда; фуқарони бедарак йўқолган деб топилиши ёки ўлган деб эълон қилиши (ФПКнинг 286-290-моддалари); спиртли ичимликларни ёки наркотик моддаларни суиистеъмол қилганлик учун фуқароларнинг муомалага лаёқатини чеклаш ёки фуқаронинг руҳий касаллиги туфайли уни муомалага лаёқатсиз деб топиш (ФПКнинг 291-моддаси) тўғрисидаги фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилишда фақат муддао баён қилинади. Бундай фуқаролик ишларида низоли ҳуқуқий талаб бўлмагани учун даъво ҳам бўлмайди.

Даъво ишида муайян ҳуқуқ тўғрисидаги низо ҳал қилинади ва шу муносабат билан даъвогарнинг талаблари ҳамда жавобгарнинг эътирози қонуний ва асосли бўлиши текширилади. Оқибатда суд ё даъвони (даъвогарнинг жавобгарга бўлган талабини) бутунлай ёки қисман қаноатлантиради ёинки даъвони рад этади .

Ҳар қандай фуқаролик даъвосининг икки томони бор:

биринчидан, моддий-ҳуқуқий томони-бунда аввало, даъвогарнинг жавобгарга нисбатан муайян низоли моддий ҳуқуқий талаби бўлиши, масалан, бирон-бир ашёнинг топширилиши, пул тўланиши, хизмат кўрсатилиши, зарарнинг қопланиши хусусидаги талаби бўлади;

иккинчидан, процессуал ҳуқуқий томони-бунда тарафлар ўртасида келиб чиққан низонинг мазмунан ҳал қилиниши ва бузилган ёки низоли ҳуқуқнинг кўриқланиши тўғрисида судга илтимос билан мурожаат қилиниши бўлади.

Даъвонинг бу ҳар икки томони бирга кўшилганидагина, даъво низоли ҳуқуқни ҳимоя қилиш воситаси бўлиб кўрилади. Даъво қилиш-судда фуқаролик иши кўзғатилиши учун асос бўлади. Ишнинг юргизилиши учун даъво аризаси қабул қилинган кундан эътиборан, мазкур иш юзасидан фуқаролик процесси давом эта бошлайди ва фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабат вужудга келади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 10-моддасида кўрсатилганидек, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш белгиланган тартибда суд хўжалик суди ёки ҳакамлар суди томонидан амалга оширилади. Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланган ҳолларда ва тартибда қасаба уюшма ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотлари томонидан ҳам амалга оширилади. Бу тартиб ФПКнинг

нормаларида, хўжалик суди, ҳакамлар суди ва бошқа органларда иш кўриш тўғрисидаги қоидалар билан ҳам белгиланган.

қонун билан алоҳида назарда тутилган ҳолларда фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиши маъмурий тартибда амалга оширилади (ФКнинг 10-моддасининг 2-қисми). Бундай тартиб, масалан, (ташкilot ёки фуқаронинг) бировнинг квартирасини ўзбошимчалик билан эгаллаган шахсни прокурорнинг санкцияси билан кўчиришда ва шу билан бузилган ҳуқуқини тиклашда қўлланилади. Бундай ҳолларда процессуал тартиб қўлланилмайди.

Даъво, яъни низоли моддий-ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган ва муайян процессуал тартибда кўриш ва ҳал қилиши учун суд ёки бошқа ваколатли органда қўзғатилган талаб тушунчаси билан даъвога бўлган ҳуқуқ тушунчаси чамбарчас боғлиқдир.¹

Даъвога бўлган ҳуқуқ деганимизда, ёинки низоли фуқаролик ҳуқуқининг, оила, меҳнат, уй-жой ва ҳоказо масалаларга оид ҳуқуқнинг, фуқаролик процесси тартибда суд ҳимоясини олишга бўлган ҳуқуқнинг, шунингдек суд томонидан қонуний ва асосли деб топилган даъво талабининг қаноатлантирилишига бўлган ҳуқуқни тушунамиз.

Даъво қилиш, даъво қўзғатиш учун асос (ҳуқуқ)нинг бўлмаслиги оқибати-даъво аризасининг қабул қилинишини рад этиш ёки ФПКнинг 100-моддасида кўрсатилганидек, ишнинг юргизилишини тугатиш бўлади. Даъвонинг қаноатлантирилиши учун ҳуқуқнинг бўлмаслиги оқибатида-даъвони рад қилишдан иборат бўлади.

2-§. Даъвонинг элементлари

Ҳар бир даъвонинг ўзига хос хусусиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, яъни бир даъвони иккинчи даъводан ажратиш мақсадида даъволар икки элементга, таркибий қисмга: даъво предмети (даъво қилинаётган нарса)га ва даъво асосига бўлинади. Бу икки элемент даъвонинг мазмунини ташкил этади.

Даъвонинг предмети даъвогарнинг талаби, яъни уни жавобгардан суд орқали талаб қилинаётган нарсаси бўлади. Даъво предмети бирон-бир нарсани ундириш тўғрисидаги талабдир. Чунончи: муайян сумманинг ундирилиши, бирон-бир мулкнинг топширилиши, хизмат кўрсатилиши тўғрисидаги моддий-ҳуқуқий ёинки шахсий ҳуқуққа асосланган талаб бўлиши мумкин.

Даъво предмети муайян ҳуқуқий муносабатнинг бўлиши ёки бўлмаслигини, чунончи: низоли мулкда даъвогарнинг хиссаси бўлиши, мерос мулкига нисбатан ворис деб танилиши, асарнинг муаллифи деб танилиши тўғрисидаги талаблар бўлиши мумкин. Даъвонинг асоси деб даъво талабини тасдиқлайдиган далилларга айтилади. ФПКнинг 149-моддасида айтилганидек, даъвогар аризасида талаби қандай ҳолатларга асосланганлигини ва бу ҳолларнинг мавжудлигини тасдиқлайдиган далилларни кўрсатиш лозим. Бундай ҳолларда муайян юридик фактни вужудга келтирадиган ёки ўзгартирадиган ёхуд бекор қиладиган ҳолатлар ҳисобланади. Даъво қўзғатиш

¹ Қаранг: Э.Э.Эгамбердиев. «Фуқаролик суд ишларини юритиш турлари». «Камалак» нашриёти, 1996 йил.

учун асос бўладиган юридик фактлар беҳисоб кўп. Чунончи тузилган шартномаларнинг бажарилмаслиги, муайян шартларнинг бузилиши, қарзга олинган нарсанинг, пулнинг тўланмаслиги, топшириқнинг бажарилмаслиги ёинки сифатсиз бажарилиши, турар жой ижараси шартномаси шартларнинг ўзгартирилиши, фуқаронинг ўлими, юридик шахснинг тугатилиши тадбиркорлик тўғрисидаги қонунларни бўлиши¹ ва шу каби қатор ҳолатлар, юридик фактлар, даъвогар ва жавобгарга нисбатан ҳуқуқ ва бурчлар вужудга келтирадиган асослар бўлади.

3-§. Даъвонинг турлари

Маълумки, даъвогар судга мурожаат қилишида бирон-бир процессуал мақсадни кўзлайди. Унинг бу мақсади: бузилган ёки низоли ҳуқуқнинг ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатнинг ҳимоя қилиниши тўғрисида суд қарорига эришишга қаратилади.

Бундай қарор, масалан, бировдан тегишли пулни ундириш ёинки бирон-бир мулкнинг эгаси деб топилиши тўғрисида бўлиши мумкин.

Даъвогарнинг қандай мақсадни кўзлашига, нима тўғрисида қарор чиқарилишини суддан илтимос қилишига қараб, даъвогар икки турга: ундириш (олиб бериш) ва тан олиш тўғрисидаги даъвогарга бўлинади.

Ундириш (присуждение) тўғрисидаги даъвогарда даъвогар биринчидан, муайян ҳуқуқни олишга ҳақли бўлишлигини белгилашни, чунончи: мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини олишга, турар жойдан фойдаланишга, вояга етмаган болани ўз тарбиясига олишга ҳақли бўлишлигини ва иккинчидан, жавобгарнинг муайян ҳаракатларни қилиши, масалан, даъвогарга низоли мулкни топшириш, турар жойни бўшатиб бериши, болани тарбиялаш учун топшириши лозимлиги тўғрисида суд зарарининг чиқарилишини илтимос қилади. Агар суднинг қарори жавобгар томонидан ихтиёрий равишда бажарилмаса-қарор белгиланган тартибда ижро этилиши учун топширилади. Шу туфайли бундай даъво-ижро этиладиган даъво деб ҳам аталади.

Эътироф этиш, тан олиш тўғрисидаги даъвогарда даъвогар фақат низоли ҳуқуқнинг ўзига тегишли бўлишини тан олишигина, низоли ҳуқуқий муносабатнинг мавжуд бўлгани ёки бўлмаганлигинигина илтимос қилади. Бундай даъвогарда, масалан, даъвогар васиятноманинг ҳақиқий эмас деб топилишини, асарнинг муаллифи деб танилишини суддан илтимос қилади. Бундай даъвогарда даъвогар, масалан, васиятноманинг ҳақиқий эмас деб топилишини суддан илтимос қилади. Бундай даъвогарда даъвогар жавобгарни бирон-бир ҳаракат қилишга масалан, мерос хиссасини ажратиб беришга, муаллифга калам ҳақи (гонорарни) тўлашга мажбур этиш тўғрисида қарор чиқарилишини илтимос қилмайди. Даъвогар юқорида кўрсатилганидек, фақат процессуал мақсад бўйичагина эмас, балки даъво талабларининг келиб чиқишига сабабчи бўлган низоли ҳуқуқий муносабатларнинг тури бўйича ҳам турларга бўлинади (классификация қилинади). Чунончи: меҳнатга оид ҳуқуқий

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари. 1991 йил, 4-сон, 60-модда.

муносабатлардан келиб чиқадиган даъволар, алиментлар ундириш тўғрисидаги даъволардан фарқ қилади. Зарар етказишдан келиб чиқадиган даъволар эса турар жойлардан кўчириш тўғрисидаги даъволардан фарқ қилади. Бундай даъволар бир-биридан моддий ҳуқуқий мазмуни жиҳатдангина эмас, балки бундай низоларни кўриш ва ҳал этиш учун қонун билан белгиланган процессуал хусусиятлари жиҳатдан ҳам фарқланади.

4-§. Бир неча талабларни бирлаштириш ва ажратиш

Қонун даъвогарнинг бир-бири билан боғлиқ бўлган бир неча талабларни бирлаштириш, бирга кўрилиши ва ҳал этилишига йўл кўяди. Бундай талаблар бир даъвогар томонидан бир неча талабларга нисбатан қилиниши мумкин.

ФПКнинг 155-моддасида даъвогар бир аризада ўзаро боғлиқ бўлган бир неча талабларни бирлаштиришга ҳақлидир, деб кўрсатади. Бундай ҳолларда даъво асослари ва предметлари умумий бир-бирлари билан боғлиқ бўлганида, талаблар ҳам бир турда бўлганида-даъвогарнинг объект сифатида бирлаштирилиши тўғрисида сўз боради. Бунга мисол қилиб, ишга қайта тикланиш ва ноилож бекор юргани учун ҳақ тўланиши тўғрисидаги даъвогарни ёки ховли-жойга (иморатга) бўлган эгалик ҳуқуқининг эътироф этилиши (тан олиниши) ва жавобгарнинг кўчирилиши тўғрисидаги-даъвогарни ёинки эр-хотиннинг ажралиш тўғрисидаги ишининг кўрилишида уларнинг вояга етмаган фарзандлари учун алиментлар ундириш тўғрисидаги даъвогарнинг ҳам бир ишга қўшилиб ҳал қилинишини ҳам кўрсатсак бўлади.

Қонун судьяга бир турдаги фуқаролик ишларини бирлаштириш ҳуқуқини беради. ФПКнинг 156-моддасида кўрсатилишича, судья шу суднинг иш юритишида айна бир хил тарафлар иштирок этувчи бир турдаги бир неча иш борлигини ёхуд бир шахснинг турли жавобгарларга даъволари бўйича ёки бир қанча даъвогарларнинг битта жавобгарга даъволари бўйича бир неча иш борлигини аниқласа, бу ишларни низоларни тезроқ ва тўғри ҳал қилишни кўзлаб иш юритишда бирга кўриш учун бирлаштиришга ҳақлидир.

Талабнинг бир неча даъвогар томонидан ёки бир неча жавобгарларга нисбатан қилинишига процессуал иштирокчилик деб айтилади .

Судья бир неча талабларни бирлаштириш ҳуқуқига эга бўлганидек, унга бундай талабларни ажратиш ҳуқуқи ҳам берилади. ФПКнинг 157-моддасида айтилишича, агар аризани қабул қилувчи судья талабларни алоҳида кўришни мақсадга мувофиқ деб топса, бирлаштирилган талаблардан бирини ёки бир нечасини алоҳида иш юритишга ажратишга ҳақли.

Талаблар бир неча даъвогарлар томонидан бир неча жавобгарларга нисбатан кўзғатилса, аризани қабул қилувчи судья (агар мақсадга мувофиқ деб топса) бир ёки бир неча талабларни алоҳида иш юритиш учун ажратишга ҳақлидир.

5-§. Жавобгар манфаатларининг ҳимоя қилиниши

Фуқаролик процессида тарафларнинг тенг ҳуқуқли бўлишлиги принципи асосида иш юритишда даъвогар билан бир қаторда жавобгарга ҳам тенг ҳуқуқ берилади.

Даъвогар бузилган ҳуқуқнинг ҳимоя қилиниш мақсадида даъво қўзғатиш имкониятига эга бўлса, жавобгар ҳам даъвогарга қарши ҳимоя қилиниши воситаларига эгадир. Бундай процессуал воситалардан бири-эътироз билдириш ва иккинчиси-қарши даъво қўзғатишдан иборат.

Жавобгар ўзига нисбатан қўзғатилган даъвони инкор этиши ва бунинг сабаблари (важлари)ни кўрсатиши мумкин. Даъвони бундай асослантирилган равишда инкор этишга эътироз деб айтилади.

Эътирозномада даъвогарнинг низоли ҳуқуқига, масалан, бирон-бир нарсанинг топширилишини, топшириқнинг бажарилишини зарарнинг тўхтатилишини ва ҳоказоларни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлмаслиги ёинки уни (жавобгарни) даъвогар олдида жавобгарликдан озод қиладиган ҳолатлар кўрсатилиши мумкин. Даъвогар талабига қарши бўлишини билдиришда жавобгар муайян моддий-ҳуқуқий ва процессуал ҳуқуққа оид юридик асосларни ҳам кўрсатиши мумкин.

Моддий ҳуқуқ (фуқаролик, оила, меҳнат ҳуқуқи) меъёрларига асосланиб, чунончи: даъво қилинаётган нарсани (предметни) талаб қилиш учун фуқаролик қонунчилиги меъёрларида белгиланган муддат (даъво муддати) ўтганлигини кўрсатиб, эътироз баён этишга моддий-ҳуқуқий эътироз деб айтилади. Агар жавобгарнинг эътирози процессуал ҳуқуқ меъёрларига асосланган ва даъвони рад этишга (ишни бекор қилишга) қаратилган бўлса, чунончи: қилинган талаб юзасидан муқаддам суд қарори (ажрими) чиқарилганлигини ёинки бу ишнинг судга тааллуқли эмаслигини кўрсатиб, даъвога қарши бўлишга процессуал эътироз деб айтилади. Жавобгар манфаатини ҳимоя қилишнинг иккинчи процессуал воситаси қарши даъводир. Эътироздан қарши даъвонинг фарқи шундаки, бунда даъвогарнинг талабига қарши бошқа бирон-бир моддий-ҳуқуқий талаб қўйилади.

ФПКнинг 246-моддасида кўрсатилишича, жавобгар суднинг ҳал қилув қарорини чиқаргунга қадар дастлабки талаб билан бирга кўриш учун даъвогарга қарши даъво қўзғатишга ҳақлидир. Бу қонуннинг мазмунига кўра жавобгарнинг ўзига қилинган дастлабки талаб билан кўшиб кўриш учун даъвогарга нисбатан қилган мустақил даъво талабига қарши даъво деб айтилади.

Даъво турларидан бири сифатида қарши даъво қўйидагича шартлар бўлганида бир вақтнинг ўзида ҳам даъвога қарши ҳимоя воситаси, ҳам жавобгарнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш воситаси бўлиб кўрилади.

Қарши даъвони қабул қилиш шартлари қўйидагича:

биринчидан, қарши талаб дастлабки талабни қоплашга қаратилган бўлиши керак;

иккинчидан, қарши даъвонинг қаноатлантирилишини бутунлай ёки қисман истесно қилиши керак;

учинчидан, қарши ва дастлабки даъво талаблари ўртасида ўзаро боғланиш ва уларни бирга кўриш низони тезроқ ва тўғри ҳал қилишга ёрдам берган бўлиши керак.

Шу уч шартдан бири бўлса ҳам, судья қарши талабни судда кўриш учун қабул қилади (ФПКнинг 247-моддаси). Бу қонун судьяга кенг ваколатлар бериш билан бирга тарафларнинг бир-бирларига нисбатан қилган даъво талабларини бирга қўшиб кўриш мақсадга мувофиқ бўлиш-бўлмаслигини жиддий равишда текширишга мажбур қилади.

Қарши даъво даъво кўзғатиш тўғрисидаги умумий қоидалар бўйича кўзғатилади. қарши даъво кўзғатилишида, умуман даъвога оид процессуал қоидаларга, чунончи: ариза давлат божи ва ҳоказолар тўғрисидаги қоидаларга (ФПКнинг 40, 41, 103, 104, 105, 149 ҳамда даъво ҳақидаги бошқа моддаларга) риоя қилинади.

6-§. Даъвони таъминлаш

Даъвони таъминлаш учун белгиланган асослар ФПКнинг 248-моддасида кўрсатилган. Бунда кўрсатилишича, суд ёки судья ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимоси бўйича ёки ўз ташаббуси билан даъвони таъминлаш чораларини кўра олади. Даъвони таъминлаш чораларини кўрмаслик суднинг ҳал қилув қарорининг ижросини қийинлаштирадиган ёки унинг бажарилмаслигига сабаб бўладиган бўлса, ишнинг ҳар қандай ҳолатида ҳам даъвони таъминлашга йўл қўйилади.

Умумий қоида бўйича даъвони таъминлаш чораси даъво кўзғатилганидан сўнггина кўрилади. Бу қоидадан айрим истиснолар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси қоидалари билан белгиланган бўлиб, баъзи ҳолатларда ҳали кўзғатилмаган даъволарни ҳам таъминлаш чоралари кўрилиши назарда тутилади. Жумладан, шу кодекснинг 57, 277-моддаларида кўрсатилишича, жиноят орқасида моддий зарар етказилганлиги тўғрисида етарли маълумотлар бўлган тақдирда терговчи, прокурор, суриштирувчи шахс судда кўзғатилган ёки келажакда кўзғатилиши мумкин бўлган фуқаролик даъвосини таъминлаб қўйиш чорасини кўришга мажбур. Масалан, шахсий автомашинанинг эгаси томонидан бировга шикаст етказилганида ёки у бировнинг ўлимига сабабчи бўлганида, келгусида ўзига нисбатан фуқаролик даъвосини қилинишини назарда тутиб, жамгарма банкидаги пулларини олиши, уйдаги қимматбаҳо буюмларни беркитиши мумкинлигини кўзда тутиб, терговчи жиноят содир бўлганидан хабардор бўлган замон дарҳол, ҳам кечиктирмасдан келажакда кўзғатилиши мумкин бўлган даъвони таъминлаш чорасини (бу тўғрида арз бўлиш-бўлмаслигидан қатъий назар) ўз ташаббуси билан кўриши лозим.

Юқорида келтирилган қонунларга асосланиб чиқариладиган қарорнинг ижро этилишини таъминлаш учун суд ва бошқа ваколатли орган томонидан чора кўрилишига даъвони таъминлаш деб айтилади.

Фуқаролик даъвосини таъминлаш, чунончи: даъвогарга тегишли ҳақнинг келгусида ундирилиши таъминлаш юзасидан бундай чоранинг белгиланиши-

жавобгарнинг ноинсоф ҳаракатига қарши бўлиб, даъвогарнинг манфаатини ҳимоя қилиш учун зарур.

Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажрим суднинг ҳал қилув қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда дарҳол ижро қилинади.

Даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризани ишни кўраётган судья ёки суд ўша куннинг ўзидаёқ жавобгарни ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг хабардор қилмасдан ҳал қилади. Даъвони таъминлаш чоралари қуйидагилардан:

1) жавобгарга тегишли ва унинг ўзида ёки бошқа шахсларда турган мулкка оид пул суммасини хатлаш;

2) жавобгарнинг муайян ҳаракатлар қилишини таъқиқлаш;

3) бошқа шахсларда жавобгарнинг мулкни унга беришликни ёки унга нисбатан бошқа мажбуриятларни бажаришликни таъқиқлаш;

4) мол-мулкни рўйхатдан чиқариш тўғрисида даъво қўзғатилган ҳолда, рўйхатга олинган мулкни сотишни тўхтатиш;

5) агар қарздор ижро хати юзасидан даъво тартибида низолашса ва бундай низога қонун бўйича йўл қўйилса, бу хат бўйича ундирувни тўхтатишдан иборат бўлиши мумкин.

Алимент ундириш тўғрисидаги, майиб бўлиш ёки соғлиққа бошқача шикаст етиши, шунингдек боқувчисининг ўлими натижасида келган зарарнинг қоплаш тўғрисидаги мол-мулкни талон-тароҳ қилиш натижасида келган зарарларни ундириш тўғрисидаги даъволардан бошқа даъволарни иш ҳақиға, фойда даромадларга пенсия ва стипендияларга хатлаш йўли билан таъминлашга йўл қўйилмайди. Зарур ҳолларда суд даъвони таъмин қилиш чорасининг бир неча турига йўл қўйиши мумкин, лекин буларнинг умумий суммаси даъвонинг қийматидан ошмаслиги лозим.

Даъвони таъминлаш чораларини кўришда қонун жавобгарнинг ҳам манфаатларини кўзлаб суд ишида иштирок этувчи шахсларнинг баёнотларини эшитиб, даъвони таъмин қилишнинг бир турини бошқа тури билан алмаштиришга йўл қўйиш мумкинлигини белгилайди.

Даъвони таъминлашнинг бир турини бошқа тури билан алмаштириш масаласи ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилиниб, суд мажлисида ҳал этилади. Лекин бу шахсларнинг келмаслиги даъвони таъминлашнинг бир турини бошқа тури билан алмаштириш масаласини кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

Пул ундириш тўғрисидаги даъвони таъминлашда жавобгар йўл қўйилган таъминлаш чоралари ўрнига, даъвогар талаб қилаётган суммани суднинг депозит счётига ўтказишга ҳақлидир (ФПКнинг 257-моддаси).

Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажрим суднинг ҳал қилув қарорини ижро этиш учун белгиланган тартибда дарҳол ижро қилинади.

Даъвони таъминлаш юзасидан хатланган (арест солинган) мулк нобуд қилинмаслиги (сотилмаслиги, бекитилмаслиги, умуман бирон-бир усулда сақлаш кафилини олган шахс қўлидан чиқарилмаслиги) керак. Акс ҳолда айбли шахсларга суднинг ажрими бўйича энг кам белгиланган иш ҳақининг беш баробари миқдоридан жарима солинади. Бундан ташқари, даъвогар мазкур

шахслардан суднинг даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажримини бажармаганликдан келган зарарларни ундиришга ҳақлидир (ФПКнинг 253-моддаси).

Даъвони таъминлаш чоралари ишни кўраётган суд томонидан ҳар қачон бекор қилиниши мумкин. Даъвони таъминлашни бекор қилиш тўғрисидаги масала ишда иштирок этувчи шахслар хабардор этилиб, суд мажлисида ҳал этилади. Лекин бу шахсларнинг келмаслиги даъвони таъминлашни бекор қилиш тўғрисидаги масалани кўриш учун тўсқинлик қилмайди (ФПКнинг 254-моддаси).

Даъво рад этилган тақдирда йўл қўйилган таъминлаш чоралари ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунга қадар сақланади. Лекин суд ҳал қилув қарори билан бир вақтда ёки шундай қарор чиқаргандан сўнг даъвони таъминлашни бекор қилиш тўғрисидаги ажрим чиқара олади (ФПКнинг 255-моддаси).

Даъвони таъминлаш тўғрисидаги илтимосни қаноатлантириш ёки уни рад этиш ҳақидаги ажрим, шунингдек даъвони таъминлаш чорасини бекор қилиш ёки таъминлаш чорасининг бир турини бошқаси билан алмаштириш тўғрисидаги ажрим устидан кассация тартибда хусусий шикоят қилиниши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

Агар даъвони таъминлаш тўғрисидаги хусусий ажрим шикоят қилган шахсни хабардор қилмасдан чиқарилган бўлса, шикоят қилиш муддати бу ажримнинг нусхаси топширилган ёки шикоят берган шахсга суд ажрими маълум бўлган кундан бошлаб ҳисобланади.

Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиш ёки протест келтириш оқибатлари ФПКнинг 257-моддасида кўрсатилган. Бу қонунда айтилишича, даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиш ёки протест келтириш бу ажримнинг ижросини тўхтатмайди. Аммо даъвони таъминлашни бекор қилиш тўғрисидаги ёки даъвони таъминлашнинг бир турини бошқа тури билан алмаштириш тўғрисидаги ажрим устидан хусусий шикоят бериш ёки протест келтириш бу ажримнинг ижросини тўхтатади.

Бундай ажримлар хусусий шикоят бериш учун белгиланган муддат ўтиши билан ёки унинг кассация инстанцияси томонидан оқибатсиз қолдирилганлигидан сўнггина ижро этилади.

Даъвони таъминлаш чорасининг кўрилиши жавобгарнинг ўз мулкини тасарруф этишини маълум даражада чеклаб қўйиши билан, шунинг ўзи билан бирга унга баъзи ҳолларда мулкий зарар етказилиши мумкин. Бундай ҳолларни эътиборга олиб қонун (ФПКнинг 258-моддаси), суд ёки судья даъвони таъминлашга йўл қўйиши билан бирга жавобгарга етиши эҳтимол бўлган зарарларни таъминлашни даъвогардан талаб қилиши мумкинлигини белгилайди. Шу мақсадда суд жавобгарнинг кўриши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун маълум сумма пулнинг даъвогар томонидан суднинг депозит счётига ўтказилишини талаб қилиши мумкин.

Жавобгар даъво рад қилиниб чиқарилган ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан сўнг даъвогардан унинг илтимоси билан даъвони таъминлаш бўйича кўрилган чоралар натижасида ўзига келган зарарни тўлашни талаб қилишга

ҳақлидир. Агар даъвони таъминлаш чоралари суднинг ташаббуси билан ёки прокурорнинг аризаси бўйича кўрилган бўлса, даъво рад қилинганидан сўнг жавобгар бундай ҳуқуққа эга бўлмайди, яъни кўрган зарарларининг тўлатилишини талаб қила олмайди.

7-§. Жиноят ишида фуқаролик даъвоси

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 56-57-моддаларида белгиланганидек, жиноят орқасида моддий зарар кўрган шахс жиноят иши кўрилатган вақтда айбланувчига ёки айбланувчининг ҳаракати учун моддий жавобгар бўлган шахсга нисбатан фуқаролик даъвоси кўзғатиши мумкин. Бу даъво суд томонидан жиноят иши билан бирга кўрилади.¹

Юқорида келтирилган қонуннинг мазмунига кўра, жиноят ишидаги фуқаролик даъвоси деб жиноят туфайли кўрилган мулкӣ зарар тўғрисидаги жабрланувчининг жиноят ишида айбланувчига ёки унинг ҳаракатлари учун моддий жавобгар бўлган шахсга нисбатан қилган талабига айтилади.

Жиноят ишидаги фуқаролик даъво тўғрисидаги қоидалар ишнинг барча ҳолатларини тўла, ҳолис равишда ҳар томонлама жабрланувчининг фуқаролик ҳуқуқӣ талабларининг тезда кўрилишини таъминлашга қаратилади.

Фуқаролик даъвосининг жиноят иши кўрилишида кўзғатилиши жабрланувчининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун кўшимча имкониятлар яратади: у давлат божини тўлашдан озод қилинади, даъво жиноят ишини кўзғатган орган томонидан исботланади. Бундан ташқари фуқаролик даъвосининг жиноят ишида кўрилиши иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни қайта-қайта, такрор текширишдан судни озод қилади.

Жиноят иши кўрилишида фақат шу иш билан боғлиқ бўлган талабларгина ҳал қилиниши мумкин.

Фуқаролик даъвоси айбланувчига ҳам ва унинг ҳаракатлари учун жавобгар бўлган шахсларга (фуқароларга ва юридик шахсларга) ҳам қилиниши мумкин.

Жиноят ишида фуқаролик даъвосини арз қилиш жабрланган фуқароларнинг ҳуқуқи бўлса, жиноят туфайли моддий зарар кўрган ташкилотларнинг раҳбарлари учун фуқаролик даъвосини қилиш мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми «Жиноят туфайли етказилган моддий зарарни ундириш бўйича суд амалиёти тўғрисида» чиқарган қарорида, судлар жиноят ишларини кўришда фуқаролик даъвосига жиддий эътибор бериб, унинг жиноят сабабли зарар кўрган ташкилотлари, корхоналари ва муассасаларининг мулкӣ манфаатларини, шунингдек айрим фуқароларнинг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш воситаси сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлиши эътиборга олишлари кераклиги тўғрисида кўрсатма берди.

Жиноят ишида фуқаровий даъвогар тушунчаси тўғрисида, унинг ҳуқуқ ва бурчлари, фуқаролик даъвосини қилиш, даъво арз қилинмаганида зарарни ундириш тартиби, даъвони кўрмасдан қолдириш ҳоллари ва оқибатлари ҳамда

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси. –Т : Адолат, 2004 .

бу тўғридаги бошқа масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 33-34-35-бобларида ва қуйидаги моддаларда 56, 62, 224, 276, 272, 288, 304, 310, 375, 377, 401, 402, 419, 427, 436, 471, 501, 506 ҳамда бу масалага оид баъзи бошқа моддалар билан ҳам танишиш тавсия қилинади.

ЎН БЕШИНЧИ БОБ

СУДДА ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ ҚЎЗҒАТИШ

1-§. Судда иш қўзғатиш. Ариза бериш тартиби

Қонун фуқароларга, ташкилотларга суд ҳимоясидан фойдаланиш ҳуқуқини беради. Улар бу ҳуқуқдан аввало, белгиланган тартибда даъво қўзғатиш йўли билан фойдаланадилар.

Даъво қўзғатилиши муҳим процессуал акт бўлиб, даъво муддатининг ўтишини узади (ФКнинг 157-моддаси). Бу қонунда белгиланишича, даъво муддатининг ўтиши белгиланган тартибда даъво қўзғатилиши билан, шунингдек мажбур шахс қарзни тан олганлигини кўрсатувчи ҳаракатларни қилиши билан узилади.

Шу пайдан эътиборан фуқаролик ишининг ҳаракати бошланади. Суднинг тарафлар ўртасидаги низони кўриш ва бу тўғрида қарор чиқариш бурчи вужудга келади.

Қонун (ФПКнинг 1-моддаси)да белгиланишича, ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низоли ҳуқуқини ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли бўлади.

Судда фуқаролик иши прокурорнинг аризаси бўйича ҳам, шунингдек давлат бошқарув органлари, касаба уюшмаси, ташкилотлар ёки айрим фуқароларнинг аризалари бўйича ҳам (агарда қонунга кўра улар бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишлари мумкин бўлса) қўзғатилади.

Судда фуқаролик иши қўзғатилишида даъво аризаси ёзма шаклда берилади. ФПКнинг 149-моддасида кўрсатилганидек, даъво аризасининг мазмунида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

- 1) ариза бериладиган суднинг номи;
- 2) даъвогарнинг номи ва унинг яшаш жойи, агар даъвогар юридик шахс бўлса, унинг жойлашган жойи, шунингдек агар ариза вакил томонидан бериладиган бўлса, вакилнинг номи ва манзили;
- 3) жавобгарнинг номи ва унинг яшаш жойи ёки агар жавобгар юридик шахс бўлса, унинг жойлашган жойи;
- 4) даъвогарнинг талаби;
- 5) агар даъвони баҳолаш керак бўлса, унинг қиймати;
- 6) даъвогар ўзининг талабларини асослаётган ҳолатлар ва даъвогар баён қилган ҳолатларни тасдиқлайдиган далилларни;
- 7) аризасига илова қилинган ҳужжатларнинг рўйхати.

Ариза даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

Вакил томонидан берилган аризага вакилнинг ваколатини гувоҳлантирувчи ваколатнома ёки бошқа хужжат илова қилиниши лозим.

Прокурор томонидан, шунингдек давлат бошқарув органлари, давлат корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ёхуд айрим фуқаролар томонидан бошқа шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун бериладиган аризаларда ФПКнинг шу моддасида айтилган маълумотлардан манфаати учун иш кўзғатилган шахснинг номи ва унинг манзили ҳам кўрсатилиши лозим. Судга ариза жавобгарларнинг сонига қараб нусхалари билан берилади.

Судья ишнинг мураккаблиги ва ишнинг мазмунига қараб, даъвогарнинг аризасига илова қилинган хужжатларнинг нусхаларини жавобгарнинг сонига қараб келтиришга мажбур эта олади (ФПКнинг 150-моддаси).

Аризалар туман (шаҳар) судида судья, бошқа судларда эса-суднинг раиси, унинг ўринбосари ёки судья томонидан қабул қилинади. Фуқаролик иши бўйича аризани қабул қилиш масаласини судьянинг ёлғиз ўзи ҳал қилади. Агар ариза почта орқали юборилган бўлса, суд идорасида олинган куннинг ўзидаёқ, ҳар ҳолда иккинчи кундан кечиктирилмасдан судьяга топширилиши лозим.

Судья аризани ФПКнинг 149-150-моддаларида белгиланган талабларга риоя қилмасдан ёки давлат божи тўланмасдан берилганлигини аниқласа, аризани ҳаракатсиз қолдириш тўғрисида ажрим чиқаради ва бу ҳақда даъвогарни хабардор қилиб, камчиликларни тузатиш учун унга муддат беради.

Аризани кўрмасдан қолдирилиши тўғрисида судья томонидан чиқариладиган ажримда аризанинг камчиликлари, уни тузатиш йўллари ва муддати, судьянинг таклифларини бажармаслик оқибатлари кўрсатилади. Агар даъвогар белгиланган муддатда аризанинг камчиликларини тузатса, фуқаролик иши ҳаракатга киритилади ва бундай ҳолда даъво муддатининг ўтиши ариза берилган куннинг ўзидаёқ узилган ҳисобланади. Акс ҳолда судья ариза берилмаган деб ҳисобланиши тўғрисида ажрим чиқаради ва аризани даъвогарга қайтаради. Ариза қайтарилган ҳолда, даъво муддатининг ўтиши узилмайди. Ариза кейинчалик даъво муддати давомида қонун талабларига риоя қилиниб, қайта берилиши мумкин. ФПКнинг 152-моддасига кўра, қуйидаги ҳолларда аризани қабул қилиш рад этилади:

1) агар ариза судда кўришга тегишли бўлмаса;

2) агар шу тарафлар ўртасидаги низо юзасидан ўша предмет ҳақида ва ўша асослар бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёхуд даъвогарнинг арз қилган талабидан воз кечганлигини қабул қилиш ёки тарафларнинг келишув битимларини тасдиқлаш тўғрисида суднинг ажрими бўлса;

3) агар суднинг иш юритишида шу тарафлар ўртасидаги низо юзасидан ўша предмет ҳақида ва ўша асослар бўйича иш бўлса;

4) агар тарафлар ўртасида шу низони ҳал қилиш ҳолислар судига бериш тўғрисида шартнома тузилган бўлса;

5) агар иш шу суднинг судловига тегишли бўлмаса;

б) агар ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса;

7) агар ариза манфаатдор шахс номидан иш юрителишга ваколати бўлмаган шахс томонидан берилган бўлса-аризани қабул қилиш тўғрисидаги илтимос судья томонидан рад этилиши мумкин.

ФПКнинг 152-моддасининг 1, 5, 6, ва 8-бандларида кўрсатилган асослар бўйича судьянинг аризасини қабул қилишни рад этиши, агар йўл қўйилган камчиликлар тузатилса, шу иш бўйича судга иккинчи марта ариза беришга тўсқинлик қилмайди.

Судья қонунда кўрсатилган асослар бўйича аризани қабул қилишни рад этганида бу ҳақда асослантирилган ажрим чиқаради. Ажримда агар иш суднинг судловига тегишли бўлмаса, ариза берувчи қайси органларга мурожаат қилиши лозимлиги ёки иш қўзғатилишига тўсқинлик қиладиган ҳолатларни қандай қилиб бартараф қилиши кераклиги кўрсатилиши лозим.

Ариза иловалар ва ажримнинг нусхаси билан бирга қўшиб тегишли органга ёки судга топшириш учун даъвогарга қайтарилади (ФПКнинг 153-моддаси).

Судья бу тўғрида чиқарган ажрими ФПКнинг 238-моддаси талабларига жавоб берадиган мазмунда бўлиши керак.

2-§. Даъво аризаси, ариза ва шикоятларга қўйилган талаблар

Судда фуқаролик ишлари ёзма шаклда ариза бериш йўли билан қўзғатилади.

Аризада қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

- 1) ариза берилаётган суднинг номи;
- 2) даъвогарнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ва яшаш жойи, агар даъвогар ташкилот бўлса, унинг қаерда жойлашганлиги, шунингдек агар ариза вакил томонидан берилаётган бўлса, вакилнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ва манзили;
- 3) жавобгарнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми), яшаш жойи ёки агар жавобгар ташкилот бўлса, унинг қаерда жойлашганлиги;
- 4) даъвогарнинг талаби;
- 5) агар даъвони баҳолаш лозим бўлса, унинг баҳоси;
- 6) даъвогар ўзининг талабларига асос қилиб кўрсатаётган ҳолатлар ва бу ҳолатларни тасдиқлайдиган далиллар;
- 7) аризага илова қилинган ҳужжатларнинг рўйхати.

Ариза даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Агар ариза вакил томонидан берилган бўлса, аризага ишончнома ёки унинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжат илова қилиниши лозим.

Бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида прокурор, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ёки айрим фуқаролар томонидан бериладиган аризаларда, шу моддада санаб ўтилган маълумотлардан ташқари, ариза кимнинг манфаатини кўзлаб берилган бўлса, ўша шахснинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ва манзили кўрсатилиши лозим.

Судга ариза жавобгарларнинг сонига мутаносиб миқдорда нусхалари билан берилади.

Судья ишнинг мураккаблиги ва хусусиятига қараб, даъвогарни аризага илова қилинган ҳужжатларнинг нусхаларини ҳам жавобгарларнинг сонига мутаносиб миқдорда тақдим этишга мажбур қилиши мумкин.

Аризалар судларда суднинг раиси, унинг ўринбосари ёки судья томонидан қабул қилинади.

Фуқаролик иши қўзғатиш масаласини судья ҳал қилади ва бу ҳақда суд ажрим чиқаради.

Суд куйидаги ҳолларда аризани қабул қилишни рад этади, агар:

- 1) ариза судда кўришга тегишли бўлмаса;
- 2) суднинг айнан тарафлар ўртасида, айнан бир нарса тўғрисида ва айнан бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан қабул қилиниб, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёхуд даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганлигини қабул қилиш ёки тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрим мавжуд бўлса;
- 3) суд айнан бир тарафлар ўртасида, айнан бир нарса тўғрисида ва айнан бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан иш юритаётган бўлса;
- 4) тарафлар ўртасида ушбу низо кўриш учун ҳакамлар судига топшириш тўғрисида шартнома тузилган бўлса;
- 5) иш шу суднинг судловига тааллуқли бўлмаса;
- 6) ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса;
- 7) манфаатдор шахс номидан аризани иш юритиш ваколатига эга бўлмаган шахс берган бўлса.

Судьянинг юқоридаги шартларнинг 5, 6 ва 7-бандларида назарда тутилган асослар бўйича аризани қабул қилишни рад этиши, башарти йўл қўйилган хатолар бартараф этилса, шу иш бўйича судга иккинчи марта ариза билан мурожаат этишга тўсқинлик қилмайди.

Судья ФПКнинг 152-моддасида кўрсатилган асосларга кўра аризани қабул қилишни рад этар экан, бу ҳақда ариза тушган кундан эътиборан ўн кун ичида асослантилган ажрим чиқаради. Башарти иш судга тааллуқли бўлмаса, судья ажримда аризачи қайси органга мурожаат қилиши кераклигини ёки иш қўзғатишга тўсқинлик қилаётган ҳолатларни қандай бартараф этишни кўрсатиши шарт.

Ариза иловалар ва ажримнинг нусхаси билан биргаликда даъвогарга қайтарилади.

Судья ариза ФПКнинг 149 ва 150-моддаларида баён этилган талабларга риоя қилинмай берилганлигини ёки давлат божи тўланмаганлигини аниқласа, аризани ҳаракатсиз қолдириш тўғрисида ажрим чиқариб, бундан даъвогарни хабардор қилади ва камчиликларни тузатиш учун унга муҳлат беради.

Агар даъвогар белгиланган муддатда судьянинг кўрсатмаларига мувофиқ ФПКнинг 149 ва 150-моддаларидаги талабларни бажарса ва давлат божини тўласа, ариза судга дастлаб тақдим этилган куни берилган ҳисобланади. Акс ҳолда, ариза берилмаган ҳисобланиб, даъвогарга қайтарилади ва бу ҳақда ажрим чиқарилади.

Даъвогар бир аризада ўзаро боғлиқ бўлган бир неча талабни бирлаштиришга ҳақли.

Судья шу судда айнан бир тарафлар иштирок этаётган бир турдаги бир неча иш юритилаётганлигини ёхуд бир шахснинг турли жавобгарларга ёки бир неча даъвогарнинг айнан битта жавобгарга нисбатан аризалари бўйича бир неча иш юритилаётганлигини аниқласа, агар бу ишларни бирлаштириш ишнинг ўз вақтида ва тўғри ҳал қилинишига ёрдам берса, уларни биргаликда кўриш учун битта ишга бирлаштиришга ҳақли.

Агар аризани қабул қилаётган судья талабларни алоҳида кўришни мақсадга мувофиқ деб топса, бирлаштирилган талаблардан бирини ёки бир нечасини алоҳида иш юритиш учун ажратишга ҳақли.

Бир неча даъвогар томонидан ёки бир неча жавобгарга нисбатан талаблар қўзғатилса, аризани қабул қилаётган судья, агар талабларни алоҳида кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ деб топса, улардан бири ёки бир нечасини алоҳида иш юритиш учун ажратишга ҳақли.

ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ СУДДА КЎРИШГА ТАЙЁРЛАШ

1-§. Ишларни судда кўришга тайёрлаш ва унинг аҳамияти

Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлашдан мақсад ФПКнинг 158-моддасида кўрсатилганидек, ишнинг ўз вақтида ва тўғри ҳал қилинишини таъминлашдир.

Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш фуқаролик процессининг мустақил ва муҳим босқичи бўлиб фуқаролик ҳуқуқий низоларнинг мумкин қадар тезлаштириб, тўла ва ҳар томонлама кўрилиши ва ҳал қилинишини таъминлаш мақсадларида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича суд органларининг амалиётини яқунлаб, фуқаролик ишларини баъзи судларда жуда сустлик билан ҳал қилинишини, ишларнинг кўрилиши кўп маротаба қолдирилишини юқори суд инстанцияси томонидан қарорларнинг қайта-қайта бекор қилиниши туфайли бир ишнинг ўзи бир суддан бошқасига бир неча маротаба ўтказилишини ва шу каби бошқа камчиликлар Пленум қарорларида кўрсатиб ўтилган.

Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлашдан қонун билан белгиланган талабларнинг судлар томонидан бажарилмаслиги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 4 сентябрь «Болалар тарбияси» билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қарори; Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги ва х.к. судда ишлари бўлган фуқаролар ва ташкилотларнинг сарсон бўлишларига ва ҳуқуқлари ҳамда қонуний

манфаатларининг ўз вақтида ва лозим даражада ҳимоя қилинмаслигига олиб келиши мумкин.¹

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумлари фуқаролик ишлари судда кўрилиши учун тўла ва ҳар томонлама тайёрланганидан сўнггина тайинланиши лозимлиги тўғрисида кўрсатма берди.²

Судга тайёрлаш ишларини олиб боришда судьяларнинг фаолиятида нуксон, камчилик бўлмаслиги керак. Иш кўрилишининг сифати, фуқаролик процессининг тез ва аниқ бўлишлиги кўп даражада фуқаролик ишларини судда тўғри тайёрлашга боғлиқдир. Ишларни судда кўришга тайёрлашда муайян фуқаролик ишларининг туркумлари (категориялари), уларнинг хусусиятлари, шунингдек аниқ низонинг тури эътиборга олинади, чунки бир хил туркумдаги ишларни тайёрлашда бажарилиши лозим бўлган процессуал ҳаракатлар бошқа турдаги ишларни кўриш учун тайёрлашда бажарилиши талаб қилинмаслиги мумкин.

низоларини кўришга тайёрлашда қилинадиган ҳаракатлар алимент ундириш тўғрисидаги ишларни судда кўришга тайёрлашдан фарқ қилади. Суд амалиётини умумлаштириш шуни кўрсатадики, деб қайд қилади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди «Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти ҳақида»ги 1998 йил 11 сентябрдаги Пленум қарорида ишни судда кўришга пухта тайёрлаш зарурлиги судларнинг эътиборини қаратилиши, судья томонидан ФПКнинг ишни судда кўришга тайёрлаш ҳақидаги моддаларига мувофиқ олиб борилиши лозим бўлган барча тайёргалик ҳаракатлари ажримда ўз аксини топиши лозимлиги кўрсатилган.³

Булардан ташқари судья никоҳдан ажратиш ҳақидаги аризани қабул қилиб, одатда жавобгарни чақириши, унинг ушбу аризага муносабатини аниқлаши, эр-хотинни яраштириш чораларини кўриши, қолаверса судья тарафларнинг ҳар бири билан алоҳида, шунингдек, уларнинг ҳар иккаласи билан биргаликда оилани сақлаб қолиш масаласида суҳбат ўтказиши лозимлиги ҳамда ишни судда кўришга тайёрлаш жараёнида судья эр-хотин ўртасида суд томонидан ҳал этиладиган бошқа низоли масалалар бор-йўқлигини аниқлашлиги, қандай талаблар никоҳдан ажралиш ҳақидаги даъво билан биргаликда кўрилиши мумкинлигини тушунтириши, тарафлар ўртасида муқаддам никоҳдан ажралиш ҳақида иш бўлган-бўлмаганлигини аниқлашлиги, агар бундай иш бўлса, тарафларнинг ҳақиқий муносабатларини аниқлаш мақсадида, суд мажлисида кўздан кечириш учун чақириши ҳам белгиланган (Пленум қарорининг 12-банди).⁴

¹ Қаранг: Сборник Постановлений Пленума Верховного Суда Республики Ўзбекистан (1963-1986) Ташкент., «Ўзбекистан» 43-46; Қонун номи билан. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 1998 йил, 4-сон

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 1992 йил, 2-сон, 14-бет; Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 1993 йил, 3-сон, 3-бет; Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 1996 йил, 3-4-сонлар, 49-53-бетлар; Қонун номи билан

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 1998 йил, 4-сон. -бет

⁴ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 1998 йил, 4-сон.

Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш тўғрисида Н.М.Гурбатов таҳрири остида чиқарилган китобда судда кўриладиган фуқаролик ишлари (даъволари) йигирма саккиз туркумга бўлиниб, уларнинг ҳар қайсилари бўйича судга қандай ҳужжатлар, далиллар келтирилиши зарурлиги, ишни ҳал қилишда қўлланиладиган ҳуқуқий нормалар кўрсатилган.¹

Фуқаролик иши судда мазмунан кўрилгунга қадар даъвогар ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган барча ишларни бажарган, ҳамма далилларни келтирган бўлса, жавобгар ҳам, даъвога қарши эътирозларини судга кўрсатган бўлса, шунингдек эътирозларни асослаш учун топширилиши мумкин бўлган далиллар келтирилганидек, шунингдек ишни кўриш учун тайёрлаш юзасидан барча процессуал ҳаракатлар судья томонидан қилинганидан сўнггина етарли даражада тайёрланган бўлиб ҳисобланади.

Агар тарафлар ўртасидаги низо суднинг бир мажлисидаёқ ҳал қилиш учун қийин бўлмаса, даъвогар эса ўзининг барча талабларини тўғри баён этган бўлса ва уларни асослаш учун зарур далилларни келтирилган бўлса, бу ҳолда судья даъвогарнинг ҳузурида ишни кўриш вақтини белгилаш билан ҳамда бу тўғрида ишда иштирок этувчи бошқа шахсларни хабардор қилиш билангина чегараланади. Аммо бундай ҳолда ҳам судья ишни судда кўриш учун маълум даражада тайёргарлик кўриши лозим. Бундай тайёргарлик даъвогардан ариза қабул қилишдан, қатор масалалар бўйича суҳбатлашишдан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумларининг берган тушунтиришлари барча фуқаролик ишлари бўйича ишни судда кўришга тайёрлаш мажбурий бўлишлиги айтилади.²

Ишни суд мажлисида кўрилишига тайёрлаш барча ҳолларда (процессуал ҳаракатларнинг ҳажми ва мураккаблигидан қатъий назар) ўтказилади ва фуқаролик процессининг ҳар қандай босқичи каби махсус расмийлаштиради.

ФПКнинг 158-моддасида белгиланишича, судья фуқаролик ишини судда кўриш учун тайёрлашга бу тўғрида ариза қабул қилганидан сўнггина киришади. Бинобарин, аризани қабул қилмасдан аввал судда кейинчалик кўриладиган ишлар юзасидан баъзи ҳаракатлар қилиниши (чунончи, бирон-бир ҳужжатлар, далиллар талаб қилиб олинishi) қонунга хилоф бўлади. Аммо судья даъво аризасини қабул қилишдан аввал фуқаролик ишини судда кўзғатиш учун зарур бўлган маълумотларни даъвогардан сўраб олиши мумкин.

Ишни судда кўришга тайёрлаш учун киришиш расмий равишда бу тўғрида судья томонидан ажрим чиқарилганидан сўнг, яъни ишни суд мажлисида кўриш учун тайинлашдан аввал бошланади. Судья томонидан чиқарилган ажрим ишни тайёрлаш учун расмий равишда киришилганини ва тамомланишинигина билдирса ҳам, аммо ишни кўришга оид баъзи ҳаракатлар олдин ҳам, кейинчалик ҳам қилиниши мумкин, чунончи, даъвогарнинг низони ҳал қилиш учун ҳакамлар судига мурожаат қилишга ҳуқуқли бўлиши тўғрисида

¹ Қаранг: Н.М.Гурбатов таҳрири остида. Справочник по подготовке гражданских дел к судебному разбирательству. Москва. «Юридическая литература». 1989 г.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори 1998 йил, 11 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. Тошкент., 1998 йил, 4-сон, 9-бет

тушунтиришлар бериш юзасидан судьянинг қилган ҳаракатлари даъво аризаси қабул қилинганга қадар ҳам бўлиши мумкин.

Фуқаролик ишининг судда кўрилишига оид ҳаракатлар кейинчалик суд иши бошланганидан сўнг ҳам ишнинг кўрилиши бошқа вақтга қолдирилганида ҳам ёнги юқори суднинг кўрсатмаси бўйича ҳам қилиниши мумкин.

2-§. Ишни судда кўришга тайёрлашда судьянинг процессуал ҳаракатлари

Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш юзасидан қилинадиган процессуал ҳаракатларнинг мазмуни қонунда белгиланган, жумладан, ФПКнинг 159-моддасида судья даъво талаблари билан судга муружаат қилганда:

1) даъвогарни арз қилган талабларининг мазмуни бўйича сўроқ қилади, ундан жавобгар томонидан қилиниши эҳтимол бўлган эътирозларни аниқлайди ва агар зарур бўлса, қўшимча далиллар тақдим этишни даъвогарга таклиф қилади. Ундан кейин эса жавобгарнинг даъвога бўлган муносабатини аниқлашга киришиб, қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши лозим;

2) зарур бўлган ҳолларда жавобгарни чақиради, ишнинг ҳолатлари бўйича уни сўроқ қилади, унинг даъвога қарши қандай эътирозлари қандай далиллар билан исботланиши мумкинлигини аниқлайди, шунингдек унга даъвогарнинг талабларини тан олиш ёхуд қарши талаблар тақдим этиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиради, алоҳида мураккаб ишлар бўйича эса, иш юзасидан жавобгарга ёзма баёнотлар тақдим этишни тушунтиради.

Булардан ташқари ишни судда кўришга тайёрлаш бўйича яна бошқа ФПКнинг 160-моддасида белгиланган ҳаракатларни бажаради, жумладан:

1. Ишга учинчи шахснинг жалб этилиши ёки киришиши тўғрисидаги масалани ҳал қилади ва ишда иштирок этишга йўл қўйилган учинчи шахсларни шу 159-моддага мувофиқ сўроқ қилади;¹

2. Ишни кўришда вакилларнинг қатнашиши масаласини ҳал этади;

3. Ишда прокурорнинг иштироки масаласини ва тегишли давлат бошқарув идораларини процессда қатнашишга жалб этиш масаласини ҳал қилади;

4. Ишда қатнашишга жалб қилинмаган ташкилот ёки айрим фуқаронинг ишнинг оқибатидан манфаатдорлиги аниқланса, юритилаётган иш тўғрисида ва уни кўриш вақти ҳақида уларга, шунингдек прокурорга хабар қилади;

5. Гувоҳларни суд мажлисига чақариш масаласини ёки уларни ФПКнинг 72-моддасида назарда тутилган тартибда сўроқ қилиш масаласини ҳал қилади;

6. Ташкилотлар ёки фуқаролардан ёзма ва ашёвий далилларни талаб қилиб олади ёки ишда иштирок этувчи шахслардан шу далилларни судга келтириб бериш учун уларга талабнома беради;

7. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг фикрларини ҳисобга олиб, экспертиза тайинлаш ва мутахассис талаб қилиш масаласини ҳал қилади;

¹ Қаранг: қонун номи билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 1998 йил. 1-2-сонлар 52-бет.

8. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилиб, жойда кўздан кечириш ўтказди;

9. Бошқа судларга суд топшириғини юборади;

10. Ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради.

Ишни судда кўришга тайёрлаш тегишли ҳаракатларни қилиш тўғрисидаги ажримни судьянинг ёлғиз ўзи ишда иштирок этувчи шахсларни чақирмасдан ва бу ажрим устидан кассацион шикоятдан алоҳида тарзда шикоят қилинмайди.

Юқорида кўрсатилган ҳаракатлар судьянинг шахсан ўзи томонидан қилинса ҳам, аммо улар суд номидан амалга оширилади.

Ишни судда кўришга тайёрлаш юзасидан амалга ошириладиган ҳаракатлар судья томонидан амалга оширилади. Бошқа суднинг топшириғини бажариш тартибида қилинадиган ҳаракатлар шу тарзда судья томонидан бажарилади.

Судья ҳар ҳолда ишнинг бир суд мажлисида кўрилиб, ҳал қилиниши учун барча тайёргарликни кўради. У шу мақсадда тарафларнинг процессуал ҳуқуқ ва бурчларини тўла тушунтиришга, баъзи фуқаролик ишларининг, чунончи, турар жойдан фойдаланиш, мулкни тақсимлаш ва шу каби бошқа даъволарнинг ўзаро келишув бўйича тамомланиши мумкинлигини тушунтиришга ҳаракат қилади.¹

Судья ишнинг мазмуни бўйича тўғри ҳал этилишида ёрдам кўрсатадиган гувоҳларнигина суд мажлисига чақиради. Баъзан бу тартибга риоя қилмаслик ҳоллари ҳам учрайди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Суд процессларининг ташкил этилишини яхшилаш, уларнинг маданий ўтказилиши ва фаолиятининг тарбиявий таъсирчанлигини кучайтириш тўғрисида»ги айрим судларда кўриладиган ишнинг ҳолатлари тўғрисида ҳеч қандай маълумотлар бера олмайдиган гувоҳларни чақиришлари ва шу вақтнинг ўзида иш ҳолатларини тўла ва ҳолисона равишда текширишлари учун дарҳақиқат зарур бўлган гувоҳларнинг ҳозир бўлишларини таъминлаш учун тегишли чоралар кўрмасликлари айтилган.

Баъзи ҳолларда ишнинг судда кўрилишига қадар ишни судда кўришга тайёрлаш билан боғлиқ бўлмаган бошқа ҳаракатларни ҳам қилишга тўғри келади. Чунончи судья даъвони таъминлаш тўғрисидаги масалани (ФПКнинг 248-моддаси), суд харажатларини тўлашдан озод қилиш масаласини (110-модда), уларни бўлиб-бўлиб тўлаш ва микдорини камайтириш тўғрисидаги масалани (111-модда) ва ФПКда назарда тутилган бошқа баъзи масалаларни ишнинг судда кўрилишига қадар ҳал қилади.

Ўзлари учун зарур бўлган далилларни кейинчалик тақдим этиш мумкин бўлмай қолади ёки қийинлашади дейишга асоси бўлган шахслар ариза беришидан олдин ҳам, кейин ҳам судьядан бу далилларни таъминлашни илтимос қилишлари мумкин (ФПКнинг 61-моддаси).

Хорижий давлатларнинг органларида иш юритиш учун зарур далиллар билан таъминлаш давлат нотариал идоралари томонидан амалга оширилади.

¹ Қаранг: қонун номи билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 1998 йил. 1-2-сонлари, 52-бет.

Далилларни таъминлаш тўғрисидаги ариза далилларни таъминлаш билан боғлиқ процессуал ҳаракатлар амалга оширилиши керак бўлган ҳудудда фаолият олиб бораётган судга берилади.

Аризада таъминланиши зарур бўлган далиллар, бу далиллар билан тасдиқланиши керак бўлган ҳолатлар, далилларни таъминлаш тўғрисида аризачини илтимос билан мурожаат қилишга ундаган сабаблар, шунингдек таъминланадиган далиллар зарур бўлган ёки уларни кейинчалик керак бўлиб қолиши мумкин бўлган иш курсатилиши керак.

3-§. Суд хабарлари ва чақириклари

Фуқаролик ишида иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек бошқа шахсларнинг манфаатларини қўриқлаш мақсадларида судда иштирок этувчи шахслар, ишнинг кўрилиши жойи, вақти тўғрисида хабардор қилинадилар. Ишда иштирок этувчи шахслар ва вакилларнинг ишнинг кўрилиши вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинмасликлари кейинчалик ишнинг кассацион ёки назорат тартибида кўрилишида бекор қилиниши учун асос бўлади (ФПКнинг 313-314-моддалари).

Ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар судга чақирув хатлари, зарур ҳолларда эса телеграммалар ва телефонограммалар орқали чақириладилар ва суднинг айрим процессуал ҳаракатлари тўғрисида хабардор қилинадилар.

Судья чақирув хати билан бир вақтда жавобгарга аризасининг ва аризага илова қилинган ҳужжатларнинг нусхаларини ҳам юборади. Агар жавобгар судга ёзма баёнот берган бўлса, судья унинг нусхасини мурожаат қилган манфаатдор шахсга чақирув хати билан юборади.

Судга чақирув хати ишда иштирок этувчи шахсларга ва уларнинг вакилларига шундай ҳисоб билан юборилиши керакки, уларнинг судга ўз вақтида етиб келишлари ва ишга тайёрланишлари учун етарли фурсатлари бўлсин.¹

ФПКнинг 132-140-моддаларида судьянинг чақирув хатининг мазмуни, чақирув хатини топшириш муддати, бу хатни етказиб бериш ва топшириш, умуман суд хабарлари ва чақирикларига оид асосий қоидалар белгиланган.

Судга чақирув хатида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

- 1) суднинг номи ва аниқ манзили;
- 2) келиш жойи ва вақти;
- 3) шахс қандай иш юзасидан чақирилаётганлиги;
- 4) шахснинг ким тариқасида чақирилаётганлиги;
- 5) ишда иштирок этувчи шахсларга иш бўйича уларда бўлган ҳамма далилларни тақдим этиш тўғрисидаги таклиф;
- 6) чақирилувчининг шахсан ўзи бўлмаганлиги сабабли чақирув хатини қабул қилиб олган шахснинг биринчи имконият бўлиши билан уни чақирилувчига топшириш мажбурияти;

¹ Қаранг: Қонун номи билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 1998 йил, 1-2-сонлари, 52-бет.

7) судга келмаслик (ФПКнинг 86, 174, 175, 176-моддалари) оқибатлари кўрсатилади.

Чақирув хати чиқарилаётган шахсга тараф ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахс томонидан хатда кўрсатилган манзил бўйича етказиб берилади. Агар судга маълум қилинган манзилда фуқаро яшамаса, чақирув хати унинг ишлаш жойига юборилиши мумкин.

Чақирув хати топширилганлиги тўғрисида тилхат олиш йўли билан, почта орқали ёки хат ташувчи орқали ҳам юборилади.

Судья ишда иштирок этувчи шахснинг розилиги билан унга иш бўйича чақарилаётган бошқа шахсга топшириш учун чақирув хати бериши мумкин.

Судья томонидан чақирув хатини етказиб бериш топширилган шахс чақирув хатининг иккинчи нусхасини чақирув хатини олганлиги тўғрисида манзилда яшовчига кул қўйдириб, судга қайтаришга мажбур.

Чақирув хати фуқароларга чақирув хатининг қайтариладиган иккинчи нусхасига шу хатни олган вақтни кўрсатиб, кул қўйдирилган ҳолда шахсга топширилади.

Корхоналар, муассасалар, жамоат бирлашмалари, ташкилотлар номига ёзилган хати тегишли мансабдор шахсга чақирув хатининг иккинчи нусхасига кул қўйдириб топширилади.

Агар чақирув хатини олиб борган шахс иш бўйича чиқарилаётган фуқаронинг яшаш ёки ишлаш жойида топмаса, чақирув хати у билан бирга яшайдиган оила аъзоларининг катта ёшдагиларидан бирортасига, улар ҳам бўлмаганда, ўзини-ўзи бошқариш идорасига ёки иш жойи маъмуриятининг мансабдор шахсига топширилади. Кўрсатилган ҳолларда чақирув хатини қабул қилиб олган шахс унинг иккинчи нусхасида ўзининг фамилияси, исми, отасининг исмини, фуқароларга муносабатини (эри ёки хотини, отаси, онаси, ўғли, қизи ва ҳоказо эканлигини) ёки ишлайдиган вазифасини кўрсатишга мажбур. Чақирув хатини қабул қилиб олган шахс уни биринчи имконият бўлиши билан кечиктирмасдан чақирилувчига топширилиши керак.

Чақирилувчи вақтинча бирор жойга кетган бўлса, чақирув хатини келтирган шахс унинг иккинчи нусхасини чақирилувчи каёкка кетганлиги ва қачон келиши кутилиши тўғрисида ёзиб қўяди.

Бу маълумотлар тегишли фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари ёки чақирилувчининг ишлаш жойидаги иш берувчи (маъмурият) вакилининг имзоси билан тасдиқланиши ва гувоҳлантирилиши лозим.

Суднинг чақирув хатини чақирилган шахс олишдан бош тортса, чақирув хатини олиб келган шахс бу тўғрида чақирув хатига ёзиб, уни судга топширади. Чақирув хатини олишдан бош тортганлик ҳақидаги ёзув фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари ёки чақирилувчининг иш жойидаги иш берувчи (маъмурияти) ёхуд камида иккита фуқароларнинг имзоси билан тасдиқланади. Чақирув хатини қабул қилишда бош тортиш ишни кўришга тўсқинлик қилмайди.

Ишда иштирок этаётган шахслар иш юритилаётган вақтда ўз манзили ўзгаргани ҳақида судга маълум қилишлари лозим. Акс ҳолда чақирув қоғози

судга маълум бўлган охирги манзил бўйича юборилади ва чақирилувчи бу манзилда яшамаётган бўлсада, чақирув қоғози унга топширилган ҳисобланади.

Жавобгарнинг ҳақиқий турадиган жойи номаълум бўлган тақдирда жавобгарнинг маълум бўлган охирги турар жойидаги почта бўлими, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари ёхуд унинг охирги иш жойидаги иш берувчи (маъмурият)нинг мансабдор шахсига чақирув хатининг иккинчи нусхасига чақирув хати олинганлиги ва чақирилувчининг қаерда экани номаълумлиги сабабли уни топшириш мумкин эмаслиги ҳақида ёзиб юборган маълумот судга келиб тушгач суд ишни кўришга киришади. Алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлиш ёки соғлиққа бошқача шикаст етиши, шунингдек боқувчисининг ўлими натижасида келган зарарларни қоплаш ҳақидаги даъволар бўйича жавобгарнинг ҳақиқий яшаб турган жойи номаълум бўлса, жавобгарни кидириш мажбурийдир.

Юқорида кўрсатилган ҳолларда суд жавобгарни ички ишлар идоралари орқали кидиртириш тўғрисида ажрим чиқаради.

ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ СУДДА МУҲОКАМА ҚИЛИНИШИ

1-§. Судда ишни кўриш тушунчаси ва унинг аҳамияти

Фуқаролик ишларининг суд мажлисида кўрилиши ва ҳал этилиши фуқаролик процессининг муҳим босқичи бўлиб, катта сиёсий ва процессуал аҳамиятга эгадир. Бу босқичда суд, биринчи инстанция тариқасида ишни мазмунан кўради, тўпланган далилларнинг қанчалик тўғри бўлишлигини аниқлайди, тарафларнинг ҳақиқий ҳуқуқий муносабатларини текширади ва ишнинг ҳолатига қараб, қонунга риоя қилган ҳолда, ҳал қилув қарори чиқаради.

Суд фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилишда ўз фаолиятини давлатнинг, фуқароларнинг ва ташкилотларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратади. Шунинг ўзи билан суд айна шу босқичда одил судловнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширади.

Судда ишни кўриш деганимизда фақат ваколатига яъни судда кўрилишига тегишли бўлган фуқаролик ишларини қонунда белгиланган тартибда мазмунан кўрилишига айтилади (ФПКнинг 31-моддасида). Фуқаролик ишларининг судда очик, ошкора кўрилиши муайян тарбиявий аҳамиятга эгадир. Судда ишнинг кўрилиши давлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш, қонунни огишмай бажариш ва халқимизнинг урф-одатлари, турмуш тарзи қоидаларига риоя қилиш руҳида тарбиялаш мақсадлари кўзланади.

Одил судловни амалга оширадиган суднинг жамият олдида жавобгарлиги каттадир. Истиклол қонунларини ҳар қандай қонун бузилишига қарши кўрашиш суднинг иш кўриши фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, судьянинг фуқаролик иши бўйича қонунни тўғри тадбиқ қила билишга ҳам боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг чиқарган қатор қарорларида фуқаролик ишларини судда кўришда қонунчиликка қатъий риоя қилиш ҳақида, процессуал нормаларнинг бузилишига, тарафларнинг ҳуқуқларини бузишга йўл қўймаслик зарурлиги қайд қилинади. Фуқаролик ишлари бўйича судларнинг суд процессини тўғри, аниқ ташкил қилиш низоларни келиб чиқишини олдини олишга ва энг муҳими фуқаролик ҳуқуқий муносабатларини бузилишини олдини олишга ёрдам беради. Процессуал қонунларнинг бузилиши, чунончи: ишда иштирок этувчи тарафлардан биронтасининг йўқлигида уни суд мажлиси бўлиши вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилмасдан кўрилиши иш юзасидан чиқарилган қарорни апелляция, кассация ёки назорат тартибида бекор қилиш учун бўлади (ФПКнинг 314-моддаси) ва фуқаролик ишларини судларда кўришда Процессуал қонунларни тадбиқ қилишда суд амалиёти тўғрисидаги 1983 йил 12 декабрь Пленум қарорида кўрсатиб ўтилган.

2-§. Суд мажлисида иш кўришнинг процессуал тартиби

Фуқаролик иши ишда иштирок этувчи шахслар албатта хабардор қилинган ҳолда суд мажлисида кўрилади (ФПКнинг 162-моддаси).

Ишнинг кўрилишида судда иштирок этаётган тарафлар ва бошқа шахсларнинг ҳаракатлари қатъий ўрнатилган процессуал тартиб асосида олиб борилиши талаб қилинади.

Суд мажлисини раислик этувчи, суднинг раиси бошқаради. Туман (шаҳар) судининг мажлисида судья, юқори судларнинг мажлисида эса-раис, ўринбосари ёки судьялардан бири раислик қилади.

Раислик қилувчи суд мажлисига раҳбарлик қилиб, ишдаги барча ҳолатларни, тарафларнинг ҳуқуқ ва вазифаларини тўлиқ ҳар томонлама ҳолисона равишда аниқлашни таъминлайди, кўрилаётган ишга алоқаси бўлмаган ҳамма нарсани суд текширувидан чиқариб ташлайди.

Ишда иштирок этувчи шахслардан, вакиллар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, гувоҳлардан бирортаси раислик қилувчининг ҳаракатига қарши эътироз билдирган тақдирда, бу эътирозлар суд мажлисининг баёнига киритилади ва масала суднинг тўла таркибида ҳал қилинади. Раислик қилувчи суд мажлисида тегишли тартибни таъминлаш учун зарур бўлган чораларни кўради (ФПКнинг 164-моддаси).

Ишни текшириш вақтида тартибни бузган шахсни раислик қилувчи суд номидан огоҳлантиради. Ишда қатнашувчи шахслар, вакиллар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар тартибни такроран бузсалар суднинг ажрими билан, бошқа фуқаролар эса-раислик қилувчи фармойиши билан суд мажлиси залидан чиқариб юборилиши мумкин. Шунингдек, суд ишни кўришда ҳозир бўлган фуқароларга бу ҳолда энг кам белгиланган иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солишга ҳақли.

Прокурор ёки адвокат раислик қилувчининг фармойишларига итоат қилмасалар, улар огоҳлантириладилар. Мазкур шахслар раислик қилувчининг фармойишларига яна итоат этмасалар, агар уларни ишга зарар етказмай туриб

бошқа шахс билан алмаштириш мумкин бўлмаса, ишни кўришни суднинг ажрим билан кейинга қолдириш мумкин. Айни вақтда суд бу ҳақда тегишлича юқори турган прокурорга ёки адвокатлар малака комиссиясига маълум қилади.

Суд мажлисида ҳозир бўлган тарафлар ва учинчи шахслар тартибни бузсалар, суд ишни кўришни кейинга қолдиради ёхуд тартибни бузувчини суд мажлиси залидан иш кўришнинг ҳамма вақтга ёки унинг бир қисмига мажлис залидан чиқариб юборилади.

Унинг йўқлигида қилинган процессуал ҳаракатлар билан таништиради. Агар суд мажлисидаги тартибни ҳар икки тараф, учинчи шахслар бузсалар, суд иш кўришни кейинга қолдириши мумкин (ГПКнинг 166-моддаси). Борди-ю суд мажлиси жараёнида фуқаролар томонидан оммавий тартибсизликларга йўл қуйган бўлсалар, суд бундай ҳолларда ҳам ишни кўришни кейинга қолдиришга ҳақли бўлади.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг ўзаро ва суд билан тўғри муносабатда бўлишлиги ва айрим процессуал масалаларнинг шошилмай, ҳар тарафлама уйлаб, ҳал этилиши, суд томонидан қилинадиган турли процессуал ҳаракатлар оқибатларининг аниқ тушунтириб борилиши-суд обрусини кутаради, судда иш кўришнинг тарбиявий таъсирини кучайтиради.

Фуқаролик ишларининг судда кўрилиши бамаслаҳат асосда олиб борилади. Ишни кўриш ва ҳал қилув қарорини чиқариш билан боғлиқ ҳамма масалаларни ҳал қилишда судьялар суд мажлисида раислик қилувчи билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Фуқаролик ишлари умумий қоида бўйича ошқора кўрилади, бу эса, ўз навбатида одил судловни амалга оширишда халқнинг назорат этилишини таъминлайди. қонунда назарда тутилган айрим ҳолларда иш ёпиқ суд мажлисида кўрилади, чунончи, давлат сирларини сақлаш, шунингдек фуқароларнинг шахсий қонуний манфаатларини талаб қилган ҳолларда иш ёпиқ суд мажлисида кўрилади. Ишда иштирок этувчи ҳаёт сирларига оид маълумотларнинг фош бўлишига йўл қўймаслик мақсадида ҳам иш ёпиқ мажлисда кўрилиши мумкин. Фуқаролик ишининг ёпиқ суд мажлисида кўрилишида кимларнинг қатнашишлари мумкинлиги ФПКнинг 10-моддасида кўрсатилган. Ишнинг кўрилиши судьяларнинг ўзгармас таркибида олиб борилади. Агар процесс давомида судьялардан бири алмаштирилса, бу иш яна қайтадан бошлаб кўрилиши керак.

Ҳар бир иш бўйича суд мажлиси (дам олиш учун белгиланган вақтдан ташқари) узлуксиз давом этади. Суд бошланган ишнинг кўрилишини тамомламасдан ёки уни кўришни бошқа вақтга қолдирмасдан туриб, бошқа ишларни кўришга ҳақли эмас (ФПКнинг 11-моддасини 3-қисми).

Фуқаролик ишларини ҳал қилишда суд мажлиси тубандагича қисмларга: тайёрлов қисмига; ишни мазмуни бўйича кўриш қисмига; суд музокаралари қисмига; агар ишда иштирок этса, прокурорнинг фикр бериш қисмига; қарор чиқариш ва уни эълон қилиш қисмига бўлинади.

Суд мажлисининг ҳар қайси қисми мустақил аҳамиятга эга ва бир-бири билан боғлиқ бўлиб, кетма-кет ўтказилади. Буларнинг ҳар қайсисида муайян масалалар ҳал қилинади ва кейинги қисмга ўтиш учун тайёргарлик кўрилади.

Суд мажлисининг тайёрлов қисмида суд фуқаролик ишини мазкур суд мажлисида кўриш учун зарур шарт-шароитлар бўлиш-бўлмаслигини аниқлайди. Бунинг учун суд ишни суднинг мазкур тартибда чиқарилган шахсларнинг иштирокида кўриш мумкин бўлиш бўлмаслиги ва тўпланган далилларнинг етарли бўлиш-бўлмаслиги масалаларини ҳал қилади.

Суднинг бу масалаларни ҳал қилиш юзасидан процессуал ҳаракатлари тубандагича тартибда амалга оширилади. Аввало судда раислик қилувчи суд мажлисини очиб, қандай ишнинг кўрилишини эълон қилади. Бундан сўнг суд мажлиси котиби иш бўйича чақирилган шахслардан кимларнинг келганлигини, суд мажлисига ҳозир бўлмаганларга чақирув хатлари топширилган-топширилмаганлигини ва суд мажлисига келмаганлик сабаблари тўғрисида қандай маълумотлар борлигини судда маълум қилади. Сўнгра суд ҳозир бўлганларнинг шахсини аниқлайди, шунингдек мансабдор шахслар ва вакилларнинг ваколатини текширади (ФПКнинг 167-моддаси).

Агар ишда таржимон иштирок этса, раислик қилувчи унинг қонунда назарда тўтган бурчларини, вазифаларини тушунтиради ва нотўғри таржима қилинганлиги учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 238-моддаси бўйича жавобгарликка тортилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантиради.

Суд мажлисида ҳозир бўлган гувоҳлар сўроқ учун чақирилишларига қадар суд мажлиси залидан чиқариб турилади. Раислик қилувчи судда сўроқ қилинган гувоҳларнинг сўроқ қилинмаган гувоҳлар билан бирга бўлмасликлари учун чоралар кўради. Бундан сўнг раислик қилувчи суднинг таркибини эълон қилади ва прокурор сифатида, кимларнинг эксперт, мутахассис, таржимон суд мажлиси котиби бўлиб кимларнинг судда иштирок этишини маълум қилади. Судья ва процесснинг бошқа иштирокчиларини четлаштириш (рад қилиш) тартиби ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг судья, прокурор ва процесснинг бошқа иштирокчиларига четлатиш беришга (рад этишга) бўлган ҳуқуқлари, яъни улардан бири ёки бир нечасини ишда иштирок этишдан четлатиш тўғрисида арз қилишлари мумкинлигини тушунтиради ва улардан четлатишлари бўлиш-бўлмаслиги сўралади. Агар четлатиш эълон қилинган бўлса, унинг сабаблари белгиланади, ишда иштирок этувчи шахсларнинг фикрлари ва кимга нисбатан четлатиш билдирилган бўлса, унинг баёноти эшитилади ва судьялар четлатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун алоҳида хонага кирадилар.

Фуқаролик ишини кўришда иштирок этишдан четлатиш асослари ва бу масалага оид бошқа қоидалар ФПКнинг 25-30-моддаларида белгиланган. Жумладан, судья, прокурор, суд мажлисининг котиби шахсан бевосита ёки билвосита ишнинг оқибатидан манфаатдор бўлсалар ёки уларнинг беғаразликларига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, улар ишни кўришда иштирок эта олмайдилар ва ишдан четлатилишлари лозим.

Четлатиш тўғрисидаги арз асослантирилган бўлиши ва ишни мазмуни бўйича кўришдан олдин билдирилиши керак. Четлатиш тўғрисида кейинчалик арз қилишга, фақат бунинг учун асосларнинг бўлиши судга ёки кимга нисбатан арз қилинадиган бўлса-шу шахсга ишнинг кўрилиши бошланганидан сўнг маълум бўлган бўлсагина йўл қўйилади.

Четлатиш учун асослар деганимизда, кимга нисбатан четлатиш тўғрисида арз қилинган бўлса, бу шахснинг ишда иштирок этувчи шахслар билан дўстлик, қариндошлик муносабатларида бўлиши, хизмат жиҳатидан ёки бошқача манфаатдор бўлишлиги тушунилади.

ФПКнинг 25-26-моддаларида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлса, судья, прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон, суд мажлисининг котиби бу ҳақда судга арз қилишга мажбур, яъни ўзини-ўзи четлатиш тўғрисида масала қўйишлари керак. Шу асослар бўйича ишни кўришда иштирок этувчи шахсларга ҳам четлатиш беришлари мумкин.

Четлатиш бериш тўғрисида арз қилинган тақдирда суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг фикрларини, шунингдек ишни кўришдан четлатилиши талаб қилинган шахснинг сўзини, агар у изоҳ беришни хоҳласа эшитиши керак.

Юқори судларда ишни кўришдан четлатиш масаласи четлатиш берилган судьянинг иштирокисиз қолган судьялар томонидан ҳал қилинади. четлатиш ёқлаб берилган овозлар сони тенг бўлса, судья ишни кўришдан четлатилган ҳисобланади.

Икки судьяга ёки суднинг ҳамма таркибига четлатиш бериш тўғрисидаги қилинган арз ўша суднинг тўлиқ таркибида оддий кўпчилик овоз билан ҳал қилинади.

Прокурорга, экспертга, таржимон ва суд мажлисининг котибига берилган четлатиш тўғрисидаги масалани ишни кўраётган суд ҳал қилади.

Судья ёки суднинг ҳамма таркиби ишни кўришдан четлатилган тақдирда, иш шу туман (шаҳар) судида, лекин судьяларнинг бошқа таркибида кўрилади ёки иш кўриш учун бошқа туман (шаҳар) судига ўтказилади.

Иш Ўзбекистон Республикаси Олий судида, қорақалпоғистон Республикаси Олий судида, вилоят судида, Тошкент шаҳар судида кўрилаётганда судья ёки суднинг ҳамма таркиби четлатилса, иш шу судда, лекин судьяларнинг бошқа таркибида кўрилади.

қорақалпоғистон Республимкаси Олий судида, вилоят ёки Тошкент шаҳар судида четлатиш тўғрисидаги арз қаноатлантирилганидан сўнг ФПКнинг 30-моддасида кўрсатилган сабаблар бўйича ишни кўриш учун суднинг янги таркибини ташкил қилиш мумкин бўлмаса, ишни Ўзбекистон Республикаси Олий судига ўтказиш лозим бўлади.

Суд мажлиси бошланиши билан раислик қилувчи ишда иштирок этаётган шахсларга ва вакилларга уларнинг процессуал ҳуқуқлари ва бурчларини тушунтиради ва шу билан бирга уларнинг муайян процессуал ҳаракатларни қилишлари ёки қилмасликларининг оқибатлари тўғрисида огоҳлантирилади.

Бундан сўнг суд ишда иштирок этувчи шахслар ва вакилларнинг янги далиллар талаб қилиб олиш ҳамда ишнинг кўрилиши билан боғлиқ бўлган барча бошқа масалалар бўйича илтимосларни ҳал қилишга киришилади. Ишда иштирок этувчи шахслар ва вакилларнинг бу тўғридаги фикрлари, шунингдек прокурорнинг фикри эшитилганидан сўнг суд илтимосни қаноатлантириш ёки уни рад қилиш тўғрисида ажрим чиқаради. Суднинг бу ажрими дарҳол суд мажлисида эшиттирилади.

Судда ҳозир бўлмаган тарафларнинг иштирокисиз ишни ҳал қилиши келмаган тарафнинг суд ҳимоясидан фойдаланиш ҳуқуқини жиддий равишда бузиши мумкин. Бинобарин, тарафларнинг ишнинг кўрилиши вақти ва жойи тўғрисида қонун билан белгиланган тартибда хабардор қилинганликлари суд томонидан текширилиши керак. Агар тарафлар хабардор қилинмаган бўлсалар, ишнинг кўрилиши бошқа вақтга қолдирилиши лозим.

Агар суд мажлисига келмаган шахслар ёки экспертларнинг йўқлигида ишни кўришни суд мумкин деб топса, иш кўрилишини давом эттириш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Фуқаролик ишини судда мазкур тартибда ва ҳозир бўлган шахсларнинг иштирокида, тўпланган далиллар бўйича кўриш мумкинлиги тўғрисида фикрга келинса-суд ишни мазмуни бўйича кўришга ўтади.

Фуқаролик ишининг судда мазмунан кўрилиши қисми раислик қилувчининг қандай иш кўрилиши, кимнинг кимга нисбатан нима тўғрисидаги даъвоси ёинки бирон-бир юридик фактнинг белгиланиши ҳақида илтимос билан мурожаат қилинганлиги тўғрисидаги маъруза билан бошланади.

Сўнгра раислик қилувчи даъвогардан ўз талабларини қувватлаш-қувватламаслигини, жавобгардан даъвогарнинг талабларига иқрор бўлишини ёки иқрор эмаслигини ва тарафларнинг ишни келишув битими билан тамомлашни иташ-истамасликларини сўрайди.

Бундан сўнг судья тарафларга ва учинчи шахсларга иш бўйича қўлларида булган далилларга асосланиб, тушунтиришлар беришга таклиф қилади. Аввало даъвонинг мазмуни даъвогардан эшитилади, бундан сўнг даъвогар тарафида туриб ишда қатнашувчи учинчи шахс тушунтириш беради. Сўнгра тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиқ принципига биноан тушунтиришни жавобгар ва унинг тарафида туриб ишда иштирок этувчи учинчи шахс беради. Прокурор, шунингдек бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун даъво қўзғатган шахслар биринчи бўлиб сўзлайдилар (даъвоинг махмунини баён қиладилар). Ишда иштирок этувчи шахслар суд мажлисида эркин ҳуқуқ тамойилига кўра бир-бирларига саволлар беришга ҳақлидирлар.

Ишда иштирок этаётган шахсларнинг ёзма баёнотлари ва ФПКнинг 63-65 ва 72-моддаларида назарда тутилган тартибда суд томонидан олинган баёнотларни ва баённомаларни раислик қилувчи укиб эшиттиради.

Тарафлар ва учинчи шахсланинг кўрсатмалари, тушунтиришлари эшиттирилгандан сўнг иш ҳолатини тушунтириш учун сўз ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга берилади.

Ишда иштирок этувчи барча шахсларнинг тушунтиришлари эшитилгандан сўнг суд гувоҳларни, экспертларни сўроқ қилиш ва иш ҳолатини аниқлаш учун зарур бўлган бошқа исботлаш воситаларини текшириш тартибини белгилайди. Бу масалани ҳал қилишдан олдин суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг фикрларини ва прокурорнинг фикрини эшитади ва суднинг ажримига мувофиқ суд мажлиси залига бирма-бир гувоҳлар чақириладилар.

Гувоҳларни сўроқ қилиш тартиби. Гувоҳларни сурор қилиш тартибига ва уларнинг кўрсатмаларига оид қоидалар ФПКнинг 183-186-моддаларида

берилган. Бу қонунларда кўрсатилишича, ҳар бир гувоҳ алоҳида сўроқ қилинади. Раислик қилувчи гувоҳни сўроқ қилишдан олдин унинг шахсини, ёшини, касбини, шу ишга алоқасини ва унинг тарафлар билан ва бошқа шахслар билан ўзаро муносабатини аниқлайди, шунингдек уни кўрсатма беришдан бош тортгани ёки буйин товлагани ва била туриб ёлгон кўрсатма бергани учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 240 ва 239-моддалари бўйича жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантирилади. Гувоҳларни сўроқ қилиш ва уларнинг жавобгарлиги ва бошқа муносабатлари ҳақида мусулмон ҳуқуқида алоҳида аҳамият берилган. Етимнинг молига то вояга етгунича фақат энг чиройли йўл билан яқинлашингиз! Улчаб ва тарозини адолат билан тўла тортингиз!... сўзлаганингизда (гувоҳлик берганингизда) гарчи қариндошингиз бўлса ҳам адолат қилингиз! (Анъом сураси-6, 152-оят, Куръони Карим 98-бет).

Гувоҳлардан уларга ўзларининг бурчлари ва масъулиятлари тушунтирилганлиги тўғрисида тилхат олинади. Тилхат суд мажлиси баёнига қўшилади. Хали кўрсатма бермаган гувоҳлар ишни кўриш вақтида суд мажлиси залида бўлишлари мумкин эмас.

Гувоҳ кимнинг ариза бўйича чақирилган бўлса, шу шахс ва унинг вакили гувоҳга биринчи бўлиб савол беради, сўнгра унга ишда иштирок этувчи бошқа шахслар ва вакиллар савол берадилар. Суднинг ташаббуси билан чақирилган гувоҳга саволларни биринчи бўлиб даъвогар беради. Раислик қилувчи ва бошқа судьялар гувоҳ сўроқ қилинаётган вақтда унга ҳар қанча савол беришга ҳақлидирлар.

Сўроқ қилинган гувоҳлар иш кўриш тамом бўлганга қадар суд мажлиси залида қолишлари лозим. Суд сўроқ қилинган гувоҳларнинг иш кўриш тамом бўлмасдан олдин суд мажлиси залидан чикиб кетишига тарафларнинг розилиги билан руҳсат эта олади.

Зарур бўлган ҳолда суд гувоҳни ўша ёки келгуси мажлисда қайтадан сўроқ қилиши, шунингдек гувоҳларнинг гувоҳликларида бўлган зиддиятларни аниқлаш учун уларни юзлаштириш мумкин. Гувоҳ гувоҳлик беришда унинг гувоҳликлари бирор ҳисоблар ёки хотирада қолиши қийин бўлган бошқа маълумотлар билан боғлиқ бўлган ҳолларда, у ёзма хотиралардан фойдаланиши мумкин. Бу хотиралар судга ва ишда иштирок этувчи шахсларга кўрсатилади ва суднинг ажрими билан ишга қўшиб қўйилиши мумкин.

Раислик қилувчи 16 ёшга етмаган гувоҳларга иш бўйича улар ҳамма билганлаини ростгуйлик билан айтиб беришга мажбур эканликларини тушунтиради, лекин улар кўрсатув беришдан бош тортганлик ёки буйин товлаганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантирилмайдилар.

Ун тўрт ёшгача бўлган гувоҳларни сўроқ қилишда суд лозим топган тақдирда эса, ўн тўрт ёшдан ўн олти ёшгача бўлган гувоҳларни сўроқ қилишда ҳам педагог, зарур ҳолларда эса бундай гувоҳларни ота-оналари, васий ҳамда хомийлари чақирилади. бу шахслар раислик қилувчининг руҳсати билан гувоҳларга саволлар бера оладилар.

Алоҳида ҳолларда вояга етмаган гувоҳни сўроқ қилиш вақтида суд мажлиси залидан ишда иштирок этувчи шахслардан бирортаси суднинг ажрими

бўйича чиқариб юборилиши мумкин. ўша шахс мажлис залига қайтиб келгандан сўнг, унга вояга етмаган гувоҳ кургазмаси укиб эшиттирилиши ва гувоҳга саволлар бериш имкониятини таъминланиши зарур.

Ун олти ёшга етмаган гувоҳ сўроқ қилиб бўлингач, суд мажлиси залидхан чиқарилади, бу гувоҳнинг мажлис залида бўлишини суд зарур деб топган ҳоллар бундан мустаснодир.

Гувоҳларнинг ФПКнинг 65-68 ва 75-моддаларида кўрсатилган тартибда суд томонидан олинган кургазмалари суд мажлисида укиб эшиттирилади.

Ёзма далилларни текширишда суд оғзакилик принципига биноан уларни тўла ёки ишга оид бўлган қисмини укиб эшиттирилиши ва ишда иштирок этувчи шахсларга ва лозим ҳолларда экспертларга, мутахассисга ҳамда гувоҳларга кўрсатиши ва бундан сўнг ишда иштирок этувчи шахслар булар юзасидан тушунтиришлар беришлари мумкин.

Фуқароларнинг шахсий ёзишмалари каби далиллар суд мажлисида, бундай ёзишмалар кимлар ўртасида бўлган бўлса, бу шахсларнинг розилиги билан уқилиши мумкин. Уларнинг розилиги бўлмаганида эса-суд уларни фақат ёпиқ мажлисдагина текширади.

Агар тарафлар узрли сабаблар бўйича далилларни ўз вақтида топшира олмаган бўлсалар суд иш юзасидан ҳақиқатни белгилаш мақсадида иш учун аҳамиятли бўлган далилларни суд мажлисида ҳам қабул қилиши мумкин.

Тақдим қилинган ҳужжатларнинг калбакилиги тўғрисидаги аризалар бўйича суд экспертизасини тайинлаши мумкин. Агар суд ҳужжатни калбаки деган хулосага келса, уни далиллар қаторидан чиқариши ва зарур ҳолларда суд ҳужжатларни текшириш учун прокурорга юбориши мумкин. Агар ишда ашёвий далиллар бўлса, улар суд томонидан кўздан кечириб чиқилади ва ишда иштирок этувчи шахсларга, вакилларга, зарур бўлган ҳолларда эса эксперт, мутахассис ва гувоҳларга ҳам кўрсатилади.

Ашёвий далилларни кўздан кечириш тўғрисида тузилган баённома суд мажлисида укиб эшиттирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленум қарорида ишни судда кўриш жараёнида иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни аниқлаш зарурлиги ҳақида таъкидланган. Масалан, шаън ва кадр-қимматга оид ишларни кўришда

а) раддия берилиши талаб қилинаётган маълумотнинг тарқатилган-тарқатилмаганлиги;

б) бу маълумотларнинг фуқаро ёки ташкилотни кадр-қимматига путур етказган-етказмаганлиги;

в) бу маълумотларнинг ҳақиқатга тўғри келиш-келмаслиги ва ҳоказолар кўрсатилган.

Судга келтириш мумкин бўлмаган ашёвий ва ёзма далиллар уларнинг турган жойида кўздан кечирилади ва текширилади. Жойларда кўздан кечиришни ўтказиш тўғрисида суд ажрим чиқаради.

Куздан кечириш жойига борганда раислик қилувчи суднинг иш кўришни давом эттирилиши тўғрисида эълон қилади, ишни кўриш фуқаролик процессуал қонунларда белгиланган қоидалар бўйича олиб борилади. кўздан кечиришнинг

натижалари суд мажлиси баёнига киритиладаи. Баёнга кўздан кечириш пайтида тузилган ёки тасдиқланган режалари чизмаларни, сўратларни ҳам кушиш мумкин. Процессга иштирок қилишга суд жалб қилган ёки ўз ташаббуслари билан процессга киришган давлат бошқарув идораларининг фикрлари суд мажлисида баён қилинади, сўнгра суд ва ишда иштирок этувчи шахслар мазкур вакилларга кўрилаётган иш бўйича саволлар беришлари мумкин (ФПКнинг 187-моддаси).

Суд мажлиси бошидан охиригача тарафларнинг тортишувчилик принципи асосида ўтказилади. Тарафлар даъвои исботлаш ёинки рад қилиш учун барча далилларни келтирадилар.

Суд ҳам қонун (ФПКнинг 15-моддаси)да кўрсатилганидек, тақдим қилинган материаллар ва баёнотлар билан чекланмасдан, ишнинг ҳақиқий ҳолатини, тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва ҳолисона равишда аниқлаш учун қонунда кўрсатилган ҳамма чораларни кўради. Иш бўйича йигилган ҳамма далиллар текширилиб бўлингандан сўнг раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахслар ва вакиллардан иш материалларини бирор нарса билан тўлдириш-тулдирмаслигини сўрайди. Бундай баёнот бўлмаса раислик қилувчи ишни мазмунан текшириш тамом бўлганлигини эълон қилади ва суд, суд музокарасини ҳамда прокурорнинг фикрини эшитишга ўтади (ФПКнинг 198-моддаси).

Суд музокаралари. Биринчи инстанция суди мажлисининг музокаралари ишда иштирок этувчи шахсларнинг сўзларидан ва прокурорнинг хулосаларидан иборат бўлади. Бу қисмида тарафлар: аввал даъвогар, сўнгра жавобгар ёки уларнинг вакиллари суд мажлисида даъвонинг қандай далиллар билан исботланганлигини ёки исботланмаганлигини, қандай ҳуқуқлар ёки бурчлар белгиланган ёки белгиланмаганлигини тегишли ҳуқуқ нормаларига ҳавола қилиб (асосланиб) кўрсатадилар. Суд мажлисининг шу қисмида даъвогар қоида бўйича, даъвонинг қаноатлантирилишини, жавобгар эса-агар даъвои тан олмаган бўлса, унинг рад қилинишини илтимос қилади.

Суд музоқалари белгиланган тартибда ўтказилади ва ишда иштирок этувчи шахслар ва вакилларнинг сўзларидан иборат бўлади. Суд музоқаларида дастлаб даъвогар ва унинг вакили, сўнгра жавобгар ва унинг вакили сўзлайди. Бошланган процессда низо предметиға мустақил талаби бўлган учинчи шахс ва унинг вакили тарафлардан сўнг сўзлайди. низонинг предметиға мустақил талаб билдирмаган учинчи шахс ва унинг вакили шу учинчи шахс ишда қайси даъвогар ёки жавобгар томонидан иштирок этаётган бўлса, шу даъвогар ёки жавобгардан кейин сўзлайдилар.

Прокурор, шунингдек давлат бошқарув идоралари, касаба уюшмаси, корхоналар, муаасасалар, ташкилотлар ҳамда фуқаролар ФПКнинг 5-моддасида кўрсатилган тартибда иш бошлаган бўлсалар, суд муҳокамасида биринчи бўлиб сўзлайдилар.

Процессда иштирок этишга суд томонидан жалб қилинган ёки процессга ўз ташаббуси билан киришган давлат бошқарув идораларининг вакиллари суд музокарасида тарафлар ва учинчи шахслардан сўнг сўзлайдилар (ФПКнинг 198-моддасини 5-қисми).

Бундан сўнг музокараларни иштирокчилари бир-бирларига қарши эътироз (реплика) сўзларини айтишлари, яъни келтирилган важлар, асослар тўғрисида яна қайта сўзлашлари мумкин. Охирги эътирозни айтиш ҳамма вақт жавобгар ва унинг вакилига тегишли бўлади.

Суд мажлисида прокурорнинг фикр бериш қисми. Ишда иштирок этувчи прокурор, ўзи даъво қўзгатганидан ёки ишга киришганидан қатъий назар, ишнинг тўла мазмуни бўйича ўзининг хулосасини суд музокарасидан кейин беради (ФПКнинг 199-моддаси).

Прокурор ўз сўзида суд мажлисида текширилган далилларга таҳлил бериб, қандай фактларнинг аниқланганлиги, иш бўйича қайси қонунга асосланиш лозимлиги, даъвонинг қаноатлантирилиши ёинки қаноатлантирилмаслиги тўғрисида хулоса беради. Агар судда кўрилаётган иш жамоатчилик манфаатлари билан боғлиқ бўлса, унинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти тўғрисида тўхталиб ўтиши керак бўлади.

Баъзи ҳолларда прокурор судга оғзаки фикр бериш билан бирга унинг суд мажлиси баёнига тўғри ва тўлиқ ёзилишини таъминлаш ва баёнига қўйиш учун хулосани ёзма равишда ҳам бериши мақсадга мувофиқ бўлиб кўрилади.

Суд музокарасида қатнашувчилар ёки хулоса берувчи прокурор ўз сўзида судда аниқланмаган, шунингдек суд мажлисида текширилмаган далилларга асосланишга ҳақли эмас.

Суд музокараси ёки прокурорнинг хулоса бериши вақтида ишга аҳамияти бўлган янги ҳолатларнинг аниқланишини ёки далилларнинг текширилишини зарур деб топса, суд ишни мазмунан кўришни қайтадан бошлаш тўғрисида ажрми чиқаради. Ишни мазмунан кўриш тамом бўлганидан сўнг, суд музокараси ва прокурорнинг хулосаси умумий тартибда тингланади.

Суд мажлисининг қарор қилиш қисми. Суд мажлисининг охирги қисми ҳал қилув қарорини чиқариш ва бу қарорни эшиттириш тўғрисида бўлади.

ФПКнинг 201-моддасида кўрсатилганидек, суд музокараси ва прокурорнинг хулосаси тингланиб бўлгач, суд ҳал қилув қарори чиқириш учун алоҳида хонага (маслахатхона)га киради. Раислик қилувчи суд мажлисида ҳозир бўлганларга шу ҳақда эълон қилади. ҳал қилув қарорини чиқаришга оид асосий қоидалар ФПКнинг 203-205-моддаларида берилган. Бу қонунларда кўрсатилишича, ишни мазмунан ҳал қиладиган биринчи инстанция судининг қарори ҳал қилув қарори шаклида Ўзбекистон Республикаси номи билан чиқарилади.

Амалда ФПКда ҳал қилув қарорини суд мажлиси тугагандан сўнг алоҳида мураккаб ишлар юзасидан асослантирилган қарорни тузиб чиқиш кўпи билан уч кунга кечиктирилиши мумкин, лекин қарорнинг қарор қисмини суд ишни кўриб чиқиш тамомланган мажлисининг ўзидаёқ эълон қилиши керак. Айни вақтда суд ишда қатнашувчи шахслар ва вакиллар асослантирилган қарор билан қачон таништириб чиқишлари мумкинлигини эълон қилади. қарорнинг эълон қилинган қарор қисми ҳамма судьялар томонидан имзоланиши ва ишга тиркаб қўйиши назарда тутилган.

Алоҳида хона (маслахатхона)да бошқа шахсларнинг ҳозир бўлишига йўл қўйилмайди.

Судьяларнинг маслахати ФПКнинг 4-моддасида белгиланган тартибда бўлади. Судьялар судга маслахат вақтидаги муҳокамаларини ошкор қилишга ҳақли эмаслар.

Суднинг ҳал қилув қарори қонуний ва асосли бўлиши лозим. Суд ўз ҳал илув қарорини фақат суд мажлисида текширилган далилларгагина асослайди.

Суд ҳал қилув қарорини чиқаришда далилларга баҳо беради, шу иш бўйича аҳамиятли бўлган қандай ҳолатлар аниқланганлигини, қандайлари аниқланмаганлигини, қандай қаноатлантириш лозим бўлиш-бўлмаслигини белгилайди.

Суд шунингдек суд харажатларини тақсимлайди. ҳал қилув қарорини ижро этиш тартиби ва муддатини белгилайди ва бошқа қўшимча масалаларни ҳал қилади.

Агар маслахат вақтида иш учун аҳамиятли янги ҳолатни аниқлаш ёки янги далилни текшириш зарур бўлиб қолса, суд ҳал қилув қарори чиқармасдан, ишни судда текширишни янгидан бошлайди ва бу тўғрида ажрим чиқаради. Бундай ҳолда суд тешируви фақат қўшимча текшириш зарур бўлган ҳолатлар доирасидагина олиб борилади.

Суднинг ҳал қилув қарори кўпчилик овоз билан қабул қилинади. У раислик қилувчи ёки (судья) томонидан ёзма шаклда баён қилинади ва ҳал қилув қарорини чиқаришда иштирок қилган (судья) судьялар томонидан имзоланади. Судья, озчиликда қолган судья ўзининг алоҳида фикрини ёзма шаклда баён қилишга ҳақлидир. Суднинг алоҳида фикри суд мажлисида укиб эшиттирилмайди, лекин ишга қўшиб қўйилади.

Ҳал қилув қарори имзолангандан сўнг суд мажлис залига қайтиб киради. Судья, раислик қилувчи суднинг ҳал қилув қарорини укиб эшиттиради. Сўнгра раислик қилувчи ҳал қилув қарорини мазмунини тушунтиради ва тарафлардан суднинг ҳал қилув қарорига нисбатан ҳамда уни дарҳол ижро қилишга қаршилиги бор-йўқлигини аниқлайди. Тарафлар ҳал қилув қарорини дарҳол ижро қилишга бўлган розилиги суд мажлисининг баённомасига киритилиб, иккала тараф томонидан имзоланади. Унинг устидан шикоят қилиш тартиби ва муддатини тушунтиради ҳамда мазкур иш юзасидан суд масалани ёпиқ деб эълон қилади (ФПКнинг 202-моддаси).

3-§. Иш юритишни тўхтатиш

Иш юритишни тўхтатиш-фуқаролик ишининг судда ҳал қилинишига тўсқинлик қиладиган муайян ҳолатларнинг рўй бериши туфайли иш юзасидан процессуал ҳаракатларнинг тўхталишини билдиради. Иш кўришга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар турлича бўлиб, у судга ҳам, тарафларга ҳам боғлиқ бўлмайди ва қачон бундай. Тусик бартараф қилиниши номаълум бўлади. Шунинг учун суд ишни аниқ маълум вақтга тайинлаш имкониятига эга бўлмайди. Шу сабабли процессуал ҳаракатларни вақтинча тўхтатади. Иш юритишни тўхтатиш асослари **мажбурий** ва **факультатив** асосларга бўлинади.

Иш юритишни тўхтатишнинг **мажбурий асослари** ФПКнинг 92-моддасида белгиланган. Бу қонунда кўрсатилишича, суд қуйидаги ҳолларда: 1-

дан, ишда тараф бўлган фуқаролари вафот этиб, низолашилаётган ҳуқуқий муносабат ҳуқуқларнинг бошқаларга ўтказилишига йўл қўйса ёки ишда тараф бўлган юридик қайта ташкил этилса; 2-дан, фуқаро муомала лаёқатини йўқотса; 3-дан, жавобгар Куролли кучларнинг ҳаракатидаги қисмида бўлса ёки Куролли кучларнинг ҳаракатидаги қисмида бўлган даъвогар илтимос қилса; 4-дан, мазкур ишни фуқаролик, жиноий ёки маъмурий тартибда кўрилаётган бошқа иш ҳал қилинмасдан илгари кўриш мумкин бўлмаса, иш юритишни тўхтатишга мажбур бўлади.

Иш юритишнинг факультатив, яъни қўшимча, мажбурий бўлмаган асоси ФПКнинг 93-моддасида белгиланган. Бу қонунда кўрсатилишича, қуйидаги ҳолларда: тарафлар Куролли Кучлари таркибида ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматда бўлса ёки бирор давлат бурчини бажариш учун жалб қилинган бўлса; тарафлар шифохонада бўлса, шунингдек улардан бирида судга келишга тўсқинлик қиладиган ва тиббий муаасасанинг маълумоти билан тасдиқланган касаллик бўлса; ФПКнинг 140-моддасида кўзда тутилган ҳолларда жавобгар қидирилаётган бўлса; тарафлар узоқ вақт хизмат сафарида бўлса ёки бошқа узрли сабабга кўра йўқ бўлса; суд томонидан экспертиза ўтказиш тайинланган бўлса; суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимоси бўйича ёки ўз ташаббуси бўйича иш юритишни тўхтатишга ҳақли бўлади. Судда ишнинг юргизилиши қайси вақтгача тўхтатиб турилиши ФПКнинг 94-моддасида кўрсатилган. Иш юритишни тўхтатиш тўғрисида суд асослантирилган ажрим чиқариши лозим. Суднинг иш юритишни тўхтатиш тўғрисидаги ажрими устидан хусусий шикоят бериш ёки хусусий протест келтириш мумкин (ФПКнинг 95-моддаси). Иш юритиш уни тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар бартараф қилинган, ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризаси ёки суднинг ташаббуси билан қайта тикланади.

Суд иш юритишни қайтадан бошлаганида ишда иштирок этувчи шахсларнинг умумий асосларга мувофиқ чақиради (ФПКнинг 96-моддаси).

Иш юритилишини тўхтатилишини аризани кўрмай қолдиришдан (ФПКнинг 97-моддаси) ва иш кўришни кейинга қолдиришдан (ФПКнинг 177-моддаси) ажрата билиш керак. Уларнинг фарқи юқорида келтирилган моддаларнинг мазмунини англашилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди иш юритилиши тўхтатиш масаласига жиддий эътибор бериш лозимлигини таъкидлаган. Масалан, «Суд амалиётида фуқаролар ва ташкилотларнинг шаън ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунларни қўллаш тўғрисида»ги 1992 йил 19 июндаги Пленум қарорида ишни кўришни бир неча маротаба қолдириш, иш юритишни асосиз ҳаракатдан тўхтатиб қўйиш оқибатида низонинг муҳимлиги муҳимлиги моҳияти йўқолиши туфайли даъвогарлар ўз талаблардан воз кечаётганликлари, анчагина аризалар эса, кўрмасдан ҳам қолдирилаётганлиги кўрсатиб ўтилган.

4-§. Иш бўйича ҳал қилув қарорини чиқармай иш юритишни тамомлаш (иш юритишни тугатиш)

Иш юритишни тугатиш ўзининг мазмуни билан даъво талабини қўзғатган шахснинг ҳуқуқини судда ҳимоя қилишга эга эмаслигидан далолат беради, суд эса бундай ишларни суд ўз иш юритишига қабул қилишга ҳақли эмаслигини билдиради. Шунинг учун суд, тарафни суд ҳимоясидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмаслиги сабабли иш юритишни тугатади. бу деган сўз манфаатдор шахсни шу иш бўйича қайтадан судга мурожаат этиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш демакдир.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик процессуал қонунчилиги судда иш юритишни низо юзасидан ҳал қилув қарор чиқармасдан тамомлашнинг икки шакли (формаси)ни: 1-дан, иш юритишни тугатиш ва 2-дан, аризани кўрмай қолдириш формаларини белгилайди. Иш юритишни тугатиш деганиимизда-суднинг иш юзасидан фаолияти даъвогарнинг ҳудди шу иш бўйича судга қайтадан мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан тугатилиши назарда тутилади.

Аризанинг кўрилмай қолдирилишида эса-иш юритиш тамомланса ҳам, аммо даъвогарга даъвонинг кўрилмай қолдирилишига асос бўлган тўсқинликлар бартараф қилинганидан сўнг ҳудди шу иш бўйича қайтадан мурожаат қилиш ҳуқуқи берилади.

ФПКнинг 100-моддасида мувофиқ суд қуйидаги ҳолларда: 1) агар иш суд органларида кўришга тегишли бўлмаса; 2) агар мазкур иш юзасидан, ҳудди шу тарафлар ўртасида ўша предмет тўғрисида ва ўша асослар бўйича қилинган низо юзасидан суднинг чиқарган ва қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бўлса ёки даъвогар даъводан воз кечишни қабул қилиш тўғрисида ёхуд тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида суднинг ажрими бўлса; 3) агар даъвогар арз қилган талабларидан воз кечса; 4) агар тарафлар келишув битими тузган бўлсалар, ва бу битим суд томонидан тасдиқланган бўлса; 5) ишни судда кўришга тайёргарлик ўтказишда, даъвогарнинг талабларига жавобгар иқдор бўлса ва бу иқдорлик судья томонидан қабул қилинган бўлса; 6) агар тарафлар ўртасида ушбу низоли ҳолислар суднинг ҳал қилишига топшириш ҳақида шартнома тузилган бўлса; 7) агар иш бўйича тарафлардан бири бўлган фуқаронинг вафотидан сўнг низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқларнинг бошқаларга ўтказилишига йўл қўймас ва иш юритишни тугатади.

Иш юритишни тўхтатишнинг юқорида санаб ўтилган асослар қатъий бўлиб кенгайтирилмайди ва унга бошқа асослар қўшилмаслиги керак. Иш юритишнинг суднинг ажрими билан тугатилади. Агар иш юритиш ишнинг судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли тугатилса, суд ариза берувчига қайси идорага мурожаат қилиш кераклигини кўрсатишга мажбур (ФПКнинг 101-моддаси).

Иш юритиш тугатилган тақдирда ҳудди шу тарафлар ўртасида ўша нарса тўғрисида ва ўша асослар бўйича қилинган низо юзасидан судга қайтадан мурожаат қилишга қонун йўл қўймайди.

Аризани кўрмасдан қолдириш. Суд мажлисида аризани кўрмай қолдириш асослари ФПКнинг 97-моддасида белгиланган. Бу қонунда айтилишича, суд қуйидаги ҳолларда аризани кўрмасдан қолдиради:

- 1) кОариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса;
- 2) манфаатдор шахс номидан аризани иш юритишга ваколати бўлмаган шахс берган бўлса;
- 3) суд айна бир тарафлар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан иш юритаётган бўлса;
- 4) ишни ўзларининг иштирокисиз кўришни илтимос қилмаган тарафлар иккинчи чакирув бўйича ҳам узрли сабабларсиз судга келмасалар, суд эса, ишга оид мавжуд материаллар асосида ишни ҳал қилиш мумкин эмас, деб ҳисобласа;
- 5) кОишни ўзининг иштирокисиз кўришни илтимос қилмаган даъвогар иккинчи чакирув бўйича судга келмаса, жавобгар эса, ишни мазмунан кўришни талаб қилмаса.

Юқорида кўрсатилган беш асосдан ташқари яна бошқа баъзи ҳолларда ҳам, чунончи: судда қўзғатилган ишнинг ФПКнинг 279-281-моддалари бўйича алоҳида тартибда кўрилиши лозимлиги аниқланганида, иш ҳал қилув қапори чиқарилмасдан тамомлаш ҳисобланади ва аризасига ишнинг суд мажлисида кўрилма қолдирилишига ва алоҳида юритиш тартибда кўрилиши тушунтирилади.

Суд қонунда кўрсатилган ҳолларда аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажримни бекор қилиши мумкин. Агар тарафлар суд мажлисига келмаганлик сабабларини узрли эканлигини тасдиқловчи далиллар тақдим этсалар йўл қўйилади.

Аризани кўрмай қолдирилган ҳолларда иш юзасидан, юқорида айтилганидек, ҳал қилув қарори чиқарилмасдан ишнинг кўрилмай қолдирилиши тўғрисида ажрим чиқариш билан тамом қилинади. Ажримда ишни ҳал этишга тўсқинлик қиладиган ФПКнинг 98-моддасида кўрилган ҳолатларни бартараф этиш кераклиги кўрсатилади.

Ишни кўрмай қолдириш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф этилганидан сўнг манфаатдор шахс умумий тартибда ариза билан судга мурожаат қилиш янгидан иш қўзғатишга ҳақлидир (ГПКнинг 99-моддаси).

5-§. Суд мажлиси баёни

Суд мажлисининг баёни суд мажлисида қилинган ҳамма процессуал ҳаракатларни акс эттирувчи муҳим ҳужжат ҳисобланади. Унинг тузилишига алоҳида эътибор берилади. Чунки фуқаролик ишининг кўрилишида унинг тўғри юритилганлиги, процессуал меъёрларга амал қилинганликни юқори судлар шу баёнот орқали билишлари мумкин бўлади.

Суд мажлисида ёки ишни кўриш бўйича мажлисдан ташқари қилинган алоҳида процессуал ҳаракатлар тўғрисидаги баёни ишни текширишнинг ҳамма муҳим томонларини ёки алоҳида процессуал ҳаракатлар қилинганлигини акс эттириши лозим.

ФПКнинг 21-моддаси суд мажлиси баёнида хусусан қуйидагиларнинг кўрсатилишини талаб қилади: биринчидан, суд мажлиси бўлган йил, ой, кун ҳамда жой; иккинчидан, суд мажлиси бошланган ва тамомланган вақт; учинчидан, ишни кўраётган суднинг номи, таркиби ва суд мажлисининг котиби; тўртинчидан, ишнинг номи; бешинчидан, ишда иштирок қилувчи шахсларнинг ва одил судловга кўмаклашувчи шахсларнинг келган-келмаганлиги тўғрисидаги маълумотлар; олтинчидан, суднинг ишда иштирок этувчи шахсларга, уларнинг процессуал ҳуқуқ ва бурчларини тушунтириши; еттинчидан, чақирув хатини топширганлик тўғрисидаги ва шу 21-модданинг 5-бандида кўрсатилган шахсларнинг суд мажлисига келмаганлик сабаблари тўғрисидаги маълумотлар; саккизинчидан, раислик қилувчининг ҳамма фармойишлари ва суднинг алоҳида хонага кирмасдан чиқарган ажримлари; тўққизинчидан, ишда иштирок этувчи шахсларнинг арзлари; ўнинчидан, судга топширилган ҳамма ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг ёзма хулосалари тўғрисидаги маълумотлар; ўн биринчидан, ишда иштирок этувчи шахслар ва вакилларнинг баёнотлари, гувоҳларнинг гувоҳликлари, экспертларнинг ўз фикрларини оғзаки тушунтируви, ашёвий ва ёзма далилларни кўздан кечириш тўғрисидаги маълумотлар; ўн иккинчидан, суд музокараларининг мазмуни ва прокурорнинг хулосаси; ўн учинчидан, суднинг ажримлари ва ҳал қилув қарорни ўқиб эшиттирилганлиги тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Баён суд мажлисининг ўзида ёки мажлисдан ташқари алоҳида процессуал ҳаракатлар қилинганида котиб томонидан тузилади.

Ишда иштирок этувчи шахслар ва вакиллар ўзлари иш учун аҳамиятли ҳисобланган ҳолатларни баёнга киритиш тўғрисида илтимос қилишга ҳақлидирлар.

Ишда иштирок этувчи шахслар ўзлари иш учун аҳамиятли ҳисобланган ҳолатларни баёнга киритиш тўғрисида илтимос қилишга ҳақли.

Тарафларнинг даъводан тўлиқ ёки қисман воз кечганлиги, даъвога иқрорлиги, ишни келишув битими билан тамомлаш тўғрисидаги арзлар баёнга киритилиб, тегишли тарафлардан бири ёки ҳар иккаласи томонидан имзоланади. Баён суд мажлиси тамом бўлгандан ёки айрим процессуал ҳаракатлар бажарилгандан кейинги кундан кечиктирилмасдан раислик қилувчи ва суд мажлисининг котиби томонидан тайёрланиши ва имзоланиши керак. Кўрсатилган барча ўзгаришлар, тузатишлар, қўшимчалар ҳақида баёнда изоҳ берилиши лозим (ФПКнинг 22-моддаси).

ФПКнинг 250-моддасида кўрсатилганидек, ишда иштирок этувчи шахслар суд мажлисининг баёни билан танишиб чиқишга ва имзоланган кундан бошлаб беш кун муддат ичида унга йўл қўйилган нотўғрилиқ ва камчиликларни кўрсатиб, баён юзасидан ёзма мулоҳаза (изоҳ) беришга ҳақлидир.

Баённинг камчиликлари тўғрисида берилган изоҳларни раислик қилувчи кўради ва бу изоҳларга қўшилса, уларнинг тўғрилигини тасдиқлаб, суд баёнига илова қилади.

Раислик қилувчи берилган изоҳларга қўшилмаса, уларни суднинг муҳокамасига қўяда, лекин уни кўришда раислик қилувчи ишни кўришда

қатнашган судьялардан бўлиши керак. Берилган изоҳлар ҳамма ҳолларда ишга қўшилиши лозим.

Баёнга берилган изоҳлар берилган кундан бошлаб етти кун ичида кўрилиши керак.

Суд мажлисининг баёнига берилган изоҳни кўришда суд зарур ҳолларда изоҳ берган шахсларни чақиради.

Суд амалиётида баъзан суд мажлиси баёнига эътибор бермаслик ҳоллари учраб туради. Баёнларнинг нотўғри тузилиши суд ҳал қилув қарорининг бекор қилинишига ва ишнинг янгидан кўриш учун юборилишига сабаб бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1983 йил 12 декабрда чиқарилган «Фуқаролик ишларини кўришда судларнинг процессуал қонунларни тадбиқ этиш амалиёти ҳақида»ги қарорида айрим фуқаролик ишлари бўйича тузилган баёнларнинг сифатсизлиги баённомаларда тарафлар ўзларининг талаблари қандай ҳолатлар билан асослашлари ва бу борада судга қилган аризалари ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг судни суд мажлисида бажарган ҳаракатлари ҳақидаги маълумотларни тўлиқ берилмаганлиги туфайли бундай ҳаракатларни аниқлаш имконияти бўлмаслиги, бу ноаниқликлар туфайли ишларнинг кассация ва назорат тартибида кўрилишида суд текширишига етарли баҳо беришга қийинлик туғдириши қайд қилинган ва шунга кўра биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор бўлишига олиб келиш ҳоллари кўрсатилган.

6-§. Келишув битими

Суд раиси фуқаролик ишини судда кўрилишидан аввал ёки суд мажлиси бошланишида ёхуд давом этишида ҳар сафар тарафлардан низонинг ўзаро келишув битими тузиш йўли билан тамомлашни иташ-истамасликларини сўрайди (ФПКнинг 79-моддаси).

Тарафлар ўртасидаги низонинг битишув йўли билан, судлашмай, муайян шартларда мурасага келиш асосида ҳал қилиниши кўп ҳолларда мақсадга муваффик, манзур ва маъкул иш бўлиб кўрилади. Келишув битимининг тузилиши, баъзи ҳолларда арзимаган иш (низо, даъво) бўйича кўпгина фуқароларни ишдан қолиб суд идораларига келишларидан озод қилади. Шунинг учун ҳам суд (судья) тарафлар ўртасидаги низонинг ўзаро келишув йўли билан тугатилишига қаратилган чораларни кўради.

Агар тарафлар келишув битими тузишга рози бўлсалар-суд ҳамма ҳолларда битимни тузиш сабабларини аниқлаши, текшириши лозим. Бундай битимлар ғайриқонуний, калбаки бўлмаслиги, тарафлардан бирининг ёинки учинчи шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузишга қаратилмаслиги керак. Агар битим тузилишида ғайриқонуний ҳаракатлар, мақсадлар мавжудлиги аниқланса, суд битимни тасдиқламайди ва суд ишни юргизишни давом эттиради. Келишув битими суд мажлисида, суддан ташқари ҳам ва ижро босқичида ҳам тузилиши мумкин. Тарафларнинг келишув битимининг

шартлари суд мажлиси баёнига киритилади ва иккала тараф томонидан имзоланади.

Агар тарафларнинг келишув битими уларнинг судга юборилган ёзма аризаларида ифодаланган бўлса, бу аризалар ишга қўшиб қўйилиб, у ҳақда суд мажлиси баёнида кўрсатилади.

Тарафларнинг келишув битимларини тасдиқлашдан олдин суд даъвогарга ёки тарафларга тегишли процессуал ҳаракатларнинг оқибатларини тушунтиради.

Фуқаролик ишларини судда кўриш амалиётида айрим судларни тарафларни келишув битимларини тузишга эътибор бермаслиги, битимлари тузилган ҳолларда эса уни тегишли равишда расмийлаштирилмаганлиги, шу туфайли бундай ажралишларни ижро қилишда низо келиб чиқиш ҳоллари учрайди.

Тарафларнинг келишув битимларини тасдиқлаш тўғрисида суд ажрим чиқаради, айтилган вақтда шу ажрим билан бу ишнинг юритилишини тугатади. Ажримда тарафларнинг келишув битимидаги шартлари кўрсатилиши керак. Агар суд тарафларнинг келишув битимини тасдиқламаса, суд бу ҳақда асослантилган ажрим чиқаради ва ишни мазмунан кўришга ўтади (ФПКнинг 180-моддаси).

Келишув битими тузилгандан ва тасдиқланганидан кейин тарафлар иш қўзғатишга, суд эса-худди шу ишни қайта кўришга ҳақли эмас. Тарафларнинг ўз хоҳишлари билан тузилган келишув битими-суднинг ҳал қилув қарори кучига эга бўлади.

ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИНИНГ ҚАРОРЛАРИ

1-§. Суд қарорлари тушунчаси ва турлари

Фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилишда суднинг мулоҳаза ва хулосалари муайян процессуал шаклда белгиланган тартибда чиқариладиган суд қарорлари шаклида ифода этилади.

Фуқаролик ишлари бўйича ҳал этиладиган масалаларга кўра суд қарорлари икки турга: ҳал қилув қарорлари ва ажримларга бўлинади.

Фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция судларининг ишни мазмунан ҳал қиладиган қарорига ҳал қилув қарори деб айтилади (ФПКнинг 203-моддаси). Бундай ҳал қилув қарори (решение) суд томонидан кўриладиган асосий масалаларга жавоб тариқасида-тарафлардан даъво талаблари бўйича давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва протестлар, алоҳида тартибда кўриладиган ишлар, чунончи: юридик аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни белгилаш бўйича қабул қилинади.

Фуқаролик ишлари бўйича биринчи хамда юқори инстанция судларининг ишни мазмунан ҳал қилмайдиган қарорига ажрим деб айтилади (ФПКнинг 237-

моддаси). Биринчи инстанция судида фуқаролик ишларини кўриш, одатда ҳал қилув қарори қабул қилиш билан тамом бўлади. Ажрим (определение) эса, фуқаролик процессининг юритилиши ёки унинг тўхтатилиши, тугатилиши масалалари бўйича далилларни тўплаш, процессга янги шахсларни жалб қилиш, суднинг ҳал қилув қарорини ижро этиш бўйича, шунингдек ташкилотларнинг ишларидаги жиддий камчиликлар ҳамда фуқаролар томонидан қонуннинг бузилиши масалалари ва бошқа баъзи масалалар бўйича чиқарилади.

Юқори суд идораларининг ажримлари ва қарорлари биринчи инстанция судларининг чиқарган қарорлари қонуний ва асосли бўлишлигини текшириш муносабати билан қабул қилинади. Улар низони мазмуни бўйича ҳал қилмайди.

2-§. Суднинг ҳал қилув қарорининг моҳияти ва аҳамияти

Суднинг ҳал қилув қарори одил судловнинг жуда муҳим актидир. Фуқаролик ишлари бўйича одил судловнинг вазифаси маълум ишни ҳал қилишда фуқароларни Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, бошқа қонунларда ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро фактлар билан кафолатланиб қўйилган шахсий, сиёсий, иктисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда қонунчилик ва ҳуқуқ тартибини мустаҳкамлашга, демократияни таъминлашга ижтимоий адолатни, фуқароларнинг тотувлиги ва миллий ҳамжиҳатини, мавжуд одат ва анъаналарини ҳурмат қилиш руҳида, истиклоллик ва мустақиллик ишига садоқатли қилиб тарбиялашдан иборат.

Суд ўзининг ҳал қилув қарори билан тарафлар ўртасида чиққан моддий-ҳуқуқий низога истиклол қонунларига асосланиб жавоб беради, бузилган шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларни тиклайди ҳамда баъзи низосиз ишларни ҳам ҳал қилади.

Агар даъвогарнинг талаблари бузилмаган бўлса, унинг талабини рад қилади ва шу билан жавобгарнинг ҳуқуқини ҳимоя қилади.

Суд ҳал қилув қарорида маълум низони ҳал қилиб, процессдаги у ёки бу тарафнинг ҳуқуқини ҳимоя қилибгина қолмасдан, шу билан бирга мустақилликка эришган халқимизни иродасини ифода қилувчи қонунларига таянади.

Судда ишни мазмунан кўришда суд залида ҳозир бўлган кишилар иш ҳолатлари билан танишадилар ва суд қарор чиқаргандан кейин низони қандай ҳал қилганлигини, қонунларнинг қанчалик тўғри тадбиқ этганлигини шу ва айрим мисоллар орқали аниқ билиб оладилар.

Судда ҳозир бўлган фуқаролар суднинг ҳал қилув қарорига мамнун бўлиб, бу қарорнинг тўғрилигига тушунсалар, унинг тўғрилиги ҳақида уларда шубҳа туғилмаса, суд мақсадига эришган бўлади. Суд қарорининг мамнуният билан қабул қилиниши фуқароларда қонунларига риоя қилиш, уларнинг хоҳ ўзаро, хоҳ давлат ва жамоат ташкилотлари билан бўлган муносабатлар

қонунларнинг ва жамият қоидаларининг талабларига мувофиқ тарзда тузилиши кераклиги тўғрисида фикр туғдиради.

Суднинг ҳал қилув қарори истиклол одил судловнинг жуда муҳим ва ҳал қилувчи процессуал акти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси «Судлар тўғрисида»ги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонунлар ва бошқа қонунлар билан судларга юкланган вазифаларнинг бажарилишини аниқ ифода қилади.

Демак, суднинг ҳал қилув қарори-одил судлов акти бўлиб, далиллардан фойдаланган ҳолда ишнинг ҳақиқий ҳолатини белгилашга моддий ва процессуал ҳуқуқ меъёрларини тадбиқ этиш билан фуқароларнинг ва юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган ташкилотлар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгандир.

3-§. Ҳал қилув қарорининг чиқарилиши тартиби

Суд ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси номи билан чиқаради.

Процесснинг принципларига мувофиқ ҳал қилув қарори иш кўрилиши биланок дарҳол чиқарилиши лозим. Бироқ қонун алоҳида мураккаб ишлар юзасидан асосланганди қарорни тузиб чиқаришни кўпи билан уч кунгача кечиктирилиши мумкинлиги тўғрисида кўрсатма беради (ФПКнинг 204-моддаси 4-қисми).

Барча ҳолларда суд ишни кўриб бўлгандан кейин ҳал қилув қарорини чиқариш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилишга киришади.

Суд ҳал қилув қарорини алоҳида хонада (маслаҳатхонада) чиқаради. Маслаҳат вақтида ва ҳал қилув қарорини қабул қилиш вақтида маслаҳатхонада шу иш бўйича суд таркибига кирадиган судьяларгина бўлиши мумкин. Алоҳида хонада (маслаҳатхонада) бошқа шахсларнинг ҳозир бўлишига йўл қўйилмайди.

Суд томонидан ишни кўриш пайтида келиб чиқадиган ҳамма масалалар алоҳида хона (маслаҳатхона)да судьялар томонидан кўпчилик овоз билан ҳал қилинади.

Ҳайъат (коллегиал) тартибда ҳар қандай масалани ҳал қилишда судьялардан ҳеч бири овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмас. Раислик қилувчи энг кейин овоз беради. Судьялар маслаҳат вақтидаги муҳокамаларини ошкор қилишга ҳақли эмаслар. Суднинг ҳал қилув қарори қонуний, асосли ва адолатли бўлиши лозим, акс ҳолда, бу қарор кейинчалик кассация ва назорат тартибда текширилишида ФПКнинг 318-314-моддалари таркибида бекор қилиниши мумкин. Суд ўз ҳал қилув қарорини фақат суд мажлисида текширилган далилларгагина асослайди.

Ҳал қилув қарорини чиқаришда ҳал қилинадиган масалалар ФПКнинг 205-моддасида кўрсатилган. Бу қонунда айтилишича, суд ҳал қилув қарорини чиқаришда далилларга баҳо беради, шу иш бўйича аҳамиятли бўлган қандай ҳолатлар аниқланганлигини, қандай қонун тадбиқ этилиши лозимлигини ва арз қилинган талабни қаноатлантириш лозими-йўқми эканлигини белгилайди. Суд шунингдек суд харажатларини тақсимлайди. ҳал қилув қарорини ижро

этиш тартиби ва муддатини белгилайди ҳамда бошқа қўшимча масалаларни ҳал қилади.

Агар маслаҳат вақтида иш учун аҳамиятли янги ҳолатни аниқлаш ёки янги далилни текшириш зарур бўлиб қолса, суд ҳал қилув қарори чиқармасдан, ишни судда текширишни янгидан бошлайди ва бу тўғрида ажрим чиқаради. Бундай ҳолда суд муҳокамаси фақат қўшимча текшириш зарур бўлган ҳолатлар доирасидагина олиб борилади.

Агар фуқаролик иши судьялар таркибида кўрилса, суднинг ҳал қилув қарори кўпчилик овоз билан, судья якка ўзи курса, судни ўзи чиқаради. У раислик қилувчи ёки судьялардан бири томонидан ёзма шаклда баён қилинади ва ҳал қилув қарорини чиқаришда иштирок қилган ҳамма судьялар томонидан имзоланади. Озчиликда қолган судья ўзининг алоҳида фикрини ёзма шаклда баён қилишга ҳақлидир. Судьянинг алоҳида фикри суд мажлисида уқиб эшиттирилмайди, лекин ишга қўшиб қўйилади.

Агар алоҳида фикр берилган ҳал қилув қарори кассацион инстанцияда кўриб чиқилмаса, у қонуний кучга киргандан кейин ҳал қилув қарорига протест келтирилганлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун иш билан бирга юқори турувчи суд раисига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича суд қоллегиасида ҳал қилув қарори чиқаришда қатнашган ва ўзининг алоҳида фикрида қолган раислик қилувчи ёки судьялар ҳал қилув қарори тўғрисидаги масалани ҳал қилиш бўйича алоҳида фикр борлиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раисига маълум қилишлари мумкин.

Ҳал қилув қарори раислик қилувчи судья ёки судьяларнинг бири томонидан ёзилиб, барча судьялар томонидан имзоланади, шу жумладан, озчиликда қолган ва алоҳида фикрини илова қилган судья ҳам кул қўяди. ҳал қилув қарорини чиқариш юзасидан белгиланган бу процессуал тартиб фуқаролик процессида икки хил мақсадни кўзда тўтади:

биринчидан, судьялар мустақил бўлиб, фақат қонунга буйсўнганлари туфайли уларни четдан бўлиши эҳтимол тутилган таъсирдан сақлайди. Суднинг қарори судьяларни ишни кўргандан кейин чиқарган хулосаларига ва қонунгагина асосланади. Тарафлар ва суд залида ҳозир бўлган кишиларда қарор фақат шу ишни кўрган судьялар томонидан чиқарилганига тўла ишонч ҳосил бўлиши лозим;

иккинчидан, чет кишилар бўлмаган ҳоли жойда қарор чиқаришдан мақсад судьяларга бутун масалаларни хотиржамлик билан ҳал этишга, бошқа масалалар, бошқа ишлар билан шуғулланмасдан тўғри қарор чиқаришга имкон беришдир.

Ҳар бир маълум бўлган суд ишининг алоҳида хона (маслаҳатхона)да ҳал қилиниши суднинг ҳақиқатан мустақил ва ҳолислигини таъминлашнинг энг муҳим воситаларидан бири бўлиб кўрилади. Алоҳида хона (маслаҳатхона)да суд мажлиси давом этади. Ҳайъат (коллегиал) тартибда кўриладиган ишларда раислик қилувчи бу ерда ҳам суд мажлисига раҳбарлик қилади. Муҳокама қилиниши ва ҳал этилиши лозим бўлган масалаларни баён қилади.

Алоҳида хона (маслахатхона)да муҳокама қилиниши ва ҳал этилиши лозим бўлган масалаларнинг доираси даъвогарнинг талаби ва жавобгарнинг ҳамда суд мажлисида кўрилган материаллар билан белгиланади. Судьялар алоҳида хона (маслахатхона)да суд мажлисида кўрилмаган масалаларни ҳал қила олмайдилар ва суд мажлисида текширилмаган далилларга асосланиб, хулоса чиқара олмайдилар. Шунинг учун агар ҳал қилув қарорини муҳокама қилганда суд мажлисида кўрилмаган масалалар келиб чикса, ишни кўришни давом қилдириш ҳақида ажрим чиқариш лозим бўлади. Бундай ҳолларда суд муҳокамаси фақат кўшимча муҳтож ҳолатлар доирасидагина олиб борилиши лозим.

4-§. Суд ҳал қилув қарорининг мазмуни

Ўзбекистон Республикасида кўрилган фуқаролик ишлар юзасидан суд Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарган ҳал қилув қарорида тарафлардан бирининг маълум ҳуқуқини ва иккинчи тарафнинг маълум мажбуриятини эътироф қилади ва шунга биноан буйруқ беради.

Суднинг ҳал қилув қарори қисқа, шу билан бирга масаланинг ҳамма томонларини ўз ичига олиши ва равшан бўлиши керак. Суднинг қандай факт ва далилларга биноан шундай хулоса чиқарганлиги, у ёки бу қонунни тадбиқ қилганлиги ва суднинг иш юзасидан қандай қарор чиқарганлиги ҳал қилув қарорининг мазмунидан кўриниб туриши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан берилган қатор тушунтиришларда суднинг ҳал қилув қарорини ёзганда масаланинг ҳамма томонини ўз ичига оладиган қилиб ёзиш зарурлиги қайта-қайта кўрсатиб ўтилди. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1998 йил 17 апрелдаги «Суднинг ҳал қилув қарори тўғрисида»ги Пленум қарорида суд томонидан аниқланган барча ҳолатларни, суднинг шундай қарор чиқаришига асос бўлган далилларни ва суд амал қилган қонун моддаларини аниқ кўрсатиш айниқса муҳимлиги таъкидлаб ўтилган.¹

Суднинг ҳал қилув қарорида шундай асослар бўлиши керакки, суд даъвони талабларни қаноатлантирганда ёки даъвони рад қилганда нимага амал қилганлиги ва суднинг нима учун бир хил исботларни тўғри деб топганлиги ва иккинчи бир хил исботларни рад қилганлиги равшан кўриниб турсин. Ҳар бир ҳал қилув қарори аниқ бўлиши учун тўрт қисмдан: **кириш қисмидан, баён қилиш қисмидан, асослантириш ва қарор (резолютив) қисмларидан** иборат бўлишлиги қонунда белгиланган (ФПКнинг 206-моддаси).

Ҳал қилув қарорининг кириш қисмида ҳал қилув қарори чиқарилган вақт ва жой, ҳал қилув қарори чиқарган суднинг номи, суднинг таркиби, суд мажлисининг котиби, процесда қатнашган прокурор, тарафлар, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар ва вакиллар ҳамда тарафлар ўртасида кўрилаётган фуқаролик ишининг номи ва рақами кўрсатилади.

¹ Қаранг: қонун номи билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 1998 йил, 1-2-сонлари 54-60-бетлар.

Ҳал қилув қарорининг баён қилиш қисмида даъвогарнинг талаби, жавобгарнинг эътирози ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг баёнотлари кўрсатилиши керак.

Ҳал қилув қарорининг юқорида кўрсатилган баён қилиш қисми мумкин қадар қисқа ёзилиб, низонинг нимадан иборат экани тўла баён қилинмоғи лозим. Бу қисмда даъвогарнинг талаблари ва уларнинг асослари, шунингдек даъвогарнинг талабига қарши жавобгарнинг эътирозлари ва бу эътирозларга асос бўлган материаллар баён қилинади. Агар учинчи шахс мустақил талаб билан арз қилган бўлса, бу қисмда учинчи шахсларнинг ҳам иштирок этганлари ва уларнинг талабларини кўрсатиш лозим, Агар иш юзасидан бир марта ҳал қилув қарори чиқарилиб, кассацион ёки назорат тартибида иш бекор қилинган бўлса, муқаддам қарорлар чиқарилганлиги ва юқори суд ўзининг ажримда қандай кўрсатмалар бергани кўрсатилиши керак.

Суд амалиётида ҳал қилув қарорининг баён қилиш қисмини ёзишда турли хатолар учрайди. Баъзан қарорнинг бу қисмида ишдаги барча ҳолатларнинг мазмуни, тарафларнинг барча баёнотлари ҳеч бир зарурат бўлмаса ҳам тўла равишда ёзилган бўлади.

Қарорда тарафлар ўртасида даъво қилинаётган нарсани аниқлаш учун зарур бўлган факт ва далилларгина баён қилиниши, яъни даъвогарнинг нимани ва қандай асосга биноан ўша нарсани талаб қилганлиги ва жавобгар даъвогарнинг қандай талабларига ва нима учун эътироз қилинганлиги кўрсатилиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг асослантириш қисмида ишнинг суд томонидан аниқланган ҳолатлари ва келтирилган далиллар тўғрисидаги хулосалари, даъвони қаноатлантириш ёки рад қилиш учун бўлган асослар, суд томонидан қўлланган қонунлар ундан кейин бошқа қўлланиладиган қонун ости актлари ва ҳуқуқий меъёрларга амал қилганлиги кўрсатилмоғи лозим.

Ҳал қилув қарорининг асослантириш қисмида суд тарафлар топширган ҳужжатларни, суд мажлисида аниқланган фактларни таҳлил қилиб, тарафлар ўртасидаги муносабатлар тўғрисида чиқарилган хулоса ва бу муносабатларга берилган юридик баҳони кўрсатиш лозим. Бошқача айтганда, суд ҳал қилув қарорининг шу қисмида далилларга баҳо беради, қандай фактларни аниқланган деб ҳисобланганини ва даъвогарнинг қандай талаблари ёки жавобгарнинг қандай эътирозларини тўғри деб топганини ва қандай қонунларга биноан тўғри деб ҳисоблаганини кўрсатиб ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди «Суд амалиётида фуқаро ва ташкилотларнинг шаън ва кадр-қимматини ҳимоя қилиши ҳақидаги қонунларини қўллаш тўғрисида»ги 1997 йил 2 май ва 1998 йил 11 сентябрдаги қарорлари билан киритилган ўшимча ва ўзгартиришлар билан чиқарилган Пленум қарорида судлар ҳал қилув қарорини чиқаришда ҳамма вақт ҳам шаън кадр-қимматга путур етказувчи маълумотларга раддия беришнинг аниқ усули ҳамда раддия бериши лозим бўлган муддатларни кўрсатилмаслиги, суд харажатларини ундириш масаласини муҳокама қилинмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Судьялар ишдаги ҳужжатларга, далилларга шахсий фикрига қараб баҳо берадилар. Аммо судьяларни фикрлари асоссиз фикр бўлмаслиги керак. Бу фикр ишнинг суд аниқланган ҳолатларига асосланган бўлмоғи лозим. Суднинг ҳал қилув қароридан ва бу қарорни текширувчи юқори судга, суднинг нима учун шундай қарорга келганлиги ва тарафларнинг талабларини тўғри ёки нотўғри деб топишга қандай асос борлиги очиқ кўриниб турсин. Бундан ташқари, суд нима учун у ёки бу қонунни моддий-ҳуқуқий нормани қўллаганлигини кўрсатиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1998 йил 17 апрел, 2002 йил 14 июндаги 11-сонли қарорига асосан киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар «Суднинг ҳал қилув қарори» тўғрисидаги Пленум қарорида айрим судларнинг ҳал қилув қарорини чиқаришда қўлланиши лозим бўлган қонунларни кўрсатилмаслиги ва уни етарли даражада далиллар билан асосламаслиги қайд қилинган.

Ҳал қилув қарорининг хулоса (қарор) қисмида эса, суднинг даъвони қаноатлантириш ёхуд даъвони тўла ёки қисман рад этиш тўғрисидаги хулосаси, суд харажатларининг тақсимоли, ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш муддати ва тартиби кўрсатилиши лозим (ФПКнинг 206-моддаси).

Ҳал қилув қарорининг қарор қисмида суд қандай қарорга келган бўлса, ўша ёзилади. қарорнинг бу қисмида, агар даъво қондирилган бўлса, жавобгар нимани бажарилиши кераклигини қатъий, аниқ ва равшан кўрсатадиган буйруқ шаклида ёзилмоғи лозим. Агар даъво қисмангина қондирилса, суд қандай талаблар қондирилганлигини ва қандай талаблар рад қилинганлигини аниқ кўрсатиши керак. Агар суд даъвонинг ҳаммасини рад қилишни зарур деб топса, қарор қисмида «даъво рад қилинсин» дебгина ёзилмасдан, балки қайси даъвогарнинг даъвоси, қандай даъво ва қайси жавобгарга нисбатан бўлган даъво рад қилинганлигини аниқ кўрсатиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг аниқ ва равшан ёзилмаслиги, бу қарорнинг бажарилишини қийинлаштиради.

Низонинг моҳиятига қараб, ҳал қилув қарорининг қарор қисми турлича ёзилади, чунончи:

1) пул ундириш тўғрисидаги ишларда ундирилган пулнинг аниқ суммасини кўрсатиш лозим. Агар даъво бир неча талабдан иборат бўлса, суд ҳар бир талабнинг айрим миқдорини ва кейинчалик умумий суммасини кўрсатиши керак. Бундан ташқари суд пул ундириш тўғрисидаги қарор чиқарилганида ундириладиган пул суммаси қанча фоизни ташкил қилиши масаласини ҳам ҳал қилиши лозим.

2) вақти-вақти билан тўланадиган пулларни ундирганда аниқ суммани қайси ойдан ва қайси числодан бошлаб қачонгача ойма-ой ундириш кераклиги аниқ кўрсатилиши керак. Алимент ундириш тўғрисидаги ишларни алиментни кимдан, қанча, ким фойдасига ва кимни тарбиялаш учун ундирилиши ҳам аниқ кўрсатилиши лозим. 3) корхоналар, муассасалар ва бошқа ташкилотлардан пул суммаларини ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорида суд ундириладиган пул суммаси, шунингдек ундириладиган сумма жавобгарнинг банкдаги қайси ҳисобидан олиниши кераклигини кўрсатади (ФПКнинг 209-моддаси).

4) суд мулкнинг ўзини, яъни натура шаклида ундириш тўғрисидаги чиқарган ҳал қилув қарорида шу мулкнинг қийматини ҳам кўрсатади, ҳал қилув қарорини ижро этиш вақтида бу мулк бўлмаса, жавобгардан мулкнинг қиймати ундириб олинади (ФПКнинг 210-моддаси).

5) мулк ёки пул бериш билан боғлиқ бўлмаган муайян ҳаракатларни бажариш мажбуриятини жавобгарга юкловчи ҳал қилув қарорида суд, агар жавобгар ҳал қилув қарорини белгиланган муддатда бажармаса, даъвогар бу ҳаракатларни жавобгарнинг ҳисобига бажариб, зарар харажатларни кейинчалик жавобгардан ундиришга халидир, деб кўрсатилиши мумкин.

Агар кўрсатилган ҳаракатлар фақат жавобгар томонидан қилиниши мумкин бўлса, суд ҳал қилув қарорида шу қарорни бажариш лозим бўлган муддатни белгилайди (ФПКнинг 211-моддаси). Булардан ташқари суд манфаатдор шахсларнинг талаблари ёки суд ўзининг ташаббуси билан ҳал қилув қарорида қуйидаги масалаларни кўрсатиши мумкин:

Агар бир неча даъвогарнинг фойдасига чиқариладиган ҳал қилув қарорида суд улардан ҳар бирига унинг қандай хиссаси бор эканини ёки ундириш ҳуқуқи шериклик эканини кўрсатади.

Бир неча жавобгарларга қарши чиқариладиган ҳал қилув қарорида суд улардан ҳар бири ҳал қилув қарорининг қандай хиссасини бажариши кераклигини ёки уларнинг жавобгарлиги шерик жавобгарлик эканлигини кўрсатади;

Агар тарафларни бирор ҳаракат қилишга мажбур этиш ёки бирор ҳаракатни қилишни таъқиқлаш тўғрисидаги ишларда ким ва қандай ишни ва қандай муддатда бажиариши ёки ким қандай ҳаракатни қилмаслиги кераклиги аниқ кўрсатилиши лозим; никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорининг қарор қисмида, агар даъво кондирилса, ажралиш тўғрисидаги гувоҳномани берганда ундириладиган суд харажатлари ва бу суммани эр билан хотиннинг қайси биридан (ё ҳар иккаласидан) ундириш кераклиги кўрсатилиши лозим;

Агар болалар масаласи кўрилган бўлса, ҳал қилув қарорининг қарор қисмида қайси бола кимнинг қарамоғида қолиши, шунингдек болаларнинг тарбияси учун лозим бўлган чиқимларни ота-оналардан қайси бири ва қанча миқдорда тўлаши кўрсатилиши керак;

Ҳал қилув қарорининг қарор қисмида эр-хотин ўртасидаги мулкни тақсим қилиш тартиби (бу масала судда кўрилган бўлса) ва агар эр-хотин илтимос қилган бўлсалар, улардан ҳар қайсисига никоҳдан олдинги фамилияларни бериш-бермаслик кўрсатилади. Фуқаролик низоли, (масалан, шаън қадр-қимматни ҳимоя қилиш ҳақидаги) ишларни судда кўришда агар даъво қаноатлантирилган тақдирда, суд ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларга раддия бериш усулини кўрсатиши лозимлиги юқоридаги Пленум қарорида кўрсатилган.

Фуқаролик процессуал қонунчилиги ишда иштирок қилувчи тарафларгагина эмас, балки суднинг ўзи ҳам, тарафларнинг ўзаро ҳақиқий муносабатларини аниқлаш ва уларнинг ҳуқуқларини белгилаш юзасидан ташаббус ва фаолият кўрсатишга мажбурлигини белгилайди. Шу сабабли

агарда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, уларнинг бирлашмалари ва бошқа жамоат ташкилотлари ёки фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш зарур бўлса, суд ишда аниқланган ҳолатларга қараб, даъвогарнинг арз қилган талаблари доирасидан четга чиқиши мумкин (ФПКнинг 207-моддаси). Суд ФПКнинг бу моддасини тадбиқ қилганда шуни эсда тутиши керакки, талабнинг миқдори қонуннинг ўзида кўрсатилмаган ёки шартнома билан белгиланмаган ҳоллардагина даъвогарнинг талабидан четга чиқа олади.

Агар жавобгар қарши даъво қўзғатса, қарорнинг қарор қисмида бу даъво тўғрисидаги масалага ҳам жавоб берилиши лозим.

Суд ҳал қилув қарорининг қарор қисмида низонинг ўзининг мазмуни бўйича ҳал қилиш билан бирга суд харажатлари тўғрисидаги масалани, яъни суд харажатларини кимдан ва ким фойдасига ва қанча ундириш масаласини ҳам ҳал қилиши керак.

Суд ҳал қилув қарорининг қарор қисмида қарорнинг ижро қилиш тартибини, яъни ҳал қилув қарорини ижро қилиш усули ва муддатини ҳам кўрсатади.

Алоҳида ҳолларда иш бўйича ҳал қилув қарорининг чиқарган суд ёки ҳал қилув қарорини ижро этиш жойидаги суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризаси бўйича тарафларнинг мулкӣ аҳволига ёки бошқа ҳолатларига қараб, ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктиришга ёки бўлиб-бўлиб ижро этишга шунингдек, уни ижро этиш усули ва тартибини ўзгартиришга ҳақли.

Суд ҳал қилув қарорини ижро этиш учун маълум тартиб ва муддат белгиласа ёки ҳал қилув қарорини дарҳол ижро этишни зарур деб топса ёхуд унинг ижросини таъминлаш чораларини курса, бу тўғрида ҳал қилув қарорида айтилади (ФПКнинг 216, 218-223-моддалари). Аммо суднинг барча қарорларини йўққа чиқарадиган равишда кечиктириш ёки муҳлат бериш (масалан, қарорнинг ижросини 5-10 йил ичида бўлиб-бўлиб бажариш)дан сақланиш керак. Ижрони кечиктирганда ёки суд қарорини бўлиб-бўлиб бажарганда жавобгарнинг манфаати қўриқланса ҳам, аммо даъвогарнинг манфаати бузилиши мумин.

Ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб бажариш масаласи суд томонидан алоҳида ҳолларда қарор чиқарилгандан кейин ҳам қилиниши мумкин. ФПКнинг 216-моддасида ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш ва уни бўлиб-бўлиб ижро этиш ҳал қилув қарорини ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисида қоида белгиланган. Бу қонунда кўрсатилишича, алоҳида ҳолларда ҳал қилув қарорини чиқарган суд ёки ҳал қилув қарорини ижро этиш бўйича тарафларнинг мулкӣ аҳволига ёки бошқа ҳолатларга қараб, ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктиришга ёки бўлиб-бўлиб ижро этишга, шунингдек уни ижро этиш усули ва тартибини ўзгартиришга ҳақли.

Бу тўғридаги аризалар суд мажлисида иштирок этувчи шахслар хабардор қилинган ҳолда кўрилади. Лекин бу шахсларнинг келмаслиги суд олдида қўйилган масалани ҳал этишга тўсқинлик қилмайди.

Ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро қилиш тўғрисидаги, шунингдек уни ижро қилиш усули ва тартибини

Ўзгартириш тўғрисидаги масала бўйича суднинг чиқарган ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

Ҳал қилув қарорининг қарор қисми охирида суд тарафларнинг ҳал қилув қарори устидан шикоят қилишга ҳақли эканликларини ва шикоят қилиш тартибини (қайси муддатда, қаерга топшириш ва шу сингариларни) кўрсатиб ўтиши лозим.

Суднинг ҳал қилув қарори қонун бўйича дарҳол ижро қилиниши лозим бўлган ишлар (ФПКнинг 219-220-моддалари) юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорининг қарор қисмида «қарор дарҳол ижро қилинсин» деб кўрсатилиши лозим. Суднинг ўзи қарорнинг дарҳол ижро қилинишига йўл қўйишни зарур деб топган тақдирда, бунга асос бўлган сабабни қарорнинг асослантириш қисмида кўрсатиши лозим. қарор қисмида эса, «дарҳол бажарилишига йўл қўйилсин» деб кўрсатилади.

Ҳал қилув қарорининг қарор қисми тўғрисида юқорида санаб ўтилган ҳолатлар ва асосий низодан ташқари суднинг ҳал қилиш керак бўлган бошқа масалалар булар билан чегараланиб бўлмайди. Бу ерда суд амалиётида айниқса кўп учрайдиган ҳоллар тўғрисидагина гапирилади.

5-§. Қарорларни тузатиш ва тушунтириш

Ҳал қилув қарорини чиқарган суднинг ўзи ҳал қилув қарорини бекор қилишга ёки ўзгартиришга ҳақли эмас. Бу ҳуқуқ фақат ҳал қилув қарорининг тўғрилигини манфаатдор тарафларнинг шикояти ёки прокурорнинг протести бўйича текширадиган юқори судга берилган. ҳал қилув қарорини чиқарган суд фақат қўшимча қарор чиқаради ёки ўз қарорига изоҳ бера олади.

Аммо суд ўз ташаббуси билан ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризаси бўйича ҳал қилув қарорини ёзишда йўл қўйилган хатоларни ва очиқ кўриниб турган бошқа арифметик хатоларни тузатиши мумкин. Тузатиш киритиш тўғрисидаги масала ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинган ҳолда суд мажлисида ҳал этилади, лекин бу шахсларнинг келмаслиги тузатиш киритиш тўғрисидаги масалани кўриш учун тўсқинлик қилмайди. Ҳал қилув қарорига тузатиш киритиш тўғрисидаги суднинг ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин (ФПКнинг 213-моддаси).

Суд ишни ҳал қилганда ўзининг ҳал қилув қарорида даъвогарнинг барча саволларига тўла жавоб бериши керак. Суд ўз фикрича асосли деб топилган талабларни қондириши ва асоссиз талабларни рад қилиши лозим. Аммо қандайдир бирор сабаб орқасида ҳал қилув қарори тўлиқ бўлмаса, яъни бу қарорда даъвогарнинг барча талабларига жавоб бўлмаса, тарафлар қўшимча қарор чиқаришни суддан сўрай оладилар.

Бундай ҳолларда иш бўйича ҳал қилув қарори чиқарган суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризалари бўйича ёки ўз ташаббуси билан қуйидаги ҳолларда қўшимча қарор чиқариши мумкин: биринчидан, агар суд ҳуқуқ тўғрисидаги масалани ҳал қилиб ундирилган сумма миқдорини, топширилиши лозим бўлган мулкни ёки жавобгар бажариши лозим бўлган

ҳаракатни кўрсатмаган бўлса, (масалан, даъвогар ўзини ишдан ғайриқонуний бўшатилаганини айтиб, мажбуран ишсиз юрган кунлари ва ошиқча қилинган ишлари учун ҳақ тўлашни сўраганида суд қарорида даъвогарнинг ишдан бўшатилишини тўғри топиб, лекин ошиқча ишлаганлик учун ҳақ тўлаш масаласи суд мажлисида текширилган бўлса ҳам, суднинг ҳал қилув қарорида бу ҳақда ҳеч нима айтилмаган бўлса ёки масалан, уйга нисбатан бўлган умумий мулк ҳуқуқи тўғрисидаги даъвони кўрганда суд даъвогарнинг даъвосини кондириб, уни мазкур уйнинг шерик эгаси деб топади, лекин унинг шу уйнинг қайси қисмига эга бўлганлигини кўрсатмаганида ва шунга ухшаш бошқа ҳолларда) даъвогар қўшимча қарор чиқаришни суддан сўрашга ҳақлидир;

иккинчидан, агар даъво талабларининг бирортаси бўйича ишда иштирок этаётган шахслар далиллар келтирган ва баёнотлар берган бўлсалар-у, аммо унинг юзасидан ҳал қилув қарори чиқарилмаган бўлса;

учинчидан, агар ҳал қилув қарорида суд харажатларини тақсим қилиш кўрсатилмаган бўлса, қўшимча ҳал қилув қарори чиқарилиши мумкин.

қўшимча ҳал қилув қарори чиқариш ҳақидаги масала ҳал қилув қарори чиқарилган кундан бошлаб ўн кун муддат ичида қўзғатилиши керак.

қўшимча ҳал қилув қарори ишда иштирок қилувчи шахслар хабардор қилиниб, суд мажлисида кўрилгандан сўнг чиқарилади. Бундай қарор устидан кассацион тартибда шикоят қилиниши ёки протест келтирилиши мумкин. Агар суднинг ҳал қилув қарорига кассация шикояти берилган ёки протест келтирилган ва шу билан бир вақтда қўшимча ҳал қилув қарори чиқариш масаласи ҳам қўйилган бўлса, суд аввал қўшимча ҳал қилув қарори чиқариш масаласини ҳал этиб, кейин ишни кассация босқичи судига кўриш учун юбориши лозим.

Қўшимча ҳал қилув қарори чиқариш тўғрисидаги талабни рад қилиш ҳақида чиқарилган ажрим устидан ҳам хусусий шикоят қилиниши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин (ФПКнинг 214-моддаси).

Суднинг ҳал қилув қарори шундай ёзилиши керакки, унинг мазмуни тарафларга ҳам, суд қарорини ижро қилувчига ҳам тушунарли бўлсин. Агар суднинг ҳал қилув қарорини ижро қилганда қарорнинг маъноси тарафларга ёки суд ижрочисига англашилмаса ҳамда уни ижро қилиш қийин бўлса ёки мумкин бўлмаса, тарафлар ёки суд ижрочиси қарорни чиқарган судга мурожаат қилиб, ҳал қилув қарорини тушунтиришни (шархлашни) сўрашлари мумкин (Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. Тошкент. 1998 йил 1-2 сонлари. 54-60 бетлар.)

ФПКнинг 215-моддасида кўрсатилганидек, ҳал қилув қарори тушунарли бўлмаган ҳолда ишни ҳал қилган суд ўзининг ташаббуси билан ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризаси бўйича ҳал қилув қарорининг мазмунини ўзгартирмасдан тушунтиришга ҳақли. Ҳал қилув қарорини тушунтиришда, агар у ижро қилинмаган бўлсагина ва ҳал қилув қарорини мажбурий ижро қилиш муддати утмаган бўлсагина йўл қўйилади.

Ҳал қилув қарорини тушунтириш тўғрисидаги масала ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинган ҳолда суд мажлисида ҳал этилади, лекин бу шахсларнинг келмаслиги ҳал қилув қарори тушунтириш тўғрисидаги масалани

кўриш учун тўсқинлик қилмайди. ҳал қилув қарорини тушунтириш тўғрисидаги масала бўйича суднинг чиқарган ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

Баъзан шундай ҳоллар учрайдики, қарорга кул қуйиб, уни эшиттиргандан кейин ҳам аниқ бўлмаган жойлари (масалан, тарафларнинг номлари нотўғри ёзилганлиги, ҳисоблашда ракамларнинг нотўғри ёзилганлиги ва шу сингарилар) маълум бўлади. Суд ана шу аниқсизликларни тўғрилаши мумкин, аммо бундай ҳолларда нотўғри жойларни учирини ва сатр орасига қўшимча қилиб ёзиш мумкин эмас. Тузатиш киритиш масаласи тарафларни чақириб, суд мажлисида кўрилиши лозим. Суд ўзининг шу ҳақдаги ажримини ҳал қилув қарорига қўшиб қўяди. Тарафлар бу ажрим устидан умумий асосларда хусусий шикоят беришлари мумкин.

6-§. Ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириши

Суднинг ҳал қилув қарори, агар унинг устидан шикоят ёки протест берилмаган бўлса, кассацион шикоят ва протест бериш муддати ўтгандан сўнг қонуний кучга киради. ҳал қилув қарори устидан кассацион шикоят берилган ёки кассацион протест келтирилган тақдирда, агар у бекор қилинмаган бўлса, ишни юқори суд кўрганидан кейин қонуний кучга киради. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳал қилув қарори эълон қилиниши билан дарҳол қонуний кучга киради.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин тарафлар ва ишда иштирок этган бошқа шахслар ҳамда уларнинг ҳуқуқларини қабул қилувчилар судга ўша даъво талабларини илгариги асосда янгидан арз қила олмайдилар, шунингдек суд аниқланган фактлар ва ҳуқуқий муносабатлар ҳақида бошқа процессда низолаша олмайдилар.

Агар иш судда прокурор ёки давлат бошқарув органи, касаба уюшмаси, корхона, муассаса, ташкилотлари уларнинг бирлашмалари ёки айрим фуқаролар томонидан ФПКнинг 5-моддасида кўрсатилган тартибда бошланган бўлса, суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори кимнинг манфаатини кўзлаб даъво қўзғатилган бўлса, шу шахс учун мажбурийдир.

Агар жавобгардан даврли тўловлар (алиментлар, майиб бўлганлик ёки қарамоғидаги шахслар таъминоти учун тўловлар ва ҳақозолар) ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин шу тўловлар миқдорини аниқлашга ёки уларнинг муддатига таъсир этувчи ҳолатлар жиддий равишда ўзгарса, ҳар бир тараф даъво қўзғатиш йўли билан тўловларнинг миқдори ва муддатини ўзгартиришни талаб қилишга ҳақлидир.

Фуқаролик процессида ҳар бир фуқаролик ишини мазмуни бўйича биттагина судда кўриш ва ҳал қилиш қатъий қоида бўлиб белгиланган. Тарафлар фақат битта (юқори) инстанцияга шикоят қиладилар, қарорнинг қонуний, асосли ва адолатли қарор эканини кассацион тартибда текширтира оладилар.

Юқорида баён қилинган мулоҳазаларда билинишича, қонун шундай бир муддат белгилайдики, мазкур муддат ўтгандан кейин қарор қатъий бўлиб

ҳисобланади, яъни қонуний кучга киради. қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори тарафлар учун мажбурийдир. Суд қарори ўша қарорни чиқарган суд учун ҳам, бошқа барча судлар учун ҳам, шунингдек давлат ҳокимият органлари ва бошқармалари ҳамда шу ишга алоқадор барча фуқаролар учун ҳам мажбурийдир. қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини қатъий равишда белгилайди, тарафлар ўртасидаги низога барҳам беради ва қонуний кучга эга бўлади. ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириши муайян ҳуқуқий оқибатларга, чунончи: мустаснолик, рад қилиб бўлмаслик, ижронинг музокаралиги каби оқибатларга сабаб бўлади.

Мустаснолик (исключительность) шундан иборатки, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори тарафлар ўртасидаги худди ўша низони яна судда кўришга имкон бермайди. Фуқаролик суд ишларини юргизишга мувофиқ худди ўша тарафларнинг худди ўша асосларга биноан иккинчи марта даъво қўзғатишларига йўл қўйилмайди. Шу сабабли қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлган тақдирда ўша тарафлар ўртасида ўша нарса устидан худди ўша асосларга биноан янгидан даъво қўзғатиш мумкин эмас. Мана шу уч элемент (худди ўша тарафлар, худди ўша нарса ва ўша асослар) мавжуд бўлган тақдирдагина ўша даъво даъволигича қолаверади.

Рад қилиб бўлмаслик (неопровержимость) шундан иборатки, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорини рад қилиб бўлмайди, тарафлар унинг устидан кассацион тартибда шикоят қила олмайдилар. Шу тартибда прокурор ҳам кассацион протест бера олмайди.

Қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори қонунлар сингари барқарор (стабиль) бўлиши керак, Суд қарори устидан кўп марта шикоят қилиш йўли билан уни рад қилиш мумкин бўлганда эди, қарорнинг мана шу хусусияти бузилган булар эди.

Қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш бир низони судда қайта-қайта текшириш мумкин бўлса эди, ҳал қилув қарори барқарор ва муайян бўлмас эди, ҳолбуки аксарият фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар ҳал қилув қарорининг барқарор ва муайян бўлишини талаб қилади. Бу қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорини суд назорати тартибида бекор қилиб бўлмайди, деган сўз эмас. Бироқ бундай бекор қилиш алоҳида ҳоллардагина мумкин ва тарафларнинг тўғридан-тўғри берган шикояти бўйича эмас, балки ҳал қилув қарорини назорат тартибида кўриш қоидалари асосида бўлади.

Ижронинг муқаррарлиги (исполнимость)ни маъноси шуки, қонуний кучга кирган суд қарори албатта бажарилиши шарт, агар тегишли тараф уни ўз ихтиёри билан бажармаса, у давлат ҳокимияти органлари томонидан мажбуран бажартирилади. Масалани олдиндан ҳал қилиб қўйиш преюдициал-лотин сўзининг мазмунида суднинг чиқарган қарори шу тарафлар иштирок этаётган бошқа ишлар учун аҳамиятли бўлиб чиқарилган бу қарор шахслар ўртасида шубҳа туғдирмаслик тушунилади. Суднинг қарори нафақат ишда қатнашувчи шахслар учун бошқа ишни кўраётган суд учун ҳам мажбурий бўлиб ҳисобланади. Бу қоида ФПКнинг 60-моддасида ўз ифодасини топган. Бунда айтилишича, суд фуқаролик иши бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳал

қилув қарори билан аниқланган фактлар ўша шахслар иштирок этаётган бошқа фуқаролик ишларини текширишга янгидан исбот қилинмаслиги кўрсатилган.

Бундан ташқари қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори жиноят ишларини кўрадиган суд учун ҳам мажбурийдир, аммо ҳал қилув қарорида белгиланган воқеа ёки иш тўғрисидаги масала юзасидангина мажбурийдир (ЖПКнинг 23-моддасини 2-қисми ёки ФПКнинг 60-моддасини 3-қисми).

7-§. Ҳал қилув қарорини дарҳол ижро қилиш ва ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1998 йил 17 апрел, 2002 йил 14 июндаги 11-сонли қарорига асосан киритилган қўшимча ва ўзгартиришлардаги Пленум қарорининг 18 бандида ҳал қилув қарорини ижро қилиш тартиби белгиланган.

Суднинг ихтиёрий равишда ижро қилинмаган ҳал қилув қарори дарҳол ижро этилиш ҳолларидан ташқари, ҳамма ҳолларда қонуний кучга киргандан сўнг ижро этилади (ФПКнинг 219-моддаси). Бу қоидадан истесно тариқасида қонунда (ФПКнинг 219-моддасида) хали қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорларининг ҳам дарҳол ижро этилиши назарда тутилган.

Суднинг бундай дарҳол ижро этиладиган ҳал қилув қарорлари жумласига:

- 1) алиментлар ундириш тўғрисидаги;
- 2) ходимнинг уч ойликдан ортиқ бўлмаган иш ҳақини ундириб бериш тўғрисидаги;
- 3) майиб бўлиш ва соғлиққа бошқача шикаст етишдан, шунингдек боқувчисининг ўлими натижасида келган зарарни қоплаш учун тўловларни ундириш тўғрисидаги;
- 4) меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган ходимни ёки ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ходимни аввалги ишига тиклаш тўғрисидаги, шунингдек меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларининг таърифини ўзгартириш тўғрисидаги;
- 5) судда иш кўриляётган вақтда жавобгар даъвога тўлиқ ёки қисман иқроп бўлишига қараб, тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилган талаб бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорлари киритилган. Юқорида кўрсатилган ҳолларнинг барчасидан суд ҳал қилув қарорининг қарор қисмида ҳал қилув қарори ФПКнинг тегишли моддаларига биноан дарҳол ижро қилиниши лозим деб кўрсатиб ўтишга мажбурдир. Бундай ҳолларда ҳал қилув қарорининг дарҳол бажарилиши устидан хусусий шикоят беришга йўл қўйилмайди.

Суд ФПКнинг 220-моддасига кўра, қуйидаги ҳолларда: биринчидан, даъвогар ва жавобгар суднинг чиқарган ҳал қилув қарори ва унинг дарҳол ижро этилишига рози бўлганда; иккинчидан, муаллифга унинг интеллектуал муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланганлиги учун ҳақ ундириш тўғрисидаги муаллифлик гувоҳномасига эга бўлган илмий кашфиёт муаллифга, ихтирочига-унинг ихтиросидан фойдаланганлик учун ва рационализаторлик таклифининг

муаллифига-унинг таклифи учун ҳақ ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини;

учинчидан, алоҳида ҳолатлар натижасида ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш ундирувчи учун кўпгина зарар келтириши мумкин бўлса ёки қарорнинг бажарилиши мумкин бўлмай қолса, ҳамма бошқа ишлар учун чиқарилган ҳал қилув қарорининг дарҳол ижро этилишига ўзининг ажрими билан йўл қўйиши мумкин. ФПКнинг 220-моддаси 3-бандида кўрсатилган асослар бўйича ҳал қилув қарорини дарҳол ижро қилишга йўл қўйилганида суд даъвогардан (суднинг қарори бекор қилинган ҳолда) ундирилган нарсаларни қайтаришни таъминлашни талаб қилиши мумкин. Ҳал қилув қарорини дарҳол ижро қилишга йўл қўйиш ҳақидаги масала ҳал қилув қарори чиқарилгандан сўнг суд мажлисида ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинган ҳолда кўрилади. Лекин бу шахсларнинг келмаслиги дарҳол ижро этиш масаласини ҳал қилишга тўсқинлик қилмайди.

Ҳал қилув қарорини дарҳол ижро этиш тўғрисидаги масала бўйича суднинг ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин. ҳал қилув қарорини дарҳол ижро этиш тўғрисидаги ажрим устидан берилган хусусий шикоят ёки хусусий протест бу ажримнинг ижросини тўхтатмайди. Баъзи ҳал қилув қарорларининг, чунончи: дарҳол ижро этиш натижасида ўзгарган мулкни, ҳал қилув қарори бекор қилинган, илгари ҳолига келтириш мумкин бўлмаса ёки жуда қийин бўлса ва фуқароларни бинодан кўчириш тўғрисидаги ишлар бўйича дарҳол ижро этилишига йўл қўймайди.

Алимент ундириш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда суд, зарур бўлган ҳолларда, ишни мазмунан ҳал қилмасдан олдин тарафларнинг моддий аҳволини ҳисобга олиб эр (ёки хотин) ўз хотинини (ёки эрини) боқишга вақтинча қанча миқдорда маблағ тўлаб туриши, болаларни боқиш ва тарбиялаш эр-хотиндан қайси бир ва қанча миқдорда вақтинча маблағ бериб туриши, шунингдек болалардан қайси бири ота-оналарини боқишга вақтинча қанча миқдорда маблағ бериб туриши лозимлиги тўғрисида ажрим чиқаришга ҳақлидир. Суднинг бу тўғридаги ажрими дарҳол ижро этилади.

Ҳал қилув қарорини дарҳол ижро этилишини ФПКнинг 222-моддасига мувофиқ ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлашни ажратиш керак. **қарорнинг ижросини таъминлаш-даъвони таъминлаш тўғрисидаги асос ва қоидаларга ФПКнинг 248-258-моддаларига мувофиқ бажарилади.** Шундай қилиб агар, ҳал қилув қарори дарҳол ижро этилиши лозим бўлмаса ёки суд уни дарҳол ижро этишга йўл қўймаса суд унинг ижросини таъмин қилиш юзасидан чора кўрмаган тақдирда унинг ижро қилинмай қолиши эҳтимол бўлса ёки талабнинг характериға қараб, ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлаш юзасидан чора кўрилмаган тадирда кейинчалик уни ижро қилиш қийинлашиб ёки бутунлай мумкин бўлмай қолиши эҳтимол бўлса, ҳал қилув қарорининг ижросини шу юқорида айтилган тарзда таъмин қилиб қўйиш мумкин. Масалан, суд рўйхатга олинган мулкнинг бир қисмини рўйхатдан чиқариш ва сотишдан қолдириш тўғрисидаги даъвони кондирса, рўйхатга олинган мулкни сотишни тўхтатиб туриш йўли билан ҳал қилув қарорининг ижросини таъмин қила

олади, чунки тегишли чора кўрилмаса, мазкур нарсаларнинг сотилиб кетиши ва ҳал қилув қарорининг ижро қилинмай қолиши мумкин.

Суднинг ҳал қилув қарори гарчи ижро қилинган бўлса ҳам, кассацион ёки назорат тартибида ёхуд янгидан очилган ҳолатлар сабабли бекор қилиниб, иш янгидан кўрилганида кейинги суд ишни аксинча ҳал қилиши мумкин. Бундай ҳолларда даъвогарнинг бекор қилинган ҳал қилув қарорига мувофиқ олган барча нарсаларни жавобгарга қайтариш масаласи қўзғалади. Бундай ҳолларда қайтарма ижро масаласи туғилади.

Ҳал қилув қарорининг ижросини ўзгартириш масаласи жавобгарнинг даъвогарга қарши даъво қўзғатиш йўли билан эмас, балки низони мазмунига қараб текшириб, янгидан ҳал қилув қарори чиқарганда биринчи инстанция суди томонидан ҳал қилинади ёки иш юзасидан асосий ҳал қилув қарори чиқарилганда бу масала ҳал қилинмаган бўлса, қўшимча қарор чиқарилади.

Агар юқори суд ўзининг ажрими билан ҳал қилув қарорини бекор қилиб низони узил-кесил тугатса (масалан, ишни бекор қилса) қарорнинг ижросини ўзгартириш (қайтарма ижро) ҳақида ҳам ажрим чиқариши лозим. Баъзан ҳал қилув қарорининг ижросини ўзгартириш масаласини ҳал қилиш учун бирмунча қўшимча ҳолатларни (масалан, ўша нарсанинг ўзини қайтариш мумкин ё мумкин эмаслигини, бу нарсанинг қандай аҳволдалигини ва шу сингариларни) аниқлаш керак бўлади. Юқори суд бундай ҳолларда ҳал қилув қарорининг ижросини ўзгартириш масаласини ҳал қилишни биринчи инстанция судига топшириши лозим бўлади.

Ҳал қилув қарорининг қайтарма ижроси тўғрисидаги қоидалар ФПКнинг 382-385-моддаларида берилган.

8-§. Суд ажрими, уни чиқариш тартиби ва унинг мазмуни

Суд ажрими деб биринчи инстанция суди томонидан айрим хусусий масалалар юзасидан, шунингдек кассацион ёки назорат суди томонидан шикоят ва протестлар юзасидан чиқариладиган қарорларга айтилади.

Биринчи инстанция суди томонидан чиқариладиган ажримлар ишни мазмунан ҳал қилмайдиган қарор ҳисобланади. Бу параграфда шундай ажрим чиқариш билан боғлиқ бўлган масалалар ёритилади. Кассацион ва назорат судларининг ажримлари тўғрисида шу китобнинг тегишли бобларида баён қилинади (36-37, 38-39-бобларга қаранг).

Ишни юритиш вақтида суд мажлисигача чиқарилган ажримлар қоида бўйича судьянинг ёлғиз ўзи томонидан тарафларни чақирмасдан, суд мажлисидан ташқари чиқарилади. Иш суд мажлисида кўрилаётганда ажримларни суд ҳайъат тартибда чиқаради. Бундай ҳолларда тарафларнинг, шунингдек ишда иштирок қилувчи прокурорнинг фикрлари эшитилади, бошқача айтганда, бунда тарафларнинг тортишувчилик ва тенг ҳуқуқлилиқ принципларига риоя қилинади.

Ишнинг мазмунига қараб ажрим чиқариш тартиби тўғрисидаги масала, яъни суд қандай ҳолларда алоҳида хона (маслаҳатхона)га кириб айрим суд ҳужжати сифатида ажрим чиқариши ва қандай ҳолларда суд мажлисининг

Ўзида ажрим чиқариши ва унинг мазмунини баённомага ёзиш масаласи ушбу кодекснинг 14 ва 204 моддаларида белгиланган тартибда чиқарилиши ва ишга қўшиб қўйилишлиги (ФПКнинг 237-моддасида) кўрсатилган. Суд ҳайъат таркибида айрим ҳужжат тарзида ажрим чиқариб масалани ҳал қилганда раислик қилувчигина эмас, барча судьялар ҳам иштирок қиладилар ва имзо қўядилар.

Шуни айтиб ўтиш керакки, қийин масалаларни судья (суд) алоҳида хона (маслаҳатхона)га кирмасданок ҳал қилиш-мазкур масалаларни ҳал қилишга жиддий эътибор бермаганини кўрсатади, бу эса, суднинг обрўини кетказди. Мана шунинг учун ҳам кўриладиган масаланинг моҳияти, мазмуни, туркумига қараб асослантирилиши лозим бўлган ажримлар ФПКнинг 13-моддасининг 2-қисмига асосан биринчи инстанция судининг суд мажлисида, суднинг бутун ҳайъати томонидан алоҳида хона (маслаҳатхона)да чиқариладиган ва судья, суд ҳайъати томонидан имзо қилинадиган айрим ҳужжат сифатида ёзилади.

Бошқа ажримларнинг ҳаммаси, масалан, суд мажлисини бошқа кунга кўчириш, далилларни текшириш тартиби, қўшимча далиллар талаб қилиб олиш ва бошқа масалалар тўғрисидаги ажримлар суд томонидан ишнинг аҳволига қараб, ё юқорида кўрсатилган тартибда ёки алоҳида хона (маслаҳатхона)га кирмасдан мажлисининг ўзидаёқ кенгашиб, айрим ҳужжат сифатида эмас, балки суд мажлисининг баённомасига ёзиш йўли билан чиқарилади.

Иш юзасидан ҳал қилув қарори чиқарилгандан кейинги ажримлар масаласига келсак, бундай ажримлар ҳамма тарафлар хабардор қилиниб, суд мажлисида албатта судья, суд ҳайъати томонидан имзо қилиниб, алоҳида хона (маслаҳатхона)да чиқарилади. Суднинг ҳал қилув қарори сингари суд ажрими ҳам ҳал қилинадиган масалалар юзасидан тўла ва асосли жавоб бериши, муфассал ва асослантирилган бўлиб равшан ифодаланиши керак. ҳал қилув қарори ҳам ажрим ҳам, тўрт қисмдан иборат бўлади.

ФПКнинг 238-моддасида кўрсатилганидек, алоҳида хона (маслаҳатхона)да чиқариладиган суд ажримида қуйидагилар кўрсатилади: 1) ажримнинг чиқарилган вақти ва жойи; 2) судьянинг фамилияси, суднинг номи (судья, суд ҳайъати) суд мажлисининг котиби; 3) ишда иштирок этувчи шахслар; 4) низо предмети ва ажрим билан ҳал қилинадиган масаланинг мазмуни; 5) суд ўз хулосаси учун олган асослар ва суд қўллаган қонунлар; 6) суднинг ҳал этилаётган масала юзасидан хулосаси; 7) ажрим устидан шикоят бериш (протест келтириш) тартиби ва муддати.

Алоҳида хона (маслаҳатхона)га кирмасдан туриб суд томонидан чиқариладиган ажрим ФПКнинг 238-моддасининг 4, 5 ва 6-бандларида кўрсатилган маълумотларни ўз ичига олиши лозим. Биринчи инстанция суди томонидан чиқарилган ажримларнинг ҳаммаси ҳам қонуний кучга киравермайди. Баъзи ажримлар шу ажримларни чиқарган суд томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши ҳам мумкин. Масалан, агар суд даъвони таъмин қилиш, экспертиза тайинлаш, учинчи шахсларни ишга жалб қилиш ва шу сингарилар тўғрисидаги илтимосни рад қилган бўлса, кейинчалик ишни кўрганда аниқланган ҳолатларга қараб, суд ўзининг ажримини хоҳ тарафларнинг илтимосига мувофиқ, хоҳ ўз ташаббуси билан қайтадан кўриши

мумкин. Бошқа ажримларни суд ўзгартира ҳам олмайди, бекор ҳам қила олмайди. Бундай ажримларни тарафларнинг хусусий шикоятига ёки прокурорнинг хусусий протестига мувофиқ юқори суд бекор қила олади.

қонун бўйича қатъий ва шикоят қилиб бўлмайди деб ҳисобланадиган хусусий ажримлар ёки хусусий шикоят ва протест беришга йўл қўйиладиган ажримларгина қонуний кучга киради.

Бу ажримларнинг аввалгилари ажрим чиқарилиши биланок қонуний кучга киради, иккинчилари эса-шикоят қилиш учун берилган муддат ўтгандан кейин ёки шикоят ё протест юқори суд томонидан рад қилингандан кейин қонуний кучга киради. Бошқа ажримлар эса, иш юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарори билан бирга қонуний кучга киради.

Ажримнинг қонуний кучга кириши муайян ҳуқуқий оқибатларга сабаб бўлади. Чунончи: биринчидан, шу ажрим билан ҳал қилинган низони янгидан кўриб бўлмайди; иккинчидан, унинг устидан шикоят қилиб бўлмайди, лекин уни назорат тартибида бекор қилиш мумкин бўлади; учинчидан, шу ажримга мувофиқ тарафлардан бири бирор ҳаракатни қилиши лозим бўлса, ажрим мажбурий равишда ижро этилиши мумкин.

Суднинг хусусий ажримлари тўғрисидаги қоидалар ФПКнинг 19-моддасида берилган. Бу қонунга асосан суд фуқаролик ишини кўраётганида айрим мансабдор шахслар ёки фуқаролар қонунчиликни ёки ҳуқуқий тартиботни жамият турмуш қоидаларини бузганлиги ёхуд идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлари ишларида жиддий камчиликлар борлигини аниқласа, хусусий ажрим (қарор) чиқариб, уни тегишли муассасалар, корхоналар, ташкилотларга мансабдор шахсларга юборади, булар эса, ўзлари томонидан кўрилган чора тўғрисида судга бир ой ичида маълум қилишга мажбурдирлар.

Агар суд фуқаролик ишини кўраётганида тарафларнинг ёки бошқа шахснинг ҳаракатида жиноий аломатларини аниқласа, у бу ҳақда прокуратурага маълум қилади.

Агар манфаатдор шахслар биринчи инстанция судининг чиқарган хусусий ажримларини ғайриқонуний деб ҳисобласа, хусусий ажрим устидан хусусий шикоят, прокурор эса хусусий протест келтириш ҳуқуқига эгадир.

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

СИРТДАН ФУҚАРОЛИК ИШИНИ КЎРИШ

1-§. Сиртдан фуқаролик ишларини кўриш тушунчаси ва моҳияти

Амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Процессуал кодексини қабул қилганга қадар суд амалиётида фуқаролик ишларини сиртдан кўриб, ҳал қилув қарорини чиқариш бўлмаганини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Ўзбекистон мустақилликка эришиб, дунё ҳамжамиятлари ўртасида ўзини муносиб ўрнини эгаллаши туфайли қонун ижодкорлиги масаласида ҳам тараққий этган давлатларнинг тажрибаларидан фойдаланиш мақсадга

мувофиқлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу маънода фуқаролик ишларини сиртдан кўриб ҳал этиш ҳозирги қатор хорижий давлатларда, шу жумладан Россия федерациясида ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Сиртдан иш кўриш институтининг киритилишидан мақсад, фуқаролик процессида тортишувчилик тамойилини кўшимча равишда кафолатланишини мустаҳкамлаш, тарафларнинг ҳаракат (ҳаракатсизлиги) учун жавобгарлик даражасини оширишлик, низоли масалани ҳал этишни тезлаштириш, шунингдек судьяларнинг ихтиёрида бўлган ишларни мазмун моҳиятини йўқотмасдан белгиланган вақтда кўриб ҳал этиш билан манфаатдор шахсларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилгандир.

Бундан ташқари сиртдан иш кўриш ва ҳал қилув қарорини чиқариш учун оддий ва ихчам процессуал ҳаракатларни амалга ошириш имкониятидан фойдаланиш вужудга келди.

Сиртдан ҳал қилув қарорини чиқариш учун иккита шарт вужудга келган бўлиши талаб қилинади.

Биринчидан, жавобгар қонунда белгиланган тартибда суд мажлисида кўриладиган иш ҳақида хабардор қилинган бўлиши ва бу ҳақда ишда тегишли маълумот бўлиши талаб қилинади. Бундай талаб ФПКнинг 224-моддасида берилган, бу қоидага кўра суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмаган тақдирда даъвогар эътироз билдирмаса, суд иш бўйича сиртдан ҳал қилув қарорини чиқариши мумкин. Ишни бундай тартибда кўриш ҳақида суд ажрим чиқаради. Жавобгар тегишли тартибда хабардор қилинганлиги ҳақида ишда маълумот бўлиши лозим.

Агар ишда бир нечта жавобгар иштирок этувчи бўлса, суд мажлисига улардан бири ёки айримлари келмаган тақдирда, келмаган жавобгарга нисбатан сиртдан ҳал қилув қарори чиқарилишига йўл қўйилади.

Демак, бу қоидани мазмунига кўра судья қандай сабабларга асосан жавобгар суд мажлисига келмаганлик сабабларини аниқлаш лозим, чунки бу масалаларни аниқлаш сиртдан иш кўриб, ҳал қилув қарорини чиқариш учун боғлиқ бўладиган ҳолатлардан бири ҳисобланади.

Агар судга келмаслик сабаблари узрли бўлса ва суд бу ҳақда хабардор бўлган тақдирда, тарафлар уларнинг иштирокисиз иш кўришни илтимос қилмаган ва суд мажлисига иккинчи чақирик бўйича келмаган бўлсалар, сиртдан ҳал қилув қарорини чиқаришга йўл қўйилмайди.

Сиртдан ҳал қилув қарорини чиқариш учун даъвогарнинг ўзи сиртдан ҳал қилув қарорини чиқаришга рози бўлмоғи талаб қилинади. Бундай ҳолатга агар тарафлар ўз талабларини қонуний ва асосли деган фикрда бўлиши ва бу етарли даражада далиллар билан асосланганлиги ҳамда арз қилган талаблари бўйича узил-кесил ҳал этилган қарорни кулга киритишни назарда тўтади.

Булардан ташқари, агар ишда бир нечта жавобгар иштирок этган бўлса-ю улардан бири ёки иккиси ва ҳақазолар юқоридаги талабларга риоя қилмаган ҳолда суд мажлисига келмаса, бундай ҳолларда суд келмаган жавобгарларга нисбатан сиртдан ҳал қилув қарорини чиқариши мумкин.

Агар суд мажлисига келган даъвогар ишни жавобгар иштирокисиз сиртдан иш юритиш тартибида кўришга рози бўлмаса, суд ишни кўришни кейинга қолдиради ва келмаган жавобгарга судда такрор кўриладиган вақт ва жой ҳақида қайта хабар юборади.

2-§. Сиртдан иш юритиш тартиби

Сиртдан иш юритиш тартиби фуқаролик суд ишларини кўриб ҳал этишга оид процессуал қонунларда кўрсатилган талабларга нисбатан бирмунча соддалаштирилган (осонлаштирилган) қоидалар бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун Фуқаролик Процессуал кодексидаги қатор қоидалар сиртдан ҳал қилув қарорини чиқаришда тадбиқ этилмайди.

Сиртдан иш юритиш тартиби ФПКнинг 226-моддасида берилган. Бу қонунда иш сиртдан иш юритиш тартибида кўрилганида суд ишда мавжуд далилларни текшириш билан кифояланади, тарафларнинг ваз ва илтимосларини ҳисобга олиб, ҳал қилув қарор чиқаради, бу ҳал қилув қарори сиртдан чиқарилган деб айтилади.

Иш сиртдан иш юритиш тартибида кўрилганида даъвонинг асоси ёки предмети ўзгартирилиши ёки даъво талабларининг миқдори кўпайтирилиши мумкин эмас.

Демак, ишни бундай тартибда кўрилишида ҳам суд далилларни текшириш, тарафларнинг талаб ва эътирозларини ҳам эътиборга олиши лозим. Ушбу қоидани иккинчи қисмида кўрсатилганидек, даъвогарнинг ҳуқуқлари маълум даражада чегаралаб қўйилганлигини кўрамиз. Бунга кўра у даъво талабларини асосини, предметини ўзгартириш, даъво талабларини миқдорини кўпайтириш ёки камайтиришга ҳақли эмас. Агар бундай ҳуқуқ даъвогарга берилганда эди, жавобгарни бундан беҳабар бўлиши, унинг ҳуқуқларини паймол бўлишига олиб келган булар эди.

Сиртдан иш кўриш билан чиқариладиган ҳал қилув қарори умумий қоидаларга риоя қилган ҳолда чиқарилади. Бу тўғрида ФПКнинг 227-моддасида берилган. Бу қонунда ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш мумкинлигини, ариза бериш муддати ва тартиби кўрсатилган бўлади.

Агар фуқаролик ишларини умумий асосларда кўрилганда ҳал қилув қарорини қарор қилиш қисмидан норози тарафга юқори судга шикоят бериш (прокурорга протест келтириш) ҳуқуқи кўрсатилса, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори эса, шикоят бериш, протест келтириш юқори судга эмас, шу иш кўрган туман (шаҳар) судида қайта кўриб чиқиш учун берилади.

Сиртдан чиқариладиган ҳал қилув қарори ФПКнинг 206-моддасида кўрсатилган қоидаларга асосланган бўлади.

Жавобгарнинг манфаатларни ҳимоя қилиш мақсадида қонун кўрилган иш бўйича чиқарилган қарорнинг нусхасини беш кун муддат ичида юбориш лозимлиги белгиланган. Бу муддатларни ҳисоблаш иш бўйича ҳал қилув қарори чиқарилган кундан бошланади.

Юқорида келтирилган қоидаларни ривожлантира бориб, ФПКнинг 229-моддаси ишда иштирок этмаган даъвогар ва жавобгарларга ғайриқонуний, асослантилмаган ва адолатли чиқарилмаган ҳал қилув қарорлари устидан шикоят қилиш, прокурорга протест келтириш ҳуқуқини беради.

Норози тараф ўз норозилигини ўн беш кун ичида ҳал қилув қарори чиқарилгандан кейин бериш тартиби кўрсатилган.

Демак, сиртдан кўрилган иш юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорига нисбатан шикоят қилиш муддати бирмунча қисқа эканини кўрамиз. Бу тартиб сиртдан иш кўришни ўзига хос хусусиятларига киради. Бироқ қонун бу билан кифояланмай, тарафларга шикоят қилиш ҳуқуқини кассация тартибида ҳам амалга ошириш ҳуқуқини беради. Бундай ҳолларда манфаатдор шахс ФПКнинг 37-бобида берилган қоида асосида иш тутмоги лозим.

Сиртдан кўрилган иш юзасидан суднинг чиқарган ҳал қилув қароридан норози тараф уни қайта кўриш учун қонунда кўрсатилган тартибда ариза билан тегишли судга мурожаат этганда ФПКнинг 230-моддасида кўрсатилган қоидаларга амал қилишлари лозим.

Бу моддада сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги аризада қуйидагилар бўлиши керак:

1) сиртдан ҳал қилув қарори чиқарган суднинг номи;

2) ариза бераётган тарафнинг номи;

3) суд мажлисига узрли сабабларга кўра келмаганликдан далолат берувчи ҳолатлар рўйхати ва уларни тасдиқловчи далиллар, шунингдек, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг мазмунига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган далиллар рўйхати;

4) ариза берувчи тарафнинг илтимоси;

5) аризага илова қилинган материалларнинг рўйхати.

Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги ариза тараф ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги ариза ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига мутаносиб миқдорда нусхалари билан судга тақдим этилади. Ариза берганлик учун давлат божи тўланмайди.

Аризанинг 1-бандида суднинг номини кўрсатилишидан мақсад суднинг ишни кўришга ваколатлими ёки йўқми эканлигини, 2-бандида тарафлар ҳақидаги маълумотларни талаб қилиниши эса, ариза берган тараф бундай ҳуқуқдан фойдаланишга ҳақлими ёки йўқми эканлигини аниқлаш учун киритилгандир.

Юқорида бундай ҳуқуқ жавобгарга, иш кўрган судга мурожаат қилиш лозимлиги таъкидланган.

Булардан ташқари ФПКнинг 230-моддаси 3-бандида агар суд мажлисига узрли сабабларга кўра келмаганликларини асослаб бериш учун тегишли далиллар келтириш тўғрисидаги талаблар сиртдан иш кўришнинг хос хусусиятларидан ҳисобланади. Бундай талаблар ишларни умумий қоидалар асосида кўриш учун белгиланмаган.

Яна бир хусусияти, ариза берганлик учун давлат божи тўламаслигидир.

Қонунда белгиланган талабларга риоя қилмаслик аризани кўрмасдан қолдириш учун асос бўлиши мумкин.

Суд сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш тўғрисидаги аризани қабул қилгандан кейин қатор процессуал ҳаракатларни амалга оширади. Жумладан: аризани кўриш вақти ва жойи ҳақида тарафларни хабардор қилади; уларга илова қилинган тегишли материалларнинг нусхаларини юбориш масалаларини ҳал этади.

Юқорида таъкидланганидек, сиртдан ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги ариза шу ишни кўрган туман (шаҳар) суди томонидан ҳал этилади. Аризалар қисқартирилган муддатда, яъни ўн кун ичида суд мажлисида кўрилади.

Бундай турдаги ишларни умумий муддатларга нисбатан қисқартирилган ҳолда белгиланиши, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўришни яна бир ўзига хос хусусиятлари қаторига киради.

Суд, суд мажлиси (вақти ва жойи) ҳақида тарафларни хабардор қилади, лекин уларни келмаслиги аризани кўриш учун тўсқинлик қилмаслиги ФПКнинг 232-моддасида белгиланган. Бу қонундан тадбиқ қилишда суд ФПКнинг иш кўришда қонунда кўрсатилган ҳолларга кўра талабларни кўрмасдан қолдириш ҳақидаги масалаларни ҳам ҳал қилиши мумкин.

Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш якуни бўйича суд ажрим чиқаради. Суд ўзига берилган ваколат доирасида сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўришда:

1) аризани қаноатлантирмай қолдиришга;

2) сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва аввалги таркибдаги ёки бошқа таркибдаги суд томонидан ишни мазмунан кўришни тиклашга ҳақли бўлади (ФПКнинг 233-моддаси). Манфаатдор тараф суднинг аризани қаноатлантирмаслик ҳақида чиқарилган ажрим устидан хусусий шикоят бериш ҳуқуқига эгадир.

Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун асослар бўлиб, суд мажлисига узрли сабабларга кўра келмаганлик сабабларидан далолат берувчи ҳолатлар ва уларни тасдиқловчи далилларни етарли бўлмаслиги ҳисобланади.

Борди-ю, агар сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризани кўриш вақтида суд тарафларнинг суд мажлисига келмаганлигига узрли сабаблар борлигини ва бу ҳақда судни ўз вақтида хабардор қилиш имконияти бўлмаганлигини ҳамда тараф сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарорининг мазмунига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган далилларни тақдим қилаётганини аниқласа, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори бекор қилиниб, ишни мазмунан кўриш тикланиши лозим.

Демак, суд учун сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш сабаблари бўлиб, бунга бемор бўлиши, сафарда бўлиши, меҳнат ва бошқа таътилларда бўлиши, хорижий давлатларга хизмат ёки бошқа ишлар билан сафарга кетиши, табиий офат туфайли кела олмаслиги ва ҳоказолар кириши мумкин.

Юқорида қайд қилинганидек, жавобгар ўзини ҳимоя қилиш ва даъво талабларини бекор қилиш учун жиддий далилларни мавжудлигини аризада кўрсатиши лозим. Бундай ҳолатларга, масалан, даъво предмети нотўғри белгиланиши, талаб ишга тегишсиз тарафга қаратилганлиги, учинчи шахсларга нисбатан регресс талабларни ҳал этилмаслиги бўлиши мумкин.

Жавобгар томонидан сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун судга тақдим қилинадиган ҳужжатлари чиқарилган ҳал қилув қарорини мазмунини ўзгартиришга таъсир кўрсатадиган бўлиши талаб қилинади.

Агар суд жавобгарни келтирилган далилларини асосли суд мажлисига келмаганли сабабларини узрли деб топган ҳолларда сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиниб, ишни мазмунан кўриш ҳақида ажрим чиқаради. Ажримда ишни мазмунан кўришни тикланиши ва уни ФПКда назарда тутилган умумий қоидалар асосида кўриб ҳал этилиши кўрсатилиши лозим.

Қонунда кўрсатилган тартибда суд мажлиси ҳақида хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмаган тақдирда ва уларни иштирокисиз иш кўриб чиқарилган ҳал қилув қарори қаторига кирмайди ва жавобгар бу ҳал қилув қарорини сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарор сифатида қайта кўрилишини сўраб, ариза беришга ҳақли эмаслиги ФПКнинг 235-моддасида кўрсатилган. Бундай ҳолларда шикоят (протест) иш кўрган судга эмас, балки умумий тартибда юқори судга кассация тартибидаги қоидаги асосланган ҳолда берилади.

Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириши ФПКнинг 229, 236-моддаларида берилган. Бу қонунга кўра, ҳал қилув қарори юзасидан, қарорни сиртдан чиқарган судга ўн беш кун ичида шикоят (протест) берилмаса, қонуний кучга киради.

Сиртдан иш кўрилиб, чиқарилган ҳал қилув қарорини қонуний кучга киришида бериладиган шикоят (протест) учун муддатни қисқартирилиши бундай иш кўришининг хос хусусиятларидан ҳисобланади.

Агар сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорига кассация шикояти (протести) бериладиган бўлса, бундай ҳолларда ҳал қилув қарори ўзгартирилмасдан қолдирилган ҳоллардан кейин қонуний кучга киради. ФПКнинг 236-моддасида сиртдан чиқариладиган ҳал қилув қарорининг ФПКнинг 217-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ равишда ҳам қонуний кучга кириши кўрсатилган.

ЙИГИРМАНЧИ БОБ

БУЙРУҚ ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШ

1-§. Суд буйруғини чиқариш учун асослар ва унинг мазмуни

Суд буйруғи тартибида аризани кўриб ҳал этиш институти фуқаролик процессуал қонунчилигида мутлақо янги иш юритиш тури бўлиб, бундай иш кўриш тури ҳозирги кунга қадар амалда хўжалик ишларини судда кўриб ҳал

этишда татбиқ этилиб, хўжалик процессуал кодексида ўз ифодасини топган эди (ХПКнинг 102-111-моддалари). Бу қоидалар ФПКга умуман киритилмаган эди. Хўжалик ишларини ҳал этишда суд буйруғини чиқариш тартиби давр талабига мос келганлиги ва масалаларни тезда ҳал этишда ўзининг ижобий жиҳатлари билан умумий тартибда иш юритишдан фарқ қилиши сабабли, бу иш юритиш турини фуқаролик ишларини судда кўриб ҳал этишга ҳам татбиқ қилиш мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақида амалиёт ўзининг ижобий хулосасини берди. Шу боисдан ҳам ФПКнинг 2-моддасига янги иш юритиш тури сифатида суд буйруғи тартибида ишни кўриб ҳал этиш қоидаси киритилди. Эндиликда бу қоида кодексда қуйидаги тахрирда ва мазмунда ўз ифодасини топди: «Фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари буйруқ тартибида, ишларни даъво тартибида, ишларни, органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича ҳамда алоҳида тартибда юритиладиган ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартибини белгилайди» деган ўзгартириш киритилди.

Айрим туркумдаги ишлар бўйича суд амалиётини умумлаштириш яқунлари шуни кўрсатмоқдаки, бир қатор фуқаролик ишларида тарафлар ўртасида низо бўлмаса-да ёки жавобгар талабни тан олса-да, фуқаролик ишларини судда қўзғатиш, процессуал қонунларда кўрсатилган процессуал қоидаларни татбиқ этиш каби талабларга риоя қилган ҳолда кўришга тўғри келмоқда. Фуқаролик ишларини юқорида кўрсатилган айрим турларини суд буйруғи тартибида кўриш манфаатдор шахсларнинг қонунларда белгиланган процессуал ҳуқуқларини паймол қилмаган ҳолда, иш қўзғатмасдан аризани ҳал этишга қаратилган Шу боисдан ҳам фуқаролик ишларини кўриб ҳал этишнинг бу тартиби иш кўришни осонлаштириш билан бир қаторда шахсларнинг қонуний ҳуқуқларини бузилмаслигига ҳам қаратилган. Бу ҳуқуқий ҳужжатни амалга киритилиши суд ислохатларини давомийлиги ва уни янада чуқурлаштиришга қаратилган тадбирлардан бўлиб ҳисобланади.

Иш юритишнинг бу тури манфаатдор шахсларнинг низосиз ҳуқуқларини тезда ҳимоя қилишга қаратилганлиги билан фарқланади.

I. Суд буйруғи тартибида иш юритиш ҳақидаги қонунда берилган тушунчада ундирувчининг пул маблағларини ундириш ёки кўчар мол-мулкни низосиз тартибда қарздордан талаб қилиб олиш тўғрисидаги аризаси бўйича судья судда иш қўзғатмасдан чиқарилган ҳужжат деб таърифланган.

Бу қоиданинг мазмунига қараганда, суд буйруғи асосида аризани ҳал этиш учун аввало бу туркумдаги фуқаролик ишларига нисбатан процессуал қоидаларни тўлиқ қўлланмаслиги, тарафлар ўртасида низо бўлмаслиги, тузилган олди-сотди битимлар, шартномалар тегишли қоидаларга амал қилган шаклда расмийлаштирган бўлиши ва уларни иккинчи томон тан олган бўлиши, судья белгилаган тартибда иш қўзғатмасдан тарафлар, ишда иштирок этувчи шахслар, гувоҳлар, экспертлар мутахассис ва бошқаларни чақирмасдан фақат ариза ва уни асослаш учун илова қилган далиллар ва бошқа ҳужжатлар асосида ихчам шаклда кўриб ҳал этилиши, шунингдек иш бўйича суд баённомасини тузилмаслиги билан умумий тартибда кўриладиган ишлардан фарқланади ва ҳ.к.

Судьянинг қонунда белгиланган фуқаролик процессуал тартибга тўлиқ амал қилмаган ҳолда суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризани кўриб ҳал этиши, тарафлар ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган сансанарликни тезда олдини олишга қаратилган процессуал тадбир деб қаралмоғи керак.

II. Амалдаги ФПКга 238/2-модда сифатида киритилган қоидада суд буйруғини чиқаришга асос бўлган талаблар кўрсатилган. Бу талаблар асосан қуйидаги масалаларни ўз ичига олади:

1. талабнинг нотариал асосланган бўлиши;
2. талаб ёзма битимга асосланганлиги ва унинг жавобгар томонидан тан олинган бўлиши;
3. вояга етмаган болалар учун алимент ундириш ҳақидаги, оталикни белгилаш билан ёки учинчи шахсларни жалб этиш зарурияти билан боғлиқ бўлмаган талаб арз қилинган бўлиши суд буйруғини чиқариш учун асос бўлади.

Суд буйруғини чиқариш бўйича қўйилган ҳар бир талабларни алоҳида-алоҳида таҳлил қилиш шуни англатади:

1. Манфаатдор шахснинг суд буйруғини чиқаришни талаб қилиш ҳуқуқи фақат қонунда кўрсатилган ҳоллардагина йўл қўйилади. Бунинг учун судга тақдим этиладиган ҳужжатлар тарафлар ўртасида низо келиб чиқишини олдини олиш мақсадида илгари нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши талаб этилади. Битимларни нотариал тасдиқлашда қонунда кўрсатилган талабларга кўра ҳужжатларга нотариус ёки бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахс томонидан уни тасдиқловчи устухат ёзиб қўйиш йўли билан гувоҳлантирилган ҳужжат бўлиши, қонунда кўрсатилган тартибда, тарафлардан бирининг аризасига илова қилинган нотариал тартибда тасдиқланган ҳужжатлари мавжуд бўлган тақдирдагина, суд буйруғини чиқариш учун асос бўлади (ФКнинг 110-моддаси).

2. Суд буйруғи тартибида иш юритиш учун, талаб ёзма битимга асосланган ва у қарздор томонидан тан олинган бўлиши манфаатдор шахсни судга мурожаат этиш учун асос бўладиган иккинчи ҳолатлардандир. Масалан, қонунда нотариал тасдиқланиши талаб этиладиган битимлардан ташқари битимлар оддий ёзма шаклда тузилиши мумкинлиги белгиланган (ФПКнинг 108-моддаси).

Судья якка ўзи буйруқ тартибидаги аризани ҳал этишда тузилган битимнинг қонунийлигига ва уни жавобгар тан олганлигига эътибор бериш лозим. Бу қоидани муҳимлиги шундан иборатки, амалиётда тарафлар ўртасида тузилган битимлар бир қарашда қонун талаблари асосида, ёзма тузилади, нотариал тасдиқланган бўлади, бироқ кейинчалик аниқланишича, бундай битимлар янглишиш таъсирида ёки алдаш, зўрлик, қўрқитиш, бир тараф иккинчи тараф билан ғараз ниятда тузилиши ёки шахснинг ҳаётида оғир ҳолатларни юз бериши таъсиридан фойдаланиб тузилиши, шунингдек кўзбўямачилик учун тузилган ва ҳоказо битимлар ҳақиқий саналмаслиги керак (ФКнинг 116-125 моддалари). Шунинг учун ҳам ёзма битимнинг қарздор томонидан тан олиниши, суд буйруғини чиқариш учун асосий ҳолатлардан бири ҳисобланади.

3. Болаларни моддий томондан таъминлаш мақсадида ундириладиган алимент Оила кодексига, шунингдек ФПКда ва бошқа қонун ҳамда ҳуқуқий ҳужжатларда ўзига хос хусусиятлари билан айрим туркумдаги фуқаролик ишларидан фарқланади.

Амалдаги фуқаролик процессуал кодексига алимент ундириш билан боғлиқ ишлар бўйича берилган даъво аризалар, судда кўриш муддатлари билан судловлиги, ишни мазмунан кўриш, ҳал қилув қарорини чиқариш ва уни қонуний кучга кириши, ижро қилиш тартиблари билан бошқа процессуал хусусиятлари билан айрим туркумдаги фуқаролик ишлардан фарқланиши кўрсатилган. Шунингдек, бундай туркумдаги ишларни қонунда кўрсатилган ҳолларда ва тартибда сиртдан кўрилиши ҳам мумкинлиги белгиланган. Лекин юқоридаги қоидалар билан бир қаторда алимент ундириш тўғрисидаги аризаларни суд буйруғини чиқариш тартибида кўриб ҳал этиш ҳақидаги қоидани процессуал қонунга киритилиши болаларнинг манфаати ва тарбиясига берилаётган муҳим эътибордан далолат беради.

Бу қоидага кўра, агар вояга етмаган болалар учун алимент ундириш ҳақидаги, оталикни белгилаш ёки учинчи шахсларни жалб этиш зарурияти билан боғлиқ бўлмаган талаб арз қилинган бўлса, суд буйруғини чиқариш тартибида аризани ҳал қилиш мумкинлиги ФПКнинг 238/2-моддасида ифодаланган.

Демак, суд буйруғини чиқариш тартибида алимент ундириш оталикни белгилаш талаби бирга билан кўрилишга қонун йўл қўймаслиги, шунингдек ариза юзасидан учинчи шахсларнинг яъни алимент ундириш учун ўз таъсирини ўтказиши мумкин бўлган бошқа шахсларни жалб қилмасдан буйруқ чиқариш тушунилади. Алимент ундириш билан боғлиқ даъволи ишларни умумий тартибида судда кўриб чиқиш учун қонунда қисқартирилган муддат белгиланган, бунга кўра, агар тарафлар бир туманда ёки шаҳарда жойлашган бўлсалар биринчи инстанция судида кўришга тайёрлаб бўлган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай кўрилиши лозим бўлса (ФПКнинг 131-моддаси иккинчи қисми), буйруқ тартибида болалар тарбияси учун алимент ундириш ва бошқа талаблар бўйича эса, судья ариза келиб тушган кундан эътиборан уч кун ичида буйруқ чиқариши лозимлиги белгиланган (ФПКнинг 238/7-моддаси).

Суд буйруғини чиқариш тўғрисида аризачи томонидан бериладиган ариза қонунда белгиланган талабларга риоя қилинган бўлиши лозим. Судья суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризани процессуал қоидаларнинг умумий талаблари асосида қабул қилиши керак. Бунда аризачи фуқаролик ишларини судловлигига оид қоидаларга амал қилган ҳолда қарздор яшаб турган судга мурожаат этиши лозим. Агар яшаш жойи номаълум бўлган қарздорга нисбатан эса ариза унинг мол-мулки турган жойдаги ёки унинг сўнгги яшаган жойидаги судга берилади.

Алимент ундириш тўғрисидаги аризалар бўйича, ундирувчи яшаб турган жойдаги судга ҳам берилиши мумкин. Бундай судловликка альтернатив судловлик дейилади.

Суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этиш асослари деганда қуйидагиларга аҳамият бериш лозим:

Умумий қоидаларга асосан, судларга мурожаат этган шахсларнинг аризалари қабул қилиниши керак. Шу боисдан ҳам қонунда, ҳар қандай манфаатдор шах бузилган ёки низолашаётган ҳуқуқи ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли. Судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан воз кечиш ҳақиқий эмаслиги ФПКнинг 1-моддасида кўрсатилган. Бироқ бу деган сўз суд барча фуқаролик ишларини судда кўриш керак деган маънони англатмайди, масалан суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги қонунда “Судья суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризани қабул қилишда, аризачи ФПКнинг 152-моддаси талабларига риоя этмасдан ариза берган бўлса, шунингдек ФПКнинг 238/5-моддасида кўрсатилган ҳолларда ҳам аризани қабул қилишни рад этиши мумкинлиги белгиланган.

Агар ариза ФПКнинг 238/3-моддаси талабларига жавоб бермаса ёки ариза берганлик учун давлат божи тўланмаган бўлса, судья суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризани қабул қилиш учун ўз ажрими билан ундирувчига камчиликларни бартараф этиш ёхуд давлат божини тўлашга кўпи билан уч кун муҳлат белгилашга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Суд буйруғини чиқариш муддатига ФПКнинг 238/7 моддаси бағишланган бўлиб, бу қоидага кўра, арз қилинган талабнинг мазмуни бўйича суд буйруғи ариза судга келиб тушган кундан эътиборан уч кун муддат ичида судья томонидан чиқарилиши белгиланган.

Суд фуқаролик ишларини қонунда белгиланган муддатда кўриб ҳал этишдан мақсад манфаатдор шахсларнинг қонуний ҳуқуқларини ўз вақтида тўғри ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлардан ҳисобланади.

Суд буйруғини чиқариш муддати фуқаролик процессуал кодексида белгиланган иш кўриш билан боғлиқ муддатга ўхшаш бўлса-да бу туркумдаги иш юритишда қисқартирилган уч кунлик муддат белгиланган.

Суд буйруғини чиқариш учун уч кунлик муддат берилиши шундаки, арз қилинган талабларда низо бўлмаслиги, ариза тегишли далиллар билан асосланганлиги аризани белгиланган муддатда ҳал қилиш учун барча асослар мавжудлигидан далолат беради.

Қарздорга суд буйруғининг кўчирма нусхаларини юбориш (ФПКнинг 238/9 моддаси) ҳақидаги қоидада суд буйруғи чиқарилгандан кейин судья унинг кўчирма нусхасини дархол қарздорга юборилиши лозимлиги, қарздор ўз навбатида суд буйруғини кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида қарздор арз қилган талабларга қарши ўз эътирозларини буйруқни чиқарган судга юборишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Юқорида ФПКнинг 238/1-моддасида кўрсатиб ўтилгандек, суд буйруғи ижро ҳужжати кучга эга бўлиб, буйруқ берилгандан кейин худди суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда ижро қилиниши лозим.

Қарздорга суд буйруғининг кўчирма нусхасидан юбориш тўғрисидаги қонунни киритишдан қандай мақсад кўзланишига аҳамият бермоқ лозим. Бунга кўра, агар судда фуқаролик ишларини умумий тартибда иш кўзғатиш йўли

билан қонунда белгиланган қатор процессуал қоидаларга амал қилган ҳолда, шунингдек иш кўриш аксарият ҳолларда тарафларнинг иштирокида кўриб ҳал этилса, суд буйруғини чиқаришда ундирувчи ва қарздорнинг иштирокисиз, тўпланган далилларга баҳо берган ҳолда низосиз арз-талаблар кўрилади. Шу боисдан қарздор судьянинг якка тартибда чиқарган буйруғидан хабарсиз бўлганлиги туфайли унга буйруқ кўчирмасидан дарҳол юбориш лозимлиги ҳақидаги қоида киритилган. Мана бундай тартиб суд мажлисига келмаганлиги туфайли сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг нусхаси қарор чиқарилган кундан эътиборан беш кун ичида келмаган тарафларга юборишга ўхшаш жиҳатлари мавжуд.

Суд буйруғининг нусхасини қарздорга дарҳол юборишдан мақсадлардан яна бири буйруқдан норози бўлган қарздор унга нисбатан эътироз билдириш ҳуқуқидан фойдаланишга имконият яратишдир.

Демак, суд буйруғидан кўчирмани қарздорга дарҳол юбориш уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун асос бўлади. Бундай ҳимоя ғайриқонуний ва асослантилмаган суд буйруғига нисбатан эътироз билдириш шаклида намоён бўлади.

Суд буйруғини бекор қилиш асослари ФПКнинг 238/10-моддасида ўз ифодасини топган. Бу қоидада агар белгиланган муддатда қарздордан арз қилинган талабга қарши эътирозлар тушса, судья суд буйруғини бекор қилиб, бу ҳақда ажрим чиқаради. Суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги ажримда судья ундирувчи арз қилган талаб бўйича даъво ишларини юритиш тартибида тақдим этилиши мумкинлигини тушунтиради Суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги ажримнинг нусхалари ажрим чиқарилгандан кейин уч кундан кечиктирмай тарафларга юборилиши лозим.

Фуқаролик ишларини биринчи инстанция тартибида туманлараро (туман, шаҳар) судларда умумий тартибда кўрган ишларига нисбатан тарафларнинг апелляция судига шикоят келтиришга бўлган ҳуқуқидан суд буйруқлари устидан эътироз билдириш тартибга ва улар ўртасидаги мавжуд фарқига аҳамият бериш лозим.

Суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги аризани кўришда судья фақат эътирозни қаноатлантириш ҳақида ажрим чиқариш ваколати берилган. Борди-ю суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги талабни судья қаноатлантирган тақдирда низоли иш вужудга келади, ваҳоланки ФПКнинг 238/2 моддасида кўрсатилган талабларга кўра бундай ишлар суд буйруғи тартибида кўришга тааллуқли бўлмасдан умумий даъво тартибида иш юритишга тегишли. Шунинг учун ҳам судья фақат суд буйруғини бекор қилиш ваколати билан чегараланган.

Суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги ажрим устидан апелляция, кассация ва назорат тартибида шикоят беришга қонун йўл қўймайди. Бундай тартибни киритилиши ишларнинг низосиз бўлганлиги билан асосланади.

ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

НИКОХДАН АЖРАТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ СУДДА КЎРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

1-§. Никохдан ажратиш тўғрисидаги ишларни судда ва судсиз кўриш асослари

Кўп йиллик тарихга эга бўлган ўзбек халқи қадимдан ота-боболар анъаналарига содик бўлган ҳолда ахлоқ принципларига асосланган оилани мустаҳкамлаш, она ва болалар манфаатларини ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва ҳар қайси болага бахтли болаликни таъминлаш, кишиларда оила олдида масъул бўлиш ҳиссини тарбиялаш-никоҳ ва оила тўғрисидаги қонунчиликнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланган.

Судларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган қоидалар асосида оилани ҳар томонлама ҳимоялашга, болаларни Ватанга ва оилага садоқат руҳида ижтимоий тарбияга мос ҳолда тўғри тарбиялашга, фуқароларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш никоҳ ва оила муносабатлари борасидаги қонунларни мустаҳкамлашга, фуқароларни оила ва жамият олдида жавобгарлик ҳиссида тарбиялашга қаратилган. Бу вазифалар никоҳдан ажратиш тартиби тўғрисида Оила кодекси, «Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори бу вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишга қаратилгандир.¹

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 37-моддасида белгиланганидек, никоҳ эр-хотиннинг ҳаётлигида улардан бири ёки ҳар иккаласининг аризасига мувофиқ ажралиш йўли билан тугатилиши мумкин. Суд ажралиш тўғрисида ариза берган эр ва хотинни яраштириш учун барча чораларни кўришга мажбур. Бундай тоифадаги ишларни кўришда судлар оиланинг дахлсизлигига, миллий хусусиятларга эътибор беришлари лозим.

Суд ва эр-хотиннинг келгусида биргаликда оилавий турмуш олиб бориш ва оилани сақлаб қолиш имконияти йўқ деб топгандагина никоҳдан ажратилиши мумкин.

Вояга етмаган фарзандлари бўлмаган эр ва хотиннинг ажралишга ўзаро розиликлари бўлган тақдирда, агар улар ўртасида мулк тўғрисида ва бир-бирларининг таъминоти учун алимент ундирилиши тўғрисида даъво бўлмаса, никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органи (ФХДЁ)да бекор қилиниши мумкин.

Белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб топилган шахслар, руҳий касаллик ёки ақли заиф бўлганлиги туфайли муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар, шунингдек камида уч йил муддатга озодликдан маҳрум этилишига

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси, «Ўзбекистон» нашриёти. 1998 йил, (кейинги-бетларда қискартирилиб «Оила кодекси» деб аталади); Қонун номи билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси, 3-4 сонлари, 1998 йил, 49-бет.

ҳукм қилинган шахслар билан бўлган никоҳ ҳам фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида, аммо низо бўлган тақдирда, бундай никоҳ суд тартибида кўриб ҳал қилинади.

Никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишлар икки гуруҳга: биринчидан, низосиз бўлганлиги туфайли фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида кўриладиган ажралиш тўғрисидаги ишлар ва иккинчидан, ажралувчилар ўртасида низо бўлгани туфайли умумий даъво иши тартибида судда кўриладиган ажралиш тўғрисидаги ишларга бўлинади.

Ажралиш тўғрисидаги ишларнинг икки гуруҳга бўлинишига асос-эр ва хотиннинг ажралишга бўлган ҳуқуқларини низоли ёки низосиз (маъмурий тартибда) бўлишлигидир. Эр ва хотин ажралишга бўлган ҳуқуқларини фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида икки ҳолда: биринчидан, ажралиш учун эр ва хотиннинг ўзаро рози бўлганларида ва иккинчидан, ажралувчи эр ва хотиннинг вояга етмаган фарзандлари бўлмаганида-амалга оширадилар.

Ажралишга бўлган ҳуқуқнинг низосиз бўлиши туфайли фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида ажралиш ҳуқуқини берадиган бошқа юридик фактлар ҳам бор. Бундай ишларнинг айримларини алоҳида тартибда кўриладиган ишлар туркумига киритса, ҳам асосли бўлади. Булар қуйидагилар: биринчидан, эр ёки хотиннинг белгиланган тартибда, дараксиз йўқолган деб танилиши факти: иккинчидан, эр ёки хотиннинг руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли қонун билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб танилиш факти: учинчидан, эр ёки хотиннинг жиноят қилганлиги учун камида уч йил муддатга ҳукм қилиниши факти бўлади.

Аммо юқорида кўрсатилган фактлар ўз-ўзича ажралишга бўлган ҳуқуқнинг низосиз бўлишлигини ва бинобарин фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларига ажралиш тўғрисида мурожаат қилиш мумкинлигини билдирадиган асослар бўлиб ҳисобланмайди. қонун фуқаролик далолатномаларини қайд қилиш органида бекор қилиниши учун яна қўшимча шартларни ҳам белгилайди. Никоҳни қайд қилиш органида ажралишни расмийлаштириш учун қамокда бўлган эр ёки хотиннинг аризаси ёки муомалага лаёқатсиз тарафнинг васийси томонидан берилган болалар тўғрисидаги, эр ва хотиннинг умумий мулки бўлган мулкни бўлиш тўғрисидаги аризаси бўлмаслиги ёхуд меҳнатга лаёқатсиз эр ва хотиннинг муҳтож бўлганлиги сабабли таъминот тўланиши тўғрисида низо бўлмаслиги талаб қилинади.

Эр ва хотиннинг никоҳни қайд қилиш органларига биргаликда ёзма ариза беришлари ва бу аризада никоҳни бекор қилиш тўғрисида ҳар икки тарафнинг илтимоси баён этилиши керак бўлади. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларига тааллуқли бўлган никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар бу идораларда кўриб ҳал этишнинг иложи бўлмаганлиги ҳақида далиллар (бу органга ажралувчилардан бирини келмаслиги ёки ариза беришдан бош тортганлиги ва ҳоказо тўғрисида шу идоралардан тегишли маълумотлар) бўлса, суд бундай ишларни даъво кўзғатиш тартибида кўришга ҳақли. Эр ва хотиннинг вояга етмаган фарзандлари бўлмаган ҳолда ўзаро ажралишликка рози

бўлганларида фуқаролик ҳолати актларини ёзиш органи ажралишни қайд қилишда қонунда белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади.

Бедарак йўқолган ёки руҳий касаллик ёхуд ақли заифлик туфайли қонун билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар билан ёинки жиноят қилганлиги учун камида уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган шахслар билан бўлган никоҳни бекор қилишни қайд қилишда бож белгиланган энг кам иш ҳақининг икки фоизи миқдорида олинади.¹

Оила кодексининг 39-моддасида белгиланганидек, хотиннинг хомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида эр никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишни хотиннинг розилигисиз қўзғатишга ҳақли эмас. никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишни қўзғатиш учун хотиннинг розилиги бўлмаса, суд эрдан даъво аризасини қабул қилишни рад этади, агар қабул қилинган бўлса, иш юритишни тугатади. Булардан ташқари агар хотиннинг хомиладорлиги ва никоҳдан ажралишга розилиги йўқлиги ишни кассация ва назорат босқичида кўриш вақтида маълум бўлса, даъво рад этилади. Худудий судловлик тўғрисидаги умумий қоидаларга биноан никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги низоли ишлар жавобгарнинг турар жойидаги судга тегишли бўлади.

ФПКнинг 241-моддасида даъвогарнинг танлаши бўйича судловлик тўғрисидаги қоидалар берилган. Бу моддада даъвогарга унинг тарбиясида вояга етмаган болалари бўлганида ёки саломатлиги туфайли жавобгарнинг турган жойига бориш имконияти қийинлашганида ажралиш тўғрисидаги даъвони ўзининг турган жойида қўзғатиши мумкинлиги тўғрисида амалдаги Фуқаролик процессуал кодексида янги ҳуқуқий меъёрни берилиши она ва болалар манфаатини кўзлаб уларга берилган имтиёزلардан ҳисобланади. Судловликнинг бу кўриниши бундай туркумдаги ишларни ўзига хос процессуал хусусиятга эга эканлигини ҳам англатади.

ФПКнинг 243-моддасига кўра ажралиш тўғрисидаги иш эр ва хотиннинг ўзаро келишуви бўйича тарафлардан бирининг турар жойидаги судда кўрилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисидаги 11 сентябрь 1998 йил Пленум қарорида судловлик тушунчасига янада аниқлик киритилиб, бунга кўра агар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирган давлатларга кетган ва манзилгохи маълум бўлган шахслар билан никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво, даъвогарнинг хоҳишига қараб (жавобгарнинг охириги яшаш жойи ёки унинг янги яшаш жойида), Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибига кирмайдиган бошқа давлатларга кетган шахслар билан никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъволар эса даъвогарнинг яшаш жойидаги судда қўзғатилиши мумкинлиги кўрсатилган.¹

Никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ариза фақат эр-хотиннинг ҳар иккиси томонидан ёинки уларнинг бири томонидангина берилиши мумкин. Бу ҳолат

¹ Қаранг: Қонун номи билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 1995 йил. 1-2-сонлари, 35-36-бетлар.

¹ Қаранг: қонун номи билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 1998 йил, 3-4-сонлари.

никоҳ муносабатларининг биринчи навбатда шахсий муносабат бўлишлигидан ва ажралишга бўлган ҳуқуқнинг шахсий эканлигидан келиб чиқади.

Ажралиш тўғрисидаги ариза судья томонидан қабул қилиниши пайтидан эътиборан, ажрашувчи эр ва хотин фуқаролик процессуал ҳуқуқида тарафлар бўлиб ҳисобланадилар ва улар қонун билан белгиланган ҳамма процессуал ҳуқуқларни оладилар.

Никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ариза ёзма шаклда баён этилиши лозим. Аризанинг мазмунида эр ёки хотиннинг ажралишни хоҳлашларигина кўрсатилмасдан, балки ажралиш сабаблари ҳам, шунингдек ажралувчиларнинг фамилиялари, исмлари, оталарининг исмлари, туғилган йиллари ва турар жойлари ҳам кўрсатилиши лозим. Аризада бу маълумотларнинг кўрсатилиши ишнинг тааллуқли бўлишлигини тўғри белгилаш ва тарафларни судга чақириш учун зарур.

Ажралиш сабабининг аризада кўрсатилиши иккинчи тарафнинг суд мажлисига қадар бу сабаблар (важлар) билан танишиш имкониятига эга бўлишлиги учун ва ажралишликка рози бўлмаганида ёки ажралиш сабаблари билан келишмаганида уларни рад қиладиган далилларни судга келтириш мумкин бўлиши керак.

Бундай талабларга риоя қилингандагина суд ўзига қонун билан белгиланган вазифаларни, чунончи ажралиш сабабларини аввалдан аниқлаш, суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган гувоҳларни белгилаш, шунингдек тарафларни яраштириш учун чоралар кўриш вазифасини бажариш имкониятига эга бўлади.

Ажралувчиларнинг фарзандлари бўлганида аризада уларнинг номлари, ёшлари, шунингдек ким тарбиясида бўлишлари, эр-хотиндан қайси бири болаларни ўз қарамоғи ва тарбиясига олишлиги кўрсатилади. Бундан ташқари, болаларни келгусида боқиш ва тарбиялаш тартиби тўғрисидаги масала юзасидан таклифларни кўрсатадилар.

Агар оилавий мулкни бўлиш тўғрисида талаб бўлса, эр ва хотиннинг мулкий аҳволи тўғрисида маълумотлар ва мулкни бўлиш тўғрисидаги таклифлар кўрсатилади.

Агар ариза берувчи ўзининг никоҳга қадар бўлган фамилиясини сақлашни хоҳласа, у ўзининг бу тўғридаги илтимосини аризада баён этиши мумкин.

Ариза ажралиш тўғрисида мурожаат қилган эр ёки хотин томонидан имзоланиши керак. Аризага болалар тўғрисидаги ва уларнинг ажралиши тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун зарур бўлган ҳужжатлар: фуқаролар ҳолати далолатномаларини ёзиш органларидан олинган гувоҳномалар болаларни туғилиши туғисидаги ҳужжатлар, болаларнинг ким билан яшашлари ва ҳақиқатда кимнинг боқимида бўлишлари тўғрисида уйлар бошқармасининг берган маълумотлари, болаларнинг ота-оналари оладиган иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар ва бошқа ҳужжатлар илова қилинади. Оилавий мулкни бўлиш талаб қилинганда-мулкнинг қиймати баҳолари даъвогарнинг аризасида кўрсатилади.

Ажралиш тўғрисидаги ариза туман (шаҳар) судга берилишида энг кам иш ҳақининг 50 фоиз миқдорида давлат божи олинади.¹

Ишни судда кўришга тайёрлаш. Ажралиш тўғрисидаги ишни судда кўриш учун тайёрлаш ҳам ҳамма фуқаролик ишлари каби фуқаролик процессининг мажбурий босқичи бўлиб кўрилади. Никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишларни судда кўришга тайёрлаш алоҳида муҳим аҳамиятга эгадир. Бинобарин, судлар томонидан бундай ишнинг тайёрланиши юзасидан қонунда белгиланган ҳамма талаблар қатъиян бажарилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ишларини судда кўришга пухта тайёрлаш зарурлигига эътибор бериш лозимлиги ҳақида юқорида қайд қилинган 11 сентябрь 1998 йилги Пленум қарорининг 12-бандида таъкидланган.²

.Ишни судда кўришга пухта тайёрлаш зарурлигига судларнинг эътибори қаратилсин. Судья томонидан ФПКнинг 161-моддасига мувофиқ олиб борилган барча тайёргарлик ҳаракатлари ажримда ўз аксини топиши шарт.

Судья никоҳдан ажратиш ҳақидаги аризани қабул қилиб, одатда жавобгарни чақириши, унинг ушбу аризага муносабатини аниқлаши, эр-хотинни яраштириш чораларини кўриши шарт. Қолаверса, судья тарафларнинг ҳар бири билан алоҳида, шунингдек, уларнинг ҳар иккаласи билан биргаликда оилани сақлаб қолиш масаласида суҳбат ўтказиши лозим.

Ишни судда кўришга тайёрлаш жараёнида судья эр-хотин ўртасида суд томонидан ҳал этиладиган бошқа низоли масалалар бор-йўқлигини аниқлайди, қандай талаблар никоҳдан ажралиш ҳақидаги даъво билан биргаликда кўрилиши мумкинлигини тушунтиради, тарафлар ўртасида муқаддам никоҳдан ажралиш ҳақидаги иш бўлган-бўлмаганини аниқлайди, агар бундай иш бўлса, уни тарафларнинг ҳақиқий муносабатларини аниқлаш мақсадида, суд мажлисига кўздан кечириш учун чақиради.

Никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишни кўришда суд эр-хотинни яраштириш ва оилавий вазиятни соғломлаштириш чораларини кўришга мажбур.

Эр-хотинни яраштириш чораларини кўришда суд тарафларнинг ёки улардан бирининг илтимосига ёхуд ўз ташаббусига кўра, ишни кўрилишини бошқа вақтга қолдиришига ва эр-хотинга ярашишлари учун «Оила» кодексига кўрсатилган доирада, лекин 6 ойдан кам бўлмаган муҳлат белгилашга ҳақли.

Судья яраштириш учун берилган муддатда эр-хотинни яраштириш мақсадида, зарур ҳолларда ажрим нусхаларини улар яшайдиган жойдаги хотин-кизлар кумиталарига ва ўзини-ўзи бошқариш органларига муҳокама қилиш ва яраштириш учун юбориши мумкин.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишни судда кўришга тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари билан бошқа фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлашдан фарқланади. Судья ажралиш учун мурожаат қилган эр ва хотинни

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат божи ставкалари ҳақида»ги 1994 йил 3 ноябрь қарори. (2006 йил 7 июндаги ўзг. ва қўш. билан).

² Қаранг: Қонун номи билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. Тошкент., 1998 йил, 3-4 сонлари, 53-бет

ишнинг судда кўрилишига қадар яраштиришлик учун чоралар кўриши бу ишларнинг муҳим хусусиятларидандир.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларни судда кўришга тайёрлаш ФПКнинг 158-160-моддаларига мувофиқ ўтказилади.

Агар эр ва хотин бир шаҳарда, бир аҳоли яшайдиган ҳудудда турсалар, судья қуйидагича процессуал ҳаракатларни амалга оширади:

- талаб аризасини берган тарафдан ажралишнинг сабабларини аниқлайди, умуман ажралиш тўғрисида берилган аризанинг мазмуни бўйича сўроқ қилади, ажралиш важларини асослаш учун ва ажралиш тўғрисида куйган талабларнинг қандай асосланганлиги тўғрисида қандай далиллар борлигини аниқлайди ва даъвогарга унинг процессуал ҳуқуқ ва бурчларини тушунтиради.

- агар ажралувчиларнинг вояга етмаган болалари бўлса, ажралиш тўғрисида ариза берган эр ёки хотиннинг болаларни ўзида қолдириши ёки ўзига топширилиши тўғрисида талаби бўлиш-бўлмаслигини ёки бу масала юзасидан улар ўртасида ўзаро келишув бўлганлигини ва бундай келишувнинг нимадан иборат бўлишини белгилайди.

- даъвогардан алиментлар ундириш тўғрисидаги талаблари нимадан иборат бўлишлиги ва ўртада орттирилган мулкни бўлиш тўғрисида қандай талаблари бўлишлиги тўғрисида сўроқ олади.

- даъвогардан унинг аризасида кўрсатган талаблари юзасидан жавобгарнинг қандай эътирозлари бўлишлигини ва судга даъвогар томонидан чақирилиши лозим бўлган гувоҳларни аниқлайди.

- даъвогардан тегишли ҳужжатлари, болаларнинг туғилиши тўғрисидаги гувоҳномаларни, болаларнинг эр ва хотиннинг қайси бири боқимида бўлишлиги тўғрисида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарув идораларидан маълумотномани эр ва хотиннинг ҳар қайсилари оладиган иш ҳақи миқдори тўғрисидаги маълумотни, эр ва хотиннинг турмуш давомида орттирган мулклари рўйхатини, ҳар қайси буюмнинг қийматини ва ҳамма мулкнинг умумий қийматини кўрсатиб, топширишини талаб қилади. Мулкнинг қиймати (баҳоси) тўғрисида эр ва хотин ўртасида келишмовчилик бўлгани ҳолда судья товарларни текшириш экспертизисини тайинлайди.

- судья жавобгар тарафни ажралиш тўғрисида берилган ариза билан таништириш ва арз қилинган даъвога муносабатини аниқлаш мақсадида сўроқ қилиш учун чақиради. Жавобгарнинг ажралиш важлари юзасидан эътирозлари бўлиш-бўлмаслигини, болаларнинг тақдири тўғрисидаги масалалар бўйича қандай эътирозлари борлигини, алимент талаблари, мулкни тақсимлаш масалалари юзасидан қандай эътирозлар нималар билан исботланишини сўрайди. Судья жавобгарга унинг қандай процессуал ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлишлигини тушунтиради.

- судга жавобгар томонидан чиқарилиши лозим бўлган гувоҳларни аниқлайди ва жавобгардан унинг эътирозларини тасдиқлайдиган бошқа зарур далилларни талаб қилади.

- ишда иштирок этувчи шахслар доирасини белгилайди, процессга васийлик ва хомийлик органлари прокурори, жамоатчилик вакиллари жалб қилиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилади.

Судья одатда ишнинг судда кўрилишидан аввал суҳбатлашиш учун эр ва хотиннинг ҳар иккисини бир вақтга чақиради. Никоҳдан ажратиш билан боғлиқ низоли ишларнинг хусусиятлари умумий қоидага кўра эр-хотиннинг бевосита ўзлари иштирокида кўрилишидир. Бироқ қайд қилиб ўтилган Олий суднинг Пленум қарорида алоҳида ҳолларда бундай туркумдаги ишларни ҳам вакиллар орқали юритишни мумкинлигини таъкидлайди. Буларга тарафлардан бирини оғир касаллиги узоқ муддат бўлмаслик ва бошқа ҳолатлар назарда тутилган (қарорни 32-банди). Агар эр ва хотин ҳар қайсилари бошқа-бошқа туманларда яшасалар, ажралиш тўғрисидаги иш эса даъвогар тарафнинг турар жойдаги суднинг иш юритишига қабул қилинган бўлса, жавобгарни ажралиш тўғрисида берилган ариза билан таништириш, жавобгарни сўроқ қилиш ва ундан эътирозларни тасдиқлайдиган далилларни талаб қилиш юзасидан ишни судда кўришга тайёрлаш бўйича қилинадиган ҳамма ҳаракатлар жавобгар турган судья томонидан амалга оширилади. Бунинг учун ишни қабул қилган суди бошқа туман (шаҳар) судига алоҳида топшириқ беради.

Ишни судда мазмунан кўриш жараёни. Никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишнинг судда кўрилишида тарафларнинг иштирок этиши зарур шарт бўлиб, бусиз суд ўзида оилани мустаҳкамлаш бўйича юклатилган вазифаларни бажара олмайди.

Суд мажлисига чақирилган тарафларнинг келмасликлари қуйидагича оқибатларни туғдиради: биринчидан, тарафлардан бири келмаганида ишнинг кўрилиши бошқа вақтга қолдирилади, тарафлар қайтадан чақириладилар: иккинчидан, агар жавобгар иккинчи маротаба чақирилишида ҳам, узрсиз сабаблар билан келмаса, агар унга чақирув хатининг топширилганлиги тўғрисида судда маълумотлар бўлса, иш унинг иштирокисиз кўрилади.

Ажралиш тўғрисида ариза берган эр ёки хотин узрсиз сабаблар бўйича иккинчи маротаба чақирилишда ҳам суд мажлисида ҳозир бўлмаса, агар иш унинг иштирокисиз кўрилиши мумкинлиги тўғрисида ундан ариза тушмаган бўлса, суд аризани кўрмасдан қолдиради (ФПКнинг 97-моддаси 5-банди).

Ажралиш тўғрисидаги ишни судья очиқ суд мажлисида кўради. Эр ва хотиннинг илтимосига кўра ҳамда суд ажрими бўйича зарур ҳолларда ажралиш тўғрисидаги иш ёпиқ суд мажлисида кўрилиши мумкин.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд мажлисида бошқа фуқаролик ишлари бўйича ўтказиладиган суд мажлисидан ўзининг мақсади, уни олиб бориш тартиби, усули жиҳатдан ҳам фарқланишига аҳамият бериш лозим. Бундай туркумдаги ишларда суд ишнинг ҳолатларини уни мазмунан ҳал қилиш учунгина эмас, балки эр ва хотинни яраштириш учун чоралар кўриши лозим.

Оилани мустаҳкамлаш масаласининг муҳимлигини эътиборга олиб қонунларимиз судларга зарур ҳолларда ажралиш тўғрисидаги ишнинг кўрилишини бошқа вақтга қолдириш ҳамда эр ва хотинга ярашиш учун муҳлат тайинлаш ҳуқуқини берди. Бу муддат даъво ишининг ҳолатларига қараб суд томонидан белгиланади, аммо Оила кодексининг 40-моддасида кўрсатилганидек, олти ойдан ошмаслиги керак.

Агар суд никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво талабларини рад этган ҳолларда никоҳдан ажратиш билан боғлиқ бўлган бошқа талаблар ҳам кўрилмайди. Масалан, мол-мулкни бўлиш, уй-жойдан кўчириш ва ҳоказо. Ажралиш тўғрисидаги иш мазмунан фақат эр ва хотин ўртасида ярашишликка эришилмаган ҳолдагина ҳал қилиниши мумкин. Суд ҳар бир ҳолда ҳам эр ва хотин ўртасида бўлган муносабатларни диққат билан текширишга, ишнинг барча ҳолатларини диққат билан текширишга, ишнинг барча ҳолатларини аниқлашга мажбур.

Агар суд ажралиш тўғрисидаги ишнинг қўзғатилиши чуқур ўйланилган ва асослантирилган важлар бўйича бўлганлигини ва никоҳни келгусида сақлаш ахлоқ принципларига зид келади деб-билса ва эр-хотиннинг келгусида бирга яшашлари учун лозим даражадаги шароитлар яратилиши мумкин эмаслигига ва болаларни тарбиялаш учун керакли шароитлар бўлмаслигига ишонса, никоҳдан ажралиш тўғрисида қарор чиқариши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар бўйича чиқарган қарорларида эр ва хотин ўртасидаги ўзаро муносабатларни жиддий ва диққат билан урганишга, ҳар сафар болаларнинг манфаатларини эътиборга олиб, оилани сақлаш учун мавжуд бўлган имкониятлардан фойдаланиш зарурлигига эътиборни жалб қилади. Булардан ташқари суд тарафларга ярашиш учун муҳлат беришда ҳам, шунингдек ишни мазмунан кўришда ҳам, оилани сақлаб қолиш манфаати учун эҳтиёж юзага келган ҳолларда жамият вакиллари ишга жалб қилиш масаласини ҳал қилиши мумкин.¹

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларнинг кўрилиши жуда мураккаб ва муҳим процесс бўлиб, суддан кўп нарсаларни, жумладан, ишни кўришга алоҳида эътибор беришни, турмуш тажрибаларига эга бўлишни, қонунларни билиб тадбиқ этишни талаб қилади. Судга ажралиш тўғрисида мурожаат қилувчи эр-хотинлар ўртасида мавжуд бўлган муносабатларни аниқлаш, текшириш юзасидан анча қийин масалаларни ҳал қилишга, уларни яраштириш учун чоралар қидиришга тўғри келади.

Ажратиш тўғрисидаги ишнинг судда кўрилиши шундай тарзда ўтказилиши керакки, у ўзининг асосий мақсадига эришиши, яъни чуқур уйламасдан никоҳдан ажралишнинг олдини олиш, оилани сақлаб қолиш ёки агар, дарҳақиқат зарур бўлса, ажралиш тўғрисидаги илтимосни каноанлантириш лозим бўлади. Ажратиш тўғрисидаги ишнинг уйлаб ҳар томонлама мулоҳаза қилиб ўтказилиши, ажралувчи эр ва хотинда, шунингдек суд мажлиси залида бўлган барча фуқароларда чуқур таъсир қолдиради.

Суднинг ҳал қилиш қарори ва унинг моҳияти. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқариладиган суднинг ҳал қилув қарори катта ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлиб, эр ва хотин учун ниҳоятда жиддий оқибатлар туғдиради, уларнинг келгусида ҳаётлари, турмушларининг қандай бўлишлиги тўғрисида чуқур уйлашга, мулоҳаза қилишга мажбур бўлади. Олий суд бундай туркумдаги ишлар юзасидан чиқариладиган ҳал қилув қарорларни чиқаришда

¹ Қаранг: қонун номи билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 3-4-сонлари, 1998 йил, 49, 60-бетлар.

унинг мазмунига эътибор бериш лозимлиги ҳақида судларга раҳбарий тушунтиришлар бериб, бунга кўра: ҳал қилув қарорининг асослантириш қисмида суд томонидан аниқланган эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликларнинг сабаблари суднинг оилани сақлаш имконияти борлиги ёхуд уни батамом барбод бўлганлиги ҳақидаги хулосага келиши учун асос бўлган далиллар, суднинг у ёки бу далилларни инобатга олмаслиги учун асос қилиб олган важлари,¹ суд қўллаган қонунлар кўрсатилади.

Никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъвони қаноатлантириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг хулоса қисми тарафларнинг барча талаблари бўйича, шу жумладан, биргаликда кўриш учун бирлаштирилган талаблари бўйича ҳам суднинг хулосаларини ўз ичига олиши лозим. ҳал қилув қарорининг бу қисмида никоҳдан ажратилганликни фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш китобида рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган маълумотлар (никоҳ қайд қилинган вақт, акт ёзувининг сони, никоҳни қайд қилган органнинг номи, 18 ёшгача бўлган болаларнинг сони) ҳам кўрсатилиши лозим.

Эр-хотиннинг фамилиялари ҳал қилув қароридан никоҳ қайд этилганлик ҳақидаги гувоҳнома асосида ёзилади. никоҳга кирган вақтда фамилия ўзгарган бўлса, ҳал қилув қарорининг кириш қисмида никоҳгача бўлган фамилия ҳам кўрсатилади. ҳал қилув қароридан эр-хотиндан қайси биридан ва қайси миқдорда давлат божи ундирилиши ва эр-хотиндан қайси бири уни тўлашдан озод қилинганлиги ҳақида тўлиқ ва аниқ маълумотлар кўрсатилиши шарт.

Никоҳдан ажратилган ҳолда эр-хотиндан ундирилиши лозим бўлган давлат божининг миқдорини белгилашда суд уларнинг ҳар бирини моддий аҳволини, оилани барбод бўлишидаги айби даражасини ва бошқа муайян ҳолатларни, жумладан, вояга етмаган болаларнинг эр-хотиндан қайси бири билан яшаш учун қолаётганлигини ҳисобга олади.

Суднинг никоҳдан ажратиш тўғрисидаги талабни қаноатлантирадиган қарори қонуний кучга кирганидан бошлаб, ажралишни қайд қилиш учун ФХДЁ органига мурожаат қилганда бундай ажралиш қайд қилинган вақтдан эътиборан эр ва хотин бир-бирларига нисбатан бўлган ҳуқуқ ва бурчлари тугатилган бўлади.

Суднинг ажратиш қароридан ундирилиши лозим бўлган давлат божининг эр ва хотиннинг қайси биридан ва қанча миқдорда олиниши кераклиги, шунингдек ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш тартиби кўрсатилади ва ушбу қарор суд (судья) томонидан имзоланади.

Суднинг никоҳдан ажратиш тўғрисидаги қарори фақат ажралишга бўлган ҳуқуқнинг тан олинганлигини билдиради. Никоҳдан ажратиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилгандан сўнг ҳам эр ва хотинларга ўзларининг ҳаракатлари оқибатлари тўғрисида яна бир маротаба қарор қонуний кучга киргунга қадар уйлаш, мулоҳаза қилиш учун фурсат берилади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов комиссиясининг айрим фуқаролик ишлари бўйича чиқарилган ажримлардан бирида суд никоҳни бекор қилиш ва эр-хотиннинг биргаликдаги мулкларини бўлишга оид ишнинг ҳақиқий аҳволини ҳар томонлама тўла ва ҳолисона аниқлаш юзасидан қонун кўзда тутган барча тадбирларни қўлламагани суд қарорини бекор қилиш учун асос бўлганлиги берилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси 1992 йил, 4-сон, 15-бет).

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган суднинг ҳал қилув қарори ФПКнинг 310-323-моддаларига мувофиқ умумий асосларда шикоят қилиниши мумкин.

Бу туркумдаги ишларни кассация ва назорат тартбида кўришда қуйи судлар томонидан кўрилган ишлар бўйича йўл кўйилган моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини жиддий бузилганлигини аниқлаш зарур бўлади.

1944 йил 8 июлда чиқарилган Фармон, чуқур уйламасдан ажралиш натижасида оиланинг бузилишидан сақлаш мақсадларида никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишлар юзасидан бошқа фуқаролик ишлари бўйича олинадиган давлат божини миқдорига нисбатан ошиқроқ суммада божи олинашини белгилаган эди. Амалдаги қонунларда эса, суд никоҳдан ажралиш тўғрисидаги аризанинг берилишида тўланиши лозим бўлган энг кам иш ҳақининг 50 фоиз миқдоридан ташқари суднинг никоҳдан ажратиш ҳақида ҳал қилув қарорини чиқариш пайтида никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ҳал қилув қароридан нусха берилаётганда эр-хотиндан ҳар иккаласи ёки улардан бири тўлайдиган давлат божи миқдорини белгилаши лозим. Агар суд бу божни эр-хотиннинг ҳар иккаласидан ундиришни лозим деб топса, уларнинг ҳар бири тўлайдиган бож миқдорини белгилайди (Оила кодексининг 45-моддаси). Бундай ишлар бўйича ундириладиган давлат божи бошқа фуқаролик ишлари бўйича олинадиган оддий давлат божидан ўзининг мақсади ва тайинланиши жиҳатидан фарқ қилади.

Фуқаролик ишлари бўйича олинадиган давлат божи ишни юритиш бўйича суд харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида белгиланади. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар бўйича олинадиган давлат божи эса бошқа асосий мақсадни чуқур уйламасдан ажралишнинг олдини олиш мақсадини кўзлайди ва чуқур уйламасдан ажралувчи эр ва хотинларга иктисодий, моддий таъсир этиш чораси бўлиб кўрилади.

Бошқа фуқаролик ишларида олинадиган давлат божининг суммаси қонун билан белгиланади ва даъво талабларининг миқдорига ёки даъвонинг баҳосига боғлиқ бўлади ҳамда даъвогар томонидан даъво аризаси берилишида тўланади. Никоҳдан ажралиш тўғрисидаги талаб қаноатлантирилган ҳоллардагина, ундириладиган бож суд томонидан юқоридаги кўрсатилганидек белгиланади ва шу билан бирга бу бож фақат даъвогардан ёки жавобгардан ёхуд тарафларнинг ҳар иккаласидан ундирилиши мумкин бўлади (Оила кодексининг 45-моддаси).

Бож суммаларининг миқдорини белгилашда суд тарафларнинг моддий аҳволини, ишнинг ҳақиқий ҳолатини, ажралувчиларнинг айбли бўлиш даражаларини эътиборга олади. Суд тарафларнинг аҳволига қараб, эр-хотиндан бирини ёки ҳар иккисини божни тўлашдан озод қилиш ҳуқуқига ҳам эгадир.

2-§. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларни кўриш

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги ишларни кўришда ҳал қилиш тартиби никоҳдан ажралиш тўғрисидаги даъволар ва уларнинг кўрилишининг процессуал тартибидан фарқ қилади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъволар ҳам судга тааллуқли қилинган. Бундай туркумдаги ишлар низоли ишлар бўлганлиги сабабли умумий даъво ишларини кўриш тартибида ҳал қилинади (Оила кодексининг 40-моддаси, ФПКнинг 239-моддаси).

Қонунда белгиланган никоҳ тузиш шартларини бузиб қайд қилинган никоҳ суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин, жумладан, никоҳ тузиш учун никоҳланувчиларнинг ўзаро розиликлари бўлмаса, бошқа бекор қилинмаган никоҳ мавжуд бўлса, руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб танилган шахс билан, никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳга кирилган бўлса, тарафларнинг ёки улардан бирининг оила кўриш мақсадини кўзламай қайд қилинган (сохта никоҳ) никоҳлари ҳам ҳақиқий эмас деб топилади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларни кўришда суднинг вазифалари ҳам никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишларни кўришдан бошқача. Бундай ишларни кўришда қонун судларга эр ва хотинни яраштириш ва оилани сақлаш мажбуриятини юкламайди, чунки давлат ҳам, жамият ҳам қонунни бузиб тузилган никоҳни ҳимоя қилмайди.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларнинг кўришнинг процессуал хусусиятлари никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларга жорий қилинмайди. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъволар никоҳдан ажралиш тўғрисидаги даъволардан: даъвонинг асослари, ишнинг предмети жиҳатидан ҳам, бундай даъволарни қаноатлантирадиган ҳал қилув қарорларининг ҳуқуқий оқибатлари жиҳатидан ҳам фарқ қилади. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъвонинг асослари Оила кодексининг 49-56-моддаларида кўрсатилган. Бундай даъволарнинг предмети никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаб, яъни иш бўйича даъвогар ва жавобгар ўртасида ҳуқуқий муносабат (никоҳ)нинг бўлмаганлигини белгилаш тўғрисидаги талаб бўлади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъвони қаноатлантириб чиқарилган суднинг ҳал қилув қарори мазкур никоҳнинг қайд қилиниши факти-ҳуқуқий муносабатнинг (никоҳнинг) вужудга келтирилмаганлигини, эр ва хотин учун ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар туғдирмаганлигини тасдиқлайди. Аммо никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши бундай никоҳда бўлган даврда туғилган болаларнинг ҳуқуқларига таъсир этмайди (Оила кодексининг 56-моддасининг 3-қисми). Ҳақиқий эмас деб топилган никоҳда бўлган шахслардан туғилган болалар билан тенг ҳуқуқга эга бўладилар.

Ажралиш тўғрисидаги даъвони қаноатлантириш тўғрисида чиқарилган суднинг қарори ажралиш учун ҳуқуқнинг бўлишлигини тасдиқлайди. Суднинг бундай қарори кучга кириши пайтидан эътиборан никоҳ тугатилган ҳисобланади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги суд чиқарган ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ўн кун муддат ичида ундан кўчирма никоҳ тузилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юборилиши лозим (Оила кодексининг 50-моддаси).

ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

АЛИМЕНТ УНДИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ СУДДА КЎРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

1-§. Алиментни ихтиёрий ва келишув асосида тўлаш тартиби

Болаларнинг тарбиясига ва уларни моддий томондан таъминлашга ҳар бир ота-онанинг маънавий ва ҳуқуқий бурчи бўлганлиги туфайли қонунда алимент ишларида низо бўлмаган ҳолларда унинг ихтиёрий тўланиши тартиби (Оила кодексининг 135-моддаси) белгиланган.

Мазкур туркумдаги ишлар бўйича аризаларни қабул қилишда судья манфаатдор шахсларга алиментнинг суд қарори бўйича ҳам, шунингдек алимент тўлашга мажбур бўлган шахсларнинг иш жойи (пенсия ёки стипендия олиш жойи) бўйича ҳам маъмуриятга берилган ёзма аризага мувофиқ ихтиёрий тартибда ҳам ундирилиши мумкинлигини тушунтириш лозим. Алиментни ихтиёрий равишда тўлаб туриш тўғрисида алимент тўловчи томонидан берилган аризасига кўра тегишли маъмуриятнинг бир қатор мажбуриятларини бажаришга ундайди. Бундай ҳолларда маъмурият берилган аризага мувофиқ ҳар ойда қарздорнинг иш ҳақи (пенсия ва бошқа суммалар) дан алиментни ундиришга ҳамда аризада кўрсатилган шахсга ижро варақаси бўйича тўланиши лозим бўлган муддатларда тўлашга ёки ундирилган суммани юборишга мажбур.

Тўловларнинг миқдори ходимни иш ҳақини 50 фоизидан ошмаслигига ҳам маъмурият эътибор бериши лозим. Алимент тўловчи иш жойини ўзгартирса бу ҳақда маълум қилиши керак ва ҳоказо. Алимент тўлашни ихтиёрий тартиби алимент ундирилиши тўғрисида даъвогарни хоҳлаган вақтида судга мурожаат этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди¹ (Оила кодексининг 135-моддаси). Алиментнинг ихтиёрий равишда тўланиши тўғрисидаги қоидаларни тушунтириш юзасидан судларнинг етарли даражада иш олиб боришлари судларда алимент ундириш тўғрисидаги ишларнинг бирмунча камайтирилишига олиб келиши мумкин.

2-§. Алиментни суд тартибида ундириш

Умумий қоидага кўра, бошқа оила ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ишлар каби алимент муносабатларидан келиб чиқадиган низолар ҳам судларга тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 96-моддасига кўра, вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига асосан алимент ундирилади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси, Тошкент. «Адолат, 1998 йил.

ФПКнинг 238²-моддаси 3-қисмига асосан агар вояга етмаган болалар учун алиментлар ундириш ҳақидаги, оталикни белгилаш билан ёки учинчи шахсларни жалб этиш зарурати билан боғлиқ бўлмаган талаб арз қилинган бўлса, судга алимент олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш тўғрисида даъво аризаси билан, шунингдек суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги ариза билан қилишга ҳақли. Шунга кўра, судга суд буйруғини чиқариш тўғрисида ариза берилади. Арз қилинган талабнинг мазмуни бўйича суд буйруғи ариза судга келиб тушган кундан эътиборан уч кун ичида судья томонидан чиқарилади. Суд буйруғи чиқарилганидан кейин судья унинг кўчирма нусхасини дарҳол қарздорга юборади. Бошқа ҳолатларда эса алимент ундириш тўғрисидаги талаб судда мазмунан кўрилиб, иш бўйича ҳал қилув қарори чиқарилади.

Алимент ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ишларнинг хусусиятлари шундан иборатки, бевосита ушбу низолар шахсий муносабатлардан келиб чиқиб, бундай туркумдаги ишларда процессуал ҳуқуқ қабул қилишликка йўл қўйилмайди. Шунингдек, ФПКнинг 105-моддаси ҳамда «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 3-моддасининг «в» бандига мувофиқ,¹ алимент ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича жавобгарни турган жойи бўйичагина эмас, балки даъвогарнинг турган жойи бўйича ҳам судга муурожаат қилиниши мумкин. Бу қоидалар бундай туркумдаги ишлар бўйича даъвогарлар учун муҳим процессуал имтиёзлар белгилайди. Уларнинг мақсади суд тартибида алимент ундиришни осонлаштиришдир. Аммо бу қоида алимент мажбуриятлари билан боғлиқ бўлган барча ишларга жорий этилмайди, чунончи, алиментни миқдорини камайтириш ва уни тўлашдан озод қилиш тўғрисидаги ишларга нисбатан тадбиқ этилмайди.

Болалар таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги даъволар никоҳдан ажратиш, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, болани тарбияга бериш, оталикни белгилаш тўғрисидаги даъволар билан бирга ҳам қўзғатилиши мумкинлигини назарда тутиш керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги 22-сонли қарорининг 14-бандида суд никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларни кўришда вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш мақсадида ишда аниқланган ҳолатларга мувофиқ манфаатдор шахс томонидан даъво қўзғатилган-қўзғатилмаганлигидан қатъий назар болалар тарбияси учун алимент ундириш масаласини муҳокама қилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Бундан ташқари алимент ундириш тўғрисидаги масала, бу тўғрида ота-она томонидан махсус талаб қўйилмаган бўлсада, суд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги иш юзасидан қарор чиқарилиши чоғида ўз ташаббуси билан ҳал қилиниши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ота-онани болаларни таъминлаш мажбуриятидан озод этмайди. Шу туфайли даъво қўзғатилган-қўзғатилмаганлигидан қатъий назар биргаликда ҳал этилиши шартлиги

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ахбороти. 1992 йил, 1-сон.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрда қабул қилган қарорида кўрсатилган.²

Судлар даъвогарнинг турар жойи номаълум бўлганида ҳам даъво аризасини қабул қилишни рад қилмасдан, балки ўз ташаббуслари бўйича жавобгарнинг турар жойини аниқлашга ва унинг даъво ишининг судда кўрилиши куни тўғрисида хабардор қилишга чоралар кўришга мажбурлар.

Вояга етмаган болалар ва муомалага лаёқатсиз шахсларнинг манфаатларини ва уларнинг алимент олишга бўлган ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим кафолати Оила қонунчилигида белгиланган. Агар жавобгарнинг яшаб турган жойи номаълум бўлганида уни ички ишлар органлари орқали қидиртириш мажбурияти белгиланган (ФПКнинг 140-моддаси).

Бу нормага мувофиқ судья даъво аризасини қабул қилишга ва жавобгарни қидириш тўғрисида ажрим чиқаришга мажбур. Шу билан бир вақтда алимент ундириш тўғрисидаги ишнинг юритилишини вақтинча тўхтатиш тўғрисидаги масала ҳал қилинади (ФПКнинг 93-моддаси 3-қисми). Оила кодексининг 96-102-моддалари ҳам шу мақсадларга хизмат қилади. Бу қонунларга асосланиб суд даъво аризасини қабул қилиш билан бирга ишнинг судда ҳал қилинишига қадар болаларнинг таъминоти учун жавобгар қандай харажатларни кутариши лозимлиги тўғрисида ажрим чиқаради, яъни она ва болаларнинг манфаатларини таъминлашга қаратилган чораларни кўради. Вақтинча ундирилиши лозим бўлган сумманинг миқдори жавобгарнинг иш ҳақи (даромади)нинг тегишли қисми миқдорида ёки қатъий сумма билан белгиланиши мумкин. Бу норманинг тадбиқ этилиши жавобгарнинг ишнинг мазмуни бўйича ҳал қилинишини чўзишга қаратилган ҳаракатининг олдини олади.

Алимент ундириш тўғрисидаги даъво аризаси ёзмада тузилиб, у ФПКнинг 149-моддасида кўрсатилган маълумотларни ўз ичига олади. Жавобгар алиментлар тўлашдан бош товлаганида уни қидиришлик учун қандай чоралар кўрилганлиги ва унинг ҳозирги вақтда қаерда яшаганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам аризада кўрсатилади. Жавобгарнинг яшаш жойи номаълум бўлса, бу ҳолат ҳам кўрсатилиши керак.

Даъво аризасига қуйидагича ҳужжатлар илова қилинади: боланинг туғилиши тўғрисидаги гувоҳнома; никоҳни қайд қилиш тўғрисидаги гувоҳнома; боланинг ариза берувчи билан бирга яшаши ва унинг боқимида бўлиши тўғрисидаги маълумот; жавобгарнинг ишлаб турган жойидан, унинг иш ҳақи тўғрисидаги ва унинг иш ҳақидан бошқа шахсларнинг фойдасига ижро ҳужжатлари бўйича қанча сумма ундирилиши тўғрисидаги маълумот; агар жавобгар фермер бўлса, жавобгарнинг томорка участкасидан оладиган қўшимча даромадлари тўғрисида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарувчи идоралардан маълумот илова қилинади.

Юқорида кўрсатилган ҳужжатлардан бирортаси ҳам бўлмаса, даъвогарга бундай ҳужжатларни мумкин қадар қисқа вақт ичида топшириш қийин бўлса,

² Қаранг: «Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунлари қўллаш амалиёти тўғрисида»ги 23-сонли Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. Тошкент., 1998 йил, 3-сон.

судья уларни тегишли муассасалардан ўз ташаббуси бўйича талаб қилиб олишга мажбур (ФПКнинг 57, 158-моддалари).

Ота-оналардан болаларнинг таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги даъволар ота-оналари ўртасидаги никоҳдан ажралган-ажралмаганлигидан қатъий назар кўзғатилиши мумкин. Судья ишни судда кўришга тайёрлашда жавобгарнинг бошқа онадан бўлган болалари учун ҳам алиментлар тўлаш-туламаслигини аниқлаши ва бу онани мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида ишга жалб қилиниши лозим. Даъво қаноатлантирилмаган ҳолда муқаддам ёзилган ижро варақаси бўйича ундириладиган алиментнинг миқдори бирмунча камайиши мумкин бўлганлиги сабабли, бундай ишнинг ҳал қилиниши оқибати учинчи шахслар манфаатига таъсир этиши мумкин.

Мазкур туркумдаги ишлар оддий тартибда, аммо қуйида кўрсатилган хусусиятлар эътиборга олинган ҳолда кўрилади. ФПКнинг 131-моддаси бундай ишларни кўриш учун қисқартирилган муддатлар белгилайди. Чунончи: тарафлар бир шаҳар ёки бир туманда яшасалар, иш 10 кундан кечиктирилмасдан кўрилади, бошқа ҳолларда эса ариза қабул қилинган кундан бошлаб 20 кундан кечиктирилмасдан кўрилади. Аммо бу қоида бундай даъвонинг бошқа ишларга қўшиб кўрилишида тадбиқ этилмайди. Масалан, оталикни белгилаш тўғрисидаги ишга алиментлар ундириш тўғрисидаги ишлар қўшилганида тадбиқ этилмайди. Бундай ҳолларда иш бир ойгача бўлган муддатга кўрилиши мумкин.

Жавобгарнинг суд мажлисига ҳозир бўлишлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилади. Алиментлар ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича жавобгарнинг судга келиши умумий қоида бўйича мажбурий ҳисобланади. Агар жавобгар суд томонидан узрсиз деб топилган сабаблар бўйича суд мажлисига келмаса, унга энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солинади ва мажбурий равишда келтирилиши мумкин (ФПКнинг 261-моддаси).

Жавобгар бошқа шаҳарда ёки туманда яшаса ва унинг судга келиши қийинрок бўлса, у касаллиги ва бошқа узрли сабаблар билан процессда қатнаша олмаса, суд уни мажлисга келишдан озод қилиши мумкин. Бундай ҳолда ишни кўрувчи суд жавобгардан ишнинг ҳолатлари ва кўзғатилган даъвонинг юзасидан батафсил баёнот олиши керак.

Суд алимент ундириш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори қабул қила туриб, бу қарорни ФПКнинг 205 ва 206-моддалари талабларига мувофиқ равишда тузади. қарорнинг асслантириш қисмида суд томонидан белгиланган ҳолатлар, суднинг хулосалари қандай далилларга асосланган бўлса, бундай далиллар ва суд амал қилган қонунлар кўрсатилади. қарорнинг хулоса қисмида жавобгарнинг исмиу фамилияси, отасининг исми, туғилган йили ва жойи, унинг доимий турар жойи, иш жойи ва вазифаси, алимент олаётган боланинг исми ва туғилган йили, қанча миқдорда ва неча болага алимент ундирилиши ва олинадиган суд харажатларининг миқдори аниқ ва тўла кўрсатилади. Мазкур маълумотлар судга топширилган ҳужжатларнинг аслига мувофиқ равишда кўрсатилади. Алиментлар даъво билан судга мурожаат қилинган пайдан

бошлаб келгуси вақт учун ундирилади. Агар суд алимент ундириш учун ҳамма чораларни кўришга қарамай, жавобгар уни тўлашдан бош тортгани сабабли алимент ундиролмаганини, шунингдек даъвогар оилани сақлаш мақсадида ёки бошқа узрли сабаблар билан ўз вақтида даъво қилмаганини аниқласа, суд ишдаги аҳволларга қараб, ўтган вақт учун ҳам, аммо уч йилдан ошиқ бўлмаган муддатга алимент ундириши мумкин (Оила кодексининг 136-моддаси).

Болаларнинг тарбияси учун алиментлар жавобгарнинг иш ҳақиға нисбатан хиссалар билан белгиланиб, даврий тўловлар шаклида ундирилади (Оила кодексининг 99-102-моддалари).

Аммо муайян ҳолатларда (Оила кодексининг 101-моддасига қаралсин) суд болаларнинг таъминоти учун маблағ тўланишини талаб қилувчи шахснинг илтимоси бўйича алиментларни ҳар ойда тўланиши лозим бўлган қатъий пул суммасида ҳам ундирилиши мумкин.

Фавқулодда ҳолатлар туфайли, масалан, боланинг оғир касал бўлиши, майиб бўлиши ва шу каби ҳолатлар содир бўлганида алиментлардан ташқари ота-оналардан қўшимча харажатлар ҳам ундирилиши мумкин (Оила кодексининг 103-моддаси).

Агар суд алимент тўловчи шахснинг бошқа вояға етмаган болалари борлигини аниқласа ва ундан қонун билан белгиланган миқдорда алиментлар ундирилганида бу болалар, алимент олувчи болаларға нисбатан моддий жиҳатдан камроқ таъминланадиган бўлиб қолсалару шунингдек алимент тўловчи биринчи ва иккинчи гуруҳ ногирони бўлса ёхуд алимент оладиган болалар ишласалар, уларнинг етарли иш ҳақи бўлса, ундириладиган алиментларнинг миқдори суд томонидан камайтирилиши лозим.

Оила кодексининг 107-моддасида кўрсатилганидек агар болалар давлатнинг ёки бошқа жамоат ташкилотларининг тўлиқ таъминотида бўлсалар, суд алимент миқдорини шу кодекснинг 99-моддасига асосан жавобгардан мазкур муассаса фойдасига ундириши мумкин.

Суд ҳал қилув қарорида алимент ундиришни кўрсатиш билан бирға давлат даромадиға жавобгардан суд харажатларининг ундирилиши тўғрисидаги масалани ҳам ҳал этиши лозим.

Алимент ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорида унинг дарҳол ижро этилиши кўрсатилади (ФПКнинг 219-моддаси). Бу ижро варақасининг қарор чиқарилгандан сўнг, кечиктирилмасдан ёзилиши кераклигини билдиради. Алимент ундириш тўғрисидаги қарорларнинг ижро этилиши билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда бошқа баъзи хусусиятлар ҳам бор. Чунончи, қарорларнинг ижро этилиши, умумий қоида бўйича, алимент ундирувчининг ўзи томонидан қўзғатилса, аммо мазкур туркумдаги ишлар бўйича, суднинг ташаббуси билан ҳам ижро варақасини ижро этишға юбориши мумкин (ФПКнинг 373-моддаси).

Алиментни ундиришни биринчи навбатда қаноатлантирадиган талаблар қаториға кўяди. Алимент тўловлари мунтазам характерға эға бўлиб, жавобгарнинг иш ҳақидан унинг иш жойида ундирилади.

Агар қарздорнинг яшаш жойи ва иш жойи номаълум бўлса, суд ижрочиси қарздорни ички ишлар органи орқали қидиртириш тўғрисидаги масалани суд

олдига қўйиши керак.¹ Қарздор топилганидан кейин ижро варақасини унинг иш жойига юбориб, ундириладиган сумманинг миқдорини ва ундирувчининг манзилини кўрсатиши лозим. Шу билан бирга ижро варақаси қарздорнинг иш жойига юборилганлиги тўғрисида алимент ундирувчи хабардор қилинади.

Корхона, муассаса ёки ташкилотнинг иш берувчиси, ижро варақасини олгандан сўнг, алимент тўловчининг иш ҳақидан (пенсия, стипендия, нафақас ва шу кабилардан) ҳар ойда ушлаб қолишга ва ижро варақасида кўрсатилган шахсга, иш ҳақи берилган кундан эътиборан уч кунлик муддатдан кечиктирилмасдан, қарздор ишдан бўшагани ҳолда эса-шу муддат давомида, алимент ундирувчига суд қарори ижро этиладиган жойдаги суд ижрочисига, алимент тўловчи шахснинг ишдан бўшаб кетганлиги ва агар маълум бўлса, унинг янги иш жойи ёки турар жойи тўғрисида маълумот беришга мажбур (Оила кодексининг 137-138-моддалари).

Ушлаб қолинган суммалар кўчирилишида қарздорнинг иш ҳақи миқдори ва алиментларнинг қанча вақт учун ундирилганлиги кўрсатилади. қарздор томонидан олинаётган иш ҳақи миқдори ўзгарган ҳолда ёки иш ҳақининг тўланиши 15 кундан ошиқ муддатга кечиктирилса, бу тўғрида алимент ундирувчи хабардор қилиниши керак. Алимент ундириш тўғрисидаги суд қарорининг лозим даражада ижро этилиши кафолати Оила кодексининг 138-140-моддасида ҳам назарда тутилган. 139-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган маълумотларни белгиланган маълумотларни белгиланган муддатда узрсиз сабабларга кўра хабар қилмаган тақдирда, айбдор мансабдор шахс ва алимент тўловчи шахс қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Алимент қарзи алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадлари етарли бўлмаганда, алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг банклар ва бошқа кредит ташкилотларидаги ҳисобварақаларида турган пул маблағидан, тижорат ва тижоратчи бўлмаган ташкилотларга шартнома асосида ўтказилган пул маблағидан ундирилади, мулк ҳуқуқининг ўтишига олиб келувчи шартномалар бундан мустасно. Бу маблағ етарли бўлмаганда ундириш алимент тўлаши шарт бўлган шахс қонун бўйича ундириш қаратилиши мумкин бўлган ҳар қандай мол-мулкига қаратилади.

Ундириш алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг ҳисоб варақаларига пул маблағига ва унинг бошқа мол-мулкига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қаратилади.

Алимент тўлаш тўғрисидаги ноталият тартибда тасдиқланган келишув ёки ижро варақаси асосида ўтган давридаги алимент қарзи ижро варақаси ёки алимент тўлаш тўғрисидаги келишув алимент ундириш учун тақдим қилинганга қадар ўтган уч йилдан ортиқ бўлмаган муддат учун ундирилади.

Алиментлар ижро варақаси ёки алимент тўлаш тўғрисидаги нотариал тартибда тасдиқланган келишув бўйича алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг айби билан ундирилмаган бўлса, алиментлар ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган уч йиллик муддатдан қатъий назар, ўтган барча вақт учун

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2005. 100-бет.

ундирилади. Агар фойдасига алимент ундирилаётган шахснинг манзили номаълум бўлса, ушлаб қолинган суммалар суднинг депозит счётига ўтказилади.

Кўрсатилган бурчлари бажарилмаганида айбли мансабдор шахсларга «Суд ҳужжатларини ижро қилиш тўғрисида»ги қонунда белгиланган миқдорда ва тартибда жарима солиниши мумкин. Алимент ундириш тўғрисидаги ишларнинг яна характерли хусусиятларидан бири шундаки, тўланиши лозим бўлган алиментларнинг суммалари қарздорнинг қарши даъвоси ҳисобига ўтказилиши мумкин эмас. тўланган алимент суммаларини қайта талаб қилиб олиб бўлмайди. Аммо алимент ишлари бўйича чиқарилган қарорларнинг даъво кўзғатган шахс томонидан келтирилган ёлгон маълумотлар ёки ёлгон ҳужжатларга асосланган бўлиши ҳоллари бундан мустаснодир (ФПКнинг 385-моддаси ҳамда оила кодексининг 143 моддаси). тўланган алимент суммалари фақат айрим ҳоллардагина, агар боланинг манфаатларини бузишга олиб келмагандагина келтириши мумкин.

ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ

ОТАЛИКНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ СУДДА КЎРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

1-§. Оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларни қўзғатиш

Болаларнинг ота-оналари қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган никоҳда бўлганларида оталикни белгилаш тўғрисидаги масала қўйилиши (низо кўзғатилиши) мумкин. Агар никоҳлари қонуний расмийлаштирилмаган ота-онанинг фарзандлари бўлса, бундай болаларнинг насаби ота-оналарининг никоҳни қайд қилиш органларига берган аризаларига биноан белгиланади. Агар бундай ариза берилмаса, (ота боланинг отаси бўлишини тан олмаса) болага нисбатан оталик суд тартибида даъво кўзғатиш йўли билан белгиланиши мумкин.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги талабнинг судда кўрилиши масаласини ҳал қилиш учун судья процессуал аҳамиятга эга бўлган ва оилавий қонунчиликда назарда тутилган қатор ҳолатларни текширади. Оталикни суд тартибида белгилаш-даъво иши ва алоҳида тартибда кўриладиган ишларга оид қоидалар бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг оила қонунчилиги оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларнинг икки хил туркумини ажратиб кўрсатади. Булардан биринчиси, даъво ишини юритиш тартибида кўриладиган оталикни белгилаш тўғрисидаги ишлар; иккинчиси, алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган оталик фактини белгилаш тўғрисидаги ишлар бўлади.

Оталикни суд тартибида белгиланишнинг моддий-ҳуқуқий оқибатлари бирдек бўлса ҳам, аммо бу туркумдаги ишларнинг ҳар қайсилари ўзига хос процессуал ва моддий-ҳуқуқий таърифга эгадир. Уларнинг судда кўрилишида ҳар хил фактик ҳолатлар белгиланади ва шу билан бирга судга мурожаат қилиш

учун бўлган ҳуқуқ асослари, исботлаш предмети, суд қарори ҳам ҳар хил бўлади.

Оталикни даъво ишини юргизиш тартибида белгиланиши тўғрисидаги ва алоҳида тартибда иш юритишда оталик фактини белгилаш тўғрисидаги талабларнинг қаноатлантирилиши ишнинг судда кўрилиши давомида Оила кодексининг 62-моддасида санаб ўтилган ҳолатлардан бирининг тасдиқланиши билан боғлиқдир.¹ Болани ўз тарбиясига олган ва болани отаси бўлишлигига иқрор бўлган шахс вафот этгани ҳолда оталикни тан олиш факти белгиланади.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги ишни қўзғата туриб судья мазкур талабнинг судда кўришга тегишли бўлиш-бўлмаслигини белгилашнигина эмас, балки бу ишнинг қайси туркумдаги ишларга оид бўлишлигини ҳам аниқлаши лозим. Бунинг учун муайян процессуал аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг бўлиш-бўлмаслиги текширилади. Булардан баъзиларини оталикни белгилаш тўғрисидаги ишлар бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқини берадиган асос сифатида кўрилса, бошқалари ишларни қайси туркумга доир бўлишини чегаралаш учун аҳамиятга эга бўлади. Чунончи, боланинг отаси сифатида фараз қилинган шахснинг вафот этганлик факти-алоҳида тартибда иш юритишда кўрилиш лозимлигини билдиради.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларни қўзғатиш учун умумий асос: боланинг ота-оналари ўртасида никоҳни қайд қилиш органларида расмийлаштирилган никоҳнинг йўқлиги бўлади. Бошқа ҳолатлар даъво ишини ёинки алоҳида тартибда кўриладиган ишларни қўзғатиш учун ҳар хил таъсир қилади. Масалан, боланинг 1968 йил 1 октябрга қадарли ва бундан сўнг туғилиши вақти оталикни белгилаш тўғрисидаги даъво ишининг қўзғатилиши мумкин бўлиш-бўлмаслигини белгилайди ва алоҳида тартибда кўриладиган ишлар бўйича бу эса юридик фактни белгилаш ишларининг бошқа туркумини, яъни оталикни тан олиш фактини белгилашда ёки оталик фактини белгилаш тўғрисидаги ишлар туркумини ажратишга таъсир қилади.

Алоҳида тартибда иш кўрилишида 1968 йил 1 октябргача туғилган болаларга нисбатан оталикни тан олиш (оталикка иқрор бўлиш) факти белгиланиши мумкин. Асослар амалга киритилганидан кейин туғилган болаларга нисбатан эса-оталикни факти белгиланади. Агар алоҳида иш юритиш тартибида оталик фактини белгилаш тўғрисида иш кўрилганлик фуқаролик ҳуқуқига оид низолар, масалан, мерос тўғрисида, боқувчисининг йўқотилганлиги туфайли кўрилган зарарнинг тўлатилиши тўғрисида даъво қўзғатилса, иш даъво ишини юргизиш тартибида кўрилади. Демак, 1968 йил 1 октябргача боланинг туғилган бўлиши, унинг отаси деб фараз қилинган шахснинг вафот этгани ҳолда, алоҳида иш юритиш тартибида оталикни белгилаш тўғрисидаги аризани қабул қилинишини рад қилиш учун асос бўлмайди.

Боланинг туғилиши вақтида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида боланинг отаси тўғрисида ёзилган ёзув алоҳида процессуал аҳамиятга эга бўлади. Боланинг туғилиши фуқаролик ҳолати

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси. Тошкент., «Адолат», 1998 йил, 38-45-бетлар.

далолатномаларини ёзиш органларида қайд қилиниши, қоида бўйича боланинг муайян ота-онадан туғилганлигини исботловчи далил бўлиб кўрилади. Ота-оналар билан болалар ўртасида ҳуқуқ ва бурчларнинг вужудга келиши фақат никоҳнинг қайд қилиниши билангина эмас, балки никоҳ бўлмаганида оталикнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида қайд қилиниши факти билан ҳам боғлиқ бўлади.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги ариза қабул қилинишида оталик ҳақида ёзилган ёзув текширилади. Бундай ёзувнинг бўлиши муайян ҳолатлардагина ишнинг судда кўрилишига тўсқинлик қилмайди. Биринчидан, бу боланинг туғилишини қайд қилиш вақтига боғлиқдир. Агар бола 1968 йил 1 октябргача фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларига, боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган отасининг исмига қайд қилинган бўлса, бундай ёзувлар ҳеч қандай (ҳуқуқий) оқибатлар туғдирмайди, аммо бу ҳолат аризасини қабул қилинишини рад қилиш учун асос бўлмайди. Бундай ҳолларда, агар боланинг отаси вафот этган бўлса, оталикнинг тан олиниши факти тўғрисидаги ишгина судда кўрилишга тегишли бўлади. Акс ҳолда, боланинг субъектив ҳуқуқларни, чунончи: давлат пенсиясини, мерос олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш мумкин бўлмай қолади.

Боланинг отаси тўғрисидаги ёзувнинг Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органларида ёзилиши муайян аҳамиятга эга бўлади. Агар боланинг отаси тўғрисидаги ёзув Оила кодексининг 207-моддаси 3-қисмига асосланиб қилинган бўлса, унинг бўлишлиги оталикни белгилаш учун судга мурожаат қилишга тўсқинлик қилмайди ва ишнинг юритилишини тўхтатиш учун ҳам асос бўлмайди. Бундай ёзувнинг бўлишлиги уз-узича моддий-ҳуқуқий оқибатларни вужудга келтирмайди.

Никоҳда бўлмаган шахслардан боланинг туғилишида оталик агар ота-оналар оталикни белгилаш тўғрисида биргаликда ФХДЁ органига ариза бермаган бўлсалар, суд тартибида белгиланиши мумкин, бундай ҳолат боланининг ота-оналари ўртасида низо бўлганида, яъни ота-оналардан бирининг қарши бўлиши ёки уни оталикни тан олиш тўғрисида ФХДЁ органига биргаликда ариза беришдан бош тортганида юз бериши мумкин.

Аксарият ҳолларда оталикни белгилаш тўғрисидаги даъво аризалари алимент ундириш тўғрисидаги талаблар билан бирга қўшиб берилади. Даъво аризаси ФПКнинг 148-149 моддаларига мувофиқ судга ёзма шаклда берилади. Аризада даъвогарнинг бир ёки бирга қўшилган бир неча даъволари баён этилган бўлиши мумкин. Бундай аризани қабул қилиш ёки қабул қилмаслик ҳуқуқи судга берилган. Бу туркумдаги ишларнинг судьянинг ташаббуси билан қўзғатилиши эркин ҳуқуқ тамойилиги мувофиқ келмайди, чунки бундай даъволарни қўзғатиш-қўзғатмаслик ҳуқуқи тарафларнинг ўзларига берилган. Судья бундай ҳолларда манфаатдор шахсларга алиментлар ундириш учун оталикни белгилашнинг аҳамиятини тушунтиришни ва оталикни белгилаш тўғрисидаги талабни ёзма тарзда расмийлаштиришга таклиф қилиши керак.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги даъволар ФПКнинг 241-моддасига мувофиқ, жавобгарнинг ҳам, даъвогарнинг ҳам турар жойи бўйича, яъни альтернатив судловлик қоидалари бўйича қўзғатилиши мумкин.

Оталикни алоҳида иш юритиш тартибида белгилаш тўғрисидаги ариза ФПКнинг 284-моддасига асосан юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш тўғрисидаги аризалар каби ариза берувчининг турар жойидаги судга берилади.

Оила кодексининг 62-моддасига мувофиқ оталикни белгилаш тўғрисидаги ариза билан судга боланинг ота-оналаридан бири ёки васийси (хомийси), болани тарбиялаб турган шахс, шунингдек боланинг ўзи ҳам вояга етганидан сўнг мурожаат қилиши мумкин. Алоҳида иш юргизиш тартибида кўриладиган ишларда манфаатдор шахсларнинг иштирок этиши, ишнинг ҳолатларини бир мунча тўла аниқлашга ёрдам беради. Аммо бундай ҳоллар ариза берган билан манфаатдор шахслар ўртасида судга тааллуқли ҳуқуқ тўғрисида низо чиққанида оталикни белгилаш тўғрисидаги ишлар, агар ота деб фараз қилинган шахс вафот этган бўлса, алоҳида иш юргизиш тартибида кўрилмасдан, балки даъво ишини юргизиш тартибида кўрилади.

2-§. Оталикни белгилаш тўғрисидаги даъвони қаноатлантириш асослари

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси никоҳда бўлмаган ота-оналардан туғилган болаларга нисбатан оталикнинг суд тартибида белгиланиши мумкинлиги тўғрисида қоидалар ўрнатди. Бу қоидалар ота-бола ўртасида ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтириш, хусусан она ва болаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Қонуний никоҳда бўлмаган шахслардан туғилган боланинг отасини суд йўли билан белгилаш учун муайян юридик фактларнинг мавжудлигини аниқлашни талаб қилади.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларни судда кўрилишига доир тушунтиришлар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2001 йил 1 июндаги “Оталикни белгилаш ҳақидаги ишларни кўришда судлар томонидан қонунларнинг татбиқ этилиши тўғрисида”ги Пленум қарорида¹ кўрсатиб ўтилган.

Суд оталикни белгилаш тўғрисидаги низоларни кўришда қуйидагиларнинг: **биринчидан**, боланинг онаси билан жавобгарнинг бола туғилишига қадар бирга яшаганликлари ва умумий рузгор юритганликларини; **иккинчидан**, болани биргаликда тарбиялаганликларини ёхуд уни таъминлаб турганликларини; ёхуд учинчидан, жавобгарнинг оталикни тан олганлигини (оталикка иқроор бўлганлигини) аниқ тасдиқлайдиган далилларнинг бўлишини эътиборга олади.

Юқорида кўрсатилган ҳоллар боланинг жавобгар шахсдан туғилиш фактини тасдиқлайдиган далиллар бўлиши билан бир қаторда, моддий-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган, яъни оталик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтирувчи шартлар бўлиб ҳам кўрилади ва мазкур туркумдаги ишлар бўйича даъвонинг асосини ташкил этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 1 июндаги Қарорлари. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий суди 2001. 38 б.

Кўрсатилган бу ҳолатлар қатъий бўлиб, уларнинг ҳар қайсиси ҳуқуқий оқибатларининг туғдирилиши учун мустақил аҳамиятга эгадир.

Биобарин, даъвони қаноатлантиришда боланинг жавобгардан туғилиш фактини тасдиқлаш учун Оила кодексининг 62-моддасида кўрсатилган ҳолатлардан ҳаммаси бўлмаса ҳам, фақат биригина бўлганида ҳам етарли асос бўлади. Бу модда кўрсатилган ҳолатларнинг фуқаролик процессида икки хил аҳамиятга эга бўлишини назарда тутиш керак. Бир томондан, бу ҳолатлар боланинг отаси билан бола ўртасида ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирадиган моддий-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган юридик фактлар бўлиб кўрилади. Биобарин, булар даъвонинг асоси таркибига киради ва исботлаш предметини ташкил этади. Иккинчи томондан, яъни процессуал томондан, бу ҳолатлар даъвонинг асосида бўлган энг муҳим фактни-боланинг жавобгардан туғилиши фактини тасдиқловчи далиллар ролини бажаради. қонунда бундай ҳолатлар сифатида боланинг отаси билан бола ўртасида қон-қариндошликни тўғридан-тўғри ёки эгри тарзда исботловчи фактлар кўрсатилади ва шу туфайли улар исботловчи далил сифатида муайян аҳамиятга эга бўлади. Масалан, боланинг жавобгар томонидан асралиши, унга таъминот берилиши, оталикни белгилаш учун шарт бўлиб кўрилиши билан бирга боланинг жавобгардан туғилган бўлишини эгри тарзда бўлса ҳам исботловчи далил қаторида кўрилади.

Оталикни белгилаш учун бола жавобгарнинг тўла қарамоғида бўлиши ёки жавобгар томонидан бериладиган моддий ёрдам бола учун доимий ва асосий яшаш манбаи бўлиши керак. Бундай ҳолларда жавобгарнинг бирмунча узок муддат давомида болани асраш учун моддий ёрдам кўрсатиб турганлигининг белгиланиши ҳам кифоя бўлади. Бу асосни эътиборга олиш учун ёрдамнинг қанча вақт давомида бериб турганлиги муҳим аҳамиятга эга эмас. Аммо жавобгар томонидан совгалар тариқасида ёки ҳар замонда моддий ёрдам берилишини-боланинг жавобгар томонидан асралиши факти деб кўрилмаслиги керак.

Боланинг онаси ва жавобгар бир оила бўлиб яшаганликларида болага қилинган харажатларининг миқдоридан қатъий назар, болани асраган бўлиб кўриладиган оилавий муносабатлар мавжуд бўлганида, махсус асос, қоида бўйича болани биргаликда тарбиялаш билан боғлиқ қилинади. Биобарин, боланинг жавобгар томонидан асралиши тўғрисида гумон бўлганида, масалан, жавобгар ҳеч қаерда ишламасдан, боланинг онаси қарамоғида бўлганида ҳам оталикни белгилаш учун боланинг улар томонидан биргаликда тарбияланиши факти сифатида эътиборга олиниши мумкин.

Боланинг ота-оналари бирга яшаганларида боланинг жавобгар боқимида бўлишлиги факти, аксарият ҳолларда, очикдан-очик кўриниб туради. Буни белгилаш суд учун унчалик қийинчилик туғдирмайди. Агар тарафлар айрим яшаганликларида ва жавобгар моддий ёрдам кўрсатиб турганида, бу ҳолатни аниқлаш қийинроқ бўлади. Бундай ҳолларда суд ўз ташаббуси билан зарур далилларни тўплаши лозим бўлади.

Жавобгарнинг оталикни тан олганлигининг суд томонидан белгиланиши муҳим аҳамиятга эга бўлган юридик факт ҳисобланади. Оила кодексининг 62-

моддасида кўрсатилган оталикни суд тартибида белгилашнинг бу асосига алоҳида эътибор бериш талаб қилинади.

Жавобгарнинг оталикка иқроор бўлишлиги тўғрисидаги суднинг хулосаси бу фактни аниқ тасдиқлайдиган далилларга асосланган бўлиши лозим. Оталикка иқроор бўлиш қатъий шаклда қилинган бўлиши ва бу тўғрида қарама-қарши фикрларга-мулоҳазаларга йўл қўйилмаслиги керак. Жавобгарнинг ноаниқ иқроори, боланинг ўзиники бўлишлигига ишониб етмаслиги, шу билан бирга бундай эҳтимолни инкор ҳам этмаслиги бошқача айтганда ярим иқроор бўлишлик оталикни белгилаш учун асос бўлмайди.

Оталикни тан олганликни исботлайдиган далиллар: жавобгарнинг хатлари, анкеталари, аризалари ва бошқа фактик маълумотлар бўлади. Булар билан биргаликда оталикка иқроор бўлиш фактини аниқ тасдиқлайдиган, процессуал қонунларда назарда тутилган бошқа исботлаш воситаларидан ҳам, масалан, жавобгарнинг оталикка иқроор бўлганлигини исботлайдиган актлар ёки ҳужжатларнинг муаллиф эканлиги белгилаш тўғрисида экспертларнинг фикрларидан ҳам фойдаланиш мумкин бўлади.

Жавобгарнинг суд мажлисида оталикка иқроор бўлишлиги алоҳида аҳамиятга эгадир. Жавобгар судда даъвони тан олса, оталикка иқроор бўлса, қонунда назарда тутилган шартлар бўлмаса ҳам, суд оталикни белгилаш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли бўлади. Жавобгарнинг даъвони тан олиши, яъни оталикка иқроор бўлиши моддий-ҳуқуқий ва процессуал аҳамиятга эга бўлган факт ҳисобланади. Бундан ташқари, жавобгарнинг суд мажлисида оталикка иқроор бўлиши муҳим далил сифатида ҳам кўрилиши мумкин. Аммо судда иқроор бўлишлик-даъвони қаноатлантириш тўғрисида қарор чиқаришга изоҳсиз асос бўла олмайди. Баъзи ҳолларда жавобгар ўз боласи бўлмаган болага нисбатан ҳам иқроор бўлиши мумкин. Бундай иқроор тарафларнинг қонунда белгиланган тартибдан чиқиб, болани суд орқали фарзанд қилиб олишни исташлари билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Оталикка ёлгондан иқроор бўлиш рад қилиниши керак. Чунки суднинг қарори барча ҳолларда иш ҳолатларига мувофиқ бўлиши ва чин ҳақиқатга қарама-қарши бўлмаслиги керак. Бинобарин, жавобгарнинг суд мажлисида оталикка иқроор бўлиши судни боланинг ҳақиқатан кимдан туғилганлигини аниқлаш бурчидан озод қилмайди. Оталик тўғрисидаги низоларни ҳал қилишда беҳуда процессуал ҳаракатлар қилмаслик ва тарафларнинг ўзаро ҳақиқий муносабатларини ҳар тарафлама аниқлаш мақсадида суд аввало Оила кодексининг 62-моддасида кўрсатилган ҳолатларнинг бўлиш-бўлмаслигини белгилаши лозим. Агар улардан бири ҳам тасдиқланмаса, боланинг кимдан туғилганлиги тўғрисидаги масалани текширишнинг аҳамияти бўлмайди, чунки текшириш натижаларидан қатъий назар талаб қаноатлантирилмайди.

3-§. Оталикни белгилаш тўғрисидаги ишлар бўйича суд қарорлари

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Процессуал кодексининг суд қарорлари тўғрисидаги талабларига оталикни белгилаш тўғрисидаги ишлар бўйича чиқариладиган суд қарорлари ҳам жавоб бериши керак.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги суд қарорларининг қонуний ва асослантилган бўлишига моддий ва процессуал нормаларни тўғри тадбиқ этиш ва судда белгиланган фактларни далил билан исботлаш йўли билан эришилади. Суд қарорларида суд мажлисида текширилган далиллар билан тасдиқланган фактлар акс эттириши лозим. Маълумки, суд қарори кириш, баён қилиш, асослаш ва қарор қисмларидан иборат бўлади. Бу қоида оталикни белгилаш тўғрисидаги ишлар бўйича чиқариладиган қарорларга ҳам тааллуқлидир. Бу тўғрида қарорнинг мазмуни ҳам ФПКнинг 206-моддаси талабларига жавоб бериши лозим. Оталикни белгилаш тўғрисидаги қарорнинг кириш қисмида, бошқа ишлар бўйича чиқариладиган қарорларда кўрсатилганидек, қарорларнинг чиқарилиши вақти ва жойи, қарор чиқарувчи суднинг номи, суднинг таркиби, суд мажлиси котиби, агар процессда қатнашса прокурорнинг кимлиги, тарафлар, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар, уларнинг вакиллари ва низоли предмет нимадан иборат бўлиши кўрсатилади.

Қарорнинг баён қилиш қисмида даъвогарнинг (ариза берувчининг) талаблари нимадан иборат бўлиши, жавобгарнинг эътирози, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг тушунтиришлари, шунингдек судда иштирок этувчи шахсларнинг ўз талаблари ва эътирозларини асослайдиган ҳолатлар қисқача ифодаланади. Бундан ташқари оталикни белгилаш тўғрисидаги ишлар бўйича чиқариладиган қарорнинг бу қисмида-жавобгарнинг даъвои (талабни) тан олишлиги ёки тан олмаслиги кўрсатилади ва даъвога бўлган эътирозлар ифодаланади.

Қарорнинг асослаш қисмида суд томонидан белгиланган иш ҳолатлари, суднинг хулосалари нимага асосланган бўлса, буни исботловчи далиллар уларнинг қандай вақтлар ва асослар бўйича рад қилиниши, шунингдек суд амал қилган қонун кўрсатилиши керак. қарорнинг муҳим қисмларидан бўлиб кўрилган асослаш қисми, суд мажлиси давомида текширилган далилларнинг таҳлил қилинганлигини ва унинг баҳоланишини кўрсатиши лозим.

Хал қилув қарорининг қарор қилиш қисмида оталикни тан олиш тўғрисидаги ишлар, суднинг даъво талабларини қаноатлантирганлик ёки даъво талабларини бутунлай ёхуд қисман рад қилганлик тўғрисидаги маълумотлар, суд харажатларининг қандай тақсимланиши, қарорнинг шикоят қилиш муддати ва тартиби кўрсатилиши керак.

Суд қарорининг қонунга мувофиқ, тўғри чиқарилиши фуқароларнинг субъектив ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Агар оталикни белгилаш тўғрисидаги ишлар бўйича чиқариладиган суд қарорларининг қарор қисми тўлиқ ёзилмаса, қонун талабларига мувофиқ бўлмаса, оталикни фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органида рўйхатдан ўтказишда баъзи қийинчиликлар туғилиши мумкин.

. Суд ҳал қилув қарорининг қарор қисми ҳам, мазкур талаблар эътиборга олинган ҳолда ёзилиши керак. қарорнинг бу қисмида боланинг отаси тўғрисидаги маълумотлар, чунончи: унинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, миллати, доимий турар жойи, иш жойи ва мансаби(агар ишламаса яшаш манбаи нимадан иборат эканлиги) кўрсатилади. Бу маълумотларнинг ҳаммаси талаб куйган шахсни яшаш жойидаги фуқаролик

ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органида оталикни белгилаш тўғрисидаги дафтарга ёзилади.

Оталик фактини белгилаш тўғрисидаги аризалар бўйича чиқариладиган суд қарорларининг мазмуни ва шаклига нисбатан қўйиладиган барча талабларга жавоб бериши лозим. Шу билан бирга бундай ишлар бўйича суд қарорларининг мазмуни баъзи хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар қарор тузишда эътиборга олинishi керак.

ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ БОБ

МЕҲНАТГА ОИД НИЗОЛАРНИ СУДДА КЎРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

1-§. Меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ишларнинг тааллуқлилиги ва судловлилиги масаласи

Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича бўлган ишлар фуқаролик суд ишларини юритишнинг умумий қоидалари, яъни даъво ишларини юритиш тартибида судлар томонидан кўрилади.

Бундай туркумдаги фуқаролик ишлари учун қонун билан белгиланган қатор хусусиятлар мавжуд. Бу хусусиятлар низоли моддий-ҳуқуқий муносабат билан белгиланиб, фақат моддий ҳуқуқ (меҳнат ҳуқуқи) меъёрларидагина эмас, балки процессуал ҳуқуқ меъёрларида (ФПКда) ҳам назарда тутилган. Бу хусусиятлар судьялар томонидан меҳнат ишлари бўйича даъво аризаларини қабул қилишда, уларни суд мажлисида кўриш учун тайёрлашда ва иш юритишнинг бошқа кейинги босқичларида ҳам эътиборга олинishi керак.

Судья бундай ишлар бўйича аризалар қабул қилишда ФПКнинг 31 ва 239-моддасида назарда тутилган умумий қоидага амал қилиб, мазкур ишнинг судга тааллуқли бўлиш-бўлмаслигини белгилаши лозим. Меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ишларни судга тааллуқли бўлиш ва тааллуқли бўлмайдиган ишлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий суди 1998 йил 17 апрелдаги Пленуми қарорида кўрсатиб ўтилган.¹

Низонинг предметига ва ишда қатнашувчи субъектларга қараб, меҳнат ҳуқуқи меъёрлари бундай ишни ҳал қилишнинг ҳар хил тартибини белгилаганини назарда тутиш керак.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 260-моддасида кўрсатилганидек, меҳнат низолари бўйича ходим меҳнат низолари комиссиясига ёки бевосита судга мурожаат этишга ҳақли. Қонун (Меҳнат кодексининг 269-моддаси) га кўра, меҳнат низолари қуйидаги ҳолларда бевосита туман (шаҳар) судларида кўриб чиқилади:

1) агар ходимнинг иш жойида меҳнат низолари комиссияси тузилмаган бўлса;

¹ Қаранг: Қонун номи билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 1998 йил, 1-2-сонлари, 28-53-бетлар.

2) улар меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларидан қатъий назар ишга тиклаш тўғрисида, меҳнат шартномасини бекор қилиш вақти ва асослари таърифини ўзгартириш тўғрисида, мажбурий прогул ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарган вақт учун ҳақ тўлашга доир бўлса;

3) ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарнинг тўланиши ҳақида бўлса;

4) меҳнат вазифаларини бажараётганда ходимнинг соғлиғига шикаст етказилгани оқибатидаги зарарни (шу жумладан маънавий зарарни) ёки унинг мол-мулкига етказилган зарарни иш берувчи томонидан тўланиши ҳақида бўлса;

5) Меҳнат кодексининг 78-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда ишга қабул қилиш рад этилганлиги ҳақида бўлса;

6) иш берувчи ва касаба уюшмаси қумитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари билан олдиндан келишиб ҳал этилган масалалар юзасидан келиб чиққан бўлса.

Ушбу модданинг биринчи қисмида санаб ўтилган меҳнат низоларидан бошқа низолар ҳам ходимнинг хоҳишига кўра бевосита туманлараро судларида кўрилади.

Меҳнат низоси меҳнат низолари комиссиясида кўрилмаган деган важ билан ходимнинг аризасини кўриб чиқишни судда рад этишига йўл қўйилмайди.

Меҳнат низоларини тегишли) судларида кўриш тартиби Ўзбекистон Республикаси Меҳнат, Фуқаролик процессуал кодекслари ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракт)ни тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишни тартибга солувчи қонунларни қўлланиши ҳақида»ги 1998 йил 17 апрель қарорида берилган.¹

Даъво аризасини қабул қилишнинг рад этилиши ва меҳнат иши бўйича қўзғатилган ишнинг бекор қилиниши ФПКнинг 152 ва 160-моддаларида назарда тутилган барча асослар бўйича амалга оширилади.

Даъво аризаси ФПКнинг 145-моддасида кўрсатилганидек, жавобгарнинг яшаб турган жойидаги судга берилади.

Меҳнат ҳақини ундириш тўғрисидаги ва меҳнат муносабатларидан келиб чиқадиган бошқа талаблар бўйича бўлган даъволар юзасидан ходимлар давлат даромадларига суд харажатларини, божини тўлашдан озод қилинадилар. Бундай талаблар қаноатлантирилганида суд харажатлари даъвонинг қаноатлантирилган қисмига нисбатан жавобгардан ундирилади. Агар даъво талаблари рад этилса, суд харажатлари давлат ҳисобига ўтказилади. Бу ҳолат меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ишларни ўзига хос хусусиятларидандир.

Судга аввало меҳнат низоларини кўриш комиссиясида кўрилган низо бўйича ариза тушса, суд бу масала бўйича меҳнат низоларини кўриш комиссияси мажлисининг баёноти кўчирмасини топширилишини талаб қилиши лозим.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари. Тошкент., 1998 йил, 18-56-бетлар.

2-§. Меҳнат ишларини кўриш муддатлари

Меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низоли ишларнинг процессуал хусусиятларидан бири шуки, бунда бошқа фуқаролик ишларига нисбатан қисқа муддат белгиланганидир.

Қуйидагилар меҳнат низосини кўриш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга:

- 1) ходим, касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари;
- 2) меҳнатнинг ҳуқуқ бўйича инспектори;
- 3) иш берувчи меҳнат низолари комиссиясининг қарорига рози бўлмаган тақдирда, шунингдек унга ходим томонидан етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги низолар бўйича;
- 4) прокурор (Меҳнат кодексининг 268-моддаси).

Меҳнат низосини ҳал қилишни сўраб судга ёки меҳнат низолари комиссиясига Меҳнат кодексининг 270-моддасида белгиланган муддатлардагина мурожаат қилиш мумкин, чунончи:

ишга тиклаш низолари бўйича - ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой;

ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш ҳақидаги низолар бўйича - зарар етказилганлиги иш берувчига маълум бўлган кундан бошлаб бир йил;

бошқа меҳнат низолари бўйича - ходим ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб уч ой.

Ушбу моддада белгиланган муддатлар узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда, бу муддатлар суд ёки меҳнат низолари комиссияси томонидан қайта тикланиши мумкин.

Ходимнинг соғлиғига етказилган зарарни қоплашга доир низолар бўйича судга мурожаат қилиш учун муддат белгиланмайди.

Меҳнат низоларини кўриш учун бошқа фуқаролик ишларига нисбатан бирмунча қисқа муддатлар белгиланган. ФПКнинг 131-моддасига кўра, меҳнат низолари биринчи инстанция суди томонидан ўн кунлик муддат ичида кўрилиши лозим. Ишни бошқа муддатда кўрилиши шу қонунда белгиланган. Меҳнат тўғрисидаги низоларнинг дарҳол кўрилишини таъминлаш билан ҳуқуқ нормалари фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўз ҳимоясига олганлигидан ва уларнинг манфаатлари ҳамيشа давлат эътиборида эканлигидан далолат беради.

3-§. Меҳнат ишларида тарафлар

Хар қандай фуқаролик иши каби меҳнатга оид низонинг ҳам муваффақият билан ҳал қилиниши-барча манфаатдор шахсларнинг процессуал ҳолатларини тўғри белгилашга боғлиқ. Умумий қоида бўйича меҳнат ишларида тарафлар меҳнатга оид низоли ҳуқуқий муносабатнинг субъектлари бўлади.

Меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низоли ишларда тараф бўлиб вояга етмаган, яъни ўн тўртдан ўн саккизгача бўлган фуқаролар иш ҳақини ёки бошқа даромадни тасарруф этиш билан боғлиқ битимлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича судда ўз ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи бундай низоларни ҳал қилишнинг ўзига хос процессуал хусусиятларидандир. Ишдаги субъект аввало даъвогар бўлади. Даъвогар ўзининг субъектив ҳуқуқининг ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатининг ҳимоя кииниши тўғрисидаги талаби билан судга мурожаат қилган шахсдир. Ҳар қандай меҳнат низоси бўйича даъво билан ходимлар судга мурожаат қилганларида даъвогар шахс қайси корхона, муассаса, ташкилот билан ҳуқуқий муносабатда бўлган бўлса, мазкур ташкилот (юримдик шахс) жавобгар бўлади. Бундай ишлар бўйича ташкилотнинг маъмурияти, яъни иш берувчи мансабдор шахс жавобгар бўлмайди. Тегишли ташкилотнинг раҳбарлари процессда устав (низом) бўйича вакил сифатида қатнаша оладилар. Ишни шахсан ўзи, шунингдек улар томонидан вакил қилинган шахслар томонидан олиб борилиши мумкин. Бундай вакиллар ташкилотнинг доимий ишлайдиган ходимлари (юрист-маслаҳатчи ва бошқа ходимлар), шунингдек, тегишли тартибда ваколат олган шахслар бўлиши мумкин.

Касабалар уюшмаларини меҳнат низоларини кўриб ҳал этишда вакил сифатида иштирок этиши ҳам меҳнат муносабатларидан келиб чиқадиган ишларни ўзига хос хусусиятларидандир. Улар ходимни (ФПКнинг 48-49-моддаларида) ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ўзларига берилган ҳуқуқ доирасида, судга ваколатномасини кўрсатиши билан ҳеч қандай сарф-харажатсиз процессда қатнашади.

Касаба уюшмаларининг вакиллари ходимларнинг ишлари бўйича ихтиёрий вакилликни амалга оширишлари мумкин. Бундай вакилликни улар ФПКнинг 52-моддасида белгиланган қоидага мувофиқ амалга оширадилар.

Касаба уюшмалари меҳнат ишларига даъвогар, жавобгар ёки учинчи шахс сифатида жалб қилина олмайдилар, чунки улар меҳнат ишларини дастлабки ҳал қилувчи органлар бўлиб кўриладилар. Ҳеч қандай тараф билан низоли ҳуқуқий муносабатда бўлмайдилар.

Корхонага етказилган мулкый зарарни ундириш тўғрисидаги ишларни ҳал қилишга суд зарарнинг фақат ходимнинг айби билан етказилмаганлигини, балки зарар етказилишда иш берувчининг ҳам айби борлигини аниқласа, зарар етказилишида айбдор бўлган мансабдор шахсларни ҳам ишга кўшимча жавобгар сифатида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиши керак. Бу тўғридаги тушунтиришлар Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1990 йил 14 декабрдаги ва кейинчалик унга киритилган қатор ўзгартириш ва кўшимчалар билан чиқарган қарорида берилган. Юқорида айтганимиздек, умумий қоида бўйича даъвогар бузилган ҳуқуқининг ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатининг ҳимоя қилиниши тўғрисида судга мурожаат қилган шахс бўлади. Фуқаролик ишини қўзғатиш ташаббуси кимга тегишли бўлишидан, яъни ходимга, иш берувчига ёки прокурорга тегишли бўлишидан қатъи назар, иш бўйича даъвогар меҳнат низоларини кўрувчи

комиссияга ёки судга ўз талаби билан муружаат қилган ходим ҳисобланади, жавобгар эса, талаб юзасидан низолашувчи корхона – иш берувчи ҳисобланади.

4-§. Меҳнат ишларини судда кўришга тайёрлаш

Меҳнат ишларини судда кўриш учун тайёрлаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Судья ишни кўришга тайёрлашга киришишда ФПКнинг 158-160-моддалари талабларини аниқ бажариши лозим. Чунончи, иш юзасидан аниқланиши керак бўлган фактларни белгилаши, барча далилларни келтирилган-келтирилмаганлигини текшириши, агар зарур бўлса, қўшимча далилларни талаб қилиб олиши лозим.

Ишга тиклаш тўғрисидаги ва бошқа низолар бўйича меҳнат низолари комиссиясининг қарори иш берувчи ва касаба уюшмаси кўмитаси ёхуд ходимлар бошқа вакиллик органининг вакиллари ўртасидаги келишувга биноан қабул қилган тақдирда суд шу тўғрисидаги қарорнинг нусхасини талаб илиб олиши керак. Меҳнат низоларини кўрувчи комиссияда аввало кўрилиши талаб қилинган иш судга келганида ишнинг мазкур органларда қандай кўрилганлигини, ишнинг кўрилиши вақти ва жойи тўғрисида ходимнинг хабардор қилинганлиги, унинг шу мажлисда иштирок этганлигини гувоҳлантирадиган материаллар талаб қилиб олинади.

Меҳнат низоли ишларини судда кўришга – тайёрлашда суд далилларга эътибор бериши, бунинг учун даъво талабларига қараб исботлаш қайси тараф томонидан амалга оширилиши лозимлигига аҳамият бериши керак. Меҳнат ишларини кўп ҳолларда исботлаш иш берувчи томонидан бўлиши (масалан, ишга тиклаш, штат қисқартирилиши ва ҳоказо) суд амалиётида кўп учрайди.

Меҳнат жамоаларида меҳнат интизоми бузилишининг олдини олиш ва меҳнат муносабатлари соҳасида қонунчиликни мустаҳкамлаш мақсадида меҳнат ишларини судда кўришга тайёрлашнинг ҳар бир ҳолатида бундай ишларнинг очик суд мажлисида, ходимнинг ишхонасида, прокурор ва жамоатчиликнинг иштирокида кўриш лозим бўлиш-бўлмаглигини белгилаши лозим. Бу масалага алоҳида эътибор берилиши кераклиги Республика Олий судининг Пленум қарорида кўрсатиб ўтилган.¹

5-§. Ишга тиклаш ёки ходимни олдинги вазифасига қўйиш тўғрисидаги ишлар бўйича учинчи шахсларнинг иштироки

Меҳнат низоларини судда кўришни яна бошқа хусусияти ҳам борки, у ҳам бўлса, бошқа туркумдаги ишларда ишда иштирок этгани каби мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахсларни иштирок этмаслигидир. Айрим ҳолларда бундай ишларда мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахслар даъво талабларининг предметига нисбатан талаб қўймаса ҳам, нотўғри бўшатиш ёки бошқа ишга ўтказилган ходимларни ишга тиклаш ёки олдинги вазифаларига қўйиш тўғрисидаги ишлар бўйича, суд ўз ташаббуси билан ишдан

¹ Қаранг: Қонун номи билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. Т., 1998 йил, 1-2-сонлар, 52-бет.

бўшатишга ёки бошқа ишга ўтказишга буйруқ берган мансабдор шахсни жавобгар томонидан учинчи шахс сифатида иштирок этиши учун жалб қилиши мумкин. Суд ишдан бўшатиш ёки бошқа ишга ўтказиш очикдан-очик қонунга хилоф бўлганлигини аниқласа, у шу процесснинг ўзида айбдор мансабдор шахсга ишдан бўшатишга ходимни мажбуран бекор юргани учун ҳақ тўлаши ёки иш ҳақидаги фарқни тўлаши натижасида кўрган зарарларини қоплаш мажбуриятини юклаши лозим. Учинчи шахсларнинг меҳнат ишларида иштирок этилиши ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1998 йил 17 апрелдаги «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракт)ни бекор қилишни тартибга солувчи қарорларни қўлланиш ҳақида»ги Пленум қарорида берилган.¹ Бундай ҳолларда мансабдор шахсдан ундирилган сумманинг миқдори меҳнат ҳақидаги қонунлар билан белгиланади (ФПКнинг 259-моддаси).

Корхона, муассаса ва ташкилотларнинг маъмурияти томонидан ишдан нотўғри бўшатишга ёки бошқа ишга кўчирилган ходимни ишга ёки аввалги вазифасига қайта тиклаш тўғрисида чиқарилган ҳал қилув қарори бажарилмаган тақдирда, суд корхона, муассаса, ташкилотларда ходимнинг мажбуран бекор юрган вақти учун иш ҳақи ундириш тўғрисида ёки нотўғри бошқа ишга кўчирилган ходимга ҳал қилув қарори чиқарилган кундан бошлаб, то уни ижро этиш учун ўтган вақтдаги иш ҳақи тафовутини тўлатиб олиши тўғрисидаги масалани ҳал этиши мумкин.

Айни вақтда суд чиқарган ҳал қилув қарорининг ижро этилмаганлиги ҳақида ходимга пул суммаси тўланиши ҳисобига келиб чиққан зарарлар корхона, муассаса, ташкилотнинг даъвоси бўйича суднинг ҳал қилув қарорини бажармасликда айбдор бўлган мансабдор шахслардан ундирилиши мумкин, бундай ҳолларда ундириладиган пулнинг миқдори меҳнат ҳақидаги қонунлар билан белгиланади (ФПКнинг 259-моддаси, Меҳнат кодексининг 273-274-моддалари).

Шу тартибда қонун ишдан нотўғри бўшатишга ёки нотўғри кўчирилган ходимларни мансабга ёки ишга тиклаш тўғрисидаги ишларни кўришда мустақил талаблар арз қилмаган учинчи шахсларнинг ишда иштирок этишларининг икки муҳим хусусиятини: биринчидан, жавобгарнинг (корхонанинг) манфаатлари юзасидан учинчи шахсга (айбли мансабдор шахсга) нисбатан регресс даъвосини кўзғатиш ва иккинчидан, бу даъвони асосий даъво билан бир вақтнинг ўзида кўриш мумкинлигини белгилайди. Аммо мансабдор шахсни ишга жавобгар тарафдаги учинчи шахс сифатида ишга жалб қилмай регресс даъвони ҳал қилишга йўл қўйилмайди. Мансабдор шахс суднинг (ёки иш судда кўришга тайёрланиши даврида судьянинг) ажрими билан ишда иштирок этишга жалб қилиниши ва ФПКнинг 160-моддасида кўрсатилганидек, ишнинг кўрилиши куни тўғрисида албатта хабардор қилиниши керак.

Ишга тикланиш тўғрисида ходим томонидан даъво кўзғатилганида жавобгар (корхона) тарафида туриб, учинчи шахс сифатида ишда қатнашишга жалб қилинадиган мансабдор шахс бир вақтнинг ўзида регресс даъвоси бўйича

¹ Қаранг: Қонун номи билан. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. Т., 1998 йил, 1-2-сонлари.

жавобгар бўлиб ҳам кўрилади. Корхонанинг регресс даъвоси суднинг ташаббуси билан манфаатдор ташкилот томонидан, бундай даъвонинг кўзғатилиш-кўзғатилмаслигидан қатъи назар, яъни асосий даъво бўйича жавобгар томонидан даъво кўзғатилган бўлиш-бўлмаглигидан қатъи назар кўрилади. Меҳнат ишида учинчи шахс сифатида иштирок этувчи мансабдор шахс бундай иш юзасидан вакил бўла олмайди. Ташкилотнинг регресс даъвоси суднинг ташаббуси бўйича ҳал қилинмаган ҳолларда бундай даъво прокурор томонидан кўзғатилади. Етказилган зарар фақат мансабдор шахснинг айби борлиги аниқлангандагина ундирилиши мумкин. Моддий жавобгарликка ходимни нотўғри бўшатишда ёки бошқа ишга ўтказишда бевосита айбли бўлган шахсларгина тортилади. Бинобарин, учинчи шахслар сифатида фақат бир шахсгина жалб қилинмасдан, ходимнинг нотўғри бўшатилиши ёки ўтказилишида айбли бўлган конкрет шахсни белгилаш учун бир неча шахслар ҳам жалб қилиниши мумкин.

ФПКнинг 259-моддаси ходимларни нотўғри бўшатиш билан курашишга, меҳнаткашларнинг манфаатларини, шунингдек, мансабдор шахсларнинг нотўғри ҳаракатлари туфайли зарар кўрган ташкилотларини мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, қонунчилиқни янада мустаҳкамлашда ва қонунларга ҳурматда бўлиш руҳида тарбиялашга қаратилган ҳуқуқӣ меъёрдир.

Меҳнатга оид фуқаролик ишининг тўғри ҳал қилиниши иш юзасидан аниқланиши лозим бўлган фактларнинг ҳолисона равишда ва тўла белгиланишига боғлиқ. Ҳар қайси меҳнат иши бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар доираси низоли ҳуқуқӣ муносабатнинг мазмунига ва даъвогар томонидан арз қилинган талабларнинг моҳиятига қараб белгиланади. Чунончи, штатнинг қисқартирилиши муносабати билан ишдан бўшатишдан ходимларни ишга тиклаш тўғрисидаги даъволарни ҳал қилишда, суд штат қисқариши бўлган-бўлмаганлигини, бундай ҳолларда иш берувчи мазкур асослар бўйича ходимларни бўшатишни тартибга соладиган меҳнат қонунчилиги нормаларига риоя қилинган-қилинмаганлигини аниқлайди.

Меҳнат интизомини бузиш билан боғлиқ булагн ишларни кўришда судлар ходим томонидан меҳнат интизомини бузадиган хатти-ҳаракатларни қилинган-қилинмаганлиги, ходимга нисбатан таъсир этиш чораларининг иш берувчи томонидан қўлланган-қўлланмаганлигини белгилаш талаб қилинади.

Ходимлар томонидан корхона, муассаса ва ташкилотга етказилган зарар миқдорини улардан ундириш тўғрисидаги ишларни кўришда ходимлар моддий жавобгарликка тортилишлари асосларини ва шартномаларини, шунингдек, ундирилишга тегишли суммаларни белгилайдиган ҳолатларни ҳар томонлама аниқлаши лозим.

Суд бундай ишларни ҳал қилишда меҳнат низосини кўрувчи комиссия кўрилаётган низо тўғрисида чиқарилган қарорни эътиборга олса ҳам, аммо бу қарорлар суд учун мажбурий эмас. Суд ишни кўришда низоли ҳуқуқӣ муносабатнинг барча ҳолатларини, тарафларнинг ҳақиқӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўла ва тўғри аниқлаш билангина чегараланмай, низонинг меҳнат низоларини кўрувчи комиссия ва касаба уюшмаларида кўрилиши

тартибини текширади. Бу тартибнинг жиддий равишда бузилиши, масалан, арз қилувчининг иштирокисиз иш кўрилиши қабул қилинган қарорнинг бекор қилинишига сабаб бўлиши мумкин.

6-§. Меҳнат ишлари бўйича келишув битими

Даъвогар даъводан ҳар қачон воз кечишга ҳақли эканлиги туфайли меҳнат ишининг судда кўрилиши келишув битими билан тугатилиши мумкин. Бундай ҳолларда суд келишув битими ходимнинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ва корхонанинг манфаатларини бузилишига қаратилмаганлигини диққат билан текширишга мажбур. Жумладан, нотўғри бўшатишган ёки бошқа ишга кўчирилган ходимларни ишга тиклаш ёки аввалги мансабларига қўйиш тўғрисидаги келишув битимлари, агар бундай битимлар ходимнинг ғайриқонуний бўшатилишида айбли бўлган мансабдор шахсни ташкилотга етказилган зарарни тўлаш бурчидан озод қилинадиган бўлса, тасдиқланмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1998 йил 17 апрелдаги Пленуми қарориди ходимнинг илтимосига кўра суд ҳал қилув қарорини чиқаришда меҳнат шартномасини бекор қилиш таърифини ўз ташаббуси билан тарафларнинг келишувига кўра ўзгартириш билан чекланиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.¹

Меҳнатга оид кўп масалалар меҳнат қонунчилиги билан тартибга солинганлиги туфайли бундай масалалар юзасидан келишув битимларини тузиш камдан-кам учрайди.

7-§. Меҳнат ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарорлари

Меҳнат ишлари юзасидан чиқариладиган ҳал қилув қарорларининг мазмунига ҳам алоҳида эътибор берилиши керак. Қарорда одатда қуйидаги ҳолатлар кўрсатилади.

Қарорнинг баён қилиш қисмида, агар низо меҳнат низоларини кўрувчи комиссияда кўрилса, низонинг бу органларда кўрилиши натижалари кўрсатилади. Корхонада бундай органлар бўлмаса, уларнинг йўқлиги қарорда акс эттирилади. Агар иш ФПКнинг 259-моддасига биноан мансабдор шахс жалб қилиниб кўрилган бўлса, бу тўғрида қарорнинг барча қисмларида ёзилиши керак. Жумладан, қарорнинг баён қилиш қисмида унинг берган тушунтиришлари қисқача ифодаланиши, асослаш қисмида суднинг талабни қаноатлантириш ёки рад этиш учун қандай хулосаларга келганлиги, хулоса қисмида эса унинг корхонага тўлаши лозим бўлган зарар ҳақининг миқдори аниқ белгиланиши керак.

Ишга тикланиш тўғрисидаги даъво қаноатлантирилганида қарорда ходимнинг қаерга ва ишга (мансабга) тикланиши лозимлиги кўрсатилади.

¹ Қаранг: Қонун номи билан. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 1998 йил, 1-2-сонлари.

Унинг ноилож бекор юрган вақти учун корхонадан ундириладиган сумманинг миқдори белгиланади.

Агар корхонанинг қайтадан ташкил этилгани ёки тугатилиши сабабли ходимни аввалги ишга тиклаш мумкин бўлмаса, суд бекор юрган вақти учун қонунда кўрсатилган ўртача иш ҳақи ундирилади. Бу тўғрида Меҳнат кодексига қоидалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг юқорида баён этилган қарорида раҳбарий тушунчалар берилган. Меҳнат шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишни тартибга солувчи қонунчиликни судлар томонидан тадбиқ этилиши тўғрисидаги қарорида ходимдан ундирилиши лозим бўлган зарар миқдори зарарнинг қандай конкрет ҳолатда етказилганлиги, шунингдек, ходимнинг моддий аҳволи эътиборга олиниб, суд томонидан камайтирилиши мумкин.

Суд қонунда кўрсатилмаган асослар бўйича ходимнинг ишдан бўшатилишини тўғри деб тополмайди. Агар суд ходимнинг ишдан бўшатилиши сабабининг ифодаланиши нотўғри ва меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка хилоф деб топилса, уни ўзгартириб, қарорида ишдан бўшатилиш асосини қонунга мувофиқ равишда кўрсатиши керак.

Суд ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида айбли мансабдор шахсдан ташкилот учун ундириладиган сумманинг аниқ миқдори, ҳал қилув қарорини дарҳол ижро этиш тўғрисидаги (ФПКнинг 219-моддаси, Меҳнат кодексининг 273-моддаси) масалалар кўрсатилиши лозим.¹

Меҳнатга оид даъво қаноатлантирилгани ҳолда ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида жавобгардан давлат фойдасига ундириладиган суд харажатларининг суммаси ва қарорнинг ижро этиш тартиби кўрсатилади.

8-§. Меҳнат ишлари бўйича суд ҳал қилув қарорларининг ижро этилиш хусусиятлари

Меҳнатга оид фуқаролик ишларининг муҳим процессуал хусусиятларидан яна бири ишга тиклаш ва иш ҳақини ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорларининг дарҳол ижро этилиши мумкинлигидир. Шунинг ўзи билан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя этишга кўшимча қафолат берилади.

Ҳал қилув қарорининг дарҳол ижро этилишида судья қарор чиқарилган замон ундириладиган суммани ундириш учун даъвогарга ижро варақасини бериши лозим.

Ишга тиклаш тўғрисидаги қарорнинг ижро этилиши кечиктирилганида, қарор чиқарилган кундан эътиборан унинг ижро этилиши кунигача кечиктирилган барча вақт учун ходим фойдасига, унинг оладиган ўртача иш ҳақи ёки иш ҳақининг фарқи ундирилиши керак. Бу масала ҳал қилув қарорини чиқарган суднинг ажримига мувофиқ ҳал қилинади.

Ходимни ишга тиклаш тўғрисидаги суд қарор ижро этилмаганда унга иш ҳақи тўланиши тўғрисидаги ижро масалани ҳал қилиш билан у. ўз ташаббуси

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1998 йил 17 апрелдаги Пленум қарори. Т., 1998 йил, 54-бет.

бўйича шу процесснинг ўзида қарорни ижро этмасликка айбдор бўлган мансабдор шахснинг зарарнинг қорхонага тўланиши тўғрисидаги масала ҳам кейинчалик қорхонанинг ёки прокурорнинг регресс (қайтарма) даъвоси бўйича ҳал қилиниши мумкин. Қорхонанинг мансабдор шахсга нисбатан регресс талаби қаноатлантирилгани ҳолда ижро варақаси суд томонидан бевосита суд ижросига топширилади ва бу тўғрида ҳақ ундирувчи (қорхона) хабардор қилинади (Меҳнат кодексининг 273-моддаси).

Меҳнат низоларини ижро босқичида ҳам унинг ўзига хос хусусияти ҳам мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги 2001 йил 29 августдаги қонунининг 80-моддасига кўра, меҳнатга оид муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар биринчи навбатда қаноатлантирилади.¹

Ходимни ишга тиклаш тўғрисидаги ва иш ҳақини ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорлари дарҳол ижро этилиши лозим бўлганлиги туфайли бундай қарорларнинг ижроси тўхтатилиши мумкин эмас.

Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича пул суммаси ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича чиқарилган ҳал қилув қарори бекор қилинган тақдирда, агар бекор қилинган ҳал қилув қарори даъвогар берган сохта маълумотларга ёки у тақдим қилган қалбаки ҳужжатларга ассланган бўлса, қайтарма ижрога йўл қўйилади (ФПКнинг 385-моддаси).

ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ

УЙ-ЖОЙГА ДОИР ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН НИЗОЛАРНИ СУДДА КЎРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

1-§. Уй-жой низолари тушунчаси ва турлари

Уй-жой низолари – бу низоларнинг алоҳида бир тури бўлиб, уй-жой ҳуқуқий муносабат субъектлари, яъни фуқаролар билан фуқаролар, фуқаролар ва юридик шахслар ўртасида уй-жой ҳуқуқи ва манфаатлари, яъни турар жойдан фойдаланиш, эгалик қилиш ва тасарруф этиш бўйича бузилган ҳуқуқларни суд ёки бошқа органларда ҳимоя қилиш борасидаги муносабатлардир. Судларда уй-жой низоларини қонуний ҳал қилиш фуқароларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилинишига кафолат яратади.

Ҳозирда судларда кўрилаётган ишларнинг аксариятини уй-жой низолари ташкил этади. Ушбу низолар фуқаролар билан фуқаролар, фуқаролар билан

¹ “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.2001 й. 258-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2001 й. 9-10-сон, 169-модда.

юримдик шахслар ўртасида вужудга келмоқда. Ўз хусусияти, объекти ва субъектига кўра уй-жой низоларини қуйидаги турларга бўлиш лозим бўлади:

- 1) Давлат уй-жой фондидан фойдаланиш билан боғлиқ низолар
- 2) Хусусий уй-жой фонди билан боғлиқ низолар

Масалан, ордерни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар, турар-жойларни алмаштиришни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъволар, уйга киритиб қўйиш тўғрисидаги низолар, уй-жойда яшаш ҳуқуқини йўқотган деб топиш тўғрисидаги низолар, уй-жойни бўлиш, уй-жойдан кўчириш тўғрисидаги низолар, кооператив уй-жойлар билан боғлиқ низолар, ётоқхона, хизмат турар-жойларидан кўчириш тўғрисидаги низолар ҳамда турар-жойларни хусусийлаштириш тўғрисидаги низолар ва б.ш

Фуқарони бошқа турар жой бермасдан кўчириш, агар ижарага олувчи ва унинг оила аъзолари ёки у билан доимий яшаётган фуқаролар турар жойни бузаётган ёхуд шикастлантираётган ёки ундан ўз мақсади бўйича фойдаланмаётган ёхуд турмуш қоидаларини мунтазам бузиб бошқаларнинг у билан бир квартира ёки бир уйда яшаш имконини бермаётган бўлсалар, бунда огоҳлантиришлар ва жамоат таъсир чоралари натижа бермаётган бўлса, шунингдек шартномада узоқроқ муддат белгиланмаган ҳолда ижарага олувчи турар ҳақини 6 ой тўламаган бўлса, қисқа муддатли ижарада эса шартномада белгиланган тўлов муддати ўтганидан кейин икки мартадан ортиқ тўланмаган ҳолда ижарага берувчи ёки ўзга манфаатдор шахсларнинг талаби бўйича амалга оширилади. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлганликлари учун ўз фарзандлари билан бирга яшаши мумкин эмас деб топилса, улар бошқа турар жой бермасдан кўчирилиши мумкин.

Турар жойни ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар бошқа турар жой бермасдан кўчирилади.

Уй-жой кодексининг 47-моддасига мувофиқ, турар жойга берилган ҳужжат (ордер) ҳақиқий эмас деб топилган ҳолда ғайриқонуний ҳарактлари оқибатида ҳужжатни (ордерни) олган шахслар уларга бошқа турар жой бермасдан кўчирилади.

Корхона, муассаса, ташкилот билан меҳнат муносабатларини бузган ходимлар, шунингдек сайлаб қўйиладиган лавозимларни эгаллаб турган шахслар, ҳарбий хизматчилар, ўқув юртларида ўқишни тамомлаган шахслар уларга иши, хизмати ёки ўқиши муносабати билан берилган ётоқхонадан бошқа турар жой бермасдан кўчирилади.

Умумий қоидага кўра кўчириш 2 хил тартибда амалга оширилади:

1. Суд тартибида;
2. Маъмурий тартибда (прокурор санкцияси асосида)

Маъмурий тартибда кўчиришнинг 2 та асоси мавжуд:

- 1) турар жойларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар;
- 2) авария ҳолатида деб топилган уйларда яшаётган шахсларни кўчириш.

Ҳужжатни (ордерни) ҳақиқий эмас деб топишда суд қуйидаги ҳолатларни асос қилиб кўрсатиши мумкин:

- Фуқаролар томонидан уй-жой шароитларини яхшилашга мухтожлик тўғрисида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар тақдим этилганда;

- Бошқа фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳужжатида кўрсатилган турар жойга бўлган ҳуқуқлари бузилганда;

- Турар жой бериш тўғрисидаги масалани ҳал этишда мансабдор шахслар томонидан ғайриқонуний ҳаракатлар қилинганда;

- Турар жой бериш тартиби ва шартларининг бошқача бузилишлари содир этилганда.

Ҳужжатни (ордерни) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаб ҳужжат (ордер) берилган кундан бошлаб 3 йил мобайнида қўзгатилиши мумкин.

Турар жойни алмаштириш тўғрисидаги низолар 2 хил асосдан келиб чиқади:

1. Фуқарога тегишли бўлган уйни алмаштиришни ваколатли ташкилот, органлар томонидан рад этилиши билан боғлиқ низолар;

2. Оила аъзоларининг турар жойни алмаштиришга розилигига эриша олмаганлиги билан боғлиқ низолар.

Агар оила аъзолари турар жойни алмаштиришга ўз розилигини бермаса, бундай ҳолда турар жойни мажбуран алмаштиришни суд тартибида талаб қилишга ҳақлидир. Вояга етмаган оила аъзоларининг розилиги ота-оналари томонидан, улар бўлмаган такдирда эса, васий ва ҳомийлик органлари томонидан тасдиқланади.

Уй-жой низолари турларига тўхталадиган бўлсак, бундай низо турларини таснифлаш лозим бўлади.

Умуман олганда, уй-жой ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низолар икки манбадан, яъни икки хил мулк шакли доирасида келиб чиқади:

1) Хусусий уй-жой фондидан фойдаланиш, эгалик қилиш ва тасарруф этиш билан боғлиқ низолар;

2) Давлат уй-жой фондидан фойдаланиш билан боғлиқ низолар.

Юқорида таъкидлаб ўтилган мулк шакллари доирасида вужудга келадиган низолар деярли бир-бирига яқин ва бир хил низолар бўлиб, хусусан судлар қуйидаги уй-жой низоларини ҳал этиш ваколатига эга;

1) хусусий ва давлат уй-жой фондларига қарашли турар жойларни ижарага берувчи ҳамда ижарага олувчилар, уларнинг оила аъзолари ўртасидаги уй-жой муносабатлари бўйича вужудга келадиган низолар;

2) уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативи билан фуқаролар ўртасидаги уй-жой муносабатларидан келиб чиқадиган низолар;

3) давлат уй-жой фондининг турар жойига берилган ҳужжатни (ордерни) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар;

4) ижара шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш тўғрисидаги низолар;

5) Уй-жой кодексида кўрсатилган асослар бўйича турар жойдан кўчириш билан боғлиқ низолар;

6) фуқаролик ҳуқуқ-мажбуриятлар асосида вужудга келадиган уй-жой билан боғлиқ низолар;

7) ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан вужудга келадиган низолар.¹

Лекин, уй-жой ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низоларини юқоридаги мезонлар доирасида классификация қилиш бирмунча камчиликларга эга, яъни бир мезон доирасида вужудга келувчи низолар иккинчи бир мезон доирасида вужудга келувчи низолар қаторида мавжуд бўлиши мумкин.

Уй-жой низоларининг алоҳида бир кўриниши мисолида оладиган бўлсак, масалан, кўчириш тўғрисидаги низони олайлик.

Кўчириш 3 хил шаклда амалга оширилади: 1) бошқа обод турар жой берган ҳолда кўчириш; 2) бошқа турар жой берган ҳолда кўчириш; 3) бошқа турар жой бермасдан кўчириш.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 71-моддасига кўра бошқа обод турар жой берган ҳолда кўчириш учун асослар қуйидагилардан иборат:

Агар турар жой жойлашган уй бузилиши керак бўлса;

Турар жой белгиланган тартибда авария ҳолатида ёки яшаш учун яроқсиз деб топилган бўлса;

2-§. Ишда иштирок этувчи шахслар

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 33-моддасида ишда иштирок этувчи шахслар кўрсатилган бўлиб, унга асосан тарафлар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари, процессда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини химоя қилишда иштирок этадиган прокурор, давлат бошқарув органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар ишда иштирок этувчи шахслар деб тан олинади. Ишда иштирок этувчи шахслар орасида тарафлар муҳим ўринни эгаллайди.

Бизга маълумки, уй-жой ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низолар турли хилдир. Бундай низоларни судда кўришда тегишлича ишда иштирок этувчи шахслар, низонинг ҳолатига кўра тегишли фуқаро ва давлат органлари, ташкилотлар ва бошқалар ишга жалб қилинади.

Ҳамма уй-жой низолари даъво тартибида кўрилгани учун уларнинг барчасида даъвогар ва жавобгар иштирок этади.

Уй-жой ҳуқуқий муносабатнинг субъекти бўлиб, фуқаролар ва юридик шахслар ҳисобланади. Процессда тараф сифатида қатнашиш учун улар муомала лаёқатига эга бўлиши лозим (ФПКнинг 38-моддаси). Процессуал қонун бўйича ёш болаларнинг, яъни 14 ёшга тўлмаган фуқароларнинг, шунингдек, рухий касал ва ақли заиф фуқароларнинг ҳуқуқлари, қонун билан қўриқланадиган манфаатларини судда уларнинг қонуний вакиллари- ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар ёки ҳомийлар химоя қилади.

Уй-жой низолари бўйича уй-жой бошқарув органлари ҳам тараф сифатида ишда иштирок этиши мумкин. Масалан, маҳаллий давлат ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари. Уй-жой ижараси

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори. -Т.: 2001. 22-23-бетлар.

шартномаси шартларидан (масалан, квартира ҳақини ундириш, зарарни ундириш ва ҳ.к.) келиб чиқадиган низолар бўйича уй-жой/ширкат хўжаликлари/ органлари ҳам ижарага берувчи сифатида низолашувчи тарафлар ҳисобланади. Уй-жой фондини бошқарувчи органлар ваколатига кирувчи масалалар бўйича (масалан, турар жой бериш, уларни алмаштириш, бронлаштириш) фақат маҳаллий давлат ҳокимияти органи низолашувчи тараф сифатида ишда қатнашади.

Уй-жой органларининг ишда иштирок этиши фақат даъвогар ёки жавобгар сифатида чекланмайди, улар шунингдек ФПКнинг 48-моддасига мувофиқ, улар ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини химоя қилиш мақсадида хулосалар бериши мумкин.

Уй-жой низоларини ҳал қилиш бир неча даъвогарлар ёки жавобгарлар манфаатларига дахлдор бўлганлиги учун уларни ишга чакирмай туриб, ишни тўғри ҳал қилиб бўлмайди. Масалан, кўчириш тўғрисидаги даъво бўйича жавобгар сифатида ижарага олувчи ва унинг вояга етган оила аъзолари ишга жалб қилинади. Даъвогар томонида иштирок этиш, яъни шерик даъвогарларни суд ўз ташаббуси билан ишга жалб қила олмайди, чунки бу қонунга зид ҳолат ҳисобланади. Шунинг учун суд уларни ишда иштирок этиши мумкинлиги ҳақида хабардор қилади, ишда шерик даъвогар сифатида иштирок этиш эса уларнинг хоҳишига боғлиқ.

Шунингдек, уй-жой тўғрисидаги ишда учинчи шахслар ҳам иштирок этиши мумкин.

Мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахс сифатида коммунал квартирада яшаётган ижарага олувчи чиқиши мумкин. Мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахслар одатда турар жойни мажбурий алмаштириш тўғрисидаги ишларда суд томонидан ишга жалб этилади. Бундай шахслар бўлиб, алмаштирилаётган турар жойда яшаётган ижарага олувчи ва унинг оила аъзолари ҳисобланади. Бу ҳақда ҳар хил фикрлар мавжуд. Баъзи ҳолларда суд агар сўнгги иштирокчи алмаштирилаётган турар жойни ижарага олувчини ишда иштирок этишини хоҳламаса, суд мажбурий алмаштириш тўғрисидаги даъвони рад қилмоқда. Лекин бунинг махсус шакли мавжуд, яъни шерик даъвогар сифатида иштирок этишдир (низо предметига нисбатан мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида эмас).

Уй-жой низоларини кўришда прокурор ишни кўзғатиш ёки бошланган процессда фикр бериш йўли билан иштирок этиши мумкин. Прокурор бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиб судга ариза бериши мумкин.

Уй-жой тўғрисидаги ишларда прокурорнинг иштирок этиши процесснинг ва иш бўйича чиқариладиган ҳал қилув қарори адолатли бўлишини таъминлайди. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 11 май «Судларда фуқаролик ишларининг кўрилишида прокурор ваколатининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш ҳақида»ги 16-сонли буйруғига асосан, судларда фуқаролик ишларини кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш қонунчилиқни мустаҳкамлаш қафолатига айлантириш

мақсадида қуйидаги ишларни судларда кўрилишида прокурор иштироки мажбурийдир:

бошқа турар жой бермасдан яшаш жойидан кўчириш тўғрисидаги ишларда;

уй-жойга берилган ордерни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларда;

шахсларни турар жойидан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш тўғрисидаги ишлар бўйича.¹

Кўчириш тўғрисидаги ишларда манфаатдор шахсларнинг процессуал ҳолатини аниқлаш қийинчилик туғдирмайди. Қоида бўйича бундай низоли ишлар даъвогар сифатида иштирок этувчи уй-жой органлари ташаббуси билан қўзғатилади. Жавобгар сифатида турар жойни ижарага олган фуқаро иштирок этади.

Айни вақтда турар жой ижараси шартномасидаги ижарага берувчи юридик шахс ва бевосита тарафлар ўша шартнома юзасидан низо чиққанида судда иштирок бўйича тараф бўлиши мумкин.

Фуқарога бошқа обод турар жой берган ҳолда кўчиришда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексида тўғридан тўғри ким судга даъво қилиши кўрсатилмаган. Лекин биз Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодекси 71-моддасидан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, бундай вазиятда турар жой бераётган корхона, муассаса, ташкилот ёки маҳаллий давлат ҳокимият органи судга даъво қилиши мумкин.

Бундай вазиятда низо предметига нисбатан мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахс даъвогар тарафида ишда қатнашиши мумкин.

Шунингдек, процессда бир тараф сифатида уй-жой органи билан турар жойни ижарага олувчи ҳам иштирок этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 74-моддасига мувофиқ, турар жойни ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ёки улар билан доимий бирга яшаётган фуқаролар бошқаларнинг у билан бир квартирада ёки бир уйда яшаш имконини бермаётган бўлсалар, бундай ҳолда ижарага берувчи ёки ўзга манфаатдор шахслар судга мурожаат қилишга ҳақли. Манфаатдор шахсларга у билан бир квартирада ёки бир уйда яшовчи бошқа ижарага олувчилар кириши мумкин. Улар мустақил даъво қилишга, ижарага берувчи аризасига қўшилишлари мумкин.

Кўчириш тўғрисидаги иш бўйича одатда жавобгар сифатида ижарага олувчи ва у билан бирга яшовчи оила аъзолари қатнашади. Асосан бунда даъво бевосита ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ёки у билан доимий яшаётган бошқа фуқароларнинг турар жойни бузаётган ёхуд шикастлантираётган ёки ундан мақсади бўйича фойдаланмаётган ёхуд турмуш қоидаларини мунтазам равишда бузиб бошқаларнинг у билан бир квартирада уйда яшаш имконини бермаётганликлари устидан берилаган бўлса. Бундай ҳолда, агар квартирада оиланинг бошқа аъзолари қолмасалар, вояга етмаган болалар ва уларнинг ота-оналари бирга кўчирилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг амалдаги буйруқлари, кўрсатмалари, низом ва йўриқномалари.

Кўчириш тўғрисидаги ишлар бўйича кўп ҳолларда шерик иштирокчилик ҳоллари ҳам учрайди. Шерик жавобгарларнинг иштирок этиши даъвогар ҳуқуқини ҳамма иштирокчилар билан бир вақтнинг ўзида химоя қилишни таъминлайди.

Суд ўз ташаббуси билан ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг ташаббуси билан шерик жавобгарларни ишга жалб қилиши мумкин. Лекин суд ўз ташаббуси билан шахсни даъвогар сифатида ишга жалб қилишга ҳақли эмас.

Бирга яшаш имкони бўлмаганлиги учун бошқа турар жой бермасдан кўчирилиши лозим бўлган шахслар ўзлари эгаллаб турган турар жойдан кўчирилиши ўрнига уни алмаштиришдан манфаатдор тараф кўрсатган бошқа турар жойга алмаштиришга суд томонидан мажбур этилишлари мумкин.

Мажбурий алмаштириш- алмаштириш шартномасининг мураккаб тури бўлганлиги учун суд турар жойни ижарага олувчи ни ишга жалб қила олмайди. Кўчириш тўғрисидаги иш бўйича даъвогар мажбурий кўчириш тўғрисидаги даъво талаби предметини ўзгартирадиган бўлса, бунда даъвогар тарафида шерик иштирокчилар қатнашиши лозим.

Кўчириш тўғрисидаги иш бўйича учинчи шахслар иштирок этиши ҳам мумкин. Агар судда кўчириш тўғрисидаги иш ижарага олувчининг даъвоси билан қўшимча ижарага олувчиларга нисбатан кўзғатилган бўлса, бунда уй-жой органлари мустақил талаб билан ишга киришиши мумкин.

Шунингдек, кўчириш тўғрисидаги иш бўйича мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахслар иштирок этиши мумкин.

Уй-жой органлари ҳам бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиб судга мурожаат этиши, иштирок юзасидан хулосалар бериш учун суд томонидан процессга жалб этилиши мумкин. Масалан, маҳаллий давлат ҳокимият органлари уй-жой фондини бошқаргани ва назорат қилганлиги учун кўчириш тўғрисидаги ишларда иштирок этиши мумкин, зарур ҳолларда бошқа шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиб, ишда қатнашиши ёки иш бўйича хулоса бериши мумкин. Шунингдек, суд ҳал қилув қарори маҳаллий халқ депутатлари, давлат органлари, ташкилотлар муассасалар манфаатларига дахлдор бўлса, суд уларни ишга жалб қилиши мумкин.

Агар низо бир оила аъзолари ўртасида келишувга эриша олмаганлигидан келиб чиқса, бунда даъво одатда ижарага олувчи ёки унинг оила аъзолари томонидан берилиши мумкин. Шунингдек прокурор ҳам Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 46-моддасига асосан даъво кўзғатиши мумкин;

Агар ҳуқуқбузар ўз ҳулқи билан турмуш қоидаларини бузиб бошқаларнинг турар жойдан фойдаланишига тўсқинлик қилаётган бўлса, бунда ижарага берувчи ва айрим ҳолларда ижарага олувчининг қўшнилари даъво қилиши мумкин.

Уй-жой бошқарув органлари турар жойни алмаштиришга розилик бермаса, бундай ҳолда ўша органлар ишга жавобгар сифатида жалб этилади. Агар алмаштиришга фақатгина бу органларнинг қаршилиқ қилганлиги эмас, балки оила аъзолари ҳам қаршилиқ қилса, бунда уй-жой бошқарув органлари шерик жавобгар сифатида ишга жалб этилади. Бундай ҳолда агар бу органлар алмаштиришга розилик берсалар ҳам улар мустақил талаб билан арз

қилмайдиган учинчи шахс сифатида эмас, балки шерик жавобгар сифатида ишга жалб қилинади.¹

Бундай ишга уй-жой бошқарув органларини жалб қилмаслик ижарага олувчилар ўртасидаги турар жойни алмаштириш тўғрисидаги низони ҳал қилганидан кейин яна бир низони келтириб чиқаришга олиб келади, яъни уй-жой бошқарув органлари алмаштириш ҳақидаги ордерни рад қилиши билан боғлиқ низони келтириб чиқаради.

Алмаштириш тўғрисидаги иш бўйича ишда иштирок этувчи яна бир гуруҳ бор, яъни низони ижобий ҳал қилинишидан манфаатдор шахслар. Бу шахслар алмаштириш учун ўз уйини берувчи шахслардир. Бу шахслар ишда даъвогар тарафида турувчи мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахслардир.

Бошқа бир муаллифнинг фикрича, бундай шахслар ишга учинчи шахс сифатида жалб қилиниши керак эмас, чунки суд қарори унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир қилмайди, шунинг учун бундай ишга улар мажбуран жалб қилинмайдилар.²

Кўпгина нуқтаи назарлар, хусусан В.Н.Аргуновнинг фикрига кўра, турар жойни алмаштириши учун ўз уйини берувчи шахс, суд томонидан ишга шерик даъвогар сифатида жалб қилиниши керак.³ Бу шахс суднинг даъвони қаноатлантиришидан манфаатдор бўлади, шунинг учун суднинг қарори уй-жойни алмаштиришда унинг ҳуқуқи ва химоясига оид бўлади.

Кооператив уй-жой ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларда тараф бўлиб фақат уй-жой қуриш кооперативлари ва фуқаролар(кооператив аъзолари, уларнинг оила аъзолари), яъни ҳуқуқий муносабат субъектлари ҳисобланади.

Маҳаллий ҳокимият органларининг кооператив аъзосига умумий йиғилишда ажратилган турар жойни эгаллаши учун ордер беришни рад қилиш ёки умумий йиғилиш қарорининг рад этилиши билан боғлиқ низоларда даъвогар уй-жой қуриш кооператив аъзоси бўлади, жавобгар эса кооператив бўлади. Маҳаллий давлат ҳокимият органи иш бўйича тараф бўла олмайди. Чунки улар кооператив фаолиятини назорат қилиш функциясини амалга оширади.

Турар-жойни алмаштириш тўғрисидаги низо бўйича ҳам даъвогар уй-жой қуриш кооперативи аъзоси, жавобгар эса кооператив бўлади.

Агар кооператив пайчининг уйни кечиктириб бўлмайдиган капитал таъмирлаши учун тўпланган пайни ҳисобига ўтказишни рад этиш билан боғлиқ низоларда, кооператив аъзоси кооперативдан пул ундириш тўғрисида даъво қилиши мумкин. Бошқа шахслар, шунингдек оила аъзолари ҳам бундай ҳуқуққа эга эмас.

¹ Треушникова М.К. «Особенности рассмотрение отдельных категорий гражданских дел». М. 1987. С.131

² Аргунов В.Н. «Процессуальная форма участия в гражданском процессе нанимателей жилого помещения, предлагаемого в качестве варианта для обмена». //Вопросы развития теория гажданского процессуального право. М. 1981. С.87

³ Ўша жойда

Агар умумий йиғилиш уй-жой қурилиш кооперативига қабул қилишни ва пай ўтказишни рад этса, бунда пайчи билан доимий яшовчи вояга етган оила аъзоси судга даъвогар сифатида мурожаат қилиши мумкин, агар пайчи ўша шахсга ўз пайини беришни хоҳласа.

Бундай муносабатда шахсни кўчириш тўғрисида пайчининг вояга етган оила аъзоси ҳамда уй-жой қурилиш кооперативи даъво қилиши мумкин.

Пайчининг ёки унинг оила аъзоси (собик оила аъзоси) бир бирига нисбатан турар жойдан фойдаланиш тартибини ўрнатиш тўғрисида даъво қилиши мумкин. Шунингдек, меросхўр ҳам даъво қилиши мумкин. Бундай ҳолда жавобгар бўлиб уй-жой қурилиш кооперативи чиқади, яъни умумий йиғилиш янги аъзосини кооперативга қабул қилиш, мерос пайнинг қимматини ҳал қилиш лозим.

Кооператив аъзоси қуйидаги низолар бўйича даъвогар бўлиши мумкин:

- уй-жой қурилиш кооперативи аъзосидан бадал бўйича қарзни ундириш бўйича;

- кооператив умумий йиғилишида аниқланган уй-жой қурилиш кооперативи аъзодан уйдан фойдаланиш ва бошқариш бўйича харажатларни қоплаш, кечиктирилган тўловлар бўйича қарзларни ундириш бўйича;

- уй-жой қурилиш кооперативи умумий йиғилишида турар жой тақсимлангунга қадар асосиз кооператив уйига кўчиб кирган шахсни кўчириш тўғрисидаги ишлар бўйича.

Суд ҳал қилув қароридан манфаатдор шахслар, яъни шерик жавобгар ва шерик даъвогарларни ҳам ишга жалб қилиши лозим.

Фуқаро ва уй-жой қурилиш кооперативи ўртасидаги низо бўйича мажбурий шерик иштирокчилик кўп учрайди. Баъзида бошқа бир шахсни ишга жалб қилмасдан муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги масалани тўғри ҳал қилиб бўлмайди. Масалан, меросхўрнинг пайга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги ишлар бўйича даъвогар ёки жавобгар тарафида мажбурий шерик бўлиши лозим. Агар меросхўр, яъни кооперативга киришдан мулк ҳуқуқига эга бўлувчи шахс низоли квартирадан бошқа меросхўр ва бошқа шахсларни кўчириш тўғрисида даъво қилса, бунда суд кооперативни шерик жавобгар сифатида ишга жалб қилади.

Бундан ташқари, уй-жой қурилиш кооперативи уйларидаги квартиралардан кўчириш тўғрисидаги ишлар бўйича суд пайчининг ҳамма оила аъзоларини шерик жавобгар сифатида ишга жалб қилади.

Кооперативнинг пайчини квартирадан кўчириш тўғрисидаги даъвоси бўйича иш кўрилаётганда суд пайчининг ҳамма вояга етган оила аъзоларини ўз ташаббуси билан ёки тарафларнинг илтимосига кўра ишга шерик жавобгар сифатида жалб қилиши мумкин.

Собик турмуш ўртоғи билан пайни бўлиш тўғрисидаги, меросхўрлар ўртасида пайни бўлиш тўғрисидаги, пайчи билан унинг оила аъзолари ўртасида уйдан фойдаланиш тартибини белгилаш тўғрисидаги ишлар бўйича суд кооперативни мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида ишга жалб қилади.

Уй-жойни бўлиш тўғрисидаги низоларда иштирок этувчи шахслар ҳам турли хилдир. Бу турдаги низо бўйича даъво кўзғатишга умумий улушли мулк иштирокчиларигина эга. Агар умумий улушли мулк иштирокчиси бўлмаган шахс томонидан турар жойни бўлиш тўғрисида даъво кўзғатилса, бунда даъво аризаси қайтарилмайди, балки даъвогарнинг розилиги билан ўзини бошқа шахс яъни, ҳақиқий даъвогар билан алмаштиради. Агар даъвогар рози бўлмаса, бу шахс низо предмети юзасидан мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахс сифатида ишга киришишга ҳалмаштиришқли.

Агар уйга нисбатан фуқаро билан давлат ва жамоат органлари, ташкилотлари умумий улушли мулкка эга бўлса, улар ҳам судга уйни бўлиш тўғрисида мурожаат қилиши мумкин.

Шунингдек, бундай низоли иш бўйича шерик даъвогарлар ва шерик жавобгарлар ишга жалб қилинади. Бундай иштирок бўйича шерик иштирокчиликни ишни бирлаштиришдан фарқлаш лозим. Ишни бирлаштириш бир неча мулкдорларнинг уйни натура тарзида бўлиш тўғрисида даъво қилиб, ҳар бири уйнинг ўзига тегишли қисмини ажратишни талаб қилсагина йўл қўйилади.

Агар уй-жой уч ёки ундан ортиқ мулкдорга тегишли бўлиб, даъво улардан бири томонидан берилса, бунда қолган икки мулкдор иш бўйича шерик жавобгар бўлади. Агар судга бу икки шерик жавобгар жалб қилинмаса, суднинг ҳал қилув қарори бекор қилинади.

Уйнинг натура тарзида бўлиниши уйга нисбатан умумий улушли мулкни тугатади. Лекин бир шахс учун уй бўлиниб, бошқа шахсларнинг умумий улуши қолган бўлиши мумкин. Агар шу қолган шахслар ўртасида уйни бўлиш бўйича иш кўрилатганда, юқоридаги ўз улушини аввал судлашиб олган шахс ишга мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинади.

Бундай низо бўйича процессуал ҳуқуқий ворислик ҳам бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 43-моддасига кўра, низоли ёки суднинг ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳуқуқий муносабатдан тарафларнинг бири, учинчи шахс ёки уларнинг қонуний вакили чиқиб кетган тақдирда (фуқаронинг ўлими, юридик шахснинг тугатилиши, бошқа шахс фойдасига талабдан воз кечиш), суд бу шахсларни уларнинг ҳуқуқий ворислари билан алмаштирилишига йўл қўяди.

Агар даъвогар ёки жавобгарнинг вафоти муносабати билан ҳуқуқий ворис ишга киришса, у бундай ҳуқуқни берувчи гувоҳнома билан ўз фаолиятини амалга ошириши лозим. Сўнггина олдинги иштирокчининг ҳамма ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворисга ўтади.

Уйни бўлиш тўғрисидаги ишлар бўйича процессуал ҳуқуқий ворисликни тегишсиз тарафни тегишли шахс билан алмаштиришдан фарқлаш лозим. Ҳуқуқий ворис ишга киришганда ўз ҳуқуқини топширган шахс суд процессининг қайси босқичидан чиқиб кетган бўлса, ишни кўриб чиқиш шу босқичдан давом эттирилади, ҳуқуқий ворис гувоҳларни сўроқ қилишни, иш бўйича қайта экспертиза ўтказишни талаб қилишга ҳақли эмас. Тегишсиз тараф тегишлиси билан алмаштирилганда эса иш кўриш бошидан қайта кўрилади.

Шунингдек, ишни судда кўришга тайёрлашдан аввал низоли уйда ижарага олувчи ёки жавобгар ёхуд даъвогарнинг собиқ оила аъзолари яшаётганлиги аниқланиши лозим. Агар бундай шахслар ўша уйда яшаётган бўлса, улар мулкдор, яъни ижарага берувчи ёки аввал оила муносабатларига киришган тараф томонидаги мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида ишга жалб қилинади.

Бундай иш бўйича вакиллик кам учрайди. Кўп холларда вакилликни адвокатлар амалга оширади. Вакилликнинг бундай тури (адвокатлар вакиллиги) ишни қонуний ҳал қилишга ёрдам беради.

Хусусийлаштиришни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризаси билан турар жойнинг хусусийлаштирилиши натижасида ҳуқуқи бузилган шахслар, ҳокимиятлар, ташкилотлар, Давлат мулкани бошқариш кўмитасининг турар жой масалалари бўйича бўлимларининг ҳудудий органлари ва прокурор муружаат қилишга ҳақлидирлар.¹

3-§ Уй-жой тўғрисидаги низоларнинг тааллуқлилиги ва судловлилиги

Фуқаролик ишларининг тааллуқлилиги деганимизда бундай ишларни кўриш ва ҳал қилиш вазифаси қонун билан муайян давлат органи ёки жамоат ташкилотига юклатилганлиги тушунилади.²

Маълумки, суд, прокуратура, ҳокимликларнинг бўлимлари, касаба уюшмалари ташкилотлари, ҳакамлик суди ва фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар фуқаролик ишларини кўрувчи ва ҳал қилувчи органлар ҳисобланади. Лекин кўпгина фуқаролик ишлари судга тааллуқлидир. Фуқаролик ишларининг судларга тааллуқли эканлиги ФПКнинг 31-моддасига мувофиқ қуйидагилардан иборат:

- 1) тарафлардан ҳеч бўлмаганда 1 таси фуқаро бўлган низоларга доир ишлар, қонунда бундай низоларни ҳал қилиш ҳужалик ёки бошқа органларга топширилган холлар бундан мустасно;
- 2) алоҳида тартибда кўриладиган ишлар;
- 3) қонун билан судларнинг ваколатига берилган бошқа ишлар.

Бундай ишларга:

- фуқаролик, оила, меҳнат, уй-жой ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низоларга оид ишлар, давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракат(қарор)лари устидан берилган шикоят ва аризалар тўғрисидаги ишлар (ФПК нинг 26-29-моддалари);

- чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ёки чет эл фуқаролари ва ташкилотлари иштирок этаётган ишлар ва бошқалар қиради.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, уй-жой низолари ҳам суд орқали ва маъмурий тартибда ҳал этилади. Турар-жойга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳамма низолар фуқаролик ҳуқуқий низолар бўлиб, асосан судларга тааллуқлидир. Истесно сифатида Ўзбекистон Республикаси Уй-жой

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами.1991-1998.П-жилд.-Т.; Шарқ.1999. 51 б

² Ш.Ш.Шорахметов «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал ҳуқуқи».Т. Адолат, 2001. 124-бет.

кодексининг 104-113-моддаларида кўрсатилган, яъни турар жойлар узбошимчалик билан эгалланган холларда уйнинг емирилиш хавфи бўлган холлар бундай уйларда яшовчиларни хизмат билан боғлиқ бўлган турар жойлардан, ётоқхоналардан ва меҳмонхоналардан кўчириш тўғрисидаги ишлар судларга тааллуқли булмасдан, маъмурий органларга, яъни прокуратура органларига тааллуқли бўлади (УЖК нинг 70-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Пленум қарорига кўра, судлар қуйидаги низоларни ҳал этишга ваколатли:

- хусусий ва давлат уй-жой фондларига қарашли турар жойларни ижарага берувчи ҳамда ижарага олувчилар, уларнинг оила аъзолари ўртасидаги уй-жой муносабатлари бўйича вужудга келадиган низолар;

- уй-жой қуриш кооперативи билан фуқаролар ўртасидаги уй-жой муносабатларидан келиб чиқадиган низолар;

- давлат уй-жой фондининг турар жойига берилган хужжатни (ордерни) хақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар;

- ижара шартномасини узгартириш ва бекор қилиш тўғрисидаги низолар;

- турар- жойдан кўчириш билан боғлиқ низолар;

- фуқаролик ҳуқуқ мажбуриятлари асосида вужудга келадиган уй-жой билан боғлиқ низолар;

- ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қуйилиши муносабати билан вужудга келадиган низолар.¹

Фуқароларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш, ёрдамчи хоналарни қайта кўриш ва узгартиришга розилик бериш масалаларини ҳал қилиш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ижарага берувчиларнинг ваколатига тегишли эканлигидан келиб чиқиб, бундай масалалар бўйича даъволар судга тааллуқли эмаслиги судларга тушунтирилсин. Бирок, фуқаролар маҳаллий давлат ҳокимияти ва ижарага берувчиларнинг юқорида қайд этилган масалаларни ҳал қилиши билан боғлиқ ҳаракатларидан норози бўлганда, тегишли шикоят билан судга мурожаат қилишлари мумкин.²

Давлат уй-жой фондидаги турар-жойни хусусийлаштиришни амалга оширишда фуқаро ва мулкдорларнинг ҳуқуқини химоя қилиш муносабати билан вужудга келувчи низоларни судга тааллуқли бўлиши Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги «Хусусийлаштирилган турар-жойларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарорида кўрсатилган. Унга кўра давлат уй-жой фондидаги турар-жойни хусусийлаштиришни амалга оширишда фуқаро ва мулкдорларнинг ҳуқуқини химоя қилиш муносабат билан вужудга келувчи низолар судга тааллуқлидир³.

Қоида бўйича маъмурий тартибда кўчириш учун прокурорнинг санкцияси (қарори) талаб қилинади. Прокурор маъмурий тартибда кўчириш тўғрисида

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Суднинг 2001 йил 14 сентябрдаги Пленум қарори. Т. 2001й. 23-бет.

² Ўша жойда.

³ Қонун номи билан. Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Ахборотномаси. 1997 йил №3- 29 бет. 1998 йил 11 сентябрдаги ўзгартиш ва қўшимчалар билан.

санкция бермаган такдирда манфаатдор ташкилотлар, муассасалар, корхоналар турар жойда яшовчиларни кўчириш тўғрисида судга мурожаат кила олмайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал Кодексининг 615-моддасига асосан тарафларнинг келишуви билан уй-жойни ижарага бериш шартномаси бекор қилиниши конунда уз ифодасини топган. Бу койдага кўра турар жойларни фойдаланиш учун бериш тўғрисидаги баъзи даъволарни: чунончи, фуқаролик ҳуқуқий мажбуриятларига асосланган талаблар тўғрисида; Масалан, аввал эгаллаган турар жойнинг капитал таъмиридан сунг кайтариб берилиши, уй-жойнинг бузилиши муносабати билан квартира берилиши ва шу каби бошқа холларда кузгатилган даъволарни судлар кўришга ҳақлидир.

Уй-жой низолари субъектлар бўйича ва тузилиши бўйича ҳар хил характерда (тавсифда) бўлади. Шунинг учун бу низолар судларда ва маъмурий тартибда ҳал қилинади. Буларнинг орасида энг муҳими фуқаролар билан уй-жой органлари ўртасида келиб чиқадиган, шунингдек, ижара олувчи ва унинг оила аъзолари ўртасида келиб чиқадиган низоларни ҳал қилишдир.

Бу низолар асосан турар жой бериш ва улардан фойдаланиш борасида келиб чиқади. Турар жой бериш тўғрисидаги низолар умумий койда бўйича маъмурий тартибда, яъни низолашаётган тарафларнинг юқори турувчи органларга мурожаати билан ҳал этилади. Бундай низолар, яъни турар жой бериш тўғрисидаги низолар факатгина фуқаролик ҳуқуқий мажбуриятига асосланган холда ёки махсус конунга асосан судда ҳал этилиши мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқий мажбуриятига асосан талаб қилинган турар жой тўғрисидаги низоларга уйни бузиш билан боғлиқ низолар, уйни капитал ремонт қилиш билан турар жой бериш тўғрисидаги низолар ва турар жой яшаш учун мулжалланмаган жойга ўтказилиши билан турар жой бериш тўғрисидаги низолар қиради. Шунингдек, турар жой давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаси ажратилиши муносабати билан бузилиши керак бўлса, бунда мулкдор суд ҳимоясидан фойдаланиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодекси 71-м.).

Турар-жой бериш тўғрисидаги фуқаролик ҳуқуқий мажбурият ходимнинг ташкилот билан тузган шартномасидан келиб чиқади, яъни ходим уй-жой кўрилишида катнашиш мажбуриятини олса, ташкилот эса уй-жой кўрилганидан сунг унга уй-жой бериш мажбуриятини олади. Агар ташкилот уз мажбуриятини бажармаса, ходим судга мурожаат қилиши мумкин ва суд бу даъво ни қабул қилиб, уни кўриб чиқади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти ёки ташкилот, муассаса, органларнинг маъмурияти ноқонуний судланганлиги оқибатида турар жойга бўлган йукотган ҳуқуқни тиклаши, яъни аввалги турар жойни кайтариши лозим, агар буни иложи булмаса, унда унга уша аҳоли пунктида жойлашган турар жой бериши лозим. Агар фуқаронинг бундай талаби қаноатлантирилмаса, у судга уй-жой ҳуқуқини сураб даъво билан мурожаат қилиши мумкин.

Агар квартирадаги алоҳида хона бўшаса, у белгиланган норма бўйича уй-жой майдони билан таъминланмаган ижарага олувчига берилади. Агар квартирада белгиланган норма бўйича уй-жой майдони билан таъминланмаган бир неча ижарага олувчи бўлса, оиласи уй-жой шароитларини яхшилашга энг

кўп мухтож бўлган ижарага олувчи бўшаган хонани олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади.

Агар маҳаллий давлат ҳокимияти ёки ташкилот маъмурияти турар жой беришни рад этса ёки бошқа одамга ордер берилса, ижарага олувчи судга даъво қилиши мумкин.

Уй-жойга эгаллик ҳуқуқига асосан, уй-жой қурилиш кооперативида аъзоликда, УЖККда имтиёзли ҳуқуқдаги келиб чиқадиган низолар ҳам судга тааллуқлидир.

Давлат ва хусусий уй-жой фонди уйларидан фойдаланиш бўйича келиб чиқадиган ҳамма низолар судга тааллуқлидир, яъни шахсий эгаллик ҳуқуқида бўлган уйдан фойдаланиш, уй-жой ижара шартномасидаги уйдан фойдаланиш бўйича келиб чиқадиган низолар судга тааллуқлидир. Шунингдек, уйдан фойдаланиш ҳуқуқини эътироф этиш ва бундай ҳуқуқдан айрилиш тўғрисидаги низолар, уй-жой ижараси шартномасини хақиқий эмас деб топишни эътироф этиш; уй-жой ижараси шартномасига узгартириш тўғрисидаги; уй-жойни қайта кўриш ва узгартириш тўғрисидаги; уй-жойни алмаштириш тўғрисидаги ва алмаштиришни хақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги; турар жойни иккиламчи ижарага бериш тўғрисидаги; уй майдонини қайд этиш тўғрисидаги ва ҳ.к.

Фуқаролар билан турар жой кўриш кооперативлари ўртасидаги низолар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми томонидан берилган тушунтиришга кўра турар жой кўриш кооперативи аъзоларнинг умумий мажлисида ҳал қилинадиган масалалар бўйича судларга тааллуқли булмайди. Масалан, кооператив аъзолари ўртасида турар жойларни таксимлаш кооперативга кириш ва пай бадалларининг миқдорини белгилаш, кооператив аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги ишлар судга тааллуқли булмайди.

Турар жой кўриш кооперативи билан кооператив аъзолари ўртасидаги, кооператив аъзолари билан уларнинг оила аъзолари ўртасидаги фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган бошқа низолар ҳам, масалан, жойни айирбошлаш, кооператив аъзолигидан чиқариш тўғрисидаги ва шу каби бошқа баъзи низолар судларга тааллуқли бўлади.

Агар кооператив аъзоларининг умумий мажлиси турар жойни айирбошловчи шахсни кооператив аъзолигига қабул қилишга рози бўлса-ю, ҳокимият айирбошлаш учун руҳсат бермаса, бундай ҳолда ҳам кооператив аъзосининг эгаллаб турган турар жойини бошқа турар жойга айирбошлаш тўғрисидаги низо судларга тааллуқли бўлади.¹

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 106, 112-моддалари, турар жой кўриш кооперативи аъзолигидан чиқариш билан боғлиқ бўлган низоларнинг турлари суд органлари томонидан ҳал қилинади.

Уй-жой қурилиш кооперативлари ва фуқаролар ўртасида келиб чиқадиган низоларнинг тааллуқлилиги бундай низоларнинг қандай муносабатдан келиб чиққанлиги, яъни унинг ҳуқуқий табиатига боғлиқ. Агар бундай низо фуқаролик ҳуқуқий муносабатдан келиб чиққан бўлса, улар судга тааллуқли

¹ Шораҳметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. -Т.: Адолат. 2001. 137-б.

бўлади. Лекин баъзи муносабатлар маъмурий, молия ва ер ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади, шунинг учун бундай низолар судга тааллуқли эмас.

Шунингдек, кооператив аъзолари ўртасида турар жойларни тақсимлаш тўғрисидаги; уйдан фойдаланиш ва карашда кооператив аъзоларининг кириши ва пай бадалларининг миқдорини урнатиш тўғрисидаги; кооператив аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги низолар судларга тааллуқли эмас.

Умуман олганда, судларга фақатгина Уй-жой қурилиш кооперативи ва кооператив аъзолари ўртасидаги, уларнинг оила аъзолари ўртасидаги фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларгина тааллуқлидир.

Шунингдек, агар фуқарога кооператив аъзоси сифатида умумий мажлис қарори бўйича берилган бўлиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органи унга ордер беришини рад этса, ёки фуқарони кооператив аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги қарорини рад этса, бундай ҳолда фуқаро судга турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини бузилишини ҳимоя қилиш тўғрисида мурожаат қилиши мумкин.

Агар кооператив аъзоси квартирани тақсимлашда унинг ҳуқуқи бузилган деб ҳисобласа, у умумий мажлиснинг қарори устидан маъмурий тартибда маҳаллий давлат ҳокимият органига шикоят қилиши мумкин.

Турар жойни алмаштириш тўғрисидаги низолар ҳам судга тааллуқлидир.

Судда кўриладиган ҳамма алмаштириш тўғрисидаги низолар 2 гуруҳга бўлинади:

1. Муассасанинг турар жойни алмаштиришга розилик беришни рад этиши билан боғлиқ ёки ҳокимиятнинг алмаштириш ордерини беришни рад этиш билан боғлиқ низолар;

2. Оила аъзолари ўртасида алмаштиришга розиликка эриша олмаганлиги билан боғлиқ низолар.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 107 моддасига кўра, турар жойнинг мулкдори ва унинг вояга етган оила аъзолари, ҳамда у билан доимий яшаётган фуқаролар, уй-жой қурилиш кооперативи аъзоси ва пай жамғармасининг қисмига ҳуқуқи бўлган унинг оила аъзолари ўртасида турар жойни алмаштириш тўғрисида келишувга эришилмаган бўлса, улардан ҳар бири эгаллаб турган жойини турли уйлар, квартиралардаги турар жойларга мажбуран алмаштиришни суд тартибида талаб қилишга ҳақлидирлар.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 31-моддасига кўра, судларга тарафлардан ҳеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлган низоларга доир ишлар, қонунда бундай низоларни ҳал этиш хўжалик суди ёки бошқа органларга топширилган ҳоллар бундан мустасно. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 70-моддасига кўра, кўчириш суд тартибида амалга оширилади. Юқоридаги истисно ҳолатлардан бири бу шу модданинг 3-бандида кўрсатилган, яъни турар жойларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олган ёки авария ҳолатида деб топилган уйларда яшаётган шахслар прокурор санкцияси асосида маъмурий тартибда кўчирилади.

Ўзбошимчалик билан эгаллаш деб топиш учун эгаллаб олувчининг турар жойга бўлган ҳуқуқининг йўқлиги ва тегишли рухсатсиз уйга кириши асос бўлади.

Турар жойни алмаштираётган шахслар алмаштириш тўғрисидаги ордер олмасдан туриб, турар жойни эгалласа, булар маъмурий тартибда эмас, балки суд тартибда кўчирилиши керак.

Шунингдек, авария ҳолатидаги турар жойлардан кўчириш одамларнинг соғлиғи ва ҳаётига етказилиши мумкин бўлган зарарни тезкорлик билан бартараф этиш мақсадида маъмурий тартибда ҳал этилади.

Агар прокурор фуқарони кўчиришга санкция бермаса, кўчиришга санкция сўраган ташкилот фуқарони турар жойга бўлган ҳуқуқидан ажратиш ва уни кўчириш тўғрисида маъмурий тартибда юқори турувчи органга мурожаат этиши мумкин.

Шунингдек, маъмурий тартибда кўчириш тўғрисида прокурор қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Хизмат турар-жойлари ва махсус уйлاردан кўчириш суд тартибда ҳал этилади.

4-§. Уй-жой тўғрисидаги ишларни судда кўришга тайёрлаш

Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш фуқаролик процессининг асосий ва зарурий босқичларидан бири бўлиб, фуқаролик ҳуқуқий низоларнинг мумкин қадар тезлаштириб, тўла ва ҳар томонлама кўрилиши ва ҳал қилинишини таъминлаш мақсадларида ўтказилади.

Ишларни судда кўришга тайёрлашда муайян фуқаролик ишларининг туркумлари, уларнинг хусусиятлари, шунингдек, аниқ низонинг тури эътиборга олинади, чунки бир хил турдаги ишларни тайёрлашда бажарилиши лозим бўлган процессуал ҳаракатлар бошқа турдаги ишларни кўриш учун тайёрлашда бажарилиши талаб қилинмаслиги мумкин.

ФПКнинг 158-моддасида белгиланишича, судья фуқаролик ишларини судда кўриш учун тайёрлашга бу тўғрида аризани қабул қилиб, фуқаролик иши қўзғатилганидан сўнг ишни ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш мақсадида уни кўришга тайёрлайди. Бинобарин, аризани қабул қилмасдан олдин судда кейинчалик кўриладиган ишлар юзасидан баъзи ҳаракатлар қилиниши (чунончи, бирон бир ҳужжат, далиллар талаб қилиб олинishi) қонунга хилоф бўлади. аммо судья аризасини қабул қилишдан олдин фуқаролик ишини судда қўзғатиш учун зарур бўлган маълумотларни даъвогардан сўраб олиши мумкин.

Уй-жой низолари бўйича даъво аризалари қабул қилиб олингандан сўнг ишнинг судда кўришга тайёрланиши ўша низо хусусиятидан келиб чиқиб амалга оширилади, яъни низонинг аниқ турига нисбатан иш тайёрланади.

Булардан, масалан, собиқ эр-хотинлар ўртасидаги турар жойни ва пайни бўлиш тўғрисидаги ишни судда кўришга тайёрлашни оладиган бўлсак, УЖКнинг 103-моддасига мувофиқ, УЖК уйларидаги турар жойни шерик пайчилар ўртасида бўлишга, агар уларнинг ҳар бирига алоҳида турар жой

ажратиш мумкин бўлса йўл қўйилади. Алоҳида бўлмаган турар жойларни қайта қуриш ва ўзгартириш ҳисобига алоҳида турар жойга айлантириш мумкин бўлганда ҳам турар жойларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бўлишга йўл қўйилади.

Агар пай эр хотинларнинг умумий биргаликдаги мулки бўлса ва агар уларнинг ҳар бирига квартирадан алоҳида турар жой ажратилган бўлса, кооператив аъзолари ва эр хотинларнинг никоҳи ажратилганидан сўнг УЖҚКнинг турар жойи бўлиниши мумкин.

Агар турар жой алоҳида бўлмаган ёнма-ён хоналардан иборат бўлса, бўлиш ҳокимиятнинг рухсати билан қайта қуриш ёки ўзгартириш билан алоҳида хонага ажратилади. Шундай қилиб, турар жой ва пайни бўлишнинг зарурий шarti қуйидагича:

- Пай киритиш эр-хотинларнинг умумий мулкидан берилганлиги;
- Квартирада икки ёки ундан ортиқ алоҳида хонанинг мавжудлиги;
- Эр-хотинларнинг бири (ёки иккаласи)дан ФХДЁ органларининг никоҳдан ажралиш тўғрисидаги гувоҳноманинг олинishi.

Кўпгина ҳолларда бундай низолар бўйича жавобгар даъвога қарши эътироз билдириб, бошланғич пай бадали ёки кейинги пай бадаллари уларнинг шахсий маблағидан тўланганлигини билдиради. Шунинг учун, бундай ишни судда кўришга тайёрлашда, бизнинг фикримизча, барча ҳолларда жавобгар ва даъвогарни сўроқ қилиш лозим. Сўроқ натижасида судья даъво предмети ва асосини ҳамда даъво талабини аниқлаштиради.

Масалан, пайни бўлиш тўғрисидаги даво қаноатлантирилса, у қуйидаги оқибатларни келтириб чиқариши мумкин: пайнинг бир қисмига бўлган ҳуқуқни; кооперативга киришдан мулк ҳуқуқига эга бўлишни; турар жойни бўлиш ҳуқуқини. Шунинг учун, агар бундай даъво берилса, судья ишни судда кўришга тайёрлашдан олдин, унинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтириши керак.

Даъвогарни сўроқ қилишда судья унинг ўша шахсга ёки бошқа жавобгарга нисбатан ўша даъво талаби билан боғлиқ талаби бор ёки йўқлигини аниқлайди, яъни ажратилган ёки бирлаштирилган ҳолда кўрилиши мумкин. Агар даъвогар пайни бўлиш тўғрисидаги даъвоси билан турар жойни бўлишни ҳам кўзлаган бўлса, бу икки даъво бирлаштирилиб кўрилади.

Бундай ишларни судда кўришга тайёрлаш бўйича ФПКнинг 160-моддасига асосан кооператив мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида ишга жалб қилиниши лозим.

Пайни бўлиш тўғрисидаги ишни судда кўришга тайёрлашда судья қуйидаги ҳужжатларни талаб қилиши лозим :

- 1) Шахсий ҳисоб варақдан кўчирма;
- 2) Пай миқдори тўғрисидаги маълумотнома;
- 3) Квартира режаси;
- 4) Никоҳдан ажрашганлик ёки кирганлик тўғрисидаги гувоҳномадан нусха;
- 5) Пайчининг оила аъзолари ва улар билан бирга яшовчи шахслар тўғрисидаги маълумотнома;

6) Кооперативга кирганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

7) Агар эр-хотинлар ўртасида никоҳга қадар ҳады қилинган ёки мерос мулкдан тўланганлиги тўғрисида низо келиб чиқадиган бўлса, уни тасдиқловчи ҳужжат, яъни мерос ҳақидаги гувоҳнома.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2001 йил 14 сентябрдаги Пленум қорорининг 13-14 бандига мувофиқ, муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидан турар-жойлар фуқароларга уй-жой майдонининг ижтимоий нормастга мувофиқ белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 42-моддасига мувофиқ, уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятлари томонидан бир киши ҳисобига ўн олти квадрат метрдан кам бўлмаган умумий майдон ҳажмида, кресло-араваларда ҳаракатланаётганногиронлар учун эса йигирма уч квадрат метрдан кам бўлмаган ҳажмда белгиланган. Эр-хотиндан ташқари турли жинсга мансуб шахслар бир хонага ёки бир хонали квартирага киритилишига йўл қўймаслик мақсадида давлат уй-жой фондидан уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан ортиқча турар-жой берилиши мумкин.

Қўшимча уй-жой майдони олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан ортиқча қўшимча уй-жой майдони бир хона тарзида ёки ўн саккиз квадрат метрли умумий майдон миқдорида берилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 43-моддаси талабига мувофиқ, корхона, муассаса, ташкилотлар томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига берилган муниципал ва идоравий уй-жой фонди уйларида бўшаётган турар-жойлар, шунингдек, бу идораларнинг улушли иштирок этиш тартибида топширилган маблағларига қурилган уйларда бўшаётган турар-жойлар биринчи навбатда ушбу корхона, муассаса, ташкилотларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган ходимларга кўчиб кириш учун берилишига судларнинг эътибори қаратилсин. Ушбу қонун талабларига риоя қилинмаган ҳолда берилган ордер ҳокимият, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг даъвоси бўйича ҳақиқий эмас деб топилади.

Бундай ҳуқуққа вафот этган кооператив аъзосининг бир оилада яшаган оила аъзолари ҳам эга. Бундай ишларни судда кўришга тайёрлашда кооператив пайчини кооперативга қабул қилишни ва уни аъзоликдан чиқаришни тасдиқловчи ҳужжатлар талаб қилинади. Даъвогардан эса пайчи билан бир оилада яшаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (уй дафтарида кўчирма, шахсий ҳисоб варақдан нусха...) ва кооперативнинг рад этиш тўғрисидаги ҳужжатлари талаб этилади.

Даъво аризаси қабул қилинганидан сўнг судья ишни судда кўришга тайёрлашни бошлайди. Тайёрлаш жараёнида судья ишга жалб қилиниши керак бўлган шахслар доирасини аниқлайди.

Бу иш бўйича уй-жой бошқарув органлари жавобгар сифатида, ижарага олувчилар ва уларнинг оила аъзолари даъвогар сифатида ишга жалб қилинади. Агар уларнинг қайси бири алмаштиришга қарши бўлса, у ишга шерик жавобгар сифатида жалб қилинади.

Ҳамма шерик даъвогарлар алмаштиришга розилик беришни ёки алмаштириш ордери беришни рад этишни ғайриқонуний деб эътироф этиш тўғрисида талаб қилиши мумкин.

Умуман олганда турар жойни алмаштириш ҳам ҳар хил асослардан келиб чиқади. Бу асосларга кўра ишларни судда кўришга тайёрлашда қуйидаги ҳужжатлар талаб қилиниши мумкин:

- Ижарага берувчининг турар жойни алмаштиришга розилик беришни рад этиш билан боғлиқ даъволар бўйича:

Даъвогарнинг ва унинг тарафидаги учинчи шахслардан турар жойни алмаштириш ҳақидаги аризаси

Шахсий ҳисоб варақдан кўчирма

Агар даъвогарнинг аризасида ижарага берувчининг алмаштиришга розилик беришни рад этиши кўрсатилмаган бўлса, алмаштиришга розилик беришни рад этиш тўғрисидаги ёзма ҳужжат

- Бирга яшашга имкон яратмаётган айбдор шахсга нисбатан турар жойни алмаштириш тўғрисидаги даъвоси бўйича:

3) Даъвогарнинг жавобгар билан бирга яшашга имконият туғдирмаётганлигини тасдиқловчи ҳужжат (масъул комиссия акти, суд медицина экспертизаси хулосаси...)

4) Милиция ва прокуратуранинг қароридан нусха, суд қароридан нусха, яъни жавобгарга нисбатан қилинган огоҳлантириш ва бошқа чоралар тўғрисида

5) Даъвогар ва учинчи шахсдан алмаштириш ҳақидаги аризаси

6) Тарафлар ва учинчи шахсларнинг шахсий ҳисоб варағидан кўчирма, ижарага олувчи ва унинг оила аъзолари тўғрисида ҳамда турар жой ўлчами тўғрисида маълумотнома

7) Уй дафтарида кўчирма

Ижарага олувчининг оила аъзоларига нисбатан ёки оила аъзоларининг ижарага олувчига нисбатан турар жойни алмаштириш тўғрисидаги ишларни судда кўришга тайёрлаш.

- Тарафлар ўртасидаги муносабат ва мажбуриятларни тасдиқловчи ҳужжатлар:

- Эр-хотинларнинг никоҳдан ажралиш тўғрисидаги гувоҳномаси

- Тиббиёт муассасасининг маълумотномаси

- Агар оила аъзоларидан бири ақли норасо бўлса суд қарорининг бу ҳақдаги нусхаси

- Суднинг мулкни бўлиш, алимент ундириш тўғрисидаги қарорларидан нусха...

- Даъвогар ва учинчи шахсларнинг турар жойни алмаштириш ҳақидаги аризаси

- Даъвогар, жавобгар, учинчи шахсларнинг шахсий ҳисоб варағидан кўчирма, ижарага олувчининг оила аъзолари тўғрисидаги маълумотнома, турар жой ўлчами ҳақидаги маълумотнома

- Уй дафтарида кўчирма

- Санэпидстанция хулосаси.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг тушунтиришига кўра, турар жойга берилган ҳужжат (ордер)ни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги

низоларни кўришда, агар ҳужжат (ордер)да кўрсатилган фуқаролар илгари давлат уй-жой фондига тегишли турар жойдан фойдаланиб келган бўлсалар уларга илгари эгаллаб турган турар жой қайтарилиши ёки бошқа турар жой билан таъминланиш масаласи ишни судда кўришга тайёрлаш жараёнида аниқланиши лозим.

Хусусийлаштирилган турар жойлар бўйича тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги, шунингдек, бундай турар жойларга боғлиқ бошқа низоларни кўришда судлар, низоли турар жойнинг ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи ҳужжатларни:

- Президент Фармони бўйича фуқароларнинг эгалигига уй-жойни бепул бериш ҳақидаги Ҳокимнинг қарори;

- Олиш-сотиш, ҳадя, айирбошлаш шартномалари;

- Фуқароларнинг эгалик ҳуқуқи ҳақидаги давлат ордери;

- Ворислик ҳуқуқи ҳақидаги гувоҳнома;

- Суднинг ҳал қилув қарори;

- Эгаликка бериш ҳақидаги идоралар, ташкилотларнинг буйруқлари;

- квартира, уйнинг режаси, шунингдек даъвогарнинг талаблари ва жавобгарнинг эътирозларини тасдиқловчи бошқа далилларни талаб қилиб олишлари лозим.

Фуқарони турар-жойга бўлган ҳуқуқидан ажратиш тўғрисидаги ишларни судда кўришга тайёрлаш.

Судья тарафларни сўроқ қилиши натижасида фуқаро қаерда яшаганлиги, ҳозир қаерда яшаётганлиги, қайси вақтдан ва қанча муддат уйда бўлмаганлиги, унинг сабаблари, унинг турар-жойдан фойдаланишга қаршилиқ қилмаганлиги, унинг уйда бўлмаганлигига узрли сабаблар мавжудлигини аниқлайди. Умуман сўроқ натижасида жавобгар Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 52-моддасида кўрсатилган шахслар доирасига кирадими ёки йўқми деган савол ўз ечимини топади.

Тарафларни сўроқ қилиш ва ҳужжатларни ўрганиш натижасида судья тарафларнинг ҳуқуқий муносабат турини ва моддий ҳуқуқ нормасини аниқлайди. Вақтинча уйда бўлмаганлиги учун фуқарони турар-жойга бўлган ҳуқуқини йўқотиш тўғрисидаги ишларни судда кўришга тайёрлашда қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

- Шахсий ҳисоб варақа нусхаси

Низони уйда бўлган ва бўлмаган вақтини тасдиқловчи ҳужжатлар (уй дафтарида кўчирма, актлар, хатлар, уй бошқаруви, ўқув муассасаси, военкоматнинг маълумотномаси)

- Жавобгарни низоли уйда ноиложликдан бўлмаганлигини тасдиқловчи ҳужжат

Жавобгарнинг турар-жойга бўлган ҳуқуқи қонуний сақланишини тасдиқловчи ҳужжат (ҳарбий комиссариатнинг маълумотномаси, қўриқлаш гувоҳномаси, иш ва ўқиш жойдан маълумотнома).

Фуқарони бошқа доимий яшаш жойида бўлганлиги учун, унинг турар-жойга бўлган ҳуқуқини йўқотиш тўғрисидаги ишларни судда кўришга тайёрлашда қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

- Шахсий ҳисоб варақа нусхаси

- Жавобгарни бошқа доимий яшаш жойида бўлишини тасдиқловчи ҳужжат (уй дафтарида кўчирма, военкоматнинг рўйхатдан чиқариш тўғрисидаги маълумотномаси, прописка ва янги турар-жой берилганлиги ҳақидаги ҳужжат).

Судья даъво аризасини ишга кўриш учун қабул қилиб олар экан, унда жавобгар кўчирилиши керак бўлган аниқ турар-жой кўрсатилиши керак (яъни шахс, уй номери, квартира, унинг хоналари ўлчами ва тавсифи...).

Ишни судда кўришга тайёрлашда кўчириш тўғрисидаги даъво аризаси тўлиқ текширилиши лозим.

Агар турар-жойлар жойлашган муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйи давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаси ажратилиши муносабати билан бузулиши керак бўлса, ёхуд турар-жой яшаш учун мўлжалланмаган турар-жой туркумига ўтказилиши билан (УЖК 71-моддаси) ижарага олувчи ўша турар-жойдан кўчирилаётган бўлса бунда иаколатли органнинг давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаси ажратиш тўғрисидада ёки турар-жойни яшаш учун мўлжалланмаган турар-жойга ўтказиш ҳақидаги қарори мавжудлиги аниқланиши лозим. Шунингдек бу иш бўйича жавобгар кўчирилиши керак ўлса, у қандай турар-жойга кўчирилади, унинг ўлчами, ободлик даражаси Уй-жой Кодексига мувофиқ ўрганилиши лозим.

Бошқа турар-жой берган ҳолда хизмат турар-жойларидан кўчириш Уй-жой Кодексининг 8- моддасига асосан амалга оширилади. Бундай ишларни судда кўришга тайёрлашда корхона корхоналар рўйхатида мавжудлиги ва ушбу корхона, муассаса, ташкилотга тегишли турар-жой майдони мавжудлиги аниқланиши керак.

Фуқарони хизмат турар-жойидан кўчириш тўғрисидаги даъвони судда кўришга тайёрлашда судья қуйидаги фактларни тасдиқловчи ҳужжатлар ва далилларнинг мавжудлигини ойдинлаштириши лозим: низоли хизмат турар-жойи мавжудлигини тасдиқловчи, бу турар-жой шахсга меҳнат муносабатлари билан боғлиқ ҳолда берилганми, фуқарони корхона, муассаса ва ташкилот билан меҳнат муносабатлари узилганлигини ҳамда фуқаро қонунда белгиланган имтиёзлардан фойдаланмаётганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар талаб қилинади.

Бирга яшашнинг имконияти йўқлигидан фуқарони кўчириш тўғрисидаги даъволарни судда кўришга тайёрлашда суд жавобгарга нисбатан турмуш қоидаларини бузганлиги учун қандай ҳаракатлар қилинганини аниқлаши лозим. Шунингдек суд бирга яшаш имкон бермаётган фактни тасдиқловчи ҳужжат. Масалан, касаллик ёки касбий фаолият (музикий асбоблар чалиш). Агар булар турмуш қоидаларини бузиш билан боғлиқ бўлмаса, кўчириш амалга оширилмайди.

Уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисидаги ишларни судда кўришга тайёрлаш.

Бундай ишлар қийин бўлиб, бу ишни судда кўришга тайёрлашда ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Биринчидан, бундай иш бўйича исботлаш

предмети қийин, иккинчидан, бундай ҳуқуқнинг юзага келиб чиқиши ва тугатилиши билан боғлиқюрidik фактлар судда кўришдан анча олдин юзага келади. Бу эса ишни судда кўришга тайёрлашда анча қийинчиликка сабаб бўлади. Шунингдек бу иш бўйича кўпгина шахслар иштирок этади ва судья уларнинг ҳаммасининг проiессуал ҳолатини аниқлаши лозим.

Фуқарога ёки унинг оила аъзоларига турар-жой билан таъминлаш мақсадида индивидуал уй-жой қуриш учун муддатсиз фойдаланиш учун ер участкаси ажратилиши мумкин. Шунинг учун уйни қуришда бегона қурувчининг иштирок этиши унга қурилган уйнинг бир қисмига нисбатан мулк ҳуқуқини бермайди. Бу шахс уйнинг мулкдоридан ўзи қилган сарфни тўлашни талаб қилиши мумкин. Баъзи ҳолларда уйга умумий мулк ҳуқуқи тўғрисида келишилган бўлса, бундай ҳолда суд ишни ҳар томонлама ўрганиб чиқиб қурувчига уйнинг бир қисмига мулк ҳуқуқини эътироф этиши мумкин.

Бу ишни судда кўришга тайёрлашда биринчи навбатда тарвфларнинг эътирозлари ва талабларини асословчи фактларни ҳамда низони тўғри ҳал этилиши учун аҳамиятли фактларни аниқлаши лозим. Шунингдек, бундай низо бўйича судья тараф кимлигини, даъвогар уйни қуришда қанча миқдорда ва қандай мақсадда меҳнат ва сарф-ҳаражат қилгани, улар ўртасида уйга нисбатан умумий мулкчилик тўғрисидаги шартнома мавжудми ва уй қуриш учун ер участкаси ажратган органнинг, ташкилот, муассасаларнинг фикрини аниқлаши лозим.

Шунингдек, судья мураккаб ишлар бўйича жавобгарга иш бўйича ёзма тушунтириш беришни таклиф қилиши мумкин. Бунда даъвогар ва жавобгар томонидан уйни қуришда қилинган сафлар миқдори ҳам ёзилиши мумкин. Бу тушунтириш почта жўнатмалари, шахсий ҳисоб варақдан кўчирмалар, квитанциялар, қурилиш моллари накладнойлари, даъвогар ва жавобгарнинг ўзаро ҳисоб китоблари ҳақидаги гувоҳнома, уйни қуришда олинган ссудаларни тўлаш тўғрисидаги гувоҳномалар, гувоҳларнинг кўрсатмалари ва бошқалар билан исботланади.

ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ БОБ

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА БОШҚА ОРГАНЛАР, ШУНИНГДЕК МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ ХАТТИ-ҲАРАКАТИ (ҚАРОР)ЛАРИ УСТИДАН БЕРИЛГАН ШИКОЯТ ВА АРИЗАЛАР БЎЙИЧА ИШЛАРНИ ЮРИТИШ

1-§. Идоралар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятларни кўриб ҳал этишнинг умуми тавсифи

Фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида, жумладан Фуқаролик Процессуал кодексининг 2-моддасида белгиланганидек, судлар даъво иши тартибида юритиладиган ишлардан ташқари идоралар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан бериладиган

шикоятларни ҳам, алоҳида иш юритиш тартибида ҳал қилинадиган ишларни ҳам кўрадилар.

Давлат идоралари ва бошқа идоралар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан бериладиган шикоятларни фақат қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардагина судларга тааллуқли бўлади.

Умумий қоида бўйича, идоралар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари)га бериладиган шикоятлар асосан маъмурий тартибда иш юритиш қоидасига амал қилган ҳолда иш кўрилади. Амалдаги фуқаролик процессуал кодексига бу туркумга кирадиган баъзи ишларнинг ҳал этилишини суднинг ваколатига киритилганлигини ва унинг иш кўриш доирасини кенгайтганини кўрамиз, жумладан, бу масалаларга оид ФПКнинг уч кичик бўлим ажратилиб, уни давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракат (қарор)лари устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритиш деб номланиб, умумий қоида деб номланган 29-бобда давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракат (қарор)лари устидан берилган шикоятларга оид ишлар ёритилиб, бу ишларга: биринчидан, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлари устидан шикоят бериш; иккинчидан, нотариуснинг, фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш органининг муайян ҳаракатларини бажаришни рад этганлиги ёки нотўғри бажарилганлиги устидан шикоят бериш; учинчидан, прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатнинг ғайриқонуний деб топиш тўғрисидаги аризасини кўриш билан боғлиқ ишларни кўриб ҳал этиш белгиланган (ФПКнинг 264-моддаси).

Фуқароларнинг иштироки билан бўладиган бундай маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўриб ҳал этишнинг суд тартиби судсиз маъмурий тартибда кўриладиган ишларга нисбатан муайян устунликларга эга бўлиш низоларнинг тўғри ҳал қилинишига катта кафолатлар яратилганлигини, фуқаролар, давлат ва бошқа идораларнинг ҳуқуқ ҳам манфаатларини жиддий кўриқланиши билан фарқланади.

Идоралар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар юзасидан келиб чиқадиган ишлар фуқаролик суд ишларини юритишнинг умумий қоидалари бўйича, аммо уларнинг айрим хусусиятларини эътиборга олган ҳолда судда кўрилади. Бундай ишлар маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чикса ҳам, бироқ қонунда кўрсатилган ҳолларда суд тартибида кўришга тааллуқли қилиб белгиланган.

Қонунда маъмурий ҳуқуқбузарлик қоидаларини бузиш унинг ҳуқуқий оқибатлари органлар, мансабдор шахслар ва суд томонидан бундай ишларни кўриб ҳал қилиш тартибига, ундан кейин давлат органлари бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракат (қарор)лари устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритиш масалалари ёритилади. Амалдаги қонунга асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоятни манфаатдор шахс-жабрланувчи, шунингдек уларнинг қонуний вакиллари ва адвокатлар томонидан берилиши мумкин. Шикоят юқори турувчи органга (мансабдор шахсга) ёки маъмурий

ишлар бўйича туман (шаҳар) судьясига, судьянинг маъмурий ишлар бўйича қарори устидан эса, туман (шаҳар) суди раисига ёки юқори турувчи судга бериш тартиби белгиланган.

Шикоят маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор қабул қилган орган (мансабдор шахсга) ёки бевосита судга юборилади.

Иш юзасидан қарор чиқарган орган (мансабдор шахс) шикоятни олгач, уни уч сутка ичида иш билан бирга шикоятни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган органга (мансабдор шахсга) юборади.

Қонунга кўра, қарор устидан шикоят берган шахс давлат божи тўлашдан озод этилади.

Шикоят қарорнинг нусхасини олган кундан бошлаб ўн кун ичида берилади. Агар шикоят муддати узрли сабаблар билан ўтказилиб юборилган тақдирда бу муддат шикоятни кўриб чиқишга ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан тикланиши қонунда назарда тутилган.

Прокурор, туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьясининг қарори устидан-туман (шаҳар) судининг раисига ёки юқори турувчи судга бошқа орган (мансабдор шахс) қарори устидан қарор чиқарган органга (мансабдор шахсга) протест билдириши мумкин.

Маъмурий иш юзасидан чиқарилган қарорга нисбатан берилган шикоят ва билдирилган протестни ваколатли органлар (мансабдор шахслар), шикоят ва протест тушган кундан бошлаб ўн кун муддат ичида кўриб чиқиши лозим.

Берилган шикоят ёки билдирилган протестни кўриб чиқиш пайтида орган (мансабдор шахс) чиқарилган қарорни қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириши лозим.

Маъмурий ишлар бўйича судьянинг қарори юзасидан берилган шикоят ёки протест бўйича кассация инстанцияси судида иш юритиш тартиби айрим истеснолардан ташқари қонунда кўрсатилган қоидаларга асосан ҳал этилади.

Кассация инстанцияси суди маъмурий ишлар бўйича судьянинг қарори юзасидан берилган шикоятни ёки билдирилган протест бўйича ҳал қилув қарори чиқаради ва у чиқарилган вақтдан бошлаб қонуний кучга киради.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан иш ёки билдирилган протестни кўриб чиқиш пайтида орган (мансабдор шахс) қуйидаги қарорларидан бирини қабул қилади.

1) чиқарилган қарорни ўзгартиришсиз, шикоят ёки протестни эса қаноатлатирмасдан қолдиради;

2) чиқарилган қарорни бекор қилади ва ишни қайта кўриб чиқиш учун юборади;

3) чиқарилган қарорни бекор қилади ва ишни юритишни тугатади;

4) жазо чорасини кучайтирмаган ҳолда уни маъмурий ҳуқуқ-бузарлик учун жавобгарлик тўғрисидаги норматив ҳужжатда назарда тутилган доирада ўзгартиради.

Қарорни бекор қилиш ёки ўзгартириш учун орган (мансабдор шахс) томонидан ишни тўлиқ бўлмаган ҳолда ёки бир томонлама кўриб чиқилиши, орган (мансабдор шахс) ҳал қилув қарорининг ва қонунда қўлланган нормалари ва маъмурий жавобгарлик назарда тутилган бошқа норматив ҳужжатлар

ишнинг фактик ҳолатларига мос келмаслиги, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритилш қоидаларини жиддий бузилиши, қўлланилган маъмурий жазонинг адолатсизлиги асос бўлиб ҳисобланиши лозим.

Шикоят ёки билдирилган протест бўйича қабул қилинган қарорларида: у чақирилган вақт ва жой, шикоят ва протестни кўриб чиқаётган мансабдор шахс, прокурор ва бошқа иштирок этаётган шахслар, протестни моҳияти, чиқарилган қарорни асосланиши қарорда кўрсатилиши лозим.

Суднинг ҳал қилув қарорининг нусхаси унинг иш юзасидан қарор чиқарилган шахсга уч кун муддат ичида юборилади. Протестни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида эса прокурорга маълум қилиниши лозим.

Агар суд маъмурий ишни кўришда тугатиш билан қарорни бекор қилиш, ундириб олинган пул суммаларини ва нарсаларини қайтариб беришга, шунингдек илгари қабул қилинган қарор билан боғлиқ чиқимлар чеклашлари бекор қилишга оид бўлади. Нарсани қайтариб бериш мумкин бўлмаган ҳолларда унинг қиймати, башарти бу нарсалар тадбиркорлик учун мулжалланган бўлса, бой берилган фойдаси ҳам қопланади.

Бундай ишлар қайтарма даъво талабларига оид қоидалар асоссиз тартибга солинади.

Идоралар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракат (қарор)ларига берилган шикоятлар юзасидан келиб чиқадиган ва фуқаролик суд ишларини юргизиш қоидалари бўйича кўриладиган ишлар суднинг ёки судьянинг якка ҳолда маъмурий жазога тортиш тўғрисидаги кўриладиган ишларини, чунончи майда хулиганлик учун қамокка олиш ёки жарима солиш тўғрисидаги, ичкиликка берилганларни даволаш учун меҳнат профилакторияларига юбориш ва шу каби бошқа ишларни кўришдан фарқ қилиш керак.

Юқорида қайд қилинган маъмурий ҳуқуқбузарлик туфайли судда кўриладиган ишларни идоралар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарор)ларига берилган ишқоятлар юзасидан келиб чиқадиган ишларни даъво иши тартибида кўриладиган фуқаролик ишларига ҳам аралаштирмаслик керак. Агар маъмурий акт билан фуқаролик, меҳнат ёки бошқа муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқлар бузилса-бу ҳолда иш даъво ишини юритиш тартибида кўрилади. Бундай ишлар, масалан, турар жой майдонига бериладиган ордерни ҳақиқий эмас деб топиш, нотариал органнинг ижро хати ҳақида низолашиш, мулкни хатлашдан арестдан чиқариш, фуқаролик ҳолати далолатнома ёзиш дафтарида оталикни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги, маъмурий жазо берилиши ҳақидаги буйруқни бекор қилиш ва шу каби бошқа даъволар кўрилади. Юқорида кўрсатиб ўтилган ишларга нисбатан фуқаролик суд ишини қоидаларига ҳеч қандай истиснолар ва қўшимчалар белгиланмаган.

Бундай ишлар даъво ишини юритиш тартибида кўрилади. Давлат ёки жамоат хўжаликларининг экинларини пойхон қилиш туфайли етказилганзарарнинг тўланиши тўғрисидаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идораларининг қарори ихтиёрий равишда бажармаган фуқароларга нисбатан қўзғатиладиган даъволар ҳам даъво ишини юритиш тартибида кўрилади.

Судга шикоят бериш учун асос бўлиб давлат органлари бошқа органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳайъат таркиби (коллегиал) томонидан ҳамда раҳбар ходимларининг яққа тарихда амалга оширилган ҳатти-ҳаракатлари натижасида;

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилса;

Фуқаро юқорида кўрсатилган идора ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари туфайли фуқаронинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга турли тўсқинликлар вужудга келган бўлса;

Шунингдек фуқаро зиммасига бирорта ғайриқонуний мажбурият юклатилиши ёки унинг ғайриқонуний равишда бирор-бир жавобгарликка тортилишига сабаб бўладиган ҳаракатлар (қарорлар) ҳам судга шикоят қилишини мумкин бўлган ҳаракатлар жумласига киради (ФПКнинг 266-моддаси).

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятларга оид ишлар Фуқаролик процессуал кодексининг 264-275-моддаларида кўрсатилган бўлиб ҳар қандай ҳатти-ҳаракатлар тушинилади.

Булардан мустасно тариқасида агар;

а) қонун ҳужжатарида биноан бундай ишлар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ваколатига киритилган ҳатти-ҳаракат (қарор)лар;

б) қонунда ёки бошқа ҳуқуқий меъёрларда тегишли ҳатти-ҳаракатлар (қарорлар)га нисбатан шикоят қилиш бошқа тартиби белгиланган ҳатти-ҳаракат (қарор)лар судларга тааллуқли бўлмайди, бу ФПКнинг 267-моддасига белгиланган.

Органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракат (қарорлар)лари устидан берилладиган шикоятларга оид ишлар судловлик тўғрисидаги қоидаларга амал қилган ҳолда фуқаро ўзининг яшаб турган жойидаги судга ёки давлат органи ёки мансабдор шахснинг иш жойи жойлашган ҳудуддаги (альтернатив судловлик) судга шикоят билан мурожаат қилишга ҳақли.

Шикоят бўйича судьянинг ҳаракатлари органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракат (қарор)лари устидан шикоятларга оид ишларни қонунда кўрсатилган туркумдаги ишларига тегишли бўлиб, бу қоидага асосан судья органлар ва мансадор шахслардан зарур бўлган ҳужжатларни талаб қилишга ҳамда фуқаронинг илтимосига ёки ўзининг ташаббуси билан қилинган ҳатти-ҳаракат (қарор)ларининг ижроси судда ҳал этгунга қадар тўхтатиш масаласини ҳам ҳал этишга ҳақлидир.

Суд, бу умумий қоидаларни ФПКнинг 27-29-бобларида белгиланган маъмурий ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ишларга ҳам тадбиқ этиши лозим.

2-§. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ҳатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят бериш

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ҳатти-ҳаракатларни ва қарорлар юзасидан шикоят бериш билан боғлиқ бўлган ишларни юритиш ФПКнинг 27 бобида белгиланган қоидалардир. Булардан

ташқари 1995 йил 30 августда қабул қилинган «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан келтирилган шикоятларни судларда кўриш амалиёти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 19 июлидаги қарори¹ билан тартибга солинади.

Бу ҳуқуқий меъёрларда шикоят қилиш учун асослар ва бошқа қоидалар ўз ифодасини топган. ФПКнинг 269-моддасида шу туркумдаги ишлар юзасидан шикоят бериш тартиби кўрсатилган. Бу қоидада фуқаро ўзининг ҳуқуқларини ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан бевосида судга мурожаат қилишга агар юқори идора, мансабдор шахс шикоятни бир ой муддатда кўриб чиқмаса ёки шикоятга рад жавобини олса, фуқаро шикоят билан судга мурожаат қилишга ҳақли бўла олади.

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоа бирлашмалари, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракат (қарор)лари устидан бериладиган шикоятлар ФПКнинг 148-149-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ расмийлаштирилиши ва Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи ҳақида»ги қонуни ва Вазирлар маҳкамасининг «Давлат божи ставкалари ҳақида»ги қарорида белгиланган тартибда давлат божи ундирилиши юқоридаги Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленум қарорини 12-бандида кўрсатилган.

Шикоят бериш ҳуқуқ манфаатлари поймол қилинган фуқаро ёки унинг вакили, шунингдек фуқаронинг илтимосига асосан ваколат берилган жамоат бирлашмасининг, меҳнат жамоасининг вакили томонидан берилиши мумкин.

Шикоят қилиш турли соҳаларда учраши мумкин. Масалан, боладан алоҳида яшаётган ота ёки она, тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалари ва бошқа шунга ухшаш муассасалардан ўз боласи тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқига эга эканлиги, агар ота (она) томонидан боланинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавф-хатар бўлганда уларга ахборот беришни рад этганда манфаатдор шахс рад этиш ҳақидаги қарор устидан судга шикоят қилиш мумкинлиги белгиланган.

Амалдаги Фуқаролик-процессуал кодексида ҳарбий хизматчилар ўзларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузган ҳарбий бошқарма органлари ва ҳарбий мансабдор шахсларнинг хатти ҳаракатлари (қарорлари) устидан қонунда кўрсатилган ҳолларда ҳарбий судга шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқи белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленум қарорида ҳарбий хизматчи бўлмасида, ҳарбий бошқарув органларида эгаллаб турган лавозими бўйича ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига тааллуқли масалаларни ҳал этиш ваколатига эга бўлган шахсларнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан ҳам ҳарбий судга шикоят қилиши мумкинлиги кўрсатилаган. Булардан ташқари бу Пленум қарорининг 4-6-бандларида, шикоят қилиш учун асос бўладиган айрим ишлар келтирилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги 24-сонли ва 2002 йил 14 июндаги 11-сонли қарорларига асосан киритилган кўшимча ва ўзгартиришлар билан

Шунингдек жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари, уй-жой кўриш кооперативлари, хиссадорлик жамиятлари, касаба уюшмалари ва шу касабалар уюшмасининг умумий мажлис ҳамда уларнинг бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг қарорлари ҳамда судга шикоят қилиниши мумкинлиги белгиланган.

Демак, ҳарбий хизматчилар ўзларининг ҳарбий тартиб қоидаларини бажаришда мансабдор шахслари ёки ҳарбий бошқармаларининг қарорлари тўғрисида уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари поймол қилинган бўлса, юқоридаги қонун ва бошқа ҳуқуқий меъёрга шу ҳолатга кўра судга шикоят қилиш имкониятидан фойдаланиш мумкинлиги ўз ифодасини топган.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлари ва қарорлар устидан шикоят бериш учун муддатларга амал қилган бўлиши лозим масалан, фуқарога ўзининг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузилганлиги маълум бўлган кундан эътиборан уч ойлик муддат белгиланган. Бундай туркумдаги ишларни суд фуқаролик ишларини судда кўриш билан боғлиқ умумий қоидалар асосида ҳал этади.

Олий суднинг юқоридаги Пленум қарорида агар суд шикоятни кўриш пайтида ҳаракати устидан шикоят қилинаётган мансабдор шахс илгариги лавозимида ишламаётган бўлса, у ҳолда суд фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш ваколатига эга бўлган тегишли орган, ташкилоти ишга жалб қилиш тўғрисидаги масалани ҳал этиши, борди-ю шикоят қаноатлантирилган тақдирда сул шу орган ташкилот раҳбарига фуқаронинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш мажбуриятини юклаш мумкинлиги кўрсатилган.

Суд шикояти кўриб чиқиш якуний бўйича ҳал қилув қарори чиқаради.

Агар суд ишда тўпланган далилларига асосан шикоятни асосли эканлиги аниқласа шикоят қилинган хатти-ҳаракат (қарорни) ғайриқонуний деб топади ва фуқаронинг талабни қаноатлантириш масаласини ҳал этиб унинг унинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклайди ва фуқарони талабини қаноатлантириш мажбуриятини юклайди. Унга нисбатан қўлланилган жавобгарлик чорасини бекор қилади ёки унинг бузилган ҳуқуқини бошқача йўл билан тиклаш масаласини ҳал этади, акс ҳолда шикоятни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқаради.

Қонунда белгиланганидек, ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан сўнг тегишли органга ёки мансабдор шахсга шунингдек фуқарога ўн кундан кечиктирмасдан ҳал қилув қарорини нусхасини юборилиши кўрсатилган. Тегишли манфаатдор шахс эса, ҳал қилув қарорини олган кундан эътиборан бир ой муддатда кечиктирмай ижроси ҳақида суд ва фуқарога маълум қилиши лозим. Агар ҳал қилув қарори белгиланган муддатда ижро қилинмаган тақдирда суд жавобгар зиммасига мулк ёки пул бериш билан боғлиқ бўлмаган муайян ҳаракатларни бажариш мажбуриятини юкловчи ишни кўрсатган бўлса, талаб қилувчи бу ҳаракатларни жавобгар ҳисобидан бажариши ва сарф қилган харажатларини кейинчалик жавобгардан ундириб олишга ҳақлидир (ФПКнинг 211-моддаси).

Ҳал қилув қарорини бошқа ҳолларда бажармаслик оқибатларини ФПКнинг 381-моддасида кўрсатилган ҳуқуқий оқибатлар туғдириши мумкин.

Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида суд ишларни кўриш чоғида тегишли органлар ва мансабдор шахсларнинг фаолиятида жиддий камчиликлар аниқланса, суд бу камчиликларни бартараф этиш мақсадида хусусий ажримлар чиқариб, ваколатли органлар ва мансабдор шахсларга юбориши, агар жиноят аломатлари мавжудлиги аниқланса прокўратура органларини хабардор қилиши лозим бўлади.

3-§. Сайлов комиссияларининг хатги-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш муддати ва тартиби

Суд амалиётида сайлов комиссияларининг ҳаракатлари (қарорлари) устидан бериладиган шикоятлар жуда кам учрайдиган маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар туркимига кирса-да, бундай ишлар ҳам судларга тааллуқли эканлиги белгиланган. Сайлов билан боғлиқ ишлар аксарият ҳолларда участка комиссияларида, тегишли ҳокимиятларда ҳал этилади. Суд идораларида бу туркумдаги ишларни юритиш фақат қонунда кўрсатилган ҳоллардагина уларга тааллуқли бўлади (ФПКнинг 272-моддаси).

Сайлов ўтказишда участка сайлов комиссияларининг аҳамияти муҳим ўрин тўтади. Улар ҳар бир сайловчини сайлов рўйхатига тўғри киритишлари даркор. Бу ишлар туман (шаҳар) ҳокимият-ларини роли беқиёс бўлиб, улар шу ҳудудда истикомат қилувчи сайловчиларнинг рўйхатлари ва бошқа сайловга доир маълумотлар билан сайлов комиссиясини таъминлаши ва шулар асосида рўйхат тузиши лозим. Фуқаролар сайлов рўйхати билан танишиш учун сайлов участка комиссияси биносига таклиф қилинади. ҳар қандай Ўзбекистон фуқароси сайлов комиссиясига сайловчилари рўйхатидаги хато ва камчиликлар тўғрисида арз қилишга ҳақлидирлар.

Фуқароларнинг сайловчилар рўйхатидаги нотўғриликлари тушунчасига, чунончи: рўйхатга киритилмаслик, рўйхатдан чиқарилганлик, фамилияси, исм ва отанинг исми бузиб ёзилганлик ва ҳоказо киради. Участка сайлов комиссияси сайловчининг аризасини йигирма тўрт соат ичида кўриб чиқиши лозим. Рўйхатга нотўғри киритилганлик тўғрисидаги ва қонунда кўрсатилган бошқа масалалар ҳамда тегишли участка сайлов комиссияси томонидан чиқарган қарорлардан норози томон шу қарор устидан тегишли сайлов участкаси жойлашган туман, шаҳар судига шикоят беришлари мумкинлиги қонунда кўрсатилган.

Судда бериладиган бундай шикоятга шикоятчининг аризаси рад қилинганлиги тўғрисидаги участка сайлов комиссиясининг асослантирилган маълумоти илова қилинади.

Агар бу ёзма маълумот шикоят билан бирга тақдим этилмаган бўлса, суд уни тегишли участка сайлов комиссиясидан талаб қилиб олишга мажбур.

Демак, суд шикоятни қабул қилиши учун ариза берувчи шахс сайловчилар рўйхатида бўлган нотўғриликларни тузатиш тўғрисида илгари ариза берган бўлиши ва сайлов комиссияси бу аризани рад қилган бўлиши керак деган хулоса қилиш лозим.

Агар фуқаро аризани аввал сайлов комиссиясига бермасдан, судига шикоят қилган тақдирда суд арз қилувчига сайловчилар рўйхатини тузатишнинг қонун билан белгиланган тартибини тушунтириб, шикоятни тегишли участка сайлов комиссиясига юборишга мажбур.

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисига сайлов ўтказиш тўғрисидаги қонуннинг 18-моддасида кўрсатилганидек, Сайлов комиссиясининг қарорлари сиёсий партияларнинг органлари ҳокимият вакиллик органлари, депутатликка номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари, кузатувчилари, сайловчилар

томонидан юқори сайлов комиссиясига ёки судга қарор қабул қилингандан кейин ўн кун муддат ичида шикоят қилишлари мумкин. Марказий сайлов комиссиясининг қарори эса, қарор қабул қилингандан кейин ўн кун муддат ичида Республика Олий судига шикоят қилиниши мумкин.

Амалдаги кодексда сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят судда уч кундан кечиктирмай кўриб чиқилиши агар, сайлов кунига (масалан олти кун ёки ундан кам) вақт қолган бўлса дарҳол кўриб чиқиши белгиланган. Шикоятни суд очик суд мажлисида ариза берувчини ва тегишли сайлов комиссиясининг вакилини, шунингдек прокурорни агар шикоят ариза берувчига дахли бўлмасдан бошқа фуқароларга тегишли бўлса, ўша фуқароларни ҳам чиқарган ҳолда кўради.

Кўрсатилган шахсларнинг келмаслиги, агар судда ишни кўриш тўғрисидаги чақирув хати уларга топширилган бўлса, ишни кўришга тўсқинлик қилмайди. Лекин суд бу шахсларнинг шахсий баёнотларини зарур деб топса, ишни кўришни кейинга қолдиради ва улар қайтадан чақиради.

Суд сайлов комиссиясининг ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар билан боғлиқ ишларни прокурорнинг иштирокида кўради.

Суднинг сайлов комиссиясининг ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлари бўйича чиқарган ҳал қилув қарори бу соҳадаги камчиликларга ўзгартириш киритиши учун асос бўлади.

Бинобарин, бу қарор чиқарилиши билан дарҳол тегишли сайлов комиссиясига ва аризачига топширилади.

4-§. Нотариал ҳаракатлар ёки бундай ҳаракатларни бажаришни рад этганлик устидан берилган шикоятлар тўғрисидаги ишларни кўриш

Амалдаги «Нотариат тўғрисида»ги 1996 йил 26 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг қонунида ва ФПКнинг 273-моддасида кўрсатилишича, манфаатдор шахс мансабдор шахс бажарилган нотариал ҳаракатларни ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар бажарган нотариал ҳаракатни бажариш рад этилганлигини нотўғри деб ҳисобласа, бу ҳақидаги у судга шикоят қилишга ҳақлидирлар.

Мансабдор шахслар шикоятни нотариал контора, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар турган жойдаги туман (шаҳар) судига бериши мумкин.

“Нотариат тўғрисида”ги қонунда Лецензия бериш рад этилганлиги ҳақида чиқарилган қарор устидан ҳам судга шикоят бериш белгиланган.

Нотариат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи Лицензия қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари томонидан малака комиссияларининг қарорлари асосида берилади. Лецензия бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгилаб қўйилган. Лецензия бериш рад этганлиги тўғрисидаги судга қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармасининг қарори олинган кундан бошлаб бир ой ичида шикоят қилиши мумкин.

Судга мансабдор шахслар томонидан нотўғри тасдиқланган васиятномалар ва ваколатномалар тўғрисидаги ёки мазкур шахслар нотариал ҳаракатларни бажаришни кечиктириш ёки уни амалга оширишни рад этганликлари ҳақидаги шикоятлар тегишли бўлишига қараб, касалхона ва бошқа стационар даволаш профилактика муассасаси, санаторий, кексалар ва инвалидлар уйи, экспедиция, госпиталь, ҳарбий даволаш муассасаси, ҳарбий қисм, кўшилма, ҳарбий ўқув юрти, қамоқхона жойлашган ердаги туман (шаҳар) судига топширилади. Ўзбекистон Республикаси байроги остида сўзиб юрувчи денгиз кемаси ёки хавзаларида бўлган кема капитани нотўғри тасдиқланган васиятнома тўғрисидаги ёки капитан уни тасдиқлашни рад этганлиги ҳақидаги шикоятлар эса шу кема рўйхатига олинган порт жойлашган ердаги туман (шаҳар) судига берилди.

Одатда, нотариал ҳаракатлар барча зарур ҳужжатлар топширилган куннинг ўзидаёқ амалга оширилади. Айрим ҳолларда нотариус нотариал ҳаракатлар қилишни бошқа кунга қолдириши мумкин, аммо уч кундан ошиқ муддатга кечиктирмаслиги лозим.

Нотариал ҳаракатни амалга ошириш қўшма маълумотларни талаб қилиш ёки ҳужжатларни экспертизага юбориш зарур бўлганида кечиктирилиши мумкин.

Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш, башарти қонунга биноан манфаатдор шахслардан ушбу ҳаракатни амалга оширишга эътироз бор-йўқлигини сўраш лозим бўлганда, кечиктирилиши мумкин. Нотариал ҳаракатни амалга оширишни кечиктириш муддати бир ойдан ошмаслиги лозим. Нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган шахснинг талабига кўра унга нотариал ҳаракатни амалга оширишни кечиктириш ҳақидаги қарор берилди.

Манфаатдор шахс тасдиқлашни сўраётган ҳуқуқ ёки факт устида даъволашиш учун судга мурожаат қилиш истагидаги бошқа манфаатдор шахснинг аризага кўра нотариал ҳаракатни амалга ошириш кўпи билан ўн кун муддатга кечиктирилиши мумкин. Агар бу муддат ичида ариза тушганлиги ҳақида судга маълумот олинмаса, нотариал ҳаракат амалга оширилиши лозим.

Юқорида келтирилган қонунга мувофиқ шикоят ишининг кўрилиши учун қуйидагича далиллар келтирилиши ёки суд томонидан талаб қилиб олиниши керак.

Биринчидан, нотариал ҳаракат бажарилганлиги ёки унинг бажарилиши тўғрисидаги ҳужжат. Бундай ҳужжат, чунончи: меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома беришни рад қилганлик, ижро хати беришни рад қилганлик, олди-сотди, мулкни ҳады қилиш тўғрисидаги ва бошқа битимларни гувоҳлантиришни рад қилганлик тўғрисидаги нотариуснинг қарори;

Иккинчидан, шикоят юзасидан нотариуснинг ёки нотариал ҳаракатларни бажарувчи орган вакилининг ёзма баёноти ва бунга илова қилинадиган тегишли ҳужжатлар;

Учинчидан, шикоятда кўрсатилган важларни исботлайдиган далиллар, масалан, уй-жойга бўлган эгалик ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатлар,

васиятнома, автомашина ҳужжати, товарнинг кредитга олинишида берилган мажбуриятнома ва шу каби далиллар бўлади.

Нотариал ҳаракат нотўғри бажарилганлиги ёки уни бажариш рад этилганлиги ҳақидаги шикоятлар нотариал ҳаракат нотўғри бажарилганлиги ёки бундай ҳаракатни бажариш рад этилганлиги аризага маълум бўлган кундан эътиборан йигирма кунлик муддатда берилади.

Шикоятда бажарилган нотариал ҳаракатнинг ёки бундай ҳаракатни бажаришнинг рад этишнинг нотўғрилиги нималардан иборат эканлиги кўрсатилиши лозим.

Шикоят бериш муддати ўтказиб юборилганда уни тиклаш ҳақидаги илтимос суд томонидан умумий асосларда ҳал қилинади.

Қарздор нотариус ёки консул томонидан берилган ижро хати хусусида умумий тартибда даъво тақдим этиш йўли билан низолашиши мумкин. Бажарилган нотариал ҳаракат негизида манфаатдор шахслар ўртасида келиб чиққан ҳуқуққа доир низо тааллуқлилигига қараб, суд томонидан кўрилади.

Нотариус ва нотариал ҳаракатларни бажарувчи идораларнинг хатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоятлар 1996 йил 26 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Нотариати тўғрисида”ги қонунининг 39-моддаси, ФПКнинг 31-моддаси, 264-модданинг 3-банди ва 273-275-моддаларига мувофиқ кўрилади.

5-§. Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларидаги нотўғриликларни белгилаш

Ушбу мавзу амалдаги Фуқаролик процессуал кодексида мансабдор шахсларнинг ноҳуя хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш бобида берилган, чунки бундай ишлар бизнинг назаримизда мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари билан боғлиқ бўлиши деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун бундай туркумдаги ишларни алоҳида тартибда кўриладиган бобдан ушбу бобга ўтказилган.

Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларини қайд қилиш идораларида ходиса ва ҳаракатлар белгиланган рўйхатга олингандан кейингина фуқаролар, давлат ва жамоат ташкилотлари субъектларининг, ҳуқуқ ва манфаатлари тегишли фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларини қайд этиш идораларида ва судларда ҳимоя қилиниши мумкин.

Оила кодексида кўрсатилганидек, туғилиш, фарзандликка олиш, оталикни белгилаш, исм, отанинг исми ва фамилияни ўзгартириш, никоҳ тузиш, никоҳдан ажралиш ва ўлим ҳолатлари фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш давлат идораларида ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш тўғрисидаги 1993 йил 2 сентябрдаги Қонунга кўра, шаҳарча, кишлоқ, овул фуқаролари йиғинининг раиси (оксоқоли) фуқаролик ҳолати актларини рўйхатга олишни қайд қилиши лозим.

Далолатнома ёзувларига тузатиш кириш учун асос бўлган ҳолатлар далолатнома ёзувларидаги ва бериладиган тегишли гувоҳномаларни ёзишда йўл қўйилган хато ва ноаниқликлар ҳисобланади.

Фуқаролик ҳолати далолатномалардаги ёзувлар унда номлари кўрсатилган шахсларнинг ҳуқуқ ва буржларини белгилаш билан бирга бошқа шахсларнинг ҳам ҳуқуқ ҳамда буржларига таъсир этиш мумкин. Шу туфайли бундай ёзувларнинг тўғри бўлиши муҳим аҳамиятга эгадир. Далолатнома ёзувлари расмий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Бу туркумдаги ишларни туғилиш, фарзандликка олиш, никоҳ, ажралиш ва вафот этганлик фактларини белгилашга оид бўлган ишлардан фарқи шундаки, нотўғриликлари белгилашда далолатни тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд бўлиб, фақат бу ҳужжат ўзидаги ноаниқликлар борлиги билан фарқланади.

Ёзувларда бўлган хатолар, нотўғриликлари одатда фуқаролик ҳолати далолатларини қайд қилиш тўғрисидаги низога биноан тузатилади. Агар фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш идораларида ҳуқуқ ҳақида бирон низо бўлмаса ҳам, ёзувга тузатиш киритишни рад этган бўлсалар, фуқаролик ҳолатлари далолатномалари дафтаридаги ёзувларнинг нотўғрилигини белгилаш тўғрисидаги ишларни суд кўради. Бундай ишлар амалдаги Фуқаролик Процессуал кодексида судлар томонидан давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракат (қарор)лари устидан берилган шикоятларни судда кўриш қоидаси асосида кўрилади.

Бундай тоифадаги ишлар бўйича мафаатдор шахслар нафақат ҳужжатларида хато нотўғриликлар бўлган фуқаролар бўлиб қолмай, балки мерос қолдирувчини вафотидан кейин тегишли ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлган уларнинг меросхурлари ҳам бериши мумкин. Вояга етмаган болаларнинг туғилганлик ҳақидаги ёзувларга тузатиш киритиш ҳақида уларнинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари ҳам шикоят билан мурожаат этишга ҳақлидирлар.

Дафтарлардаги ёзувларнинг нотўғрилигини белгилаш тўғрисида судга манфаатдор шахслар: ҳужжат эгалари, ворислар ва тегишлича бошқа шахслар, шунингдек, прокурор мурожаат қилиши мумкин.

Фуқаролик ҳолатлари далолатномалари дафтаридаги нотўғри ёзувларни белгилаш тўғрисидаги шикоят, шикоят берувчи яшайдиган жойдаги судга берилади. Шикоятда фуқаролик ҳолатлари далолатномалари дафтаридаги ёзувларнинг нотўғрилиги нимадан иборат эканлиги, қачон ва қайси фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш органи томонидан ёзилган ёзувни тузатишни рад этганлиги кўрсатилиши лозим. Булардан ташқари шикоятда тегишли гувоҳнома нусхаси, рад этиш хулосаси, ҳужжатлардаги хатоларни тузатиш ёки уларга ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги маълумотлар ҳам илова қилинади.

Суд шикоятлари тайёрлаш фактида лозим ҳолларда тегишли ҳужжатларни ўз ташаббуси билан талаб қилиб олиши ҳам мумкин. Шу билан бир қаторда судья манфаатдор шахслардан, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш идораларидан ва бошқа манфаатдор ташкилот, фуқароларни ишга жалб қилиш масаласини ҳам кўриб чиқади. Агар суд фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларидаги хатоликларни кўришда, манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқи бузилишида низо борлиги аниқланса, бу ишлар даъво юритиш қоидалари асосида ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Фуқаролик ҳолати

актлари ёзуларидаги хатоликларини белгилашни тартибга солувчи қонунчиликни судлар томонидан қўллаш ҳақида»ги 1992 йил 13 ноябрдаги қарорида¹ суд фуқаролик ҳолати актидаги шикоятчини туғилганлик ҳақидаги ёзувда ота-онасини миллати ёзилмай қолган бўлса, бу масалани ҳам кўриши ҳамда агар, бедарак йўқолган деб топилган эса ёки хотин топилса, уларнинг никоҳини бекор қилиш ҳақидаги ёзувлардан ташқари фуқаролик ҳолати актлардаги дастлабки ёзувларни бекор қилиш масаласи суд томонидан ҳал қилиниши белгиланган.

ФПКнинг 275-моддаси 2-қисмига мувофиқ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш дафтаридаги ёзувнинг нотўғрилиги тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш идораларининг бундай ёзувни тузатишлари учун асос бўлади.

Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларидаги нотўғриликларни белгилашга оид бошқа масалалар юқорида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1992 йил 13 ноябрдаги «Фуқаролик ҳолати актлари ёзувларидаги хатоликларни белгилашни тартибга солувчи қонунчиликни судлар томонидан қўллаш ҳақида»ги қарорида² ўз ифодасини топган.

6-§. Прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиши ҳақида

Юқорида фуқаролик ишларини судда кўриш билан боғлиқ бўлган прокурорнинг процессуал фаолияти тўғрисида фикр юритилган эди.

Прокурор ўзига берилган ваколат доирасида қонунларни аниқ бажариши юзасида назорат олиб борувчи мансабдор шахс бўлиб, фуқаролик ишлари бўйича ҳам судлар томонидан қонуний ва асосли қарор чиқаришга кўмаклашиши лозим. «Прокуратура тўғрисида»ги 2001 йил 29 август қонунида белгиланганидек, прокуратура идораларининг фаолияти юқоридагилар билан бирга қонунинг устунлигини ҳар томонлама қарор топтиришга, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан мустаҳкамланган инсон ва фуқаронинг ижтимоий, иктисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига, шунингдек давлат мустақиллигини, ижтимоий давлат тузуми, сиёсий ва иктисодий тизимларини, миллий гуруҳлар ва тузилмаларнинг ҳуқуқларини ғайриқонуний тажовузлардан муҳофиза қилишни тامينлашга қаратилган.

Прокуратурани назорат қилиш доирасига вазирликлар, давлат қумиталари ва идоралари, корханалар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар томонидан чиқариладиган актларнинг қанчалик қонуний эканлиги ҳам киради.

Масалан, прокурор ҳам ўзини-ўзи бошқариш органларининг қарорлари, шунингдек раис (оксоқол)нинг хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш мумкин (қонуннинг 25-моддаси).

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги ва 2002 йил 14 июндаги 11-сонли қарорига асосан киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар билан.

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги ва 2002 йил 14 июндаги 11-сонли қарорига асосан киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар билан.

Прокурорлар ўз фаолиятларини судларда жиноий ишларни кўриш давлат айбловни қўллаб-қувватлаш, фуқаролик ишларини маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда хўжалик низоларни кўришда иштирок этиш билан қонунларга зид бўлган суд харажатларига протест келтирадилар.

Фуқаролик қонунчилигида кўрсатилганидек, давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқароларнинг ёки юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

«Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига асосан прокурор ёки унинг ўринбосари қонунга зид бўлган ҳуқуқий ҳужжатга нисбатан ана шу ҳужжатни чиқарган идорага ёки юқори берувчи идорага протест келтирадилар. Мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатларига нисбатан ҳам худди шу тартибда протест келтирилади.

Прокурор келтирилган протест бу протест топширилган вақтдан бошлаб кўпи билан ўн кунлик муддат ичида қараб чиқилиши лозим. қонунийлик бузилганлигидан тезда барҳам бериш талаб қилинган ғавкулотда прокурор протестни кўриб чиқишнинг қисқартирилган муддатини белгилашга ҳақдидир.

Протестни қараб чиқиш натижалари тўғрисида прокурорга дарҳол ёзма равишда маълум қилиниши белгиланган.

Протест ғайриқонуний ҳуқуқий ҳужжат чиқарган идора ёки юқори турувчи идора томонидан рад этилган тақдирда, шунингдек протест қонунда белгиланган муддат ичида қараб чиқилмаган тақдирда, прокурор тегишли судга ана шу ҳужжатни ғайриқонуний деб эътироф этиш тегрисидаги ариза билан мурожаат қилиши мумкин. Судга ариза, протест рад этилганлиги тўғрисидаги маълумот берилган пайтдан бошлаб бир ойлик муддат ичида ёки қараб чиқиш учун қонунда белгиланган муддат ўтгандан кейин берилиши кўрсатилган.

Ана шу қонундан бажарилишига қаратилган ФПКнинг 29-боби прокурорни ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш тўғрисида ариза билан тегишли идоралар ва мансабдор шахслар устидан судга мурожаат этиш тартиби белгиланган. Масалан, ФПКнинг 276-моддасида прокурор қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра ҳақиқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш ҳақида ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақ эканлиги махсус ҳуқуқий меъёр сифатида ифода этилган.

Прокурорнинг судга ариза бериши судда кўриб чиқилгунга қадар ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб қўйишлиги ҳам асослангандир.

Суд бундай туркумдаги ишларни фуқаролик суд юритиш қоидаларининг умумий тартиби асосида кўриб ҳал этади, жумладан, ишни судга тайёрашда процессга жалб этиладиган шахслар, уларнинг вакиллари ва бошқалар ҳақида. ФПКнинг 158-161-моддаларида кўрсатилган ҳаракатларни амалга ошира бориб, ишни мазмунан кўришга тайинлаши лозим.

Прокурорнинг аризасини суд йигирма кун ичида унинг иштирокида ва протестни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилган ёхуд протоестни кўриб чиқмаган органнинг раҳбари ёки унинг вакили иштирокида кўриб чиқади.

Суд мажлисига орган раҳбари ёки унинг вакили узрсиз сабабларга кўра келмаганлиги прокурорнинг аризасини кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди, бироқ суд бу шахснинг келишини мажбур деб топиши ФПКнинг 277-моддасида берилган.

Прокурор фуқаролик ишларини кўзгатиш, унда иштирок этиш шаклидан қатъий назар, ҳамма вақт давлат вакили қонунни бажарилиши устидан назорат қилувчи орган бўлиб қолаверади. Шу сабабли прокурор ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш тўғрисида ариза билан судга мурожаат этганда судга низо қилгандан сўнг оқибатда ҳақли бўлиб чиққан тарафнинг манфаатини ҳимоя қилган бўлади.

Агар суд прокурорнинг аризаси асосли эканлигини аниқласа, аризани қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаради ва ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топади.

Бундан ташқари, агар суд протест келтирилган ҳужжат уни чиқарган органнинг ваколатлари доирасида қонунга мувофиқ қабул қилинган деб топса, у аризани қаноатлантиришни рад этиш ҳақида ҳал қилув қарорини чиқаради.

Прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича суд чиқарган ҳал қилув қарори протестини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилган ёки протестни кўрмаган орган раҳбарига юборилади.

Прокурор фуқароларни манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга ариза билан ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш ҳақида мурожаат этиш билан, агар давлат органлари, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шу жумладан, давлат органи ёки фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар давлат томонидан ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан тўлаши лозимлиги масаласини ҳам қўйиши мумкин.

Демак прокурор давлат бошқарув идоралари ва жамоат ташкилотлари томонидан қабул қилинадиган ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш тўғрисида ариза билан судга мурожаат этиш қоидалари ҳам давлат, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий меъёрлардир.

Суд ҳам ўз навбатида давлат органлари ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органининг қонунга зид бўлган ҳуқуқий меъёрлари мавжудлигини аниқлаган тақдирда ишни ҳал этишда бу ҳужжатларни тадбиқ этмаслик масаласини кўриб чиқиши лозим.

ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ БОБ

АЛОҲИДА ТАРТИБДА ИШ ЮРИТИШ

1-§. Алоҳида тартибда кўриладиган ишлар тушунчаси ва моҳияти

Суд амалиётида аксарият ҳолларда фуқаролик ишлари бирон-бир бузилган шахсий ёки мулкӣ ҳуқуқнинг ҳимоя қилиниши тўғрисида, даъво ишлари тарзида кўзғатилади. Аммо баъзи ҳолларда фуқаролик ишлари ҳуқуқ тўғрисида низо бировнинг бировга даъвоси бўлмаганида ҳам судларга кўзғатилиб, кўрилиши ва ҳал қилиниши мумкин. Масалан, фуқаролар пенсия ёки мерос олиши учун зарур бўлганида бирон бир фактнинг мавжудлигини, айтишлик, бировнинг фарзанди ёинки боқимида бўлганлигини тасдиқлатиш зарур бўлганида бировларга нисбатан даъво кўзғатмасдан, балки судга ариза билан, муддаосини айтиб, мурожаат этади.

Бундай ҳолларда фуқаролик ишлари даъво ишларини юритиш тартибда кўрилмасдан, балки алоҳида иш юритиш тартибда кўрилади. Судларда бу тартибда ҳам субъектив ҳуқуқлар ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларни ҳимоя қилиш мақсад қилиб кўйилади.

Низосиз ишлар, яъни ФПКнинг 279-моддасида кўрсатилган ишлар, судлар томонидан ФПКнинг 30-35-бобларида кўрсатилган истисно ва қўшимчалар билан ФПКнинг умумий қоидаларига мувофиқ кўрилади.

Суд томонидан алоҳида иш юритиш тартибда кўриладиган низосиз ишлар жумласига:

- 1) юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш тўғрисидаги;
- 2) фуқароларни бедарак йўқолган деб топиш ва фуқароларни ўлган деб эълон қилиш тўғрисидаги;
- 3) руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги туфайли фуқароларни муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги;
- 4) мол-мулкни, ашёни эгасиз деб топиш тўғрисидаги;
- 5) берилган ҳужжатларни йўқолган тақдирда, уларга бўлган ҳуқуқларни тиклаш (чақириб иш юритиш) бошқача қилиб айтганда тақдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқолган тақдирда улар бўйича ҳуқуқларни тиклаш тўғрисидаги;
- 6) ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ишлар киради.

Алоҳида тартибда кўриладиган ишларда ҳуқуқ ҳақида низо бўлмайди, шу белгиси билан у даъво ишларини юритишдан фарқ этади. Алоҳида тартибда иш юритишдан мақсад фуқароларнинг бирон-бир ҳуқуқлари вужудга келганлиги, ўзгарганлиги ёинки бекор бўлганлигини, яъни юридик фактларнинг мавжудлиги ёки уларнинг йўқлигини аниқлашдан иборат бўлади.

Даъво ишларини юритишда эса-суд фаолияти бирмунча кенгрок бўлади. Бунда суд юридик фактларни аниқлабгина қолмай, шу билан бирга аниқланган фактларга моддий-ҳуқуқий нормаларни тадбиқ этиши, тарафларнинг ҳуқуқ ва

мажбуриятлари ҳақида тегишли хулосага келиши, яъни фуқаролик ҳуқуқий низоларни ҳал этиши лозим бўлади.

Алоҳида тартибда кўриладиган ишларда-ҳуқуқ тўғрисида низо бўлмагани туфайли тарафлар, яъни жавобгар, даъвогар, учинчи шахслар ҳам бўлмайди, фақат ўз муддаосини айтиб, судга мурожаат қилувчи аризачигина ва бошқа манфаатдор шахсларгина бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам алоҳида тартибда кўриладиган фуқаролик ишларида баъзи фуқаролик процессуал нормаларнинг, масалан, шерик иштирокчилик, тегишсиз тарафни тегиши тараф билан алмаштириш, келишув битими ва шу каби процессуал ҳаракатларга оид нормалар қўлланилмаслиги мумкин.

Алоҳида тартибда кўриладиган ишларни суд фуқаролик процессуал ҳуқуқнинг барча тамойилларига эътибор берган ҳолда (ошкоралик, оғзакилик, эркин ҳуқуқ ва тортишувлик ва ҳоказо) кўриши лозим. Бундай туркумдаги ишларда низо бўлмаса ҳам, бироқ далилларни исботлаш вазифаси арз қилувчи шахс зиммасига юклатилган бўлади.

Алоҳида тартибда юритиладиган ишларнинг суд ариза берувчи ва манфаатдор фуқароларнинг, ташкилотларнинг иштирокида кўрилади (ФПКнинг 281-моддаси).

Судья бу туркумдаги ишларни ҳам судда кўришга тайёрлайди, иш учун аҳамиятли ҳужжатларни талаб қилади, муҳим гувоҳлик бериш мумкин бўлган гувоҳларни, тегишли ташкилот вакилларини судга таклиф қилади, лозим бўлса экспертиза тайинлайди, судда кўриладиган ишларнинг қандайлигини аниқлашга ҳаракат қилади ва ишни суд мажлисида кўришга тайинлайди.

Агар алоҳида тартибда юритилаётган ишни кўриш вақтида судларга тааллуқли ҳуқуқ тўғрисида низо бўлса, суд аризани кўрмасдан қолдириб, манфаатдор шахсларга умумий тартибда даъво қўзғатишни таклиф қилади (ФПКнинг 282-моддаси).

2-§. Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш

Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилашни суд тартиби фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларнинг, меҳнатга, никоҳ ва оилага оид ҳамда бошқа ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини, шунингдек мулкӣ ҳуқуқлар олинишида кўриқланишини кафолатлайди.

Юридик фактнинг белгиланиши тўғрисидаги ариза фақат тубандагича ҳоллардагина:

Биринчидан, агар бу факт шахсий ёки мулкӣ ҳуқуқларни вужудга келтирадиган, ўзгартирадиган ёки бекор қиладиган бўлса;

Иккинчидан, бу фактни белгилаш суд ваколатига тааллуқли бўлса;

Учинчидан, юридик фактни белгилаш тўғрисидаги ҳужжатларда бошқа тартибда ариза берувчи томонидан олиниши мумкин бўлмаганидагина кўриш учун суд томонидан қабул қилиниши лозим. Масалан, йўқолган фуқаролик ҳолати актларни тиклаш иши, бундай ҳолатларни қайд қилувчи идоралар томонидан, манфаатдор шахсларнинг аризаларига биноан тикланади ва агар бу

органлардан рад жавоби олинсагина фуқаролик ҳолати актининг, чунончи: боланинг туғилиши, никоҳдан ўтганлик, фуқароларнинг ўлганлиги ва ҳоказолар тўғрисидаги актнинг қайд қилиниши фактнинг суд томонидан белгиланиши мумкин. Бинобарин суд фуқаролик ҳолати актини қайд қилганлиги тўғрисидаги фактнинг белгилаш тўғрисидаги ариза қабул қилишида ариза берувчи шахснинг бу тўғрида фуқаролик ҳолати актларни ёзиш идорасига мурожаат қилмаганлигини ва нима сабаблар бўйича илтимоси рад қилганлигини аниқлаши лозим.

Суд амалиётида маълум ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқарадиган фактларгина белгилаш, тегишли ҳужжатларни судсиз тартибда олиш ёки йўқотилган ҳужжатларни тиклаш мумкин бўлмаслиги тўғрисидаги мажбурий шартга риоя қилинмаслиги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 1991 йил 20 декабрь қарори ва унга 1997 йил 2 май, 1998 йил 11 сентябрь ва 2002 йил 14 июндаги 11-сонли қарорига асосан киритилган қўшимча ва ўзгартиришларда таъкидланган.

“Пенсиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ пенсия олиш учун бировнинг қарамоғида бўлганлик факти ҳокимликларнинг ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарадиган идораларнинг берган маълумотлари билан, шунингдек бошқа ҳужжатлар билан тасдиқланади. Бинобарин, агар ариза берувчи ўзига зарур бўлган ҳужжатни олиш учун тегишли ташкилотларга мурожаат қилмаган бўлса, бундай фактлар судлар томонидан белгиланмаслиги керак.

Бирон-бир ҳуқуқ берадиган ёки белгилайдиган ҳужжатнинг муайян шахсга тегишли бўлишлиги фактини белгилаш тўғрисидаги аризани қабул қилишда аризачининг ҳужжат берган тегишли ташкилотга, ҳужжатга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги мурожаат қилган қилмаганлигини аниқлаш лозим. Агар ҳужжатга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги илтимос рад қилинган бўлса, қандай асослар бўйича рад қилинганлиги кўрсатилиши керак;

Тўртинчидан, бундай фактни белгилаш судларга тааллуқли бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги низони ҳал қилиш билан боғлиқ бўлмаслиги керак. Агар юридик фактни белгилаш ариза берувчига, кейинчалик судда бирон-бир иш бўйича даъво кўзғатиш, чунончи меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида ёки етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги ва шунингдек, бошқа фуқаролик даъволари учун зарур бўлган ҳолларда унинг аризаси иш юритиш тартибида кўрилмаслиги керак, чунки бундай фактни белгилаш даъвонинг судда ҳал қилиниши билан бир вақтда кўрилиши мумкин.

ФПКнинг 283-моддасида фуқаролар ёки ташкилотларнинг шахсий ёки мулкый ҳуқуқларнинг келиб чиқиши, ўзгариши ёки тугалишига сабаб бўладиган фактларни, яъни юридик аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий оқибатлар туғдирадиган фактларни суд белгилаши кўрсатилган.

Буларда айтилишича, суд қуйидаги фактларни белгилаш тўғрисидаги ишларни кўради:

1. Шахснинг қариндошлик алоқалари-фактини белгилаш. Олий суднинг юқорида кўрсатилган Пленум қарорида-қариндошлик муносабатлари

деганида тўғри қариндошлик, бири иккинчисидан ёки бир умумий уругдан келиб чиққан шахсларнинг қон-қариндошлиги назарда тутилади. Қон-қариндошликнинг йўқлиги қариндошликнинг йўқлигидан далолат бериши таъкидланган.

Бундай фактнинг белгиланши-ворислик ҳуқуқини олиш, боқувчисини йўқотганлик туфайли пенсия олишга бўлган ҳуқуқни расмийлаштириш, кўп болали оналарга (оилалар) бериладиган давлат ёрдамини олиш, автомашинанинг ҳады қилинишини нотариал тартибда расмийлаштириш учун ва бошқа баъзи ҳолларда зарур бўлиши мумкин.

Демак, шахсларнинг қариндошлик алоқаларини белгилаш арз қилувчи учун қандайдир ҳуқуқий оқибат келтириб чиқариши керак.

Бундай фактларни белгилаш судда ташқари бошқа идораларда ҳал қилишнинг иложи бўлмасагина йўл қўйилади.

2. Шахснинг бировнинг қарамоғида бўлганлиги фактини белгилаш.

Бундай фактнинг белгиланиши асосан ворислик ҳуқуқини ёки пенсия олишга ёхуд боқувчининг ўлими туфайли кўрган зарар ҳақини олишга бўлган ҳуқуқни расмийлаштириш учун талаб қилинади.

Агар фақининг белгиланиши ворислик расмийлаштириш учун зарур бўлса, ариза берувчидан марҳумнинг ўлимига қадар камида бир йил унинг қарамоғида бўлганлиги ва меҳнатга лаёқатсизлиги аниқланади. Бундай ҳолларда мерос қолдирувчи билан қарамоғида бўлган шахс ўртасида қариндошлик муносабатлари бор-йўқлиги аҳамиятли эмас (ФКнинг 1141-моддаси).

Агар фактнинг белгиланиши пенсия таъминоти олиш учун зарур бўлса, бундай ҳолларда: биринчидан, қарамоғидаги шахснинг барча ҳолларда меҳнатга лаёқатсиз бўлиб кўрилиши шарт эмас, чунки марҳумнинг 18 ёшга тўлмаган ўқувчи болалари, укалари, пенсия ёшидаги ота-оналари ва бошқалар «Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тўғрисида»ги Низомга биноан пенсияга олиш ҳуқуқига эга бўладилар; иккинчидан, умумий қоида бўйича, марҳумнинг қарамоғида қанча вақт давомида бўлишликнинг ҳам аҳамияти йўқ.

Боқувчисининг ўлими муносабати билан нафақа олишга бўлган меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг доираси қатъий бўлиб, уни кенгайтиришга йўл қўйилмаслиги, қарамоғида бўлиш муддати белгиланмаслиги, оила аъзоларининг бошқа-бошқа яшашлиги, аризачини боқишга мажбур бўлган бошқа қариндошининг борлиги қарамоғида бўлганлик фактини истисно қилмаслиги Олий суднинг юқоридаги Пленум қарорини 10-бандида кўрсатиб берилган.

Ўғай ота-оналарга нисбатан истиснолар юқорида айтилган Низомнинг 66-моддасида кўрсатилган. Уларнинг марҳум уғай болаларининг қарамоғида камида ўн йил бўлган бўлишлари керак; учинчидан, марҳумнинг фақат оила аъзоси бўлиб кўрилган қарамоғидаги шахсгина пенсия олишга ҳақли бўлади.

Агар бу фактнинг белгиланиши кўрилган зарар ҳақини олиш учун зарур бўлса, аризачининг 1-дан, марҳумнинг қарамоғида бўлиш ёки ундан таъминот олиш ҳуқуқига эга бўлиши ва 2-дан, меҳнатга лаёқатсиз шахс бўлиши керак.

Ўлганнинг қармоғида бўлиш фактини белгилаш учун бериб келинган ёрдам аризачини ҳаёт кечиринишга асосий манба бўлган бўлиши мерос олиш, нафақа ёки зарарни тўлатиш аҳамиятга эга эканлиги Олий суднинг юқоридаги Пленум қарорида ўз ифодаси топган. Булардан ташқари аризачи иш ҳаққи, нафақа, стипендия олиб келган ёки бошқа даромад манбаига эга бўлган ҳолларда бокиб келган шахс томонидан берилган ёрдам аризачининг ҳаёт кечириниш учун доимий ва асосий манба бўлган-бўлмаганлиги суд аниқлаши лозим. Бундай ҳолларда ҳам аризачи масалани судсиз ҳал қила олмаганлигини аризада асослаш талаб қилинади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган шартлар бўлмаганида судья фактни белгилаш тўғрисидаги аризани қабул қилиниши рад этиши мумкин (ФПКнинг 151-154-моддалари).

3. Оталикни тан олиш фактини, боланинг у ёки бу онадан туғилганлиги фактини шунингдек туғилган вақтини белгилаш. Бундай фактларнинг белгиланиши ҳам мерос олиш, пенсия таминотини олиш, етказилган зарар ҳақларини ундириш ҳолларида зарур бўлади ва аризачиларнинг қўлларида бу тўғрида ҳужжатлари бўлмаганида судга мурожаат қиладилар. Бундай ҳолларда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш идараларида архивларнинг сақланмаганлиги туфайли шу ҳақдаги керакли ҳужжатларнинг нусхасини бериш имконияти бўлмаганлиги сабабли суд шу фактини белгилаш тўғрисидаги илтимоснигина кўради, чунки аризачининг ёшини белгилаш тўғрисидаги илтимослар қоида бўйича маъмурий тартибда, махсус тузилган комиссия томонидан кўрилади. Бундай тартиб Министрлар Советининг 1976 йил 10 декабрида қарори билан тасдиқланган Фуқаролик ҳолати актлари ёзувларини ўзгартириш, тиклаш ва бекор қилиш тартибини ҳамда акт дафтарларинининг сақланиш тартиби ва муддатларини белгилайдиган асосий қоидаларнинг 18-бандида кўрсатилган. Агар манфаатдор шахс комиссиянинг қароридан норози бўлса, ФПКнинг 269-271-моддалари тартибида судга шикоят қилишга ҳақли бўлади.

Бу туркумдаги ишларни кўришда баъзи судлар оталик фактини белгиланишини оталикнинг тан олиниши фактидан ажратмайдилар. Оталикни тан олиш факти суд томонидан фақат бола никоҳ ва оила тўғрисидаги қонун Асослари амалга киритилишига қадар, яъни 1968 йил 1 октябрга қадар туғилган бўлса, фараз қилинган ота вафот этган бўлса ва бола оталикни тан олган шахснинг боқимида бўлган бўлсагина белгиланади.

Оталик факти суд томонидан қуйидаги ҳолларда: биринчидан, бола Асослар амалга киритилгандан кейин туғилган бўлса: иккинчидан, фараз қилинган ота вафот этган бўлса ва учинчидан, Оила кодексининг 68-моддасида назарда тутилган ҳолатлар, яъни

боланинг онаси фараз қилинган ота билан бирга яшаганлиги ва бола туғилишига қадар бирга умумий рузгор юритганликлари ёхуд таъминлаб турганликлари ёки жавобгарнинг оталикни тан органлиги аниқ тасдиқловчи далиллар бўлганида белгиланиши мумкин. Бундай масалалар бўйича ишни кўришда хатога йўл қўйилиши асослантирилган қарорларнинг чиқарилишига сабаб бўлиши мумкин.

4. Болаликка олиш, никоҳ, ажралиш ва уларни қайд этганлиги фактини белгилаш. Юқорида кўрсатилган юридик фактларнинг расмийлаштирилганлиги (қайд қилинганлиги)ни тасдиқлайдиган ҳужжатлар йўқотилган бўлса ва уларни тиклаш ҳам мумкин бўлмаса (фуқаролик ҳолати актларини ёзиш идоралари уларни тиклашдан бош тортган бўлсалар) бундай фактларнинг қайд қилинганлигини белгилаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиш мумкин бўлади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 283-моддасининг 4-банди болаликка олиш, никоҳ, ажралиш ва ўлганлик фактини эмас, балки фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш органларида рўйхатга олиш фактини назарда тутишга эътибор бериш лозим. Шу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми қарорида никоҳни қайд қилинганлиги ҳақидаги маълумот мавжуд бўлганида никоҳ гувоҳномаси олмаганлик ёки уни йўқотганлик ҳолати никоҳни рўйхатга олганлик фактини белгилаш ўрнига уларни фактик никоҳ муносабатларига бўлганликларини белгилаш хато ҳисобланиши, агар никоҳни рўйхатга олинганлик фактини белгилашни сўраб, судга эр-хотиндан бири ариза билан мурожаат қилганлик тақдирда, иккинчи манфатдор шахс сифатида ишга жалб қилиниши ҳақида тушунтириш берилган. Булардан ташқари судларга болаликка олишни рўйхатга олганлик фактини, шунингдек фарзандликка олиш ҳақида ҳокимият қарори қабул қилинганлиги фактини ҳам белгилаши судларга тааллуқли ҳисобланади. Шу билан бирга фактик равишда болаликка олинганлик ҳуқуқий аҳамиятга эга эмаслиги ва бундай аризалар судга тааллуқли эмаслиги юқоридаги Пленум қарорининг 12-бандида кўрсатилган.

5. Эр-хотиндан бирининг ўлими натижасида фуқаролик ҳолатлари актларини қайд қилиш органларида никоҳни рўйхат қилиш мумкин бўлмаса, қонунда белгиланган ҳолларда, ҳақиқатда эр-хотинлик муносабатларида бўлганлик фактини белгилаш. Оила кодексининг 13-моддасида кўрсатилганидек, фуқаролик ҳолати актларини ёзиш давлат идораларида тузилган никоҳгина эр билан хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини вужудга келтиради, шу билан бирга қонун Бухоро ва Хоразмда 1928 йил 1 октябрга қадар ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг бошқа туманларида эса-1917 йил 20 декабрга қадар диний маросимлар бўйича тузилган никоҳ ҳам қайд қилинган-никоҳга тенглаштирилганлиги билдиради.

Мазкур модданинг мазмунига кўра никоҳларини расмийлаштирилмаган шахслар эр-хотин бўлиб ҳисобланмасдан, балки бирга яшовчиларгина (сожители) бўлиб кўриладилар. Бундай шахслар ўзлари ва фарзандларини манфаатлари учун никоҳларини тегишли тартибда расмийлаштиришлари зарур. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1944 йил 22 август Фармони чиқарилишига қадар никоҳларни тегишли тартибда қайд қилдирмасдан, эр-хотин бўлиб яшовчилар ҳам бор. Улар ҳар қачон фуқаролик ҳолати актларини ёзиш идораларига бориб, никоҳларини ёзиш идораларига бориб, никоҳларини расмийлаштиришлари мумкин.

1994 йил июлга қадар норасмий, аммо ҳақиқатан никоҳда бўлишлик қонунан тан олинганлиги ва расмийлаштирилган (қайд қилинган) никоҳда

бўлишликка тенглаштирилганлиги туфайли, бундай никоҳда бўлганлар эр ва хотинга тегишли ҳуқуқ ва бурчларини оладилар.

Агар 1944 йил 8 июлга қадар тузилган ҳақиқий никоҳда бўлган эр ва хотиннинг бири вафот этган бўлса, ҳақиқат эр-хотинлик муносабатларида бўлганлик факти суд орқали мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларнинг белгилаш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 1997 йил 2 май, 1998 йил 11 сентябрь ва 2002 йил 14 июндаги 11-сонли қарорига асосан киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар билан қабул қилинган қарорларини 13-бандида тушунтирилишича, норасмий, аммо агар бундай муносабатлар 1944 йил 8 июлга қадар вужудга келган бўлса ва эр-хотиннинг бири вафот этишига қадар давом этган бўлса-белгиланиши мумкин. Бундай ҳолда аризачи мархумнинг эри ёки хотини деб танилиши билан бирга, унинг қарамоғида бўлганлик факти белгиланиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг юқоридаги Пленум қарорида кўрсатиб ўтилган бўлиб, бунда қуйидагилар баён қилинган.

ФПКнинг 174-моддасининг 5-банди ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил 22 августдаги Фармонида кўра, фактик нкоҳ муносабатларида бўлганлик факти фақат бундай муносабатлар ҳолати актларини қайд қилиш мумкин бўлмасагина белгиланади.

Юқорида кўрсатилган вақтдан кейин вужудга келган фактик никоҳ муносабатлари ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармайди ва бундай фактларни белгилаш тўғрисидаги аризалар суд тартибида кўриш учун қабул қилинмайди. Агар эр-хотин бири 1944 йил 8 июлгача бошқа фактик никоҳга кирган ёки бир вақтнинг ўзида қонуний никоҳда бўлган бўлса, шунингдек, бу муносабатлар томонлардан бирининг вафотига қадарли тугатилган бўлса, бундай фактларни суд белгилаши мумкин эмас.

Суд мажлисида никоҳ муносабатларининг мавжудлигини (биргаликда яшаш, умумий хўжалик юритиш, болаларнинг борлиги ва уларни тарбиялаш ва бошқалар) исботловчи далиллар текширилади. Фактик муносабатларни ҳақиқатга бўлган деб топиш, суд уни мазкур шахслар ўртасида вужудга келган ва улардан бирининг вафот этган кунига қадар давом этганини аниқлайди.

1944 йил 8 июлдан сўнг вужудга келган норасмий никоҳ муносабатларида бўлганликни белгилашга амалдаги қонунлар бўйича йўл қўйилмайди.

6. Шахснинг ҳуқуқни вужудга келтрувчи ҳужжатларда (жамоат бирлашмаларига аъзолик билетлари, ҳарбий ҳужжатлар, паспортлар, фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш органлари берадиган гувоҳномалардан ташқари) кўрсатилган исми, отасининг исми ва фамилияси унинг паспортдаги исми, отасининг исми ва фамилияси билан мос келмаган тақдирда, мазкур ҳужжатларнинг унга тегишлилиги эмаслиги фактини белгилаш. Ҳуқуқ туғдирадиган ҳужжатларда кўрсатилган шахснинг исми, отасининг исми ва фамилияси шу шахснинг паспортдаги ёки гувоҳномасидаги исми, отасининг исми ва фамилияси билан мос келмаган тақдирда, суд мазкур ҳужжатларнинг унга тегишли эканлиги фактини белгилайди. Бу ҳолда суд ҳар турли ҳужжатларда ҳар хил ном билан аталган

шахсларнинг исмлари, отасининг номлари ва фамилияларининг мос келишлиги (айнан ухшашлигини) ҳал қилув қарорларида кўрсатишга ҳақли эмас (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги ва 2002 йил 14 июндаги 11-сонли қарорига асосан киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар билан)

Касаба уюшмаси билетлари, ҳарбий ҳужжатлар паспортлар ва фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини қайд қилш органлари берадиган гувоҳномаларнинг муайян шахсга тегишли бўлишлиги фактини белгилаш тўғрисидаги ишлар судда кўрилмайди. Агар бундай ҳужжатларнинг берилишида фамилия, исм ёки отанинг исми нотўғри ёзилган бўлса, бундай ҳужжатлар тегишли ваколатли идоралар томонидан алмаштирилади.

Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини қайд қилиш идоралари берадиган гувоҳномаларда баъзи маълумотлар нотўғри ёзилган бўлса, уларнинг ноутгрилигини белгилаш тўғрисидаги аризалар ФПКнинг 274-275-моддаларида кўрсатилган фуқаролик ҳолатлати далолатнома ёзувларидаги нотўғриликларни белгилаш ҳақидаги қоидаларга мувофиқ суд томонидан кўрилади.

Ҳуқуқ туғдирадиган ҳужжатларидаги шахснинг исми, отасининг исми ва фамилияси шахснинг бошқа ҳужжатларига мос келмаслиги ҳақида судлар аризачидан ҳуқуқий ҳужжатни ўзига тегишли эканлиги ҳужжатни берган ташкилот унга тегишли ўзгартириш кирита олмаслиги ҳақидаги далилларни суд талаб қилиши лозим бўлади. Борди-ю аризачидан тегишли фактни аниқ тасдиқдайдиган бошқа ҳужжатлар бўлса, суд ҳуқуқ туғдирадиган ҳужжатни унга тегишли эканлиги тўғрисидаги аризани қабул қилмаслиги юқоридаги Пленум қарорига кўрсатиб ўтилган. Демак, аризачининг шахсий ҳужжатларини эмас, балки ҳуқуқ туғдирадиган ҳужжатларни тегишлилиги суд тартибида белгиланиши судларга тааллуқлидир. Шахсий ҳужжатлардаги камчиликлар (паспорт, жамоат бирлашмаларига аъзолик билетлари, ҳарбий ҳужжатлар, ордер, медалларни гувоҳларини фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш органлари берадиган гувоҳномалар ва ҳоказо) фақат уларни берган органлар, ташкилотлар томонидан ҳал этилади. Агар давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахслар уларнинг ваколат доирасига кирувчи ҳуқуқ туғдирадиган ҳужжатларга ўзгартириш киритишни рад этсалар, бу ҳақдаги қарор устидан тегишли шахс судга ФПКнинг 269-271-моддаларида асосида шикоят қилиши мумкин. қонунда фуқаролик ҳолати актларини ёзиш органлари томонидан бериладиган ҳужжатларни тегишлилиги фактини белгилаш тўғрисидаги аризаларни судларга тааллуқли эмаслиги, улар фақат ёзувлар тузатиш ва ўзгартириш киритиш рад қилинганлик ҳақида судга мурожаат қилишга ҳақли эканлиги кўрсатиб ўтилган.

7. Бахтсиз ходиса фактини белгилаш. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисаларни текшириш ва ҳисобга олиб бориш Меҳнат кодексининг 222-моддасида кўрсатилганидек, иш берувчи томонидан амалга оширилади. Шу муносабат билан бахтсиз ходиса тўғрисида актнинг тузилиши ёки бундай фактнинг тасдиқланмаганлиги важ қилиб, расмий ҳужжат берилишининг рад қилиниши масаласи судда кўрилмайди. Меҳнатнинг муҳофаза қилишнинг норма ва қоиларига риоя этилиши устидан жамоат текширувини касаба

уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари амалга оширадilar. Бахтсиз ходисанинг юз берганлиги факти судсиз белгиланиши мумкин бўлмаганида ва бундай имкониятнинг бўлмаслиги тегишли хужжат билан тасдиқлангандагина суд томонидан белгиланиши мумкин. Суд юридик аҳамиятга эга бўлган бахтсиз ходиса фактини белгилашда шахснинг соғлиғига зарар етказилиши даражаси ва бу тўғрида ҳал қилув қарори қабул қилмаслиги керак. Бу масалалар ходимларнинг ишига боғлиқ равишда майиб бўлиши ёки саломатлиги бошқа йусинда шикастланиши сабабли етган зарарни ўрнини корхоналар, муссасалар, ташкилотлар қоплаши тўғрисидаги масалалар Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 493-496-моддаларига мувофиқ ҳал қилинади.

Ўлганлик фактини белгилаш ҳақидаги ҳал қилув қарори суд ўлимни вужудга келтириш аниқ ҳолатларини, яъни қачон ва қандай ҳолатда содир бўлганлигини белгилайди.

8. Иморатга хусусий мулк ҳуқуқи асосида эгалик қилиш фактини суд, агар аризада эгалик қилиш тўғрисидаги хужжат бўлиб, лекин у йўқолган ёки уни тиклаш мумкин бўлмаганида белгилайди. Умумий қоида бўйича иморатга бўлган эгалик ҳуқуқи тўғрисидаги низолар даъво тартибда кўрилиши лозим. Ўзбошимчалик билан кўрилган ёхуд кўриб битказилмаган ва фойдаланиш учун қабул қилинмаган биноларни, шунингдек олдин бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки аризачи томонидан тегишли тартибда расимийлаштирилмасдан сотиб олинган эгалик ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги аризалар алоҳида иш юритиш тартибда судда кўрилмаслиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларнинг белгилаш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 1997 йил 2 май, 1998 йил 11 сентябрь ва 2002 йил 14 июндаги 11-сонли қарорига асосан киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар билан қабул қилинган қарорларини 18-бандида кўрсатилган.

Булардан ташқари шу қарорда, агар фуқаро нотариал тартибда тасдиқланмаган ёзма шартнома билан уй сотиб олган бўлса, бу уйга уни эгалик ҳуқуқини белгилаш тўғрисидаги масала ФКнинг 112-моддасининг қоидалари бўйича даъво тартибда ҳал этилиши белгиланган. Иморатга хусусий мулк асосида эгалик қилиш фактини белгилашда суд эгалик қилиш эмас, балки шу иморатга аризачини ҳуқуқини тасдиқловчи хужжатларни мавжудлигини тасдиқлайдиган фактларни белгилайди.

9. Меросни қабул қилиш ва мероснинг очилиш жойи фактини судларда алоҳида тартибда юритиладиган ишлар қаторида кўриш лозим. Бундай ишларнинг судга таалукли бўлиши учун нотариал органлари аризачига меросга бўлган ҳуқуқ ҳақида гувоҳнома беришни рад этган бўлиши керак. Аризачини нотариал тартибда меросхўрнинг ворислик мулкани олишга кириши ва эгалик қилиш фактини тасдиқлаш учун тегишли хужжатларнинг йўқлиги ёки бу хужжатларнинг етарли бўлмаслиги асос бўлади.

Фуқаролик кодексининг 1146-моддасига асосан мерос очилган жойдаги нотариус меросхўрнинг илтимосига кўра, унга очилган бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома бериши шартлиги, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги

мерос очилган кундан эътиборан олти ой ўтгандан кейин берилиши кундан эътиборан олти ой ўтгандан кейин берилиши, агар нотариус тегишли мол-мулкка ёзуд бутун меросга нисбатан гувоҳномани беришни сўраб мурожаат этган шахслардан бошқа меросхурлар йўқлиги тўғрисидаги маълумотга эга бўлса, гувоҳнома олти ойлик муддат тугамасдан ҳам берилиши мумкинлиги кўрсатилган. Бундай ҳолларда нотариус учун меросхўрни меросхур мулкни эгаллашга киришишланлиги ҳақидаги далил бўлиб уй-жой коммунал хўжалиги томонидан берилган маълумотнома, квартира ҳақини тўлаганлик ҳақидаги ҳужжат, солиқларни тўлаганлик ҳақидаги маълумотнома ва бошқа ҳужжатлар ҳисобланади. Мерос мулкни очилган жойи бўлиб мерос қолдирувчининг охирги доимий яшаб турган жойи ҳисобланади. Агар мерос қолдирувчининг охирги яшаб турган жойи номаълум бўлса, мерос қолдирувчига тегишли бўлган кўчмас мулк ёки унинг асосий қисми турган жой, кўчмас мулк бўлмаган тақдирда эса, кучар мулкнинг асосий қисми турган жой мерос очилган жой ҳисобланади (ФКнинг 1117-моддасининг). Нотариус учун мерос очилган жой мерос очилган жойини тасдиқловчи юқоридаги ҳужжатлардан ташқари ўлганнинг иш жойидан, яшаш жойидан маълумотнома ёки мулк жойлашган жойидаги тўғрисида тегишли ҳужжатлар тақдим этилган бўлса-ю, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома бериш рад этилса, манфаатдор шахс судга меросни қабул қилиш ва мерос очилиш факти ҳақида эмас, балки нотариал ҳаракатлар ёки бундай ҳаракатларни бажаришни рад этганлик устидан шикоят бериш (ФПКнинг 273-моддаси) ҳуқуқига эга.

10. Юридик аҳамиятга эга бўлган бошқа фактларни белгилаш. Агар амалдаги қонунларда бирон-бир юридик фактни белгилашнинг бошқача тартиби назарда тутилмаган бўлса, чунончи, суд фуқаронинг муайян вақтда ва муайян ҳолатларда вафот этганлиги фактини, мероснинг қабул қилинганлиги фактини, мероснинг очилиши жойини белгилаши ва бошқа фактларни ҳам белгилаши амалдаги ФПКда белгиланган. Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни суд тартибида белгилашга оид айрим масалалар янги Фуқаролик процессуал кодексда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1991 йил 21 декабр ва унга 1997 йил 2 май, 1998 йил 11 сентябрь ва 2002 йил 14 июндаги 11-сонли қарорига асосан киритилган қўшимча ва ўзгаришларда бу туркумдаги ишларнинг доираси чекланмаганлиги кўрсатилган.

Судлар ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган бошқа фактларни ҳам, жумладан:

- 1968 йил 1 октябргача туғилган болаларга нисбатан оталикни тан олганлик фактларини, оталик фактларини, оталикни қайд қилиш фактларини;
- ихтирони жорий этиш фактларини, таклифни рационализаторлик сифатида квалификацияланганлик фактларини;
- бинога, пайга, автомабилга ва бошқа махсус рўйхатдан ўтказиладиган мулкка эгалик қилиш фактларини;
- никоҳ бекор қилинмасдан, лекин оилавий муносабатлар тугатилганлигидан сўнг иморатни эр-хотиндан бирининг маблағларига кўрилгалик фактларини;
- суғурта гувоҳномасга эгалик қилиш фактларини;

- фуқаро ёки унинг ота-онаси Улуғ Ватан уруши даврида Ўзбекистон Республикаси эвакуация қилинганлик фактларини ҳам белгилашга ҳақлидирлар.

Амалдаги қонунларда белгилашнинг бошқача (судсиз) тартиби назарда тутилган фактларни белгилаш тўғрисидаги аризалар суд тартибида кўрилиши мумкин эмас. Жумладан:

а) иш стажини (пенсия тайинлаш учун, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, хомиладорлик ва бола туғилиши муносабати билан нафақа тайинлаш учун иш ҳақиға фоизли қўшимчаларни қўшиб ҳисоблаш учун, узоқ йиллар қилган хизмати учун бир йўла мукофот пули тўлаш учун ва х.к) аниқлаш тўғрисидаги;

б) ҳақиқий ҳарбий хизматни утаганлик, партизан қисмида бўлганлик, жангларда яраланганлик тўғрисидаги;

в) фуқароларни ёшини белгилаш тўғрисидаги;

г) олий ўқув юртини, техникумини, ўрта мактабни битирганлик фактларини белгилаш тўғрисидаги;

д) фирма, касаба уюшмалари ҳужжатларини, паспорт ва фуқаролик ҳоллари актларини ёзиш органлари томонидан бериладиган гувоҳномаларни тегишлилиги фактларни белгилаш тўғрисидаги аризалар судда кўрилмайди.

Суд юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни, агар аризачи шу фактларни тасдиқлайдиган тегишли ҳужжатларни бошқача йўл билан олиши мумкин бўлмаган ёки йўқотилган ёхуд йўқ қилинган ҳужжатларни тиклаш мумкин бўлмаган тақдирдагина, белгиланди.

Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш тўғрисидаги ишлар бўйича аризалар ариза яшаб турган жойидаги судга берилади.

Аризада муайян фактни белгилаш ариза берувчига қандай мақсадлар учун зарур эканлиги кўрсатилиш, шунингдек ариза берувчининг тегишли ҳужжатларни олиши мумкин бўлмаганлиги ёхуд йўқолган ҳужжатларни тиклаш мумкин эмаслигини тасдиқловчи далиллар келтириши мумкин.

Суднинг ҳал қилув қарорида суд томонидан белгиланган факт, унинг қандай мақсад учун белгиланганлиги, шунингдек шу фактни белгилаш учун асос бўлган далиллар кўрсатилиши лозим.

Фуқаролик ҳолатларини қайд қилиш органларида ёзилиши ёки бошқа органларда расмийлаштирилиши лозим бўлган фактларни белгилаш тўғрисидаги суд чиқарган ҳал қилув қарори бу органлар томонидан бериладиган ҳужжатларнинг ўрнини босмайди, балки шундай қайд қилиш ёки расмийлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади (ФПКнинг 285-моддаси).

3-§. Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш

Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш шартлари ФКнинг 33-моддасида назарда тутилган. Бу қонунда кўрсатилишича, агар фуқароларнинг қаердалиги ҳақида унинг доимий турар жойига бир йил мобайнида хабар келмаса манфаатдор шахсларнинг аризасига мувофиқ у суд орқали бедарак йўқолган деб топилиши мумкин.

Фуқарони вафот этган деб эълон қилиш учун асослар ФКнинг 36-моддасида берилган. Бу қоидага кўра агар фуқаронинг қаерда турганлиги ҳақида унинг яшаш жойида уч йил мобайнида маълумот бўлмаса, башарти у ўлим хавфи солиб турган ёки муайян бахтсиз ходисадан халок бўлган деб тахмин қилиш учун асос бўладиган вазиятларда бедарак йўқолган бўлиб, унинг қаердалиги ҳақида олти ой мобайнида маълумотлар бўлмаса, манфаатдор шахсларнинг аризасига мувофиқ суд уни вафот этган деб эълон қилиш мумкин. Судга мурожаат қилаётган манфаатдор шахслар фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилувчи органларнинг вафот этганликни рўйхатга олишни рад қилганлиги ҳақидаги ҳужжатни ҳам тақдим этишлари лозим (юқоридаги Пленум қарорининг 17-банди).

Суд амалиётида фуқароларни бедарак йўқолганлиги вақти аризачини қизиқтиришларини назарда тутиб, ФКнинг 33-моддаси 2-қисмида қоида берилган. Бу қонунда, агар йўқолган шахс тўғрисида охириги маълумотлар олинган куни аниқлаш мумкин бўлмаса, бедарак йўқолган деб ҳисоблаш муддати йўқолган шахс охириги маълумотлар олинган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бу ойни белгилаш ҳам мумкин бўлмаса, кейинги йилнинг биринчи январидан бошлиниши кўрсатиб ўтилган.

Ушбу ҳаракатларни муносабати билан бедарак йўқолган ҳарбий хизматчи ёки бошқа бир фуқаролар уруш ҳаракатлари тамом бўлган кундан бошлаб қаида икки йил утгач суд орқали вафот этган деб эълон қилиниши мумкин (ФКнинг 36-моддаси).

Бундай ишлар бирон-бир ҳуқуқ тўғрисида низо бўлмаган ва шу сабабли жавобгар бўлмагани туфайли алоҳида тартибда юритиш қоидалари (ФПКнинг 286-290-моддалари) бўйича кўрилади.

Фуқароларнинг бедарак йўқолган деб топиш тўғрисидаги ариза аризачининг яшаш жойидаги судга берилади. Суд фуқароларни бедарак йўқолган деб топиш тўғрисидаги аризани кўришга ФКнинг 33-моддасида белгиланган муддат ўтгандан сўнг киришади.

Аризининг мазмунида одатда кўрсатиладиган умумий маълумотлардан ташқари, ариза берувчига фуқароларнинг бедарак йўқолган деб топиш ёки уни вафот этган деб эълон қилиш қандай мақсад учун зарурлиги кўрсатилиши, шунингдек фуқароларнинг бедарак йўқолганлигини тасдиқлайдиган ҳолатлар ёхуд бедарак йўқ бўлган ўлим хавфи солган хатарли ҳолатлар ёки уни маълум бахтсиз воқеага учраган деб эҳтимол тутишга асос бўладиган ҳолатлар баён қилиниши керак.

Судья ишни судда кўришга тайёрлаш қандай шахслар қариндош-уруғлар, бирга судловчилар ва шу қабилар) бедарак йўқолган одам тўғрисида маълумот бера олишларини аниқлайди, шунингдек бедарак йўқолган одамнинг кейинги маълум бўлган яшаш жойи ва ишлаш жойига тегишли ташкилотлардан фуқаролардан ўзини-ўзи бошқарувчи идоралардан ички ишлар идоралари бедарак йўқолган шахс тўғрисидаги бор маълумотларни сўраб олади.

Шу билан бир вақтда судья аризани қабул қилгач, васийлик ва ҳомийлик органига бедарак йўқолганнинг мулкани сақлаш ва шунингдек, бошқариш учун ҳомий тайинлашни таклиф қила олади. Фуқароларни бедарак йўқолган деб

топиш ёки фуқароларни вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги ишлар прокурорнинг иштирокида кўрилади.

Суднинг фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ҳақидаги ҳал қилув қарори бедарак йўқолган шахснинг мулки турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органининг шу мулк устидан ҳомий тайинлаш учун асос бўлади.

Суднинг фуқарони вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарори фуқаролик ҳолати актларини қайд қилувчи органга фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш дафтарига мазкур фуқароларни вафот этган деб ёзиб қўйиш учун асос бўлади.

Бедарак йўқолган деб топилган ёки вафот этган деб эълон қилинган фуқароларни келиб қолган ёки унинг туриш жойи номаълум бўлиб қолган тақдирда, суд янги ҳал қилув қарорини бекор қилади, янги ҳал қилув қарори мулкка нисбатан белгиланган бошқарувчини олиб ташлаш учун ёки фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини қайд қилиш дафтарида фуқароларнинг вафоти ҳақида ёзилган ёзувни бекор қилиш учун асос бўлади.

4-§. Фуқароларни муомалага лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш

Қонунда назарда тутилган ҳоллар ва тартибдан ташқари ҳеч кимнинг ҳуқуқ лаёқати ёки муомала лаёқати чекланиши мумкин эмас (ФКнинг 23-моддаси).

Фуқароларнинг муомалага лаёқатини суд тартибида чеклаш ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш алоҳида ҳоллардагина ва фақат кимлар тўғрисида иш кўзғатилган бўлса, шу шахсларнинг ва оила аъзоларининг ҳуқуқ ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадлардагина белгиланади. Муомалага лаёқатини чеклаш муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳоллари ФКнинг 30-31-моддаларида кўрсатилган.

Спиртли ичимликлар, гиёхванд моддалари ва психотроп моддалар суистеъмол қилиш натижасида фуқарони муомалага лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги ёки фуқарони руҳий ҳолати бузилганлиги (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) туфайли муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақидаги иш унинг оила аъзолари, васийлик ва ҳомийлик органлари, прокурор, даволаш муассасалари ва бошқа давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат бирлашмалари берган ариза бўйича кўзғатилиши мумкинлиги ФПКнинг 291-моддасида кўрсатилган. Муомалага лаёқати чекланган деганда-фуқаро спиртли ичимликлар ичиши, гиёхванд моддаларни белгиланган меърдан ортиқ миқдорда суистеъмол қилиш тушунилади. Агар фуқаро спиртли, гиёхванд ва бошқа дориворларни суистеъмол қилиш туфайли ёки бошқа дориворларни суистеъмол қилиш туфайли ёки бошқа сабабларга кўра руҳий ҳолати бузилганлигини, шунинг оқибатида у ўз хатти-ҳаракатини англай олмаслигидан ёки бошқара олмаслигидан далолат берувчи ҳаракатлар содир этса, уни суд муомалага лаёқатсиз деб топиш учун асос бўлади.

Фуқарони муомалага лаёқатини чекланган деб топиш учун асос бўладиган ҳолатлардан яна бири, у ҳам бўлса, шахс ўз оиласини моддий жиҳатдан оғир аҳволга қўядиган ҳолатлар ҳам мавжуд бўлиши керак.

Руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли ўз ҳаракатларини аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни идора қила олмайдиган фуқаролар суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганда унга нисбатан васий белгиланади. Фуқароларни муомалага лаёқати чекланган ва муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишлар судларда ФПКнинг 291-295-моддаларида белгиланган тартибда кўрилади.

Спиртли ичимликларни, гиёхвандлик моддаларни суиистеъмол қилиш натижасида фуқароларни муомала лаёқати чекланган деб таниш тўғрисидаги ёки фуқароларни муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақидаги иш юқорида айтганимиздек унинг оила аъзоларининг, васийлик ва ҳомийлик идораларининг, прокурорнинг, шифохона ва бошқа давлат муассасаларининг ҳамда жамоат бирлашмаларининг берган аризалари бўйича қўзғатилиши мумкин.

Альтернатив судловликка асосан фуқароларнинг муомалага лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги ариза мазкур фуқароларнинг яшаб турган жойдаги судга берилади, агар бу шахс шифохонада бўлса, шифохона жойлашган жойдаги судга берилади.

Фуқароларни муомалага лаёқати чекланган деб топиш ҳақидаги аризада спиртли ичимликларни ёки наркотик моддани суиистеъмол қилувчи шахс ўз оиласини моддий жиҳатдан оғир аҳволга солиб қўяётганлигини исботловчи ҳолатлар кўрсатилиши керак.

Фуқароларни муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақидаги аризада шахснинг ўз ҳаракати устидан ҳисоб бермаслиги ёки ўзини идора эта олмаслигига сабаб бўлаётган ақлий бузилишини исботловчи ҳолатлар баён қилиниши лозим.

Судья аризани олгач, ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида, фуқароларнинг руҳий касаллигин ёки ақли заифлиги тўғрисидаги манфаатдор шахслар томонидан тўпланган ва судга тақдим этилган хажжатларни етарли бўлганида, унинг руҳий аҳволини аниқлаш учун суд-руҳий экспертизасини тайинлайди.

Фуқароларни муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги ишни суд албатта шу шахснинг ўзининг, прокурорнинг ҳамда васийлик ва ҳомийли органлари вакилининг иштирокида кўради.

Фуқароларни муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишни суд прокурорнинг васийлик ва ҳомийлик органлари вакилининг иштироки билан кўради. Ишни кўрилаётган фуқароларнинг соғлиғи имкон берса, у судга чақирилади.

Суднинг фуқароларни муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори васийлик ва ҳомийлик органига муомала лаёқати чекланган шахсга нисбатан ҳомий тайинлаш учун, муомалага лаёқатсиз шахсга эса-васий тайинлаш учун асос бўлади.

Ҳомий муомала лаёқати чекланган, васий муомалага лаёқатсиз шахсларга нисбатан тайинлашини уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишини

назарда тутилади. Ҳомийлар ва васийлар ўз ҳимояларидаги шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларни ҳар қандай шахслар билан муносабатларда, шу жумладан, судларда ҳам махсус ваколатномасини ҳимоя қилишлари мумкин.

Агар фуқаролар спиртли ёки наркотик моддаларни суиистеъмол қилишни ташласа, суд унинг лаёқатлилигини бекор қилиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқаради. Суд қарорига асосан унга ҳомий тайинлаш ҳам бекор қилинади (ФПКнинг 296-моддаси). руҳий касаллиги сабабли муомалага лаёқатсиз деб танилган фуқаролар тузалгани ҳолда суд ФПКнинг 291-моддасида кўрсатилган ташкилотлар ва шахслар берган аризага биноан суд руҳий экспертизанинг хулосасига асосланиб, муомалага лаёқатли деб топиши ҳамда унинг устидан белгиланган васийликни бекор қилиш ҳақида ҳал қилув қарорини чиқариши лозим (ФПКнинг 296-моддани иккинчи қисми). Бу туркумдаги ишлар ишни алоҳида тартибда юритиш талабларига асосан кўрилади. Судга фуқароларнинг ўзини, унинг ҳомийсини, шунингдек ФПКнинг 291-моддасида кўрсатилган давлат органлари ташкилотлар жалб қилинади.

ФКнинг 30-моддаси учинчи қисмида кўрсатилган ҳолларда фуқарони муомалага лаёқатли деб топиш учун суд васийнинг, шунингдек, ФПКнинг 291-моддасида кўрсатилган давлат органлари ташкилотлар ва шахсларнинг, суд-психиатрия экспертизасининг экспертини иштирокида ишни мазмунан кўради.

Фуқароларни муомалага лаёқатли деб ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишларни юритиш бўйича суд харажатлари ариза берувчидан ундирилмайди.

Агар, суд аризани фуқаронинг муомала лаёқатини асоссиз чеклашга ёки уни муомала лаёқатидан маҳрум этиш мақсадида берилган деб топса, иш юритиш харажатларини ариза берган оила аъзолари ҳисобига ўтказди (ФПКнинг 297-моддаси).

5-§. Мол-мулк (ашё)ни эгасиз деб топиш

Умумий қоида бўйича эгаси бўлмаган ёки эгаси номалум бўлган мулк (эгасиз ашё) ҳисобланади. ФКнинг 191-моддаси эгасиз кўчмас ашёлар тегишли давлат органининг ёки фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органининг аризасига мувофиқ кўчмас мол-мулкни давлат ихтиёрига олувчи орган томонидан ҳисобга олинади. Эгасиз кўчмас ашё, ҳисобга олингандан кейин уч йил муддат утгач, давлат мол-мулкни боқаришга вақотли бўлган орган ёки фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органи бу ашёни давлат мулкига ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи мулкига кирган деб ҳисоблаш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этишлиги белгиланган. Мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топиш тўғрисидаги ариза молия органи ёки ФКда кўрсатилган бошқа ваколатли орган томонидан мол-мулк (ашё) турган жойдаги судга берилади. Суд бундай туркумдаги ишларни кўришда аризада кўрилган талабларга деб топишни ва шу мулкни эгасини аниқлашга қаратилган ҳаракатлар, тўпланган далиллар, исботлаш воситаларига аҳамият бериши лозим.

Ариза мулк ҳисобга олинган кундан эътиборан уч йил ўтгандан сўнг берилади (Фуқаролик кодексининг 191-моддаси).

Эгасиз мулкни аниқлаш ва ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

6-§. Такдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқолган тақдирда улар бўйича ҳуқуқларни тиклаш (чақириб иш юритиш)

Такдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқотилганида йўқотилган ҳужжатлар юзасидан бўлган ҳуқуқларни тиклашнинг (чақириб иш юритишнинг) суд тартиби белгиланган. Бундай тартиб ҳужжат эгаларининг шахсий ва мулкӣ мнфаатларини ҳимоя қилиш мақсадларида ўрнатилган. қандай ҳужжатлар бўйича ҳуқуқларнинг тикланиши мумкинлиги ФПКнинг 301-моддасида белгиланган. Бу қонунга кўра шахс пул маблағлари қўйилганлиги ҳақида ёки қимматли нарсалар ёхуд давлат заёми облигациялари сақлаш учун топширилганлиги тўғрисидаги банк томонидан такдим этувчига берилган қийматли ҳужжатни йўқотган тақдирда, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда суддан йўқолган ҳужжатни ҳақиқий деб топиш ва йўқолган ҳужжат бўйича ҳуқуқларни тиклаш тўғрисидаги илтимос қилиши мумкин. Такдим этувчига деб берилган ҳужжат йўқолган тақдирда уни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ариза ҳужжатни берган муассаса жойлашган судга берилади. Ҳужжатларни йўқотилганлиги тўғрисидаги аризада арз қилувчи шахс ҳужжат қандай вазиятда йўқотилганлиги, такдим этувчига деб ҳужжат берган муассасанинг, ҳужжатнинг номи, унинг алоҳида белгилари ва йўқотилган ҳужжатнинг ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги фикрлари кўрсатилган бўлиши лозим. Судья аризани олгандан кейин қатор процессуал харкатларни амалга оширади, жумладан маҳаллий газетада эълон қилади; ҳужжат берган муассасага йўқотилган ҳужжат бўйича тўловларни амалга оширишни ва пул беришни иш судда мазмунан ҳал бўлгунга қадар таъқиқлаш ва ҳоказо. Булардан ташқари қонунда такдим этувчи деб берилган ҳужжатни топиб олган, хуллас ҳужжатни сақловчи ҳам ўз навбатида шу ҳужжатга бўлган ҳуқуқи тўғрисида кўрсатилган муддатга судга ариза бериши ва бунда ўзининг фикр-мулоҳазаларини баён қилиш мумкинлиги кўрсатилган.

Такдим этувчига деб берилган ҳужжат йўқотилган тақдирда уларга бўлган ҳуқуқни тиклаш тўғрисидаги ишлари ФПКнинг 148-149-моддасидаги умумий талаблар, 301-моддасида кўрсатилган ҳолатлар кўрсатилади. Ариза бўйича давлат божи энг кам иш ҳақининг 10% миқдоридан ундирилади. Алоҳида тартибда кўриладиган ишлар туркумига кирган такдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқолганлиги тўғрисида айрим ҳолларда даъво юритиш ишларига ҳам айланиши мумкин. Агар ҳужжатни сақловчига нисбатан арз қилувчи қарши даъво кўзғатган ҳолларда бўлиши назарда тутилади. Умуман ишни кўриш ва ҳал қилишга оид қоидалар ФПКнинг 301-309-моддасида кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 1992 йил 13 ноябрдаги қарорига 1997 йил 2 майда киритилган ўзгартиришлар билан чиқарган «Такдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқолган тақдирда уларга бўлган ҳуқуқларни тиклаш ҳақидаги аризаларнинг судлар томонидан кўрилиши тўғрисида»ги қароридан такдим этувчига деб берилган ҳужжатлар эътиборсизлик билан сақланиши

натижасида тўлов белгиларини йўқотганида, масалан, омонат дафтарчаси ёки варақасига ҳисоб рақами сақланмаганида шу каби бошқа ҳолларда ҳам чақириб иш юритиш тадбиқ этилиши мумкинлиги тушунилади.

Суд ишни мазмунан кўриб бўлгач, ҳал қилув қарорини чиқаради, ариза қаноатлантирилган суд ҳал қилув қарорида йўқолган ҳужжатни ҳақиқий эмаслиги кўрсатилади. ҳал қилув қарори арз қилувчига ҳақиқий эмас деб топилган ҳужжат ўрнига янгисини бериш учун асос бўлади.

7-§. Ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ишлар

Шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг стационарда ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза судга шахс ётган психиатрия муассасаси томонидан берилади.

Ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш учун қонунда назарда тутилган асослар кўрсатилган аризага шифокор психиатрлардан иборат комиссиянинг шахснинг психиатрия стационарида бундан кейин бўлиши зарурлиги тўғрисидаги асослантирилган ҳулосаси илова қилинади.

Ариза психиатрия муассасаси жойлашган ердаги суд томонидан кўриб чиқилади.

Суд аризани қабул қилиш билан бир пайтда аризани судда кўриб чиқиш учун зарур бўлган муддатда шахснинг психиатрия стационарида бўлиб туриши масаласини ҳал этади.

Шахсни психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг стационарда ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза суд томонидан ўн кунлик муддат ичида стационарга ётқизилаётган шахснинг қонуний вакили ва стационарга ётқизишнинг асослилиги тўғрисида ҳулоса берган комиссия таркибидаги шифокор психиатр, прокурор, шунингдек шахс ётган психиатрия муассасаси вакили иштирокида кўриб чиқилади.

Суд мажлисига муассаса вакилининг узрсиз сабабларга кўра келмаганлиги аризани кўриб чиқишга монелик қилмайди, бироқ суд унинг келишини шарт деб топиши мумкин.

Суднинг аризани қаноатлантириш тўғрисидаги ҳал қилув қарори тегишинча шахсни психиатрия стационарига Ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш ёки унинг стационарда ётиши муддатини узайтириш учун асос ҳисобланади.

ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ БОБ

БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ ВА АЖРИМЛАРИ УСТИДАН АПЕЛЛЯЦИЯ ШИКОЯТИ БЕРИШ

1-§. Апелляция шикояти бериш (протест келтириш)нинг мазмуни ва аҳамияти

Фуқаролик жараёнининг демократик тамойиллари суд фаолиятида ва асосли ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларнинг чиқарилишини таъминлашга қаратилган.

Фуқаролик суд ишларида иштирок этувчиларнинг ҳуқуқлари фақат биринчи инстанция судидагина эмас, балки ишларнинг иккинчи апелляция, кассация ва назорат инстанциясида кўрилишида ҳам ҳимоя қилинади. Бинобарин, агар ишнинг дастлабки судда кўрилишида қонун талабларига риоя қилинмаган, иш ҳолатларининг мураккаблиги ёки бошқа сабабларга кўра ҳолатларга йўл қўйилган бўлса, бундай хатолар юқори судларда кўрилиб, аниқланиши ва тuzатилиши мумкин.

Маълумки, судда қабул қилинган қарорлар тарафларнинг субъектив ҳуқуқ ва манфаатларига таъсир қилади. Шу сабабли ишнинг кўрилиши натижасида норози бўлган шахслар юқори судга шикоят ёки потест билан мурожаат этиб, ишнинг текширилишини илтимос қилишлари мумкин. Юқори судлар ўз навбатида биринчи инстанция тариқасида иш кўрган судларнинг қабул қилган қарорлари қанчалик тўғри ва асосли эканлигини текширишга мажбур.

Суднинг қарори қонуний, асосли ва адолатли эканлиги юзасидан текширув:

1) қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан берилган апелляция шикояти ва апелляция протести бўйича;

2) биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ажрими устидан берилган хусусий шикоят ёки хусусий протест бўйича;

3) қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори устидан берилган кассация шикояти ёки кассация протести бўйича;

4) биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган ажрими устидан берилган хусусий шикоят ёки хусусий протест бўйича;

5) қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажрим, қарор устидан назорат тартибида протест келтириш ҳақида берилган ариза бўйича;

6) қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорни янгидан очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги ариза бўйича кўзғатилади.

Суд қарорларининг текширишнинг юқорида кўрсатилган усулларининг ҳар қайсиси ўзига хос хусусиятларга эга. Суд қарорлари кўпинча апелляция, кассация тартибида текширилади.

Туманлараро судлари томонидан кўриладиган кўпчилик фуқаролик ишлари юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари, ажримлари устидан қонунда кўрсатилган ҳолларда, шикоят (протест)лар берилганида, улар албатта

текширилади. Кўрилган айрим фуқаролик ишлари бўйича апелляция тартибда шикоят берилмаса ва у қонуний кучга кирса, улар қонунда кўрсатилган ҳолларда кассация ва назорат тартибда текширилиши ва қайта кўрилишига қонун йўл қўяди.

Юқори судлар шикоят ва протестларини кўриш билан биринчи инстанция судларининг хатоларини тузатади ва шу билан одил судловнинг тўғри амалга оширилишига, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда қатнашувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ёрдам беради, қуйи судларнинг қарорларини текшириш билан уларни тўғри ва қонуний ҳал қилув қарорлари чиқариш учун йўллайди, улардан қонунларни тўғри татбиқ этишни талаб этади ва улар устидан назорат олиб боради.

Биринчи инстанция суди ишни кўриб, мазмунан ҳал этганидан кейинги процесуал ҳаракат, юқори босқичда яъни фуқаролик процессини давом эттириш-эттирмаслик шу ишнинг кўрилиш-кўрилмаслиги иш юзасидан манфаатдор шахсларнинг апелляция, кассация шикояти(протести) ёки назорат тартибига протест келтириш-келтирмасликларига боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Фуқаролик ишларини апелляция тартибда кўриш амалиёти ҳақида»ги 2004 йил 21 майдаги Қарорида апелляция тартибда ишнинг кўрилишида биринчи инстанция судининг ишга оид бўлган барча ҳолатларни тўла текширилиши; суднинг қарорида ифодаланган хулосалари иш ҳолатларига мувофиқ бўлишлиги; моддий ва процесуал ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилган-қўлланилмаганлигини текширилиши кўрсатилган.¹

Бинобарин, суд қарорларининг қонуний ва асосли бўлишини текшириш учун ишда иштирок этувчи шахслар ёки прокурор томонидан иккинчи инстанция суди фаолиятининг қўзғатилиши ва бундай текширишнинг амалга оширилишини тартибга соладиган процесуал нормалар йиғиндисига фуқаролик процессида шикоят қилиш институти деб айтилади. Бу институтнинг моҳияти ва аҳамияти шундан иборатки, у суд қарорларининг қонуний, асослантилган ва адолатли бўлишлигини, қонунларнинг бир хилда татбиқ этилишини ва шарҳланишини таъминлайди, тарафларнинг суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқларининг амалга оширилишини кафолатлайди ва қуйи судларнинг фаолиятига юқори судлар томонидан раҳбарлик қилишнинг бир шакли бўлиб кўрилади.

2-§. Шикоят бериш (протест келтириш)ҳуқуқини амалга ошириш тартиби

Суд тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ бўлган сайъи-ҳаракатлар қисқа давр ичида ўзининг ижобий ҳосилини бермоқда.

Мустақиллик туфайли республикада илғор хорижий давлатларнинг ҳуқуқшунослик соҳасидаги ютуқларини ўрганиш ва уларни таҳлил қилиш туфайли, халқаро андозаларга тўғри келадиган, бизнинг урф-одатларимизга, шароитимизга, анъаналаримизга ҳос ва ос бўлган бир қатор қонун ва ҳуқуқий

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2004йил 21 майдаги қарорлари. Т.: 2004.

меъёрлар ҳаётимизга татбиқ этилди ва этилмоқда. Шулар жумласига фуқаролик процессуал қонунчилигига апелляция институтининг киритилганлигидир.

Апелляция институти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг II чақириқ тўртинчи сессиясида (2000 йил 14 декабрда) қабул қилинган қонунга кўра, ФПКга махсус боб сифатида киритилди.

Фуқаролик процессуал кодексига апелляция тартибида иш юритиш институтининг киритилиши процессуал қонунчиликда ката бурилиш бўлди, дейилса, муболаға бўлмаса керак, чунки апелляция тартибида иш юритилишининг мақсад ва вазифалари инсон манфатларини, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳар тарафлама ҳимоя қилишга қаратилганидадир.

Иккинчи инстанция тариқасида иш кўрувчи апелляция суди биринчи инстанция судининг кўрган ишларни қайта, мазмунан, тўлиқ кўради ва иш юзасидан янги қарор (ажрим) чиқаришга ҳақлидир.

Апелляция судида ишларни қайта мазмунан кўришдан мақсад амалдаги ФПКга кўра, фуқаролик ишлари биринчи инстанция тартибида туманлараро судларида якка судьянинг ўзи кўриши туфайли моддий ва процессуал ҳуқуқий меъёрларни татбиқ этишда йўл қўйилган хато ва камчиликларини ҳайъат таркибида юқори суда тузатиш имконини берадиган ҳуқуқий ҳимоя қилувчи суд босқичи деб қаралмоғи лозим.

Апелляция тартибида иш кўришнинг кассация судида иш юритишга бир мунча ўхшашлиги бўлса-да, бироқ бу институтларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлганлиги туфайли бир-биридан фарқланади. Ушбу бобда, ундан кейингиларида ҳам анна шу фарқлари ва хусусиятлари ҳақида фикр юритилади.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қароридан норози бўлган манфаатдор шахс шикоят қилиш ҳуқуқидан фойдаланади. Бундай субъектлар жумласига ишда иштирок этувчи шахслар киради.

Прокурор апелляция ёки кассация инстанциясига муайян ишда иштирок этганлигидан қатъий назар, назорат тартибида эса, суднинг ҳал қилув қарори, ажрими, қарори устидан ўз ваколати доирасида протест келтиради. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судда иштирок этган давлат бошқаруви органлари, муассасалар, корхоналар, жамоат ташкилотлари, шунингдек, айрим фуқаролар ҳам шикоят қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Шикоят бериш (протест келтириш) ҳуқуқи суднинг ҳал қилув қарори чиқарилганидан кейин пайдо бўлади. Бу ҳуқуқ апелляция шикояти берилиши билан амалга оширилади.

Апелляция шикояти юқори суд инстанциясига ёзилиб, фуқаролик ишига қўшилган ҳолда қарор чиқарган суд орқали юборилади.

Суднинг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорлари ва ажримлари шикоят қилиш ҳуқуқининг объектлари бўлади. Апелляция шикояти ёки протести суд томонидан ҳал қилув қарори чиқарилган кундан бошлаб йигирма кун ичида берилиши мумкин. Кўрсатилган муддат ўтгандан берилган шикоят (протест) кўрилмасдан қолдирилади ва шикоят (протест) берган шахсга қайтаради. Қонун билан белгиланган бу муддат ўзгартирилмайди. Агар бу муддатнинг ўтказилишини суд узрли деб топса, унитиклаш тўғрисидаги масалани кўриб, ҳал этади. Қонунда апелляция муддатини белгилашдан мақсад:

ишнинг иккинчи инстанция судида тезда кўрилишини таъминлайди ва ишда иштирок этувчи шахсларга кўрилган иш материаллари билан танишиш ҳамда иш юзасидан чиқарилган қарорга рози бўлмаганида, шикоят (протест) билдиришга имконият беришдан иборат. Ишда иштирок этувчи шахслар шикоят бериш ҳуқуқидан эркин фойдаланишлари, жумладан, берган шикоятларидан воз кечишлари ҳам мумкин. Аммо уни қабул қилиш-қилмаслик судга боғлиқ.

Апелляция шикояти бериш (протест келтириш) тартиби ФПКнинг 322-323-моддаларида белгиланган. Уларда кўрсатилишича, апелляция шикоятлари ва протестларининг мазмунида шикоят берилаётган ёки протест келтирилаётган суднинг номи; шикоят ёки протест келтираётган шахснинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми); шикоят қилинаётган ёки протест келтирилаётган ҳал қилув қарори ва уни чиқарган суд; ҳал қилув қарорининг нотўғрилиги нимадан иборат эканлиги; шикоят бераётган ёки протест келтираётган шахснинг илтимоси; шикоят ёки протестга илова қилинган ёзма материалларнинг рўйхати кўрсатилади.

Апелляция шикоятига шикоят бераётган шах сёки унинг вакили томонидан имзо чекилади. Протест эса- прокурор ёки унинг ўринбосари томонидан ушбу ишда иштирок этганлигидан қатъий назар келтирилади ва имзоланади. Вакил томонидан берилган апелляция шикоятига ваколатнома ёки шу вакилнинг ҳуқуқини гувоҳлантирадиган бошқа ҳужжат илова қилиниши лозим.

Апелляция шикояти ёки протести суд процессида иштирок этувчи шахсларнинг сонига қараб нусхалар билан кўшиб берилади.

Судья, зарур ҳолларда, апелляция шикояти берган шахсга ёки протест келтирган прокурорга апелляция шикояти ёки протестга илова қилинган ёзма материалларнинг ишда иштирок этувчи шахслар сонига қараб нусхалар билан топшириш мажбуриятини юклай олади.

Асослангилмаган шикоят ёки протестнинг берилиши қарорнинг текширилишини қийинлаштиради, бироқ шундай бўлсада ишда иштирок этувчиларни шикоят ёки протестга эътирозлар билдириш имкониятидан маҳрум қилмайди.

Суднинг ҳал қилув қарорига келтириладиган апелляция шикоятидан низоли сумма бўйича даъво аризалари учун белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида давлат божи олинади. Агар апелляция шикояти ёки протести беришда ФПКнинг 322 ва 323 моддаларининг талаблари бузилган бўлса ёки давлат божи тўлашдан озод қилинмаган шахс давлат божи тўламаган бўлса, апелляция шикояти ёки протести ҳаракатсиз қолдирилади. Апелляция шикояти ёки протестини ҳаракатсиз қолдириш тўғрисида судья шу шикоят ёки протестни ҳаракатсиз қолдиришга асос бўлган камчиликларни ва уларни тузатиш учун берилган муддатни кўрсатиб, ажрим чиқаради. Шикоят ёки протест берган шахс белгиланган муддатда ажримда кўрсатилган камчиликларни тузатса, шикоят ёки протест дастлаб судга тақдим этилган кунда берилган деб ҳисобланади. Акс ҳолда, шикоят ёки протест берилмаган ҳисобланиб, шикоят ёки протест берган шахсга қайтарилади.

Қонун (ФПКнинг 325-моддаси)да судья апелляция шикояти ёки протестини олинганидан сўнг ишнинг апелляция инстанциясида ҳар томонлама, объектив равишда ва тезлик билан кўрилишини таъминлашга қаратилган баъзи ҳаракатларни қилишга мажбур эканлигини кўрсатади. Судья ёки суд раиси ишда иштирок этувчи шахсларга шикоят ёки протестнинг нусхаларини юборади, уларни ишнинг кўрилиши вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилади; ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш ёки протест келтириш учун белгиланган муддат ўтган вақтдан бошлаб ўн кун ичида ишни шикоят ёки протест билан бирга апелляция инстанцияси судига юборади.

Ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш ва протест келтириш учун белгиланган муддат ичида ҳеч ким ишни суддан талаб қилиб олиши мумкин эмас ва иш судда сақланиб туради. Бу ўз навбатида ишда иштирок этувчи шахсларнинг суддаги иш материаллари ва тушган шикоятлар ёки протест билан танишишга имкон беради.

Процессда апелляция шикояти берган томонида қатнашаётган шерик иштирокчилар ва учинчи шахслар берилган шикоятга қўшила оладилар. Бундай шикоят иш апелляция инстанциясида кўрилиб, иш юзасидан ажрим чиқарилганига қадар берилиши мумкин.

Апелляция шикоятига қўшилиш учун шикоятчиларнинг талаблари бир турда бўлиши керак. Агар шикоятга қўшилишда бошқача талаб қўйилса, чунончи, асосий шикоят аризасида суд қарорнинг фақат ўзгартирилишигина талаб қилинган бўлса шикоятга қўшилишда ишнинг бутунлай бекор қилинишини талаб қилиб бўлмайди. Акс ҳолда бу шикоятга қўшилиш эмас, балки мустақил равишда бериладиган апелляция шикояти бўлиб кўрилади. Шикоятга қўшилиш тўғрисидаги ариза суд қарорига алоҳида шикоят бўлмагани учун ундан давлат божи олинмайди.

Ҳал қилув қарорининг иккинчи инстанция судида мумкин қадар тўла текширилишини кўзлаб, қонун (ФПКнинг 327-моддаси) ишда иштирок этувчи шахслар шикоят ёки протест юзасидан судга тушунтириш беришга (эътироз билдиришга) ҳақлидирлар. Бу тушунтиришни (эътирозни) тасдиқлайдиган ҳужжатлар илова қилиб топширилади. Тушунтириш (эътироз) ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига мутаносиб миқдорда нусхалари билан судга тақдим этилади. Бу нусхаларни суд ишда иштирок этувчи шахсларга топширади.

Шикоят юзасидан эътироз билдириш мажбурий эмас. Аммо ишнинг апелляция инстанциясида кўрилишида шахсан иштирок этиш мумкин бўлмаган ҳолларда бундай эътирознинг берилиши муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Фуқаролик процессида эркин ҳуқуқ тамойили, яъни моддий ва процессуал ҳуқуқларни амалга ошириш-оширмаслик ишда иштирок этувчининг ўз ихтиёрида бўлиш туфайли апелляция шикояти берган шахс ундан воз кечишга ҳақли. Лекин бундай воз кечиш, агар у қонунга зид бўлмаса ёки бировнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмасагина суд томонидан қабул қилиниши мумкин.

Апелляция протести келтирган прокурор, шунингдек, юқори турувчи прокурор суд мажлиси бошлангунига қадар протестни тўлдириш, ўзгартириш ёки қайтариб олишга ҳақли.

Агар ҳал қилув қарори устидан бошқа шахслар шикоят бермаган бўлса, шикоядан воз кечиш қабул қилинганда протест қайтариб олинганида апелляция инстанция суди ажрим чиқариб, апелляция тартибида иш юритишни тугатади (ФПКнинг 329-моддаси).

3-§. Апелляция (иккинчи) инстанция судида шикоят (протест)ни кўриш тартиби

Апелляция инстанция судига шикоят (протест) бериш муддатлари қонун (ФПКнинг 320-моддасида) белгиланган. Кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган шикоят (протест) кўрилмасдан қолдирилади. Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш масаласи қонун (ФПКнинг 130-моддаси) асосида ҳал этилади. Шикоят ёки протест бериш учун белгиланган кун ўтгандан сўнг тайинланган вақтда (кун соатда)апелляция судида раислик қилувчи суд мажлисини очади ва кимнинг шикояти ёки протести бўйича ҳамда қайси суднинг ҳал қилув қарори юзасидан қандай иш кўрилишини эълон қилади, ишда иштирок этуви шахсларнинг келганлигини, агар келмаган бўлса, унинг сабабларини аниқлайди, шунингдек, мансабдор шахслар ва вакилларнинг ваколатини текширади.

Сўнгра раислик қилувчи суд таркини эълон қилади, прокурор ва таржимон сифатида кимнинг қатнашганлигини маълум қилади ва ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг четлатиш ҳақида мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлигини, процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради. Агар ишда иштирок этувчи шахслардан ёки вакиллардан бирортаси суд мажлисига келмаган тақдирда, ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида улар хабардор қилинганлиги ҳақида маълумотлар бўлмаса, суд ишни кўришни кейинга қолдиради.

Ишнинг апелляция судида кўрилиши вақти тўғрисида хабардор қилинган шахсларнинг келмаганлиги ишни кўришга тўсқинлик қилмайди. Лекин суд бундай ҳолларда ҳам келмаслик сабабларини узрли деб топса, ишни кейинга қолдиришга ҳақлидир. Прокурор ёки адвокат узрсиз сабаб билан келмаса, суд хусусий ажрим чиқаради ва бу ҳақда тегишли юқори турувчи прокурорга ёки адвокатлар малака комиссиясига маълум қилинади.

Ишнинг апелляция судда кўрилишига қадар ҳам, кўрилиши давомида ҳам апелляция шикоятдан воз кечиш, апелляция протестни эса суд малисини бошлангунга қадар қайтариб олиш мумкин бўлганидек, қонун даъвогарнинг даъводан воз кечишга ва тарафларнинг келишув битими тузишларига йўл қўяди. Судда раис тарафларнинг бундай ҳуқуқлари борлигини тушунтиради. Апелляция шикояти ёки протести берилгандан сўнг давогарнинг даъводан воз кечиши ва тарафларнинг келишув битими тузиши апелляция инстанция судига ёзма шаклда билдирилиши лозим. Даъводан воз кечанликни қабул қилишдан

ёки келишув битимини тасдиқлашдан олдин суд даъвогарга ёки тарафларга уларнинг бундай процессуал ҳаракатларнинг оқибатларини тушунтиради.

Даъвогарнинг даъводан воз кечганлигини қабул қилганида ёки тарафларнинг келишув битими тасдиқланганида, апелляция инстанция суди биринчи инстанция суди чиқарган ҳал қилув қарорини бекор қилади ва ишнинг юритишни тугатади. Агар даъвогарнинг даъводан воз кечганлиги ёки тарафларнинг конун билан кўриқланадиган манфаатларига хилоф бўлса, у ҳолда суд бу воз кечишликни рад этиб, келишув битимини тасдиқламайди, иш апелляция тартибда кўрилаверади.

Ишда иш иштирок этувчи шахсларнинг апелляция инстанциясига берган илтимос ва аризалари, чунончи, судья ёки суд таркибини рад қилиш, ишнинг кўрилишини бошқа вақтга қолдириш, ишга қўшимча материалларни қабул қилиш тўғрисидаги илтимослар, бу тўғрисида ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг ва прокурорнинг фикрлари эшитилгач, суд томонидан бундай илтимос ва аризаларнинг характери ва мураккаблигига қараб ё маслахатхонада ёки суд мажлиси залида ҳал қилинади. Агар илтимос ёки арз алоҳида хона (маслахатхона) да муҳокама қилинса, бу тўғрида ажрим чиқарилади ва бу ажрим дарҳол суд залида эшиттирилади.

Апелляция инстанция судида ишни кўриш раислик қилувчининг ёки судьялардан бирининг маърузаси билан бошланади. Маъруза қилувчи судья ишда тўпланган материалларга ва айниқса биринчи айниқса биринчи инстанция судининг баённомасига асосланган бўлиши лозим. Шунинг учун Олий суднинг 1989 йил 7 сентябрдаги Пленум қарорида кўп ишларнинг баённомалари эътиборсизлик билан тузилиши туфайли ишни апелляция ёки назорат тартибида кўришда, гоҳида, суд баённомасидаги суд текширувнинг бориши ва натижаларини тўғри баҳолаб бўлмаслиги кўрсатиб ўтилган¹. Кўриладиган иш материаллари билан пухта, чуқур танишган маърузачи ишнинг ҳолатларини, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорининг мазмунини, апелляция шикоят ёки протестида билдирилган мулоҳазалари ва улар юзасидан берилган тушунтиришларни, судга келтирилган янги ёзма материалларнинг мазмунини, шунингдек суд кўриши зарур бўлган ҳамма маълумотларни ҳолисона равишда баён қилади.

Маърузадан сўнг суд мажлисида иштирок этувчи шахслар ва вакилларнинг баёнотлари эшитилади. Улар апелляция шикоятида ёки протестда кўрсатилмаган далиллар ва қўшимча материалларни ҳам келтиришга ҳақлидирлар. Уларга иш оид тушунтиришларни айтишга, важларни келтиришга тўла имконият берилиши лозим.

Даставвал апелляция шикоят берган шахс ва унинг вакили ёки агар иш протест бўйича кўрилаётган бўлса, прокурор сўзга чиқади, ҳал қилув қарори устидан ҳар икки томон шикоят билдирган бўлса, биринчи бўлиб судга мурожаат этган манфаатдор даъвогар сўзга чиқади.

ФПКнинг 5 ва 48-моддаларида назарда тутилган тартибда ишда иштирок этаётган давлат бошқаруви органлари, ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек,

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Ахборотномаси.1989, 3-сон, 10-бет.

фуқаролар агар уларсуднинг ҳал қилув қарорлари устидан шикоят бермаган бўлса, апелляция инстанция судида тарафлар ва учинчи шахслардан сўнг сўзга чиқадилар.

Ишда иштирок этувчи шахслар тушунтиришлар берганларидан сўнг прокурор ҳал қилув, қарори нақадар қонуний, асосли ва адолатли эканлиги тўғрисида ўз фикрини беради. Унинг бу фикри ёзма шаклда бўлиши шарт эмас.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари ва прокурорнинг фикри тингланиб бўлинганидан кейин апелляция инстанцияси суди ажрим чиқариш учун маслаҳатхонага чиқади.

Алоҳида ҳолларда асослантирилмаган ажрим тайёрлаш кўпи билан уч кунга кечиктирилиши мумкин, лекин ажримнинг хулоса қисмини суд ишни апелляция тартибида муҳокама қилиш тамомланган мажлиснинг ўзидаёқ эълон қилиниши керак.

Судьяларнинг маслаҳатлашуви, ажрим чиқариш ва уни эълон қилиш ФПКнинг 14-моддасида белгиланган тартибда ўтказилади.

4-§. Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини апелляция судида бекор қилиш, ўзгартириш ёки янги қарор чиқариш учун асослар

Иккинчи инстанция суди ишни апелляция тартибида кўриш вақтида ишга оид ва тарафлар ҳамда ишда иштирок этувчи бошқа шахслар томонидан қўшимча равишда келтирилган материаллар бўйича биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг шикоят қилинган қисми ҳам, шикоят қилинмаган қисми ҳам, шунингдек шикоят бермаган шахсларга нибатан қанчалик қонуний ва асосли эканлигини текширади.

Суд апелляция шикоятидаги ёки протестидаги далиллар билан чекланмасдан, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ ҳажмда текширишга мажбур (ФПКнинг 332-моддаси).

Шунинг учун ҳам апелляция суди асослантирилган қарор чиқариши учун кўриладиган ишни тўла ва ҳар томонлама текшириши лозим. Судларимиз деярли барча ҳолларда тўғри қарорлар чиқарадилар. Аммо айрим ҳолларда ишдаги материаллар билан яхши танишмаслик, уларни чуқур текширмаслик, қонунни тушунмаслик ва тўғри татбиқ этмаслик оқибатида асослантирилмаган ва ғайри қонуний қарор чиқарилиши ҳоллари ҳам рўй беради. Бу эса фуқаролик ишини апелляция тартибида кўриб текширишга ва айрим ҳолларда биринчи инстанция судининг қарорини бекор қилиб ишни яна биринчи инстанция судига юборишга олиб келади.

Суднинг ҳал қилув қарори асослантирилмаган, деганимизда иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўла аниқланмаганлиги ва исботланмаганлигини, суднинг ҳал қилув қарорида баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ келмаслигини тушунамиз.

Суд ҳал қилув қарорининг ғайриқонунийлиги-унинг қонунга, яъни ишнинг кўрилиши ва ҳал этилишида татбиқ этилиши лозим бўлган моддий ва процессуал ҳуқуқий меъёрларига мувофиқ бўлмаслигидир. Моддий ҳуқуқ нормалари ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри

татбиқ қилинганлиги ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва ишни янғидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборишга асос бўлади. ФПКнинг 313-моддасида айтилишича:

- 1) суд татбиқ қилиниши лозим бўлган қонунни бўлса;
- 2) суд татбиқ қилинмаслиги лозим бўлган қонуни қўллаган бўлса;
- 3) қонун нотўғри талқин қилинган бўлса, моддий ҳуқуқ нормалари бузилган ёки нотўғри қўлланган ҳисобланади;

Моддий ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри татбиқ этилиши-асоссиз ҳал қилув қарори чиқарилиши ҳоллардагина, жумладан, суднинг ҳулосалари иш ҳолатларига тўғри келмаганидагина ҳал қилув қарорини бекор қилиш ёки ўзгартиш учун асос бўлади. Агар биринчи инстанция суди иш ҳолатларини тўла ва тўғри аниқлаган бўлса-ю, аммо моддий ҳуқуқ нормалари татбиқ этишда хатога йўл куйган бўлса, бундай камчилик иккинчи инстанция суди томонидан тузатилиши мумкин. ФПКнинг 316-моддаси кўрсатилишича, апелляция, кассация, назорат инстанциялари ишн кўрган суд томонидан йўл қўйилган қонуни бузиш ҳоллари ҳал қилув қарори чиқаришга асос бўлмайди деб топсалар, бу ҳақда ажримда, қарорда ёки махсус қабул қилинадиган хусусий ажримда кўрсатишлари лозим.

Процессуал ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри татбиқ қилиш ишни нотўғри ҳал этишга сабаб бўлган ёки сабаб бўлиши мумкин бўлган тақдирдагина ҳал қилув қарорини бекор қилишга асос бўла олади. Аммо ФПКнинг 314-моддасида кўрсатилганидек, агар:

- 1) иш суд томонидан ғайриқонуний таркибда кўрилган бўлса;
- 2) иш суд муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган, аммо суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисидаги хабар берилмаган шахслардан бирортасининг йўқлигида бўлса;
- 3) иш кўриляётганда иш юритиладиган тилга доир қоидалар қоидалар бузилган бўлса;
- 4) суд ишда қатнашишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир масалани ҳал қилган бўлса;
- 5) ҳал қилув қарори, ажрим, қарор чиқаришда суд маслаҳатининг сир сақланишига доир қоидалар бузилган бўлса;
- 6) ҳал қилув қарори, ажрим, қарор судьялардан бирортаси (судья) томонидан имзоланмаган ёки ҳал қилув қарори, ажрим, қарор уларда кўрсатилмаган судьялар (судья) томонидан имзоланган бўлса;
- 7) ҳал қилув қарори, ажрим, қарор ишни кўрмаган судьялар томонидан чиқарилган бўлса;
- 8) ишда суд мажлиси баённомаси бўлмаса ёки у имзоланмаган бўлса, ҳал қилув қарори, ажрим, қарор бекор қилиниши шарт.

5-§. Апелляция инстанция судининг ваколатлари

Апелляция инстанция судининг ваколатлари ФПКнинг 343-моддасида белгиланган. Унга кўра суд ишни апелляция тартибида кўриб чиққач, ўз ажрими билан:

биринчидан, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришга, шикоят ёки протестни эса қаноатлантирмаслиги мумкин. Амалиётда айрим судлар «ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилсин» деб ёзиш ҳоллари ҳам учрайди. Шунинг учун ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш деб кўрсатилиши қонун талабларига мос келади ва шундай ёзилиши керак.

Ҳозир судларимиз қонунан тўғри, асосланган ва адолатли ҳал қилув қарорлари чиқаришлари учун барча имкониятларга эгадирлар. Чиқарилган ҳал қилув қарорларининг аксарияти ҳаққоний ва тарафларнинг ҳақиқий ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб қабул қилиниши сабабли шикоят қилинмайди ва улар юзасидан прокурор ҳам протест келтирмайди. Шикоят қилинган ёки протест келтирилган ҳал қилув қарорларининг кўпчилиги одил судлов талабларига тўла жавоб берганлиги туфайли ўзгаришсиз қолдирилади,

иккинчидан, ишни янгидан кўриш учун юбормасдан, ҳал қилув қарорини ўзгартиришга ёки бутунлай ёхуд қисман бекор қилиш ва янгидан ҳал қилув қарри чиқариши мумкин. Агар иш судда кўрилишида моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормалари бузилган ёки нотўғри татбиқ этилган бўлса, шунингдек, ишнинг барча ҳолатлари ҳам аниқланмаган бўлса ва иш юзасидан ҳақиқатни белгилаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган далиллар ҳам тўпланган бўлса, апелляция инстанция суди ҳал қилув қарорини бутунлай ёки қисман бекор қилиш ва ишни ўша ёки бошқа суд таркибида янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш мумкин (ФПКнинг 312-313-314-моддалари).

Муқаддам республикамизнинг баъзи туманларида фақат биргина суд бўлганлиги туфайли кассация инстанция лозим топган ҳолларда, ишни бекор қила туриб, уни янгидан кўриш учун ўша туман судига юбориши мумкин эди. Бундай амалиётдан воз кечишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

ФПКга 2000йил декабрда киритилган ўзгартириш ва кўшимчаларга кўра, туманлараро судлари ташкил этилди. Эндиликда, агар агар биринчи инстанция судининг чиқарган қарори ишдаги далилларга нотўғри баҳо берилганлиги сабабли бекор қилинган бўлса ва иш шу судда қайтадан кўрилишида одилona, ҳаққоний ҳал қилув қарори чиқарилиши тўғрисидаги гумон бўлса, апелляция инстанция ишни бошқа таркибда кўришликка топширади.

Шу туфайли агар биринчи инстанция судида иккинчи марта кўрилган иш юзасидан иккинчи марта шикоят қилинган ёки протест келтирилган ҳал қилув қарорини бекор қилинишини лозим топган апелляция инстанция суди ҳал қилув қарорини бекор қилиши ва ишни умумий асосларда биринчи инстанция суди сифатида кўриш учун ўзи иш юритишга қабул қилиш ҳақдаги қоида ФПКдан чиқарилди.

учинчидан, агар биринчи инстанция суди йўл қўйган хатони ишда мавжуд бўлган далилар ва кўшимчалар билан бартараф қилишнинг имкони бўлмаса, ҳал қилув қарорини бутунлай ёки қисман бекор қилишга ва ишни янгидан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юбориши мумкин, яъни ФПКнинг 314-моддасидаги қоидалар бузилган бўлса;

тўртинчидан, ҳал қилув қарорини бутунлай ёки қисман бекор қилишга ҳамда ФПКнинг 97 ва 100-моддаларида кўрсатилган асосларга кўра, аризани кўрмасдан қолдиришга ва иш юритишни тугатишга ҳақли.

Муқаддам фуқаролик ишларининг кўрилиши ва ҳал этилишини тезлатиш мақсадида апелляция судига амалдаги Фуқаролик процессуал кодексида кўрсатилган ҳолларда, иш юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки янгидан ҳал қилув қарорини чиқариш ҳуқуқини берилганлиги судларда апелляция институти элементлари мавжудлигини кўрсатадиган ҳолатдир бири деб қаралган эди. Эндиликда эса, апелляция институти тўлиғича қонуний тус олди.

6-§. Апелляция (икинчи инстанция) судининг ажримлари

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари ва прокурорнинг иш юзасидан фикри эшитилгандан кейин апелляция инстанция суди ажрим чиқариш учун маслахатхонага киради. Апелляция инстанция судининг ажрими иш кўрилгандан кейин дарҳол чиқарилади.

Судьяларнинг маслахати, ажрим чиқариш ва уни эълон қилиши ФПКнинг 14, 204-моддаларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг янги жиҳатларидан бири яна шундаки, бунда алоҳида ҳолларда асослантирилган ажрим тайёрлаш кўпи билан уч кунга кечиктирилиши мумкинлиги, лекин ажримнинг хулоса қисми суд ишни апелляция тартибида муҳокама қилиш тамомланган мажлиснинг ўзидаёқ эълон қилиш кераклиги асослаб берилган. Бундай ҳоллар ўта муҳим ишлар учун назарда тутилган (ФПКнинг 342-моддаси).

Ишнинг апелляция шикоят ёки протести бўйича қайта кўрилиши натижасида иккинчи инстанция суди томонидан чиқарилган қарорга апелляция ажрими деб айтилади. Апелляция ажрими ҳам суднинг ҳал қилув қарори каби тўрт қисмга бўлиниб, мазмунида ажрим чиқарилган вақт ва жой, ажрим чиқарган суднинг номи ва таркиби, апелляция инстанция судида иштирок этган прокурор ва ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг ишироқи тўғрисидаги маълумотлар, иш апелляция инстанцияда кимнинг шикоят ёки протети билан кўрилганлиги, шикоят қилинган ёки протест келтирилган ҳал қилув қарорининг номи ва унинг қисқача мазмуни, кассация шикоятда ёки протест ифодаланган важлар, келтирилган материалларнинг қисқача мазмуни, апелляция инстанциясида ишни кўришда иштирок этган шахсларнинг тушунтиришлари ва прокурорнинг фикри, апелляция инстанция судининг хулосаларига асос бўлган далиллар ва суд қўлланган қонун, суднинг қарори кўрсатилади.

Суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун юборса, ишни янгидан кўришда қандай ҳолатларни аниқлаш зарурлигини, қандай далилларни талаб қилиб олиш кераклигини, шунингдек биринчи инстанция суди бошқа қандай ҳаракатларни бажариши лозим эканлигини ўз ажримида кўрсатилиш керак.

Суд апелляция шикоят ёки протестни рад қилса, қандай асосларга кўра шикоят ёки протестдаги далилларни нотўғри деб ёки ҳал қилув қарорини бекор

қилиш учун асос бўлмайди деб топганлигини ҳам ўз ажримда кўрсатиши шарт (ФПКнинг 315-моддаси). Апелляция тартибда ишни кўрган суднинг ажримда баён қилинган кўрсатмалари шу ишни янгидан кўрадиган суд учун мажбурийдир. Масалан, бирон-бир гувоҳнинг чақириб сўралиши лозим деб топилган бўлса, мазкур гувоҳ судга чақирилиши, агар ундан сўроқ олиш мумкин бўлмаса, ишнинг ҳолати бошқа гувоҳларнинг кўрсатувлари ёки бошқа далиллар билан аниқлаши лозим бўлади.

Ишни апелляция тартибда кўраётган суд ҳал қилув қарорида белгиланмаган ёки унда рад қилинган ҳолатларни белгилашга ёки исботланган деб ҳисоблашга, бирор далилнинг ишончли ёки ишончсизлиги тўғрисидаги бир хил далилларнинг бошқа хил далиллардан устунлиги тўғрисидаги, шунингдек, моддий ҳуқуқнинг қандай нормаси татбиқ қилишини ва ишни янгидан кўрганда қандай ҳал қилув қарори чиқариш кераклиги тўғрисидаги масалаларни олдиндан белгилаб қўйишга ҳақли эмас. Бу тўғрисидаги тушунтиришлар Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1976 йил 28 декабрда ва унга Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори билан 1983 йил 12 декабрдаги қарори билан киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларининг 5-бандида ўз ифодасини топган.

Апелляция инстанция суди биринчи инстанция судига нисбатан унинг томонидан иш кўрилишида йўл қўйилган камчиликлар, қонуннинг бузилиши ҳолларини кўрсатиб, хусусий ажрим чиқариш билан бирга, ФПКнинг 19-моддасида кўзда тутилган ҳолларда ҳам хусусий ажрим чиқариши мумкин.

Фуқаролик иши апелляция тартибда кўрилганидан кейин тушган апелляция шикоят ёки протестнинг кўрилиш тартиби ФПКнинг 345-моддасида кўрсатилган. Унда айтилишича, белгиланган муддатда ёки ўтказиб юборилган муддат тиклангандан кейин берилган апелляция шикояти ёки келтирилган апелляция протести апелляция инстанцияга иш бошқа шикоятлар ёки протест бўйича кўриб чиқилгандан кейин келиб тушса, уларни қабул қилиши ва кўриши шарт.

Апелляция инстанцияси бундай шикоят ёки протестни кўриб, шикоят ёки протест бўйича чиқариладиган ажрим муқаддам чиқарилган ажримнинг ўзгартирилиши ёки бекор қилинишига олиб келиши лозим, деган хулосага келса, у ажрим чиқариб, ишни алоҳида тавсиянома билан суд раисига юборади. Суд раиси бир ёки иккала ажрим устидан назорат тартибда протест келтириш масаласини ҳал қилади.

7-§. Биринчи инстанция судининг ажримлари устидан шикоят бериш ва протест келтириш

Биринчи инстанция суди чиқарган ажрим устидан манфаатдор шахснинг берадиган шикоятга хусусий шикоят деб айтилади, прокурорнинг келтирган протести эса-хусусий протест деб айтилади.

Қонун биринчи инстанция судининг чиқарган барча ажримлари устидан шикоят бериш ёки протест келтириш мумкинлигини кўрсатмайди. Биринчи инстанция суди ажримлари устидан шикоят бериш ёки протест келтириш

масаласи, аввало, ажримлар қайси суд томонидан чиқарилган бўлишлигига қараб ҳал қилинади. Бу белгига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий суди чиқарган ажримлар устидан шикоят бериб бўлмайди.

Бошқа ҳамма судлар ажримлари устидан шикоят бериш, протест келтириш мумкин бўладиган ва мумкин бўлмайдиган ажримларга бўлинади.

Шикоят берилиши ёки протест келтирилиши мумкин бўлган ажримлар қонунда, масалан: ФПКнинг 108-моддасида суд ҳаракатлари бўйича чиқарилган ажримлар, 125-моддасида жарима солиш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят қилиш, 130-моддасида процессуал муддатларни кечиктириш ва тиклаш, 147-моддасида ишни бир суддан бошқа судга ўтказиш тартиби; 152-моддасида аризани қабул қилишни рад этиш, 156-моддасида даъвони таъминлаш масаласи тўғрисида чиқарилган ажримлар устидан хусусий шикоят келтириш; 213-моддаси ҳал қилув қарорига тузатиш тўғрисида суднинг ажрим устидан хусусий шикоят бериш; 214-моддасида қўшимча ҳал қилув қарорини чиқаришни рад этиш ҳақида чиқарилган ажрим устидан хусусий шикоят бериш; 215-моддасида ҳал қилув қарорининг тушунтириш; 216-моддасида ҳал қилув қарорини ижросини кечиктириш ва уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ҳал қилув қарорини ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш устидан хусусий шикоят бериш; 220-моддасида ҳал қилув қарорини дарҳол ижро этилишига суднинг йўл қўйиш ҳуқуқи устидан хусусий шикоят; 95-моддасида ишни тўхтатиш ажрими устидан хусусий шикоят; 374-моддасида ижро варақасини дубликати бериш тўғрисида суд ажрими устидан хусусий шикоят бериш ва бошқалар кўрсатилган. Бундан ташқари, суднинг ажрими ишнинг келгусидаги ҳаракатига тўсқинлик қиладиган ҳолларда ҳам, масалан, аризани ёки апелляция шикояти қабул қилиш тўғрисидаги илтимос рад қилиниши, ишнинг юритилишини тўхтатиш ва бошқа баъзи ҳолларда чиқарилган ажримлар устидан ҳам хусусий шикоят (ёки протест) берилиши мумкин. Биринчи инстанция судининг баъзи бошқа ажримлари устидан хусусий шикоят берилмаслиги ёки протест келтирилмаслиги қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлади. Бундай ҳолларда ажримларга қарши эътирозлар апелляция шикояти ёки протестига киритилиши мумкин. Хусусий шикоят бериш ва протест бериш ҳамда уларни кўриш тартиби ФПКнинг 37-38 бобларида кўрсатилган. Хусусий шикоят ёки протестларни кўришда апелляция инстанциясининг ваколати ФПКнинг 348-моддасида белгиланган.

Бу қоидада кўрсатилишича:

1) ажримни ўзгаришсиз қолдиришга, шикоят ёки протестни эса қаноатлантirmасликка;

2) ажримни бекор қилишга ва ишни мазмунан кўриш учун биринчи инстанция судига юборишга;

3) ажримни бутунлай ёки қисман ўзгартиришга ёхуд бекор қилишга ва масалани мазмунан ҳал қилишга.

Хусусий шикоят ёки протест бўйича апелляция инстанция суди чиқарган ажрими устидан шикоят бериш мумкин эмас, бундай ажрим чиқарилиши билан дарҳол қонуний кучга киради.

ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ ВА АЖРИМЛАРИ УСТИДАН КАССАЦИЯ ШИКОЯТИ БЕРИШ (ПРОТЕСТ КЕЛТИРИШ)

1-§. Қонуний кучга кирган суд ҳал қилув қарори, ажримларини қайта текшириш институтининг вазифаси ва моҳияти

Фуқаролик иши судда кўриб ҳал этилган манфаадор шахс, унинг якунидан ҳамиша қаноатланавермайди. Шу боисдан ишни кўрилишидан ва унинг якунидан норози бўлган шахслар, ўзларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни давом эттириш мақсадида юқори судга шикоят, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи прокурор эса, протест келтириш ҳуқуқидан фойдаланадилар. Демак, суднинг тегишли масала бўйича чиқарган қарори уларнинг субъектив ҳуқуқига таъсир кўрсатганлигидан далолат беради. Шу туфайли, ундан кейин процессни давомийлиги ишда иштирок этувчи шахсларнинг, прокурорни ҳам биринчи инстанция судининг чиқарган актига нисбатан бўладиган муносабатига боғлиқ бўлади. Агар манфаатдор шахслар суднинг чиқарган ҳал қилув қарори, ажримларидан қаноат ҳосил қилмасалар юқорида баён этилганидек, иш қайта кўрилиши мумкин.

Кассация тартибида иш кўриш фуқаролик ишларини қайта кўриш ҳисобланади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ишларни қайта кўрувчи судларнинг ҳар бири қонунда белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланиши, бундан олдинги апелляция босқичида иш кўриш бобида айтиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик процессуал қонунчилиги кассация тартибида иш кўриш институтидан 2000 йил декабрига қадар¹ фуқаролик ишларини судда қайта кўришда иккинчи инстанция суди сифатида фойдаланиб келинган ва шу асосда қонуний кучга кирмаган биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорлари ва ажримларига шикоят бериш, прокурор эса, протест келтириш ҳуқуқидан фойдаланилган эди. Аини вақтда кассация инстанция судида апелляция судининг айрим элементлари бўлиб, у ҳар икки босқич судларининг ваколатларини бажарган дейишликка тегишли асослар мавжуд бўлган деб таъкидланса, хатоликка йўл қўйилмаган бўлади, деган фикр туғилади.

Кассация - французча “бузиш” маъносини англатиб, кўрилган фуқаролик ишларини қайта кўриш тушунилади.

Фуқаролик процессуал қонунчилигига киритилган кассация тартибида иш юритиш институтининг мақсади ишни қайтадан кўради. Ишнинг шикоят қилинган қисми бўйича моддий ва процессуал ҳуқуқий меъёрларининг тўғри татбиқ этилганлигини текширади.

ФПКга янги киритилган ва 2000 йил декабридан амалда татбиқ этилаётган кассация инстанциясида иш кўриш қатор жиҳатлари билан олдинги

¹Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. 2000 йил, декабр.

кассация институтидан фарқланади. Жумладан, кассация шикоятини бериш, протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар қайси муддатда берилиши ФПКнинг 348¹-моддасида ифодаланган. Унда кўрсатилишича, Ўзбекистон Республикаси барча судларининг қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорлари, ажримлари устидан суднинг ҳал қилув қарори, ажрими чиққан кундан эътиборан бир йил ичида тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар томонидан кассация шикояти берилиши ва прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин.

Демак, кассация судида иш юритиш учун биринчи инстанция суди томонидан фуқаролик иши кўриб ҳал этилган ва апелляция судига шикоят (протест) берилмаган, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари асос бўлиши назарда тутилади.

Кассация тартибида ишларни кўриш учун фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий судида, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларида уч нафар судьядан иборат таркибда кўрилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, шикоят бериш ҳуқуқига апелляция тартибидегидек тарафлар (даъвогар, жавобгар), учинчи шахслар, уларнинг вакиллари процессда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этган прокурор суднинг ҳал қилув қарори, ажрими, қарори устидан кассация инстанциясига ҳудди апелляция тартибидегидек, ўзи ишда қатнашганлигидан қатъий назар кўрилган ишлар бўйича прокурор ёки унинг ўринбосари томонидан протест келтириш ҳуқуқига эгадир (ФПКнинг 348⁴-моддаси).

Кассация судига шикоят бериш (протест келтириш) ҳуқуқи манфаатдор шахсларда ҳал қилув қарор, ажрим қонуний кучга киргандан кейин пайдо бўлади ва бу актлар шикоят (протест) келтириш объекти бўлади.

Фуқаролик процессуал қонунчилигида кассация тартибида шикоят қилиш (ФПКнинг 348¹-моддаси) учун бир йиллик муддат белгиланиши иш кўришни асоссиз чўзмаслик, кўп вақт ўтиши билан унинг моҳиятини йўқотишнинг олдини олиш ва шу билан манфаатлар шахсларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган муддат бўлиб хизмат қилади.

Амалдаги Фуқаролик процессуал кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар (ФПКнинг 348²-моддаси)га кўра, кассация шикоятлари (протестлари)ни қуйидаги судларнинг судловига тегишли эканлиги белгиланган:

1) Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари-тегишли фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларнинг ҳал қилув қарорлари устидан, Қорақалпоғистон Республикаси Фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг ҳал қилув қарорлари устидан берилган кассация шикоятларини (протестларини);

2) Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди -округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг ҳал қилув қарорлари устидан берилган шикоятларини (протестларини);

3) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати -Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳал қилув қарорлари устидан берилган кассация шикоятларини (протестларини);

4) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ҳарбий ҳайъати -Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий ҳайъатининг ҳал қилув қарорлари устидан берилган кассация шикоятларини (протестларини) кўради.

Кассация шикоятлари ва протестлари кассация инстанция суди номига ёзилади, лекин ҳал қилув қарори чиқарган судга берилади.

Агар иш кўришда вакил қатнашган бўлса, вакил томонидан берилган кассация шикоятига ишончнома ёки вакилнинг ваколатини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатлар илова қилинади. Кассация шикояти бериш (протест келтириш) тартиби ФПКнинг 348³-моддасида ўз ифодасини топган.

Кассация шикояти бериш (протест келтириш) учун унинг сабабларини пухта таҳлил этган ҳолда ФПКнинг 348⁴-моддаси талаблари асосида бериш талаб этилади. Бу ҳуқуқий меъёрда кўрсатилишича:

1) шикоят берилаётган ёки протест келтирилаётган суднинг номи;

2) шикоят бераётган ёки протест келтираётган шахснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);

3) шикоят берилаётган ёки протест келтирилаётган ҳал қилув қарори ва уни чиқарган суд;

4) ҳал қилув қарорининг нотўғрилиги нимадан иборат эканлиги;

5) шикоят бераётган ёки протест келтираётган шахснинг илтимоси;

6) шикоят ёки протестга илова қилинган ёзма материалларнинг рўйхати.

Кассация шикоятини шикоят бераётган шахс ёки унинг вакили имзолайди. Кассация протести прокурор ёки унинг ўринбосари томонидан келтирилади ва имзоланади.

Кассация шикояти (протести) судда иштирок этувчи шахсларнинг сонига қараб нусхалар билан қўшиб берилади.

Судья зарур ҳолларда, кассация шикояти берган шахсга ёки протест келтирган прокурорга, шикоят (протест)га илова қилинган ёзма материалларнинг ишда иштирок этувчи шахслар сонига қараб, нусхалар билан топшириш мажбуриятини юклай олиши мумкин.

Кассация шикоятини берувчи шахс белгиланган миқдордаги (даъво талабларини 50% миқдордаги) давлат божини тўлаши лозим.

Агар кассация шикояти бериш ёки протест келтириш пайтида ФПКнинг 348³ ва 348⁴-моддалари талаблари бузилишига йўл қўйилган бўлса ёки давлат божи тўлашдан озод қилинмаган шахс шикоят берганлик учун бож тўламаган бўлса, кассация шикояти ёки протести ҳаракатсиз қолдирилади.

Кассация шикояти ёки протестини ҳаракатсиз қолдириш тўғрисида судья бу шикоят ёки протестни ҳаракатсиз қолдирилишига асос бўлган камчиликларни ва уларни тузатиш учун берилган муддатни кўрсатиб ажрим чиқаради.

Агар шикоят берган ёки протест келтирган шахс ажримда кўрсатилган камчиликларни белгиланган муддатда тузатса, шикоят ёки протест дастлаб судга тақдим этилган кунда берилган ҳисобланади. Акс ҳолда, шикоят ёки протест берилмаган ҳисобланиб, шикоят берган ёки протест келтирган шахсга қайтарилади ва бу ҳақда ажрим чиқарилади.

Биринчи инстанция судига кассация шикояти (протести) келиб тушгандан сўнг судья ишни белгиланган процессуал муддатларда кўришга қаратилган бир қатор процессуал ҳаракатларни амалга оширади, жумладан:

1) ишда иштирок этувчи шахсларга шикоят ёки протестнинг нусхаларини юбориши;

2) ишда иштирок этувчи шахсларга ишни кассация инстанциясида кўриш вақти ва жойи тўғрисида маълум қилиши;

3) суд қарори ижросини (агар у ижро этилмаган бўлса) иш кассация тартибида кўрилгунига қадар тўхтатиб қўйиши ва бу хусусда манфаатдор шахслар, ташкилотларни хабардор этиши;

4) кассация шикояти ёки протести келиб тушган кундан эътиборан йигирма кунлик муддат ичида ишни тушган шикоят ва протест билан бирга кассация инстанцияси судига юбориши шарт.

Ишда иштирок этувчи шахслар судда иш материаллари ва тушган шикоятлар ёки протест билан танишишга ҳақли (ФПКнинг 348^б-моддаси).

Бу ҳаракатлар кассация инстанция судида ишларни ҳар томонлама объектив равишда ва тезда кўришликни таъминлашга қаратилгандир.

Кассация инстанция суди номига шикоят (протест) берилганда биринчи инстанция судидан ишни бирон бир мансабдор, ваколатли шахс белгиланган шикоят (протест) бериш муддати ичида талаб қилишга ҳақли эмас.

Тарафлар ва ишда иштирок этувчи шахслар томонидан берилган кассация шикоятига шу шахслар тарафида иштирок этувчи шерик иштирокчилари лозим ҳолларда шикоятга қўшилишлари мумкин.

Биринчи инстанция судлари манфаатдор тарафлар томонидан берилган кассация шикоятининг қанчалик асослантирилганлиги ҳақида ўз фикрларини (эътирозларини) билдиришлари мумкин, бунинг учун, тегишли ҳужжатларни эътирозномага қўшиб беришлиги лозим бўлади. Шикоят юзасидан эътироз билдириш мажбурий бўлмай, уларнинг ҳуқуқидир.

Кассация инстанция суди ишни шикоят (протест) билан бирга олгандан сўнг, ФПКнинг 348^б-моддасида кўрсатилган процессуал ҳаракатларни бажаради.

Апелляция босқичидаги каби кассация судида ҳам шикоят берган манфаатдор шахс уни тўлдириши, ўзгартириши ёки ундан воз кечиши мумкин.

Кассация протести билдирган прокурор, шунингдек юқори турувчи прокурор суд мажлиси бошлангунига қадар протестни тўлдириш, ўзгартириш ёки қайтариб олишга ҳақли.

Агар ҳал қилув қарори устидан бошқа шахслар шикоят бермаган бўлса, шикоятдан воз кечиш қабул қилинганлиги тўғрисида ва протест қайтариб олинган тақдирда, кассация инстанция суди ажрим чиқариб, кассация тартибида иш юритишни тугатади.

Шикоят ва протест келтириш ҳуқуқидан фойдаланиш ишда иштирок этувчи шахсларнинг эркин ҳуқуқ тамойилига асосланган бўлиб, қонунда кўрсатилган моддий ва процессуал ҳуқуқларини амалга ошириш уларнинг мажбурияти бўлмасдан балки ҳуқуқидир.

Демак, ана шундай ҳуқуқдан фойдаланиш манфаатдор шахсларга нисбатан ҳақ қандай ташқаридан таъсир этувчи тазийқ бўлмаган тақдирдагина амалга оширилиши лозим. Акс ҳолда суд бундай шикоятдан воз кечишни ғайриқонуний деб топиши ва уни қаноатлантирмаслиги мумкин.

Юқорида кўрсатилганидек, прокурор кассация шикоятини суд мажлиси бошлангунига қадар қайтариб олиши, тўлдириши, ўзгартиришга ҳақли, чунки кассация судида иш кўрилиши бошлангандан сўнг протестда кўрсатилган ҳолатлар тасдиқланмаслиги мумкин. Шунинг учун, бундай тартиб прокурорни протест келтиришдан аввал чуқур мулоҳаза этиш ишни қонуний ҳал этишга қаратилган ҳолатларни таҳлил этган ҳолда муносабатда бўлиш назарда тутилгандир.

Кассация инстанция суди биринчи инстанция тартибида кўрилган иш бўйича берилган шикоят келтирилган протест тайинланган вақтида тарафлар ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг иштирокида кўради. Кассация инстанциясида иш кўриш ФПКнинг 14, 333-342-моддаларида назарда тутилган тартибда ўтказилади.

Даъвогар кўзғатилган даъво талабларидан нафақат биринчи инстанция судида, юқори судларда ҳам воз кечишга ҳақли. Жавобгарнинг эса, даъво талабларини тан олиши суд процессини ҳал этилишини бир мунча тезлаштиришга имконият беради. Булардан ташқари, тарафлар фуқаролик ишларини иш кўришнинг ҳар қандай босқичида келишув битими билан яқунлашлари ҳам мумкин. Шулар ҳақида ФПКнинг 348¹¹-моддасида қуйидагилар белгиланган:

Кассация шикоят берилган ёки протест келтирилгандан кейин даъвогарнинг арз қилган талаблардан воз кечиши, жавобгарнинг даъвогар талабларини тан олиши ва тарафларнинг келишув битими тузиши ёзма шаклда баён этилиб, кассация инстанцияси судига топширилиши лозим. Агар иш кўриш вақтида даъвогар арз қилган талабларидан воз кечса, жавобгар арз қилинган талабларни тан олса ёки тарафлар келишув битими тузсалар, бу ҳақда суд мажлисининг баённомасига ёзиб қўйилади ва баённомани тегишинча даъвогар, жавобгар ёки ҳар икки тараф имзолайди.

Суд даъводан воз кечишни қабул қилишдан ёки келишув битимини тасдиқлашдан олдин даъвогарга ёки тарафларга бундай процессуал ҳаракатларнинг оқибатларини тушунтиради.

Даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечиши қабул қилинган ёки тарафларнинг келишув битими тасдиқланган тақдирда кассация инстанцияси суди чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилади ва иш юритишни тугатади.

Агар даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечиши ёки тарафларнинг келишув битими қонунга зид бўлса ёхуд бировнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган бўлса, суд воз кечишни

рад қилади ёки тузилган келишув битимини тасдиқламайди ҳамда ишни кассация тартибида кўради.

Фуқаролик ишларини судда кўришда тарафларнинг ўз талабларидан воз кечишлиги ёки улар ўртасида тузилган келишув битимлари қонунда зид деганда қуйидаги ҳолатларга суд эътибор бериши мақсадга мувофиқдир, жумладан:

янглишиш таъсирида тузилган; алдаш, зўрлик, кўркитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши ёки оғир ҳолатлар юз бериши таъсирида тузилган; қалбаки ва кўзбўямачилик учун тузилган ва бошқалар. ФКнинг 113-128-моддаларида битимларни ҳақиқий эмаслиги ҳақидаги қоидалар ўз ифодасини топган.

Фуқаролик ишида иштирок этувчи мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахслар, даъвогар каби қонунда белгиланган процессуал ҳуқуқлардан фойдаланишлари муносабати билан улар ҳам ўз талабларидан воз кечишлари ва келишув битими тузишга ҳақлидир.

Ишда иштирок этувчи тарафлар ва бошқа шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида белгиланган муддатларга роя этиш кассация инстанция судига ҳам тегишлидир. Шу туфайли ФПКнинг 348¹²-моддасида ишни кассация инстанциясида кўриш муддатлари кўрсатилган. Бу қоидада Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди кассация шикояти ёки протести бўйича тушган ишни у келиб тушган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқиши лозим. Иш ўта мураккаб бўлган ёки бошқа фавқулодда ҳолларда тегишли суднинг раиси бу муддатни кўпи билан ўн кунга узайтириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди кассация шикояти ёки протести бўйича тушган ишни у келиб тушган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқиши лозим. Алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ёки унинг ўринбосари бу муддатни кўпи билан яна бир ойга узайтириши мумкин.

Юқорида апелляция судининг иш кўриш доираси ҳақидаги қоидада (ФПКнинг 332-моддаси)да кўрсатилганидек, кассация инстанция судининг ишни кўриш доирасида кўрадиган масалалар асосийларидан бўлиб ҳисобланади, жумладан, биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текширади. Булардан ташқари, кассация суди янги далилларни ўрганиб чиқиши, агар янги фактлар биринчи инстанция судига тақдим қилинмаган ва шу вақтларда тақдим қилиниши мумкин бўлмаган ҳолларда уларни суд ўрганиши ва таҳлил қилган ҳолда ишни ҳолисона тўғри ҳал этишда фойдаланиши мумкинлиги муҳим масалалардандир.

Кассация суди ҳам апелляция судига берилган ваколат каби биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорларини тўла ҳажмда текшириши ФПКнинг 348¹³-моддасида кўрсатилган.

Агар биринчи инстанция судининг чиқарган қарори ишдаги далилларга нотўғри баҳо берилганлиги сабабли бекор қилинган бўлса ва иш шу судда

қайтадан кўрилишида одилона ҳал қилув қарори чиқарилиши тўғрисида гумон бўлса, кассация суди ишни бошқа таркибда кўришликка топширади.

Фуқаролик иши кассация судида процессуал қоидалар асосида кўриб чиқилгандан сўнг, суд ўзига берилган ваколат доирасида ФПКнинг 348¹⁵-моддасида белгиланган ҳаракатларни бажариш қабул қиладиган ажримда:

1) ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришга шикоят ёки протестни қаноатлантирмасликка;

2) ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёхуд бутунлай ёки қисман бекор қилишга ва янги ҳал қилув қарори чиқаришга;

3) ҳал қилув қарорини бутунлай ёки қисман бекор қилишга ҳамда ФПКнинг 97, 100-моддаларида кўрсатилган асосларга кўра, иш юритишни тугатишга ёхуд аризани кўрмасдан қолдиришга;

4) ФПКнинг 314-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ҳал қилув қарорини бутунлай ёки қисман бекор қилишга ҳамда ишни судда янгидан кўриб чиқиш учун юборишга ҳақли.

Кассация судининг ваколоти билан апелляция инстанция судининг ФПКнинг 343-моддасида берилган ваколотида фарқ йўқлиги кўринади. Бунга сабаб апелляция судида кўрилмаган фуқаролик ишлари қонуний кучга кирган бўлса ҳам юқори судлар томонидан кўрилиб манфаатдор шахсларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби муҳим процессуал ҳуқуқдан фойдаланиш назарда тутилган.

2-§. Кассация инстанция судининг ажрими

Кассация суди фуқаролик ишини суд процессида кўриб тамомлагандан сўнг ажрим чиқариш учун маслахатхонага киради. Кассация инстанция судининг ажрими дарҳол чиқарилади ва эълон қилинади, бу босқичдаги судда апелляция суди каби ажрими чиқаришни кечиктиришга йўл қўйилмайди.

Судьяларнинг маслахати ажрим чиқариш ва уни эълон қилиш ФПКнинг 14-моддасида белгиланган тартибда ўтказилади.

Ишни кассация тартибида кўрган суд биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорида белгиланмаган ёки унда рад этилган ҳолатларни белгилашга ёки исботланган деб ҳисоблашга, бирор далилнинг ишончли ёки ишончсизлиги тўғрисидаги, бир хил далилнинг бошқа хил далиллардан устунлиги тўғрисидаги, шунингдек моддий ҳуқуқнинг қандай ҳуқуқий меъёри татбиқ қилиниши ва ишни янгидан кўрганда қандай ҳал қилув қарори чиқарилиши кераклиги тўғрисидаги масалаларни олдиндан белгилаб қўйишга ҳақли эмас.

Фуқаролик иши кассация шикояти ёки протести бўйича қайта кўрилиши натижасида кассация судининг қабул қиладиган қарори ажрим шаклида бўлади.

Кассация судининг ажрими ҳам биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори, апелляция судининг ажрими сингари тўрт қисмдан иборат тартибда тузилади (ФПКнинг 206, 315-моддалари). Кассация инстанцияси судининг ажрими чиқарилиши биланоқ қонуний кучга киради, унинг ажрими устидан фақат ваколатли мансабдор шахсларгина назорат тартибида протест келтиришга ҳақли бўлади.

3-§. Биринчи инстанция судининг ажримлари устидан кассация тартибида шикоят ва протест келтириш ҳуқуқи

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, апелляция судига биринчи инстанция судининг чиқарган ажримлари устидан шикоят бериш прокурорни протест келтиришига ўхшаш кассация судига ҳам биринчи инстанция судининг ажримларига нисбатан шикоят (протест) бериш ҳуқуқидан ишда иштирок этувчи шахслар фойдаланиши мумкин.

Биринчи инстанция судининг чиқарган ажрими устидан манфаатдор шахснинг берадиган шикоятига хусусий шикоят деб, прокурорнинг келтирган протестига хусусий протест деб аталади.

Кассация тартибида ҳам биринчи инстанция судининг ҳамма ажримлари устидан протест келтириш, шикоят бериш ҳақида қонун кўрсатма бермайди (Бу ҳақда биринчи инстанция судининг ажримлари устидан апелляция тартибида шикоят бериш прокурорнинг протест келтириши ҳақидаги мавзуда батафсил берилган).

Шикоят бериши ёки протест келтирилиши мумкин бўлган ажримлар қонунда кўрсатилган бўлади.

Агар биринчи инстанция судларининг ажримлари устидан кассация шикоят (протест)ни бериш ҳақида қонунда кўрсатилмаган тақдирда ажримга қарши эътирозлар кассация шикоятига (протестига) киритилиши мумкин.

Биринчи инстанция судининг апелляция тартибида кўрилмаган ажримлари устидан суднинг ҳал қилув қароридан алоҳида ҳолда кассация инстанция судига суд ажрими чиқарилган кундан эътиборан бир йил ичида тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар томонидан шикоят берилиши ҳамда прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин.

Хусусий шикоятлар бериш ва хусусий протестлар келтириш ушбу бобда белгиланган тартибда амалга оширилади ва кўриб чиқилади.

Биринчи инстанция судининг ажримлари устидан кассация тартибида берилган хусусий шикоят, хусусий протестлар бўйича кассация инстанция суди ажримни ўзгаришсиз қолдиришга, шикоят ёки протестни эса қаноатлантирмасликка, ажримни бекор қилишга ва ишни моҳиятан кўриш учун биринчи инстанция судига юборишга, ажримни бутунлай ёки қисман ўзгартиришга ёки бекор қилишга ҳамда масалани моҳиятан ҳал қилиш каби ҳуқуқларга эгадир.

Хусусий шикоят (протест) бўйича кассация инстанция суди чиқарган ажрими устидан шикоят берилмайди, бундай ажрим чиқарилиши билан қонуний кучга киради.

ЎТТИЗИНЧИ БОБ

ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРГАН ҲАЛ ҚАРОРЛАРИ. АЖРИМЛАР ВА ҚАРОРЛАРНИНГ ҚОНУНИЙ, АСОСЛИ ВА АДОЛАТЛИ ЭКАНЛИГИНИ ТЕКШИРИШ

1-§. Қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорларини суд назорати тартибида текширишнинг мазмуни ва аҳамияти

Фуқаролик ишида иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида юқори судлар куйи судлар чиқарган, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ва ажримларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишлигини текшириш учун назорат тартибида ишни кўриб, тегишли қарор чиқариш ҳуқуқига эга.

Маълумки, агар биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори, ажрими устидан тарафлар шикоят бермасалар, прокурорнинг протести бўлмаса, бундай қарорлар қонуний кучга киради. Аммо фуқаролик иши ҳар томонлама текшириш натижасида суд назорати идораларининг ҳуқуқий вакиллари биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори, апелляция, кассация инстанция судининг эса, ажримлари гайриқонуний асослантилмай, адолатсиз чиқарилган, деган хулосага келса, ишни назорат тартибида қайта кўриш учун протест келтиради ва иш назорат тартибида кўрилади.

Фуқаролик ишларини судда назорат тартибида қайта кўришнинг суд ишларини юритишнинг апелляция, кассация босқичидан фарқи тўғрисида шуни айтиш керакки, суднинг ҳал қилув қарори апелляция, кассация тартибида кўрилишида ишда иштирок этувчи субъектлар: тарафлар, учинчи шахслар, ишда иштирок этувчи шахслар прокурор бўлса, қонуний кучга кирган суд қарорини назорат тартибида қайта кўришда, ишни назорат тартибида текшириш ва кўришга ҳуқуқли юқори суд ва прокуратура идораларининг ваколатли, мансабдор вакиллари субъект бўлиб қатнашадилар.

Агар фуқаролик иши кассация шикояти ёки протести бўйича кўрилишида ҳам суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари ва ажримлари объект ҳисобланса, ишнинг назорат тартибида қайта кўрилишида - суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, қарор ва ажримлари объект бўлиб ҳисобланади.

Кассация тартибида шикоят қилиш (протест бериш) учун бир йил процессуал муддат белгиланган бўлса, ишнинг назорат тартибида кўрилишида бундай муддат амалдага Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига фуқаролар учун суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан уч йил муддат ичида ариза берилиши белгиланган (ФПКнинг 350-моддаси). Агар кассация суди кўрилган иш юзасидан ажрим қабул қилса, назорат суди қарор (ажрим) қабул қилади. Икки босқичда иш кўриш тартиби асосан ана шу белгилар билан бир-биридан фарқ қилади.

Фуқаролик ишларининг назорат тартибида кўрилишида бир қатор процессуал ҳаракатлар қилинади. Улар ишни талаб қилиб олиш, текшириш, зарур ҳолатларда протест келтириш ва ишни қайта кўриш, судлар йўл қўйган хато ва камчиликларни бартараф этишга қаратилади.

Бу процессуал ҳаракатлар ишнинг назорат тартибида кўрилишида ҳам ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларининг ҳимоя қилинишини, шу билан одил судлов вазифаларининг ҳам тўғри амалга оширилишини таъминлашга қаратилади.

Фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунлар -фуқаролик ишларининг тўғри ва тез ҳал қилинишини таъминлашга йўналтирилган. Судлар кўп ҳолларда мазкур қоидаларга асосланиб, тарафларнинг тушунтиришлари ва улар келтирган далиллар билан чекланмай, суд ишини ҳал қилишда аҳамиятли барча ҳақиқий ҳолатларни ҳолисона, ҳар томонлама тўлиқ аниқлаш учун қонунда назарда тутилган барча чораларни ўз ташаббуси билан кўриб, қонуний, адолатли ва асосланттирилган қарорлар қабул қилади.

Шу билан бирга биринчи ва иккинчи инстанция судларида фуқаролик ишларини тўғри ҳал этишда ишнинг ҳақиқий ҳолатини юзаки текшириш, етарли далиллар тўпламаслик ёки мавжуд далилларга тўғри баҳо бера олмаслик, моддий ва процессуал ҳуқуқ меъёрларининг бузилиши ёки нотўғри татбиқ қилиниши ҳоллари ҳам учраб туради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Судларнинг фуқаролик ишларини кўришда процессуал қонунларни татбиқ қилиш амалиёти ҳақида" ги , "Суднинг ҳал қилув қарорлари ҳақида" ги 1998 йил 17 апрелдаги ҳамда "Фуқароларнинг суд ишларига доир мурожаатларини кўриб чиқиш амалиёти ҳақида" ги 1998 йил 28 декабрдаги қарорлари судларда ҳал қилув қарорлари ва ажримларининг қонунийлиги ва асосли бўлишлиги, айрим ҳолларда етарли даражада текширмаслиги ва мавжуд далилларга тўғри баҳо бера олмаслик, қарор ёки ажримни бекор қилиш ёки ўзгартириш важларини юзаки баён қилиш, шикоят ёхуд протест важларини атрофлича муҳокама қилмаслик натижасида биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган хатолар тузатилмай қолиши ҳоллари мавжудлиги кўрсатилди¹.

Баъзи ҳолларда ишнинг мураккаблиги туфайли биринчи инстанция судининг хатоси апелляция, кассация инстанцияда тузатилмай қолади. Бундай ҳолларда қонуний бўлмаган , асоссиз ҳал қилув қарорлари ва ажримлари қонуний кучга кирган бўлса, иш назорат тартибида қайта кўрилиб, хатолар тузатилиши мумкин.

Фуқаролик ишларини назорат тартибида қайта кўриш фуқаролик процессуал қонунларининг умумий тамойилларига асосланган. Бу тамойиллар ишнинг қайси тартибда кўрилишига қараб турли шаклларда татбиқ қилинади. Биринчи, кассация иккинчи инстанция судларининг фаолияти каби назорат тартибида ишни қайта кўрувчи судларнинг фаолияти ҳам одил судловни амалга оширишдан иборат. Назорат тартибида фуқаролик ишларини

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг туплами. (1991-1998). "Шарқ нашриёти, 1999, 101-110-бетлар; Қонун номи билан. Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Ахборотномаси. 1999, 1-сон, 16-23-бетлар.

қайта кўриш суд томонидан ҳайъат тартибида амалга оширилади. Назорат инстанцияси судлари ҳам ишнинг барча ҳолатларини холисона ва атрофлича текшириши лозимлиги қонунда белгиланган.

Суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари ёки ажримларини назорат тартибида бекор қилишга уларнинг асоссизлиги, қонуннинг қўпол бузилиши ёки ташкилот ва фуқароларнинг манфаатига очиқдан-очиқ зид келиши ҳам асос бўлади. Назорат тартибида ҳам апелляция, кассация тартибидаги каби суд қарорларининг қонунийлиги, асосли ва адолатли бўлишлиги текширилади.

Ишни нотўғри ҳал қилишга олиб келган бузилишларгина қонуннинг жиддий бузилиши ҳисобланади.

Фуқаролик ишларини назорат тартибида кўриш кассация тартибида кўришдан, юқорида айтилганидек, протест билдириш ҳуқуқига эга бўлишлиги ўзининг объекти, ишни кўриш тартиби, шакли, муддати ва бошқа жиҳатлари билан фарқ қилади. Бу тафовутлар фуқаролик ишларини назорат тартибида қайта кўришнинг истесно босқичи ва истесно аҳамиятига эга бўлишлигидан келиб чиқади.

Фуқаролик ишларини назорат тартибида қайта кўрилишининг истесно аҳамиятига эга бўлишлиги шундан иборатки, назорат тартибида ишни қайта кўриш мажбурий ва албатта зарур босқич эмас. Тарафлар томонидан келтирилган шикоятлар ўз-ўзидан ишни назорат тартибида қайта кўришга асос бўла олмайди. Назорат инстанцияси ишни фақат суд ва прокуратура идораларининг қонун бўйича протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслари протестларига асосангина кўради.

Назорат тартибида ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида зарур ҳоллардагина тарафларга ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар хабардор қилинадилар. Уларнинг иши бўйича келтирилган протестнинг нусхаси юборилади (ФПКнинг 355-моддаси). Бироқ назорат тартибида иш кўрилишида тарафларнинг иштироки қонун бўйича мажбурий бўлмасда, назорат суди мажлисида қатнашишни истаган ва тушунтириш бермоқчи бўлган тарафларга ёки ишда қатнашувчи бошқа шахсларга назорат судининг суд мажлисида қатнашишларига рухсат этилади ва бу демократик тамойиллардан келиб чиқади.

2-§. Фуқаролик ишлари бўйича ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қаорларга назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар

Суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари ва ажримларига назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси қонун билан қатъий чекланган.

Суд ва прокуратура органларининг мансабдор шахслардан қимларнинг назорат тартибида протест келтиришга ҳақли бўлишлиги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Судлар тўғрисидаги ва Прокуратура тўғрисидаги қонунлари, ФПК ва бошқа қонун ҳамда ҳуқуқий меъёрлар билан белгиланган. Уларга кўра, суднинг қонуний

кучга кирган ҳал қилув қарорлари ва ажримларига юқори суд ва прокуратура органларининг ҳуқуқия мансабдор шахсларигина протест келтириш ҳуқуқига эгадирлар. Мазкур мансабдор шахслар кимлар, қайси судларнинг қарор ва ажримлари устидан, қайси суд назорат органларига протест келтирилиши ҳам қонунда аниқ белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси барча судларининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари қуйидагилар келтирилган протестлар бўйича назорат тартибида кўриши мумкин:

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди Раиси, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раислари - тегишли фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг, округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг ҳал қилув қарорлари ва ажримлари устидан ҳамда тегишинча

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судлов ҳайъатлари апелляция, кассация ажримлари устидан келтирган протестлар бўйича, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди томонидан биринчи инстанция бўйича кўриб чиқилган ишлар юзасидан апелляция, кассация ажримлари бундан мустасно;

Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори - тегишли фуқаролик ишлари туманлараро, туман (шаҳар) судларининг, округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг ҳал қилув қарорлари ва ажримлари устидан ҳамда тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судлов ҳайъатлари апелляция, кассация ажримлари устидан келтирган протестлар бўйича, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди томонидан биринчи инстанция бўйича кўриб чиқилган ишлар юзасидан апелляция ва кассация ажримлари бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ўринбосарлари - Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорларидан ташқари, Ўзбекистон Республикаси судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан келтарган протестлари бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари - Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорларидан ташқари, Ўзбекистон Республикаси судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан келтирган протестлари бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси - Ўзбекистон Республикаси барча судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан келтирган протестлар бўйича (ФПКнинг 349-моддаси).

Юқорида таъкидланганидек, кассация иш юритишдан суднинг ҳал қилув қарорлари ва ажримларининг назорат тартибида қайтадан кўришнинг фарқи шундаки, бунда фақат назорат тартибида протест келтиришга ҳуқуқли мансабдор шахслар томонидан келтирилган протестлар бўйичагина иш назорат тартибида қайта кўрилади.

Протестга назорат тартибида протест киритиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг ўзлари имзо чекишлари лозим. Уларнинг номидан келтирилган протестларга протест келтириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар имзо қўйса, бундай протест назорат тартибида кўрилишига йўл қўйилмайди. Масалан, вилоят суди раиси номидан келтирилган протестга унинг ўринбосари имзо қўйган протест ҳақиқий ҳисобланмайди.

Назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган вилоят прокурори номидан унинг ўринбосари протест келтириши ёки вилоят прокурори номидан тузилган протестга имзо қўйиши мумкин эмас. Вилоят прокурори номидан фақат шу прокурорнинг вазифасини амалга ошириш юқланган шахсина протест келтириши ва имзо чекиши мумкин.

Қонун туман ва шаҳар прокурорларига протест келтириш ҳуқуқини бермаган. Бироқ ваколатли юқори прокурорлар судларда фуқаролик ишларининг кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш билан бирга тегишли суддан фуқаролик ишларини талаб қилиб олиб, протест келтириш учун асослар борлиги масаласини кўриб чиқиш ҳуқуқи ФПКнинг 351-моддасида берилган.

Ишни чақириб олган туман (шаҳар) прокурори туман (шаҳар) судининг иш юзасидан чиқарган ҳал қилув қарори ёки ажрими устидан протест келтирилишини лозим деб топса, юқори прокурорга ишни назорат тартибида кўриш зарурлиги тўғрисида тақдимнома киритади. Бундай ҳолларда протест киритиш ёки киритмаслик масаласини юқори прокурор ҳал қилади.

Амалдаги Фуқаролик процессуал кодексига назорат тартибида иш кўриш учун асос бўладиган янги ҳуқуқий меъёр киритилган. Унда ўзи чиқарган ҳал қилув қарори, ажрими ва қарори бекор қилинишидан рози бўлмаган судья назорат тартибида протест билдириш ҳақида тақдимнома киритишга ҳақли эканлиги белгиланган. Бундай тартибда қонуний, асослантилган ва адолатли ҳал қилув қарори, ажрим ва қарор чиқарган бўлсалар, судларга ўзлари қонуний иш тутганликларини исботлаш учун имконият яратиб беради.

3-§. Фуқаролик ишларини назорат тартибида кўрувчи судлар

Ўзбекистон Республикасидаги ҳамма судларнинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари суд назорати тартибида қонун бўйича протест келтиришга ҳуқуқи бўлган шахсларнинг протестларига биноан қайтадан кўрилиши мумкинлиги юқорида айтиб ўтилди. Аксарият ҳолларда ишни чақириб олиб, суднинг ҳал қилув қарори ёки ажримининг қонуний ва асосли бўлишлигини текширишга тарафларнинг, учинчи шахсларнинг ҳамда ишда қатнашган давлат ва жамоат ташкилотларининг ариза ва шикоятлари асос бўлади.

Суд ва прокуратура идораларининг протест киритишга ҳуқуқли мансабдор шахсларидан ҳар бир шикоятни ўз вақтида ва унда келтирилган вазларни тўла ва чуқур текшириш талаб қилинади. Назорат судига берилган шикоятлар асосида протест келтиришга ҳуқуқли шахс ишни чақириб олиб ёки шикоятлари маълум бўлса чақириб олмай шикоятга ёзма жавоб қайтариш масаласини ҳал этади.

Агар иш материалларини ўрганиш натижасида чиқарилган ҳал қилув қарори ёки ажримга протест келтириш лозим, деган хулосага келинса, протест киритиш ҳуқуқи бўлган шахс номидан, унинг топшириғи билан тегашли суд назорати номига протест тузилади.

Протестда протест йўллаган суднинг номи ва протест киритган шахснинг номи, протест қилинаётган қарор, ҳал қилув қарори ёки ажримни чиқарган суд, қарорнинг нотўғрилиги нимадан иборат эканлиги ва қандай қонунлар бузилганлиги албатта кўрсатилиши ҳамда протест асослантирилган бўлиб, унда ишнинг ҳақиқий ҳолатларига ҳуқуқий таҳлил берилган бўлиши лозим.

Протест келтириш учун асослар топилмаганда назорат шикоятига хулоса хати тузилади. Унда шикоят вазларининг ҳар бирига қониқарли жавоб ва шикоятни оқибатсиз қолдириш вазларини иш бўйича чиқарилган қарор ёки ажримнинг мазмунини ўз ичига олиши керак.

Шундай қилиб назорат тартибида иш юритишни уч босқичга бўлиш мумкин:

биринчи, суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари ёки ажримларини назорат тартибида қайта кўриш ҳақидаги шикоятларни кўриб чиқиш ва лозим топилган ҳолларда суднинг ҳал қилув қарори ёки ажримининг қонунийлигини, асосли ва адолатли эканлигини текшириш мақсадида фуқаролик ишини чақириб олиш;

иккинчи, ишни ўрганиш йўли билан суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки ажримининг қонунийлиги, асосли ва адолатли эканлигини текшириш ҳамда зарур ҳолларда назорат тартибида протест киритиш;

учинчи, протест бўйича суд назорат тартибида ишни қайта кўриш.

Фуқаролик ишларини чақириб олиб назорат тартибида текширишга кўп ҳолларда ишда қатнашган шахслар ва бошқа фуқароларнинг аризалари ҳамда давлат ва жамоат ташкилотларининг берган ахбороти асос бўлади.

Амалдаги қонунда суд қарорлари ёки ажримларига назорат тартибида шикоят (ариза) бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар кўрсатилмаган. Бу ҳол судларнинг ҳал қилув қарори ёки ажримини нотўғри деб ҳисоблаган ҳар бир фуқаро ёки ташкилотга суд назорати инстанциясига шикоят ёки ариза билан мурожаат қилиш имкониятини беради. Назорат инстанциясига келтирилган шикоят ва аризаларни ўз вақтида кўриши фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда ҳамда қонунчиликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Назорат тартибида берилган аризалар, агар асосли бўлса, у ўз навбатида одил судловни амалга оширишга кўмаклашган бўлиб, юқори судларнинг процессуал ҳаракатларни амалга ошириш билан манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқи ҳимоя қилинади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, назорат тартибида шикоят бериш ўз-ўзидан фуқаролик ишини назорат тартибида кўришга олиб келмайди. Бундан ташқари ишларнинг юқори судлар томонидан тафтиш қилниши ёки фуқаролик ишларини судда кўришда прокурор ваколатини таъминлаш натижасида нотўғри деб топилган ҳал қилув қарорлари ёки ажримларига, ўз вақтида шикоят келтирилган ёки келтирилмаганлигидан қатъи назар, кейинчалик ҳам ваколатли шахслар томонидан протест келтиришлари мумкин ва бундай ҳоллар суд амалиётида кўплаб учрайди.

ФПКнинг 352-моддасига мувофиқ, назорат тартибида протест келтиришга ҳуқуқи берилган мансабдор шахслар тегишли ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларнинг ижросини назорат тартибида иш юритиш тамом бўлганига қадар тўхтатиб туришлари мумкин.

Ҳал қилув қарори ёки ажримнинг ижросини тўхтатиш мумкинлиги ҳақидаги қоида жавобгарнинг манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида ва амалиётда бекор қилинган қарор ёки ажримни қайта ижро қилиш имконияти бўлмай қолиши ҳоллари назарга олиниб жорий қилинган. Аммо судларнинг ишга тиклаш ҳақидаги ҳал қилув қарори, шунингдек, ФПКнинг 219-220-моддаларига асосан суд дарҳол ижро қилинишига йўл қўйган қарорларнинг ижросини тўхтатишга йўл қўйилмайди. Бу масалада йўл қўйилаётган хатолар Республика Олий суди Пленуми қабул қилган қарорда кўрсатиб ўтилган. Унда ишга тиклаш ҳақидаги қарорнинг дарҳол ижро этилиши туфайли унинг ижросини тўхтатиш мумкин эмаслиги таъкидланган. Ҳал қилув қарори ёки ажримнинг ижросини тўхтатиш ҳақида ҳал қилув қарори ёки ажрим чиқарган судга ёзма равишда маълум қилинади. Суднинг қарори ижро қилинмаганлиги тўғрисида шикоят берилса, қарорнинг ижроси тўхтатилганлиги ҳақида шикоят келтирган шахсларга ҳам билдирилади. Суднинг ҳал қилув қарори ижросининг тўхтатилиши назорат тартибида иш юритиш тамом бўлишигача давом этади.

Протест келтириш учун асос топилмаган ҳолларда, ишни чақириб олган ва иш бўйича чиқарилган тегишли ҳал қилув қарори ёки ажримнинг ижросини тўхтатган мансабдор шахс ижронинг тўхтатилишини бекор қилади ва бу ҳақда мансабдор шахсларга хабар қилади. Протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг назорат тартибида келтирилган протести тегишли суд назорати органида кўрилиши шарт.

Протест келтириш масаласини ҳал қилиш протест келтиришга ҳуқуқи бўлган шахсларнинг ҳуқуқ доирасига кирганлиги сабабли протестни чақириб олиш ҳуқуқи ҳам шу шахсларга берилади. Бироқ протест суд назорати инстанциясининг суд мажлисида кўрилишига қадар чақириб олиниши мумкин.

Назорат инстанция судининг суд мажлисида кўрилаётган протестни протест киритган шахс чақириб ололмайди, аммо у протестни қувватлашдан бош тортишга ҳақли.

Назорат суди мажлисида протестни чақириб олиш ҳақида қилинган арз ёки протестни қувватлашдан бош тортиш назорат тартибида ишнинг кўрилишини тўхтатишга асос бўла олмайди. Бундай ҳолларда иш кўрилиб, мазмунан қарор чىқарилади.

ФПКнинг 354-моддасида назорат тартибида келтирилган протестларни кўрувчи судлар кўрсатилган.

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раёсатлари тегишинча мазкур судларнинг,

фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари чиқарган ҳал қилув қарорлари ва ажримлари апелляция ва кассация ажримлари устидан келтирилган протестлар бўйича ишларни куради.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раёсатларининг қарорлари устидан келтирилган протестлар бўйича, шунингдек, мазкур судлар томонидан биринчи инстанцияда кўрилган ишлар бўйича апелляция ва кассация ажримлари бўйича ишларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раёсати мазкур суднинг округ ва ҳудудий ҳарбий судлар томонидан кўрилган ишлар устидан чиқарган апелляция ва кассация ажримлари устидан келтирилган протестлар бўйича ишларни кўради. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ҳарбий ҳайъати Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раёсатининг қарорлари устидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг мазкур суд томонидан биринчи инстанцияда кўрилган ишлар устидан келтирилган апелляция ва **кассация** ажримлари юзасидан кел-тирилган протестлари бўйича ишларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатларининг апелляция ва кассация ажримлари устидан келтирилган протестлар бўйича ишларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатларининг назорат **тартибида чиқарган** ажримларини кўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарорлари устидан назорат тартибида келтирилган протестлар бўйича ишларни кўради.

Зарур ҳолларда протестлар бўйича ишлар Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судини четлаб ўтиб, назорат тартибида бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан кўриб чиқилиши мумкин.

4-§. Суд назорати органларида иш кўриш тартиби

Фуқаролик процессининг демократик тамойиллари руҳида ифодаланган қонунларимиз ишда иштирок зғувчи шахсларга ўз-ларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун бир қатор процессуал ҳуқуқларини амалга оширишлари учун имкониятлар яратиб берган.

ФПКнинг 355-моддасида кўрстилишича, тарафларга ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга уларнинг иши бўйича келтирилган протестнинг

нусхаси юборилади. Тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар иш кўриш вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинадилар.

Протестнинг нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга суд томонидан юборилади. Суд ишни кўриш вақтини тайинлаганида ишда иштирок этувчи шахслар протест юзасидан ёзма тушунтиришларини (эътирозларини) ва қўшимча материалларни судга тақдим қилиш имкониятига эга бўлишларини ҳисобга олади. Қонуннинг бу талабларини сўзсиз бажариш зарурлиги Республика Олий судининг "Фуқаролик ишларини кассация ва назорат тартибида кўриш амалиёти тўғрисида"ги қарорида ҳам таъкидланган.¹

Тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар қонунда белгиланган мазкур ҳуқуқлардан фойдаланиб, келтирилган протест билан танишиш, иш бўйича қўшимча далиллар тақдим этиш ва ўзларининг фикр-мулоҳазаларини баён этиш имкониятига эга бўладилар. Фуқаролик ишини назорат тартибида кўришда суд тарафларни хабардор қилишни лозим топмаса, улар ўз фикр-мулоҳазаларини ёзма равишда юборишлари мумкин.

Фуқаролик ишининг назорат тартибида қайта кўрилиши ҳақида хабардор қилинган тарафларга, суд лозим топган ҳолларда, ишнинг тўла текширилиши ва тўғри ҳал қилиниши мақсадида далиллар келтириш, тушунтириш ҳуқуқига эга бўлишларини таъкидлайди.

Суд ишни назорат тартибида кўришда ишда мавжуд бўлган ва қўшимча тақдим этилган материаллар бўйича ҳал қилув қарорлари, ажрим ва қарорларнинг протест қилинган қисмини ҳам, протест қилинмаган қисмини ҳам, шунингдек, протестда кўрсатилмаган шахсларга нисбатан қонунийлиги ва асослилигини текширади. Суд протестдаги важлар билан чегараланмай, ишни тўла ҳажмда текширишга мажбур. Протестнинг назорат тартибида кўрилишица ФПКнинг 314, 315, 358-моддаларига ҳамда назорат инстанциясида иш юритишга оид қоидаларга риоя қилинади.

Судлов ҳайъатида, суд Раёсати ва Пленумида раис ёки унинг топшириғига биноан илгари ишни кўришда иштирок этмаган судья, Раёсат ёки Пленум аъзоси иш тўғрисида маъруза қилади.

Маърузада ишнинг ҳолатлари, иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор, шунингдек, протестнинг мазмуни баён этилади.

Ишда иштирок этувчи шахслар иш кўриладиган вақт ва жой ҳақида хабардор қилинмаган бўлишларига қарамай, судга келган ҳолларда ҳам суд мажлисига киритиладилар. Бу шахслар судга иш бўйича маъруза қилинганидан кейин тушунтириш берадилар (ФПКнинг 358-моддаси).

Ишни назорат тартибида кўришда прокурор қатнашиб, ўзи ёки юқори турувчи прокурор келтирган протестни қувватлайди ёхуд суд раиси ёки унинг ўринбосари келтирган протести бўйича кўрилаётган иш юзасидан фикр беради (ФПКнинг 359-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатлари назорат тартибида кўриладиган ишлар юзасидан қабул қилинадиган ҳужжат-ажрим шаклида чиқарилади. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди, вилоят

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 иил 1 июндаги қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленум қарорлари. Тошкент 2001 йил.

судлари, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий судларининг раёсатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича қарор чиқрадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раёсатларининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатларининг ажримлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари ФПКнинг 14 ва 204-моддаларида назарда тутилган тартибда чиқарилади.

Ажрим ва қарорлар кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Протестни қаноатлантириш ва уни рад этиш учун берилган овозлар тенг бўлса, протест рад этилган ҳисобланади.

Юқори судлар қабул қилган ҳужжатларда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажримида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоят судлари ва Тошкент шаҳар суди раёсатларининг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорида: иш кўрилган вақт ва жой, ишни кўришда қатнашган судьяларнинг таркиби, прокурорнинг фамилияси, маърузачининг фамилияси, ишнинг ҳолатлари, чиқарилган ҳал қилув қарорларининг мазмуни, биринчи инстанция судининг ажрими, шунингдек, иш бўйича чиқарилган ҳамма ажрим ва қарорлар, протестнинг мазмуни, қарорнинг асослари, иш янгидан кўришга юбориладиган бўлса, у қайси судга юборилиши кўрсатилган бўлиши лозим.

5-§. Ишни назорат тартибида кўраётган суднинг ваколатлари

ФПКнинг 361-моддасида кўрсатилганидек, суд ишни назорат тартибида кўриб, ўзининг ажрими ёки қарори билан:

1) ҳал қилув қарорини, ажрим ёки қарорни узгартишсиз, протестни эса қаноатлантирмай қолдиришга;

2) ҳал қилув қарорини, ажрим ёки қарорни бутунлай ёхуд қисман бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция суди апелляция ёки кассация инстанцияси судига юборишга;

3) ҳал қилув қарорининг ажрим ёки қарорни бутунлай ёки қисман бекор қилишга ва иш юритишни тугатишга ёхуд аризани кўрмасдан қолдиришга;

4) иш бўйича илгари чиқарилган ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарордан бирини ўз кучида қолдиришга;

5) ҳал қилув қарори, ажрим ёхуд қарорни ўзгартиришга ёки бекор қилишга ва ишни янгидан кўриб чиқиш учун юбормасдан, янги ҳал қилув қарори чиқаришга ҳақли.

Юқорида келтирилган қонданнинг мазмунидан кассация инстанция суди ваколатидан суд назорати органларининг ваколати кенг эканлиги кўриниб

турибди. Назорат тартибида иш кўрувчи суд ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни аниқроғи апелляция, кассация инстанция суди, ажрими ва қуйи суд органларининг ажрими ва қарорини бекор қилиб, янги қарор чиқариши мумкин. Назорат инстанция суди келтирилгш протестни суд мажлисида кўриб, уни рад қилса, ўз қарорида (ажримида) протест важларининг нотўғрилигини батафсил кўрсатиб, протест келтирилган суд қарорини ўзгаришсиз қолдиради.

Ишни янгидан кўришга юборилгандан кейин биринчи инстанция суди, олдинги ҳал қилув қарори қайси асослар билан протест келтирилганлиги ва бекор қилинганлигидан қатъи назар, ишни умумий тартибда кўради.

Суд назорат органи келтирилган протестни қаноатлантириб, биринчи ҳал қилув қарорини ўзгартиришсиз қолдириб, кейинги шу иш бўйича чиқарилган барча ажрим ва қарорларни бекор қилиши ёки назорат тартибида чиқарилган қарорни бекор қилиб, кассация инстанция судининг ажримини кучида қолдириши мумкин.

Агар иш бўйича бир неча ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорлар бўлса, суд назорати органи уларнинг биттасини тўғри ва қонуний топиб, ўзгаришсиз қолдириб, қолган ҳал қилув қарорлари ажрим ёки қарорларни бекор қила олади.

Суд назорати органи кўрилаётган ишни тўлиқ текширади. Назорат суди ишни протестга асосан қайта кўрсада, протестда келтирилган асослар ва протестда бекор қилиниши сўралган қарорларнигина бекор қилиши шарт эмас. Масалан, протестда ҳал қилув қарорини асоссиз ёки қонуний эмас, деган хулосага келса, иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиши, агар бундай қарор қонуний деб топилса, ўзгаришсиз қолдириши мумкин.

Назорат тартибида ишни қайта кўрувчи судларнинг ваколати фақат суд назорати органларига протест келтирилган ишга ва шу ишлар бўйича чиқарилган қарор ёки ажримга тегишлидир. Бинобарин, назорат суди шикоят иши юзасидан чиқарилган ҳукмига келтирилган протестни кўришни, шу ишдан келиб чиққан фуқаролик иши бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорининг асослантирилганлиги ва қонуний эканлигини муҳокама қилишга ҳақли эмас.

Назорат тартибида суднинг ҳал қилув қарори ёки бошқа қарорларнинг тўғри ва қонунийлиги масалаларини ҳал қилишда назорат инстанцияси ишдаги ҳар бир далилга алоҳида ва ҳамма далилларни бирга текшириб, ўзининг ички ишончи асосида янги қарор чиқаришга ҳақли.

Назорат тартибида фуқаролик ишини қайта кўрувчи суд протестга берилган қўшимча далилларни эътиборга олади. Далиллар деганда протестга илова қилинган ҳужжатлар, гувоҳларнинг ёзма кўрсатувлари маълумотномалар ва ёзма фикрлар тушунилади. Бу далиллар иш бўйича аниқланган фактларни тасдиқлагани ёки рад қилгани туфайли, ишни назорат тартибида кўриш ва ҳал қилишда аҳамиятли.

Аммо протестда янгидан келтирилган далиллар, илова қилинган ҳужжатлар назорат суди учун янги қарор қабул қилишга асос бўла олмайди, чунки бундай далиллар ҳақида тарафлардан бири хабарсиз бўлиши, эътироз билдириш имкониятидан маҳрум бўлиб қолиши мумкин. Назорат тартибида ишни кўришга келтирилган далиллар, албатта, биринчи инстанция суди муҳракмасининг

предмети бўлиши керак. Баъзи ҳолларда тарафлардан бирининг назорат тартибида берган шикоятга қўшилган ёзма далиллар қалбаки бўлиши, бу эса ўз навбатида суд назорат органларининг нотўғри қарор қабул қилишига олиб келиши мумкин.

Юқори суд-назорат тартибида ҳал қилув қарори ва ажримни текширишда ишдаги далилларга баҳо бермай туриб суд қарорларининг қонунийлигини аниқлай олмайди. Шунинг учун назорат тартибида ишни қайта кўрувчи суд далилларнинг асослантилганлигини текширади, уларни таққослаб, баҳолайди. Бусиз суд одил судлов ҳужжати бўлган қарор ёки ажримни чиқаришда ҳолисона ички тушунча ҳосил қила олмайди.

Суд назорат органи биринга инстанция судининг ҳал қилув қарори иш бўйича тўпланган далилларга мувофиқ бўлишлигини, низони мазмунан кўрган суд томонидан далилларга тўғри баҳо берилганлигини текширади.

Тегишли суд раёсатлари ва Республика Олий суди судлов ҳайъати кўрилган туркум иш юзасидан ўзлари чиқарган қарор ва ажримларида ишни кўриши лозим бўлган қуйи судларга кўрсатмалар беради. Дастлабки ҳал қилув қарори бекор қилингандан кейин, ишни мазмунан кўрувчи судлар учун бу кўр-сатмаларнинг мажбурийлиги шу маънодаки, янгидан ишни кўрганда суд ҳамма масалаларни муҳокама қилиши, ишни назорат тартибида кўриб, чиқарилган қарор (ажрим)да кўрсатилган барча процессуал ҳаракатларни қилиши лозим. Масалан, гувоҳларни чақириш, ҳужжатлар талаб қилиб олиш, дачилларни текшириш, процессуал бузилишларга йўл қўймаслик, жавобгар, даъвогар ва учинчи шахсларни ишга жалб қилиш каби қарор (ажрим)да кўрсатилган ҳаракатларни бажаради.

Суднинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ёки қарорларини назорат тартибида бекор қилиш асослари ФПКнинг 97, 100, 312, 314-моддаларида кўрсатилган.

Назорат тартибида иш кўриш жараёнида, агар асослар бўлганда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоят судлари ва Тошкент шаҳар судининг раёсатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати иш юзасидан айрим масалалар юзасидан хусусий ажрим чиқаришлари мумкин.

Республика Олий судининг Пленуми одил судлов тизимида махсус ўринни эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Ўзбекистон Республикасида энг юқори суд инстанциясидир. У республика ҳудудида ҳамма суд органлари устидан олий назорат олиб боради ва у ёки бу қуйи судларнинг ҳал қилув қарори ва ажримларининг қонунийлиги ва асослантилганлиги ҳақида берган кўрсатмалар ҳамда судларга айрим туркумдаги ишларни умумлаштириш бўйича тушунтиришлар беради.

ЎТТИЗ БИРИНЧИ БОБ

ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРГАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ, АЖРИМЛАР ВА ҚАРОРЛАРНИ ЯНГИ ОЧИЛГАН ҲОЛАТЛАР БЎЙИЧА ҚАЙТА КЎРИШ

1-§. Қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш асослари

Фуқаролик процессининг бу институти ҳам фуқаролик ишларини апелляция, кассация ва суд назорати тартибида кўрилиши каби фуқаролар ва ташкилотларнинг бузилган қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш билан иш бўйича қонуний, асослантирилган ва адолатли қарорларнинг чиқарилишини таъминлашга қаратилгандир.

Янги очилган ҳолатлар бўйича суд қарорларини қайта кўриш институти (бунга оид қонунлар) фақат аниқ иш бўйича қарор қабул қилинишида маълум бўлмаган ва эътиборга олинмаган, иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг очилиши муносабати билан ишни қайта кўриш зарур бўлган ҳоллардагина қўлланилиши мумкин.

Янги очилган ҳолатлар бўйича суд қарорларини қайтадан кўриб фуқаролик ишларини суд назорати тартибида кўришдан, унинг йўл қўйилиши шартлари, амалга оширишнинг процессуал тартиби, суд қарорларининг қайта кўрилиши тўғрисида масала қўзғатишга ҳақли шахслар доирасида фарқланади. Бу институтнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бунда суд хатоликларга йўл қўймайди. Қайта кўриладиган суд қарорларини чиқаришда судья ва процесс иштирокчиларига иш кўришда маълум бўлиш ҳолатларнинг кейинчалик аниқланиши асос бўлади.

Демак, ишни янги кўриш учун ҳеч кимга, шу жумладан судга ҳам маълум бўлмаган ҳолатлар бўлишлиги лозим, акс ҳолда суднинг бу борада йўл қўйган хатоси назорат тартибида қайта кўриб ҳал этилиши керак.

Қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларнинг янги очилган ҳолатлари бўйича қайтадан кўрилишига оид асосий қоидалар ФПКнинг 362, 369-моддаларида берилган. Уларда кўрсатилишича, ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун қуйидагилар асос бўлади:

1) аризага маълум бўлмаган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган, лекин иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (масалан, қонуний ворислар ўртасида мерос мулкининг тақсимланиши тўғрисида даъво иши юзасидан қарор чиқарилганидан кейин мерос мулкининг ёки унинг бир қисмини бошқа шахс (ёки шахслар)га васият қилинганлиги тўғрисида Тегишли равишда расмийлаштирилган васиятноманнинг келтирилиши - янги очилган ва муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолат бўлиб кўрилади);

2) суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган ва ноқонуний, асоссиз ёки адолатсиз қарор чиқарилишига сабаб бўлган ҳолатлар, яъни гувоҳнинг била туриб берган ёлғон кўрсатуви, экспертнинг била туриб берган ёлғон

хулосаси атайин нотўғри қилинган таржима, қалбаки ҳужжатлар ёки ашёвий далиллар (бундай ҳолларда, агар қарорнинг асосига қўйилган юридик фактлар бошқа дачиллар билан етарли даражада тасдиқланган бўлса, бу асослар бўйича иш қайта кўрилмаслиги ҳам мумкин);

3) суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган тарафларнинг, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг ёки судьяларнинг муайян ишни кўришда содир қилган жиноий қилмишлари;

4) суд чиқарган ҳал қилув қарори, ҳукм, ажрим ёки қарори-нинг ёхуд шу ҳал қилув қарори, ажрим ва қарор чиқарилишига сабаб бўлган бошқа органлар қарорининг бекор қилиниши.

2-§. Янги очилган ҳолатлар бўйича ишни қайтадан кўриш тўғрисидаги аризаларни топширишнинг процессуал тартиби

Янги очилган ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни қайта кўриш ҳақидаги ариза ишда иштирок этган шахслар ёки прокурор томонидан ҳал қилув қарорини, ажрим ёки қарорни чиқарган судга берилади.

Апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси чиқарган ажрим ёки қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқишда у биринчи инстанция судининг қарорини ўзгартирган ёки янги қарор қабул қилган юқори суд томонидан қайта кўрилади.

Ишда иштирок этувчи шахслар бундай аризани ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни қайта кўриш учун асос бўладиган ҳолатлар маълум бўлган кундан эътиборан олти ой муддат ичида беришлари мумкин.

Ариза бериш муддати:

1) ФПКнинг 362-моддаси 1-бандида назарда тутилган ҳолларда - иш учун жиддий аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар очилган кундан эътиборан;

2) ФПКнинг 362-моддаси 2 ва 3-бандларида назарда тутилган ҳолларда суднинг ҳукми қонуний кучга кирган кундан эътиборан;

3) ФПКнинг 362-моддаси 4-бандида назарда тутилган ҳолларда - қайта кўрилаётган ҳал қилув қарорига ажрим ёки қарорга асос бўлган ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорга мазмунан қарама-қарши бўлган суд ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими, қарори қонуний кучга кирган кундан ёхуд бошқа органниш ана шундай қарор чиқарилган кундан эътиборан ҳисобланади (ФПКнинг 365-моддаси).

Ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризани қаноатлантириш тўғрисида суднинг чиқарган ажрими устидан шикоят берилмайди.

Ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайтадан кўриш ҳақидаги аризани рад қилиш тўғрисидаги ажрим устидан ФПКнинг 346, 347 ва 348-моддаларида назарда тутилган тартибда шикоят берилиши ёки протест келтирилиши мумкин.

Ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни қайта кўриш тўғрисидаги ариза қаноатлантирилган тақдирда, суд ишни умумий асосларда кўради.

Суд амалиётида баъзан фуқаролик ишларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришни суд назорати тартибида қайта кўришдан ажратмаслик ҳоллари учраб туриши сабабли Ўзбекистон Республикаси Олий суди ўзининг айрим туркумда кўрилган фуқаролик ишларини умумлаштиришда янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш лозим бўлса-да, бу ҳал қилув қарори ёки ажримнинг суд назорати тартибида асосиз равишда қайта кўрилишига, бу ўз навбатида тарафларнинг ҳамда ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келишиги ва шу сабабли бундай ҳолларга йўл қўймаслик масаласи алоҳида таъкидлаб ўтилган ҳолатлар учраб туради.

ЎТТИЗ ИККИНЧИ БОБ

СУД ҚАРОРЛАРИНИНГ ИЖРО ЭТИЛИШИ

1-§. Суд ва бошқа идоралар қарорларининг ижроси - фуқаролик процессининг якунловчи босқичи

Ушбу боб «Суд ҳал қилув қарорларининг ижроси» деб аталса-да, бунда суддан фуқаролик ишлари юзасидан қарорлар чиқаришга ҳуқуқли бўлган бошқа органларнинг қарорларини ижро этиш тўғрисида ҳам сўз боради.

Одил судловликни амалга ошириш мақсадида фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқларини кўриқлаш мақсадида чиқарилган қарорларни ижро этиш фуқаролик процессининг якунловчи босқичидир.

Суднинг ҳал қилув қарорларига шикоят юқорига шикоят (протест) берилмаса ёки қарор судларда тасдиқланганидан сўнг қонуний кучга киради. Бу қарорлар, шунингдек фуқаролик ишлари тўғрисида бошқа органларининг қарорлари одатда ихтиёрий равишда ижро этилади. Агар бундай қарорларни ижро этишга (тегишли суммани тўлашга, нарсаларни топширишга, муайян ишларни бажаришга) мажбур бўлган шахс (ёки шахслар) ихтиёрий равишда ижро этмасалар, суд ФПКнинг 370-385-моддалари ва суд қарорларини ижро этиш тартиби тўғрисидаги қонунлар билан белгиланган тартибда ижро этилади. Амалдаги ФПК ижро билан боғлиқ бўлган айрим ҳаракатлар суд фаолияти ва иш юритиш билан боғлиқ бўлмаганлиги сабабли бу боб бирмунча қисқартирилганлиги ва шу тўғрисида қатор ҳуқуқий меъёрлар суд ижрочисининг фаолиятида ўз аксини топишлиги белгиланган.

Булардан ташқари ижро ҳаракатлари «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги қонуни билан тартибга солинади.

2-§. Суд қарорларини ижросида иштирок этувчи шахслар

Суднинг ҳал қилув қарорларини ва бошқа актларни мажбурий тартибда ижро этишни амалга оширувчи мансабдор шахс суд ижрочиси ҳисобланади.

Суд ижрочиси ўз ташаббуси билан ҳал қилув қарорини тез ва аниқ ижро этиш учун ҳамма қонуний чораларни кўришга ва тарафларга, уларнинг

ҳуқуқлари ва қонун билан кўрикланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда фаол ёрдам беришга мажбур.

Ижро этадиган бурч-вазифаларига кўра суд ижрочилари суд акт ҳужжатлари ва бошқа органларнинг акт ҳужжатларини ижро этадиган суд ижрочиларига ва судларнинг белгиланган тартибда фаолият юритишини таъминлашда ёрдам кўрсатадиган суд ижрочиларига бўлинади.

Суд ижрочилари тўғрисидаги қонуннинг мазмунидан аниқланишича, суд ижрочилари ижро ҳужжатларини бажарилиши билан шуғулланувчи ижрочиларга ҳамда суд фаолиятини ташкил қилиш, одил судловни амалга оширишда ҳар томонлама кўмаклашувчи ижрочилар ташкил қилиниши мулжалланган.

Амалдаги қонунларга асосан суд ижрочилари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги органлари таркибига кирган суд ижрочиларининг жойларда қуйидаги тизими мавжуд:

Адлия вазирлигининг ўринбосарларидан бири бош суд ижрочиси бўлиб, у Вазирликда ташкил этилган суд ижрочилари бош бошқармасини бошқаради, бошқармага эса бошқарма бошлиғи раҳбарлик қилиб, ўз навбатида бош суд ижрочисининг ўринбосари ҳам ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар суд ижрочилари бошқармаси, бош суд ижрочиси раҳбарлигидаги қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар суд ижрочилари бошқармаси.

Суд ижрочилари туман, шаҳар бўлинмалари.

Суд ижрочиларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцион Судидаги, Ўзбекистон Республикаси Олий судида ва Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик Судидаги, умумий, хўжалик ва ҳарбий судлардаги фаолиятни йўлга қўйиш мазкур қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Агар суд ижрочилари 1963 йилги фуқаролик процессуал кодексига асосан туман (шаҳар) судлари қошида бўлиб уларнинг назоратида фаолият кўрсатадиган бўлсалар, ҳозирда эса Ўзбекистон Республикасининг Бош суд ижрочиси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади ва озод этилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош суд ижрочисининг ўринбосари, қорақалпоғистон Республикаси Бош суд ижрочиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош суд ижрочилари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тайинланади ва озод этилади.

Катта ва оддий суд ижрочилари эгаллаб турган вазифаларига қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар суд ижрочилари бошқарма бошлиқлари томонидан тайинланади ва озод этилади.

Суд ижрочилари тўғрисидаги қонунда бош суд ижрочисидан тортиб туман (шаҳар) катта суд ижрочиларининг ваколатлари 7-10-моддаларида белгиланган. Бу қоидаларда Ўзбекистон Республикаси бош суд ижрочиси суд ижрочиларининг фаолиятига раҳбарлик қилади, мутахассис кадрларни танлаш,

укитиш ва уларни касбий ва махсус тайёргарлик малакасини оширишга доир ишларни ташкил этади;

Суд ижрочилари хизматининг барча ходимлари учун бажарилиши мажбурий бўлган суд ижрочиларининг фаолиятини ташкил этиш моддий ва ижтимоий таъминот чораларини амалга ошириш тартибига доир масалаларни тартибни белгилаб турувчи кўрсатмалар ва фармойишлар чиқаради;

Ажратилган штат ходимлари сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси доирасида суд ижрочилари хизматининг тизимини ва ходимлар таркиби (штат)ни белгилайди;

Суд ижрочилари хизматининг молиявий ва моддий техникавий-таъминоти амалга оширади;

Суд ижрочиларининг хатти-ҳаракатлари устидан тушган шикоятларни бўйсинув тартибида кўриб чиқади;

Амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган тартибда суд ижрочилари хизматининг зиммасига юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун жавобгар ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош суд ижрочилари, шунингдек туман (шаҳар) катта суд ижрочиларининг ваколатлари ҳам ўзларига берилган ҳуқуқий доирасида фаолият кўрсатишлиги белгилаб қўйилган.

Туман (шаҳар)ларнинг катта суд ижрочилари юқоридагилардан ташқари суд раисининг, шунингдек судья ёки суд мажлисида раислик қилувчининг кўрсатма ва топшириқларининг тўғри ва ўз вақтида бажарилиши таъминлашга қаратилган ҳаракатларни амалга оширади.

Суд ижрочилари ижро этиладиган ҳужжатларни бажаришда қатор бурчга ва ҳуқуқларга эга бўлиб, улар амал қилган ҳолда иш тутиши лозим. Суд ижрочиларининг бурчлари қуйидагилардан иборат:

1. Суд акт ҳужжатлари ва бошқа органлар акт ҳужжатларининг ижро этилиши тўғрисида»ги қонунда кўзда тутилган суд акт ҳужжатларининг ва бошқа органларнинг акт ҳужжатларини мажбурий тартибда бажариш жараёнида суд ижрочисининг бурчлари:

- ижро ҳаракатларининг ўз вақтида, тўлиқ ва тўғри бажарилишига қаратилган чораларни кўриш;

- тарафларга ёки уларнинг вакилларига ижро иш юритувининг материал-ҳужжатлари билан танишиш имкониятини яратиш, улардан кўчирмалар, нусхалар олиш;

- ижро иш юритувига доир аризаларни ва мазкур иш юритувда иштирок этаётган тарафларнинг илтимосномаларини кўриб чиқиш ва улар бўйича шикоят қилиш муддатлари ва тартибини тушунтирган ҳолда қарорлар чиқариш;

- башарти у бевосита шахсан ёки билвосита иш юритувининг натижасидан манфаатдор бўлган ёхуд унинг ҳолислигига шубҳа туғдирувчи бошқа сабаблар мавжуд бўлган ҳолларда ижро иш юритувида иштирок этишдан четлатиш (ўзини-ўзи рад этиш).

2. Суд ижрочиси ижро ҳаракатларини амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- зарур ахборот, тушунтириш ва маълумотномалар олиш;
- ишлаётган қарздорларга нисбатан корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижро этилишини ва молиявий ҳужжатларнинг юритилишини ижро иши юритишга мувофиқ текширувдан ўтказиш;
- ижро иши юритишда иштирок этаётган жисмоний ва юридик шахсларга муайян ижро ҳаракатларини амалга ошириш масалалари юзасидан топшириқлар бериш;
- қарздорлар эгаллаб турган ёки уларга қарашли бўлган бинолар ва омборларга кириш, мазкур бинолар ва омборларни кўздан кечириш, зарурат бўлганда уларни очиш, шунингдек суд ажрими асосида бундай ҳаракатларни бошқа шахслар эгаллаб турган ёки уларга қарашли бўлган бинолар ва омборларда амалга ошириш;
- қонунга мувофиқ мол-мулкни хатлаш, хатланган мол-мулкни олиб қўйиш, сақлашга топшириш ва реализация қилиш;
- қарздорнинг банклардаги ва бошқа кредит ташкилотларидаги ҳисобварақларида, омонатларида турган ёки сақлаш учун қўйилган пул маблағлари ҳамда бошқа қимматликларини қонун ҳужжатларига мувофиқ хатлаш;
- олиб қўйилган мол-мулкни вақтинча сақлаш учун давлат мулкидаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан, мулкдорнинг розилиги билан эса, бошқа мулкдаги жойлардан фойдаланиш, бундай мол-мулкни сақлаш мажбуриятини тегишли шахслар зиммасига юклаш, ундирувчининг ёки қарздорнинг транспорт воситасидан мол-мулкни ташиш учун сарф-харажатларни қарздорнинг ҳисобига киритган ҳолда фойдаланиш;
- ижро ҳаракатлари амалга ошириладиганда асос бўлган ижро ҳужжатидаги талабларда ноаниқлик бўлган тақдирда, ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органдан уни ижро этиш тартибини тушунтириб беришни сўраш;
- қарздорга, унинг мол-мулкига ёки болага нисбатан қидирув эълон қилиш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳаракатларни амалга ошириш;
- ижро ҳаракатларини амалга оширишда катта суд ижрочиси кўрсатмаси асосида иштирок этиш.

Суд ижрочиси берилган ҳуқуқ доирасида амалга ошириладиган қонуний талабларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча давлат идоралари, ташкилотлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг бажарилиши мажбурий бўлиб ҳисобланади.

Суд ижрочисининг қонуний талабларини бажармаслик ва унинг зиммасига юкланган хизмат-вазифаларининг адо этилишига монелик қилиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка олиб келади.

Суд ижрочилари суднинг ҳал қилув қарорларини ижро қилишнинг бирдан-бир ягона органи эмас, баъзи ҳолларда, чунончи: солиқ органлари ва банклар ҳам амалга оширадilar.

Ижро ҳужжати асосида қарздорнинг ҳисобида пул маблағларини ундирувчининг счётига ёки суднинг депозит счётига мажбурий равишда ўтказувчи давлат банки ҳамда ходимларнинг иш ҳақларидан тегишли суммани ушлаб қолувчи муассаса, корхона, жамоа хўжалигининг бухгалтериялари ҳам ижро органлари бўлиб ҳисобланиши мумкин.

Ижро ҳужжати-пул маблағини қарздорнинг счётидан ундирувчининг счётига ўтказиш учун қонуний асосдир, лекин ижро варагида ёки хўжалик судининг буйругида қарздорнинг пул маблағи ўтказилиши лозим бўлган счёти кўрсатилмаган бўлса, шунингдек ижро вараги ва хўжалик судининг буйругида кўрсатилган қарздорнинг счёти давлат банкида бўлмаса, ижро ҳужжати ижро қилинмасдан, уни берган органга юбориш учун ундирувчига қайтарилади.

Суд қарорларини ижро қилиш процессда одатда икки тараф: ҳал қилув қарорининг ижро қилинишини талаб этувчи тараф-ундирувчи ва суд қарорларини ижро қилишга мажбур бўлган тараф-қарздор иштирок этади. Ижро қилиш процессидаги ундирувчи ва қарздор тушунчалари, судда иш кўриш вақтидаги даъвогар ҳамда жавобгар тушунчалари билан ҳамма вақт тўғри келвермайди. Агарда суд қарорлари билан даъвогарнинг даъво талаби қаноатлантирилган бўлса, қарорни ижро қилиш процессида даъвогар ундирувчи, жавобгар қарздор бўлиб ҳисобланади. Агарда суд қарори билан даъвогарнинг даъвоси рад этилиб, ундан жавобгарнинг фойдасига, масалан, суд харажатларини ундиришга қарор қилинган бўлса, у ҳолда ижро процессида даъвогар қарздор жавобгар эса, ундирувчи бўлиб қолади. Шунингдек айрим ҳолларда суд иш кўриш процессида бутунлай иштирок этмаган шахслар ёки ташкилотлар ҳам ижро процессида тарафлар бўлиб қолиши мумкин. Бундай ҳолларда ворислар ёки ундирувчилардан ижро варақаси бўйича ҳақ талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ундирувчи бўлишлари мумкин. Одатда, ижро процессида бир ижро ҳужжати бўйича бир ундирувчи ва бир қарздор бўлади. Лекин суд томонидан шериклик мажбуриятидан келиб чиқадиган талаблар қаноатлантирилган бўлса, ижро процессида қарздор томонидан ҳам жавобгар томонидан ҳам шерик иштирокчилик бўлиши мумкин.

Ҳар бир ҳал қилув қарори бўйича битта ижро вараги берилади. Лекин агар ижро турли жойларда ўтказиладиган бўлса ёки ҳал қилув қарори бир қанча даъвогарларнинг фойдасига ёки бир неча жавобгарларга нисбатан чиқарилган бўлса, ундирувчиларнинг илтимоси бўйича суд ижро жойини ёки ҳал қилув қарорининг ижро этилишига тегишли қисмини аниқ қилиб кўрсатиб, бир неча ижро вараги бериши мумкин. Шерик жавобгарлардан пул маблағлари ундириш тўғрисидаги ҳукм ёки ҳал қилув қарорига асосан ундирувчининг илтимоси бўйича шерик жавобгарларнинг сонига қараб бир неча ижро вараглари берилиши мумкин. Ҳар бир ижро варагида ундириладиган пулнинг умумий суммаси кўрсатилиши ва ҳамма жавобгарлар (уларнинг шериклик асосида жавобгар бўлишлари кўрсатилган ҳолда) санаб ўтилиши лозим.

Суд ижрочиси мажбурий ижрога киришганида тарафларга уларнинг процессуал ҳуқуқ ва бурчларини тушунтиришга мажбур. Ундирувчи ва қарздор ҳал қилув қарор ижро этилиши вақтида шахсан ўзи ёки вакиллари орқали ҳозир бўлишга, ижро ишини юргизиш материаллари билан танишишга, ижронинг

бориши ҳақида маълумот олишга, келишув битимлари тузишга, мулкнинг кимга тегишли ва унинг баҳоси тўғрисида низолашишга суд ижрочисининг ҳаракатлари устидан шикоят қилишга ҳақлидир.

Ундирувчининг вакили тегишлича хабардор қилингани ҳолда ҳал қилув қарорининг ижро этилишида ҳозир бўлмаслиги суд ижрочисининг ижро ҳаракатларини бажаришга тўсқинлик қилмайди. ФПКнинг 380-моддасига мувофиқ ундирувчи мажбурий ижродан воз кечишга, ундириш миқдорини камайтиришга, жавобгарнинг ижрони кейинрок ёки қисмларга бўлиб бажарилишига йўл қўйишга ҳақли. Ижро ҳаракатларини бажараётганда суд ижроси агар ундириш учун зарур бўлса, қарздорнинг бинолари ва омборларини кўздан кечиришга ҳам ҳақли бўлади. қарздор суд ижрочисининг бинога киришишига йўл қуймаган тақдирда суд ижрочиси зарур бўлган ҳолларда ҳолис шахсларни таклиф қилиб, бинони уларнинг ҳузурида очади ва кўздан кечиради.

Суд ижрочисининг ижро ҳаракатини бажариш вақтида қарздорнинг шахсий эркинлигига ва обруйига қандай шаклда бўлмасин, тажовуз қилиши қатъиян ман этилади. Суд қарорларини ижро қилишда қарздорнинг шахси дахлсиздир. Суд ижрочиси қарздорни судга мажбурий келтириш ҳуқуқига эга эмас ва унинг турар жойини чеклаб қўя олмайди ҳамда ижро қилиш процессида ҳар икки тарафнинг ҳуқуқларини қўриқлашга мажбурдирлар. У қарорнинг ижросига киришишдан олдин қарздорга ҳал қилув қарорини 5 кунлик муддат ичида ихтиёрий равишда ижро қилиш тўғрисида таклиф юборади. қарздор белгиланган муддатида қарорни ижро қилмаса ёки ихтиёрий ижро қилишни рад этса-суд ижрочиси қарорни мажбурий ижро қилишга киришади.

Мажбурий ижро қилиш чоралари: қарздорнинг шахсий мулкни хатлаш ва мулкни сотиш йўли билан ундириш; қарздорнинг бошқа шахсларда бўлган шахсий мулқидан ва пул маблағларидан ундириш; қарздорнинг иш ҳақи, пенсияси, стипендияси ва бошқа турдаги даромадларидан ундириш; ҳал қилув қарорида кўрсатилган маълум нарсаларни қарздордан олиб ундирувчига бериш; қонунга мувофиқ ҳал қилув қарорида кўрсатилган бошқа чоралар тарзида бўлади.

Қарздор ва ундирувчи ижро қилиш процессида юқорида айтилганидек, ўзларининг вакиллари орқали ҳам ижро қилиш ҳуқуқларига эгадирлар. Ижро қилиш процессида вакилликнинг барча турлари: ихтиёрий вакиллик, қонуний, устав бўйича вакиллик амалга оширилиши мумкин.

Муомалага лаёқатли фуқаро томонидан сайланган вакилликнинг ва ижро процессидаги юридик шахс вакилининг ваколатлари нотариал ёки ваколат берувчининг иш жойидаги маъмурият томонидан гувоҳлантирилган, ёзма шаклдаги, ишонч қоғози ёки ваколатнома билан расмийлаштирилган бўлиши лозим. қонуний вакиллардан алоҳида ваколатнома талаб этилмайди. Ижро процессидаги вакиллар тарафларнинг барча ҳуқуқларидан фойдаланадилар. Ваколатнома вакилнинг ўз ваколатини бошқа шахсга бериш, ижро ҳаракати вақтида келишув битими тузиш, мулк ва пул олиш ҳуқуқлари махсус равишда кўрсатилиши лозим. Бундай кўрсатма бўлмаганида ихтиёрий сайланган вакил юқорида айтилган ҳуқуқларни амалга ошира олмайди.

Ижро процессида вужудга келган бир қатор масалалар ижрочи, суд ёки қарорни ижрога берган орган томонидан ҳал қилинади, масалан, қарорни сир сақлаш, қарорнинг ижросини кейинга қолдириш, ижро ҳужжатларини олиш ёки уни кейинга қолдириш, ижро ҳужжатларини олиш ёки уни ижрога қаратиш бўйича утиб кетган муддатни тиклаш, қарздорнинг умумий мулкидаги хиссасини белгилаш, тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш, қарорнинг ижросини тўхтатиш ва бекор қилиш, ижро варақасининг дубликатини бериш ва шу каби бошқа масалаларни ҳал қилади.

Ижро ишида прокурорнинг иштироки қонунда назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан қонунларнинг тўғри ижро қилиниши устидан юқорида назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурорига ва унга итоат қилувчи прокурорларга юклатилган (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддаси, Прокуратура тўғрисидаги қонуннинг 1-моддаси).

ФПКнинг 46-моддасига мувофиқ прокурор ишга процесснинг бошланиш босқичида кириша олади. Прокурор фуқаролик суд ишларининг юргизилишида қонуннинг ҳар қандай тусда бузилишини (бундай бузилишлар ким томонидан содир қилинганидан қатъий назар) бартараф қилиш учун қонунда назарда тутилган чораларни кўради.

Прокурор суд ва бошқа идораларнинг қарорларининг тўғри ва ўз вақтида ижро қилиниши устидан ҳам назорат олиб боради.

3-§. Ижронинг асослари

Суд қарорлари (ҳал қилув қарори, ажрим ва қарор) ва бошқа идораларнинг ижро билан боғлиқ бўлган ҳужжатларини ижро қилиш тўғрисидаги қоидалар Ўзбекистон Республикаси «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонунда белгиланган.

Суднинг ҳал қилув қарори, дарҳол ижро этиш ҳолларидан ташқари (ФПКнинг 220-221-моддалари) ҳамма ҳолларда қонуний кучга киргандан сўнг ижро этилади.

Манфаатдор шахснинг илтимоси бўйича ижро ҳужжатларининг юқорида кўрсатилган тегишли орган беради. Бундай ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

1) фуқаролик ишлари ва хўжалик низолари бўйича судларнинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари;

2) жиноят ишлари бўйича суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорларининг мулкӣ ундиришга оид қисми;

3) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд қарорларининг мулкӣ ундиришга оид қисми;

4) алиментлар тўлаш тўғрисидаги нотариал тарзда тасдиқланган келишувлар;

5) нотариусларнинг ижро хатлари;

6) меҳнат низолари комиссияларининг қарорлари;

7) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга органлар (мансабдор шахслар) чиқарган қарорлар;

8) холислар судининг қарорлари;

9) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ёки халқаро шартномасида назарда тутилган ҳолларда чет эл судлари ва арбитражларининг қарорлари;

10) ўзбошимчалик билан турар жойни эгаллаб олган ёки авария ҳолатида деб топилган уйларда яшаётган шахсларни маъмурий тартибда кўчириш тўғрисидаги прокурорларнинг қарорлари;

11) суд ижрочиларининг ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллардаги қарорлари;

12) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа органларнинг ҳужжатлари.

Чет эл судлари ва арбитражларининг қарорларини ижро этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси суди томонидан чет эл судининг ёки арбитражининг қарори асосида берилган ижро варақаси, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, қарор қонуний кучга кирган вақтдан эътиборан уч йил ичида мажбурий ижро этиш учун топширилиши мумкин.

Қуйидагилар ижро ҳужжатлари ҳисобланади:

1) судлар ўзлари қабул қиладиган суд ҳужжатлари асосида берадиган ижро варақалари;

2) холислар судининг қарорларини мажбурий ижро этиш юзасидан судлар берадиган ижро варақалари;

3) чет эл судлари ва арбитражлари қарорлари асосида Ўзбекистон Республикаси судлари берадиган ижро варақалари;

4) суд буйруқлари;

5) алиментлар тўлаш тўғрисидаги нотариал тарзда тасдиқланган келишувлар;

6) нотариусларнинг ижро хатлари;

7) меҳнат низолари комиссиялари ўз қарорлари асосида берадиган гувоҳномалар;

8) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга органлар (мансабдор шахслар) чиқарган қарорлар;

9) ўзбошимчалик билан турар жойни эгаллаб олган ёки авария ҳолатида деб топилган уйларда яшаётган шахсларни маъмурий тартибда кўчириш тўғрисидаги прокурорларнинг қарорлари;

10) суд ижрочиларининг қарорлари;

11) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа органларнинг ҳужжатлари.

Ижро ҳужжатининг асл нусхаси йўқолган тақдирда, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг дубликати ундирув учун асос бўлади.

Ижро ҳужжатида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

1) ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органнинг номи;

2) ижро ҳужжатининг қайси иш бўйича берилганлиги ва унинг тартиб рақами;

3) ижро этилиши шарт бўлган суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжати қабул қилинган сана;

4) ундирувчи ва қарздорнинг номи, уларнинг манзиллари; жисмоний шахслар учун - қарздорнинг туғилган санаси ва жойи, иш жойи;

5) суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатининг қарор қисми;

6) суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжати кучга кирган сана;

7) ижро ҳужжати берилган сана ва уни ижрога топшириш муддати.

Суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжати судья томонидан имзоланади ва суднинг гербли муҳри билан тасдиқланади.

Бошқа органнинг ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжати мазкур ҳужжатни қабул қилган органнинг ваколатли мансабдор шахси томонидан имзоланади ва тегишли органнинг муҳри билан тасдиқланади.

Суд буйруғининг ҳамда алиментлар тўлаш тўғрисидаги нотариал тарзда тасдиқланган келишувнинг, шунингдек нотариус ижро хатининг мазмуни қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

4-§. Ижро ҳужжатларининг мажбурий ижрога топшириш муддатлари

Суд ва бошқа органларнинг қарорларининг мажбурий ижро қилиш маълум муддат билан чекланган. қарорларни ижро қилиш муддати институтнинг киритилиши-ундирувчи билан қарздорнинг муносабатини узоқ вақтгача номаълум ҳолда қолдиришнинг мақсадга мувофиқ бўлмаслигидан келиб чиқади. ФПКнинг 377-моддасида белгиланганидек, тарафлардан лоакал бири фуқаро бўлган иш бўйича суднинг ҳал қилув қарори, у қонуний кучга кирган пайтдан бошлаб уч йил ичида, мажбурий тартибда ижро этиш учун топширилиши мумкин.

Ижро ҳужжатлари қуйидаги муддатларда ижрога топширилиши мумкин:

1) умумий юрисдикция судларининг суд ҳужжатлари асосида бериладиган ижро варақалари уч йил мобайнида, хўжалик судларининг суд ҳужжатлари эса - олти ой мобайнида;

2) холислар судининг қарорларини мажбурий ижро этиш тўғрисидаги суд ҳужжатлари асосида бериладиган ижро варақалари - олти ой мобайнида;

3) нотариусларнинг ижро хатлари - уч йил мобайнида;

4) меҳнат низолари комиссияларининг гувоҳномалари - уч ой мобайнида;

5) ишларни маъмурий тартибда кўриш ваколатига эга органларнинг (мансабдор шахсларнинг) қарорлари - уч ой мобайнида.

Бошқа ижро ҳужжатларини ижрога топшириш муддатлари тегишли ижро ҳужжатларини бериш шартлари ва тартибини белгиловчи қонун ҳужжатларида кўрсатилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган муддатлар қуйидагича ҳисобланади:

1) ушбу модда биринчи қисмининг 1-бандида қайд этилган ижро ҳужжатлари (суд буйруғи бундан мустасно) ижрога топширилганда - суд

ҳужжати қонуний кучга кирган ёки унинг ижросини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш учун белгиланган муддат тугаган кундан бошлаб ёхуд ижро ҳужжатини ижрога топширишнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан бошлаб, суд ҳужжати дарҳол ижро этилиши лозим бўлган ҳолларда эса - ҳужжат чиқарилган куннинг эртасидан бошлаб;

2) суд буйруқлари ижрога топширилганда - улар берилган кундан бошлаб ўн кунлик муддат ўтганидан кейин;

3) ушбу модда биринчи қисмининг 5-бандида қайд этилган ижро ҳужжатлари ижрога топширилганда - қарор чиқарилган кундан бошлаб.

Ушбу модданинг биринчи қисмида қайд этилган бошқа барча ижро ҳужжатлари бўйича уларни ижрога топшириш муддатлари, агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, улар берилган куннинг эртасидан бошлаб ҳисобланади.

Даврий тўловларни ундириш тўғрисидаги (алиментлар ундириш, соғлиққа шикаст етказилгани оқибатидаги зарарни қоплаш тўғрисидаги ва шу каби ишларга доир) суд ҳужжатлари бўйича ижро ҳужжатлари тўловларни ундиришнинг белгиланган бутун даврида ўз кучини сақлаб қолади. Бундай тартиб алиментлар тўлаш тўғрисидаги нотариал тарзда тасдиқланган келишувларга нисбатан ҳам амал қилади. Бундай ҳолларда ижро ҳужжатларини ижрога топшириш муддатлари ҳар бир тўлов учун алоҳида ҳисобланади.

Ижрога топшириш муддати, қонунда бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, ижро ҳужжатининг ижрога берилиши билан, шунингдек ҳар икки тараф ёки улардан бири фуқаро бўлган иш бўйича ҳал қилув қарори қисман ижро қилиниши билан узилади.

Муддат узилганидан сўнг унинг ўтиши янгидан бошланади, лекин олдинги ўтган вақт янги муддат ҳисобига кирмайди, ижро ҳужжати тўлиқ ёки қисман ундирилмасдан қайтарилган тақдирда, ижро ҳужжатини ижрога топшириш учун янги муддатни ҳисоблаш ижро ҳужжати ундирувчига қайтарилган кундан бошланади.

Ижро варагини ёки нотариуснинг ижро хатини ижрога топшириш муддатини ўтказиб юборган ундирувчиларга, агар қонунда бошқача белгиланган бўлмаса, ўтказиб юборилган шу муддат суд узрли деб топган сабабларга кўра тиклаб берилиши мумкин. ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза ҳал қилув қарори чиқарган судга ёки ижро қилинадиган жойдаги судга берилади. Ариза ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилиб суд мажлисида кўрилади, лекин уларни келмаганликларини ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тўсқинлик қилмайди.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш рад қилинганда-хусусий шикоят берилиши ёки протест келтирилиши мумкин.

Ижрога топшириш муддати ўтказиб юборилган бошқа ижро ҳужжатлари бўйича муддатни тиклаш мазкур ҳужжатларни берган органлар томонидан амалга оширилади.

Юқорида баён этилган умумий қоидалардан тубандагича истеснолар белгиланган:

1) меҳнат ишлари бўйича ходим меҳнат низоларининг кўрувчи комиссиянинг баёни топширилган кундан бошлаб уни мажбурий ижро қилиш учун 3 ой ичида суд ижрочисига тақдим этиш керак;

2) маъмурий тартибда солинган жарималарни ундириш бўйича Республика қонунлари билан белгиланган ижро муддати қўлланилади;

3) даврли тўловларни (масалан, нафақаларни) ундириш тўғрисидаги қарорлар тўловлар ундирилиши лозим бўлган бутун давр ичида ижро қилиниш кучини сақлайди. Лекин ижро ҳужжатини тақдим этишга қадар ўтган вақт учун, фақат қарорларнинг ижро қилишнинг умумий муддати чегарасидагина ундирилиши мумкин;

4) хўжалик судларининг буйруқлари суд томонидан белгиланган муддат тамом бўлган кундан бошлаб 6 ой ичида ижро қилиш учун тақдим этилиши мумкин. қоида бўйича ижро муддати қарорнинг қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисобланади;

5) ҳакамлар судининг ижро варақалари 6 ой ичида ижро қилинишини керак.

5-§. Ижро ишини юритишнинг умумий қоидалари

Суд ижрочиси белгиланган тартибда берилган ижро ҳужжати асосида, қарздорнинг оғзаки ва ёзма аризаси ва шунингдек суд ёки прокурорнинг таклифи бўйича ижро ҳаракатини бошлайди. Ижро ҳаракатини кўзғатиш учун тегишли ижро ҳужжати ижрочига почта орқали юборилишининг ўзи ҳам етарли бўлади.

Ижро ишларини кўзғатиш учун суд ижрочиси уч кун ичида қарор чиқаради, бунда ихтиёрий ижро учун 5 кун муддат беради.

Фуқаролик ишларини судда кўриш вақтидагидек, ижро процессида ҳам эркин ҳуқуқлилик тамойили (принципи)да ҳаракат қилинади. Ижро процессида тарафлар ўз ҳуқуқларидан ва уларни ҳимоя қилиш воситаларидан эркин фойдаланадилар.

Ундирувчи ижро ҳужжатини ижрога қаратишга ёки қаратмасликка ҳақлидир. У ижро ҳужжатини қайтариб олишга, шу ҳужжат бўйича ижро ҳаракатини тўхтатиш масаласини кўйишга, ижро юзасидан ўз ҳуқуқидан воз кечишга ёки ўз ҳуқуқларини қонун йўл куйган ҳолларда бошқа шахсга ўтказишга ҳақлидир. Тарафлар ижро процессида келишув битимини тузишга ва суд ижрочисининг ҳаракати устидан шикоят қилишга ҳақлидирлар.

Суд қарорлари ундирувчининг фойдасига ижро қилинадиган бўлса ҳам, аммо қонунда қарздорнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор меъёрлар ўрнатилган. Бу борада муҳим меъёрлардан бири қарздорнинг зиммасидаги бурчини ихтиёрий равишда ижро қилиб тамомлаш ҳуқуқи ҳисобланади. қарздорнинг ҳамма мулкидан ҳам ҳақ ундириб бўлмайди: унинг қандай мулкларидан ҳақ ундириш мумкин эмаслиги қонунда белгиланган.

Болаларнинг таъминоти учун алимент ундириш маъмурий тартибда жарима ундириш тўғрисидаги қарорлар, мулкни мусодара қилиш, кўрилган зарарни ундириш тўғрисидаги ҳукмлар юзасидан ижро варақалари ундирувчиларнинг илтимосарига қарамасдан ёзилади ва ижро этилиши жойи бўйича тегишли ижрочига юборилади. Давлат фойдасига суд харажатларини ундириш тўғрисидаги ижро варақалари ҳам худди шу тартибда ёзилади ва топширилади.

Суд қарорларини ижро қилиш жараёнида фуқаролик процессининг бошқа принципларига ҳам амал қилинади. Чунончи ижро ҳаракати миллий тилда олиб борилади, ижро ҳаракати олиб бораётган тилни билмайдиган шахс ижро иши материаллари билан таржимон орқали танишиши мумкин. Ижро ишини амалга оширишда ижрочи мустақил ва фақат қонунга итоат қилади. Суд ижрочисига ҳеч ким унга ижрони қандай амалга ошириши кераклиги ҳақида кўрсатма бера олмайди.

Суд ижрочисининг иш характери унинг фаолияти билан фуқароларнинг бевосита танишишларига имконият бермайди, чунки кўпгина ижро ҳаракатлари қарздорнинг уйида қилинади ва фуқароларнинг турар жой дахлсизлиги принципига мувофиқ у ерга бошқа шахсларнинг киришлари чекланади. Аммо ошкоралик принципига мувофиқ ижро ҳаракати масалалари матбуотда ёритилиши мумкин.

Ижро ҳаракатлари фуқароларнинг социал, мулкӣ ва хизмат ҳолати, миллати, ирқи ва диний эътиқодларидан қатъий назар қонун ва суд олдида тенглик принципи асосида амалга оширилади.

Ундирувчидан, бошқа органдан олинган ижро ҳужжатлари ижрочи томонидан қонун талабларига жавоб берса рўйхатга олинади. Амалдаги қонунга кўра суд ижрочиси шахсан ўзи бевосита ижро ҳужжатларини қабул қилиб олади. Ҳар бир ижро ҳужжати бўйича алоҳида ижро иши ва регистрация карточкаси тузилади. ҳал қилув қарорини ижро қилиш жойи ва вақти тўғрисидаги қоидалар қонуннинг 10-14-моддаларида берилган.

Суд ижрочиси ҳал қилув қарорини ижро этишдан шахсан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса ёки унинг ҳолислигига шубҳа туғдирувчи бошқа ҳолатлар бўлса ёхуд у тарафларнинг, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг ўзи ёки вакилларининг қариндоши бўлса, ҳал қилув қарорини ижро этишда қатнаша олмайди.

ФПКнинг 216 ва 380-моддаларида ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш ёки қисмларга бўлиб бажариш, ҳал қилув қарорларини ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш, ижро ҳаракатларини тўхтатиб қўйиш ва тугатиш тўғрисида умумий қоидалар берилган. Суд ижрочиси ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктиришга, қисмларга бўлиб бажаришга ёки ижро этиш усули ва тартибини ўзгартиришга бу тўғрида суднинг ажрими бўлсагина ҳақли бўлади.

Суд ҳал қилув қарорининг ижросини қийинлаштирадиган ёки бажариб бўлмайдиган қилиб қўядиган ҳолатлар мавжуд бўлса (қарздор ёки унинг оила аъзолари касал бўлса, ундирилган мулк натура ҳолда бўлмаса ва шу каби бошқа ҳолларда) ижрочи судга ижрони кечиктириш ёки қисмларга бўлиб бажариш,

шунингдек ҳал қилув қарорини ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш масаласини ҳал этиш тўғрисида мурожаат қилади.

Суд қуйидаги ҳолда:

- қарздор вафот этган тақдирда, агар бунда суд белгиланган ҳуқуқий муносабатга мувофиқ ҳуқуқни қабул қилишга йўл қўйилган бўлса;
- қарздор муомала лаёқатини йўқотган бўлса;
- қарздор Куролли Кучларнинг ҳаракатидаги қисмда бўлса ва Куролли Кучларнинг ҳаракатидаги қисмдаги ундирувчи илтимос қилса;
- қарздор ижро ҳужжати устидан низолашишига қонун бўйича йўл қўйилган тақдирда низолашса;
- органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракат (қарор)ларига нисбатан шикоят берилса;
- қонун бўйича ҳал қилув қарорининг ижросини тўхтатиш ҳуқуқи берилган мансабдор шахсларнинг қарори бўлганида ижрони тўхтатишга мажбур.

Ҳақ ундирувчи билан қарздор ўртасида суд тасдиқлаган келишув битими тузилганида; ундирувчи ёки қарздор фуқаро вафот қилгандан сўнг ҳал қилув қарорида белгиланган талаб ёки мажбурият марҳумнинг ҳуқуқини қабул қилувчига утмайдиган бўлганда; ундиришнинг мазкур тури учун қонун билан белгиланган даъво муддати ўтган бўлса-ижро иши тугатилади.

Ижро ҳужжати ҳақ ундирувчининг илтимоси бўйича унга қайтарилиши ҳам мумкин. Бундан ташқари ижро ҳужжати қарздорнинг ҳақ ундириладиган мулки ёки даромади бўлмаганида: ундирувчи ҳал қилув қарорини ижро қилиш вақтида қарздорнинг сотилмай қолган мулкни ўзида қолдиришни ёки суднинг ҳал қилув қарорида кўрсатилган ва қарздордан олинган нарсаларни олишни истамаганида, агар қарздор ундирувчи кўрсатган жойда яшамаса ёки ишламаса ё унинг мулки бўлмаса қайтарилиши мумкин.

Ижро ҳужжатининг ундирувчига қайтарилиши қонунда белгиланган муддат ичида шу ҳужжатни янгитдан ижрога топшириш учун тўсқинлик қилмайди.

Ижро ҳаракатларини тўхтатиб қўйиш ёки бекор қилиш, шунингдек ижро ҳужжатини ундирувчига қайтариш масалалари ижрочи турган (жойлашган) суд томонидан кўрилади ва бу ҳақда ажрим чиқаради.

Ижро ҳаракатларини тўхтатиб қўйиш ёки бекор қилиш, шунингдек ижро ҳужжатини ундирувчига қайтариш тўғрисидаги ажрим устидан мулкни очик савдода сотиш тўғрисидаги эълон учун экспертларга тўлаш учун, ижро қилиш жойига бориши учун зарур бўлган харажатлар суд ижрочиси иши депозит ҳисобидан тўланади.

Ижро қилинган ҳал қилув қарори бўйича қарздордан қанча мулк ва пул ундирилганлигидан қатъий назар, ижро харажатлари, судьянинг ажрими бўйича қарздордан давлат фойдасига ундирилади. Бу ажрим устидан хусусий шикоят берилиши ва хусусий протест келтирилиши мумкин.

6-§. Қарздорнинг мулки ҳисобига ҳақ ундириш тартиби

Амалдаги қонунларга асосан фуқаролардан тегишли ҳақ қарздорнинг шахсий мулкидан, шунингдек унинг умумий мулкидаги, эр-хотин ўртасида бўлган мулкдаги хиссасидан ундирилади.

Ундирувчига суднинг ҳал қилув қарорида кўрсатилган нарсаларни ундириб бериш лозим бўлганида суд ижрочиси бу нарсаларни қарздордан ундирувчига олиб беради. Агар ундириладиган ҳақнинг миқдори қарздорнинг ойлик иш ҳақидан ёки даромадидан, пенсияси ёки стипендиясидан қонун бўйича ундирилиши мумкин бўлган хиссадан ошмаса, қарз қарздорнинг мулки ҳисобига ундирилмайди.

Ҳақ ундириш қарздорнинг мулкни хатлаш ва уни сотиш йўли билан амалга оширилади. Мулкни хатлаш икки турдаги ҳаракатлардан: а) мулкни хатлашдан; б) қарздорга бу мулкни тасарруф қилишнинг ман этилганлигини билдиришдан иборат бўлади. Шу икки ҳаракат қилинганидагина мулк хатланган ҳисобланади. Мулкни хатлаш ҳамма вақт унга арест солиш билан боғлиқ бўлмайди. Масалан, эр-хотиннинг умумий мулкларини бўлишда, агар даъвони таъмин қилиш тўғрисида ажрим чиқарилмаган бўлса, қанча мулк борлигини билиш учун мулк хатланиши мумкин. Лекин бу мулкка арест солиш (хатлаш) мумкин эмас. Мулкка арест солиш (хатлаш) судлар томонидан чиқариладиган ҳукм, қарор ва ажримларнинг ижросини таъминлашга қаратилган чоралардан биридир. Хатлаш фақат суд ижрочиси томонидангина эмас, фуқаролик даъвосини таъмин қилиш мақсадида прокуратура органлари томонидан, солиқлар суғурталар бўйича боқимандаларни ундириш бўйича молия органлари томонидан ўз вақтида тўланмаган ўзаро солиқ бўйича тўловларни ундириш бўйича, шунингдек вафот этганлардан қолган мулкларнинг сақланишини таъминлаш мақсадида нотариал идоралар томонидан ҳам солиниши мумкин.

Қарздор ўзининг қайси мулки ҳисобидан ҳақ ундириш мумкинлигини айта олади. Агар унинг кўрсатган мулки билан қарз қопланиши мумкин бўлса, суд ижрочиси бу илтимосни қаноатлантиради. Имконияти борича арест солинадиган (хатланган) мулкнинг қиммати ундириш суммаси ва ижро харажатларидан ортиқ бўлмаслиги лозим. Процессуал қонунчилик ундиришни қарздорнинг ҳамма мулкига қаратишга йўл қўймайди. қонун фуқаро ва ташкилотларнинг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, ижро варақаси ва унга баробар бўлган ижро ҳужжатлари бўйича ҳақ ундирилиши мумкин бўлган мулкларнинг рўйхатини белгилайди. қарздорнинг ўзи ва қарамоғидаги шахслар учун зарур бўлган кийим-кечаклари, уй-рузгор ашёлари ва унинг касбини давом эттириш учун зарур бўлган китоблари, қўлланмалари ва асбоб-ускуналари ҳисобидан ҳақ ундириш мумкин эмас.

Қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи шахсларнинг ерни экиш учун зарур бўлган миқдордаги уруглигига, йигиб олинмаган хосилига ва шунингдек кўрсатилган миқдорда уй ҳайвонларига ва уларни боқиш учун зарур миқдордаги ем-хашакларга ва ҳоказоларга хатлаш, арест солиш мумкин эмас.

Суд ижрочиси мулкни хатлашдан олдин қарздорни ижро ҳужжати бўйича ундирилиши мумкин бўлмаган мулклар рўйхати билан таништириши лозим. Бундай қилиш қарздорда суд ижрочисининг ҳаракатининг қонунийлиги тўғрисида ишонч туғдиради ва шикоят қилишнинг олди олинади. қарздор йўқлигида мулкка арест (хатлаш) солинадиган бўлса, бундай вақтда ҳолисларнинг, уйлар бошқармаси ёхуд маъмурият вакилининг иштирок этиши мажбурийдир. Суд ижрочиси рўйхатга олинган ашёларни муҳрлаши мумкин, бу ҳақда рўйхат актида кўрсатилади.

Мулкни рўйхатга олиш актининг нусхалари қарздорга ва рўйхатга олинган мулкни сақловчига берилади. Агар мулкни рўйхатга олиш суд ҳукмининг мулкни мусодара қилиш қисмига ёки мулкни давлатга топшириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорларига асосан ўтказилаётган бўлса, рўйхат акти мулкни сотиш учун тегишли жойга ҳам юборилади.

Мулкни хатлаш тўғрисидаги акт икки нусхада тузилиб, унинг бири қарздорга берилади. Агар мулк сақлаш учун бошқа шахсларга топшириладиган бўлса, акт уч нусхада тузилади ва бири сақловчига берилади. Мулк хатлангандан кейин қарздор уни тасарруф қилиши мумкин эмас.

Мулкни хатлашда учинчи шахслар бу хатланган мулкнинг ўзларига тегишли бўлишини билдиришлари мумкин. Бундай ҳолларда қонун бўйича мазкур мулкнинг бошқа шахсга тегишлилиги аниқ бўлгандагина хатланмайди. Шунинг учун суд ижрочиси мулкни бошқа шахсга тегишли бўлиши тўғрисида асос бўлмаса, у мулкни хатлаши ва учинчи шахсларнинг эътирозларини актда кўрсатиши лозим. Шу билан бирга суд ижрочиси бу шахсга мулкни хатлашдан чиқариш тўғрисида даъво билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтириши керак.

Мулкни хатлаш вақтида учинчи шахсларнинг бу мулкка бўлган ҳуқуқларини билдирмасликлари ва эътирозларнинг актда кўрсатилмаслиги шунингдек низоли мулкнинг олиб кетилганлиги ёки сотиб юборилганлиги мулкни арестдан чиқариш тўғрисида даъво қилиш ҳуқуқидан уларни маҳрум қилмайди.

Мулкни хатлаш вақтида суд ижрочиси уни давлат нархи билан баҳолайди. Кишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ҳайвонлар ўртача бозор нархи билан, иморатлар эса инвентаризация ёки суғурта нархи бўйича баҳоланади.

Баъзи нарсаларни баҳолаш қийин бўлса ёхуд қарздор ёки ундирувчи суд ижрочиси куйган баҳога норози бўлса, суд ижрочиси рўйхатга олинган мулкнинг қимматини белгилаш учун экспертни таклиф қилади.

қарздорнинг рўйхатга олинган мулки рўйхатга имзо қўйдирилиб, сақлаш учун қарздорга, ундирувчига ёки суд ижрочиси тайин қилган бошқа шахсга берилади. Давлат ёки жамоат мулкнинг ўғирланиши, талон-тарож қилиниши ва кам келиши натижасида етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги ишлар бўйича рўйхатга олинган мулкни сақловчи сифатида қарздорни ёки унинг қариндошларини тайинлаш ман қилинади. қарздордан ёки унинг оила аъзосидан бошқа сақловчи мулкни сақлагани учун белгиланган такса бўйича ҳақ олади. Бундан ташқари унга мулкни сақлаш бўйича қилинган ҳақиқий ва зарур харажатлари тўланади.

Мулкни сақлаш учун олган қарздор, агар бу мулкнинг хусусиятларига кўра ундан фойдаланиш мулкнинг йўқ бўлишига ёки қимматини камайишига сабаб бўлмаса, ундан фойдалана олади. Сақлашга топширилган мулк сарфланса, яширилса, сақловчи етказган зарари учун мулкий жавобгар бўлишидан ташқари жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Суд ижрочиси қарздорнинг бошқа шахсларда бўлган пул маблағлари ва мулкдан ҳақ ундириши мумкин. Корхоналар, муассалари, ташкилотлар, шунингдек фуқаролар суд ижрочисининг сурогига жавобан, ўзларида қарздорнинг қанча пули, қимматликлари ва бошқа мулклари борлиги тўғрисида, ундан қанча қарз эканликлари ҳамда қарзни қандай асосларда ва қандай муддатларда тўлашга мажбур эканликлари тўғрисида маълумот беришга мажбурдирлар. Шу билан бир вақтда кўрсатилган шахслар суд ижрочисининг талабини олгандан бошлаб қарздорнинг уларда бўлган мулки ва пул маблағларига ундириладиган сумма доирасида хатланганлиги тўғрисида ва ундириладиган сумма бутунлай қоплангунича қарздорга тегишли тўловларни улар ундирувчига ёки суднинг депозит счётига топширишга мажбур эканликлари тўғрисида хабардор қилинади. Суд ижрочиси бошқа шахсларда қарздорнинг мулки борлиги тўғрисида жавоб олиши биланок бу мулкни рўйхатга олади. қарздор билан бошқа шахслар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ қарздорнинг мулки бошқа шахсларда бўлса, уларнинг шартномадан келиб чиқадиган ҳуқуқларини кўриқлаш имкониятлари ва мулкни олиш ҳақидаги масалалар суд томонидан ҳал қилинади. Фуқаролар жамгарма ва давлат банкига куйган омонат пулларидан ҳақ ундириш асослари ва тартиби суд ҳужжатларини ижро қилиш қонунда кўрсатилган.

Ижро ҳужжатларига мувофиқ қарздорнинг мулкни сотишга оид умумий қоидалар юқоридаги қонуннинг 53-моддасида берилган барча чоралар кўрилганида ҳам қарздордан тегишли ҳақни ундириш мумкин бўлмаса, суд ижрочиси қарздорнинг кудратсизлиги тўғрисида акт тузади.

Қарзни ундириш учун турар жой иморатига арест солиш ва иморатни сотишга оид қоидалар ҳам кўрсатилган.

Суднинг ҳал қилув қарорига биноан турар жойдан кўчиришда суд ижрочиси қонунга амал қилади. Агар жавобгар суднинг ҳал қилув қарорига мувофиқ маълум ҳаракатларни (мулк топшириш ёки пул тўлашдан бошқа ҳаракатларни) бажаришга, чунончи: ходимни ишга тиклашга, иморатни бузиб ташлашга, эшик-дарвозани кўчиришга мажбур қилинса ва х.к. суд ижрочисининг бу тўғридаги ҳаракатлари ҳам юқоридаги қонун билан тартибга солинади.

7-§. Иш ҳақидан ундириш

Ундиришни иш ҳақида қаратган суд ижрочиси қарздорга чақирик қоғозини юбориш билан бир вақтда, ижро ҳужжати қарздорнинг иш жойига юборади ва бу ҳақда ундирувчига маълум қилади.

Қарздорнинг иш жойи тўғрисида суд ижрочисига қарздорнинг ўзи ёки ундирувчи маълум қилади. Ташкилотлар суд ижрочисининг талабига мувофиқ

қарздорнинг ўзларида ишлаш-ишламаслиги, унинг ойлик иш ҳақи, шу жумладан, унга доимий ва бир йўла бериладиган ҳақлар тўғрисида маълумот беришга мажбурдирлар.

Иш ҳақи фуқароларнинг яшаш маблағи бўлгани учун иш ҳақидан фақат қонунда белгиланган маълум чегаралардагина ҳақ ундирилади. қоида бўйича ижро ҳужжатларига кўра иш ҳақини 50 фоиздан ошиқ бўлмаган миқдорда пул ушланиши мумкин. қайси ҳолларда бўлмасин, чунончи, оила аъзоларининг моддий таъминоти учун; давлат мулкани талон-тарож қилиш натижасида келтирилган зарарни ундириш учун; ишланмаган аванс ва иш жойига бориш учун тўланган, аммо фойдаланилмаган йўл харажатларини қоплаш учун тўланган пуллар ва бошқа қарзлар учун маблағ ундирганда ишчи-хизматчиларнинг ўзлари учун, ҳар ҳолда 50 фоизи сақланиши лозим.

Меҳнат қилиш йўли билан ахлоқ тузатиш қолонияларида жазони ўтаётган қарздорлардан тегишли алиментлар уларнинг иш ҳақларини тўла суммасидан ундирилади ва суд ҳукми бўйича ушланилаётган сумма эътиборга олинмайди. Бундай ҳолларда қарздорнинг иш ҳақидан тўлиқ миқдорда ушланиши мумкин.

қарздор ишлаб турган жойдаги бухгалтерия суд ижрочисининг тегишли буйруги бўлмасдан туриб, ундиришни тўхтатишга, ўзгартиришга ёхуд бекор қилишга ҳақли эмас. Бухгалтерия ундирилган суммани ундирувчи ташкилотнинг счётига ўтказиши ёки ундирувчи ёки ундирувчи фуқаронинг қўлига бериши ёхуд унга почта орқали юборилиши лозим. Почта харажатлари ундирувчи ҳисобига бўлади.

Агар қарздор хизматдан бўшатишган бўлса, корхона ижро ҳужжатини бу ҳақда белги қуйиб ва қарздорнинг янги иш жойини кўрсатиб суд ижрочисига қайтаради. Шунингдек, қарз суммаси тўла ундирилгандан сўнг ижро ҳужжатлари ҳам суд ижрочисига қайтарилиши лозим.

Ижро ҳужжатлари ва харажатлари бўйича корхона, ташкилот ва муассаса маъмуриятлари устидан шикоят суд ижрочисига берилади. Суд ижрочиси шикоятни уч кун ичида кўриб, ундиришни тўғри амалга ошириш тадбирларини кўради. Бу «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуннинг 83-87-моддаларида берилган.

8-§. Ундирилган суммани ундирувчилар ўртасида тақсимлаш

Суд ижрочисида бир қарздорга нисбатан бир неча кредиторларнинг талаблари тўпланиб қолиб, уларни қаноатлантириш учун ундирилган пул суммаси етарли бўлмаса, ундирилган суммани ундирувчилар ўртасида тақсим қилиш масаласи пайдо бўлади.

Ундирувчиларнинг талаблари қонун билан белгиланган навбатда қаноатлантирилади. қонуннинг 77-80-моддаларида ҳақ ундириш тўғрисидаги талаблар қуйидагича навбатга бўлинади:

Бринчи навбатда қаноатлантирилиши лозим бўлган талаблар:

- алимент ундиришга бўлган талаб;

- ота-оналари қидирувда бўлган даврда вояга етмаган фарзандлар таъминоти учун давлат томонидан вақтинча тўланган нафақани 10 фоиз қўшимчаси билан ундиришга бўлган талаб;

- жамоат хўжалиги аъзоларининг шу жамоа хўжалигидаги меҳнат фаолиятларига доир бўлган ундирувга бўлган талаб;

- адвокатларнинг ҳуқуқий ёрдам кўрсатганликлари учун тўланадиган ҳақни ундиришга бўлган талаб;

- янгилик ихтиро қилингани ва янгилик яратгани ҳамда янгилик таклиф қилингани учун тўланадиган мукофотларни ундиришга бўлган талаб;

- соғлиққа етказилган зарарни ҳамда боқувчисини йўқотганлик ҳақидаги суммани ундиришга бўлган талаб.

Юқорида кўрсатилган ҳамма талаблар қаноатлантирилгандан сўнг ижтимоий суғурта ҳамда фуқароларга маъмурий ва жиноий ишлар натижасида етказилган зарарларни ундиришга бўлган талаблар қаноатлантирилади.

Иккинчи навбатда қаноатлантирилиши лозим бўлган талаблар:

- давлат фойдасига ундириладиган солиқлар бўйича талаб;

- давлат мажбурий ижтимоий суғурта бўлимларининг талабалари;

- жиноий ва маъмурий ишлар натижасида давлат корхоналари, муассасалари, ташкилотларига етказилган зарарни ундиришга бўлган талаб.

Учинчи навбатда гаровга олинган мулкнинг нархини гаров билан таъминлашга бўлган талабалар қаноатлантирилади.

Тўртинчи навбатда гаров билан таъминланмаган давлат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва уларнинг бирлашмалари ҳамда бошқа жамоат ташкилотларига бўлган талаб қаноатлантирилади.

Бешинчи навбатда қолган ҳамма талаблар қаноатлантирилади.

Биринчи навбатга кирадиган талаблар ундириш суммасига қараб пропорционал миқдорда қаноатлантирилади. Ундирилган суммани ундирувчилар ўртасида тақсим қилиш ҳисобини суд ижрочиси тузади.

Ундирувчилар бир неча бўлиб қарздордан ундирилган сумма ҳамма талабларни тўлиқ қаноатлантириш учун етарли бўлмаса, суд ижрочиси пулни белгиланган навбатга ва нисбатан мувофиқ ундирувчилар ўртасида тақсимлаш ҳисоб-китобини тузади ва уни судьянинг тасдиғига топширади. Суд ижрочисининг ҳисоб-китобини тасдиқлаш ёки ўзгартириш ҳақида судья чиқарган ажрим устидан хусусий шикоят бериш ёки хусусий протест келтириш мумкин.

Қоида бўйича суд ижрочисининг ўзи бевосита қарздордан пул олиши мумкин эмас.

Ташкилотлардан фуқаролар фойдасига ундириладиган суммалар суднинг депозит ҳисобига қўйилади ва ундирувчиларга шу ҳисобдан олиб берилади ёки почта орқали жўнатилади.

9-§. Нафақа ундириш

Мустақил Республикамизда болалар ва оналар ҳақида, оилани мустаҳкамлаш, вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз шахслар тўғрисида гамхурлик қилиш давлатнинг асосий вазифаларидан биридир.

Нафақа - вояга етмаган болалар, меҳнатга лаёқатсиз ота-оналар ва бошқа шахсларнинг ҳаёт кечиришлари учун зарурдир. Нафақа ундириш ҳақидаги суд қарорларини ўз вақтида ва тўғри ижро қилишнинг қанчалик аҳамиятли бўлиши уз-узидан тушунарли. Афсуски, нафақа ундириш ишлари бўйича суд қарорларини ижро қилишда баъзи бир хатоликларга ва сарсонгарчиликка йўл қўйиш ҳоллари учраб туради. Нафақа ундириш ишлари бўйича ижро варақаси қарор чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмасдан ёзилиши ҳамда ундиришни амалга ошириш учун қарздор турган жойдаги судга юборилиши лозим. Ижро варақаси тегишли ташкилотга юборилганлиги тўғрисида ундирувчига маълум қилинади. Ундирувчининг талабига биноан ижро варақаси унинг ўзига ҳам берилиши мумкин.

Суд ижрочилари нафақа ундириш ҳақидаги ижро варақалари бўйича ундирилган суммаларнинг ундирувчиларга ўз вақтида берилиши ёки юборилиши устидан назоратни кучайтиришлари ва алиментларнинг тўланишини кечиришда айбдор бўлган шахсларни жавобгар қилиш масаласини судья олдига қўйишлари лозим.

Ўтган вақтнинг қарзи бухгалтерия томонидан фақат суд ижрочисининг буйругига асосан ушланади. Бухгалтерия нафақа ундиришни судларнинг кургазмаси бўлмасдан туриб ёки ундирувчининг ёзма аризасидан ташқари ўзгартиришга, тўхтатишга ёки бекор қилишга ҳақли эмас.

Қарздор ишдан бўшатиш вақтида бухгалтерия унинг билан ҳисоблашган кун иш ҳақидан тегишли сумма ушлангани ҳақида ижро варақасига белги қўйиб, шу куннинг эртасидан кечиктирмасдан ижро варақасини ташкилот турган жойдаги судга юбориши ва бу ҳақда судга маълум қилиши лозим. Бухгалтерия судга қарздорнинг ишдан бўшатиш сабабини, охириги турган жойини, агар қарздор бошқа ишга ўтказилган ёки сафарга юборилган бўлса, янги иш жойини аниқ маълум қилиши лозим.

Ижро варақаси бухгалтерия томонидан қарздорнинг қўлига берилиши мумкин эмас, чунки у уни йўқ қилиши мумкин ва оқибатда ундирувчи ижро варақасининг дубликатини илтимос қилишга мажбур бўлади.

10-§. Бекор қилинган суд ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорларининг ижросини қайтариш

Фуқаролик процессуал қонунларида ижро этилган ҳал қилув қарорлари бекор қилинса ва иш янгитдан кўрилганидан сўнг даъвони тўла ёки қисман рад қилиш тўғрисида ёки даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқарилса, бекор қилинган ҳал қилув қарори бўйича даъвогарнинг фойдасига жавобгардан ундирилган нарсаларнинг ҳаммаси яна жавобгарга қайтариб

берилиши лозим бўлади. қонун бундай ҳаракатларни суднинг ҳал қилув қарор, ажрим ва қарорларини қайтарма ижроси дейилади.

Ҳал қилув қарорининг қайтарма ижроси тўғрисидаги масалаларнинг биринчи инстанция, кассация ва назорат инстанцияси судлари томонидан ҳал қилинишига, шунингдек, алоҳида туркумдаги ишлар бўйича ижронинг хусусиятларига оид қоидалар ФПКнинг 382-385-моддаларида берилган.

ЎТТИЗ УЧИНЧИ БОБ

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ, ФУҚАРОЛОГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРНИНГ ИШТИРОКИ

1-§. Чет эл фуқароларининг ва ташкилотларининг фуқаролик процессуал ҳуқуқлари

ФПКнинг 386-391-моддаларида белгиланганидек, чет эл фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида яшовчи, аммо фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси судларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар ва республика фуқаролари билан бир қаторда фуқаролик процессуал ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Чет эл корхоналари ва ташкилотлари ҳам Ўзбекистон Республикаси судларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар ва ўзларининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун фуқаролик процессуал ҳуқуқларидан фойдаланадилар.

Чет давлатларда Ўзбекистон фуқароларининг процессуал ҳуқуқларини чеклашга йўл қўйилиши мумкинлигини эътиборга олиб, фуқаролик суд ишларини юритиш фуқароларнинг, корхона ёки ташкилотларнинг фуқаролик процессуал ҳуқуқларини махсус чеклаган давлатларга жавобан қонун уларнинг фуқароларига, корхона ва ташкилотларига нисбатан ҳам шундай чеклашларни белгилаши мумкин. Бу қонунга мувофиқ чет эл давлатларига даъво қўзғатишга, даъвони таъминлашга ва чет давлатнинг Республикадаги мулкидан ҳақ ундиришга фақат тегишли давлатнинг ваколатли органлари руҳсати билангина йўл қўйилиши мумкин.

Чет давлатларининг Республикадаги дипломатик вакилларини ҳамда тегишли қонунлар ва битимларда кўрсатилган бошқа шахсларни фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси судига чақиришга фақат халқаро ҳуқуқ нормаларида ёки тегишли давлатлар билан бирга бўлган битимларда белгиланган доиралардагина йўл қўйилади. Дипломатлар суд ишлари бўйича гувоҳлик беришга мажбур эмаслар.

Хорижий давлатларининг ва уларнинг вакилларининг юқорида кўрсатилган ҳуқуқлари ва имтиёзлари Республикада бакамтилик шартлари билангина, яъни ҳудди шундай ҳуқуқ ва имтиёзлар ўша давлатларда Ўзбекистон давлатига ва унинг вакилларига берилганидагина таъминланади. Акс ҳолда Республика Вазирлар Маҳкамаси ёки бошқа ваколатли орган

томонидан ўша давлатга, унинг мулкига ёки ўша давлат вакилига нисбатан шундай жавоб чоралари кўриши мумкин.

Чет эл судларининг судга доир топшириқларини ижро этиш ва Ўзбекистон Республикаси судларининг чет эл судларига топшириқ билан мурожаат қилиш тартиби ФПКнинг 390-моддасида белгиланган. Бу қонунда кўрсатилишича, Ўзбекистон Республикаси судлари чет эл судларининг айрим процессуал ҳаракатларни (чақирик хатлари ва бошқа ҳужжатларни топшириш, тарафлар ва гувоҳларни сўроқ қилиш, экспертиза ўтказиш, жойига бориб кўриш ва бошқаларни) бажариш тўғрисида белгиланган тартибда берган топшириқларини ижро қиладилар. Бундай топшириқларни ижро этиш Ўзбекистон Республикасининг суверенитетига зид келадиган ёки Ўзбекистон Республикасининг хавфсизлигига таҳдид соладиган; топшириқни ижро этиш суднинг ҳуқуқ доирасига кирмайдиган ҳолатлар мустаснодир яъни ижро этилмайди.

Чет эл судларининг айрим процессуал ҳаракатларни ижро этиш тўғрисидаги топшириқлари Ўзбекистон қонунлари асосида бажарилади.

Ўзбекистон Республикаси судлари чет эл судларига айрим процессуал ҳаракатларни ижро этиш тўғрисида топшириқ билан мурожаат қилишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг судлари чет эл судлари билан муносабатда бўлиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро битимлари билан белгиланади.

2-§. Ҳуқуқий ёрдамлар

Ҳар бир давлатнинг юстиция органлари ўз фаолиятларини ўз мамлакатлари доирасидагина тўла ҳажмда амалга оширишлари мумкин. Чет мамлакатларда процессуал ҳаракатларнинг қайси мамлакат ҳудудида амалга оширилиши лозим бўлса, фақат шу мамлакат давлатининг розилиги билангина ва унинг ҳуқуқий ташкилотлари ёрдами билангина амалга оширишлари мумкин.

Чет давлат фуқаролари ва юридик шахслари бошқа давлатнинг суд органларида ҳаракат қилишларида шартнома ёки битимлар асосида ҳуқуқий ёрдам оладилар.

Ҳуқуқий ёрдам деганда шахсий ва мулкӣ ҳуқуқ, оила ва ворислик ҳуқуқи нормалари, чет давлат фуқаролари ёки корхоналари ва ташкилотлари иштирок этаётган ишларнинг бирон-бир ташкилотга ёки судга тааллуқли бўлишлиги, мулкӣ низолар ҳамда номулкӣ характердаги ишлар бўйича ҳуқуқларнинг тан олиниши ва суд қарорларининг ижро этилишини тартибга соладиган нормалар тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси билан бошқа чет давлатлар ўртасида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тизими ўз ичига: биринчидан, фуқаролик, оилавий ишлар ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида ҳамдўстлик мамлакатлари билан тузилган шартномаларни; иккинчидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси билан ўзаро битимлар тузмаган

давлатларнинг судлари томонидан фуқаролик ишлари бўйича бериладиган топшириқларни; учинчидан, фуқаролик ишлари бўйича суд топшириқларини бажариш тўғрисида хорижий давлатлар билан тузилган шартномаларни олади.

Фуқаролик, оилавий ишлар ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар барча ҳамдўстлик давлатлар билан тузиш учун тадбирлар белгиланмоқда. Ҳамдўстлик давлатлар ўртасида тузилган ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар мамлакатлар, фуқаролар ҳамда юридик шахслар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи юридик манба сифатида муҳим аҳамиятга эгадир. Бу шартномалар ҳамдўстлик давлатлари ўртасида одил судловни амалга ошириш, ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқ нормаларини унификация (бир хил) қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар тўла тенг ҳуқуқлилик, ҳудудий дахлсизлик, давлатнинг суверенитети ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик ва манфаатларининг ўзаро ҳисобга олиниши принциплари асосида тузилган бўлиши лозим.

Ҳамдўстлик давлатлари билан ҳуқуқий ҳамкорлик муносабатларни ривожлантиришда бу шартномалар ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлашга, одил судловни тўғри амалга оширишда катта роль уйнайди.

Фуқаролик, оила ва меҳнат масалаларидан келиб чиққан низолар бўйича ишларни ҳал қилишда, агар ўзаро келишилган давлатларнинг фуқаролари ёки корхона ва ташкилотлари қатнашсалар, шунингдек, юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш тўғрисидаги ишларни ҳал қилишда (агар бу фактларни белгилашнинг бошқача тартиби қонунда назарда тутилмаган бўлса), чет эл фуқароларини бедарак йўқолган деб топиш ва уни ўлган деб эълон этиш, фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилишда чет мамлакат судларининг қарорларини ижро этиш бўйича суд топшириқларини бажаришда тегишли ҳамдўстлик давлатларининг қонунлари тадбиқ этилади.

Хорижий давлатнинг судлари томонидан берилган топшириқни бажарувчи Ўзбекистон Республикаси суди, агар бундай топшириқ Ўзбекистон Республикаси қонунларига хилоф бўлмасагина, мазкур давлатнинг процессуал ҳуқуқ нормаларини тадбиқ этиши мумкин. Фуқаролик ишлари бўйича чет давлат фуқаролари ёки хорижий корхоналар ва ташкилотлар фуқаролик ишларида қатнашганларида иш юритишнинг асосий масаласини-хорижий давлатнинг моддий ҳуқуқий нормаси тўғрисида масала бўлади. Хорижий давлатларнинг фуқаролари ва ташкилотлари иштирок этган фуқаролик ишларини ҳал қилиш учун чет мамлакатларнинг моддий ҳуқуқ нормаларининг тадбиқ этилиши асослари ва шартларини, уларнинг мазмунини аниқлаш тартибини процессуал нормаларнинг тадбиқ этилишини, бу нормаларнинг нотўғри тадбиқ этилишининг процессуал оқибатларини билиш зарур.

Чет эл фуқаролари ва ташкилотлари иштирок этган фуқаролик ишларини ҳал қилишда суд қонунга мувофиқ чет эл ҳуқуқ нормаларини ҳам тадбиқ этади. Агар Ўзбекистон Республикаси иштирок қилган халқаро шартномада ёки халқаро битимда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунларида

назарда тутилган қоидаларга қараганда бошқача қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳам ҳудди юқоридаги қоида-ҳалқаро шартнома қоидалари тадбиқ этилади.

3-§. Чет эл судлари ва арбитражларининг ҳал қилув қарорини ижро этиш

Ўзбекистон Республикасида чет эл судлари ва арбитражларининг қарорларини ижро этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлар билан тузган тегишли битимлари билан белгиланади. Чет эл суди ёки арбитражининг ҳал қилув қарори шу ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб уч йил ичида мажбурий ижрога топширилиши мумкин. Ижро этиладиган қарорлар процессуал қонунга мувофиқ чиқарилган бўлиши керак (ФПКнинг 391-моддаси).

Суд қарорларининг мажбурий равишда ижро этилишини сўраб берилган илтимосномада:

- 1) ҳақ ундирувчининг номи, агар илтимоснома вакил томонидан берилса – бу вакилнинг номи, доимий ёки вақтинча турар жойи;
- 2) қарздорнинг номи ва унинг доимий ёки вақтинча турар жойи;
- 3) қарорнинг мажбурий равишда ижро этишга руҳсат берилиши тўғрисида ҳақ ундирувчининг илтимоси кўрсатилади.

Илтимосномага:

- 1) суд қарорининг тўла матни;
- 2) агар қарор мазмунидан маълум бўлмаса, қарорнинг қонуний кучга кирганлиги тўғрисидаги расмий ҳужжат;
- 3) процессда иштирок этган жавобгарга судга чақириш тўғрисидаги хатнинг топширилганлиги тўғрисидаги ҳужжат;
- 4), юқорида кўрсатилган ҳужжатларнинг тасдиқланган таржималари, шунингдек, илтимосноманинг тасдиқланган таржимаси илова қилинади.

ЎТТИЗ ТЎРТИНЧИ БОБ

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК НИЗОЛАРИНИ ҲАҚАМЛИК СУДЛАРИДА КЎРИЛИШИ

1-§. Ҳақамлик суди тушунчаси ва турлари

Ҳақам термини арабча «ҳақамму» сўзидан олинган бўлиб, ҳолис, учинчи бир шахснинг судья бўлишини англатади. Ҳақамлик суди рус тилида «третейский суд» деб аталиб, учинчи шахслар (третьи лица) суди деган маънода тушунилади. Ҳақамлик суди деб фуқаролар билан фуқаролар ва ташкилотлар билан ташкилотлар ўртасида келиб чиққан баъзи фуқаролик ҳуқуқий характердаги низоларнинг учинчи шахс ёки шахслар (ҳолислар) томонидан кўрилишига айтилади.

Манфаатдор тарафларнинг фуқаролик ҳуқуқлари фақат давлат суди томонидангина эмас, балки ҳақамлик суди йўли билан ҳам ҳимоя қилиниши

мумкин. Ҳакамлик суди низолашувчиларнинг алоҳида келишуви билан бир ёки тоқ сондан иборат бир неча шахслар таркибида фуқаролик ҳуқуқий характеридаги низони ҳал этиш учун ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикасида ҳакамлик судлари доимий фаолият кўрсатувчи ва муваққат ҳакамлик судларига бўлинади. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди юридик шахс томонидан ташкил этилиши мумкин ва унинг ҳузурида фаолият кўрсатади. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди юридик шахс доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилганида, доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг қоидаларини ва ҳакамлик судьялари рўйхатини тасдиқлаганида ташкил этилган деб ҳисобланади. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судини ташкил этган юридик шахс унинг ташкил этилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар нусхаларини ҳакамлик суди жойлашган ердаги адлия органига юборади. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ўз номи ёзилган бланка ва юмалоқ муҳрга, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳисоб-китоб варақлари, валюта ҳисобварақларига ҳамда бошқа банк ҳисобварақларига эга бўлиши мумкин (“Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддаси).

Муваққат ҳакамлик суди ҳакамлик битими тарафлари ўртасида келиб чиққан муайян низони ҳал этиш учун улар томонидан ташкил этилиб, низо кўриб чиқилганидан кейин муваққат ҳакамлик суди ўз фаолиятини тугатади. Ҳакамлик судида раислик қилувчи (низо ҳайъатда кўриб чиқиладиганда) ёхуд ҳакамлик судьяси (низо якка тартибда кўриб чиқиладиганда) ҳакамлик битими нусхасини ва муваққат ҳакамлик суди ташкил этилганлиги тўғрисидаги хабарномани мазкур суд жойлашган ердаги адлия органига ҳакамлик муҳокамаси бошлангунига қадар юборади. (“Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддаси).

Ҳакамлик судлари юридик шахс бўлмайди. Ҳакамлик судлари ҳам ўз фаолиятини қонунийлик, мустақиллик, ҳакамлик муҳокамаси маълумотларининг ошкор қилинмаслиги, ҳакамлик судьяларининг холислиги, диспозитивлик, ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги тамойилларига асосан амалга оширадилар.

2-§. Ҳакамлик суди томонидан низоларнинг ҳал этилиши

Амалдаги ФКда фуқаролик ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш тартиби фуқаролик процессуал қонунлар ёки шартномада белгиланганидек, ишлар қайси судга тааллуқли бўлишига қараб, суд, хўжалик суди ёки ҳакамлик суди томонидан ҳимоя қилиниши белгиланган.

Ҳакамлик суди томонидан низолар Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 16 октябрда қабул қилинган ва 2007 йил 1 январдан кучга кирган “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги қонунга мувофиқ ҳал қилинади. Ушбу қонуннинг 9-моддасида кўрсатилишича, ҳакамлик судлари фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи хўжалик низоларини ҳал этади.

Ҳакамлик судлари маъмурий, оила ва меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа низоларни ҳал этмайди.

Низони ҳакамлик судининг ҳал қилувига топшириш тўғрисидаги ҳакамлик битими ёзма шаклда тузилган бўлиши ва унда: ҳакамлик битими тарафлари ўртасида келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган барча ёхуд айрим низолар ҳакамлик судида кўриб чиқиши кераклиги ҳақидаги қоида, шунингдек, агар низо доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ҳал қилувига топшириладиган бўлса, мазкур ҳакамлик судининг номи, ҳакамлик судьяларининг сони, ҳакамлик муҳокамаси ўтказиладиган жой ва тил, ҳакамлик муҳокамасининг қўлланиладиган қоидалари, низони кўриб чиқиш муддати ҳақидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги қонуннинг 14-моддасига кўра, йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, низонинг холис ҳал қилинишини таъминлашга қодир бўлган, низонинг пировард натижасидан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлмаган, ҳакамлик битими тарафларидан мустақил бўлган ва ҳакамлик судьяси мажбуриятларини бажаришга розилик берган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳакамлик судьяси этиб сайланиши (тайинланиши) мумкин.

Низони якка тартибда ҳал қилувчи ҳакамлик судьяси олий юридик маълумотга эга бўлиши керак. Низо ҳайъатда ҳал қилинаётганда ҳакамлик суди таркибининг раиси олий юридик маълумотга эга бўлиши керак.

Аммо айрим шахслар, чунончи, муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилганлиги тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлган шахс; содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс; ўз касбий фаолиятига мос келмайдиган қилмишлар содир этганлиги учун судья, адвокат, нотариус, терговчи, прокурор ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқа ходими сифатидаги ваколати қонунда белгиланган тартибда тугатилган шахс; қонунда белгиланган мансаб мақомига мувофиқ ҳакамлик судьяси этиб сайланиши (тайинланиши) мумкин бўлмаган шахслар ҳакамлик судьяси бўла олмаслиги юқоридаги қонунда белгиланган.

Ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ҳакамлик судьясини мазкур қонуннинг 14-моддасида назарда тутилган талабларга риоя этилмаган ҳолларда, рад қилиш ҳақида арз қилишлари мумкин. Шунингдек, ҳакамлик судьяси ўзининг рад қилиниши учун асос бўлувчи ҳолатлар мавжуд бўлса, бу ҳақда дарҳол ҳакамлик муҳокамаси тарафларига маълум қилиши ва ўзини ўзи рад қилиш ҳақида ариза бериши керак.

Фуқаролик ишлари юзасидан белгиланган суд ҳаражатлар каби, ҳакамлик судлари томонидан низоларни кўриш билан қилиш билан боғлиқ ҳаражатлар кўрсатиб ўтилган. Низони ҳакамлик судида ҳал қилиш билан боғлиқ ҳаражатларга: ҳакамлик судьяларининг гонорари; ҳакамлик муҳокамасини ташкилий, моддий жиҳатдан ва бошқача тарзда таъминлаш ҳаражатлари; ҳакамлик судьяларининг ҳакамлик муҳокамасида иштирок этиши билан боғлиқ ҳаражатлари, шу жумладан низони кўриб чиқиш жойига бориб келиш учун

тўланадиган йўл ҳақи харажатлари; ҳакамлик судьяларининг ёзма ва ашёвий далилларни мазкур далиллар турган жойда кўздан кечириш ҳамда текшириш билан боғлиқ харажатлари; экспертлар ва таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар; гувоҳлар томонидан сарфланган харажатлар; ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори тарафлардан қайси бирининг фойдасига чиқарилган бўлса, ўша тараф вакилининг хизматлари ҳақини тўлаш харажатлари; ҳакамлик суди томонидан белгиланадиган бошқа харажатлар киради (“Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги қонуннинг 20-моддаси).

Агар ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган харажатларни қилиши ҳакамлик муҳокамаси қоидаларида белгиланмаган бўлса, бундай харажатлар ҳакамлик суди харажатлари таркибига киритилади.

Судьялардан бири вафот этган, бошқа ёққа кетиб қолган ёки касал бўлиб қолган тақдирда, низони ҳал қилишни судьяларнинг мавжуд таркибига топшириш ёки чиқиб кетган судьяни сайлаган тарафнинг тайинлаши бўйича янги судья сайлаш тарафларнинг келишувига боғлиқ. Бу тўғрида ҳакамлик ёзувининг ўзида қайд қилинади ва уни қолган ҳамма судьялар ва тарафлар имзолайди.

Ҳакамлик суди ФПКда баён қилинган суд ишларини юритиш қоидалари билан боғлиқ эмас. Аммо томонлардан бири ёки ҳар иккиси судга келишдан бош тортган бўлса, ҳакамлик суди тарафларнинг тушунтиришларини эшитмай ишни ҳал қила олмайди.

Ҳакамлик суди қуйидаги ҳолларда бўлмаган деб ҳисобланади: ишни ҳал қилиш муддати ўтганда; судьялардан бирортасининг ишни кўришда иштирок этишдан воз кечиши ёки четлатилгани ҳолда, агар ишни кўришда тарафларнинг бирортасига нисбатан жиноий таъқиб кўзғатишга асос берадиган ҳолатлар очилиб қолса ва бу ҳол ишнинг оқибатига таъсир қиладиган бўлса ва ниҳоят тарафлардан бири вафот этган тақдирда.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Ёзма шаклда тузилган бу ҳал қилув қарорида унинг қабул қилинган санаси; ҳакамлик муҳокамаси ўтказилган жойи; ҳакамлик судининг таркиби; ҳакамлик муҳокамасининг тарафлари бўлган юридик шахсларнинг номи ва жойлашган ери (почта манзили), жисмоний шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, ҳакамлик муҳокамаси тарафлари вакилларининг ваколатлари кўрсатилган ҳолда фамилияси, исми, отасининг исми; ҳакамлик суди ваколатларининг асослари; даъвогарнинг талаблари ва жавобгарнинг эътирозлари, шунингдек уларнинг илтимосномалари; ҳакамлик суди томонидан аниқланган низо ҳолатлари, ҳакамлик судининг ушбу ҳолатлар тўғрисидаги хулосаларига асос бўлган далиллар, ҳал қилув қарорини қабул қилишда ҳакамлик суди амал қилган нормалар кўрсатилади.

Ҳал қилув қарорини ҳамма судьялар имзолайди. Ҳакамлик судьясининг алоҳида фикри ҳал қилув қарорига илова қилинади. Судьяларнинг кўпчилиги томонидан имзоланган ҳал қилув қарори қонуний кучга эгадир. Бу қарор тарафларга суд мажлисида эшиттирилади ва улар ҳал қилув қарорига имзо қўядилар. Агар тарафлардан бири имзо қўйишдан бош тортса ёки суд

мажлисига узрсиз сабаб билан келмаса, ҳал қилув қарори унга эшиттирилган ҳисобланиб, бу тўғрида раис ҳал қилув қарорига ёзиб кўяди.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ихтиёрий равишда ижро этилмаса, тегишли суднинг берадиган ижро варақасига асосан Ўзбекистон Республикасининг "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, мажбурий тартибда ижро қилиниши мумкин. Судья ижро варақасини беришда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қонунга мувофиқлигини текширади. Судья ижро варақасини беришни рад қилганида бу тўғрида хусусий шикоят бериш ёки хусусий протест келтириш мумкин. Судьянинг ижро варақаси беришни рад этиш тўғрисидаги ажрими қонуний кучга киргандан сўнг, низо манфаатдор тарафнинг аризаси бўйича судда фуқаролик ишини юритиш тартибда ҳал қилиниши мумкин.

Ҳакамлик судининг иш юритишга оид ҳамма материаллари ишни кўриш тамомлангандан сўнг, муваққат ҳакамлик суди томонидан кўрилган иш ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин бир ой муддат ичида ваколатли судга сақлаш сақлаш юборилади. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судида кўрилган ишлар мазкур ҳакамлик судида уч йил сақланади.

ЎТТИЗ БЕШИНЧИ БОБ

ЎЗБЕКИСТОНДА ХЎЖАЛИК СУДИ (ХЎЛИК НИЗОЛАРИНИ КЎРИШ ТАРТИБИ)

1-§. Хўжалик судлари фаолияти тушунчаси ва уларнинг вазифалари

Ўзбекистонда бозор муносабатлари шароитида иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш асосий масалалардан бири ҳисобланмоқда. Шунинг учун ҳам хўжалик низоларини ўз вақтида кўриб ҳал этишга эътибор кучаймоқда. Шу сабабли ҳам собиқ хўжалик низоларини кўриб ҳал этадиган арбитраж органи замирида хўжалик судлари ташкил этилди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида Хўжалик судлари ҳақида махсус ҳуқуқий меъёр берилган бўлиб, мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини, шунингдек банкротлик тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш Олий Хўжалик суди ва қуйи Хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади. Бунда хўжалик судларининг низоларни ҳал этишда уларга хос хусусиятлари мавжудлигини кўрамыз. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланганидек, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини судда ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар ва жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатланади.¹

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент., «Ўзбекистон», 2003 17-бет.

Хўжалик судига манфаатдор шахс ўзининг бузилган ва низолашилаётган ҳуқуқи ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларининг ҳимоя қилиниши, қонунда белгиланган тартибда мурожаат қилиш ҳуқуқи берилган.

Хўжалик суди иқтисодий соҳада ва уни бошқариш жараёнида келиб чиқадиган низолар ҳамда қонунлар билан унинг ваколатига киритилган бошқа ишларни ҳал қилиш йўли билан одил судловни амалга оширади.

Хўжалик судида суд ишларини юритиш вазифалари қуйидагилардан иборат:

1) иқтисодий соҳада ва уни бошқариш жараёнида корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ва низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш;

2) иқтисодий соҳада ва уни бошқариш жараёнида қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашиш;

Хўжалик судларида иш юритишнинг субъектлари бўлиб, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, шу жумладан жамоа хўжаликлари, турли мулкчилик шаклларига асосланган хусусий ва қўшма корхоналар халқаро бирлашмалари, давлат ҳамда бошқа идоралар, иқтисодий масалалар бўйича шуғулланувчи тадбиркорлар ва юридик шахслар бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 111-моддасида ва «Судлар тўғрисида»ги қонунда, хўжалик судларининг ташкил этилиши ва уларнинг фаолияти тартиби, тизими Хўжалик процессуал кодекси¹ ва шулар асосида қабул қилинган қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Мазкур қонун ҳужжатлари низоларни кўришда иштирок этадиган барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва бошқа субъектлар учун асосий қўлланма бўлиб хизмат қилади.

2-§. Хўжалик судларининг ташкил этилиши ва тузилиши

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, Хўжалик судлари ҳам умумий судлар сингари беш йил муддатга сайланадиган Олий Хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди ва шу муддатга тайинланадиган вилоят судлари, Тошкент шаҳар Хўжалик судларидан иборат тартибда фаолият кўрсатадиган хўжалик судлари мавжуд (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107-моддаси).

Олий Хўжалик судининг судьялари Президентнинг тавсиясига кўра, Олий Мажлис депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судлари эса Қорақалпоғистон Республикаси Жужорги Кенгеси томонидан сайланадилар.

Вилоят, Тошкент шаҳар Хўжалик судларининг судьялари Олий Хўжалик суди раиси тавсиясига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан юқорида кўрсатилганидек беш йил муддатга тайинланадилар.

Хўжалик судларининг қуйи судлари бўлиб, фақат Тошкент шаҳар ва вилоят судлари ҳисобланиб, туман (шаҳар)ларда хўжалик низоларини кўриб ҳал этадиган судлар фаолият кўрсатмайди.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Хўжалик Процессуал кодекси. Тошкент., «Адолат», 2001 йил.

Судлар тизимида ташкил этилган амалдаги Хўжалик судлари ўзининг мазмуни ва моҳияти билан тубдан фарқ қилади, жумладан:

а) агар арбитраж судларига одил судловни амалга оширишдек муҳим вазифа юклатилмаган бўлса, хўжалик судлари ҳам умумий судлар каби одил судловни амалга оширадиган орган сифатида кўриладиган бўлди;¹

б) агар арбитраж бошқарув органларига бўйсинувчи ва бу органларга хос муайян вазифаларни бажарувчи бўлиб ҳисобланган бўлса, Хўжалик судлари эса, Конституцияга асосан суд ҳокимияти тизимига киритилди;

в) хўжалик судларида апелляция босқичи фаолият кўрсатадиган бўлиши;

г) гувоҳларнинг берган гувоҳликларидан фойдаланиш каби қатор ҳуқуқий меъёрлар арбитраж органларидан фарқ қилишини кўрсатувчи омиллар бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида Олий Хўжалик суди хўжалик судлов соҳасида суд ҳокимиятининг энг юқори органи ҳисобланади. У томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида бажарилиши мажбурий. Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар Хўжалик судининг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

Олий Хўжалик суди Пленумининг раҳбарий кўрсатмаларини Хўжалик судлари томонидан бажарилишини назорат қилади;

қуйи хўжалик судлари фаолиятини текширади, хўжалик судларининг ишларини ташкил этиш борасидаги ижобий тажрибани ўрганади, умумлаштиради ва оммалаштиради.

Олий Хўжалик судининг таркиби «Судлар тўғрисида»ги қонунда ўз ифодасини топган. Олий Хўжалик суди-Раис, унинг ўринбосарлари, судлов ҳайъатлари раислари, Олий Хўжалик суди судьяларидан иборат бўлади.

Олий Хўжалик судида;

Олий Хўжалик судининг Пленуми;

Олий Хўжалик судининг Раёсати;

Низоларни ҳал этиш бўйича судлов ҳайъати;

Хўжалик судлари қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини текшириш бўйича судлов ҳайъати фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик судининг раиси Олий Хўжалик суди фаолиятига ташкилий раҳбарлик қилади ва қуйидаги вазифаларни амалга оширади;

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоятлар, Хўжалик судлари раисларининг хўжалик судлари ишларини ташкил қилиш ҳақидаги маърузаларини эшитади;

хўжалик судлари, Олий хўжалик суди судлов ҳайъатлари ва аппарати ишини ташкил қилишга оид масалаларни кўради;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Хўжалик Процессуал кодекси. Тошкент., «Адолат», 2001 йил, 2-моддаси; Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги 2000 йил 14 декабрь қонуни.

Олий Хўжалик судининг Раёсати Олий Хўжалик суди судьяларидан белгиланган миқдорда тузилади.

Олий Хўжалик суди Раёсати Олий Хўжалик суди судьяларидан Олий Хўжалик суди Пленуми томонидан белгиланган миқдорда тузилади.

Олий Хўжалик суди Раиси ва унинг ўринбосарлари Раёсат таркибига лавозимлари бўйича кирадилар.

Раёсатнинг йиғилиши ойида камида бир марта ўтказилади ва Раёсат аъзоларининг кўпчилиги иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Олий Хўжалик судининг таркибида яна судлов ҳайъатлари фаолият кўрсатиб, улар хўжалик низоларини биринчи инстанцияда суд қарорларининг қонуний ва асослилигини текшириш тартибида амалдаги қонунларга ва ҳуқуқий меъёрларга асосланган ҳолда иш кўрадилар.

3-§. Хўжалик судларига тааллуқли низолар

Хўжалик судлари иқтисодий ислохотларни ўтказиш жараёнида давлат органлари орасида муҳим ўрин эгаллагани сабабли иқтисодий соҳада ва уни бошқариш жараёнида корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш билан бу борада қонунчиликни мустаҳкамлаш ва шартнома муносабатларидаги ҳуқуқбузарликни олдини олишга қаратилганлиги Хўжалик Процессуал кодексининг 3-моддасида ўз ифодасини топганлиги бу судларнинг асосий вазифаси эканлигини билдиради.

Амалдаги қонунларда хўжалик низоларини ҳал қилишга қаратилган хўжалик судларининг ваколатлари бирмунча кенгайтирилиб, жамоа хўжаликлари, тадбиркорлик билан шуғулланувчи фуқароларнинг ҳам иқтисодий муносабатларидан келиб чиқадиган низолари шу судларга тааллуқли қилиб белгиланган (Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди Пленумининг 1994 йил 18 октябрдаги низоларининг хўжалик судловига тааллуқлигига доир айрим масалалар).¹

Хўжалик судларида иш кўриш тааллуқлилиқ қонунга риоя қилган ҳолда амалга оширилади. Хўжалик Процессуал Кодексда манфаатдор тараф хўжалик низоларидан қайси турдаги ишлар юзасидан судга мурожаат этиши мумкинлиги берилган, уларга:

1) юридик шахслар (бундан буён матнда-ташкилотлар) ўртасидаги, юридик шахс тузмаган ҳолда яққа тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тартибда олган фуқаролар ўртасидаги (бундан буён матнда-фуқаролар) фуқаролик, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлар натижасида иқтисодий соҳада ҳамда уни бошқариш жараёнида келиб чиқадиган низоларга доир ишлар;

2) иқтисодий соҳада ҳамда уни бошқариш жараёнида ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари пайдо бўлиши, ўзгариши ёки тугатилиши учун

¹ Қаранг: қонун номи билан. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 1995 йил, 1-2 сонлари, 29-33-бетлар.

аҳамият касб этувчи фактларни аниқлаш (бундан буён матнда-юридик аҳамият касб этувчи фактларни аниқлаш) тўғрисидаги;

3) ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар.

Хўжалик ишларига тааллуқли ишларнинг суд тизими бўғинлари ўртасида тақсимланиши қонунларда ўз ифодасини топган. Тааллуқлилиқ ҳақида умумий судларда кўрсатиб ўтилганидек, хўжалик судларида ҳам тааллуқлилиқ деганимизда низоли ишларни кўриш ва ҳал қилиш юзасидан судлар билан бошқа давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ўртасида ҳуқуқ доирасидаги ваколатлар билан боғлиқ бўлган фарқлар назарда тутилган бўлса, судловликда эса, бир томондан ҳал этиладиган низоли ишларни судга тааллуқлилиги тушунилса, иккинчи томондан ягона хўжалик суд тизими ичида ҳар бир судлар қандай ваколатга эга эканлиги англанади.

Демак, хўжалик низоларини судловлиги деганда суд идораларига тааллуқли бўлган барча ишларнинг умумий судлар ўртасида тақсимланиши тушунилади. Ишнинг судловлигини аниқлаш деганда мазкур ишни қайси хўжалик суд бўғини кўриши ва ҳал этиши мумкин (ваколатли) эканлиги ҳам тушунилади.

Хўжалик судига тааллуқли ишлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар Хўжалик судлари томонидан қараб чиқилади, Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди судловига тааллуқли ишлар бундан мустаснодир.

Олий Хўжалик суди қуйидагиларни кўриб чиқади:

республика бошқарув органлари, вакиллик ва ижроия ҳокимияти маҳаллий органлар ўртасидаги иктисодий битимлардан келиб чиқадиган низолар;

Ўзбекистон Республикаси вакиллик органларининг норматив характерга эга бўлмаган ҳужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар.

Олий Хўжалик суди алоҳида ҳолатларни эътиборга олган ҳолда исталган ишни исталган хўжалик судидан олиб кўйиш ва уни биринчи инстанция тартибида ўзи қараб чиқишга қабул қилиши, ишни бир хўжалик судидан бошқасига ўтказиш ҳуқуқига эгадир.

Суд бўғинлари ўртасида тақсимланган низоли хўжалик ишларини суд даъвогарними, жавобгарними улардан бирини яшаб, ишлаб турган ҳудудида кўриб ҳал этилишини аниқлаши лозим. Бу масалани қандай ҳал этишлиқ қонунда ўз ифодасини топган. Умумий қоида бўйича даъвогар жавобгар жойлашган ердаги хўжалик судига тақдим этилади.

Алоҳида бўлинмаларда фаолият кўрсатувчи юридик шахсга нисбатан даъво алоҳида бўлинма жойлашган ерга тақдим этилади. Фуқаролик процессуал ҳуқуқида судловликни турларга бўлиниши ва шулар асосида низоли ишларни қайси суд бўғинида кўриб ҳал этилишига бирмунча аниқлик киритилган.

Хўжалик процессуал кодексига кўра, судловлик институтини умумий судловлик, даъвогарнинг ихтиёри бўйича судловлик; юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш тўғрисидаги ишларнинг судловлиги; банкротлик тўғрисидаги ишларнинг судловлиги; мустасно судловлик; шартномавий

судловлик каби турларга бўлиниб, булар хўжалик низоларининг хусусиятларига қараб иш тутилганлиги билан фаркланиши кўрсатилган.

Иш юритишда юқорида келтирилган ҳар бир судловлик турлари ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, уларга риоя қилмаслик тарафларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг бузилишига олиб келиши мумкин.

1) Худудий (умумий) судловликка кўра, қонунда назарда тутилган ҳолларда фуқаролар тадбиркорлик билан боғлиқ ишлар бўйича асосан жавобгарнинг яшаш жойидаги хўжалик судига, агар жавобгар юридик шахс бўлса, ишнинг қайси суд томонидан кўрилиши лозимлиги юридик шахснинг органи (идораси) ёки мулки турган жой бўйича ёки алоҳида бўлинма (филиали) жойлашган жойда кўриш белгиланган.

Турли ерларда жойлашган бир нечта жавобгарларга нисбатан-даъволар даъвогарнинг танлаши бўйича жавобгарларнинг бири жойлашган ердаги хўжалик судига тақдим этилади.

Қаердалиги номаълум бўлган жавобгарларга нисбатан даъволар унинг мол-мулки жойлашган ердаги ёки Ўзбекистон Республикасида маълум бўлган охириги турар жойидаги хўжалик судига тақдим этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг ташкилоти ёки фуқароси бўлган ва айна пайтда бошқа давлат худудида турган жавобгарга нисбатан даъволар даъвогар жойлашган ердаги ёки жавобгарнинг мол-мулки жойлашган ердаги хўжалик судига тақдим этилиши мумкин.

Ижро этиш жойи кўрсатилган шартномадан келиб чиқадиган даъволар шартнома ижро этиладиган ерда қўзғатилиши мумкин (ХПКнинг 28-моддаси).

1) Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилашдан мақсад манфаатдор шахсларнинг хўжалик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни қўзғатиш билан, уларнинг мулкӣ ҳуқуқларини қўриқлаши назарда тутилган.

Суд бундай ишларни кўришда юридик аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларни бошқа тартибда олиш мумкин бўлмаганлиги туфайли судга мурожаат этганлигини аниқлаши керак. Ҳуқуқий фактларни белгилаш учун, агар бу факт шахсий ёки мулкӣ ҳуқуқларни вужудга келтирадиган, ўзгартирадиган ёки бекор қиладиган ҳолатлар бўлиши талаб этилади.

Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар аризачи турган жойдаги суднинг судловига тегишлидир.

2) Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик ташкилотлари тадбиркорларнинг бир маромда ишлаши ва юритишни оқилона ташкил қилишга боғлиқ бўлади. Агар бозор қонуниятларига нисбатан ишбилармонлик билан муносабатда бўлмасалар, хонавайрон (банкрот) ликка учраши мумкин. Шунинг учун ҳам Хўжалик процессуал кодексида банкротликка алоҳида эътибор берилиб, судловликка оид қоидаларга кўра, келиб чиқадиган ишлар ташкилот ёки фуқароларнинг, яъни қарздорларнинг турган жойидаги судда кўриб ҳал этилиши назарда тутилган.

3) Мустасно судловлик. Бу судловликнинг асосий моҳияти шундаки, хўжалик низоларини қонун фақат муайян ишларни, муайян судларга тегишли бўлишини белгилайди.

Мустасно судловликка тегишли бўлган низоли ишларнинг саногини кенгайтирилишига йўл қўйилмайди, яъни бундай судловликдан тарафларнинг келишувига ёки даъвогарнинг танлаши бўйича ўзгартирилмайди. Масалан, бино, иншоат, ер-участкаларига нисбатан мулк ҳуқуқи тўғрисидаги, бино, иншоат, ер-участкасини ноқонуний эгалловчилардан тортиб олиш, мулкдорнинг ёки мулкнинг бошқа қонуний эгасининг, эгалик ҳуқуқини тортиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳуқуқлари бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги даъволар бино, иншоат, ер-участкаси жойлашган ердаги судга берилади.

4) Қонунда даъвогар, жавобгар яшаб, ишлаб турган жойдаги ҳамда даъвогарнинг ихтиёри бўйича судловликларни (ХПКнинг 27-28-моддалари) тарафларнинг розилиги билан ўзгартириш мумкинлиги қайд қилинган. Бундай судловлик шартномавий судловлик турига киради. Бу ҳуқуқий меъёрнинг мақсади манфаатдор шахсларга кўпроқ қулайликлар яратиш инобатга олинган.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат кўришга кадам қўйилган бир пайтда тарафларнинг судловликдаги эркинликларини ортиқча чеклашни мақсадга мувофиқ эмаслиги назарда тутилган. Шартномавий судловликка асосан тарафлар ўртасида иш юзасидан низо келиб чиққан тақдирда шартномада ва ундан кейин ҳам низони қайси судда кўриб ҳал этилишини тарафлар келишув асосида ўзаро белгилашлари мумкин.

Агар иш кўриш жараёнида хўжалик суди томонидан шартномавий судловлик туфайли тарафларнинг ҳуқуқи бузилганлигини аниқласа, ишни судловликни умумий қоидалари асосида кўриш тўғрисидаги масалани ҳал этиши мумкин.

Амалдаги хўжалик процессуал кодексда ишларни бир хўжалик судидан бошқасига ўтказиш масаласига ҳам алоҳида ҳуқуқий меъёр билан тартибга солиниши белгиланган.

Хўжалик суди томонидан судловга тегишлилик қоидаларга риоя қилган ҳолда қабул қилиб олинган иш, гарчи кейинчалик бошқа хўжалик судининг судловига тегишли бўлиб қолса-да, аввалги хўжалик суди томонидан моҳиятан кўрилиши лозим.

Бироқ суд баъзи қабул қилинган ишнинг бошқа судда кўрилиши зарур ва мақсадга мувофиқ деган хулосага келиши мумкин. Бундай ҳолларда қонун судьяга ишни кўриш учун бошқа тенг даражадаги судга ўтказиш ҳуқуқини беради.

Хўжалик суди ишни бошқа хўжалик судига қуйидаги ҳолларда ўтказиши:

1) агар иш судловга тегишлилик қоидаси бузиб қабул қилинганлиги ва шу судда ишни кўриш вақтида маълум бўлса;

2) агар бир ёки бир неча судьялар рад қилинганидан кейин уларни ушбу судда алмаштириш мумкин бўлмай қолса, шунингдек ишни ушбу судда кўриш мумкин бўлмай қолган бошқа ҳолларда;

Ишни бошқа хўжалик судида кўришга ўтказиш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Бир суддан бошқа судга юборилган иш у юборилган судда кўриш учун қабул қилиб олиниши керак.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик судлари ўртасида судловга тегишлилик тўғрисидаги низоларга йўл қўйилмайди (ХПКнинг 33-моддаси).

Ишни бошқа судга ўтказиш тўғрисидаги суднинг ажримига шу ажрим устидан шикоят қилиш муддати ўтгандан сўнг берилган бўлса, бундай ҳолларда шикоятни қаноатлантирмай қолдириш ҳақида суд ажрим чиқаргандан сўнг иш бошқа судга ўтказилади.

Иш бир суддан бошқа хўжалик судига юборилганида иш келиб тушган судда кўриб чиқилиши ва бу борада хўжалик судлари ўртасида судловлик тўғрисида низолар келиб чиқмаслиги ҳақида қонун йўл қўймаслигини таъкидлайди.

Агар корхона, ташкилот ва муассасанинг қайтадан тузилиши муносабати билан ишда қатнашувчи тарафлар ўзгартирилса ёки тарафларнинг бирон-бир ташкилотга бўйсунishi ўзгарса ва шу туфайли низо бошқа хўжалик судига тааллуқли бўлиб қолса, иш мазкур хўжалик судига топширилиши лозим.

Низонинг мазкур хўжалик судига тааллуқли бўлмаслиги аниқланганида даъво (аризалари) материаллари даъво аризаси тушган пайтдан эътиборан ёки иш суд мажлисида бекор қилингани замон уч кун ичида тегишли хўжалик судига юборилиши керак. Бу материалларни олган судья уларни умумий асосларда кўриш учун қабул қилади.

Хўжалик судининг судьяси даъво материаллари нотўғри юборилган деб топса, бу материалларнинг низонинг тааллуқлилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли хўжалик судига юборилиши керак.

4-§. Хўжалик судининг биринчи инстанциясида иш юритиш

Манфаатдор шахс ўзининг бузилган ва низолашилаётган ҳуқуқи ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб хўжалик судига мурожаат этиш билан уларни қатор процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун асос бўлади.

Хўжалик процессида иштирок этувчи тарафлар бўлиб, ҳуқуқи бузилган томон-даъвогар, ҳуқуқни бузувчи, унга риоя қилмаган тараф эса жавобгар сифатида қатнашади.

Ўзининг ҳуқуқлари ва қонун томонидан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилиниши юзасидан даъво берган ёки манфаатлари йўлида даъво қўзғатган ташкилотлар ва фуқаролар даъвогар ҳисобланадилар. Даъво талаби бўйича жавоб берувчи ташкилотлар ва фуқаролар жавобгар ҳисобланадилар.

Тарафлар тенг процессуал ҳуқуқлардан фойдаланадилар, қонунда кўрсатилган ҳолларда айрим узрли сабабларга кўра тарафлар ўзларининг ишларини юритишни бошқа шахсларга, вакилларга топширишларига йўл қўйилади.

Хўжалик процессуал кодексида вакил ва унинг процессуал ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисида фикр юритилади. Бу коидаларга кўра вакил деганда, хўжалик судида ташкилотларнинг ишларини уларнинг қонун ҳужжатларида ёки таъсис ҳужжатларида берилган ваколатлар доирасида иш кўрадиган органлар ҳамда уларнинг вакиллари олиб боради.

Фуқаролар ўз ишларини хўжалик судида шахсан ўзлари ёки вакиллари орқали юритишлари мумкин. Фуқаронинг ишда шахсан қатнашиши уни иш бўйича вакилга эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Ҳуқуқи бузилган шахс ташкилотлар, фуқаролар хўжалик судларига ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида мурожаат этиш учун берадиган даъво аризасини ёзма равишда беришлари ва ариза тегишли даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланиши лозим. Даъво аризаларида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) ариза берилаётган хўжалик судининг номи;
- 2) ишда иштирок этаётган шахсларнинг номи ва почта манзиллари;
- 3) агар даъво баҳоланиши лозим бўлса, даъвонинг баҳоси;
- 4) даъво талабларига асослантирилган ҳолатлар;
- 5) даъво талаблари асосларини тасдиқловчи далиллар;
- 6) ундириладиган ёки бахслашилаётган сумманинг ҳисоб-китоби;
- 7) даъвогарнинг қонунларга ва бошқа қонун ҳужжатларига ҳавола қилинган талаблари, даъво бир неча жавобгарга нисбатан қўзғатилганда-улардан ҳар бирига қўйилган талаблар;

8) низони судга қадар эътироз талаби тартибида жавобгар билан бирга ҳал этишга риоя қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар, агар бу шундай туркумдаги низоларни ҳал этиш учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;

9) илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.

Даъво аризасида, агар низони тўғри ҳал қилиш учун зарур бўлса, бошқа маълумотлар ҳам, шунингдек даъвогарда мавжуд илтимосномалар кўрсатилади.

Даъво аризасини беришда даъвогар, даъво аризасининг ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхаларини қонунда талаб қилган тарзда бериши лозим (ХПКнинг 113-114-моддалари).

Хўжалик судида биринчи инстанция тариқасида иш қўзғатилганида даъво аризасини қабул қилиш тўғрисидаги масалани судьянинг яқка ўзи ҳал қилади.

Судья даъво аризасини қабул қилиш тўғрисида у келиб тушган кундан бошлаб беш кундан кечиктирмай ажрим чиқаради. Бу ажримнинг мазмуни ишни мажлисда муҳокама қилишга тайёрлаш тўғрисидаги ажримда баён қилиниши мумкин.

Хўжалик судига берилган низоли ишлар судья томонидан ҳамиша қабул қилинавермайди. Бунинг учун у қонунда кўрсатилган асослар бўлган тақдирда даъво аризани қабул қилишни рад этади. Масалан, агар низо хўжалик судига тааллуқли бўлмаса ва ҳоказо.

Судья даъво аризасини ва унга илова қилинган ҳужжатларни қуйидаги ҳолларда қайтаради:

- 1) агар даъво аризаси қонунда белгиланган шакл ва мазмунга риоя қилинмаган ҳолда берилган бўлса;
- 2) агар даъво аризаси имзоланмаган ёки имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс ёхуд хизмат лавозими кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;
- 3) агар мазкур иш хўжалик суди судловига тегишли бўлмаса;

4) агар ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга даъво аризасининг кўчирма нусхалари юборилганлигини тасдиқловчи далиллар тақдим этилмаган бўлса;

5) агар белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса, давлат божи тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш мумкинлиги қонунда назарда тутилган ҳолларда бу ҳақда илтимос қилинмаган ёхуд илтимос рад этилган бўлса;

6) агар шу туркумдаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда даъвогар жавобгар билан низони судга қадар ҳал этиш тартибига риоя қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса;

7) агар битта даъво аризасида бир ёки бир неча жавобгарга ўзаро боғланмаган бир неча талаб бирлаштирилган бўлса;

8) қонун ҳужжатларига ёки шартномага мувофиқ қарз банк ёки бошқа кредит муассасаси орқали олиниши лозим бўлганида жавобгардан қарзни олиш учун банкка ёки бошқа кредит муассасасига мурожаат қилинганлиги ҳақида далиллар тақдим этилмаган бўлса;

9) агар даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқарилгунга қадар даъво аризасини қайтариб олиш тўғрисида даъвогардан ариза тушган бўлса.

Даъво аризасида даъвогар низони бевосита жавобгар билан ўзаро ҳал этиш учун кўрган чоралари, шу жумладан низони судга қадар ҳал этишга бўлган уринишлар (эътироз талаблари) асослаб кўрсатилган бўлиши керак.

Даъво аризасига низонинг мазмунини акс эттирувчи ҳужжатлар илова қилиниши керак. Масалан, агар шартнома тузиш ҳақида низо келиб чикса, бундай шартнома лойиҳаси ҳамда шартнома тузиш мажбуриятини белгиловчи ҳужжатлар тақдим этилади. Агар низо шартнома шартлари ҳақида бўлса, бунда шартнома лойиҳасининг нусхаси ва келишмовчилик баённомасининг асли тақдим этилади ва ҳоказолар.

5-§. Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш

Низоли хўжалик ишининг хўжалик судида тўғри ва ўз вақтида кўрилиши ва ҳал этилишини таъминлаш мақсадида судья даъво аризаси олинган кундан эътиборан ўн ундан кечиктирмасдан ишни кўришга тайёрлайди. Тайёргарлик ишларини пухта ўтказиш ихни ҳолисона ҳал этишга ёрдам беради. Бунинг учун судья тарафлардан иш бўйича керакли бўлган маълумотлар, ишга оид ҳужжатлар, банк ҳужжатлари, тушунтириш хатлари, ишда иштирок этмаётган корхоналар, ташкилотлардан тегишли ҳужжатларни талаб қилиб олади: иш ҳолатларини аниқлаш учун тарафларнинг вакилларини чақиради, (агар улар суд жойлашган шаҳарда бўлсалар) ва улардан қандай кўшимча ҳужжатлар топширилиши, далиллар келтирилиши мумкинлигини аниқлайди; хўжалик судидаги бир неча ишларни бирлаштириш ёки даъво талабларини ажратиш; ишга жалб қилинмаган тарафларни жалб қилиш ва ишга нотўғри ва асоссиз тортилган жавобгарни ишдан четлатиш, низони ишда тараф бўлиб кўрилган

юримдик шахсининг бевосита корхонасида, ташкилотида ва муассасасида кўриш; суд мажлисида тушунтириш бериш учун тарафларнинг мансабдор шахсларини чакириш масалаларини ҳал қилади; ишнинг тўғри ва ўз вақтида кўрилишини таъминлашга қаратилган бошқа процессуал ҳаракатларни бажаради.

Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш жараёнида судья даъво аризаси келиб тушган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай қуйидаги ҳаракатларни қилади:

1) ишда иштирок этиш учун бошқа жавобгар ёки учинчи шахсни жалб этиш масаласини кўриб чиқади; моддасидаги яна бошқа

2) иш юритиш ҳақида манфаатдор шахсларни хабардор қилади;

3) манфаатдор шахсларга айрим ҳаракатларни бажариш ва лозим бўлган ҳужжатларни топшириши мумкинлигини тушунтиради;

4) далилларнинг тегишлилиги ва йўл қўйилиши мумкинлигини текширади;

5) гувоҳларни чакиртиради;

6) экспертиза тайинлаш масаласини кўриб чиқади;

7) бошқа хўжалик судларига суд топшириқларини юборади;

8) ишда иштирок этаётган шахсларни чакиртиради;

9) томонларни муроасага келтириш чораларини кўради;

10) ишда иштирок этаётган ташкилотлар раҳбарларини тушунтириш бериш учун чакириш масаласини ҳал қилади;

11) даъвони таъминлаш бўйича чоралар кўради.

Судья низони тўғри ва ўз вақтида ҳал қилишга қаратилган бошқа ҳаракатларни ҳам амалга оширади.

Судья ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида ажрим чиқаради, унда ишни тайёрлашга доир ҳаракатлар, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш, уни ўтказиш вақти ва жойи кўрсатилади.

Судья тарафларнинг аризаларига кўра ёки ўз ташаббуси билан иш бўйича қарор чиккунг қадар даъвони қисман ёки тўлиқ таъминлаш тўғрисида чоралар кўриши мумкин.

6-§. Хўжалик судида ишнинг кўрилиши ва ҳал этилиши

Хўжалик судларида ишлар биринчи инстанция тартибида судьянинг якка ўзи томонидан кўриб ҳал этилади. Бироқ мураккаб ишларни кўришда Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят, Тошкент шаҳар суди раисларининг қарори билан ҳар қандай иш ҳайъат тартибида кўрилиши мумкинлиги белгиланган (ХПКнинг 15-моддаси).

Низолар хўжалик судида судья ва тарафларнинг вакиллари таркибида, судья раислигида кўрилади.

Иш хўжалик судининг мажлисида муҳокама қилинади.

Мажлисга раислик қилувчи судья:

1) хўжалик судининг мажлисини очади ва қандай иш кўриб чиқилишини эълон қилади;

2) ишда иштирок этаётган шахсларнинг, хўжалик жараёни бошқа иштирокчиларнинг мажлисга келганлигини, уларнинг ваколатларини, мажлисга

келмаганлар тегишли равишда хабардор қилинганликларини ҳамда уларнинг келмаганликларининг сабаблари тўғрисида қандай маълумотлар борлигини текширади;

3) суд таркибини эълон қилади, эксперт, таржимон сифатида кимлар иштирок этаётганлигини маълум қилади ҳамда иштирок этаётган шахсларга уларнинг рад қилиш ҳуқуқларини тушунтиради. Хўжалик суди ишни кўриб чиқишда иш бўйича далилларни текширади, ишда иштирок этаётган шахсларнинг тушунтиришларини, гувоҳларнинг кўрсатувларини, экспертларнинг хулосаларини эшитади, ёзма далиллар билан танишади, ашёвий далилларни кўздан кечиради.

Ишнинг муҳокамаси ўзгармас суд таркибида амалга оширилади. Муҳокама жараёнида судьялардан бири алмаштирилган тақдирда ишнинг муҳокамаси энг бошидан бошланиши лозим.

Ҳар бир иш бўйича муҳокама дам олиш учун белгиланганидан ташқари вақтда узлуксиз давом этади. Айрим ҳолларда хўжалик суди мажлисида уч кундан ошмаган муддатга танаффус эълон қилишга ҳақли. Хўжалик суди иш бўйича қарор қабул қилмагунча ёки ишни кўриб чиқиш кейинга қолдирилмагунча бошқа ишларни кўриб чиқишга ҳақли эмас.

Хўжалик судида низоли ишларни манфаатдор ташкилотлар, фуқароларнинг аризалари бўйича кўришга киришади. Ишнинг хўжалик суди мажлисида кўрилишида иштирок этувчи тарафлар тенг процессуал ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Ишда қатнашувчи шахслар иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирма олиш, нусха кўчириш, рад этишларини билдириш, далилларни тақдим этиш, далилларни таҳлил этишда қатнашиш, саволлар бериш, илтимосномалар киритиш, арзлар қилиш, хўжалик судига оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, ишни кўриш давомида вужудга келадиган барча масалалар бўйича ўз важларини тақдим қилиш, ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг илтимосномалари, важларга эътироз билдириш, суд актлари устидан шикоят қилиш, хўжалик судининг ҳал қилув қарори, ажрими, қарорларини мажбурий ижро этилишини талаб қилиш ҳамда ушбу кодексда уларга берилган бошқа процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тарафлар ўзларига тегишли бўлган барча ҳуқуқлардан инсофли равишда фойдаланишга, низонинг ҳар тарафлама ва ҳолисона равишда кўрилиши учун чоралар кўришга, иккинчи томоннинг мулкӣ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ўзаро ҳурматлашга мажбурлар. Тарафларнинг ўзларига юклатилган бурчларини бажармаганларида низомлар, қоидаларда назарда тутилган салбий ҳуқуқӣ оқибатлар вужудга келади.

Даъвогар иш юзасидан қарор қабул қилгунга қадар даъвонинг асосини ёки предметини ўзгартиришга, даъво талабларининг миқдорини ошириш ёки камайтириш, шунингдек жавобгарнинг даъвони тан олиш тўғрисидаги аризалар қонунга хилоф келадиган бўлса ёки бошқа шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқлари ва қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларини бузадиган бўлса, судья бундай аризаларни қабул қилмайди (ХПКнинг 40-моддаси).

Ишда иштирок этувчи тарафлар далиллар келтиришлари билан бир қатор суд мажлисида ўз фикр ва мулоҳазаларини, эътирозларини баён қилишлари мумкин, лекин охирги ва ҳал этувчи сўз судьяга тегишли бўлиб, у иш бўйича тўпланган материалларга ва тарафларнинг тушунтиришларига қараб хулоса чиқаради. Тарафлар ишни келишув битими тузиш билан тамомлашлари мумкин. Агар тарафларнинг вакиллари ишда иштирок этсалар, у ҳолда мажлисда ишончнома билан қатнашишлари мумкин. Хўжалик суди ишида жамоат ташкилотлари ва хўжалик фаоллари ҳам иштирок этишлари лозим. Агар иш бўйича экспертиза тайинланган бўлса, суд мажлисида эксперт ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилади. Иш кўриш учун етарли далиллар тўпланган бўлса, суд мажлисида жавобгар ва қўшимча жавобгарларнинг иштирок этмаслиги-ишни кўришга тўсқинлик қилмайди.

Даъвогарнинг вакили ишни кўрилишида қатнашмаса ёки талаб қилинган ҳужжатларни ўз вақтида тақдим қилмаса судьяга ишни тўхтатиш ҳуқуқи берилади. Бундай ҳолларда даъвогар иккинчи марта даъво қўзғатиш ҳуқуқидан маҳрум этилмайди.

Агар судья низоли ишни кўрилишини тўхтатиш, ишни бошқа кунга қолдириш, ишни бекор қилиш тўғрисидаги хулосага келса, бу ҳақда ажрим қабул қилинади. Ажрим ва ишни мазмунан ҳал қилиш тўғрисидаги қарор мажлис баённомасига киритилади.

Хўжалик суди мажлисида кўрилган ҳар бир иш бўйича баённома тузилади. Баённомада ишнинг асосий мазмуни ва тарафларнинг баёнотлари, далилларнинг мазмуни, қонунларнинг тадбиқ этилиши тўғрисидаги ва бошқа фикрлар, мулоҳазалар ёзилади (ХПКнинг 134-моддаси).

Баённомани ёзилиши-суд қарорининг қарор қисмини баён қилиш билан тамом бўлади. Баённома судья томонидан имзоланади.

7-§. Хўжалик судининг ҳал қилув қарорлари ва ажримлари

Низо мазмунан ҳал қилингандан сўнг (даъво қаноатлантирилганидан ёки бутунлай ё қисман рад этилганидан сўнг) хўжалик суди қарор қабул қилади. Хўжалик суди қарори ишнинг барча ҳолатлари, суд мажлисида муҳокама қилиниши натижаларига қараб хўжалик судьяси ва низонинг кўрилишида иштирок этган тарафларнинг вакиллари томонидан ҳал қилинади. Ҳал қилув қарори ишнинг муҳокамаси тамом бўлгандан кейин алоҳида хонада қабул қилинади. Хонада хўжалик судининг ишни кўриб чиқаётган таркибига кирувчи судьяларгина бўлишлари мумкин.

Хўжалик суди ҳал қилув қарорини қабул қилишда:

- 1) далилларга баҳо беради;
- 2) иш учун аҳамиятли қайси ҳолатлар аниқланганлигини ва қайсилари аниқланмаганлигини белгилайди;
- 3) ишда иштирок этаётган шахслар асосланган қайси қонун ҳужжатларини ушбу ишда қўллаш мумкин эмаслигини ҳал қилади;
- 4) ушбу иш бўйича қайси қонун ҳужжатларини қўллаш зарурлигини белгилайди;

5) ишда иштирок этаётган шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қандайлигини белгилайди;

б) даъво қаноатлантиришга тегишли ёки тегишли эмаслигини ҳал қилади.

Хўжалик судлари қарорларининг ижроси бўйича тушунмовчиликлар ва низолар бўлмаслиги учун қарорлар қисмларга бўлинган.

Хўжалик суди ҳал қилув қарорлари Ўзбекистон Республикаси номи билан қабул қилади. Хўжалик судининг ҳал қилув қарори кириш, баён, асослантириш ва хулоса-қарор қисмлардан иборат.

Ҳал қилув қарорининг кириш қисмида уни қабул қилган хўжалик судининг номи, суд таркиби, ишнинг тартиб рақами, иш кўрилган сана ва жой, ишда иштирок этаётган шахсларнинг номи, низо предмети мажлисда иштирок этган шахсларнинг фамилиялари ва ваколатлари кўрсатилиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг баён қилиш қисмида даъво аризасининг, унинг юзасидан билдирилган мулоҳазанинг, бошқа тушунтиришларнинг, ишда иштирок этаётган шахсларнинг аризаларининг қисқача баёни ифодаланиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг асослантириш қисмида ишнинг хўжалик суди томонидан аниқланган ҳолатлари, хўжалик судининг бу ҳолатлар тўғрисидаги хулосаларига асос бўлган далиллар ва хўжалик суди у ёки бу далилларни рад қилишига ҳамда ишда иштирок этаётган шахслар асос қилиб келтирган қонун ҳужжатларини қўлланмаслигига асос бўлган далиллар, шунингдек суд ҳал қилув қарорини қабул қилишда таянган қонун ҳужжатлари кўрсатилиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ҳар бир даъво талабини қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги хулосалар бўлиши лозим. Ишда бир неча даъвогар ва жавобгар иштирок этаётган бўлса, қарорда низо улардан ҳар бирига нисбатан қандай ҳал қилингани кўрсатилади.

Дастлабки ва қарши даъво тўла ёки қисман қаноатлантирилганда ҳал қилув қарорининг қарор қисмида даъволарни ўзаро ҳисобга олиш натижасида ундирилиши лозим бўлган сумма кўрсатилади.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ишда иштирок этаётган шахслар ўртасида суд харажатларининг қандай тақсимланиши кўрсатилади. Агар хўжалик суди ҳал қилув қарорида ижро этиш тартибини белгиласа ёки унинг ижросини таъминлаш чораларини кўrsa, бу тўғрида ҳал қилув қарорида кўрсатилади. Даъво қаноатлантирилгани ҳолда, қарорда низо қайси тараф фойдасига ҳал этилаётган бўлса, шу тарафнинг номи, пул суммаси тўлашга ёки муайян ҳаракатларни бажаришга мажбур бўлган тарафнинг номи, ундириладиган сумманинг миқдори, бу пулни қарздорнинг банкидаги қайси ҳисоб рақамидан олиниши кераклиги ва бошқа баъзи зарур маълумотлар кўрсатилади.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори қабул қилингандан кейин бир ойлик муддат ўтгач кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган пайтдан кучга киради.

Апелляция шикоятни берилган тақдирда ҳал қилув қарори, агар у бекор қилинмаса, апелляция инстанцияси қарор чиарган пайтдан қонуний кучга

киради. Хўжалик судининг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин ижро этилади.

Хўжалик низоларини ҳал этишда биринчи инстанция судлари чиқарган ҳал қилув қарорларини ўзлари бекор қилишга ёки ўзгартиришларига қонун йўл қўймайди. Бундай ҳуқуқ фақат юқори судларга апелляция, кассация ва назорат тартибида кўрилгандагина ҳақли бўлади. Ҳал қилув қарорини чиқарган суд фақат қўшимча ҳал қилув қарорини чиқаришга ёки ёзувдаги хатолар, нуқсонлар ва ҳисоб-китобдаги янглишишларни тузатишлари мумкин. Ҳал қилув қарори ноаниқ бўлган тақдирда, низони ҳал қилган хўжалик суди ишда иштирок этаётган шахснинг аризасига кўра, ҳал қилув қарорини унинг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда тушунтириб беришга, шунингдек ишда иштирок этаётган шахснинг аризасига кўра ёки ўз ташаббуси билан йўл қўйилган ёзувдаги хатолар, харфий хатолар ва ҳисоб-китобдаги янглишишларни, ҳал қилув қарорининг моҳиятига тегмаган ҳолда тузатишга ҳақлидир.

Ҳал қилув қарорини тушунтириб бериш ва ёзувдаги хатолар, имловий хатолар ва ҳисоб-китобдаги янглишишларни тузатиш тўғрисида ажрим чиқарилади. Ажрим устидан шикоят қилиниши мумкин.

Ҳал қилув қарорини қабул қилган хўжалик суди қуйидаги ҳолларда қўшимча ҳал қилув қарори қабул қилади:

1) агар ишда иштирок этаётган шахслар далиллар тақдим этган бирон-бир талаб бўйича ҳал қилув қарори қабул қилинмаган бўлса;

2) агар суд ҳуқуқ масаласини ҳал қилиб, ундириладиган сумма миқдорини, берилиши лозим бўлган мол-мулкни ёки жавобгар бажариши шарт бўлган ҳаракатларни кўрсатмаган бўлса;

3) агар суд харажатлари тўғрисидаги масала ҳал қилинмаган бўлса. Қўшимча ҳал қилув қарорини ҳал қилиш масаласи ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунча қўйилиши мумкин. Қўшимча ҳал қилув қарорини ҳал қилиш масаласи суд мажлисида ҳал қилинади. Ишда иштирок этаётган шахслар мажлис вақти ва жойи тўғрисида топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали хабардор қилинади. Тегишли равишда хабардор қилинган ишда иштирок этаётган шахсларнинг келмаслиги масалани кўчиришга тўсқинлик қилмайди.

Қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш рад этилган тақдирда ажрим чиқарилади.

Хўжалик судининг қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят қилиниши мумкин.

Хўжалик суди, шунингдек Хўжалик процессуал кодексининг 135-150-моддаларида хўжалик судларида биринчи инстанция тартибида ҳал қилув қарорини чиқариш тартиби, унинг турлари ва уларга қўйилган талаблар кўрсатиб берилган.

Хўжалик судининг ажрими-тарафлар ўртасида низо мазмунан ҳал этилмасдан, экспертиза тайинлаш, ишнинг кўрилишини бошқа вақтга қолдириш, иш юритилишини тўхтатиш ёки бекор қилиш ва шу каби процессуал ҳаракатлар қилинишида хўжалик судьяси ажрим чиқаради.

Низони кўриш вақтида ташкилотлар, давлат органи ва бошқа орган, мансабдор шахс ёки фуқаронинг фаолияти қонун ҳужжатларини бузилгани аниқланган тақдирда хўжалик суди хусусий ажрим чиқаришга ҳақлидир.

Хусусий ажрим тегишли ташкилотларга, давлат органларига ва бошқа органларга, мансабдор шахсларга, фуқароларга юборилади. Улар бир ойлик муддатда хўжалик судига кўрилган чоралар тўғрисида қарор қилишлари шарт. Хусусий ажрим устидан шикоят қилиниши мумкин. Ажрим мазмунида ҳал қилув қарорида кўрсатилганидек, умумий маълумотлардан ташқари ажрим чиқариш сабаби, бунинг учун қонунда ва бошқа ҳуқуқий меъёردа бўлган асослар, кўрилган масала юзасидан қандай ҳулосаларга келганлик кўрсатилади.

Хўжалик суди алоҳида ҳужжат тариқасида ажрим чиқарган ҳолларда у ишда иштирок этаётган шахсларга ва унга дахлдор бошқа шахсларга чиқарилгандан кейин беш кунлик муддатда юборилади ёки тилхат олиб топширилади.

8-§. Хўжалик судлари чиқарган ҳал қилув қарорларини апелляция инстанциясида қайта кўриш тушунчаси

Ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишга ҳақли эканлиги конституциявий тамойиллардан бўлиб, шу асосда суднинг чиқарган қарорларидан норози тарафлар юқори судларга шикоят қилишга ҳақлидирлар.

Хўжалик судининг биринчи инстанция тартибида кўрилган ишларини амалдаги қонунларга асосан апелляция, кассация ва назорат судларида қайта кўриш ҳуқуқини берилиши, бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиниши юқорида кўрсатиб ўтилган тамойиллар асосида амалга ошириш мумкинлигидан далолат беради. Қонунда кўрсатилганидек, ишда иштирок этаётган шахслар хўжалик судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикоятини беришга ҳақли (ХПКнинг 156-моддаси) Апелляция лотинча «апеллатион» сўзидан олинган бўлиб-мурожаат маъносини англатади. Апелляция кўпчилик хорижий мамлакатларда ҳукм, ҳал қилув қарори ва ажримларнинг устидан шикоят қилиш шакли бўлиб ҳисобланади.

Апелляция суди ишни мазмунан қайта, янгидан кўрадиган ва иш юзасидан янги қарор чиқарувчи инстанциядир. Апелляция инстанцияси суди шикоят (протест)да кўрсатилган ҳолатларни текширади. Бу суд босқичида асосан ёзма материаллар асосида иш курилади, чунки бу судда илгари сўроқ берган гувоҳларни яна қайта гувоҳлик беришлари айрим зарур ҳоллардагина амалга оширилади. Ҳудди шу каби янги гувоҳлар ва ҳужжатлар тақдим қилинади.

Демак, хўжалик судларида низоли ишларнинг иштирокчилари манфаатдор шахсларининг ҳуқуқлари фақат биринчи инстанция судидагина эмас, худди фуқаролик ишларини фуқаролик процессида кўриш тартибида белгиланганидек, айрим истеснолар билан юқори судларда ҳам ҳимоя қилинади. Бундай тартибни киритилиши ишни дастлабки судларда кўрилишида моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри тадбиқ этмаганлиги иш

ҳолатларининг мураккаблигини ёки қонунда кўрсатилган бошқа сабаблар бўйича қайта кўриш учун асос бўладиган ҳолатлардир.

Юқори судлар эса, ўзларига берилган ваколат доирасида иш кўрган судларнинг қабул қилган қарорларини қонуний, асосли, адолатли эканлигини текширишга мажбурдирлар.

Суд қарорларини текширишни юқорида баён қилинган усулларининг ҳар бирини ўзларига хос хусусиятлари бўлиб, апелляция тартиби бизнинг қонунчилигимизга киритилган янги тартиб ҳисобланади.

Апелляция инстанция судида иш юритиш биринчи инстанция тартибида иш юритиш қодалари асосида, айрим истеснолар билан олиб борилади.

Апелляция шикоятини биринчи инстанция судида ҳал қилув қарорини чиқарган хўжалик судининг апелляция инстанциясига берилади. Масалан, Тошкент вилояти хўжалик суди томонидан биринчи инстанция тартибида кўрилган ишлар шу суднинг апелляция инстанцияси суди томонидан кўриб ҳал этилади.

9-§. Апелляция инстанциясида хўжалик ишларини кўриш тартиби

Хўжалик судларида ишлар биринчи инстанция тартибида кўрилгандан сўнг суднинг ҳал қилув қарорларидан норози бўлган субъектлар, ишдан манфаатдор шахслар (ХПКнинг 34-моддаси) шикоят қилишлари мумкин.

Қонуний кучга кирмаган хўжалик судининг ҳал қилув қарори шикоят қилиш объекти бўлиб ҳисобланади.

Апелляция шикояти ҳал қилув қарорлари қабул қилингандан кейин бир ой муддат ичида берилиши лозим, агар бу муддатга риоя қилмаган тақдирда шикоят манфаатдор тарафга қайтарилади (ХПКнинг 162-моддаси).

Апелляция инстанцияси судида берилган шикоят қонун талабларига жавоб беришлигини аниқлаган тақдирда судья иш юритишига қабул қилади ва бу ҳақда ажрим чиқаради. Ажримда апелляция шикояти бўйича ишни кўрадиган вақти, жойи кўрсатилади ва бу ҳақда тарафлар хабардор қилинади.

Хўжалик ишларини апелляция судида кўрилганда ишда мавжуд ва қўшимча тақдим этилган далиллар асосида иш юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорини қонуний ва асосли эканлиги ариза тушган кундан эътиборан бир ой муддатда кўриб чиқилиши лозим. Ишни кўришда судья, тарафларга уларнинг процессуал ҳуқуқларини тушунтириш, шикоят берган шахс эса, суд қарорини чиқаргунча ундан воз кечиши, қайтариб олишга ҳақли эканлиги тўғрисидаги ҳуқуқларини эслатиб ўтади.

Хўжалик суди ишни апелляция инстанциясида кургач ўзига берилган ваколат доирасида суднинг ҳал қилув қарорининг ўзгармасликка; ҳал қилув қарорини тўла ёки қисман бекор қилиб, янги ҳал қилув қарори қабул қилишга; ҳал қилув қарорини ўзгартиришга; иш юритишни тугатишга ёки даъвони тўла ёки қисман кўрмасдан қолдиришга ҳақли (ХПКнинг 168-моддаси).

Апелляция судининг қароридан норози бўлган манфаатдор шахсларга кассация тартибида шикоят қилишга йўл қўйилади.

10-§. Қонуний кучга кирган хўжалик судининг қарорларини кассация инстанциясида қайта кўриш тартиби

Хўжалик судлари хўжалик ишларини биринчи инстанция судида ҳамда шу иш апелляция тартибида кўрилгандан сўнг, норози тараф шикоят, прокурор протест келтиришга ҳақли бўлади. Бу хўжалик процессуал ҳуқуқининг демократик принципларидан бўлиб, иш юзасидан қонуний ва асосли қарор чиқаришга қаратилгандир. Бундай процессуал ҳаракатларни амалга ошириш билан ишда иштирок этган шахслар ўзларининг субъектив ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун имконият берувчи институт бўлиб ҳисобланади.

Хўжалик ишларининг кассация тартибида кўришнинг умумий судларда ишларни кассация тартибида иш юритишдан айрим ҳоллари билан фарқланади, жумладан:

агар умумий судларда кассация тартибида ишлар қонуний кучга кирмаган суднинг ҳал қилув қарори ва ажримларни кўриш лозимлиги белгиланган бўлса, хўжалик судларида эса, қонуний кучга кирган биринчи инстанция суди томонидан кўрилган ва унинг ҳал қилув қароридан норози бўлиб, апелляция судига шикоят қилинган бўлади. Шу судда кўрилган иш юзасидан чиқарилган қарор қонуний кучга кирган бўлиши лозим;

агар умумий судларда кассация тартибида шикоят ва протестларни Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг, вилоят ва Тошкент шаҳар судларининг фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъати кўрадиган бўлса, хўжалик судларида ишларини эса, кассация тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик судида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари томонидан биринчи ва апелляция инстанцияларида қабул қилинган ҳал қилув қарорлари ва қарорларининг қонунийлиги текширилади.

Кассация шикояти, прокурорнинг протести хўжалик судининг биринчи инстанция тартибида кўрилган иши юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарори ёки апелляция инстанциясининг қарори қонуний кучга киргандан кейин бир ой муддатда берилиши лозим.

Кассация шикояти (протести) манфаатдор шахс томонидан Олий хўжалик судига иш кўрган суд орқали берилади. Кассация шикояти (протести)нинг мазмуни ХПКнинг 177-моддасида белгиланган талаблар асосида тузилиши лозим.

Кассация шикояти ёки протести қонунда белгиланган тартибга риоя қилмаган ҳолда берилган тартибда кассация шикояти ёки протести тарафларга қайтарилади.

Манфаатдор шахслар шикоят (протест)ни беришда кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда кассация суди уни иш юритишига қабул қилади ва бу ҳақда судья ажрим чиқаради.

Ўзбекистон Респбликаси Олий Хўжалик суди кассация тартибида берилган шикоят, прокурорнинг протестини иш билан келиб тушган кундан эътиборан бир ой муддатда кўради.

Кассация судида хўжалик низоларини кўришда биринчи инстанция ва апелляция судларида кўриб қабул қилган ҳуқуқий ҳужжатларнинг моддий ва процессуал ҳуқуқ меъёрларига қанчалик тўғри риоя этилганлиги текширилади.

Кассация инстанцияси хўжалик судининг ишни кўргандан кейин ўзига берилган ваколат доирасида ХПКнинг 187-моддасида белгиланган қатор процессуал ҳаракатларни амалга ошириши лозим.

Кассация инстанцияси хўжалик суди ишни кўргандан кейин қуйидагиларга ҳақли:

1) биринчи инстанциянинг ҳал қилув қарорлари ва (ёки) апелляция қарорларини ўзгаришсиз, шикоят (протест)ни эса каноатлантirmасдан қолдириш;

2) биринчи инстанциянинг ҳал қилув қарорини ва (ёки) апелляция инстанциясининг қарорини тўла ёки қисман бекор қилиш ҳамда янги ҳал қилув қарори қабул қилиш;

3) биринчи инстанциянинг ҳал қилув қарорини ва (ёки) апелляция инстанциясининг қарорини, агар қабул қилинган ҳал қилув қарори ва қарор етарлича асосланмаган бўлса, ҳал қилув қарори ва (ёки) қарорни бекор қилган хўжалик суди инстанциясига янгидан кўриш учун бериш;

4) биринчи инстанциянинг ҳал қилув қарорини ва (ёки) апелляция инстанциясининг қарорини ўзгартириш;

5) биринчи инстанциянинг ҳал қилув қарорини ва (ёки) апелляция инстанциясининг қарорини тўла ёки қисман бекор қилиш ва иш юритишни тугатиш ёхуд даъвони тўла ёки қисман кўрмасдан қолдириш;

б) аввал қабул қилинган ҳал қилув қарорлари ёки қарорлардан бирини кучда қолдириш.

Кассация инстанция хўжалик суди кўрган шикояти (протести) юзасидан қарор қабул қилади ва у қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний кучга киради. Унинг устидан тарафларга шикоят қилиш ҳуқуқи берилмаган.

Хўжалик судининг ажрими устидан кассация тартибида шикоят бериш тартиби Хўжалик процессуал кодексда назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

11-§. Хўжалик судларининг ҳал қилув қарорлари ва қарорларини назорат тартибида қайта кўриш тушунчаси

Қонуний кучга кирган хўжалик судининг ҳал қилув қарорлари устидан тарафлар шикоят билан тегишли судга мурожаат этсаларда бу шикоятларни қанчалик асосли эканлигини ваколатли мансабдор шахс текширгандан сўнг протест келтиришни ҳал этиши мумкин.

Протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар қонунда белгиланган, буларга:

Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик судининг Раиси ва унинг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурори ва унинг ўринбосари, Ўзбекистон Республикасининг исталган хўжалик суди қабул қилган ҳал қилув

қарорлари ва қарорлари устидан протест келтиришга ҳақли. Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди Раёсатининг қарорлари бундан мустасно.

Назорат тартибида хўжалик ишларини хўжалик судларида кўришнинг умумий судларда фуқаролик ишларини қайта кўришдан айрим хусусиятлари билан фарқланади, масалан:

агар умумий судларда назорат тартибида Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят ва Тошкент шаҳар судлари раёсатларининг ваколатига тегишли бўлса, хўжалик судида эса назорат тартибида фақат Олий Хўжалик судининг раёсатига тегишлидир; протест келтирувчи шахсларга олий хўжалик суди Раисига ва унинг ўринбосарларига ҳамда республика бош прокурорига ва унинг ўринбосарларининг ваколатига тегишли бўлиб, умумий судларда эса протест келтирувчи шахсларнинг доираси бирмунча кенгайтирилиб берилган. Булар Республика Олий судининг Раиси, унинг ўринбосарлари ва Республика Бош прокурори, унинг ўринбосарлари билан вилоят ва Тошкент шаҳар суди раислари ва қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар Прокурорлари томонидан ҳам шу судларга протест келтириш ҳуқуқи берилганлиги ҳарқандай ноқонуний равишда қабул қилинган қарорлар устидан шикоят, протест келтириш имкониятини беради.

Демак, умумий ҳамда хўжалик судларида суд қарорларини назорат тартибида қайта кўриш учун суд ва прокуратура идораларининг ваколатли мансабдор шахслари субъект бўлиб қатнашишлари белгиланган.

Назорат тартибида хўжалик низоларини хўжалик судлари томонидан кўриб ҳал этишда қонунда кўрсатилган процессуал ҳаракатларни бажаришлари лозим. Бу ҳаракатлар ишни талаб қилиб олиши, текшириши, лозим ҳолларда протест келтириш ва ишни қайта кўриш каби ҳаракатлар қуйи судлар томонидан йўл куйган хато ва камчиликларни бартараф қилишга қаратилгандир.

Олий Хўжалик судининг Раёсати назорат тартибида келтирилган протест юзасидан барча судларнинг чиқарган ҳал қилув қарорлари ва қарорларини кўрувчи суд босқичи бўлиб ҳисобланади.

Ваколатли мансабдор шахс номига ёзилган шикоят ёки берилган протест тегишли ишларни Олий Хўжалик суди томонидан талаб қилиб олиш учун асос бўлади.

Агар қонунда кўрсатилган мансабдор шахслар хўжалик судларининг ҳал қилув қарорлари ва қарорлари устидан протест келтиришга асос борлигини аниқлагандан кейингина протест ёзилади ва уни иш билан Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди Раёсатига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик Суди Раёсати протестни кўришда Олий Хўжалик суди судьясининг ишнинг ҳолатлари ва протест важлари тўғрисидаги маълумотини эшитади.

Тушунтиришлар бериш учун Раёсат мажлисига ишда иштирок этаётган шахслар чақирилиши мумкин. Бундай ҳолларда уларга Раёсат мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабарномалар юборилади. Уларнинг келмаслиги ишни кўриш учун тўсиқ бўлмайди.

Ишни назорат тартибида кўришда Ўзбекистон Республикасининг Бош Прокурори ва ёки унинг ўринбосари иштирок этиб, ўзи келтирган протестни қувватлайди ёки Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик Суди Раисининг ёки ўринбосари келтирган протест бўйича кўрилаётган иш бўйича хулоса беради.

Хўжалик судининг Раёсати назорат тартибида кўрган ишлари юзасидан қуйи судларнинг қабул қилинган қарорларини ғайриқонуний ёки асоссиз эканини аниқласа, уларнинг ўзгартириш ёки бекор қилишга ҳақли бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик Суди Раёсати ишни назорат тартибида кўриб:

1) хўжалик судининг ҳал қилув қарорини ўзгартиришсиз қолдиришга ва протестни қаноатлантirmасликка;

2) ҳал қилув қарорини, қарорни тўла ёки қисман бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун юборишга;

3) ҳал қилув қарорини, қарорни ўзгартириб ёки бекор қилиб, ишни янгидан кўришга юбормасдан янги ҳал қилув қарорини қабул қилишга;

4) ҳал қилув қарорини, қарорни тўла ёки қисман бекор қилиб, иш юритишни тугатишга ёхуд даъвони тўла ёки қисман кўрмасдан қолдиришга;

5) иш бўйича аввал қабул қилинган ҳал қилув қарорлари ёки қарорлардан бирини кучида қолдиришга ҳақли (ХПКнинг 199-моддаси).

Хўжалик судининг Раёсатида ишни назорат тартибида кўриш натижалари бўйича қабул қилинадиган қарор Раёсат иштирокчиларининг иштирок этаётган аъзоларининг кўпчилиги ёклаб берган овозлари қарорни қабул қилишга асос бўлади ва бу қарор шу пайтдан бошлаб қонуний кучга киради.

қонун назорат тартибида ишни қайта текшириш учун ваколатли бўлган хўжалик судининг Раёсати қонунда белгиланган айрим ҳаракатларни, масалан:

Ишни назорат тартибида кўраётган хўжалик суди ҳал қилув қарорида, қарорда аниқланмаган ёхуд рад этилган ҳолатларни аниқлашга ёки исботланган деб ҳисоблашга, у ёки бу далилнинг тўғрилиги ёки нотўғрилиги, бир далилнинг бошқаларидан устунлиги, ишни янгидан кўришда қандай ҳал қилув қарори, қарор қабул қилиниши кераклиги масалаларини олдиндан ҳал қилишга ҳақли эмас.

12-§. Хўжалик низоларини хўжалик судларида янги очилган ҳолатлар бўйича ишларни қайтадан кўриш асослари

Хўжалик ишларини судда кўришда судья ишдаги мавжуд далиллар, тарафларнинг баёнотлари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертнинг хулосаларига асосланган тегишли қарор қабул қилади. Судья ишни қанчалик ҳар томонлама мазмунан ҳал этмасин, айрим ҳолларда шундай ҳолатлар пайдо бўладики, қабул қилинган қарорлар

асосли бўлмаганлиги сабабли қайта кўриш тўғрисидаги масала кўзғалади. Бунинг учун қонунда кўрсатилган асослар мавжуд бўлишлиги лозим. Ишларни қайта кўришдан мақсад фуқаро ва ташкилотларнинг бузилган ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, иш юзасидан объектив қарор чиқаришга қаратилгандир.

Ишларни қайтадан янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун муқаддам қарор қабул қилнишида суд ва суд иштирочиларга маълум бўлмаган иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг очилиши асос бўлади.

қонуний кучга кирган хўжалик судларининг қарорларини янгидан очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги қоидалар ХПКнинг 204-208-моддаларида берилган.

Хўжалик суди ўзи қабул қилган, қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриши мумкин.

Суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун қуйидагилар асос бўлади:

1) аризасига маълум бўлмаган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган иш учун муҳим ҳолатлар;

2) гувоҳнинг била туриб, ёлгон кўрсатувлар бергани, экспертнинг била туриб ёлгон хулоса бергани, таржимоннинг била туриб нотўғри таржима қилгани, ҳужжатлар ёки ашёвий далилларнинг сохталиги, ноқонуний ва асосланмаган суд ҳужжатини қабул қилинишига сабаб бўлганлиги суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланганлиги;

3) ишда иштиро этаётган шахслар ёхуд уларнинг вакиллари ёхуд судьяларнинг шу ишни кўриш вақтидаги суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган жиноий қилмишлари;

4) ушбу ҳал қилув қарорини қабул қилишга асос бўлган хўжалик судининг суд ҳужжати, ёки суднинг ҳал қилув қарори, ҳукми ёхуд бошқа органнинг қарори бекор қилинганлиги.

Келтирилган бу ҳолатлар қатъий бўлиб, ишда иштирок этувчи шахслар томонидан кенгайтирилишига йўл қўйилмайди, Ишларнинг қайта кўришнинг бу турлари ўзига хос процессуал хусусиятларга эга, масалан, ариза ишда иштирок этган тарафлар ёки агар бошқа шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлса, прокурор томонидан ҳал қилув қарорини, ажримни муқаддам қабул қилган хўжалик судига берилади. Ариза ишни қайта кўриш учун асос бўлган ҳолатлар аниқланган кундан эътиборан бир ой муддатдан кечиктирмай берилади.

Агар биринчи инстанция судининг қабул қилган ҳал қилув қарори, ажрими апелляция, кассация ва назорат тартибида кўрилган бўлса, янгидан очилган ҳолатлар юзасидан бериладиган аризалар шу юқори суднинг номига берилиши ва иш кўрган шу судда кўрилмоғи лозим.

Тегишли судларда ишни янгидан очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун тарафлар хабардор қилинади, бироқ уларнинг суд мажлисига қатнашмаслиги аризани кўриш учун тўсқинлик қилмайди.

Хўжалик суди қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани кўриб, аризани қаноатлантиради ва суд ҳужжатини бекор қилади ёхуд қайта кўришни рад этади.

Суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги хўжалик судининг ажрими устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин. Суд ҳужжати бекор

қилинган тақдирда иш хўжалик суди томонидан ушбу кодексда белгиланган қоидалар бўйича кўрилади. Суд амалиётида (умуми ва хўжалик судларида) айрим ҳолларда қонуний кучга кирган суднинг ҳал қилув қарор, ажрим ва қарорларни назорат тартибида қайта кўриш билан қонуний кучга кирган суднинг ҳал қилув қарор ва ажримларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш институтларини фарқига эътибор бермаслик ҳолатлари учраб туради. Шунинг учун уларни бир-биридан фарқлаш мақсадга мувофиқдир.

Янгидан очилган ҳолатлар бўйича суд қарорларини қайтадан кўришда шикоят ва протест келтирадиган шахсларнинг таркибига, шикоят, протест берилиши ва аризани кўрадиган суд инстанцияларига, ариза бериш муддатига, ариза юзасидан бажариладиган процессуал ҳаракатларга эътибор бериш лозим.

ЎТТИЗ ОЛТИНЧИ БОБ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НОТАРИАТ (НОТАРИАЛ ҲАРАКАТЛАР)

1-§. Нотариат тушунчаси ва вазифалари

Нотариат атамаси лотинча «нотариус» сўзидан олинган бўлиб, хат ёзувчи, котиб маъносини билдиради.

Ўзбекистон Республикасида нотариат деб фуқаролар ҳамда ташкилотларнинг ҳуқуқларини ҳамда юридик аҳамиятга эга бўлган актларни гувоҳлантирувчи ва бу ҳуқуқлар ҳамда фактларни тасдиқлаш билан боғлиқ бўлган ҳаракатларни амалга оширувчи давлат ва хусусий идораларга айтилади.

Нотариат (нотариал идоралар) юридик фактларни белгилайдиган ва фуқаролик ҳуқуқлари тўғрисидаги низоларни ҳал қилувчи суд муассаларидан фарқланади. Бу идоралар фуқаролар билан бевосита учрашиш йўли билан ёки қонунда кўрсатилган ҳолларда ҳужжатларга асосан низосиз ҳуқуқларни ва юридик фактларни гувоҳлантиради.

Ўзбекистон Республикасида нотариатнинг ташкил этилиши принциплари ва фаолияти Ўзбекистон Республикасининг «Нотариати тўғрисида»ги 1996 йил 26 декабрдаги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Нотариати тўғрисида чиқарилган қарорлари билан ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси нотариал идоралар томонидан нотариал ҳаракатларни бажариш тартиби тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идораларининг нотариуслари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг нотариал ҳаракатларини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги 1997 йил 28 апрель қўлланмаси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъатининг 1997 йил 28 апрелдаги қарори билан тасдиқланган. «Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идораларида хусусия амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг иш юритиш тартиби ҳақида»ги қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ҳайъатининг 1997 йил 28 апрелда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси шаҳарчалар, кишлоқлар ва овуллар фуқаролари йиғинларининг

раислари (оксоқоллари) томонидан белгиланган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги қўлланма ҳамда бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасида нотариал ҳаракатларни бажариш давлат ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идораларга юклатилган. Нотариал идоралар бўлмаган аҳоли яшайдиган жойларда (пунктларда) баъзи нотариал ҳаракатлар фуқаролар йиғинларининг раислари (оксоқоллари) томонидан амалга оширилади.

Чет мамлакатларда нотариал ҳаракатларни бажариш республика фуқаролар ва ташилотлар манфаатларини кўзлаб Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассаларини нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколати берилган мансабдор шахсларига юклатилган.

Нотариал идоралар ва шаҳарлар, кишлоқлар ва овуллар фуқароларининг раислари ўз ишларини, фаолиятини амалга оширишда амалдаги қонунларга, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик, Оила ва Фуқаролик процессуал кодексига асосланадилар.

Нотариус ўз фаолиятида мустақил бўлиб, бу фаолиятни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига амал қилади.

Нотариуснинг фаолият кўрсатиш ҳудуди (нотариал округ) Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мувофиқ белгиланади. Туманларга бўлинган шаҳарларда тегишли шаҳарнинг бутун ҳудуди нотариал хизмат кўрсатиш ҳудуди ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки тегишли адлия бошқармаси содир этилиш жойи қонун ҳужжатларида белгиланган нотариал ҳаракатларни бажариш юзасидан нотариус ўз вазифаларини амалга оширишга ҳақли бўлган ҳудудни белгилаб беради.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармаси аниқ ҳолатларни ҳисобга олиб, нотариуснинг ваколатлари амал қиладиган ҳудудни ўзгартириши мумкин. Кўрсатилган ҳудуд доирасида нотариуснинг ўз иш жойи бўлиши шарт.

Ҳар бир фуқаро ёки юридик шахс нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун хоҳлаган нотариусга мурожаат қилишга ҳақлидир, ушбу қонуннинг 37, 44, 51, 52, 59, 62, 63, 74, 82 ва 93-моддаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Нотариуснинг нотариал ҳаракатни белгиланган фаолият ҳудудидан ташқарида амалга ошириши бу ҳаракатни ҳақиқий эмас, деб топишга асос бўлмайди.

Нотариус мавжуд бўлмаган ҳудуддаги васият қилувчи оғир касал бўлган ҳолларда васиятномани тасдиқлаш учун нотариус ўзи хизмат кўрсатадиган ҳудуддан ташқарига чиқишга ҳақлидир. Нотариат фаолиятига хос бўлган алоҳида қоида шундан иборатки, нотариуслар ва нотариал идораларининг бошқа ходимлари, умуман нотариат фаолиятини амалга оширувчилар ўзлари томонидан қилинадиган нотариал ҳаракатларини сир қилиб сақланишини таъминлашга мажбурлар. Бинобарин, қилинган нотариал ҳаракатлар тўғрисида маълумотлар ва ҳужжатларни кимларга нисбатан бундай ҳаракатлар қилинган

бўлса, шу шахсларнинг ўзларига ёки уларнинг вакилларига ёхуд қонунда назарда тутилган ҳолларда тергов ва судларнинг талаблари бўйича берадилар. Васиятномалар тўғрисидаги маълумотлар кимларнинг фойдасига мазкур васиятномалар тузилган бўлса, шу шахсларга васият қолдирувчи фуқаро ўлганидан сўнг берилади.

Нотариуслар ўз номларидан шахсан ўзлари учун, ўзлари номидан хотини ёки эри номига, нотариал ҳаракатлар қила олмайдилар. Бундан ташқари нотариус мазкур нотариал идорада ишловчи хизматчилар номидан нотариал ҳаракатлар қила олмайдилар. Бундай қоидалар нотариус ишида баъзи бир суиистеъмол қилишларга йўл қўймаслик мақсадида белгиланади.

Амалдаги нотариат тўғрисидаги қонунда нотариал ҳаракат билан шуғулланиш учун янги қоида белгиланган. Бу қоидага кўра, нотариат фаолияти билан шуғулланувчи шахс лицензия (рухсатнома)га эга бўлиш лозим. Лицензия қорақалпоғистон Республикаси адлия вазирлиги, адлия бошқармалари томонидан малака комиссияларининг қарорлари асосида берилади. Лицензия бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгилаб қўйилган. Лицензия бериш рад этилганлиги устидан судга қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармасининг қарори олинган кундан бошлаб бир ой ичида шикоят қилиш мумкин.

Лицензия олган, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган фуқаронинг малака имтихонини қайта топширганидан кейингина нотариус лавозимида ишлашига йўл қўйилади.

Қонуннинг 4-моддасида малака ва апелляция комиссияларининг фаолияти ҳақида сўз боради.

“Нотариат тўғрисида”ги қонунга кўра, нотариус ўз фаолиятида мустақил бўлиб, бу фаолиятни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига амал қилади.

Нотариуснинг фаолият кўрсатиш ҳудуди (нотариал округ) Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳуқуқий бўлинишига мувофиқ белгиланади. Туманларга бўлинган шаҳарларларда тегишли шаҳарнинг бутун ҳудуди нотариал хизмат кўрсатиш ҳудуди ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки тегишли адлия бошқармаси содир этилиш жойи қонун ҳужжатларида белгиланган нотариал ҳаракатларни бажариш юзасидан нотариус ўз вазифаларини амалга оширишда ҳақли бўлган ҳудудни белгилаб беради.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармаси аниқ ҳолатларни ҳисобга олиб, нотариуснинг ваколатлари амал қиладиган ҳудудни ўзгартириши мумкин. Кўрсатилган ҳудуд доирасида нотариуснинг ўз иш жойи бўлиши шарт.

Ҳар бир фуқаро ёки юридик шахс нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун хоҳлаган нотариусга мурожаат қилишга ҳақлидир. Ушбу қонуннинг 37, 44, 51, 52, 59, 62, 63, 74, 82 ва 93-моддаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Нотариуснинг нотариал ҳаракатни белгиланган фаолият ҳудудидан ташқарида амалга ошириши бу ҳаракатни ҳақиқий эмас деб топишга асос бўлмайди.

Нотариус мавжуд бўлмаган ҳудуддаги васият қилувчи оғир касал бўлган ҳолларда васиятномани тасдиқлаш учун нотариус ўзи хизмат кўрсатадиган ҳудуддан ташқарига чиқишга ҳақлидир.

Нотариат фаолиятига хос бўлган алоҳида қоида шундан иборатки, нотариуслар ва нотариал идораларнинг бошқа ходимлари умуман нотариат фаолиятини амалга оширувчилар ўзлари томонидан қилинадиган нотариал ҳаракатларнинг сир сақланишини таъминлашга мажбурлар. Бинобарин, бажарилган нотариал ҳаракатлар тўғрисида маълумотлар ва ҳужжатларни фақат кимларга нисбатан бундай ҳаракатлар қилинган бўлса, шу шахсларнинг ўзларига ёки уларнинг вакилларига ёхуд қонунда назарда тутилган ҳолларда тергов ва суд органларининг талаблари бўйича берадилар.

Васиятномалар тўғрисидаги маълумотлар кимларнинг фойдасига мазкур васиятномалар тузилган бўлса, шу шахсларга васият қолдирувчи фуқаро ўлгандан кейин берилади.

Нотариуслар ўз номларидан шахсан ўзлари учун, ўзлари номидан хотини ёки эри номига нотариал ҳаракатлар қила олмайдилар. Бундан ташқари нотариус мазкур нотариал идорада ишловчи хизматчилар номидан нотариал ҳаракатлар қила олмайдилар.

Бундай қоидалар нотариус ишида баъзи бир суиисътемом қилишларга йўл қўймаслик мақсадида белгиланади.

Нотариат тўғрисидаги қонунда нотариуслар ўз номига ва ўз номидан, хотини (эри) номига ҳамда унинг номидан, хотинининг (эрининг) ва ўзининг қариндош уруглари, улар билан васийлик ва ҳомийлик туфайли боғланган шахслар номига ва уларнинг номидан нотариал ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмаслиги ўз ифодасини топган (қонуннинг 37-моддаси).

Умуман қоида бўйича нотариал ҳаракатлар нотариал ҳаракатларнинг биноларида амалга оширилади. Аммо агар фуқаро узрли сабаб билан, масалан, касаллиги, майиблиги, қариллиги сабабли нотариал идорага кела олмаса, нотариус тегишли нотариал ҳаракатларни мазкур шахснинг уйида, касалхонада ёки бошқа жойда қилиши мумкин.

Одатда, нотариал ҳаракатлар барча зарур ҳужжатлар топширилган куннинг ўзидаёқ амалга оширилади. Айрим ҳолларда нотариус, нотариал ҳаракатларни қилишни бошқа вақтга қолдириши мумкин.

Нотариал ҳаракатни амалга ошириш қўшимча маълумотларни талаб қилиб олиш ёки ҳужжатларни экспертизага юбориш зарур бўлганида кечиктирилиши мумкин.

Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш, башарти, қонунга биноан манфаатдор шахслардан ушбу ҳаракатларни амалга оширишга эътироз бор-йўқлигини сўраш зарур бўлганда кечиктирилиши мумкин. Нотариал ҳаракатни амалга оширишни кечиктириш муддати бир ойдан ошмаслиги лозим. Нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган шахснинг талабига кўра,

унга нотариал ҳаракатни амалга оширишни кечиктириш ҳақидаги қарор берилади.

Манфаатдор шахс тасдиқлашни сўраётган ҳуқуқ ёки факт устида даъволашиш учун судга мурожаат қилиш истагидаги бошқа манфаатдор шахснинг аризасига кўра нотариал ҳаракатни амалга ошириш кўпи билан ўн кун муддатга кечиктирилиши мумкин, Агар бу муддат ичида ариза тушганлиги ҳақида суддан маълумот олинмаса, нотариал ҳаракат амалга оширилиши лозим.

Бир манфаатдор шахс тасдиқлашни сўраётган ҳуқуқ ёки факт устида даъволашаётган бошқа манфаатдор шахсдан ариза тушганлиги тўғрисида суддан маълумот олинган тақдирда нотариал ҳаракатни амалга ошириш мазкур иш судда ҳал булгунига қадар тўхтатиб турилади.

Қонун ҳужжатларида нотариал ҳаракатларни амалга оширишни кечиктириш ва тўхтатиб туришнинг бошқа асослари ҳам белгиланиши мумкин.

Нотариус ўзига бирон-бир нотариал ҳаракатнинг қилиниши тўғрисида илтимос билан келган фуқаронинг шахсини текширади. Нотариус маълум бўлган фуқаронинг шахси унинг паспорти бўйича текширилади. Ҳарбий хизматчини шахси эса-тугилиш ҳақидаги гувоҳномалар бўйича ёки оналарнинг паспортларидаги хатларга қараб текширилади.

Лозим ҳолларда нотариус фуқароларнинг муомала лаёқатлари ва ҳуқуқ лаёқатларини, ташилотларнинг ҳуқуқий муносабатларда қатнашишлари мумкинлигини текширади. Шунингдек, вакилларга берилган ваколатномаларни, уларга қўйилган имзоларнинг ҳақиқийлигини текширади.

Нотариус ўзи томонидан гувоҳлантириладиган битимларнинг, ҳужжатларнинг хатлари, матнлари очиқ-равшан ёзилишига ва ҳеч қандай тузатишларга йўл қуймаганлигига эътибор бериши лозим. Ҳужжатларнинг матнларидаги очиқ жойлар чизиб қўйилади. қўшимча ёзилган хатлар эса нотариат ҳаракатларида қатнашувчи шахсларнинг имзоларидан олдин изоҳлантирилади ва гувоҳлантириш хатида такрор ёзилади.

Агар нотариал ҳаракатларда қатнашувчи шахслар мазкур ҳужжатларнинг матнларига кул қўймайдиган бўлсалар, бу ҳолда ҳужжатга қилинган қўшимча хатлар ёки тузатишлар фақат нотариус томонидан изоҳлантирилади ва имзоланади. Ҳужжатдаги тузатишлар шундай қилиниши керакки, барча хато ёзилган ва кейинчалик чизиб ташланган ва тузатилган хатларни очиқ уқиш мумкин бўлсин.

Ҳужжатнинг берилган куни рақамлари ва муддатлари сўз билан ёзилади. Ҳужжатда эслатилган шахсларнинг фамилиялари, исмлари ва оталарининг исмлари, турар жойлари кўрсатилади. Юридик шахсларнинг ва бошқа ташкилотларнинг номлари бир марта бўлса ҳам қискартирилмасдан тўла ёзилади, шунингдек юридик шахслар органларининг манзиллари кўрсатилади.

Айрим ҳолларда нотариуслар нотариал ҳаракатларни амалга оширишни рад этиши мумкин. Бу ҳақда қонуннинг 38-моддасида қуйидагилар кўрсатилган:

- бу ҳаракат бошқа нотариус томонидан амалга оширилиши керак бўлса;
- муомалага лаёқатсиз фуқаро ёхуд зарур ваколатлари бўлмаган вакил нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган бўлса;

- юридик шахс номидан амалга ошириладиган битим унинг уставида ёки низомида кўрсатилган мақсадларга зид бўлса;
- битим қонун талабларига мувофиқ бўлмаса;
- нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун тақдим этилаётган ҳужжатлар қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаса.

Нотариал ҳаракатни амалга ошириш рад этилган тақдирда нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиш ҳақида нотариус мурожаат қилинган кундан бошлаб уч кундан кечиктирмасдан қарор чиқаради.

Нотариус нотариал ҳаракатни амалга ошириш тўғрисидаги мурожаати рад этилган шахснинг илтимосига биноан рад этиш сабабини ёзма равишда баён этиши ва рад этиш устидан шикоят қилиш тартибини тушунтириб бериши лозим.

Нотариусларнинг ҳаракатлари устидан манфаатдор шахслар судга шикоят билан мурожаат этишлари мумкин, масалан, агар амалга оширилган нотариал ҳаракатни, нотариал ҳаракатни кечиктириш ёки нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиш тўғрисидаги қарорни нотўғри деб ҳисоблаган манфаатдор шахс бу хусусда давлат нотариал идораси ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус турган жойдаги судга шикоят қилишга ҳақлидир.

Демак, нотариусларнинг асосий вазифалари фуқароларнинг, ташкилотларнинг ҳамда бошқа жамоат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кўриклашдан, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдан, шартномалар ва бошқа битимларни тўғри ва ўз вақтида тасдиқлаш, ворислик ҳуқуқларини расмийлаштириш, ижро хатларини ёзиш ва бошқа нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳуқуқ бузилишини олдини олишга ва нотариат тўғрисидаги қонунда назарда тутилган қатор талабларни амалга оширишга қаратилгандир.

2-§. Давлат нотариал идораларида ва бошқа органлар томонидан амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар

Ўзбекистон Республикасида нотариат тўғрисидаги қонуннинг 23-моддасига мувофиқ давлат нотариал идоралар қуйидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширади:

- 1) битимларни (шартномалар, васиятномалар, ваколатномалар) тасдиқлайди;
- 2) васиятномаларни тасдиқлайди;
- 3) эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга мулк ҳуқуқи тушрисида гувоҳномалар беради;
- 4) мол-мулкни узга шахсга ўтказишни таъқиқлаб қўяди ва таъқиқни бекор қилади;
- 5) меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беради;
- 6) мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради;
- 7) ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаходатлайди;

- 8) ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлайди;
- 9) ҳужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди;
- 10) кўчмас мулк очик савдода сотиб олинганлиги ҳақида гувоҳнома беради;
- 11) фуқаронинг тирик эканлиги фактини тасдиқлайди;
- 12) фуқаронинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлайди;
- 13) фуқаронинг фотосўратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлайди;
- 14) ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлайди;
- 15) жисмоний ва юридик шахсларнинг аризаларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларга топширади;
- 16) пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилиб олади;
- 17) ҳужжатларни сақлаш учун қабул қилиб олади;
- 18) пул тўлаш учун чекларни тақдим этади ва чеклар бўйича пул тўланмаганлигини тасдиқлайди;
- 19) ижро хатларини ёзади;
- 20) векселларнинг протестларини амалга оширади;
- 21) денгиз протестларини амалга оширади;
- 22) нотариал тасдиқлаган ҳужжатларнинг дубликатларини ҳамда реестрлардан кўчирмаларни беради.

Давлат нотариал идораларида ишловчи нотариуслар қонунларда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Хусусан амалиёт билан шуғулланувчи нотариус юридик шахсдир. У ўз идорасига эга бўлиш банкда ҳисоб-китоб вараги ва бошқа ҳисоб варақалар очиш, мулкӣ ҳамда шахсий номулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш, ходимлар билан меҳнат шартномалари тузиш ва уларни тўхтатиш, тушган даромадни тасарруф этиш, судда ўз номидан қатнашиш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга оширишга ҳақлидир.

Хусусий амалиёт билан шуулланувчи нотариуслар жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунда белгиланган тартибда тузиладиган нотариал палатага бирлашишлари мумкин.

Нотариус таътилга чиқиш ва давлат ижтимоий сугўртаси бўйича нафақаларнинг барча тўрини олиш ҳуқуқидан фойдаланади. Нотариусга давлат ижтимоий суғурта бўйича нафақа тайинлаш ва тўлаш ҳамда уни давлат пенсияси таъминоти амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар нотариат тўғрисидаги қонуннинг 23-моддасида назарда тутилган нотариал ҳаракатни амалга оширади, мол-мулкни узга шахсга ўтказишни таъқиқлаб қўйиш ва таъқиқни бекор қилиш, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш ва мерос мол-мулкни қўриқлаш чора-тадбирларини кўриш бундан мустасно.

Юқорида кўрсатилган нотариал ҳаракатларни бажариш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқлаган қўлланма билан белгиланган.

Давлат нотариал идоралари бўлмаган аҳоли пунктларида, шаҳар, кишлок ва овулларда нотариат тўғрисидаги қонуннинг 25-моддасига мувофиқ қуйидаги нотариал ҳаркатларни амалга оширади:

- 1) васиятномаларни тасдиқлайди;
- 2) ишончномаларни тасдиқлайди, автотранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно;
- 3) мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради;
- 4) ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлайди, маълумот ҳақидаги ҳужжат нусхалари бундан мустасно;
- 5) ҳужжатдаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди.

Ўзбекистон Республикаси шаҳарлар, кишлоклар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оксоқоллари) қўлланмада назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Юқорида кўрсатилган нотариал ҳаракатларни бажариш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган Инструкция билан амалга оширилади.

Қуйидаги ҳужжатлар нотариал тасдиқлаган ҳужжатларга тенглаштирилади: касалхоналарда, госпиталларда, бошқа стационар даволаш муассасаларида даволанаётган ёки қариялар ва ногиронлар уйларида яшаётган фуқароларнинг ушбу касалхоналар, госпиталлар ва бошқа даволаш муассасаларининг бош шифокорлари, уларнинг тиббиёт бўйича ўринбосарлари ёки навбатчи шифокорлари, шунингдек госпиталларнинг бошликлари, қариялар ва ногиронлар уйларининг директорлари ва бошқа шифокорлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи остида сўзиб юрган кемаларда сафарда бўлган фуқароларнинг кемаларининг капитанлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

қидирув экспедицияларида ёки шунга ухшаш бошқа экспедицияларда бўлган фуқароларнинг шу экспедициялар бошликлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

ҳарбий хизматчиларнинг, ҳарбий қисмлар жойлашган, нотариуслар бўлмаган пунктларда эса, шу қисмларда ишловчи ҳарбий хизматчи бўлмаган шахсларнинг, улар оила аъзоларининг ҳамда ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ҳарбий қисмларининг командирлари томонидан тасдиқланган васиятномалари ва ишончномалари;

озодликдан маҳрум этиш жойларидаги ёки қамоқдаги шахсларнинг тегишли муассасалар бошликлари томонидан тасдиқланган васиятномалари ва ишончномалари.

Васиятномалар ва ишончномаларни ушбу моддада айтиб ўтилган мансабдор шахслар томонидан тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгилаб қўядиган тартибда амалга оширилади.

Юқорида кўрсатилган мансабдор шахсларнинг васиятномалар ва ваколатномаларни тасдиқлаши Нотариат қонунининг тегишли моддалари

талабларига риоя қилинган ҳолда, қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгилайдиган тартибда амалга оширади.

Нотариуслик вазифасини бажариш ҳуқуқи берилган мансабдор шахслар ўзлари тасдиқлаган васиятномаларнинг бир нусхасини васиятчи доимий яшайдиган жойдаги давлат нотариал идорасига сақлаш учун ҳеч кечиктирмай топширишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари қуйидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширади:

1) битимларни (шартномалар, васиятномалар, ишончномалар ва ҳоказоларни) тасдиқлайди, Ўзбекистон Республмикасидаги уй-жойларни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномалар бундан мустасно;

2) фуқаронинг тирик эканлиги фактини тасдиқлайди;

3) фуқарони муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлайди;

4) фуқаронинг фотосўратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлайди;

5) ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлайди;

6) мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради;

7) меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар беради;

8) ҳужжатларнинг нусхалари ва ҳужжатлардан олинган кўчирмалар тўғрилигини шаҳодатлайди;

9) эр-хотиннинг умумий мулкидаги улушга мулк ҳуқуқи ҳақида гувоҳномалар беради;

10) ҳужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди;

11) ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлайди;

12) пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилиб олади;

13) ҳужжатларни сақлаш учун қабул қилиб олади;

14) ижро хатларини ёзади;

15) денгиз протестларини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари қонунларда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатларни ҳам амалга ошириши мумкин (Нотариат тўғрисидаги қонуннинг 28-моддаси).

Мабода васиятчи Республикада доимий яшаш жойига эга бўлмаса, васиятнома Адлия вазирлиги томонидан белгилаб бериладиган давлат нотариал идорасига юборилади.

Давлат нотариуси сақлаш учун топширилган васиятноманинг қонунийлигини текшириши ва унинг қонунга мувофиқ эмаслигини аниқлагани тақдирда бу ҳақда васиятчига ва васиятномани тасдиқлаган мансабдор шахсга маълум қилиши шарт. Нотариал ҳаракатларни бажаришда нотариуслар мустақил иш кўрадилар ва фақат қонунга итоат қиладилар.

Давлат нотариуси фуқароларнинг ва ташкилотларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишларида уларга ёрдам кўрсатади ва шу билан бирга фуқароларнинг қонундан беҳабарликлари ва шу сингари бошқа ҳолатлар уларнинг зарарига қаратилмаслиги чорасини кўради.

Нотариус нотариал ҳаракатни бажариш вақтида айрим мансабдор шахслар ёки фуқаролар томонидан қонунчилик ёки жамият қоидалари бузилганлигини ёки жамоат ташкилотларининг ишдаги жиддий камчиликлар борлигини аниқласа, шу нотўғриликлар ва камчиликларни йўқотишга қаратилган зарур чораларни кўриш учун бу ҳақда тегишли муассасалар, ташкилотлар раҳбарларига ёки прокурорга хабар қилади.

3-§. Шартномалар ва бошқа битимларни тасдиқлаш бўйича бажариладиган нотариал ҳаракатлар

А. Шахсий мулк ҳуқуқи асосида уй-жой кўриш учун ер майдонларининг берилиши тўғрисидаги шартномаларни тасдиқлаш. Уй-жой кўриш учун ер майдонини муддатсиз фойдаланишга бериш тўғрисида ҳокимият билан иморат кўрувчи фуқаро ўртасидаги шартномани гувоҳлантиришда нотариус иморат кўриш учун ажратилган ер участкасининг плани, агар кўп квартирали уй-жой кўриладиган бўлса, кўрилишни тасдиқланган лойихаси, ер участкасини ажратиш тўғрисида ҳокимиятнинг қарорларидан келтирилган кўчирмаларни текширади.

Якка тартибда уй-жой кўришда турар жой майдонига бўлган ҳуқуқдан маҳаллий ҳокимиятнинг қарори билан қайси фуқарога ва унинг оила аъзоларига ер майдони ажратиб берилган бўлса, фақат шу шахсларгина фойдаланадилар.

Уй-жой кўришда иморат кўрувчи учун бегона бўлган шахсларнинг иморат кўришда қатнашишлари иморатга нисбатан эгалик ҳуқуқини олиш учун уларга асос бермайди.

Уй-жой кўриш учун ер майдонини муддатсиз фойдаланишга бериш тўғрисидаги нотариал гувоҳлантирилган шартноманинг шартларини ўзгартириш, жумладан, иморат кўришда иштирок этиш ва кейинчалик кўрилган уй-жойга шерик бўлиш учун бошқа шахсларнинг жалб этилиши, фақат иморат кўрувчининг розилиги ва ер майдони ажратган ҳокимиятнинг махсус қароригина бўлиши мумкин.

Бундай ўзгаришларга фақат аввалги шартномани бекор қилиш ва унинг ўрнига янги шартнома тузиш ёки аввалги шартномага унинг шартларининг ўзгартирилганлиги тўғрисида хат йўли билан ўзгартирилиши мумкин. Бундай хат ҳокимият бўлимининг вакили ва иморат кўрувчилар томонидан имзоланиши ва нотариал тартибда гувоҳлантирилиши лозим.

Эскирган, хароба ҳолга тушган уй-жойнинг ўрнига янги уй-жой кўриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида шартнома тузиш талаб қилинмайди. Бундай ҳолларда иморат кўриш учун иморатни тиклаш зарурлиги тўғрисида туман ҳокимлигининг қарори, шундай иморатнинг тегишли тартибда тасдиқланган лойихаси ва иморат кўриш учун руҳсат талаб қилинади.

Юқорида кўрсатилган тартибда эски иморат ўрнига янги иморат кўриш учун зарур ҳужжатлар, фақат иморат эгасининг ўзи томонидан ёки эгалари томонидан кўрилганидагина талаб қилинади. Агар эски иморат ўрнига янги иморат кўриш учун уй-жойнинг эгаларидан бошқа фуқаролар қатнашса, ер

участкасини ажратиш тўғрисидаги масала ҳокимиятда ҳал қилинади ва шартномани кейинчалик нотариал тартибда расмийлаштириш талаб қилинади.

Уй-жойлар кўриш учун ер майдонларининг берилиши тўғрисидаги шартномалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идораларининг нотариуслари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги қўлланманинг 37-40-бандларида кўрсатилган тартибда гувоҳлантирилади, масалан:

Шахсий мулк ҳуқуқи асосида уй-жой кўриш учун ер майдонлари бериш тўғрисидаги шартномалар ер майдони ажратиб берилган жойдаги нотариал идораларда тасдиқланади.

Шаҳарларда ва шаҳар типидagi посёлкаларда мулк ҳуқуқи асосида уй-жой кўриш учун ер майдонларини муддатсиз фойдаланишга бериш тўғрисидаги шартномаларни тасдиқлаш чогида нотариуслар фуқароларнинг уй-жой кўришга бўлган ҳуқуқини йўлган солиб турувчи қонунларнинг талабига шартномаларнинг мувофиқлигини текширадilar. Бунда ер майдони кўрувчига бириктириб берилганлиги тўғрисидаги давлат акти ёки ер берилганлиги ҳақидаги қарор текширилади.

Шартномада шахсий мулк ҳуқуқи асосида яқка тартибда уй кўриш учун ер майдонини муддатсиз фойдаланишга бериш тўғрисидаги намунавий шартномада кўзда тутилган барча зарур талаблар кўрсатилганлигини ёки йўқлигини текшириш ҳам зарур.

Давлат ва жамоат эҳтиёжлари тақозоси билан фуқаролардан ер майдонлари олиб қўйилганлиги муносабати билан уларга қаршли иморатлардан кўчириш учун бошқа ер майдони бериш тўғрисидаги шартномаларни гувоҳлантиришда кўрилиш лойихасини тақдим этиш талаб этилмайди.

Уй-жой кўриш учун ер майдонлари бериш тўғрисидаги шартномаларни гувоҳлантириш чогида нотариуслар уй кўрувчиларга Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 212-моддаси мазмунини тушунтирадilar.

Уй-жой кўриш учун ер майдони бериш тўғрисидаги шартнома томонларнинг розилиги билан бекор қилинган тақдирда, нотариусларнинг шартноманинг нотариал идорага бўлган нусхаларига ва реестрга унинг бекор қилинганлиги тўғрисида ёзиб қўяди.

Томонлар (тегишли ҳокимият бошқармаси бўлими ва уй-жой кўрувчилар)нинг уй-жой кўриш учун ер майдони бериш тўғрисидаги нотариал тасдиқланган шартноманинг шартларини ўзгартириш тўғрисидаги шартномаси нотариусга туман ёки шаҳар ҳокимиятларининг шартнома шартларини ўзгартириш тўғрисидаги қарори тақдим этгандан кейин тасдиқланиши мумкин.

Шартнома шартларини ўзгартириш, шартномани бекор қилиш ва унинг ўрнига янгисини тузиш билан ҳам, шунингдек шартнома шартларини ўзгартириш тўғрисидаги алоҳида битим тузиш йўли ҳам амалга оширилиши мумкин.

Б. Уй-жойларни олиш-сотиш, ҳадя қилиш, айирбошлаш, умрбод асраш шарти билан топшириш тўғрисидаги шартномаларни ва бошқа

битимларни тасдиқлаш. Фуқаролар ва ташкилотлар ўртасида тузиладиган шартномалар ва бошқа битимларнинг тўғрилиги ва қонунга мувофиқ бўлишлигини таъминлаш мақсадида баъзи шартномаларнинг, чунончи, уй-жойларни олиш-сотиш, ҳады қилиш, айирбошлаш, умрбод асраш шарти билан топшириш тўғрисидаги шартномаларнинг нотариал тартибда гувоҳлантирилиши талаб қилинади. Бундай тартибнинг ўрнатилиши шартномаларнинг тузилиши факти ва унинг мазмуни масалалари бўйича тарафлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг очиқ-равшан тўғри бўлишлигини таъминлашга ёрдам беради. Тузилган шартномалар юзасидан низо чиққан тартибда битимларнинг нотариал тартибда расмийлаштирилиши шартномани қандай мазмунда тузилганлигини ва бошқа ҳолатларнинг исботлантиришини енгиллаштиради.

Агар нотариал тартибда гувоҳлантирилган шартноманинг нусхаси йўқотилган бўлса, бу ҳолда манфаатдор шахс шартноманинг дубликатини кўрсатиши мумкин. Бинобарин, шартноманинг нотариал расмийлаштирилиши туфайли бир тараф иккинчи тарафнинг манфаатига зарар етказа олмаймиз.

Нотариал тартибда гувоҳлантирилган шартномалар юзасидан тарафлардан бири иккинчисига муайян пул тўлашликка ёки бирон-бир ашёни топширишликка мажбур бўлганлиги маълум бўлса, мажбурият ихтиёрий равишда ижро этилмаганидан нотариусда ижро хатининг олиниши мумкин бўлади.

Уй-жойларни олиш-сотиш шартномаларини ва бошқа баъзи шартномаларни тузишда битимлар албатта нотариал тартибда расмийлаштирилиши талаб қилинади.

Бундан ташқари қонун ҳар қандай битимнинг, шартноманинг ҳам нотариал тартибда расмийлаштирилишига йўл қўяди. Бинобарин ҳар қандай шартномаларни тузишда фуқаролар ва ташкилотлар ўзларининг хоҳишлари бўйича нотариал идорага мурожаат қилиш ўзлари ўртасида тузиладиган битимнинг гувоҳлантирилишини илтимос қилишлари мумкин.

Битимни гувоҳлантиришдан олдин нотариус унинг қонунга тўғри келиш-келмаслигини текширади. Агар битим қонун талабларига мувофиқ келмаса ёки давлат ва жамият манфаатларига атайин хилоф мақсадларда тузилишини аниқласа, нотариус бундай битимни тасдиқлашдан бош тортиши мумкин.

Юқорида кўрсатилганлардан ташқари нотариус битимда иштирок этувчиларнинг ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқатига эгами-йўқми эканликларини текшириши лозим.

Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати ҳақидаги масалани ҳал қилишда унинг фаолиятлари мақсадларига мувофиқ равишда мазкур ташкилотнинг қарори ёки низомнома фаолиятларида кўрсатилган унга тўғри келадиган муайян битимларни (шартномаларни) тузишгагина ҳуқуқли бўлишини назарга олиш керак.

Юридик шахслар битимларни ўз органлари ёки вакиллари орқали тузганликлари сабабли нотариус юридик шахс номидан ҳаракат қилувчи шахсларнинг мансабларини ва ваколатларини текширади.

Битим тузувчи фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати нотариус томонидан амалда текширилмайди. Маълумки, қонун фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқатларининг баъзи ҳолларда суд тартибини челаншини, жумладан, муайян мансабларни эгаллаш, маълум фаолият билан шуғулланиш, маълум жойларда яшаш, ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилишни белгилайди.

Юқорида кўрсатилганлардан фақат ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилишга қаратилган ҳуқуқни чеклаш ҳолатларигина фуқаролик ҳуқуқий битимларини тузишда аҳамиятли бўлади. Агар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахс ёш болаларнинг номидан битим тузишида вакил сифатида қатнашиб, битимнинг гувоҳлантирилиши тўғрисида мурожаат қилса, бундай битимни гувоҳлантиришдан нотариус бош тортади.

Вояга етмаган ёш болалар, шунингдек руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги туфайли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро томонидан битим тузилиши тўғрисида масала қўйилса, бундай фуқаро ўз ишларини ақли расолик билан юргизишликка қобилияти бўлмаганлиги сабабли, нотариус унинг томонидан тузиладиган битимни гувоҳлантиришдан, тасдиқлашдан бош тортиши мумкин.

Муомалага лаёқатсиз фуқаролар номидан битимларни уларнинг қонуний вакиллари, яъни ота-оналари, васийлари, фарзанд қилиб олган шахслар тузишлари мумкин.

Муомала лаёқати чекланган фуқаролар битимларни ўзларининг қонуний вакиллари, чунончи, ота-оналари, фарзанд қилиб олувчилари ва ҳомийларининг розиликларини олиб тузишлари мумкин.

Ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ҳолатда бўлган фуқаролар ҳам, чунончи, каттик маст бўлган ҳолда ёки наркотик моддаларни истеъмол қилганликлари сабабли ўз ҳаракатларининг аҳамиятини билмаган шахслар томонидан тузиладиган битимлар нотариус томонидан гувоҳлантирилмайди.

Уй-жойларни олиш-сотиш шартномаларини гувоҳлантиришда тарафлар нотариусига иморатнинг сотувчисига тегишли бўлишлиги тўғрисидаги ҳужжатни, коммунал хўжалик бўлимининг сотиладиган уй-жойнинг нималардан иборат бўлишлиги ва иморатга ҳеч қандай таъқиқ солинмаганлиги тўғрисидаги маълумот, шунингдек иморат юзасидан боқимандаларининг бўлиш-бўлмаслиги тўғрисида молия бўлимининг маълумоти келтирилиши лозим.

Нотариус сотувчиларга иморатларни олиш-сотиш тўғрисидаги қонунини жумладан, Фуқаролик кодексининг 185-моддасида кўрсатилган қоидаларни, чунончи, бирга турувчи эр ва хотин билан уларнинг вояга етмаган болалари ихтиёрида, улардан бирининг шахсий мулки бўлган ёки уларнинг умумий мулки бўлган фақат биргина уй-жой ёки уй-жойнинг бир қисми бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги қоида тушунтиради. Ўзбекистон Республикасининг давлат нотариал идораларининг нотариуслари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги қўлланманинг 66-бандида белгиланган.

Шартномани гувоҳлантириш тўғрисида нотариус томонидан ёзиладиган хатда мазкур шартнома ҳақиқий саналмаслиги хавфи остида рўйхатдан ўтказилиши учун коммунал хўжалик бўлимига тақдим этилиши лозимлиги кўрсатилади.

Баъзи ҳолларда иморатларни олиш-сотиш тўғрисидаги битимлар фақат тегишли фуқаронинг ёки мансабдор шахсинг розилиги бўлгандагина тузилиши мумкин. Бундай розилик бўлмаган тақдирда, нотариал идора битимни гувоҳлантиришга ҳақли бўлмайди. Чунончи, кўрилиб битмаган уй-жойни бировга ўтказиш тўғрисидаги шартнома фақат тегишли ҳокимиятнинг руҳсати бўлганидагина гувоҳлантирилиши мумкин.

Эр ва хотиннинг умумий мулки бўлиб ҳисобланган уй-жойни сотиш учун иккинчи тараф, яъни сотувчининг эри ёки хотинининг розилиги талаб қилинади. Умумий мулкка бўлган хиссасини сотишда, агар уй-жой эгаларидан бошқа шахсга сотиладиган бўлса, сотувчи мазкур жойнинг сотилиши тўғрисидаги маълумотни бошқа шерик эгаларига маълум бўлганлиги, бу жойнинг сотилиш нархининг ҳам маълум бўлишлиги ва шериклари шу жойни сотиб олишда ўзларининг устунлик ҳуқуқидан фойдаланишни хоҳламаганликлари тўғрисидаги далилларни келтиришлари лозим.

Иморат кўриш учун кредит муассасаларидан, масалан, банкдан қарз олинган бўлса, бундай иморатларни сотиш тўғрисидаги шартномалар фақат тегишли муассасаларнинг ёзма равишда берган розиликлари бўлгандагина тасдиқланиши мумкин.

Агар уй эгаси томонидан асосий иморатга ўзбошимчалик билан кўшимча хоналар кўрилган бўлса ёки мазкур ер майдонида иккинчи уй-жой кўрилган бўлса, нотариал идора уй-жойнинг сотилиши тўғрисида шартномани то қонунсиз кўрилган иморатнинг ёки кўшимча кўрилган иморатларнинг тақдири тўғрисидаги масала ҳал бўлишига қадар тасдиқлашга ҳақли бўлмайди.

Уй-жойларни олиш-сотиш, ҳадя қилиш, айирбошлаш, умрбод асраш шарти билан топшириш тўғрисидаги шартномалар ФКнинг 110, 112, 210, 212, 488-моддаларида юқорида келтирилган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган қўлланманинг 41-59-бандларида берилган қоидаларга мувофиқ равишда расмийлаштирилади.

В. Автотранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномаларни тасдиқлаш. Автомашиналар билан боғлиқ бўлган битимларни гувоҳлантиришда айрим инсофсиз фуқаролар томонидан автомобилларни олиш-сотиш тўғрисида белгиланган тартибни бузишларига нотариал идоралар йўл қўймасликлари керак. Бинобарин, автомашиналарни ҳадя қилиш ва автомашиналарни тасарруф этиш ҳуқуқлари белгиланганлиги тўғрисидаги ваколатномалар умумий қоида бўйича автомашиналарни давлат автомобиль инспекцияси органларида рўйхат қилиниши мумкин бўлган жойларда бўлган нотариал идораларда расмийлаштирилишига руҳсат этилган.

Баъзи ҳолларда нотариуслар автомашиналарни идора этиш ва тасарруф этиш тўғрисидаги ваколатномаларини гувоҳлантиришдан асоссиз равишда бош тортадилар. Ҳолбуки, бундай ваколатномалар машина эгасининг автомашина юритишга ҳуқуқи бўлмаслиги сабабли, саломатлигининг ёмонлиги сабабли

машинани юргизиши мумкин бўлмаганлиги, машина эгасининг узок муддатга командировкага ёки отпусकाга кетиши машинани эса, якин қариндошига ёки танишларига фойдаланиш учун топшириши, шунингдек автомашинага нисбатан бир неча шахслар умумий эгаллик қилсалар ҳам, аммо рўйхатдан ўтказишда умумий шерик эгаларидан фақат бирининг номига қайд қилиниши ва шунингдек, бошқа ҳолатлар бўлганида ваколатнома бериш ва уни гувоҳлантириш зарур бўлади. ҳар ҳолда нотариуслар автомашинани ғайри қонуний равишда сотилиши ёки айирбошлашларига йўл қўймасликлари керак.

Юқорида кўрсатилган ҳолларда ваколатнома машина эгасининг бирон-бир қариндоши номига ёки бегона шахс номига расмийлаштирилишида битимнинг нотариус томонидан қонунийлиги текширилганидан сўнг уч йилгача бўлган муддатда берилиши мумкин (Фкнинг 139-моддаси).

Нотариуслар фуқаролар ўртасида, жисмоний ва юридик шахслар ҳамда юридик шахслар ўртасида қайси мулк шаклида бўлишидан қатъий назар, тузиладиган автотранспорт воситаларини ва бошқа ўзиюрар машина ҳамда механизмларни, уларнинг номерли агрегат ва принципларини олиш-сотиш, ҳады қилиш, айирбошлаш ҳақидаги битимларни тасдиқлайдилар.

Бу шартномаларни нотариал тасдиқлаш жойи тарафлар томонидан танланади.

Фуқаролар томонидан тузиладиган битимларни тасдиқлашда нотариус қуйидаги ҳужжатларни талаб қилади:

а) эгаллик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар (техник паспорти, принциплар учун техник талон, кема билети, кема гувоҳномаси, камерали агрегат ва автомашина қисмлари учун ДАН ташкилоти томонидан берилган белгиланган формадаги маълумотномалар);

б) агар автотранспорт воситаси никоҳ давомида орттирилган бўлса, турмуш уртогининг розилиги;

в) бу битимлар қариндош бўлган шахслар ўртасида тузилаётган қариндошликни тасдиқловчи ҳужжатлар;

г) давлат божини тўлаганлик ҳақида қвитанция.

Агар автомашинани ҳады қилиш тўғрисидаги шартнома шу машинани ҳақиқатан олиниши ва сотилишини яширишга қаратилган бўлса, нотариал тартибда гувоҳлантирилмайди.

Агар битим (масалан, автомашинани бировга ҳады қилиш тўғрисидаги битим) бошқа бир битимни, яъни машинани олиш-сотиш тўғрисидаги битимни яшириш мақсадида тузилган бўлса, у ҳолда тарафлар томонидан ҳақиқатда назарда тутилган битимга оид, яъни автомашинанинги олиш-сотилишига оид қоидалар қўлланилади.

Г. Васиятномаларни тасдиқлаш. Васиятномалар нотариал тартибда гувоҳлантирилган ҳоллардагина ҳақиқий бўлиб ҳисобланади. Васиятномалар васият қолдирувчининг яшаган жойидаги нотариал идорада гувоҳлантирилиши мумкин.

Нотариуслар муомалага лаёқатли фуқароларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилган ва уларнинг ўзлари нотариусга шахсан тақдим этган васиятномаларни тасдиқлайди.

Нотариуслар васиятномани бекор қилиш тўғрисида ариза олинган тақдирда, шунингдек васиятномани бекор қилувчи ёки ўзгартирувчи янги васиятнома олинган тақдирда васиятноманинг нотариусда сақланаётган нусхасига ва нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш реестрига бу хусусда белги қўяди. Васиятномани бекор қилиш ҳақидаги аризага қўйилган имзо нотариал шаходатланиши лозим. Васиятномаларнинг вакиллар орқали гувоҳлантирилишига йўл қўйилмайди.

Фуқаро ўлим ҳолини назарда тутиб, ўзининг мулки тўғрисида фақат муомала лаёқатга эга бўлгандагина буйруқлар қолдиришга, яъни васият қилишга ҳақли бўлади. Ҳар бир фуқаро ўзининг барча мулкни ёки уннг қисмини ҳар кимга, ҳар қандай шахсга, жумладан давлатга ёки давлатнинг айрим ташкилотларига ёки жамоат ташкилотларига васият қилиши мумкин.

Васиятни тасдиқлашдан олдин нотариус ФКнинг 1120-1133-моддаларининг мазмунини васият қилувчига тушунтириши лозим. Мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки муомалага, меҳнатга лаёқатсиз болалари (шу жумладан фарзандликка олинганлари ҳам, шунингдек, мархумнинг меҳнатга лаёқатсиз эри ёки хотини, ота-онаси (фарзандликка олувчилар) ва қарамоғидаги шахслар, васиятнинг мазмунидан қатъий назар, қонун бўйича мерос олганда уларнинг ҳар бирига тегиши лозим бўлган хиссанинг камида учдан икки қисми ҳажмида мерос (мажбурий хисса) оладилар. Мажбурий хиссанинг ҳажмини аниқлаш вақтида оддий уй жихозлари ва рузгор буюмларидан иборат бўлган мерос мулкнинг қиммати ҳам ҳисобга олинади.

Васиятномаларни тасдиқлаш ҳақида батафсил қўлланмада берилган.

Д. Ваколатномани тасдиқлаш. Бир шахс номидан ва унинг ҳисобига унинг манфаатларини кўзлаб вакилликни амалга ошириш учун зарур бўлган ишончнома (доверенность), ваколатномаларни гувоҳлантириш вазифаси ҳам нотариал идораларга юклатилган. Мазкур ваколатномада вакилликнинг ваколоти ҳажми белгиланади ва вакилликнинг чегараси кўрсатилади.

қонун билан назарда тutilган ҳолларда, фуқаролар томонидан бериладиган ваколатнома албатта нотариал идоралар томонидан гувоҳлантирилиши лозим бўлади. Чунончи, мулкни бошқариш (идора этиш) тўғрисидаги, ҳокимият органи ёки мансабдор шахсга нисбатан бирон-бир юридик ҳаракатни қилиш тўғрисидаги ваколатномаларни нотариал тартибда гувоҳлантириш талаб қилинади.

Фуқароларнинг ишларини судда юритиш тўғрисидаги ваколатнома нотариал тартибда гувоҳлантирилиши ёки ишонч қоғози берувчи фуқаронинг хизмат қиладиган муассасаси, корхонаси, ташкилоти томонидан ёки турар жойи бўйича фуқаролар йиғинлари томонидан ёхуд ҳарбий қисм томонидан тасдиқланиши мумкин.

Бошқа ваколатномалар учун оддий ёзма шакл белгиланган. Аммо ваколат берувчининг хоҳиши бўйича ваколатномалар нотариал тартибда ҳам гувоҳлантирилиши мумкин.

Ваколатномалар фақат фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидагина вакилликни амалга ошириш учун брилмасдан, балки бошқа соҳаларда ҳам

юримдик ҳаракатларни қилиш учун, жумладан, пенсияларни олиш учун ҳам нотариуслар томонидан гувоҳлантирилиши мумкин.

Васиятномалар, ваколатномалар, ишончномалар Фуқаролик кодексида, Нотариат қонунда ҳамда юқорида кўрсатилган қўлланмаларда берилган қоидаларга мувофиқ гувоҳлантирилади.

4-§. Эр ва хотиннинг умумий мул хиссасига бўлган ҳуқуқлари тўғрисида гувоҳномалар бериш

Эр ва хотиннинг бирга оилавий турмушда яшашлари даврида орттирилган мулкдан хисса ажратиш тўғрисида эр ёки хотиннинг мулквий ҳуқуқини расмийлаштириш зарурлиги ҳақида масала туғилиши мумкин.

Никоҳ давомида орттирилган мулк қонун бўйича эр ва хотиннинг биргаликдаги умумий мулки бўлиб ҳисобланганлиги сабабли эр ва хотиннинг ҳар қайсиси бирга яшашлари даврида ҳам, бирининг ўлганидан кейин ҳам бундай мулкнинг муайян хиссасига нисбатан эгалик ҳуқуқининг тан олинишини талаб қилишга ҳақли бўлади.

Агар эр ёки хотиндан бири улса, уларнинг биргаликда турмуш қилишлари натижасида орттирилган ҳамма мулк мерос мулки жумласига қўшилмайди. Бу умумий мулкдан ҳаёт бўлган эр ёки хотиннинг хиссаси ажратилиши керак. Мерос қисмининг қолган қисми ворислар ўртасида, шу жумладан, ўлган шахснинг эри ёки хотинига ҳам мерос мулки бўлиб ўтади.

Ҳаёт бўлган эр ёки хотинга унинг умумий мулкидаги хиссасига эгалик ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома бериш нотариал идоралар томонидан қилинадиган юримдик ҳаракатлардан бири ҳисобланади.

Эгалик ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома ҳаёт эр ёки хотиннинг аризасига асосан ва меросни қабул қилган барча ворисларнинг розилиги бўйича нотариус томонидан берилди.

Уй-жойга (уй-жойнинг бир қисмига), квартирага, дала-ховлига, бог ховлиги, гаражга, шунингдек бошқа бинолар, иншоотлар ва иморатларга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома шу мол-мулклар жойлашган ердаги нотариус томонидан берилди.

Агар ҳаёт бўлган эр ёки хотин мархумнинг бирдан-бир вориси бўлса, юқорида кўрсатилган гувоҳнома молия органлари томонидан қаршилиқ кўрсатилмаганида берилиши мумкин.

Мерос қолдирувчининг эри ёки хотини никоҳ давомида орттирилган умумий мулкдаги хиссадан ўзига тегишли мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг берилишини мерос олишдан маҳрум қилинган бўлса ҳам талаб қилиши мумкин.

Турмуш давомида орттирилган умумий оилавий мулкдан хисса ажратиш ва бу хиссага эгалик қилиш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берилиши ҳақида ҳаёт бўлган эр ёки хотиннинг аризасини қабул қилишда нотариус ариза берувчининг шахсини, унинг муомалага лаёқатли бўлишлигини, мерос қолдирган эр ёки хотин рўйхатдан ўтказилган никоҳда бўлган-бўлмаганлигини, шунингдек ворисларни мерос олишга чиқарилган-чақирилмаганликлари, уларнинг меросни

қабул қилган-қилмаганликлари ва гувоҳноманинг берилишига рози бўлган-бўлмаганликлари тўғрисида далилларни талаб қилади.

Агар умумий оилавий мулк жумласида уй-жой бўлса, бу ҳолда нотариус уй-жойнинг мерос қолдирувчига тегишли бўлиши тўғрисида ҳужжат талаб қилинади. Шунингдек мазкур уй-жойнинг ҳажми тўғрисида коммунал бўлимдан ва бу жой тўғрисида солиқлар бўйича қарз йўқлиги тўғрисида молия органидан маълумотлар талаб қилади. Агар мархумдан қолган уй-жойнинг бировга ўтказилишига қаршилик бўлса ва бу тўғрида коммунал бўлимда таъқиқ бўлса, гувоҳнома бундай таъқиқ йўқотилганидан сўнггина ёки мархумнинг қарзларини мулк хиссасини олувчи эр ёки хотинга ўтказилганидагина берилиши мумкин.

Агар мулк хиссасига эгаллик қилиш тўғрисида гувоҳнома сўраган эр ёки хотин мархумнинг бирдан-бир вориси бўлса, бу ҳолда нотариал идора томонидан юқорида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари мархумнинг эри ёки хотинига гувоҳнома берилишига қаршилик йўқлиги тўғрисида молия органининг маълумотномаси ёки хати талаб қилинади.

Нотариал идорага ўзларининг ҳуқуқларининг тасдиқланиши ёки бирон-бир ҳужжатнинг берилиши тўғрисида мурожаат қилувчи фуқароларнинг барчаси ҳам қонундан хабардор бўлмасликлари мумкин. Бинобарин, бундай ҳолларда нотариус уларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун бу ҳуқуқлар ва манфаатларнинг бузилишидан сақланишини таъминлаш мақсадида зарур чораларни кўриши лозим. Чунончи, фуқаро М. жамгарма банкида эри номида бўлган пул суммасига ворис бўлиш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берилишини илтимос қилиб, нотариал идорага мурожаат қилади. Нотариус мазкур жамгарма банкидаги пул суммасининг тегишли хиссасига нисбатан эгаллик ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома олишга ва қолган қисмига нисбатан ворислик ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома олишга ҳуқуқи борлигини тушунтириши керак.

Юқорида айтганимиздек, эр ва хотин ўртасидаги умумий мулк хиссасига бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома ҳаёт бўлган эр ёки хотиннинг ҳуқуқи тўғрисида ҳеч ким низо кўзғатмаган ҳолдагина нотариус томонидан берилади. Агар ҳаёт бўлган эр ёки хотин билан бошқа ворислар ўртасида, шу жумладан, молия органи ўртасида ҳам низо келиб чикса, бу ҳолда иш фуқаролик ишларини юритишнинг умумий коилдалари бўйича суда кўрилиши лозим.

Эр ва хотин ўртасидаги умумий мулк мулк хиссасига бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар бериш ҳақидаги асосий қоидалар Ўзбекистон Республикаси Нотариат қонунининг 62-63-моддаларида кўрсатилган.

5-§. Ижро хатларини ёзиш

Ижро хати қарз ҳужжатида тегишли сумманинг ундирилиши тўғрисида нотариус томонидан берилган буйруқ хати бўлиб ҳисобланади. Нотариус ижро хатини бериш йўли билан қарздорни, уни ихтиёрий равишда бажариши лозим бўлган, аммо бажармаган мажбуриятларини ижро этишга мажбур қилади. Ижро хатлари билан пул суммаларининг мажбурий равишда ундирилиши Ўзбекистон

Республикаси Фуқаролик Процессуал кодекси билан белгиланган тартибда амалга оширилади. Ижро хати мажбуриятни ижро этиш учун асос бўлиб кўрилади.

қарзни низосиз тартибда нотариал идораларнинг ижро хатига биноан ундириб олишга асос бўладиган ҳужжатлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган. Мазкур ҳужжатда кўрсатилган ҳужжатлардан келиб чиқадиган талаблар низосиз талаблар деб фараз қилинади. Бундай талабларнинг низосиз бўлиши-мазкур талаблардан келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатларнинг характери билан, шунингдек қарзларнинг етарли даражада асослангандиқлиги билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган рўйхатдаги талабларнинг низосиз бўлиши ҳуқуқ нормалари билан назарда тутилган. Бинобарин, ижро хати беришда кредиторнинг мазкур талабларининг ҳақиқий бўлиш-бўлмаглиги тўғрисидаги қарздор томонидан низо кўзғатилиши ёки кўзғатилмаслиги нотариусни қизиқтирмайди.

Агар кредиторнинг талаблари тўғрисида қарздор даъво кўзғатилганлиги тўғрисида ҳужжатлар келтирса, нотариус ижро хатини беришдан бош тортиши мумкин. Мазкур ҳолда нотариус томонидан ижро хатининг берилиши ёки рад қилиниши кредиторнинг даъвосини кўриш учун қабул қилишга суд учун асос бўлади.

Ижро хатлари барча ҳолларда қарздорни чақирмасдан берилади ва шу туфайли кредитор ҳуқуқларининг амалга оширилиши ҳам бирмунча осонлаштирилади.

қарздор пул суммасининг ундирилиши тўғрисида нотариуснинг берган буйруғига рози бўлмаган тақдирда ижро хати тўғрисида судда даъво кўзғатишга ҳақли бўлади. Бу ҳолда даъвогарнинг хати бўйича ижро хатига мувофиқ тегишли сумманинг ундирилиши суд томонидан тўхтатилиши мумкин. Бинобарин, бундай ҳолларда суд қарздорни ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилинишини етарли даражада таъминлайди.

Нотариус ижро хатини беришда бирмунча ҳолатларни аниқлайди ва текширади. Чунончи, кредитор томонидан нотариусга топширилган ижро ҳужжати ёки бошқа тўлов ҳужжати Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан тасдиқлаган рўйхатда бўлиш-бўлмаглигини текширади.

Нотариус қарз ҳужжатини топшириш билан бирга ижро хатининг берилиши учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларнинг ҳам топширилган-топширилмаганлигини текширади. Масалан, уй-жой кўрилиш кооперативи аъзоларидан уй-жойнинг сақланиши билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш учун пул суммаларини ундирилишга ижро хатининг олиниши учун кредитор фақат тўланмаган счётигина эмас, балки қарздорнинг ўз зиммасидаги қарзни тўлаш лозимлиги тўғрисида огоҳлантириш хатини, кооператив аъзосининг мазкур огоҳлантиришни олганлиги тўғрисидаги тилхатни ёки унинг бундай тилхатни беришдан бош тортганлиги тўғрисида уйлар бошқармасининг хатини топшириши лозим. Юқорида кўрсатилганлардан ташқари нотариус топширилган ҳужжатлардан қарзнинг дарҳақиқат аниқ бўлиши, ҳужжатларнинг лозим даражада расмийлаштирилган бўлишини

ва ижро хатини олишлиги учун белгиланган муддатнинг ўтказиб юборилмаганлигини топширишга мажбур.

Ижро хати муайян пул суммаларининг олинганлиги ёки ашёнинг топширилганлиги аниқ кўрсатилган нотариал гувоҳлантирилган битимлар юзасидан ҳам берилади. Масалан, нотариус томонидан тасдиқланган қарз шартномаси бўйича фуқаро Б. фуқаро К. дан 200 сум қарз олиб, бу суммани муайян муддатда тўлашга мажбур бўлади. Аммо қарзни тўлаш муддати тўлишига қарамай фуқаро Б. олган пулини қайтармайди. Кредитор К. ўзининг паспорти ва қарз шартномасининг иккинчи нусхасини олиб келиб, мазкур суммани тўлдириш мақсадида ижро хатининг берилишини сўраб нотариал идорага ариза беради. Нотариус фуқаро К. фойдасига олинган қарз суммасини (давлат божи билан) Б.дан ундириш тўғрисида ижро хатини беради. Мазкур ижро хати фуқаро Б.нинг турган жойидаги судга берилиб, мазкур суднинг ижрочиси орқали мажбурий тартибда ундирилади.

Фуқаролардан ташкилотлар фойдасига ижро хатлари бўйича ҳақ ундириш ҳоллари кўп учрайди. ҳар хил ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган қарзлар фуқаролардан ижро хатлари бўйича ундирилиши мумкин. Бундай ҳолларда ташкилотлар тегишли ҳужжатларни нотариусга топширишлари лозим. Масалан, хизматдан бўшатирилган ходимларнинг улар томонидан иш даврида корхонага қарашли мулкни йўқотганликлари ёки бузганликлари туфайли қарзларини белгилайдиган ҳужжатлар ёки ходимларнинг ташкилотлардан кийим ва бошқа нарсалар юзасидан бўлган қарзларини белгилайдиган ҳужжатлар, бундан ташқари агар ходимлар бирон-бир ташкилотга бориб ишлаши тўғрисида шартнома тузиб, бу шартнома юзасидан йўл кира ҳақи, аванслар олган бўлиб, аммо мазкур шартномада кўрсатилган иш жойига бормаган бўлса, шу фактларни белгилайдиган ҳужжатлар нотариусга топширилиши лозим.

Турар жойларни ёки турар жой бўлиб ҳисобланмаган биноларни ижарага олиш шартномаси юзасидан белгиланадиган ҳуқуқий муносабатлар бўйича ижара ҳақи ва коммунал хизматлар тўғрисидаги счётлар (электр энергияси, сув, газ ва бошқалар учун тўланиши лозим бўлган суммаларнинг счётлари), ҳокимиятларга ва бошқа ташкилотларга қарашли уйлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган қарзларни белгилайдиган ҳужжатлар топширилиши керак.

Кредитга сотиб олинган товарлар бўйича қарзлар, кутубхонанинг китобларини йўқотганлик учун ундириладиган қарзлар, интернат-мактабларда, яслилар ва болалар богчаларида болаларнинг тарбияланганликлари учун бўлган қарзлар нотариуснинг ижро хати билан ундирилади. Бундан ташқари ўзаро ёрдам кассалари томонидан берилган қарзлар корхоналар ва ташкилотлар томонидан ходимларга турар жой кўриш учун, турар жойларни капитал таъмирлаш учун ёки хўжаликка моллар олиш учун берилган қарзлар ҳам нотариуснинг ижро хати билан ундирилади. Ижро хати фуқаролар талаби бўйича (фақат талабни амалга ошириши муддати тугаганидан сўнг уч йил утмаган бўлсагина) нотариал идора томонидан берилиши мумкин.

Юқорида айтилган умумий қоидадан баъзи истиснолар қилинади. Масалан, бирон-бир ташкилот ўзига юборилган махсулотларнинг қопларини

қайтаришни кечиктирганида бунинг учун тўланадиган жаримани ундириш тўғрисидаги ижро хати қисқартирилган муддат ичида берилиши мумкин.

Ижро хати қарз ҳужжатининг ўзига ёзилади. Агар бу ҳужжатда буш жой бўлмаса, қарз ҳужжатиға қўшиб қўйилган алоҳида варақаға ёзилади. Ижро хати қарз ҳужжатидан ажратилган ҳолда берилмайди. Ижро хатининг ёзиш қоидалари Нотариат қонунининг 76-80-моддаларида ва юқоридаги қўлланмада берилган.

Ижро хати қуйидаги шартлар мавжуд бўлганида:

1) агар тақдим этилган ҳужжатлар қарздорнинг ундирувчидан қарзи борлигини ёки унинг олдида бошқача тарзда, масалан, қилинган хизмат учун жавобгар эканлигини шак-шубҳасиз исботлайдиган бўлса;

2) агар даъво қўзғатиш ҳуқуқи вужудга келган кундан бошлаб ўтган вақт уч йилдан ошмаган бўлса;

3) агар даъво муддати қонунда бошқача қилиб белгиланган бўлса, бу ҳолда ижро хати шу муддат ичида ёзиб берилади.

Ижро хатини тақдим этиш учун ўтказиб юборилган муддатни тиклаш Фуқаролик Процессуал кодексининг тегишли моддасига мувофиқ амалга оширилади.

Ижро хатида уни ёзган мансабдор шахснинг лавозими, тўла фамилияси, исмининг ва отасининг исмининг бош харфлари, ундирувчининг номи ва манзили, қарздорнинг номи ва манзили, қайси муддат учун қарз ундирилаётганлиги, ундирилиши лозим бўлган пулнинг миқдори ёки талаб қилиб олинishi лозим бўлган ашёлар, ундирувчи тўлаган ёки қарздордан ундирилиши лозим бўлган давлат божининг миқдори, ижро хати ёзилган йил, ой ва кун, ижро хатининг реестрда қайд қилинган тартиб рақами кўрсатилади. Унга ижро хатини ёзган мансабдор шахснинг имзоси қўйилади, давлат нотариал идорасининг муҳри босилади.

Ижро хати юзасидан ундириш ишлари суд қарорларини ижро қилиш учун белгиланган тартибда бажарилади. Агар тарафлардан бири, яъни ҳақ ундирувчи ёки қарздор фуқаро бўлса, бу ҳолда ижро хатини мажбурий ижро қилдириш учун ёзилган кунидан эътиборан уч йил давомида, агар ҳар иккала тараф юридик шахс бўлса ва махсус қонунда бошқача муддат белгиланган бўлса, у ҳолда кўрсатилган муддат давомида тақдим қилиниши мумкин.

6-§. Ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини тасдиқлаш

Ҳужжатларнинг кўчирмалари, нусхалари (копиялари) фуқароларга ҳар хил ҳолатларда зарур бўлиши мумкин. Чунончи, фуқаро ҳужжатни бир неча ташкилотга топшириши зарр бўлганида ёки ҳужжатни бошқа бир жойга юбориши ёки сақлаш учун топширишида, йўқотилиши хавфи кўзда тутилганида ёхуд мазкур ҳужжат кейинчалик фуқаронинг ўзига керак бўлганида ва унинг асл нусхадаги ҳужжатни топшириши мумкин бўлмаганида мазкур ҳужжатнинг кўчирмалари (копиялари) олинishi мумкин.

Давлат ва жамоат ташкилотларига ҳужжатларнинг асли ўрига унинг кўчирмалари камдан-кам топширилади. Масалан, олий ўқув юртига киришда шаходатноманинг кўчирмаси топширилмасдан, балки асл нусхаси топширилиши талаб қилинади.

Ҳужжатнинг асл нусхаси унинг кўчирмасига тўғри келишини нотариус тасдиқлаши кейинчалик бу тўғрида бўлиши мумкин бўлган гумонни йўқотади. Агар нотариус ҳужжатнинг асли матнини, хатини бузиб кўчирма берса, у бунинг учун интизомий жавобгарликка ва баъзи ҳолларда жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкин.

қонун бўйича нотариус давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан берилган ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинггина тўғрилигини тасдиқлайди. Фуқароларнинг хусусий аризалари ва хатларидан олинган кўчирмалар тасдиқлаш учун қабул қилинмайди.

Фуқаролардан келадиган ҳужжатларнинг кўчирмалари фақат икки ҳолдагина агар ҳужжат (масалан, васиятнома) нотариал идора томонидан гувоҳлантирилган бўлса ёки ҳужжатда нотариус томонидан гувоҳлантирилган битимнинг мазмуни ифодаланган бўлса тасдиқланиши мумкин.

Нотариус юридик аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларнинг кўчирмасаларини тасдиқлайди. Бир ташкилот томонидан берилиб, иккинчи ташкилотга юборилиши белгиланган ҳужжатнинг кўчирмаси, агар бу ҳужжатда фуқаронинг шахсий ҳуқуқлари тўғрисида кўрсатма бўлса, чунончи, суд медицина экспертизаси томонидан ёзилиб фуқаронинг қўлига судга топшириш учун берилган ҳужжатнинг кўчирмаси ҳам тасдиқланиши мумкин.

Агар ҳужжат ўзининг мазмуни бўйича қонунга хилоф бўлса ёки қонун билан талаб қилинган шаклда тузилмаган бўлса ёки тегишли ташкилот томонидан берилмаган бўлса, бундай ҳужжат кўчирмаси тасдиқланмаслиги мумкин.

Нотариус ҳужжатнинг кўчирмаси тўғри эканлигини тасдиқлашда унинг асл нусхасида бирон-бир қўшимча ёзилган хатлар, тузатишлар, чизилган сўзлар борлигини кўрсатади.

Агар ҳужжатнинг асл нусхасида унинг мазмунини ўзгартирадиган тузатишлар бўлса ва бу тузатишлар тўғрисида ҳеч қандай изоҳлар берилмаса, нотариус ҳужжатнинг кўчирмасини тасдиқлашдан бош тортиши мумкин.

Паспортнинг кўчирмаси, шахсий гувоҳномалар касабалар уюшмаси аъзолиги билетининг кўчирмалари, шунингдек депутатлик мандати, Республика орденлари ва ёрликлари билан мукофотланиш тўғрисидаги ҳужжатларнинг кўчирмалари тасдиқланмайди.

Нотариус ҳарбий билетнинг ва ҳарбий кумондонликнинг топшириқларини бажарганлик тўғрисидаги ҳарбий хизматчига берилган гувоҳноманинг кўчирмасини, заводлар ва корхоналарга кириш ҳуқуқини берадиган гувоҳнома (рухсатнома)ларни ҳарбий хизматчининг сафарга оид гувоҳномаларининг кўчирмалари, шунингдек махфий ҳужжатлар ва бошқа баъзи ҳужжатларнинг кўчирмаларини ҳам тасдиқламайди.

Қалам билан ёзилган ҳужжатларнинг кўчирмалари ҳам нотариал идоралар томонидан тасдиқланмайди. Агар тасдиқлаш учун келтирилган

хужжатлар бир неча варақларда баён қилинган бўлса, агар унинг варақлари тегишли тартибда тикилиб ракамланмаган бўлса, уни берган ташкилотнинг муҳири билан тасдиқламаган бўлса нотариус томонидан гувоҳлантирилмайди.

Кўчирмалари олинадиган ҳужжатларнинг мазмунида бир-бирлари билан боғлиқ бўлмаган айрим-айрим масалаларгина баён этилган бўлса, нотариус томонидан тасдиқланиши мумкин. Ҳужжатнинг кўчирмасида муайян масалага доир тўла матн бўлиши керак.

Баъзи ташкилотлар фуқаролардан ҳужжатларнинг нотариал тартибда гувоҳлантирилган кўчирмаларининг кераклиги бўлмаса ҳам албатта топширилишини талаб қиладилар. Айрим Республика ва маҳаллий ташкилотларнинг фуқаролардан ҳар хил маълумотлар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатларни талаб қилишда турачиликка йўл қўймаслик, ходимларни хизматга қабул қилишда, аҳолига маиший ва бошқа жиҳатдан хизмат кўрсатишда сарсонгарчиликка йўл қўймаслик чора-тадбирлари ҳақида Президентимиз ўзининг қатор нутқларида кўрсатиб утмоқда.

Баъзи мактабларнинг маъмуриятлари ёки уларнинг болалари биринчи синфга киришида ёки бир мактабдан иккинчи мактабга кўчирилишида боланинг туғилиши тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқлаган учирмаси топширилишини талаб қиладилар. Ҳолбуки, бундай ҳолларда болаларнинг туғилиши ҳақидаги гувоҳномаларни фақат кўриб чиқиш учунгина топширилади. Бинобарин, бу ҳужжатларнинг кўчирмалари, хусунан нотариал тартибда тасдиқланган кўчирмалари топширилиши шарт эмас. 9-синфга утувчи шахслар ҳам, агар укишни ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда ўрта мактабда давом эттирадиган бўлсалар, мактабни 8-синфини тамомлаганликлари тўғрисидаги гувоҳномани кўриб чиқиш учунгина топширадилар.

Пенсия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар асл нусхалари билан топширилиши мумкин бўлганидек, нотариал идораларда, шунингдек туман, шаҳар ижтимоий таъминот бўлимида бевосита тасдиқланган кўчирмалари билан ҳам топширилиши мумкин. Ҳужжатларнинг кўчирмалари ижтимоий таъминот бўлимида тасдиқланиши-пенсияни расмийлаштириш тартибини бирмунча осонлаштиради.

Нотариат қонунининг 65-68-моддаларида ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг, қўйилган имзоларнинг ва таржиманинг тўғрилигини тасдиқлаш тартиби кўрсатилган.

Давлат нотариал идоралари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар идоралари бўлмаган аҳоли яшайдиган пунктларда фуқаронинг шахсий ҳуқуқ ва манфаатларига оид ҳужжатларнинг кўчирмалари тўғрилигини шаҳарчалар, кишлоқлар ва овуллар фуқароларнинг йиғинлари раислари (оксоқоллари) томонидан тасдиқлаб беради, аммо улар олий ва ўрта махсус ўқув юртларини ҳамда ўрта мактабларни тамомлаб чиққанлик тўғрисидаги ҳужжатларнинг нусхаларини тасдиқламайдилар.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув олий органлари томонидан чиқарилган ва фуқароларнинг шахси ҳуқуқ ва манфаатларига доир бўлган актлар нусхаларининг, шунингдек чет тилларда баён қилинган ҳужжатлардан

кўчирилган нусхаларнинг тўғрилиги давлат ва хусусий нотариал идоралар томонидан тасдиқланади.

Ҳужжатларнинг кўчирилган нусхалари ёки олинган кўчирмалари тасдиқланишдан олдин эса нусхасига солиштирилиб, текшириб чиқилади. Учириб, кириб ташлаб янгидан ёзилган, қўшимча қилиб ёзилган сўзлари ва бошқа изоҳ берилмай тузатилган ҳужжат нусхасининг тўғрилигини тасдиқлаш мумкин эмас.

Нусхасини тасдиқлаб бериш учун тақдим қилинган ҳужжатнинг тўғрилигига шубҳа туғдирганида нотариус бундай ҳужжатни олиб қолиб экспертизага юборишга ҳақлидир.

Фуқаро томонидан берилган ҳужжат нусхасини тўғрилигини нотариус тасдиқлаши учун фуқаронинг ҳужжатга куйган имзоси ростлиги нотариал идора, шу фуқаро яшаб турган уй бошқармаси ёки у даволаниб ётган шифохона маъмурияти томонидан тасдиқланган бўлиши шарт.

Нотариус бир тилдан иккинчи тилга таржима қилинган ҳужжатнинг таржимаси тўғри эканлиги тасдиқлайди. Бу ҳолда агар нотариус мазкур ҳужжат ёзилган тилларни билмаса, бундай ҳужжат шахсан нотариусга таниш бўлган таржимон томонидан таржима қилиниши мумкин. Нотариус эса фақат таржимоннинг таржима хатига куйган имзосини тасдиқлайди.

7-§. Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни тасдиқлаш ва нотариус томонидан бажариладиган бошқа баъзи нотариал ҳаракатлар

А. Имзоларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш. Баъзи ҳолларда давлат органларига юридик аҳамиятга эга бўлган бир хил аризалар, кўрсатмалар ва бошқа ҳужжатлар тушиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳужжатнинг айнан шу ҳужжатда кўрсатилган шахс томонидан имзоланганини тасдиқлаш зарур бўлади.

Ҳужжатни кабул қилинишида давлат органи ҳужжатни имзолаган фуқаро чақириш йўли билан ҳужжатдаги имзонинг тўғрилигини ҳамма вақт текшириш имкониятига эга бўлмайди. Чунки фуқаро бошқа жойда яшаганлиги ёки касал бўлганлиги сабабли мазкур ташкилотга боролмаслиги мумкин. Шундай ҳолларни кўзда тутиб, нотариал идораларга имзоларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш вазифаси юклатилган.

Нотариал идоралар, агар ҳужжатнинг мазмуни қонунга хилоф бўлмаса, бу ҳужжатга қўйилган имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлайди.

Агар фуқаролар бирон-бир ҳолатнинг содир бўлганлигини тасдиқлаб ариза ёки бошқа ҳужжатларга имзо чеккан бўлсалар, бу имзоларнинг ҳақиқийлиги ҳам тасдиқланмайди. Чунки бундай ҳужжатларни масалан, бировнинг туғилиши, ўлими тўғрисидаги ҳужжатни махсус давлат органлари, жумладан, фуқароли ҳолати далолатномаларини қайд қилиш (ЗАГС) органларигина тасдиқлай олади.

Ҳужжат фуқаро томонидан нотариус ҳузурида имзоланади. Агар ҳужжат нотариал идорадан ташқари жойда имзоланган бўлса, ҳужжатни имзолаган шахс имзони шахсан ўзи куйганлигини нотариусга тасдиқлаб бериши керак.

Нотариус ҳужжатга имзо куйган фуқаронинг шахсини текширади, имзони тасдиқлаш тўғрисидаги ҳужжатда имзо қилувчи шахсининг фамилияси, имси ва отасининг исми кўрсатилади.

Б. Фуқароларга ва муассасаларга аризалар топшириш. Фуқаролар ёки ташкилотлар ўзлари томонидан берилган бирон-бир аризаларнинг расмий равишда тасдиқланишига манфаатдор бўлсалар, бундай аризалар нотариал идоралар орқали берилиши мумкин. Чунончи, умумий хиссали мулк эгаларидан бири ўз хиссасини сотишни хоҳлаганида бу тўғридаги аризани бошқа шерикларига нотариал идора орқали билдириши мумкин. Аризалар нотариал идорага манфаатдор шахс томонидан уч нусхада берилади. Нотариус аризанинг мазмунига мувофиқ бўлишини текширади ва бу аризада қонунга хилоф ҳеч қандай маълумотлар йўқлигини аниқлагандагина топшириш учун қабул қилади.

Нотариусга топширилган аризанинг нусхалардан бири унда кўрсатилган шахсга топширилади ёки почта орқали юборилади. Иккинчи нусхаси нотариал идорада қолдирилади. Учинчи нусхаси эса (ариза берувчи хоҳласа), мазкур ариза топшириш учун қабул қилинганлигини тасдиқлаб, ариза топширувчининг қўлига берилади.

Нотариус юридик ва жисмоний шахсларнинг аризаларини олиб бошқа жисмоний ва юридик шахсларга топширади. Ариза топширилганлигини маълум қилиш шarti билан почта орқали юборилади ёки бевосита тегишли шахсларга имзо чектириб топширилади. Аризалар телефакс, компьютер тармоклари ва бошқа техник воситалардан фойдаланиб ҳам узатилиши мумкин. Аризаларни узатиш учун техник воситалардан фойдаланишга кетган харажатларни нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраган шахс тўлайди.

Ариза берган шахсининг илтимосига кўра унга аризанинг топширилганлиги ҳақида гувоҳнома берилади (Нотариат тўғрисидаги қонуннинг 73-моддаси).

В. Кредиторга топшириш учун пул суммаларини депозитга қабул қилиш. Агар мажбуриятнинг нарсасини, масалан, пул ёки қимматли қоғозларни кредиторга, унинг бу пул, қимматли қоғозларни қабул қилишдан бош тортганлигини ёки кредиторнинг йўқлиги ёхуд ижрони қабул қилишга рози бўлган вакилнинг бўлмаслиги сабабли топшириш мумкин бўлмаганида-қарздор ўзидан тегишли пулларни ёки қимматли қоғозларни кредиторга топшириш учун нотариал идоранинг депозитига топширилиши мажбуриятининг ижро этилиши тарзида кўрилади.

Қарздор мажбуриятни ижро этиш юзасидан мажбурият нарсасини, масалан, қарз суммасини нотариал идоранинг депозитига топшириши билан мажбуриятнинг ечиктирилиши оқибати учун белгиланадиган жавобгарликдан, масалан, зарарни тўлашдан, неустойка ва фоизлар тўлашдан қутилади.

Нотариус қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда кредиторга топшириш учун қарздорга депозитга пул суммалари ва қимматли қоғозларни қабул қилади.

Нотариус пул суммалари ва қимматли қоғозлар келиб тушганлиги ҳақида кредиторга хабар қилади ҳамда унинг талаби бўйича унга тегишли пул суммалари ва қимматли қоғозларни топширади.

Пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга мажбурият бажариладиган жойдаги нотариус қабул қилади.

Нотариал идоранинг депозитига пул суммалари ёки қимматли қоғозларни топшириш ниятида бўлган қарздор қарзни тўланиши лозим бўлган жойдаги нотариал идорага бу тўғрида ёзма ёки оғзаки ариза билан мурожаат қилишлари мумкин. Аризада ўзининг номи, манзили, мажбурият нарсаи ким учун депозитга қўйиладиган бўлса, шу шахснинг номи ва охирида маълум бўлган манзили, қандай сабаб бўйича пулнинг тўланиши ва қилинган расчётлар кўрсатилади. Бундан ташқари мажбуриятни бевосита ижро этиш мумкин бўлмаслигининг сабаби ҳам кўрсатилади.

Нотариус пул ёки қимматли қоғозларни депозитга қабул қилишда уларнинг қандай асос бўйича депозитга қўйилишини текширмайди. Нотариал идоранинг депозитига пул ёки қимматли қоғозлар куйган шахсга уларнинг қабул қилинганлиги тўғрисида квитанция берилади. Агар қарздор қўлида бўлган қарз ҳужжатига ўзи томонидан пулнинг депозитга қўйилганлиги тўғрисида хат ёзилишини илтимос қилса, нотариус бундай илтимосни қаноатлантириши мумкин. Нотариал идора кредиторни унинг номига пул тушганлиги тўғрисида хабардор қилади ва кредиторнинг талаби бўйича унга мазкур пулни топширади.

Депозитга топширилган пул ва қимматли қоғозларни, уларни топширган шахсга (қарздорга) қайтарилишига фақат кредиторнинг розилиги бўлгандагина ёки суднинг қарори бўйичагина йўл қўйилади.

Депозитга қўйилиб, фуқароларга топширилиши лозим бўлган суммалар ҳамда ташкилотларга топширилиши лозим бўлган суммалар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда сақланади.

Депозитга топширилган ва юқорида кўрсатилган муддатлар давомида талаб қилиб олинмаган суммалар республиканинг давлат бюджети даромадига ўтказилади.

Г. Фуқаронинг ҳаётлиги ва маълум жойда бўлишлигини тасдиқлаш. Нотариал идоралар манфаатдор шахслар илтимослари бўйича уларнинг ҳаётликлари ёки маълум жойда бўлганликлари тўғрисида гувоҳномалар беришлари мумкин. Нотариал идораларга вояга етмаган болаларнинг ҳаётликлари тўғрисида ҳам уларнинг ота-оналарига, фарзанд қилиб олувчиларига ёки васийларига гувоҳномалар берадилар. Бундай ҳолатларнинг тасдиқланиши баъзи ҳолларда, чунончи, алимент олувчи боланинг ҳаёт бўлмаслиги тўғрисида масала кўзғатилганда уни маълум жойда яшашлигини бедарак гойиб бўлган деб топиш ва ўлган деб эълон қилиш тўғрисидаги ариза судда кўрилганида фуқаронинг ҳаётлиги тўғрисидаги маълумотларни етказиб бериш зарур бўлади.

Д. Фотография расмидаги шахснинг нотариус ҳузурда ҳозир бўлган шахсга айнан ухшаш бўлишлигини тасдиқлаш. Нотариал идоралар манфаатдор шахснинг илтимоси бўйича фоторасмдаги шахснинг нотариус ҳузурга келган ва фоторасмда кўрсатилган шахснинг айнан бир шахс бўлишлигини тасдиқлаши мумкин.

Нотариус ҳузурида ҳозир бўлган фуқаронинг шахси унинг томонидан топширилган ҳужжатлар билан солиштириб текширилади. Мазкур нотариал ҳаракатнинг қилиниши фуқаро томонидан бошқа жойдаги давлат ташкилотларига фуқароларнинг аризалари билан биргаликда фоторасмлари топширилишида зарур бўлади.

Е. Далилларни таъминланиши. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича фуқаролик ишининг судда кўрилиши учун зарур бўлган далилларни кейинчалик келтирилиши мумкин бўлмаслиги ёки қийин бўлиши тўғрисида хавфсираган шахс нотариал идорадан далилларнинг таъминланишини илтимос қилиши мумкин. Бундай ҳолларда нотариус гувоҳлардан сўроқ олиш, жойини бориб кўриш, экспертни чақириш йўли билан муайян ҳолатларни аниқлаш чораларини кўради.

Далилларни таъминлаш юзасидан қилинган ҳаракатлар тўғрисида нотариус тегишли акт тузади. Мазкур актда гувоҳларнинг кўрсатмалари, жойнинг урилиши натижасида олинган маълумотлар ёки экспертиза натижаси тўғрисидаги маълумотлар ёзилади.

Далилларни таъминлашда нотариус фуқаролик иши бўйича қатнашадиган ҳар икки тарафни таклиф қилади. Иккинчи тарафни чақирмасдан, далилларни таъминлашликка, фақат кечиктирилиши мумкин бўлмаган ҳоллардагина ёки кейинчалик фуқаролик даъвоси ким томонидан ва кимга қилинишини аниқлаш мумкин бўлмагандагина қилинади. Нотариал идоралар далилларни таъминлаш чораларини фақат фуқаролик иши судда қўзғатилишига қадаргина кўрилади. Агар фуқаролик иши судда қўзғатилган бўлса, далилларни таъминлаш чоралари суднинг ўзи томонидан кўрилади.

Ж. Гаров шартномалари бўйича иморатларга таъқиқ (арест) солиш, хатлаш. Банк томонидан берилган ссудаларнинг ундирилиши ёки таъминлаш нарсаи бўлган ёки гаров нарсаи бўлган иморатларнинг бировларга ўтказилишига йўл қўймаслик мақсадида (бу тўғрида қилинган илтимосга кўра) нотариус иморатларга таъқиқ (арест) солишга, хатлашга ҳақли бўлади. Чунончи, нотариус фуқарога ссуда берган банк, корхона ёки ташкилотнинг илтимосига асосан фуқаронинг иморатига таъқиқ солиши мумкин. Ссуда суммасининг тўла тўланганлиги тўғрисида хабар олингандан сўнг нотариус таъқиқни бекор қилади.

Гаровга қўйилган иморатга таъқиқ (арест) солиш бирон-бир шартномани ижро этилишини таъминлаш мақсадида қилинади. Бу тўғрида иморат жойлашган жойдаги коммунал хўжалик бўлими хабардор қилинади.

З. Ҳужжатларни сақлаш учун қабул қилиш. Ҳужжатларнинг сақланишини таъминлаш мақсадида нотариал идоралар мазкур ҳужжатларни икки нусхада тузилган рўйхат билан сақлаш учун қабул қиладилар. Нотариал идоралар томонидан сақлаш учун кобул қилинган ҳужжатлар рўйхатининг икинчи нусхаси нотариус тилхати билан бирга ҳужжат эгасига қайтарилади.

Ҳужжатларни сақлаш учун қабул қилиш ва уларни қайтариб бериш Нотариат тўғрисидаги қонуннинг 83-84-моддаларида батафсил берилган.

Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни тасдиқлаш ва бошқа баъзи юридик ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги қоидалар Ўзбекистон

Республикаси нотариати тўғрисидаги қонунда ва юқорида кўрсатилган қўлланмаларда берилган.

МУНДАРИЖА

Муаллифдан

БИРИНЧИ БОБ

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИНИНГ ПРЕДМЕТИ, ТУШУНЧАСИ ВА ТИЗИМИ

- 1-§. Фуқаролик суд юритишининг мақсади ва вазифалари
- 2-§. Фуқаролик процесси тушунчаси ва субъектив ҳуқуқларни ҳимоя қилиш шакллари
- 3-§. Ўзбекистон Республикаси процессуал ҳуқуқи тушунчаси ва предмети
- 4-§. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг манбалари ва тизими
- 5-§. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанининг предмети ва тизими

ИККИНЧИ БОБ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИНИНГ ПРИНЦИПЛАРИ

- 1-§. Фуқаролик процессининг демократик принципига асосланиши
- 2-§. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи принциплари тушунчаси ва тизими

УЧИНЧИ БОБ

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИГА ОИД ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР ВА УЛАРНИНГ СУБЪЕКТЛАРИ

- 1-§. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси
- 2-§. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатлари
- 3-§. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши асослари ва мазмуни

ТЎРТИНЧИ БОБ

ФУҚАРОЛИК ЖАРАЁНИДА ТАРАФЛАР

- 1-§. Фуқаролик жараёнида тарафлар тушунчаси
- 2-§. Процессуал иштирокчилик ва унинг турлари
- 3-§. Ишга тегишсиз тарафни алмаштириш
- 4-§. Процессуал ҳуқуқни қабул қилиш (ҳуқуқий ворислик)

БЕШИНЧИ БОБ

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА УЧИНЧИ ШАХСЛАРНИНГ ИШТИРОКИ

- 1-§. Учинчи шахслар тушунчаси
- 2-§. Мустақил даъво қилувчи учинчи шахслар
- 3-§. Мустақил талаблари бўлмаган учинчи шахслар

ОЛТИНЧИ БОБ

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ПРОКУРОРНИНГ ИШТИРОКИ

- 1-§. Фуқаролик процессида прокурорнинг иштирок этиш асослари ва шакллари
- 2-§. Прокурорнинг иккинчи инстанция судида иштирок этиши

ЕТТИНЧИ БОБ

БОШҚА ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ СУДДА ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ, ТАШКИЛОТЛАР ВА АЙРИМ ФУҚАРОЛАРНИНГ ПРОЦЕССДАГИ ИШТИРОКИ

- 1-§. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқарув идоралари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг фуқаролик процессида иштирок этишлари
- 2-§. Давлат бошқарув органларининг фуқаролик процессида иштирок этиш шакллари
- 3-§. Давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

САККИЗИНЧИ БОБ

СУДДАГИ ВАКИЛЛИК

- 1-§. Судда вакиллик қилиш тушунчаси, асослари ва турлари
- 2-§. Судда вакиллик қилувчининг ҳуқуқлари (ваколатлари)
- 3-§. Шартнома бўйича (ихтиёрий) вакиллик

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

СУД ХАРАЖАТЛАРИ ВА ЖАРИМАЛАРИ

- 1-§. Фуқаролик процессида суд харажатлари тушунчаси ва турлари
- 2-§. Давлат божи
- 3-§. Ишнинг судда кўрилиши билан боғлиқ чиқимлар
- 4-§. Суд харажатларини тўлашдан озод қилиш

5-§. Суд жарималари

ЎНИНЧИ БОБ

ПРОЦЕССУАЛ МУДДАТЛАР

1-§. Процессуал муддатлар тушунчаси ва турлари

2-§. Процессуал муддатларнинг тўхтатилиши, узайтирилиши ва тикланиши

ЎН БИРИНЧИ БОБ

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ СУД ВА БОШҚА ИДОРАЛАРГА ТААЛЛУҚЛИЛИГИ

1-§. Тааллуқлилиқ тушунчаси

2-§. Фуқаролик ишларининг қайси органга тааллуқли бўлишлигини белгилаш асослари

3-§. Мехнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг тааллуқлилиги

4-§. Жамоа хўжалиги жамоа хўжаликлараро хўжалиқ низоларига оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг тааллуқлилиги

5-§. Никоҳ ва оилага оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг тааллуқлилиги

6-§. Турар жойига оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг тааллуқлилиги

7-§. Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилишдан келиб чиқадиган низоларни кўриб ҳал этиш

8-§. Прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиши ҳақида

ЎН ИККИНЧИ БОБ

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИНГ СУДЛОВГА ТААЛЛУҚЛИЛИГИ

1-§. Судловлилиқ тушунчаси

2-§. Ҳудудий судловлилиқ турлари

3-§. Қабул қилинган ишнинг бошқа судга ўтказилиши

ЎН УЧИНЧИ БОБ

ИСБОТЛАШ ВА ДАЛИЛЛАР

1-§. Фуқаролик процессида исботлаш ва далиллар тушунчаси.

Исботлаш предмети

2-§. Исботлашдан озод қилиш асослари

- 3-§. Далилларнинг таснифи (классификацияси) турларга бўлиниши, текширилиши ва баҳоланиши
- 4-§. Судда мутахассиснинг иштирок этиши
- 5-§. Далилларни таъминлаш

ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

ДАЪВО

- 1-§. Даъво тушунчаси
- 2-§. Даъвонинг элементлари
- 3-§. Даъвонинг турлари
- 4-§. Даъво қўзғатиш
- 5-§. Бир неча талабларни бирлаштириш ва ажратиш
- 6-§. Жавобгар манфаатларининг ҳимоя қилиниши
- 7-§. Даъвони таъминлаш
- 8-§. Жиноят ишида фуқаролик даъвоси

ЎН БЕШИНЧИ БОБ

СУДДА ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ ҚЎЗҒАТИШ

- 1-§. Судда иш қўзғатиш. Ариза бериш тартиби
- 2-§. Даъво аризаси, ариза ва шикоятларга қўйилган талаблар

ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ СУДДА КЎРИШГА ТАЙЁРЛАШ

- 1-§. Ишларни судда кўришга тайёрлаш ва унинг аҳамияти
- 2-§. Ишни судда кўришга тайёрлашда судьянинг процессуал ҳаракатлари
- 3-§. Суд хабарлари ва чақириклари

ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ СУДДА МУҲОКАМА ҚИЛИНИШИ

- 1-§. Судда ишни кўриш тушунчаси ва унинг аҳамияти
- 2-§. Суд мажлисида иш кўришнинг процессуал тартиби
- 3-§. Иш юритишни тўхтатиш
- 4-§. Иш бўйича ҳал қилув қарорини чиқармай иш юритишни тамомлаш (иш юртишни тугатиш)
- 5-§. Суд мажлиси баёни
- 6-§. Келишув битими

ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ

- 1-§. Суд қарорлари тушунчаси ва турлари
- 2-§. Суднинг ҳал қилув қарорининг моҳияти ва аҳамияти
- 3-§. Ҳал қилув қарорининг чиқарилиши тартиби
- 4-§. Суд ҳал қилув қарорининг мазмуни
- 5-§. Қарорларни тузатиш ва тушунтириш
- 6-§. Ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириши
- 7-§. Ҳал қилув қарорини дарҳол ижро қилиш ва ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлаш
- 8-§. Суд ажрими, уни чиқариш тартиби ва унинг мазмуни

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

СИРТДАН ФУҚАРОЛИК ИШИНИ КЎРИШ

- 1-§. Сиртдан фуқаролик ишларини кўриш тушунчаси ва моҳияти
- 2-§. Сиртдан иш юритиш тартиби

ЙИГИРМАНЧИ БОБ

БУЙРУҚ ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШ

- 1-§. Суд буйруғини чиқариш учун асослар ва унинг мазмуни

ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

НИКОҲДАН АЖРАТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ СУДДА КЎРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

- 1-§. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларни судда ва судсиз кўриш асослари
- 2-§. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларни кўриш

ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

АЛИМЕНТ УНДИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ СУДДА КЎРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

- 1-§. Алиментни ихтиёрий ва келишув асосида тўлаш тартиби
- 2-§. Алиментни суд тартибида ундириш

ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ

ОТАЛИКНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ СУДДА КЎРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

- 1-§. Оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларни қўзғатиш
- 2-§. Оталикни белгилаш тўғрисидаги даъвони қаноатлантириш асослари
- 3-§. Оталикни белгилаш тўғрисидаги ишлар бўйича суд қарорлари

ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ БОБ

МЕХНАТГА ОИД НИЗОЛАРНИ СУДДА КЎРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

- 1-§. Меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ишларнинг тааллуқлилиги ва судловлилиги масаласи
- 2-§. Меҳнат ишларини кўриш муддатлари
- 3-§. Меҳнат ишларида тарафлар
- 4-§. Меҳнат ишларини судда кўришга тайёрлаш
- 5-§. Ишга тиклаш ёки ходимни олдинги вазифасига қўйиш тўғрисидаги ишлар бўйича учинчи шахсларнинг иштироки
- 6-§. Меҳнат ишлари бўйича келишув битими
- 7-§. Меҳнат ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарорлари
- 8-§. Меҳнат ишлари бўйича суд ҳал қилув қарорларининг ижро этилиш хусусиятлари

ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ

УЙ-ЖОЙГА ДОИР ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ИШЛАРНИ СУДДА КЎРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

- 1-§. Уй-жой низолари тушунчаси ва турлари
- 2-§. Ишда иштирок этувчи шахслар
- 3-§. Уй-жой тўғрисидаги низоларнинг тааллуқлилиги ва судловлилиги
- 4-§. Уй-жой тўғрисидаги ишларни судда кўришга тайёрлаш

ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ БОБ

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА БОШҚА ОРГАНЛАР, ШУНИНГДЕК МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ ХАТТИ-ҲАРАКАТИ (ҚАРОР)ЛАРИ УСТИДАН БЕРИЛГАН ШИКОЯТ ВА АРИЗАЛАР БЎЙИЧА ИШЛАРНИ ЮРИТИШ

- 1-§. Идоралар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятларни кўриб ҳал этишнинг умуми тавсифи
- 2-§. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят бериш
- 3-§. Сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш муддати ва тартиби
- 4-§. Нотариал ҳаракатлар ёки бундай ҳаракатларни бажаришни рад этганлик устидан берилган шикоятлар тўғрисидаги ишларни кўриш
- 5-§. Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларидаги нотўғриликларни беглилаш
- 6-§. Прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиши ҳақида

ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ БОБ

АЛОҲИДА ТАРТИБДА ИШ ЮРИТИШ

- 1-§. Алоҳида тартибда кўриладиган ишлар тушунчаси ва моҳияти
- 2-§. Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш
- 3-§. Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш
- 4-§. Фуқароларни муомалага лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш
- 5-§. Мол-мулк (ашё)ни эгасиз деб топиш
- 6-§. Такдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқолган тақдирда улар бўйича ҳуқуқларни тиклаш (чақириб иш юритиш)
- 7-§. Ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ишлар

ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ БОБ

БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ ВА АЖРИМЛАРИ УСТИДАН АПЕЛЛЯЦИЯ ШИКОЯТИ БЕРИШ

- 1-§. Апелляция шикояти бериш (протест келтириш)нинг мазмуни ва аҳамияти
- 2-§. Шикоят бериш (протест келтириш)ҳуқуқини амалга ошириш тартиби
- 3-§. Апелляция (иккинчи) инстанция судида шикоят (протест)ни кўриш тартиби
- 4-§. Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини апелляция судида бекор қилиш, ўзгартириш ёки янги қарор чиқариш учун асослар
- 5-§. Апелляция инстанция судининг ваколатлари
- 6-§. Апелляция (иккинчи инстанция) судининг ажримлари
- 7-§. Биринчи инстанция судининг ажримлари устидан шикоят бериш ва протест келтириш

ЙИГИРМА ТҶҚҚИЗИНЧИ БОБ

БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ ВА АЖРИМЛАРИ УСТИДАН КАССАЦИЯ ШИКОЯТИ БЕРИШ (ПРОТЕСТ КЕЛТИРИШ)

- 1-§. Қонуний кучга кирган суд ҳал қилув қарори, ажримларини қайта текшириш институтининг вазифаси ва моҳияти
- 2-§. Кассация инстанция судининг ажрими
- 3-§. Биринчи инстанция судининг ажримлари устидан кассация тартибида шикоят ва протест келтириш ҳуқуқи

ЎТТИЗИНЧИ БОБ

ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРГАН ҲАЛ ҚАРОРЛАРИ. АЖРИМЛАР ВА ҚАРОРЛАРНИНГ ҚОНУНИЙ, АСОСЛИ ВА АДОЛАТЛИ ЭКАНЛИГИНИ ТЕКШИРИШ

- 1-§. Қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорларини суд назорати тартибида текширишнинг мазмуни ва аҳамияти
- 2-§. Фуқаролик ишлари бўйича ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорларга назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар
- 3-§. Фуқаролик ишларини назорат тартибида кўрувчи судлар
- 4-§. Суд назорати органларида иш кўриш тартиби
- 5-§. Ишни назорат тартибида кўраётган суднинг ваколатлари

ЎТТИЗ БИРИНЧИ БОБ

ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРГАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ, АЖРИМЛАР ВА ҚАРОРЛАРНИ ЯНГИ ОЧИЛГАН ҲОЛАТЛАР БЎЙИЧА ҚАЙТА КЎРИШ

- 1-§. Қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш асослари
- 2-§. Янги очилган ҳолатлар бўйича ишни қайтадан кўриш тўғрисидаги аризаларни топширишнинг процессуал тартиби

ЎТТИЗ ИККИНЧИ БОБ

СУД ҚАРОРЛАРИНИНГ ИЖРО ЭТИЛИШИ

- 1-§. Суд ва бошқа идоралар қарорларининг ижроси - фуқаролик процессининг якунловчи босқичи
- 2-§. Суд қарорларини ижросида иштирок этувчи шахслар

- 3-§. Ижронинг асослари
- 4-§. Ижро ҳужжатларининг мажбурий ижрога топшириш муддатлари
- 5-§. Ижро ишени юритишнинг умумий қоидалари
- 6-§. Қарздорнинг мулки ҳисобига ҳақ ундириш тартиби
- 7-§. Иш ҳақидан ундириш
- 8-§. Ундирилган суммани ундирувчилар ўртасида тақсимлаш
- 9-§. Нафақа ундириш
- 10-§. Бекор қилинган суд ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорларининг ижросини қайтариш

ЎТТИЗ УЧИНЧИ БОБ

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ, ФУҚАРОЛОГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРНИНГ ИШТИРОКИ

- 1-§. Чет эл фуқароларининг ва ташкилотларининг фуқаролик процессуал ҳуқуқлари
- 2-§. Ҳуқуқий ёрдамлар
- 3-§. Чет эл судлари ва арбитражларининг ҳал қилув қарорини ижро этиш

ЎТТИЗ ТЎРТИНЧИ БОБ

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК НИЗОЛАРИНИ ҲАҚАМЛИК СУДЛАРИДА КЎРИЛИШИ

- 1-§. Ҳақамлик суди тушунчаси ва турлари
- 2-§. Ҳақамлик суди томонидан низоларнинг ҳал этилиши

ЎТТИЗ БЕШИНЧИ БОБ

ЎЗБЕКИСТОНДА ХЎЖАЛИК СУДИ (ХЎЛИК НИЗОЛАРИНИ КЎРИШ ТАРТИБИ)

- 1-§. Хўжалик судлари фаолияти тушунчаси ва уларнинг вазифалари
- 2-§. Хўжалик судларининг ташкил этилиши ва тузилиши
- 3-§. Хўжалик судларига тааллуқли низолар
- 4-§. Хўжалик судининг биринчи инстанциясида иш юритиш
- 5-§. Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш
- 6-§. Хўжалик судида ишнинг кўрилиши ва ҳал этилиши
- 7-§. Хўжалик судининг ҳал қилув қарорлари ва ажримлари
- 8-§. Хўжалик судлари чиқарган ҳал қилув қарорларини апелляция инстанциясида қайта кўриш тушунчаси
- 9-§. Апелляция инстанциясида хўжалик ишларини кўриш тартиби

10-§. Қонуний кучга кирган хўжалик судининг қарорларини кассация инстанциясида қайта кўриш тартиби

11-§. Хўжалик судларининг ҳал қилув қарорлари ва қарорларини назорат тартибида қайта кўриш тушунчаси

12-§. Хўжалик низоларини хўжалик судларида янги очилган ҳолатлар бўйича ишларни қайтадан кўриш асослари

ЎТТИЗ ОЛТИНЧИ БОБ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НОТАРИАТ (НОТАРИАЛ ҲАРАКАТЛАР)

1-§. Нотариат тушунчаси ва вазифалари

2-§. Давлат нотариал идораларида ва бошқа органлар томонидан амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар

3-§. Шартномалар ва бошқа битимларни тасдиқлаш бўйича бажариладиган нотариал ҳаракатлар

4-§. Эр ва хотиннинг умумий мул хиссасига бўлган ҳуқуқлари тўғрисида гувоҳномалар бериш

5-§. Ижро хатларини ёзиш

6-§. Ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини тасдиқлаш

7-§. Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни тасдиқлаш ва нотариус томонидан бажариладиган бошқа баъзи нотариал ҳаракатлар